

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2009

Кенг маънода инсонни, умуман кишилик жамиятини маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қадим-қадимдан буюк мутафаккирлар, олиму уламолар, бадий ижод намояндalари комил инсонни тарбиялаш ва шу орқали юксак маънавиятли жамиятни қарор топтириш учун турли-туман ғояларни илгари суриб келганлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятнинг бошқа соҳалари қатори маънавиятни ривожлантиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралиб, бу борада изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Абдурахим Эркаевнинг ушбу китобида маънавият тушунчаси бошқа ижтимоий-фалсафий тушунчалар, категориялар билан қиёсланган ҳолда кенг ва теран таҳлил этилади, маънавиятнинг янги жамият қуришдаги ўрни ва аҳамияти батафсил ёритиб берилади.

Масъул муҳаррир — *С. Шермухамедов*,
Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби

Э78

Эркаев, Абдурахим.

Маънавият ва тараққиёт/ А. Эркаев; Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. — Т.: «Маънавият», 2009. — 480 б.

ББК 87.60

Э $\frac{4702620204-11}{25(04)-09}$

ISBN 978-9943-04-097-7

© «Маънавият», 2009

СЎЗБОШИ

Жамиятни барқарор ва ҳар томонлама мутаносиб та- раққий эттириш барча замонларда энг долзарб муаммо- лардан бири бўлиб келган. Жаҳонда юз берган молиявий инқироз бу масаланинг долзарблигини янада оширди.

Глобаллашув шароитида молиявий инқироз оламшу- мул кўлам олмоқда, илгари кўрилмаган мислсиз иқтисо- дий инқирозга айланиш хавфини туғдирмоқда. Бу хавф- нинг имкониятдан воқеликка айланмаслиги устида жа- ҳоннинг барча давлат раҳбарларию сиёсатчилари, корчалонларию олимлари бош қотирмоқдалар. Агар у юз берса, жаҳон ҳамжамияти тўлиқ фалаж бўлиб қолади. Жаҳонда қарор топган тартиблар, халқаро муносабатлар барбод бўлиб, миллий, минтақавий ва ҳатто жаҳон миқё- сида низолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шусиз ҳам жа- ҳоннинг аксарият мамлакатларида иқтисодий рецессия (камайиш) ва ишсизлар сони кўпайиши кузатилмоқда.

Иқтисодий инқирозлар юзага келиши ва такрорланиб туришининг асосий сабаби, албатта, иқтисодий моделлар- нинг нотакомиллиги, яъни ишлаб чиқаришдаги, тақсимот- даги, товар алмашуви ва савдо-сотикдаги, молия-кредит, суғурта, солиқ ва шу каби иқтисодиёт тармоқларидаги кам- чиликлар, иқтисодиёт тизимининг ички зиддиятларидир. Лекин жамиятнинг барқарор ривожланишига ёки ижти- мой-иқтисодий инқирозлар юзага келишига сиёсий, ҳуқуқий, маънавий омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Аҳолининг дунёқараши, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, ижтимоий ва ижодий фаоллиги, сайловларда ўз манфаатларини яхшироқ ва нисбатан тўлароқ ифода- лайдиган партияларга, номзодларга овоз бериши, давлат ва жамият институтлари устидан жамоат назоратининг ўрна- тилиши ана шундай омиллардандир. Улар жамият маъна- виятининг етуқлигини, миллат савиясини кўрсатади. Иж- тимойий-синфий муносабатлар ҳам фақатгина ҳуқуқий ва демократик жараёнлар ҳосиласи эмас. Уларнинг маънавий жиҳати баъзи ҳолларда ҳуқуқ меъёрларига устунлик қили-

ши мумкин. Турли синфлар, табақалар, қатламлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро масъуллик муҳити ёки уларнинг тескари кўринишлари ва бошқа маънавий омиллар жамият тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорликка белгиловчи таъсир кўрсатади.

Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий онг, туб миллий манфаатларни тор шахсий, маҳаллий, синфий-табақавий ва корпоратив манфаатлардан устунлигини англаш даражаси, эришилган ютуқлар билан қаноатланмасдан, уларга танқидий қараб, тараққиётга, бунёдкорликка интилиш, умуман дунёқараш, оламга ва жамиятга муносабат — маънавият ҳодисаларидир. Шу сабабдан маънавият кенг маънода жамият тараққиётини, шу жумладан иқтисодиёт ривожини белгиловчи омиллардан биридир.

Президент Ислоом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида жамият тараққиётида иқтисодиёт ва маънавиятни бамисоли кушнинг икки қанотига қиёс қилади¹.

Бу жуда ўринли ўхшатиш ниҳоятда теран фалсафий мазмунга эга. Зеро, куш парвоз этиши учун икки қанот бирдай мутаносиб ҳаракат қилиши лозим бўлганидек, жамият уйғун тараққий этиши учун иқтисодиёт ва маънавият ҳам бирдай юксалиши зарур. Иқтисодий қолоқ мамлакат халқ таълимини, илм-фан, адабиёт ва санъатни, матбаачилик ва оммавий-ахборот воситаларини, маданият муассасалари ишини ривожлантира олмайди. Жаҳон билан кам мулоқот қилади. Кўпроқ ўз қобиғига, анъанавий турмуш тарзи ва қарашларига ўралиб, маҳдудлашиб қолади. Иқтисодиёт ривожланиб, моддий бойликлар кўпайса-ю, маънавият таназзулга юз тутса, инсоний ва ижтимоий муносабатларга путур етиб, жамият боши берк кўчага кириб, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бўҳронлар, нафс, ҳасад ва ахлоқсизлик гирдобиди қолади.

Маънавият инсон камолотига, миллат ўзлигини сақлаши, мустаҳкамлашига ва жамиятнинг соғлом тараққиётига хизмат қилади. Маънавиятнинг бундай кенг кўламли вазифалари, қудратли муҳофаза ва яратувчилик кучи

¹ **Ислоом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 67-б.

Ислом Каримовнинг юқорида тилга олинган асарида ҳар томонлама таҳлил этилган. Муаллифнинг «маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак»¹ деган фикри инсон ва маънавият муштараклиги, диалектик боғлиқлигини очиб беради.

Ижтимоийлик ва жамоавийлик, такомилга интилиш инсон табиатининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади ва уларни мустақкамлаш маънавиятнинг асосий мақсадлари ва вазифалари қаторидан жой олган. Юқоридаги мушоҳадалардан хулоса қилиш мумкинки, инсон ва жамият тараққиёти маънавият юксалишини белгилайди, ўз навбатида маънавият юксалиши инсон ва жамият тараққиётига хизмат қилади. Шу сабабдан қўлингиздаги китоб «Маънавият ва тараққиёт» деб аталди.

Маънавиятни юксалтириш учун энг аввало уни ижтимоий ҳодиса ва илмий тушунча сифатида ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу эса маънавиятнинг мавжудлик шакллари, ҳаракатланиш, такомиллашиш, ривожланиш қонуниятларини, жамият тизимидаги ўрни, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқасини, ўзаро таъсирини таҳлил этишни тақозо этади. Ушбу масалалар таҳлилига ва тадқиқига бағишланган фикрларини муаллиф илгари чоп этилган мақолалари ва рисоаларида эълон қилган. Аммо ҳаёт мутасил олға силжиб, ўзгариб бораётир. Мамлакатимиз тез ривожланиб, жамиятимиз янгиланмоқда. Одамларнинг дунёқараши кенгайиб, онги, тафаккури янада ўсди. Ижтимоий ва гуманитар фанларда янги тадқиқотлар пайдо бўлди. Маънавият масалаларини англаш чуқурлашди. Бунда айниқса давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асари жуда катта илмий-маърифий ва илмий-методологик аҳамият касб этди.

Глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак ахлоқий ва эстетик меъёрларни, қарашларни тарбиялашнинг, маънавий-маърифий ишларнинг долзарблиги янада ошмоқда. Чунки жаҳонда ахборот хуружи, оммавий маданият ниқоби остида мафкуравий таҳдидлар кучаймоқда. Турли тажовузкор, бузғунчи ғоялар замонавий ахборот технологиялари орқали бутун

¹ Ўша асар, 29-б.

дунёга тарқалмоқда. Шу боис асл миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш, миллий ва жаҳон маданий меросига, ҳозирги замон ютуқларига тўғри муносабатда бўлиш, танқидий ва мустақил фикр юритишнинг аҳамияти пасайган эмас.

Бугун давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози эртами-кечми хотима топади. Биз инқироздан кейинги давр ҳақида ўйлашимиз керак. Сўнги икки асрлик инсоният тажрибаси шундан далолат берадики, инқироздан чиққан жамият доимо ўзгарган. Ҳеч қачон инқирозгача бўлган ҳолатига тўлиқ қайтмаган, янги босқичга кўтарилган. Жамиятда наинки янги илмий-техникавий, технологик кашфиётлар ишлаб чиқариш ва иқтисодиётга жорий этилган, шунингдек, ижтимоий муносабатлар, тузум, қонунлар ва тартиб-қоидалар такомиллашган ва либераллашган, демократия даражаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги ўсган. Эски камчиликлар, муаммолар ва зиддиятлар бартараф этилган. Улар ўрнига янгилари пайдо бўлган.

Объектив зарурат маънавият масалаларига бағишланган тадқиқотларни ҳозирги кун талаблари, илм-фан ютуқлари, амалиёт тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тўлдириб, умумлаштириб ва ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Албатта, китобда тўпланган мақолалар мустақилликнинг турли йилларида ёзилган. Ўша йилларнинг таъсири, табиийки, фикр, мулоҳаза юритилаётган масалаларнинг у ёки бу жиҳатига муаллиф томонидан берилаётган урғуларда, мақолалар матнида келтирилган мисоллар ва далилларда ўз аксини топган. Масалалардан баъзиларининг жамиятимиз янгиланиши жараёнида долзарблиги бир оз ўзгарди, бошқалари долзарблиги янада кучайди. Аммо, булардан қатъи назар, ҳаётнинг шиддатли оқими ўрганилаётган барча масалаларнинг янги қирралари ва янги муаммоларини очмоқда. Қолаверса, илмий билиш кенгайиб, янги далиллар билан бойиб бориши баробарида чуқурлашиб, бир сатҳдан иккинчисига, ундан учинчисига ва ҳ.к. ўтишга интилади.

Шу боис муаллиф ушбу китобда илгари эълон қилган рисоаларида билдирилган асосий фикрларни жамлаб, қисман қайта ишлаб, янги фикрлар билан бойитиб, нашр этишга журъат қилди.

Энди бу ёғи китобхон ҳукмига ҳавола.

І ҚИСМ. МАЪНАВИЯТ ИЖТИМОЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

«МАЪНАВИЯТ» ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ТУЗИЛМАСИ ВА ИЖТИМОЙ ВАЗИФАЛАРИ

Маънавият Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг иқтисод билан бирга устун йўналишларидан ҳисобланади. «Халқнинг маънавий руҳини мустақамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир», — деб таъкидлаган эди мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ислом Каримов. Ўз фикрини яна давом эттириб у: «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир», деб баҳо беради¹.

«Маънавият» расмий ҳужжатларда, илмий адабиётларда, матбуотда тобора кенг қўлланилишига қарамасдан, у илмий тушунча сифатида алоҳида махсус ва атрофлича кейинги йилларда ўрганила бошланди.

Ҳаттоки совет даврида ўзбек тилида чоп этилган «Философия луғати»да бу тушунчага ўрин ҳам берилмаган. Ваҳоланки, «маънавият» ва унинг ўзагидан ясалган «маънавий» тушунчаларининг қўлланилиш доираси кескин кенгайиб, уларнинг луғавий ва терминологик мазмунлари шунчалик бойиб бормоқдаки, бу маънавиятни алоҳида илмий тушунча сифатида ўрганишни, унинг маданият, онг, тафаккур, дунёқараш, руҳият ҳамда бадий, сиёсий, ахлоқий қадриятлар ва ҳ. к. тушунчалар тизимидаги ўрнини аниқлашни, улар билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИ ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДА ФАРАЗ

Маънавият тушунчаси жуда кенг мазмунга эга. Чунки бу тушунча узоқ тарихий даврдан ривожланиб келган. Унинг атама сифатида шаклланишига ислом фалсафаси, илоҳиёт фани — калом, кейинчалик, айниқса, тасаввуф катта таъсир кўрсатган.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-китоб, Т., 1996 йил, 80–81-бетлар.

Кундалик ҳаётда «маънавият» кўпинча инсоннинг ва жамиятнинг моддий ишлаб чиқаришга бевосита оид бўлмаган ақлий фаолияти маҳсулотларига (маънавий маданиятига) ҳамда ахлоқий, диний қарашларга ва иймон-эътиқод амалиётига нисбатан ишлатилади. Рус тилида бизнинг «маънавият»га «духовность» тушунчаси мос келади. Лекин «духовность» ўзбек тилига айнан ағдарилса, «маънавият» эмас, «руҳият» ёки «руҳоният» бўлади. Фарб тилларида ҳам бу тушунчани ифодалайдиган атама «руҳ» ўзагидан ясалган.

Бизнинг тилимизда бу тушунчанинг дастлабки шаклланишиёқ рус ва Европа тилларидагига нисбатан бошқача кечган.

«Духовность» асосида «дух» тушунчаси ётибди. «Дух» яҳудий ва христиан анъаналарига кўра икки мазмунда қўлланилади: 1) руҳ ва 2) нафас. Ҳар икки мазмун ҳам Худога бориб тақалади. Худо одамни яратгандан кейин, унга пуфлаб руҳ, яъни жон ато этган. Демак, руҳ — бу Худонинг нафаси — инсоннинг жони, ички дунёси, қалби. Тавротнинг 2-боби 7-оятда шундай дейилган: «Худованди карим ернинг тупроғидан одам ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди»¹.

Худонинг ўзи ҳам руҳ сифатида воқеъ бўлиши мумкин (христианларда Худонинг уч шамойилидан бири руҳдир): Тавротнинг 1-боби 2-оятда ўқиймиз: «Ер ҳали шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғилик ҳукм сураб эди. Худонинг руҳи эса сув юзида парвоз этар эди»². Шу боисдан христианларда инсон ҳайвондан фарқли ўлароқ нафақат юракка, балки қалб (душа)га ҳам эга, дейилади.

«Духовность» инсонда «Худонинг учқуни», ҳайвонот оламида учрамайдиган, унга Худо ато этган фазилатлар — онг, тафаккур, иймон-эътиқод, ахлоқ ва муҳаббат (ишқ)-дир. Инсон тафаккурига хос бўлган ижодкорликка, умуман инсоннинг иқтидорига, истеъдодига, инсоний интилишларию эҳтиёжларига «духовность» деб қаралган. Балки, шунинг учун бўлса керак, материалистик фалсафа «духовность» ўрнига кўпроқ «духовная культура» (маънавий маданият) ва «сознание» (онг) тушунчаларини ишлатади.

¹ Инжил. Тавротдан Ибтидо. Забур. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992 й.

² Ўша асар.

Бизнинг тилда «духовность» атамаси «руҳият» эмас, «маънавият» деб шаклланган. Нега шундай бўлган? Ваҳоланки, исломда ҳам яҳудий ва христиан динларидагидек, мазмунга яқин қўлланиладиган руҳ тушунчаси мавжуд. Куръоннинг ал-Исро сураси 85-оятда шундай дейилади:

«Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигор биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир»¹.

Яъни руҳнинг моҳияти илоҳий бўлганлиги учун, уни ҳатто пайғамбар ҳам тушунмайди. Одамий зотлар фақат руҳ мавжудлигини, бу руҳни Аллоҳ ато этганини биладилар, холос. Айни пайтда тор диний йўналишда мулоҳаза юритилганда, ислом, хусусан, тасаввуф атамалари орасида «руҳоният» тушунчаси юқоридаги мазмунда қўлланилган. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр»ида ўқиймиз:

Чун риёзат рафъ этиб руҳоният,
Салб бўлғоч кимсадин нафсоният.
Қолмағай руҳониятдин ўзга ҳеч,
Сен тахаллуфдин бу маъни ичра кеч².

Навоий бу ерда «руҳоният» тушунчасини инсонга хос асл фазилатларнинг намоён бўлиши, у ўзини ҳайвон билан яқинлаштирувчи нафсониятидан воз кечганида, уни Худо билан бирлаштирувчи фаол, имкониятлари воқеъ бўлган руҳи, инсоннинг ҳаққа восил бўлган ички руҳий олами мазмунида ишлатмоқда.

Демак, ислом оламида маънавият тушунчасининг шаклланиши яҳудий-христианларда мазкур атама шаклланишига таъсир кўрсатган омиллардан бошқача омиллар таъсирида кечган ва анъанавий асосининг тор тафаккур доирасидан четга чиққан.

Фарбда «духовность» (маънавият) ҳанузгача кўпроқ диний мазмунда ишлатилади. «Тафаккур» журналининг 1996 йил 1-сонида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро мухбир билан суҳбатда шундай дейди: «Аммо бизда маънавий жиҳатдан қашшоқланиб қолишдан қўрқув ҳисси ҳам йўқ эмас. Маъ-

¹ Куръони карим. Т., 1992 йил, «Чўлпон» нашриёти.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Асарлар, XV томлик. XI том. Т., 1966 й., 217-б.

навий қашшоқлик баъзан диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини тушуниб етмасликдан пайдо бўлади»¹.

Кўриниб турибдики, «маънавият» АҚШда (бутун Фарбда) биздагидек кенг музунда қўлланилмайди.

Русларда «духовенство» (руҳонийлар, дин пешволари) ва «духовность» тушунчаларининг бир ўзакдан ясалгани ҳам бежиз эмас. Фарб тилларидан фарқли ўлароқ совет даврида рус тилида (бошқа собиқ совет халқлари тилларида ҳам) «духовность» (унинг эквивалентлари) дастлабки мазмунини ниҳоятда кенгайтирди ва асосан дунёвий тушунчага айланди. Диний мазмун энди бу тушунчанинг кўплаб мазмунларидан биридир, холос.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида атама мазмуни кенгайиб ва чуқурлашиб боради: моддийликка кирмайдиган барча ижтимоий ҳодисалар мажмуи «маънавий маданият» деб аталди. Булар — илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, таълим-тарбия, оммавий ахборот ва тарғибот, мафкура, урф-одатларнинг мафкура ва эътиқод билан боғлиқ жиҳатлари ва шу қабила. Бундай кенг талқиндаги «маънавий маданият», табиийки, «маънавият» тушунчасини бойитди.

Бизнинг тилимизда, умуман ислом оламида «маънавият» атама сифатида (сўз сифатида эмас) қандай шаклланди, деган савол туғилади. Ушбу масала юзасидан ўз фаразларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

«Маънавият» тушунчаси келиб чиқишига кўра икки ўзакка бориб тақалиши мумкин. Биринчи фараз — бу тушунча арабча «маъна» (маъно, маъни) негизидан ҳосил бўлган.

Илк ислом илоҳиётчиларидан ва файласуфларидан бўлмиш муътазилийлар — Ҳасан ал-Басрийнинг шогирдлари Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд — Куръонни шарҳлаш илмига, яъни «илм ат-тафсир»га асос солдилар. Уларнинг таълимоти — калом — бир неча қисмларга бўлинади: борлиқдан аввал ҳақидаги таълимот — қумун, атомлар ҳақида — жавҳар ал-фард, сабабий боғланиш ҳақида — таваллуд, моҳият ҳақида — маъно ва ҳ. к. Шундай қилиб, нарса ва ҳодисаларнинг, жараёнларнинг, табиат ва жамият, ҳаттоки, Ху-

¹ «Тафаккур журнали». 1996 йил, 1-сон, 39-б.

донинг моҳияти ҳақидаги таълимотни улар «маъна» деб атаганлар¹. Муътазилийлар Аллоҳ ўз бандасига ўхшаб кўриш, эшитиш, гапириш хусусиятларига, жисмий тузилишига эга бўлиши мумкин эмас, бу Худонинг муштараклиги ва яккалигига – тавҳидия талабига зиддир, деб чиқдилар.

Масаланинг бу тартибда қўйилиши мулоҳазаларни Аллоҳнинг жисман ёки турлича моддий воқе бўлиши мумкинлиги устида олиб бормасдан, балки унинг қароматлари, марҳаматлари, иноятлари, ҳидоятларини қандай тушуниш кераклиги ҳақида олиб боришга, умуман илоҳий ҳодисотларнинг маънавияти соҳасига кўчириш имкони яратди.

Муътазилийлар илк бор исломда қадимги юнон фалсафаси ва мантиқнинг услубларини қўлладилар ҳамда ислом фалсафасининг кўплаб атамаларига, шу жумладан, маънавият тушунчасининг ўзаги «маъна»га атама сифатида асос солдилар.

Иккинчи фараз – маънавият, унинг ўзаги «маъна» ҳам, қадимги ҳинд фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлмиш «маънас» тушунчасига бориб тақалиши мумкин, яъни араб тилидаги «маъна» унинг таъсирида мазмунини кенгайтирган бўлиши мумкин./

Бугунги кунда фан жуда узоқ ўтмишда қадимги Ҳиндистон маданияти Миср, Бобил, ҳет, хуррий, сомиё халқлари (яхудий, оссурий, аккад, оромий ва араб), юнон маданиятлари билан алоқада бўлганлигидан шубҳаланмайди. Геракл тўғрисидаги асотирларга яҳудийларнинг Самсон тўғрисидаги асотирлари таъсир этганлигини, у эса ўз навбатида шумерларнинг (Билгамес) Гелгамиш ва Энкиду тўғрисидаги эпосидан айрим элементларни олганлиги ҳақида илмий адабиётларда гапирилади². Шумерларнинг асотирлари ва Гелгамиш тўғрисидаги эпоси Яқин Шарқ халқлари маданиятига чуқур таъсир этган. Эпос аккад, ҳет ва хуррий тилларига таржима қилинган³. Рим шоирлари Гелгамиш тўғрисида шумерлардан кейин

¹ Қаранг: Философский энциклопедический словарь. М., 1983, 391-б.

² С. Н. Крамер. Мифология Шумера и Аккада – «Мифология древнего мира». М., 1977, 129 –130-бетлар.

³ Мифы народов мира. Энциклопедия. Т. 1, М., 1961, 302–303-бетлар.

ҳатто икки минг йил ўтгач ҳам асарлар битганлар¹. Дунёни сув босганлиги — тўфон тўғрисидаги маълумот ҳам Яқин Шарқда илк бор шумер асотирларида ҳамда Гелгамишга бағишланган эпосларда учрайди².

Кейинги йиллар тадқиқотлари Яқин Шарқ асотирларининг айримлари энг қадимги ҳинд асотирлари билан (ведаларгача давр) умумий илдизга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ҳарқолда уларда ўзаро муштарак элементлар мавжуд. Масалан, тўфон тўғрисидаги асотир ҳиндларда ҳам мавжуд. Гелгамиш ва Энкиду образларига ўхшаш образлар бор. Қадимги юнон философиясида оламнинг моддий асосини ташкил этувчи тўрт унсур — тупроқ, сув, ўт, ҳаво ҳақидаги таълимот ҳам илк бор ҳинд фалсафасида вужудга келган. Масалан, «Брихандаранка» (IV—4,5) ва «Чхадогья-упанишада» (VII, 7, 1)да икки жуфт унсурлар: осмон, ҳаво, ер, сув-олов (ўт) ҳақида гапирилади³.

Умуман, дастлабки ҳинд фалсафий қарашлари акс этган Ведалар юнон ва араб фалсафасига нисатан 1—2 минг йил қадимроқ (гап уларнинг ёзиб олиниши устида эмас, вужудга келиши устида кетяпти). Шу боисдан уларнинг айрим тушунчалари, табиийки. Яқин Шарқ халқлари томонидан ўзлаштирилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ва, аксинча, Яқин Шарқда вужудга келган айрим ғоялар Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда ҳам тарқалган. Айрим олимлар шумер асотирларидаги баъзи элементлар Яқин Шарқдан Ҳиндистонга борганлигини фараз қиладилар⁴.

Узоқ даврлардан Ҳиндистон, Миср, Эрон, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, қадимги Юнонистон ўртасида алоқалар мавжуд бўлган. Айниқса, Искандар Зулқарнайн Ҳиндистонни босиб олгач, бу минтақалар ўртасидаги алоқалар янада кучайди. Қадимги шумерларнинг I — Ур сулоласи даврига оид Пуаби қазилмаларидан (эрамызгача 2,5 минг йил) археологлар Ҳиндистон ва Бадахшондан келтирилган тилла буюмлар ва қимматбаҳо тошларни топганлар.

Шумерларнинг ва Ҳиндистоннинг Мелахи (Мелухха)

¹ Мифы народов мира. Энциклопедия, т. 1, М., 1961, 302—303-бетлар.

² С. Н. Крамер. Ўша асар ва манба, 145-б. ва Мифы народов мира т. 1, 303-б.

³ Қаранг: Упанишада. М., 1966 й.

⁴ П. А. Гринкер. Две эпохи литературных связей. Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. М., 1971 21-б.

портлари орасида кема қатнаган¹. Ривоятларга кўра, Пифагор Ҳиндистонда (б. э.гача 6-аср), Платон Мисрда бўлган, Сехнуфис исмли қоҳин билан қурган суҳбатлари асосида айрим асарларини битган².

Қадимги Ҳиндистон, Бобил ва Миср ўртасида эса маданий ўхшашликлар шу даражада кўпки, улар тасодиф бўлиши мумкин эмас. Ҳинд маданиятининг Ўрта Осиё ва Эрон маданиятлари билан яқинлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Уларнинг ўзаро алоқаларини энг қадим даврдан бошлаб исботлаш мумкин. Ҳиндистон ва Яқин Шарқ ўртасида ёзма манбаларда акс эттирилгандан ҳам аввал маданий алоқалар ўрнатилган деб ҳисоблашга тўла асос бор. XIX асрнинг 80-йиллари охирида рус олими Л. Ю. Шредер пифагоримизнинг манбалари ҳинд брахман-қоҳинларнинг мистик-математик таълимотига бориб тақалишини жуда ҳам ишонarli исботлаган³. Аммо Фарба ҳукм суриб келган европоцентристик қарашлар шарқ ва фарб маданий алоқаларини ҳолисона ва чуқур ўрганишга бизнинг кунларгача имкон бермади.

Ҳинд ва араб маданиятларининг, тилларининг ўзаро алоқалари ва таъсири ҳам чуқур ва ҳар томонлама ўрганилгани йўқ. Аммо мавжуд адабиётлардан бу алоқаларнинг анча узоқ муддатли ва самарали бўлганлигини биламиз.

Илк ислом илоҳиётчиларидан бўлмиш ҳаммарийларнинг қарашлари очиқдан-очиқ ҳинд таълимотларига бориб тақалади. Улар исломга баъзи ҳинд ғояларини кириштишга уринганлар. Масалан, жоннинг (руҳнинг) кўчиб юриши ғояси ёки гуноҳкор бандаларни гўёки Худо маймун ва чўчқалардан яратиши ва ш.к.⁴

«Айрим соҳаларда — тиббиёт ва риёзиёт кабиларда — улар (араблар — А. Э.) кўп нарсани Ҳиндистондан ўргандилар. Бағдодга кўплаб риёзиётчи олимлар келарди. Кўплаб араб талабалари Шимолий Ҳиндистондаги тиббиётга их-

¹ История Древнего Мира. Ранная древность, М., 1982, 59-6.

² Қаранг: С. Я. Шейнман-Топштейн. Платон и ведийская философия. М., 1978, 8-6.

³ Л. Ю. Шредер. Пифагор и индийцы. — В «Журнал Министерства народного просвещения», 1888, № 10.

⁴ Е. Э. Бертельс. Избранные произведения. Суфизм и суфийская литература. М., 1965, 21-6.

тисослашган, ўзининг буюклигини сақлаб қолган Такшашила дорилфунунига борар эдилар. Тиббиёт ва бошқа соҳалар бўйича китоблар санскритдан араб тилига таржима қилинар эди», — деб ёзган Жавоҳарлаъл Неру¹.

Муътазилийлардан айримлари ҳам ҳинд фалсафасидан бахраманд бўлганлар. Масалан, муътазилийлар таълимотининг йирик вакилларида бири Абу Исҳоқ ан-Наззам (IX аср) ҳинд софистлари — «суманийя»лар билан ёшлигидан доимий мулоқотда бўлган².

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, дастлабки ислом илоҳиётчилари нафақат яҳудий ва христиан ақидаларини, шунингдек, ҳинд диний-фалсафий қарашларини ҳам анча-мунча билишган. Бу ҳинд диний-фалсафий таълимотларининг баъзи бир тушунчалари ислом илоҳиёти — калом тушунчалари шаклланишига ўз ҳиссасини қўшганлиги эҳтимолини инкор қилмайди.

Худди шундай, биз бугунги кунда кенг қўллаётган «маънавият» тушунчаси шаклланишига, унинг ўзаги «маъна»га «маънас» тушунчаси ўз ҳиссасини қўшганлиги мантиққа зид эмас.

Маънас санскрит тилида «ақл» дегани. Қадимги ҳинд фалсафасининг арконий тушунчаларидан бири сифатида у онгнинг барча кўринишлари, барча ҳолати ва барча фаолияти — ақлнинг, фаҳм-фаросат, ҳиссиёт, туйғулар, сезгиларнинг, ироданинг ва ҳ. к.нинг манбаидир. У танга оид ҳисобланади, тана билан бирга пайдо бўлади ва ўлади. Маънас, «Ригведа»га биноан, юракда жойлашган³.

Маънас айнан ҳиндлар ишлатган шаклда Ўрта Осиё ва Эронда ҳам қўлланилган. «Фарҳанги забони тожики» луғатида маънас — маҳалли унсу улфат — дўстлар ва улфатлар жойи, деб талқин қилинган ва Румийнинг қуйидаги байти келтирилган:

Қасрҳо худ мар-шоҳонро маънас аст,
Мурдaro хону макон гўре баст аст⁴.

¹ Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. 1. М. 1989, 215-б.

² Е. Э. Бертельс. Ўша асар, 23-б. Яна қаранг. А. Н. Закуев. Философия ан-Наззама. Баку, 1961 й.

³ Философский энциклопедический словарь, 337-б.

⁴ Фарҳанги забони тожики. т. 1, М., 1969 й., 665-б.

Мазмуни: Агар шоҳлар учун қасрлар дўсту ёр жойи бўлса, ўликлар учун эса хону макон гўрдир.

Бу ерда Румий сўфиёна ғояни ифодаламоқда. Маънас дўсту ёр, яъни Худо яшайдиган жойдир. Ваҳдат-ул-вужуд таълимотига кўра, Худо ҳар бир инсоннинг қалбида мавжуддир. Демак, маънас бу байтда қалб маъносида ишлатилмоқда. Шоҳлар деганда ниятлари улуғ, сахий, орзу-ҳаваслари ҳаққа қаратилган, ўз нафсу ҳирсини жиловлаб олган комил инсонлар назарда тутилмоқда ва уларнинг қалби қасрга ўхшатишмоқда. Ўликлар деганда ўз нафсу ҳирсининг қурбони, ҳеч ишга рағбатсиз, лоқайд, бепарқ кишилар назарда тутилиб, уларнинг орзу-ҳаваслари кўмилган қалблари қабрга қиёсланмоқда. Ўз навбатида қаср ҳам, қабр ҳам маънасининг мажозий ифодасидир. Шундай қилиб, Румий диний-мистик пантеизм ғоясини олға сурмоқда. Румий маънас тушунчасини «маъно» мазмунида эмас, кўпроқ маънавият, яъни инсондаги илоҳийлик макони, манбаи мазмунида мажозий образ сифатида ишлатилмоқда.

Ҳинд фалсафасининг турли оқимларида ва буддизмда кейинчалик маънас турлича талқин этилган. Лекин асл мазмунидан унча йироқлашмаган.

Дарвоқе, атаманинг «маънавият» шакли ҳам Жалолиддин Румий туфайли оммалашган. Унинг «Маснавийи маънавий» асари Яқин Шарқ, Эрон, Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистонда машҳур бўлган.

Румийда маънавият сўфийлик таълимотининг асосини ифодалайди. Румий тушунчасида маънавият ҳақ, ҳақиқат моҳияти. Унга инсон нафсдан қутулиб, ўзликдан кечиб, фано орқали етишади, у билан бирлашади. Демак, маънавият, сўфийча талқин қилинса — бу шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг инсон онгида, ҳиссиётида ҳамда иродасида муштараклик касб этишидир.

Алишер Навоийда ҳам биз бу атамани сўфийлик таълимоти синоними сифатида учратамиз:

Мунда фоний бўлмаи иш бўлмас тамом,
Фоний ондин топти назмим ихтимом.
Ҳар бу дафтар ичра Шайхи маънавий,
Ким демиш қушлар тилидин маснавий...

Гарчи бу икки таносиб ёр эди,
Назмима бу тахаллус бор эди¹.

Кўриниб турибдики, Навоий «Шайхи маънавий» деганда Атторнинг сўфийлик таълимотини назарда тутмоқда.

Кейинчалик «маънавият» сўфийча таълимотни эмас, балки инсоннинг оламга муносабатини, ижодкорлик қобилиятини, илмий, фалсафий, ахлоқий, бадиий, диний қарашларини — умуман кенг маънодаги ақлий ва ҳиссий дунёсини, иродасини ифодалай бошлади.

«Фарҳанги забони тожики»да (1-т.) «маънавият» ва «маънавий» кишининг ички фикрий ва руҳий олами ёки унга оид, моддийликнинг муқобили сифатида талқин қилинади².

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да маънавийнинг иккинчи мазмуни «ахлоқий» деб берилган³. Шубҳасиз, бу мазмунлар ҳам «маъно» мазмунидан кенгроқ бўлиб, кўпроқ «маънас» мазмунига яқиндир.

Ҳозирги замон араб тилида маънавият нафақат «маъно»га оид мазмунда, шунингдек, «ахлоқ», «руҳ», «шахснинг ҳуқуқий мақоми» мазмунларида ҳам ишлатилиб келинмоқда. Амалий қўлланишининг серқирралиги уни «маъна»дан кўра «маънас»га яқинроқ қилади. Арабча-русча ва Русча-арабча луғатларда «маънавиййа» — мазмунга оид, мавҳум, «духовный, моральный», юридик ҳуқуққа эга бўлган жисмоний шахс (шахсиятун маънавиятун), маънавиййа — (қўшиннинг) руҳий ҳолати каби мазмунларда берилган⁴.

Ҳарҳолда маънавият тушунчасининг шаклланишига «маъно» билан бирга «маънас» ҳам маълум ҳисса қўшган деб айтиш мумкин. Булар, албатта, бир фароздир. Биз учун

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. 234-б. — Машҳур чех олими академик Ян Рипка Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари номини «Мавжудликнинг ички моҳиятига қаратилган маснавийлар» деб таржима қилган. — Қаранг: Рипка Ян. История персидской и таджикской литературы. М., 1970, 235-б.

² Фарҳанги забони тожики, т. 1, 665-б.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-том, М., 1988 й., 454-б.

⁴ Русско-арабский словарь. М., 1967, 551-б. Арабско-русский словарь. М., 1984, 545-54-б.

энг муҳими атаманинг тарихий келиб чиқиши эмас, балки бугунги кундаги мазмунидир. Хўш, бугунги кунда маънавият тушунчаси нималарни англатади?

МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИАТИ

«Маънавият нима?» деган саволга илмий, сиёсий, публицистик адабиётларда турлича ёндашувлар асосида ҳар хил фикрлар билдирилиб кетилади.

Баъзи муаллифлар маънавиятнинг моҳиятини илоҳий деб биладилар. Маънавият ҳодисотини эса онгнинг тўлиқ тушунтириб бериш мумкин бўлмаган сирли жиҳатлари, инсоннинг руҳий кучи, ундаги туғма диёнат, виждон, иймон, Худо инсоннинг қўнглига солган ижтимоий ва ижодий мойиллик, интилиш, деб талқин қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, маънавият инсонга ато этилган иймон-этиқод ва ўлчаб берилган ақлий, ишқий, умуман инсоний имконият. Бу қарашларда маънавият илоҳий ёки табиийликдан устун ҳодиса сифатида тушунтирилади. Мана бир мисол: «Маънавият ва қадрият аслида илоҳий бўлиб, оила, авлодлар, маҳалла, миллат, давлат ва давр қадриятлари ва маънавиятлари орқали баён қилинади»¹.

Фикрнинг тавталогиясидан («маънавият ва қадрият... қадриятлари ва маънавияти орқали баён қилинади») ҳам муаллифнинг ушбу ҳодисаларни илоҳий эканлигини уқтираётганлиги диққатни жалб қилади.

М. Имомназаров эса уни «илоҳий нур», деб ҳисоблайди ва тушунчанинг мазмунини очишга интилмайти. «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур. Олий ҳақиқат нури бўлиб, шу сабабдан буюк бобокалонларимиз инсон қалбини «Ҳақиқат асрорининг ганжинаси», деб атаганлар. Ҳақ асрори эса шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга аҳли башар қудрати етмайди»².

Илоҳий ҳодисалар, шу жумладан, «олий ҳақиқат нури» абадулабад ўзгаришсиз, мутлақ бўлади, фақат уларни ту-

¹ Ф. Зикриллаев. Маънавият — ақл-идрок маҳсули. — «Ишонч» газетаси, 1995 й., 28 июль.

² М. Имомназаров. Миллий маънавиятимизнинг такомил бўсқичлари. Т., 1996, 6-б.

шуниш, идрок этишгина ўзгариши мумкин. Маънавият ҳақида гапирганда эса, биз унинг юксалиши, айрим умуминсоний қадриятлардан ташқари бошқа аксарият қадриятларнинг янгиланиши ёки аксинча таназзули, қашшоқлинишини, яъни ўзгаришини, нисбийлигини таъкидлаёмиз.

Шубҳасиз, зардуштийлик негизида шаклланган узоқ аждодларимиз маънавиятидан ислом негизида шаклланган ота-боболаримиз маънавияти кескин фарқ қилади. Халқимизнинг бугунги кундаги маънавияти замонавий қадриятлар ва мустақиллик таъсирида нафақат ўтган асрдаги, ҳатто бундан ўн йил бурунги социализм давридаги маънавиятидан ажралиб туради. Зеро, И. Каримов таъкидлаганидек: **«Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёнدير. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади»¹.**

Фанда масала М. Имомназаров қўйган тартибда қўйилиши мумкин эмас. Чунки фаннинг вазифаси ўзи тадқиқ этадиган ҳодисаларни тушунтиришдан иборат. Балки фан тушунтиришда хатоларга йўл қўяр, адашар, нотўғри талқин қилар, аммо у доимо мантиққа асосланади, таҳлилдан, талқиндан, тушунтиришдан, хулоса қилишдан қочмайди.

Чоп этилаётган баъзи китобларда маънавият баъзан онгнинг, баъзан ахлоқ ва эътиқоднинг, кўпинча маънавий маданиятнинг синоними, баъзан ҳатто уларнинг ҳаммасини ифодалайдиган йиғма тушунча сифатида ишлатилади.

«Маънавият жамият тараққиёти жараёнида шаклланган маданиятнинг инсоният, шахс онгида ифодаланишидир. Маданият мазмун жиҳатдан ниҳоятда кенг бўлиб, ҳар бир тарихий даврдаги маънавият унинг барча томонларини қамраб ололмайди»², — деб ҳисоблайди Э. Юсупов.

Кўриниб турибдики, маънавият бу ерда онгнинг ма-

¹ **Ислом Каримов.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура-миз. 7-китоб. Т., «Ўзбекистон», 1999, 302-б.

² **Э. Ю. Юсупов.** Ҳадисларда дунёвий ва диний ғояларнинг боғлиқлиги. — Ж. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1994, 5-сон.

даниятни акс эттиришига кўра мазмун жиҳатдан нисбатан ажралиб турадиган бир бўлаги, деб талқин қилинмоқда.

Шўро даврида битилган асарларда ҳам маънавият тушунча сифатида таҳлил қилинмаган. Боз устига доимо «маънавий ҳаёт» ва «маънавий дунё» ҳақида сўз юритилган. Улар эса асосан қуйидаги таркибий қисмларга ажратиб кўрсатилади: ижтимоий онг шакллари, маънавий-мафкуравий муносабатлар, маънавий ишлаб чиқариш ва истеъмол, жамиятнинг маънавий ташкилотлари ва институтлари ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик¹. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, «маънавий ҳаёт» тушунчаси «маънавият» тушунчасидан анча кенгдир. Аммо бу тушунча доирасида «маънавият» алоҳида таҳлил этилмаган.

Мустақил тараққиётнинг маънавий омилларини мустақамлаш, улардан самарали фойдаланиш зарурияти эса маънавият тушунчасини ҳар томонлама таҳлил этишни тақозо этади.

Маънавият — фақат инсон учун хос. Лекин у илоҳий ёки гайритабиий ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсон фаолияти билан боғлиқ. Табиатда маънавият йўқ. Биз ҳайвонот дунёси турлари, хиллари, насли ва бошқа белгиларига қараб уларни одобли ва диёнатли, нозик дидли, художўй ёки виждонсиз, кўфр ботқоғига ботган ва ҳ.к. дея олмаймиз. Агар янада аниқроқ ва жонли мисол ёрдамида айтадиган бўлсак, «мана бу тўнғиз ва эшак — нозик таъб, нафосат ошuftалари, ана у иккаласи ўта художўй, мана булари эса ноинсоф ва тамагир», деган иборага ақл бовар қилмайди. Ўсимлик дунёси ҳақида ушбу муносабат билан гапиришнинг ўзи ортиқча.

Табиат ҳар қандай мукамал тизим каби, гўзалликнинг бирламчи объектив мезони — уйғунлик ва ички симметрияга асосланган бўлса-да, у маънавиятнинг *субъекти* эмас.

Аммо таъкидлаш жоизки, табиат маънавиятнинг *субъекти* бўлмаса-да, у маънавиятнинг *объектидир*. Табиатдаги мавжуд гўзаллик, уйғунлик санъат асаридан акс этиши (рассом, бастакор, шоир, ёзувчи асарлари, фото, теле,

¹ Қаранг: Духовный мир развитого социалистического общества. М.: 1977; А. К. Уледов. Духовная жизнь общества. М., 1980.

киноасвирларда ва ҳ.к.) алоҳида кишининг ёки экскурсантлар гуруҳининг завқ-шавқ олиш манбаига айланиши мумкин.

Инсон маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқ қилади, дейиш жуда ўринлидир.

Агар моддий ишлаб чиқаришда ва моддий неъматларни истеъмол қилишда инсоннинг ижтимоий-биологик мавжудот сифатидаги моҳияти намоён бўлса, маънавиятда (маънавий неъматларни яратишда ва улардан фойдаланишда, маънавий фаолиятда) инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳияти рўёбга чиқади.

Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир.

Ушбу хислат ва фазилатлар ҳайвонот учун хос эмас. Аммо уларнинг муқобиллари – ахлоқсизлик, ғараз, ҳасад ва ҳоказолар ҳам ҳайвонларда учрамайди. Кейингиларнинг эса маънавиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Демак, маънавият бу шунчаки инсоний хислатлар мажмуи эмас, балки ижобий хислатлар, фазилатлар мажмуидир. Худди шунга ўхшаш фикрни бошқа тадқиқотчилар ҳам билдиришган: «Инсон онгли фаолиятининг, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий оламидаги муайян ижобий ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади»¹.

Инсоний фазилатлар жамиятда тарихан шаклланади. Улар ижтимоий тараққиётнинг маҳсули. Кишилар ўртасидаги турли муносабатларни англаш, уларни баҳолаш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ёки, аксинча, қоралаш, чеклаш, бартараф этиш зарурияти турли ахлоқий (кейинчалик ҳуқуқий ҳам), эстетик, диний ва бошқа меъёрларни, урф-одат ва маросимларни юзага келтиради. Улар қадрият даражасига кўтарилади. Қадрият – бу ижтимоий

¹ Эркин Юсупов, Ўткир Юсупов. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. Хўжанд. 1996, 29-б.

баҳолар, меъёрлар ва идеалларнинг умумий атамаси ва объективлашган воқелиги: бадиий, илмий асар, обидалар ёхуд удум, маросим, ахлоқ ва ҳ.к.

Қадриятларни ўзлаштириш жараёнида кишида инсоний фазилатлар қарор топади. Инсоний фазилатлар, шундай қилиб, ижтимоий муносабатларнинг (шу жумладан, жамиятнинг табиатга муносабатининг ҳам) инсон онги ва фаолиятида ўзлаштирилган қадрият сифатида зоҳир бўлишидир. Бошқача қилиб айтганда, инсоний фазилатлар ва уларнинг мажмуи — маънавият — ижтимоий қадриятларнинг муштараклашган ифодасидир.

Қадриятларни ўзлаштириш инсоннинг қай даражада маънавий шахсга айланганини кўрсатади, унга ички куч, эътиқод бағишлайди. Шуларни назарда тутиб Юртбошимиз Ислом Каримов: «**Маънавият — руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ирода-сини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир**», — деб эътироф этган¹.

Маънавият инсоний фазилатлар билан бирга «маънавий маданият» деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт — ибодат, тақво, диний маросимлар ва ҳоказо, диний адабиёт, диний санъат каби бошқа кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни қамраб олади.

Инсоннинг ҳаётга муносабати ривожланиши жараёнида унинг онги, айниқса, илмий, фалсафий, диний тасаввурлари бойиб боради, ўзгаради. Шу боисдан турли тарихий даврларда яшаган кишиларнинг қарашлари, ижтимоий баҳолари ва мўлжаллари, қадриятлари ҳам нисбатан фарқ қилади.

Онг тўлалигича маънавиятга кирмайди, чунки унда ўзгарувчан, муваққат, тасодифий ҳолатлар кўп учрайди. Онгга ўткинчи кайфиятлар, эҳтирослар катта таъсир кўрсатади. Маънавият эса бир зумда ўзгариб қолмайди. У чуқур тарихий, маданий илдизларга эга. Тўғри, унга ҳам собит туй-

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й., 19-б.

гулар, ор-номус, миллий гурур ва ифтихорга оид ҳис-ҳаяжон ва эҳтирослар таъсир кўрсатади. Аммо улар ўткинчи эмас. Демак, маънавият онгнинг моҳиятли томони ёки онгдаги моҳиятликдир. Ушбу жиҳатдан маънавият онг каби идеал ҳодисадир, аммо илоҳий ҳодиса эмас.

Идеаллик маънавиятнинг моҳиятини тўлиқ очмайди: идеаллик маънавиятнинг фақат бир жиҳатидир. Материалистик ёндашувга биноан, «Онгда мустақил мавжудлик йўқ. У фақат миянинг объектга нисбатан функцияси сифатидагина мавжуд... Онгнинг ўзига хослиги шундаки, у қандайдир субъектив, идеал нарсадир. У ўзининг моддий субстратларига – мия ва инъикос объектга – муносабатидан ташқари мустақил мавжудликка эга эмас»¹.

Маънавият эса масалага ҳатто материалистик ёндашганда ҳам, мустақил мавжудликка эгадир. Маънавият энг аввало, маданият орқали мустақил мавжудлигини намоён этади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозирча маънавият ва онг муносабатлари тўғрисидаги фикрни давом эттирамиз.

Маънавият жамиятда қарор топган етакчи ғояларга ҳамда кишиларнинг дунёқарашига, эътиқодига боғлиқ. Ҳақиқатан, маънавият онгдаги тасодифий, иккинчи даражали, вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин эмас. У собит эътиқодга айланган, қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, жамиятдаги муносабатларни ва инсон хатти-ҳаракатини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Эътиқодсиз маънавият бўлмайди. Эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан биридир. У маънавиятга муштараклик ва жипслик бағишлайди. Унинг турли таркибий қисмларини ўзаро бирлаштиради ҳамда маънавиятни амалиётга боғлайди. Эътиқод маънавиятнинг моҳиятини очиб берувчи тушунчалардан биридир.

ЭЪТИҚОД ВА МАЪНАВИЯТ

Эътиқод, энг аввало, шахс (жамоа, гуруҳ, жамият) томонидан муайян ғояларга, баҳо ва меъёрларга иккиланмасдан, шубҳа қилмасдан, қатъий ишонч асосида ҳосил бўлган энг муҳим ва биринчи даражали ҳисобланган собит тушунчалар, умумқабул қилинган назариялар ва қа-

¹ А. Г. Спиркин. Сознание и самосознание. М., 1972, 68–69-бетлар.

рашлардир, яъни илмдир ҳамда уларни фаол ақлий ва ҳиссий қабул қилиш, севиш, ихлос кўрсатиш, уларга ўз идеалларини, ижтимоий интилишлари ва амалиётини мослаштиришдир.

Шундай қилиб, эътиқоднинг мазмунини илм ташкил қилади. Чунки киши нимага эътиқод қилаётганини — нимага ишонаётганини, нимага интилаётганини, нимага ўз хулқ-атворини, ижодини мослаштириши лозимлигини билиши лозим. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражадаги қоришуви бўладими, ундан қатъи назар, эътиқоднинг кенг маънодаги ҳаётий мазмунини ташкил этади. **Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.**

Эътиқоднинг илморлиги ёки қолоқлиги, инсонпарварлиги ёки худбинлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари унинг мазмунини ташкил этувчи илмга боғлиқ. Аммо ҳар қандай илм, айниқса кундалик билимлар эътиқод бўлавермайди. Нафақат кундалик билимларда, ҳаттоки илм-фанда ҳам кўплаб турли ахборот даражасидаги ҳамда асосий арконий тамойилларни шакллантиришга хизмат қилувчи «ёрдамчи» ва оддий элементар тушунчалар борки, улар қанчалик фан ва илмий тадқиқот, ижтимоий ҳаёт учун аҳамиятли бўлмасин, эътиқоднинг бевосита таркибий қисмига кирмайди. Шунингдек, амалиётда тасдиғини топмаган, фараз сифатида олға сурилган илмий тушунчалар ва назариялар, табиийки, эътиқодга айланмайди. Иккиланиш ва шубҳа билан қаралган илм эътиқод эмас. Илгари инсон қаттиқ ишонган тушунчалар, ғояларга нисбатан жамият ва илм-фан тараққиёти натижасида шубҳа туғилса, улар эътиқод мақомини йўқотади.

Эътиқодда ишонч катта роль ўйнайди. Ишонч эътиқод мазмунини ташкил этувчи тушунчалар, меъёрлар, ғоялар, таълимотга — илмга (билимга) нисбатан кучли эмоционал (ҳиссий) ижобий муносабатдир. Ишонч турмуш тажрибаси негизида ҳосил бўлган кундалик онг даражасига ва илмий билимларни муайян (тўғри ёки нотўғри) тушунишдан ҳосил бўлган назарий онг даражасига оид бўлиши мумкин. Ишонч оиланинг тарбияси ва амалиёти натижасида, жамиятнинг таълим муассасалари, ташвиқот ва ахборот воситалари орқали киши онгига таъсир этиш оқибатида вужудга келади.

Ишонч ўз мазмунига кўра, Эрих Фромм эътироф этганидек, рационал ёки иррационал характер касб этади.

Рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракатига, яратувчилигига асосланади. Унинг объектини ташкил қилган ғоя, таълимот, идеал тўғри ёки хато, реал ёки утопик бўлиши мумкин. Лекин шахс унга сидқидилдан ихлос билан интилади, унга эришиш йўлларини излайди, ижод қилади. Натижада у ўша мақсадга етолмаса ҳам (агар у сароб бўлиб чиқса) маълум самарага эришади, фаолияти изсиз кетмайди.

Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига, фармонбардорлигига, мутаассиблигига асосланади.

«Агар иррационал ишонч ниманидир ё кўпчилик ёхуд қандайдир обрўли шахс ҳақиқат ҳисоблагани учунгина ҳақиқат деб қабул қилса, рационал ишонч самара берувчи ўз кузатишларига ва мушоҳадаларига асосланган эътиқод мустақиллигини билдиради»¹, — деб ёзади Эрих Фромм. Назаримизда, Фроммнинг ушбу хулосаси умумий кўринишда маълум даражада бир ёқлама, масалага бир оз торроқ ёндашишнинг оқибатига ўхшайди. Лекин энг аввало Фроммнинг асосий хулосаси ниҳоятда теран ва тўғри: рационал ишонч — бу самара берувчи эътиқод мустақиллигидир. Бошқача қилиб айтганда, ишончнинг рационал бўлиши эътиқод мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мустақил эътиқод эса шахс ва жамият эҳтиёжларини нисбатан тўғри англайди ва бу эҳтиёжлардан келиб чиқиб янгиликларга, ранг-барангликка, мавжуд ҳолатни ўзгартиришга интилади. Иррационал ишонч ҳурликка ҳам, ижтимоий янгиликка ҳам интилмайди, балки уларни ғайритабиий кучлардан, дохийлардан, авлиёлардан кутади. «Иррационал ишонч нимагадир ёки кимгадир мутаассибона (фанатик) ихлос қилишдирки, унинг моҳияти шахсга тегишли ёки шахсдан ташқарида турувчи иррационал обрўга бўйсунушдан иборат»², — деганида, Э. Фромм асосан ҳақ эди.

Фромм мулоҳазаларидаги бизга бир ёқламалик бўлиб туюлган жиҳатларга келсак, қуйидагиларни таъкидлашни

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика М., 1993, 159-6.

² Ўша жойда, 156-6.

истар эдик. Ишонч, унинг рационал ёки иррационал характери шахснинг узоқ давом этган мулоҳазалари, хулосалари ва ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Кейинги ҳолда у жамиятдаги ёхуд шахс субмуҳити — оиласи, жамоаси ёки улфатларининг норасмий даврасидаги ҳукмрон эътиқод асосида шаклланади ва шахс томонидан тайёр аксиома сифатида қабул қилинади. Аммо ишончнинг рационаллиги ёки иррационаллиги булар билан белгиланмайди.

Узоқ илмий таҳлиллар, мантиқий хулосалар асосида шаклланган ишонч иррационал бўлиши ҳеч гап эмас (агар тадқиқот усули нотўғри танланса, дастлабки шартларда ва таянилган хулосаларда хатога йўл қўйилса ва ҳ.к.). Ахир философиядаги, диний таълимотлардаги, ижтимоий назариялардаги иррационал оқимлар ҳам атоқли мутафаккирларнинг узоқ йиллар давомидаги ақлий меҳнати, изланишлари, бошқа таълимотларни танқидий таҳлил қилиб, маълум хулосаларга келиш натижасида пайдо бўлган. Аксинча, тайёр ҳолда, «беўйлов» қабул қилинган ишонч чуқур рационал бўлиши мумкин.

Рационаллик ва иррационаллик шахсий ёки жамоавий тажрибага, дунёвийликка ёки динийликка, материалистик ёки идеалистик тамойилларга суянишга бевосита боғлиқ эмас. Ишончнинг рационаллик ва иррационаллик мезонини тараққиёт заруриятидан излаш керак. Шахс (жамоа) қаттиқ ишонган тушунчалар, меъёрлар, ғоялар, идеаллар тарихий тараққиёт заруриятига қанчалик мос келса, ишонч шунча рационаллик касб этади. Тарихий заруриятга, жамият ривожланиш талабларига мос келмайдиган илмга нисбатан шаклланган ишонч иррационалдир. У объектив самара бермайди.

Демак, маънавият тараққий этиши учун эътиқод самарали рационал ишончга асосланиши лозим. Бу ишонч четдан мўъжиза кутиб ўтирмайди, шахс ўз эътиқодига содиқ қолган ҳолда, мақсадига эриша олмаса ҳам, сабабини ўз фаолиятдан ахтаради. Бинобарин, унга танқидий баҳо беради, қўшимча воситалар излайди ва ҳ.к.

Янги таълимотлар, янги динлар ўзларидан аввал вужудга келган бошқа муҳолиф таълимотлар, динлар билан ғоявий, сиёсий курашда ўз ўрнини топишга, ўз ҳақиқатини

қарор топтиришга интилиши улар тарафдорларини фаол бўлишга, ўз эътиқодлари келажакка ишонишга, бу келажакни амалий фаолиятлари билан яратишга ундайди. Шу боис пухта ва жиддий ишлаб чиқилган янги таълимотларга ишонч, уларнинг тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, дастлаб ўзига хос рационаллик касб этади ва амалиётда катта самара беради.

Бу янги таълимотнинг ижтимоий тараққиёт билан зиддиятлари юзага чиқмагунча, ўз ижодий салоҳиятини сарфлаб бўлмагунча давом этади. Агар янги таълимот тарафдорларининг яратувчилик фаоллиги суст бўлса, улар ишончининг самараси узоқ вақт имконият даражасида қолиб кетиши, воқеликка янги тарихий даврда таълимотнинг ўзида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлгандан кейин юз бериши мумкин. Буни христиан дини мисоли тасдиқлайди. Дастлабки христианлик таълимотнинг аксарият тарафдорлари қуллар ёки ҳаракат эркинлиги чекланган оддий кишилар бўлишгани сабабли, христианлик ўрнатилгач, Европада антик даврга нисбатан маънавиятнинг аксарият соҳаларида, айниқса илм-фан, тиббиёт, адабиёт, санъатда ортга кетиш бўлди. Бу ҳолат Уйғониш давригача давом этди.

Таълимотга рационал ишонч ижтимоий фаоллик ва сафарбарлик билан қўшилсагина юксак амалий самара беради.

Исломга ишонч ҳам айнан шу сабабдан у вужудга келганидан кейинги дастлабки асрларда оламшумул буюк ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ютуқларга олиб келди. Кучли ижтимоий тараққиётни таъминлаб, жаҳонда янги цивилизацияни яратди.

Дастлаб рационал бўлган ишонч нисбатан узоқ муддатли ижтимоий таржибалар орқали тасдиқланмаса, ҳаётда ўзини оқламаса, омма кутган натижага олиб келмаса, ўзининг тескарисига, ё ишончсизликка, ё иррационал ишончга (мутаассибликка, мантиққа зид ихлосга ва ш.к.) айланади. Маънавият эса инқирозга учрайди, қашшоқланади. Қашшоқ маънавиятда мутаассибликка мойиллик кучлидир. Ортодоксал диний таълимотларнинг, марксизм-ленинизмнинг ва бошқа ҳаётга мослашиб ривожлана олмаган таълимотларнинг қисмати буни тасдиқлаб турибди.

Эътиқод дунёқарашнинг, у орқали бутун маънавият-

нинг ўзаги сифатида воқеликка инсон муносабатини, хулқ-атворини, фаоллигини белгилайди. Фаоллик учун, айниқса ижодкорлик учун оддий ишончга асосланган илм кўп ҳолларда камлик қилади. Ижодкорлик ва фаоллик ишончнинг ихлос ва ишқ билан бойитилишини тақозо этади.

Одатда, ихлос бирор ғояга, назарияга ёхуд санъат асарига, умуман қадриятга, унинг муаллифларига ёки тарғиботчисига кўнгил қўйишдир (салбий нарсага «кўнгил қўйиш», ҳатто ижобий нарсага мавжуд ахлоқийлик чегарасидан чиқиб, меъёридан ортиқ интилиш асло ихлос эмас, у ҳирс ва нафс дейилади). Аммо ихлос шунчаки кўнгил қўйиш эмас, кўнгил қўядиган объектни билиш, эмоционал баҳолаш ва унга интилиш ҳамдир. Ихлос ижобий эмоционал баҳо, самимий интилиш асосида вужудга келади. Бировнинг тазйиқида кишида ихлос шаклланмайди. У шахснинг ўз мойиллиги, эркин танлаши (онгли ёки онгсиз) туфайли қарор топади. Демак, ихлос таркибига «интилиш» билан бирга «ихтиёр» ҳам киради.

Ихлос билан бойиган ишонч ахлоқийлик касб этади. Ихлос бутун эътиқодга, маънавиятга ижобий маънодаги ахлоқий ҳис-ҳаяжон, самимийлик ва ижтимоий мўлжал, яъни мақсад бахш этади. Ихлос эътиқоднинг «инсоний» қиёфасини белгиловчи унсурларидан бири. Зеро, ихлос орқали эътиқод миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижодкор шахслар, мутаффақирлар асарлари, ибратли ҳаёти ҳамда тарихий воқеалар билан боғланади, конкретлашади, ҳаётийлашади. Ихлос туфайли эътиқод ақлий ҳодисадан кўнгил ҳодисасига ҳам айланади. Ихлос орқали эътиқод, шунингдек, индивидуал шаклга эга бўлади, муайян шахс онги ва фаолиятининг ҳодисасига, эътиқодига айланади. Ихлос инсоннинг ўз мақсадига эришиш, ақлан ва ахлоқан такомиллашиш, ижод қилиш, яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш йўлида жуда катта ҳиссий рағбатдир.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ихлос эътиқоднинг илм ва ишонч каби узвий таркибий қисмидир. У ишончга нисбатан бир оз торроқ, аммо ундан анча теранроқ, эътиқод моҳиятига яқинроқдир.

Ихлос қотиб қолган тушунча эмас. Балки у ҳам илм ва ишонч каби ўзгаради, ривожланади. Баъзан инсон ихлос

қўйган нарсасидан илми кенгайиши, чуқурлашиши натижасида ёки бошқа сабабларга кўра кўнгли совийди. Баъзан эса, аксинча, иисоннинг ихлоси янада ортади, кучаяди. У ихлос қўйган нарсасидан ахлоқий таянч топибгина қолмасдан, шунингдек, гўзаллик ва ақлий завқ-шавқ тудаяди. Ҳис-ҳаяжони эҳтиросга айланади. Бу ихлоснинг ишққа айланишидир.

Ишқ ихлоснинг ҳар томонлама кучайган, кенгайган, ихлосга хос ахлоқий ҳис-ҳаяжонга ақлий ва эстетик туйғуларни ҳам қўшиб инсоний эҳтиросга, шу жумладан, диний ёки ғоявий-сиёсий эҳтиросга айланган шаклидир. Ишқда эҳтирос кучли бўлганлиги сабабли унга айрим ҳолларда теранлик етишмаслиги мумкин. Аммо аксинча ҳам бўлади, ишқ инсоннинг ақлий имкониятларини, ижодкорлик салоҳиятини максимал равишда юзага чиқаради ва эътиқодга ниҳоятда теранлик бахш этади.

Ишқ кўп ҳолларда маиший (фалончига ошиқ бўлиш ва ш.к.) ёки диний-фалсафий (ҳақиқатга, ҳаққа интилиш) мазмунларида ишлатилади. Тасаввуф талқинида ишқ инсон эътиқодининг моҳиятигина эмас, шунингдек, инсон ҳаёти маъноси ва пировард мақсади дир. Шу боис ишқ сўфий учун эътиқоднинг олий кўриниши, мукамал эътиқод.

Ишқ турли мазмунларда қўлланилиши табиий. Алишер Навоий «Маҳбул-қулуб» асарида унинг уч шакли борлигини таъкидлайди. Юқорида биз келтирган ишқнинг икки шаклидан ташқари яна бир шаклини — эстетик, бадий ижодга алоқадор шаклини айтиб ўтади: «назмтирозлар» ва «афсонапардозлар» ишқи.

Ишқ эътиқодни нафақат янада фаоллаштиради, хатти-ҳаракатга ундайди, шунингдек, уни ўз моҳиятига ёт таъсирдан муҳофаза ҳам қилади. Чунки ишқ муросани билмайди. Ишқ билан йўғрилган эътиқод ақл ва кўнгилни, бир томондан, зийрак қилса, иккинчи томондан, кўр қилиши мумкин. Ишқ туфайли эътиқод негизида ётган ва ишончга айланган илм янада конкретлик, индивидуаллик, тўлақонли эҳтирослилиқ касб этади. Ишқ эътиқоднинг ички ҳаракатлантирувчи кучи, энергиясидир.

Ишқнинг фаоллиги унинг муроса билмаслиги, ўз мақсадига эҳтиросли интилиши билангина чегараланиб қолмайди. Ишқда ижодий яратувчилик хусусияти мавжуд. Бу,

энг аввало, ишқнинг идеални шакллантириш таъсирида намоён бўлади.

Идеал (омол) — жамият ривожланиши жараёнида қўлга киритиладиган ютуқларнинг, ижтимоий қадриятларнинг (шу жумладан инсон шахси такомиллашувининг) эришиш мумкин бўлган мукамал мазмуни ва шакли ҳақида вужудга келган тасаввурлардир. Инсон қўлга киритилган ютуқларни доимо фикран муайян омололларга қиёслайди, мавжуд ҳолат билан қониқмасдан янада такомилликка интилади. Ўзи ҳам бу жараёнда камол топади. Ушбу маънода оمول жамият ва шахснинг эҳтиёжлари ва интилишларини ахлоқда, ҳуқуқда, бадиий ижодда, таълим-тарбияда, умуман турмушда ифодалайдиган, уларни рўёбга чиқаришга қаратилган энг юксак, олий ижтимоий мўлжалларидир. Шу боисдан у эътиқоднинг унсури. Идеалсиз эътиқод, бинобарин, маънавият йўқ.

Идеални мутлақлаштирмаслик керак. Акс ҳолда у мавҳум ва ноҳаётий, хаёлий ҳодисага айланади. Мутлақлик фақат Аллоҳга, унинг сифатлари ва иродасига нисбат бериладиган тушунча. Гегель фалсафасида ҳам «мутлақ идея» аслида Худо синонимидир. Марксистик фалсафада «мутлақ ҳақиқат» кўпроқ мантиқий чайқовчилик, Гегель хулосаларини материалистик талқин қилишга уриниш ҳамда билиш жараёнида инсон билимларининг объектив воқеликка тобора мос бўлиб боришидан бошқа нарсани англамайди.

Ижтимоий идеал конкрет-тарихий характерга эга. Уни мистиклаштиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Халқ оғзаки ижодида Алпомиш идеал қаҳрамон — ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик, элпарварлик, ватанпарварликнинг бадиий-эпик намунаси. Алпомиш мавҳум ғоялар, идеаллар мажмуи эмас, конкрет идеалларни акс эттирувчи жонли образ. Навоий учун шундай идеал — Фарҳод. У ҳам ақлий, ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотга эришган шахс. Лекин Фарҳод образи мураккаб ахлоқий ва бошқа ижтимоий муносабатларни акс эттириши билан Алпомиш образидан ажралиб туради. Ойбек романида эса Навоийнинг ўзи — идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, конкрет инсон образидир. Бу идеалларнинг бирортаси мавҳум табиатга эга эмас.

Лекин ҳар бир инсон дунёқарашида эътиқоднинг барча унсурлари бирдай ривожланмаслиги мумкин. Унинг айрим унсурлари, хусусан, ишқ ва идеал яққол ифодаланмаган, ҳатто етарлича шаклланмаган ҳолатлар жуда кўп. Ихлос, ишқ ва идеал унсурлари яхши ривожланмаган эътиқод негизида шаклланган маънавият, табиийки, қашшоқ ва кучсиз бўлади. Унда инсонпарварликка, эзгуликка интилиш яхши ривож топмайди. У инсон дардларига, орзу-ҳавасларига бепарво бўлади, худбинликка, золимликка, ёвузликка етарлича қаршилиқ кўрсатмайди.

Ихлос, ишқ ва идеал эътиқоднинг ва у орқали маънавиятнинг асл инсоний табиатини ташкил қилади.

Инсон ўз ғояларига, ижтимоий идеалларига содиқ бўлмаса, қийинчиликлардан қўрқиб, улардан воз кечса, биз уларни эътиқодга айланган ғоялар, идеаллар, эътиқодга айланган илм дея олмаймиз. Демак, эътиқоднинг муҳим хусусиятларидан, мазмунини ташкил этувчи моҳиятларидан яна бири — бу содиқлик. Инсон ўз ишончи, ихлоси, ишқи ва идеали учун, зарур бўлса, заҳмат чекиши, қийинчиликларга бардош бериши лозим. Турли хил таъсирларда бир зумда киши воз кечадиган ғоялар, қарашлар эътиқод бўлолмайди.

Шундай қилиб, эътиқоднинг негизида яна бир тушунча — содиқлик ётади. У ироданинг дунёқараш билан туташадиган, чамбарчаслашган, ўзаро бир-бирига ўтадиган қисмидир. Содиқлик маиший турмушда турли шаклларда, масалан, вафодорлик кўринишида намоён бўлиши мумкин. Эътиқодсиз киши ҳеч қачон вафодор ва иродали бўла олмайди, аксинча, маълум шароитда хиёнатга мойиллик кўрсатади.

Иродасиз кишининг эътиқоди мустаҳкам бўлмайди. Аммо, айтилгандан ирода ҳам эътиқоднинг таркибига кирар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. У маънавият таркибига мустақил тушунча сифатида киради. Ирода бу инсоннинг эркин танлаб, қарор қабул қила олиши, ўз истак ва интилишларини, ҳиссиёти ва ақлини, билим ва тажрибасини муайян мақсадга йўналтира олишидир (бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз).

Ирода ёрдамида инсон қийинчиликдан тушкунликка тушиб қолмайди, балки уни енгади ёки хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўймайди. Ирода туфайли инсон ҳар қан-

дай шароитда ҳам кўпинча ақлли ва ахлоқли мавжудот бўлиб қолади. Фақат баъзи бир экстремал, ғайритабиий ҳолатлардагина — масалан, жангда, ўлим хавфи туғилганда, қаттиқ ғазаб ёки кўрқув туфайли инсонпарварликдан чекиниши мумкин. Чунки иродада нафақат рационал, шунингдек, иррационал қатлам ҳам мавжуд (аммо бу эътиқод доирасидан ташқаридаги алоҳида мавзу). Маънавияти бузуқ, эътиқоди аксилинсоний кишининг иродаси эса салбий мазмун касб этади.

Иродани қийноққа бардош бериш билан чалкаштирмаслик керак. Қийноқ инсон табиатига зид ҳодиса. Шу боис қийноқ азобида ўз идеалларига содиқ, буюк иродали шахслар ҳам ўзларига ва ўзгаларга тухмат қилганлар, идеалларидан, тил учида бўлса-да, воз кечганлар (Сталин қатағонларини эшлаш кифоя).

Ўзини, ўз қобилияти ва истеъдодини бирор мақсадга эришишга сафарбар қила олмайдиган иродасиз кишини биз муайян ғояларга, идеалларга содиқ, тўлақонли маънавий шахс дея олмаймиз.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, эътиқод куйидагилардан ташкил топади:

а) собит ва энг муҳим тушунчалар, ғоялар, баҳолар, меъёрлар, қарашлар, яъни илм; б) ишонч; в) ихлос; г) ишқ; д) идеал; е) содиқлик.

(Баъзи ҳолларда эътиқод синоними сифатида иймон тушунчаси ҳам ишлатилади. Иймон эътиқодга «тенг» тушунча бўлганлиги учун уни эътиқод таркибига киритмадик. Аслида иймон диний эътиқодга ва ислом фарзларига амал қилишни билдиради. Шу боис кўпчилик диний эътиқод ҳақида гапирганда, «иймон-эътиқод» деган жуфт сўздан иборат тушунчани қўллайди.)

Эътиқод таркибига кирувчи унсурлар қанчалик ўзаро уйғун ривожланса, эътиқод шунчалик бой, теран ва мустаҳкамдир. Масалан, ватанпарварлик шахсининг эътиқоди даражасига кўтарилиши учун энг аввало шахс ўзининг мамлакати, миллати, миллий тарихи ва маданияти тўғрисида, оз-моз бўлса-да, маълум илмга эга бўлиши керак. Аммо билимнинг ўзи, ҳатто чуқур ва кенг билим ҳам камлик қилади.

Ҳақиқий ватанпарварлик учун шахс ўз она тилига, урф-одатларига, маданий меросига, халқига, мамлакати бугуни ва келажига ишонч билан қараши, уларга ихлос қўйиши, севиши лозим. Ўзининг худбин манфаатларини эл-улус, Ватан манфаатларидан кўпроқ севадиган киши ватанпарвар эмас. Ёки ҳар қандай шароитда ҳам Ватан манфаатларига содиқ қолишга, оғир захматдан, қийинчиликлардан қўрқиб, фидойилик кўрсатишга иродаси ва садоқати етмайдиган шахс, у қанчалик кенг билимли бўлмасин, Ватанни севиши ҳақида қанчалик кўп гапирмасин, ватанпарвар ҳисобланиши мумкин эмас.

Айни пайтда Ватанга муҳаббат кўр-кўрона бўлса, кутилган самарани бермайди. Ватан ишқи шахснинг танқидий мулоҳаза юритишини, камчиликларни кўриб, уларни бартараф этишга, мамлакати, халқи, миллий қадриятларини такомиллаштиришга интилишини тўсиб қўймаслиги керак. Миллат раҳнаmolари, зиёлилари, ёшлари мамлакат аҳволини юксак идеаллар билан таққослаб идрок этсаларгина, унинг келажagini уларга мослаб яратишга ҳаракат қилсаларгина, ватанпарварлик самара берадиган эътиқод даражасига кўтарилади. Биз миллий маънавиятимизни юксалтирмоқчи эканмиз, эътиқод масалаларига жиддий эътибор бермоғимиз, таълим-тарбия жараёнида унинг унсurlари ўзаро уйғун шаклланишига эришмоғимиз лозим.

Собит гоёлар, қарашлар, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний меъёрлар, инсонга жамият томонидан қўйиладиган бошқа мафкуравий талаблар маънавий муҳитни ташкил қилади. Маънавиятнинг моҳиятини «маънавий муҳит» тушунчасисиз теран англаб олиш мушкул. Шу боис қисқача «маънавий муҳит» устида тўхталиб ўтамиз.

Маънавий муҳит шахсни ҳам, бутун авлодни ҳам муайян йўналишда шакллантиради, тарбиялайди, ижобий хислатларини юзага чиқаради, уларни номақбул таъсирлардан ҳимоя қилишга уринади. Маънавий муҳит ҳар қандай ютуқлар ва кашфиётларнинг (четдан қабул қилинганларининг ҳам) тақдирини белгилайди: ё ривожлантиради, ё унутилишга маҳкум этади, ёки деформация қилиб, ўзига мослаштиради.

Маънавий муҳит — бу жамиятнинг ҳиссий, ақлий ва

жисмоний камолотда эришган ўртача савияси асосида вужудга келган талаблари ва уларнинг амалга ошиш тартиби. Муҳит, одатда, барқарорликка, бир текислик ва бир хилликка интилади. Унинг талаблари ва таъсири ҳаммага бирдек, ўртача бўлади. Унинг талабларига жавоб бериш учун кимлардир ўз устида ишлайди, такомиллашади, ўсади ва ҳ.к. Кимлар учундир умумий маънавий муҳитнинг талаблари камлик қилади. Бундай шахслар ёки ижодий гуруҳларнинг имкониятлари тўлиқ юзага чиқмасдан қолиш хавфи туғилади. Шу боисдан умумий маънавий муҳит доирасида нисбатан алоҳидалашган табақавий, касбий (профессионал) ёки гуруҳий муҳитлар – субмуҳит мавжуд. Субмуҳитлар ўзаро бир оз фарқ қилади. Фарқ уларнинг муайян ижтимоий гуруҳ, табақа ва синфларнинг психологияси ва сиёсий мавқеи, интилишлари таъсирида вужудга келади. Аммо бу фарқлар ортиқча баҳоланмаслиги ва маънавиятга большевистчасига мутлақлаштирилган синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш учун асос бўлмаслиги керак. Субмуҳит умумий муҳитдан ажралиб кета олмайди ва пировардида унинг асосий ва фундаментал талабларига бўйсунушга мажбур бўлади. Демак, **маънавият кенг маънода – бу қарор топган муносабат: баҳолаш, қўллаб-қувватлаш ёки инкор қилиш, ақлий ва ҳиссий муҳит, ижтимоий ҳодисаларга нисбатан фаоллик ва ҳ.к.** Муҳит маънавиятнинг энг умумлашган узлуксизлик шакли, маданият эса узлукли (дискрет) шаклидир.

Маънавият инсон билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли, уни тўғри таҳлил қилиш учун икки саволга жавоб бериш лозим. Биринчиси – инсоннинг ўзи нима, унинг моҳиятини, табиатини нима ташкил қилади? Иккинчиси – инсоннинг яшашдан мақсади нима, у нимага интилиши керак?

МАЪНАВИЯТ ВА ИНСОН ТАБИАТИ

Энг қадим замонларданоқ ақл ва ижтимоийлик инсон табиатини ташкил этувчи тамойиллар деб ҳисобланган. Инсонга ақли мавжудот ва «ижтимоий ҳайвон» деган таърифлар берилган. Арасту инсонни «сиёсий ҳайвон» (Zoon politicon) деб атаган.

Бизнинг буюк бобокалонларимиз Форобий ва Ибн Сино ҳам юнон фалсафасининг, хусусан, Арасту ва Аф-

лотуннинг инсон табиати тўғрисидаги фикрларини асосан қабул қилганлар ва ижодий ривожлантирганлар.

Фаробий жамият инсонга нафақат инсон сифатида шаклланиши учун, шунингдек, камол топиши ва ҳатто оддийгина турмуш кечири олиши учун ҳам керак, деб ҳисоблайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади»¹. Шундай қилиб, Фаробий инсон табиатини ижтимоийлик ташкил этади, деган фикрни ёқлаб чиқади². Диндорлик, ҳаққа, ҳақиқатга интилиш ҳам инсоннинг ақлий мавжудотлиги ва ижтимоийлиги доирасидаги ҳодисалардир. Борлиқнинг жавҳари ва моҳияти, унинг илк сабабияти ва қисмати ҳақида мулоҳаза юритиш, ҳақиқатни излаш инсон ақлининг хусусияти, ақл фаолиятининг воқелигидир. Худди шундай дин ҳам жамиятга хос ҳодиса, яъни инсон каби ижтимоийликнинг, аниқроғи, ижтимоий мавжудотнинг маҳсулидир.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, диндор ёки даҳрий бўлиш инсоннинг ақллилик ва ижтимоийликдан мустақил табиатини ташкил этмайди, балки инсоннинг оламга муносабатининг хусусий кўринишларидир. Ақл ва ижтимоийлик инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи энг муҳим белгилардир, аммо инсоннинг тўлиқ моҳияти эмас.

Кейинчалик мутафаккирлар инсоннинг яна бир муҳим белгиси тўғрисида сўз юритдилар: инсон яратувчи ҳайвон, у ишлаб чиқаради. Бу ғояни К. Маркс ҳам ривожлантиради. Инсон ишлаб чиқарувчи, меҳнат қилувчи, табиатни ва ўз-ўзини ўзгартирувчи, қайта яратувчи мавжудот. У ўз олдига аввалдан мақсад қўя олади, ишлаб чиқарадиган нарсасини у инстинктлар ёрдамида эмас, аввал миёсида пайдо бўлган режа орқали рўёбга чиқаради. Айни пайтда инсон инсон бўлиб шаклланиши ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиши учун у жамиятда яшаши зарур.

¹ **Абу Наср Фаробий.** Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 186-б.

² Арасту ва Фаробий асарлари инсон моҳиятини талқин қилишдаги баъзи тафовутлар ҳақида қаранг: **Абдуллажон Бегматов.** Мавнавият фалсафаси ёхуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимининг яратилиши. Т., 2000, 56-б.

Инсон ҳам, онг, тафаккур (ақл) ҳам, ишлаб чиқариш ҳам жамият маҳсулидир.

К. Маркснинг «Фейербах тўғрисида тезислар»ида: «Инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир»¹, — деган хулосасини ва ижтимоий муносабатлар деганида у нафақат иқтисодий, шунингдек, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, эстетик ва турмуш учун зарур барча алоқаларни, муносабатларни ҳам назарда тутганлигини ҳисобга олсак, Маркс ўз даври учун материалистик нуқтаи назардан инсонга ижтимоий мавжудот сифатида нисбатан тўлиқ таъриф беришга интилганини кўрамыз.

Лекин ҳаёт Маркс тамойиллари материалистик чекланганини, инсон моҳиятини охиригача қамраб олмаганлигини кўрсатди. Энг аввало инсон тўғрисида К. Маркс концепциясида инсоннинг индивидуал жиҳатларига етарли эътибор қаратилмаган. Устунлик жамоавий, ижтимоий жиҳатларга берилган. Кейин инсоннинг фақат онги ҳисобга олинган. Онг остига оид ҳодисаларга инсон табиатига ёт, ундаги биологик инстинктлар деб қаралган. Дастлаб З. Фрейд ва унинг издошлари инсон табиатига иррационал, онг остига оид ҳодисалар чуқур таъсир кўрсатишини (ҳаёт ва ўлим инстинктлари — З. Фрейд; жамоавий онгсизлик — архетиплар — К. Юнг) исботладилар. Сўнгра экзистенциализм (К. Ясперс, М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр) инсоннинг аутентлиги — асл мавжудлиги, жамиятдаги турли талаблар, меъёрлар таъсирида бузилмаган асл табиати ҳақидаги ғояни илгари сурдилар.

Экзистенциалистлар диний ёки атеистик (Сартр) позицияда туришларидан қатъи назар инсон табиатига жамиятни маълум даражада ёт деб билладилар. Улар инсоннинг аутентлиги кўпроқ «чегаравий ҳолатдар»да рўёбга чиқади, деб ҳисоблайдилар.

Инсон табиати ҳақида оригинал фикр юритганлардан бири Э. Кассирер бўлди. Э. Кассирер инсон турли рамзлар яратувчи ҳайвон эканлиги ғоясини ўртага ташлади — *animal symbolicum*².

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар. 1-том, Т., 1980, 2-б.

² Э. Кассирер. Опыт о человеке: введение в философию человеческой культуры. — В кн.: «Проблемы человека в западной философии», Т., 1988, 30-б.

Инсон ўзи ва табиат оралигини турли рамзлар билан тўлдирди ҳамда улар орқали жамият ва табиат билан боғланади.

Сўзлашув тили — инсон яратган шундай рамз. Маданиятнинг ҳар бир ҳодисаси — рамз. Рамзларни яратиш ва улардан фойдаланиш кишиларга ҳар қандай инсоний фаолиятни амалга оширишга қўмақлашади. Масалан, тил нафақат кишиларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди, нафақат уларнинг жамоага бирлашиши, жамиятни вужудга келтиришига шарт-шароит туғдиради, шунингдек, тафаккурни юзага чиқаради. Рамз (тил) туфайли инсон ҳам ақлли мавжудот, ҳам «ижтимоий ҳайвон» бўла олди. Рамз яратиш орқали инсон бирламчи табиатни қайта ишлаб, иккинчи табиатни, шу жумладан ўз инсоний табиатини ҳам яратди ва такрор яратиб туради.

Э. Кассирернинг инсон рамзлар яратувчи ҳайвон эканлиги тўғрисидаги хулосаси шаклан оригинал бўлса-да, лекин айрим деталларни ҳисобга олмаганда, мазмунан инсон моҳиятини очиб берувчи янги тамойилларни олға сургани йўқ. Э. Фромм ва Р. Хираунинг қуйидаги фикри, назаримизда, адолатлидир: «Инсонниаг ушбу хоссалари — ақл, яратувчилик, жамиятга мансублик ва рамз ижод қилиш — инсон табиатини тўлиқ ташкил этмасалар-да, ҳақиқатан моҳиятлидир. Улар инсоннинг умумтарқалган имкониятларидир, аммо «инсон табиати» деб аташ жоиз бўлган нарсани ташкил этмасликлари мумкин... Бу хоссаларнинг барчасига эга бўлиб ҳам, инсон эркин ёки қарам, эзгу ишли ёки гуноҳдор бўлиши, очкўзликни ёки идеалларни дастур қилиб олиши мумкин»¹.

Аммо инсон табиатини ташкил этувчи қанча янги тамойиллар олға сурилмасин, бари бир масала охиригача ечилмай қолади. Чунки инсонга, нафақат тафаккур, шунингдек, ҳиссиёт, туйғулар ҳам хос. Инсон фаолиятининг асосида мақсадга мувофиқлик билан бир қаторда эҳтирос ётибди. Инсон учун гўзалликдан, эзгуликдан, самимийлик ва болаларча беғуборликдан завқ-шавқ туйиш, ёвузликдан қаҳр-ғазабга тўлиш, нафратланиш, ижод илҳомидан жўшиш

¹ **Эрих Фромм, Рамон Хирау.** Предисловие к антологии «Природа человека». — В кн.: «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». М., 1990, 149-б.

ва ш.к. эҳтирослар, том маънодаги индивидуал тарзда намоён бўладиган асл ижтимоий ҳиссиёт хос. Шу боис инсонни «эҳтиросли мавжудот» ҳам дейиш мумкин.

Инсон табиати фақат умумий инсоний хоссалардан ёки тамойиллардан иборат эмас. У, шунингдек, инсоннинг конкрет тарихий-ижтимоий ва индивидуал мавжудлик ҳолати билан боғлиқ. Бу ҳолат шахснинг мойилликлари, у ёки бу нарсани яхши кўриши, эркин танлаши ва севиши, нималаргадир сиғиниши, тақводорликка мойиллик ёки уни инкор қилиш каби ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний туйғу ва меъёрларни ўз ичига олади. «Ишқсиз – эшак, дардсиз – кесак» деганида, ота-боболаримиз инсон табиятининг энг муҳим жиҳатини эътироф этганлар.

Шахснинг собит мойилликлари, собит ҳиссиёти (кайфияти эмас) ҳам инсон табиятини ташкил этади. Инсон бир нарсага меҳр қўйишга, у ҳақда қайғуришга, уни парваришлаб, авайлаб эъозлашга ёки унга эришиш учун катта куч-ғайрат сарфлашга, турли тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этишга, ҳатто ўз-ўзини қайта яратишга (масалан, мутахассислигини ўзгартириш учун қайта ўқитишга ва ш.к.) қодир ва қобил.

Буни Алишер Навоий сўфиёна ўзига хос тарзда ифода этган: инсон жазм қилса, ҳақ васлига ҳам эриша олур. Зеро, ҳақ инсон қалбидадир. Инсонга ҳаққа восил бўлиш ишқи ва қобилияти берилган:

Ким сен-ўқ сен ҳар неким мақсуд эрур,
 Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
 Зотнинг ишмолига тафсилсен,
 Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
 Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
 Ҳар не истарсен ўзингдин истагил.
 Турфа қушсен равза нахлистонидин,
 Пок тойирсен шараф бўстонидин.
 Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
 Ким сулук ичра риёзат бирла сайр
 Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
 Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
 Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур,
 Феълга келса даво мақсуд эрур.

Тасаввуф мутафаккирлари каби Алишер Навоий ҳам Аллоҳга муҳаббат (ишқ)ни ва унга фано орқали етиша олишни инсон табиатига хос қобилият, деб ҳисоблаган. Ҳақиқий ишқ — муҳаббатнинг олий кўриниши. Унгача инсон муҳаббатнинг турли шакллари ни бошдан кечириши мумкин. Бу унинг сева олиш қобилиятига боғлиқ. Худди шундай фаноликка кўтарилиш (ўзлигидан кеча олиш) инсон қобилиятининг энг олий чўққисидир. Фақат олий камолотга эришганларгина ҳақиқий ишққа ва фанога сазовор бўладилар ва аксинча.

Камолотнинг турли даражалари учун эса муҳаббатнинг ва бошқа қобилиятларнинг тегишли шакллари ва даражалари хос. Муҳаббат ва бошқа қобилиятлар инсон табиатининг мазмунини ташкил этадиган, юқорида қайд этилган тамойилларни тўлдирадиган муҳим фазилатлардир. Шу боисдан Эрих Фромм ва Рамон Хирау қуйидаги фикрни олға сурадилар: «Инсон табиати нафақат тамойилдир, шунингдек, қобилиятдир. Бошқача айтганда, инсон муҳаббатини ва ақлини такомиллаштиригандагина, у ўзининг (асл) мавжудлигига интилган бўлади. Айтиш мумкинки, инсон мавжуд экан, севишга ва мулоҳаза юритишга қобил ва, аксинча, у мулоҳаза юритишга ва севишга қобил экан — у мавжуд. Ўзини, ўз экзистенциал вазиятини англай олиш уни инсонга айлантиради: бу қобилият, моҳиятан, унинг табиатини ташкил этади»¹. Бу хулоса инсон табиатини янги бир муҳим жиҳат билан бойитади, аммо охиригача у ҳам очиб бермайди. Бизнинг фикримизча, инсоннинг табиатига юқорида келтирилган тамойиллар ва қобилиятлардан ташқари, инсон эҳтиёжларининг юксалиб бориш тамойили ҳам қиради. Шу тамойилни ҳам қўшиб таҳлил этсак, инсон табиатини янада аниқроқ тасаввур этишга, чуқурроқ тушунишга, бинобарин, маънавиятни ҳам яхшироқ билишга имкон яралади.

Ҳайвонот оламида биологик эҳтиёжлардан ташқари эҳтиёжлар деярли йўқ. Айрим қушлар ва ҳайвонларнинг «ишқий» ўйинлари, жуфт бўлиб яшашини биологик эҳтиёж доирасидан чиқади, дейишга асос йўқ. Ҳайвонот оламида эҳтиёжлар юксалмайди, фақат ўзгаради, натижада биологик организм табиатга мослашади, холос. Инсонда эса

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Ўша асар, 153-б.

эҳтиёжлар муттасил юксалади: моддийлари ҳам, маънавийлари ҳам. Инсонда бир эҳтиёжларнинг қондирилиши ундан юксакроқ бўлган янги эҳтиёжларни туғдиради.

Янада мукамалроқ, яхшироқ, гўзалроқ буюмни ёки санъат асарини яратишга интилиш, янада чуқурроқ ва кенгроқ, аниқроқ билимни эгаллашга, янада мукамалроқ техник асбоб-ускуналарни, компьютерларни, техникани ихтиро этишга ҳаракат, турмуш даражасини янада кўтариш ва фаровонлаштиришга уриниш – инсоннинг асл инсоний хусусиятидир, объектив равишда туғиладиган ижтимоий эҳтиёждир. Инсон ҳеч бир вақт ўзининг мавжуд ҳолати билан қониқмайди (гап алоҳида шахснинг маиший аҳволи, мансаби ва ш.к. ҳақида эмас, инсониятнинг тарихий жараёндаги аҳволи ҳақида кетмоқда), у доимо ўз мавжудлик ҳолатини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ҳайвонда такомиллашиш мўлжали йўқ. У ўз мавжудлик ҳолатини англай ҳам олмайди, уни такомиллаштиришга ҳаракат ҳам қилмайди.

Ижтимоий тараққиёт асосида мавжуд ҳолат билан қониқмаслик ётади. Вужудга келган қийинчиликларни енгиш, янги куч, ғайрат тўплаш учун, ривожланишнинг заминини тайёрлаш учун инсонга чидам, сабр-тоқат керак. Сабру тоқатни ўз ижтимоий ҳолатидан қониқиш билан чалкаштирмаслик керак. Сабру тоқат ривожланиш жараёнининг дискрет ва вақтинчалик шакли, мукамалликка интилиш, эҳтиёжларнинг юксалиши эса доимий ҳолатидир.

Ўз ижтимоий ҳолати, эришган даражаси билан қониқмаслик туфайли янги эҳтиёжларнинг туғилиши ижтимоий тараққиётнинг, шу жумладан маънавий ривожланишнинг ҳам асосида ётади. Ўз ҳолати ва эришган даражаси билан қониқиш янги, янада юксакроқ эҳтиёжларни вужудга келтирмайди, натижада маънавиятда турғунликни келтириб чиқаради. Соғлом моддий эҳтиёжлар юксалмас экан, оқибатда маънавий эҳтиёжлар ҳам юксалмайди.

Инсоннинг эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, ўз қобилиятларини воқе қилишга, ижод қилишга уринишлари унинг маънавий эҳтиёжларидир. Лекин эҳтиёжларни мавҳум баҳолаш ярамайди. Эҳтиёжлар соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин.

Инсоннинг эркин камолотига хизмат қиладиган, ун-

даги ижобий қобилиятларни, фазилатларни бойитадиган, ривожлантирадиган эҳтиёжлар соғлом эҳтиёжлардир. Аксинча, нафсининг кучайишига, молпарастрликка, шахватпарастрликка, мансабпарастрликка, инсондаги салбий қобилиятларнинг кучайишига хизмат қиладиган эҳтиёжлар носоғлом эҳтиёжлардир. Улар инсон маънавиятининг қашшоқланишига, унинг ўз нафси ва ҳирсининг қулига айланиб, шахсининг емирилишига олиб келади. **Инсонда соғлом эҳтиёжларнинг шаклланишига, ўз шахси билан ихтилофга бордирмасдан, унинг асл инсоний мавжудлигини таъминлашга хизмат қиладиган ақлий ва ҳиссий муҳит, фалсафий, ахлоқий, илмий, диний, бадий ва бошқа маданий қадриятлар, меъёрлар, идеаллар ҳамда ижодий фаолиятнинг ўзаро муштараклиги — бу маънавиятдир.**

Эҳтиёжлар юксалиши ва маънавият ривожланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалса, маънавият ривожланади, ривожланган маънавият эса юксак эҳтиёжларни тақозо этади. Ривожланган маънавият — бу қондирилган эҳтиёждир ва айни пайтда аввалги эҳтиёжга нисбатан юксакроқ янги эҳтиёжнинг туғилишидир. Лекин эҳтиёжларнинг ўзи бевосита маънавиятнинг таркибига кирмайди, балки унинг шарт-шароитини, ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилади. Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг юксалиши инсоннинг табиатига, асл мавжудлигига мос. Ушбу маънода инсонни «эҳтиёжлари юксаладиган мавжудот» дейиш ҳам ўринлидир.

Инсоннинг «асл мавжудлиги» ёки ўз инсоний табиатига мос яшашини экзистенциализм, юқорида қайд этилганидек, аутентлик деб атади. Экзистенциализмнинг инсон ҳақидаги концепциялари жиддий камчиликлардан холи бўлмаса-да, аутентлик тушунчаси Фарбнинг бугунги кунда кўпчилик ижтимоий фанлари томонидан қабул қилинган. Ҳақиқий маънавият инсоннинг аутентлигини таъминлаш билан боғлиқ. Шу борада яна Э. Фромм ва Р. Хираунинг бир ҳулосаси диққатга сазовор: «Маънавиятга ким содиқ, бўлса, у аутентлидир, ноаутент киши маънавиятсиздир»¹.

Инсон ўз аутентлигига турфа қадриятлардан баҳраманд бўлиш орқали ҳамда энг аввало ижтимоий алоқаларда, мулоқотда қатнашиш орқали эришади. Демак, инсоннинг

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Ўша асар, 161-б.

асл мавжудлигини юзага чиқариш учун тегишли ижтимоий муҳит зарур. Инсоннинг ақлли ва ижтимоий мавжудотлигини ҳисобга олсак, унинг онги ва қарашлари, эҳтиёжлари ва интилишлари фақат жамиятда шаклланиши мумкинлигини англаймиз. Шахснинг ўзи ҳам, унинг онги ҳам, маданияти ва маънавияти ҳам ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсуллари дир. Муҳит эса ҳеч қачон индивидуал шахс муҳити бўла олмайди, у ҳамшиша ижтимоий дир.

Инсон ўз табиатига зид эмас, балки мос яшаши лозим. Шундай экан, инсон табиати тушунчаси ҳам, маънавият тушунчаси ҳам «инсоннинг яшашдан мақсади нима» деган масала ечими билан бевосита боғлиқ.

Халқимизнинг асрий турмуш тажрибаси асосида шакланган кундалик онгида мазкур саволга қуйидагича жавоб берилади: инсоннинг яшашдан мақсади – эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдириш дир. Мазкур сода ва ниҳоятда доно фикрдан келиб чиқиб, маънавият – бу инсоннинг эзгуликка йўналтирилган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган орзу-ҳаваслари, ақл-заковати, билимлари, амалий фаолияти асосида ётган иродаси дейиш мумкин ва жоиз.

Фалсафий ва диний таълимотларда бу саволга мураккаблашган ва чалкаш жавоблар берилади. Жаҳоннинг барча йирик динлари бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди. Инсоннинг яшашдан мақсади фоний дунёда хайрли (савобли) ишлар қилиб боқий дунёга тайёргарлик кўриш, жаннатга сазовор бўлиш деган ғояни ёқлайди. Айрим диний оқимлар ва мазҳаблар бу масалани янада кескинроқ қўядилар. Масалан, христианларда ўрта асрларда «руҳингни қутқариш учун пуштингни сўндир», деган даъват кенг тарқалган эди. Тасаввуф ҳам риёзат чексанг, нафсониятдан, хусусий манфаатлардан қутулсанг, ҳақ васлига восил бўласан, дейди. Агар маънавият – инсон табиатини рўёбга чиқаришга, мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга, инсоннинг яшашидан кўзлаган мақсадига эришишга хизмат қиладиган ақлий ва ҳиссий талабларни ҳам қамраб олишини назарда тутсак, юқоридаги қарашлар бугунги тушунчадаги маънавият мазмунини тўлиқ қамраб олмаслигини кўрамиз.

Дунёвий фалсафа вакиллари антик замонларданоқ ин-

соннинг яшашдан мақсади завқ-лаззатли, ҳузур-ҳаловатли умр кечириш (гедонизм) ёки бахтли бўлиш (эвдемонизм), деб билганлар. Бу қарашлар турли даврларда турлича шаклларда қайтарилган.

Форобий эвдемонизм тарафдори бўлган: «Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув...», «Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир», — деб уқтирган¹. Ўз фикрини давом эттириб, Форобий инсон энг аввало бахт-саодатнинг нималигини билмоғи зарурлигини, унга эришувни ўзига гоё ва энг олий мақсад қилиб олмоғи, унга элтадиган иш-амал ва воситаларни билмоғи ва бажаришга киришмоғи лозимлигини таъкидлайди. Форобий тушунчасидаги бахт-саодат ва фаровонлик — бу завқ-шавқнинг, лаззатланишнинг авлоддан-авлодга ўсиб бориши ҳамдир. Форобий эвдемонизми руҳоний гедонизмга асослангандир.

Форобий қарашларидан келиб чиқиб маънавиятни аниқлайдиган бўлсак, у биринчи навбатда инсоннинг (жамиятнинг) ижобий, мусбат билимлари, завқ-шавқи, ҳаётдан лаззатланиш туйғулари олий мақсадга, идеалга ва бунёдкорликка, бахт-саодатга интилишдир.

Марксизм, эвдемонизм ва гедонизмни инкор қилмасдан, инсоннинг яшашдан мақсади ўз имкониятларини юзага чиқариш, ҳаётда шахс сифатида ўзини намоён қилиш, деб ҳисоблайди. Шахс деганда эса ҳар томонлама уйғун ривожланган, жисмонан етук, «ҳақиқий илмий дунёқарашга» эга фаол кишини тушунади. Марксизмнинг масалага бундай ёндашуви билан қўшилиш мумкин бўларди, агарда у синфийлик, партиявийлик ва жангари атеизм тамойилларини илмий дунёқарашнинг ўзаклари деб қарамаса. Мазкур тамойиллар эса «илмий дунёқараш» ва «уйғун ривожланган шахс» тушунчалари мазмунини жуда-жуда чеклаб, бир ёқлама қилиб қўяди.

Ахир бир ёқлама, ҳатто баъзан мутаассибларча фикрлайдиган шахсни ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс деб бўлмайди.

Инсон табиати, инсоннинг яшашдан мақсади ҳақидаги барча таълимотларни, улар ўртасидаги ўхшашлик ва

¹ Абу Наср Форобий. Ўша асар, 188-б.

фарқларни, бу таълимотлар ўртасидаги ворисийлик ва мунозараларни таҳлил қилишга иш ҳажми имкон бермайди.

Юқорида келтирилган асосий қарашларни умумлаштириб, хулоса қиладиган бўлсак, **маънавият инсоннинг асл табиатини — унинг ижтимоийлигини ва шахс сифатида индивидуаллигини мустаҳкамлашга, унинг ақлий ва ҳиссий ички дунёсини тарбиялашга, камол топтиришга, ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини юксалтиришга, жамиятнинг маданий меросини бойитишга хизмат қилади ҳамда унинг ўзи улардан ташкил топади.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ

Агар маданият инсон зотининг сифатий таърифланиши бўлса, **маънавият инсоннинг ўз-ўзини яратиш ва ўзгартириш фаолиятининг мазмунидир.** Бас, шундай экан, инсоннинг фаолияти ва онги орқали маданият ва маънавият бир бутунликни ташкил этади — маданият воқелик, маънавият эса моҳият бўлади. Маънавият маданиятда «моддийлашади», мужассамланади, тўпланади ва авлоддан-авлодга узатилади.

Инсондаги инсонийликни маданий ҳодисаларни механик истеъмол қилиш эмас, балки, энг аввало, **маънавият шакллантиради.** Турмушда ўқимишли, кенг билимли, жамиятда расм-русум бўлган талабларни яхши ўзлаштирган, аммо тамагир, виждонсиз, худбин, яъни маънавий қашшоқ кишилар кам учрамайди. Демак, **маънавият шунчаки ташқи «маданийлик» даражаси эмас, балки у маданиятнинг инсоннинг ички эътиқодига, дунёқарашига, ички эҳтиёжига, ижобий фазилатларига айланган, яъни ўзлаштирилган асл мазмунидир.** Масалага бундай ёндашсак, маънавият — маданиятнинг ғоявий, моҳиятли мазмуни, маданият — маънавиятнинг ички ташкиллашган ва ташқи муштараклашган универсал шаклидир. Зеро, инсонпарварлик, адолатпарварлик, ахлоқийлик каби тушунчалар маданиятнинг асл, умуминсоний (моҳиятли) мазмунини ташкил қилади. Ўз навбатида бу ғояларнинг маданиятда ифодаланиши маънавиятни муайян шаклда рўёбга чиқаради.

Шу билан бирга маданият ҳодисаларида инсоннинг онги ҳам, амалиёти ҳам, интилишлари ҳам, иродаси ҳам

бирлашади, муштараклик касб этади, синтезлашади. Бундан ташқари, алоҳида олинган бир санъат асарида жамиятнинг ахлоқий, эстетик, илмий, диний, фалсафий, баъзан эса сиёсий қарашлари, бадиий тажрибаси акс этиши мумкин. Ушбу маънода маданият маънавиятнинг нафақат воқелик шаклини, шунингдек, нисбатан мустақил фаолият кўрсатувчи функционал шаклини ҳам ташкил этади. Ҳақиқатан, фан, адабиёт, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ онг шаклларигина бўлиб қолмасдан, улар айни пайтда ижтимоий фаолият турларидир. Яъни маънавиятнинг ижтимоий вазифа бажарувчи нисбатан алоҳидалашган шакллари.

Масалан, А. Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонини олайлик. Унда бир қатор ахлоқий, фалсафий муаммолар кўтарилганини, умуминсоний ғоялар: яшашдан мақсад нима, дўстлик ва унга содиқликнинг ҳатто ота-она меҳридан устунлиги, савоб ва гуноҳ тушунчаларининг янги талқини (истеъдод — инсонга юклатилган бурч, шунчаки илоҳий марҳамат эмас, ундан халқ учун самарали фойдаланмаслик Аллоҳ олдидаги гуноҳ ва ҳ.к.) олға сурилганини кўралик.

«Жаннатга йўл»да бевосита ижтимоий амалиёт, турмуш тарзи, диний тасаввурлар, жамиятда мавжуд иллатлар ҳам акс этган. Ўз-ўзидан маълумки, асар ўзбек адабиётининг маълум тажрибасини умумлаштиради ва имкониятларини кўрсатади. Бадиий асар сифатида у биз учун ижтимоий амалиётнинг мустақил нафосат дурдонаси, қадриятидир, маънавиятимизнинг бир бўлагидир ва ҳар томонлама эстетик жиҳатдан таҳлил қилиниши, баҳоланиши мумкин.

Асар бизнинг гўзалликка, сўз санъатига, бадиийликка бўлган талабларимизни, яъни эстетик эҳтиёжимизни қондиради. Бу унинг биринчи ижтимоий вазифасидир. Асар бизнинг ҳиссиётимизни тарбиялайди, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан онгимизни, тафаккуримизни такомиллаштиради, яъни тарбиявий вазифани бажаради. Бу унинг иккинчи ижтимоий вазифасидир. Ва ниҳоят, унинг учинчи ижтимоий вазифаси — бу билим беришидир. Биз кишилар ўртасидаги муносабатлар, инсоннинг ички кечинмалари, эзгулик ва ёвузлик, мардлик ва худбинлик, инсон харак-

терлари, феъл-атворлари тўғрисида муайян билимга эга бўламиз, яъни асар воқеликни бадиий билиш вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, санъат асарида (фанда ҳам, урф-одатларда ҳам), умуман маданиятда маънавият ўзининг, бир томондан, синтезлашган ташкилий шаклини топади, иккинчи томондан — санъат (фан, урф-одатлар ва ш.к.) маънавиятнинг таркибий қисми, нисбатан мустақил функционал шакли сифатида фаолият кўрсатади. **Маънавият — маданият мазмунида умуминсоний қадриятларни халқнинг тарихий тажрибаси билан ўзаро уйғунлаштириб ҳозирги замон тараққиёти заруриятини англаш (тўғри ёки нотўғри) даражасидан келиб чиқиб талқин қилиниши ва зоҳир бўлишидир.** Маданият маънавиятнинг рўёбга чиқиши, ташкилий шакли ҳамда амалиётга айланишидир (функционал шакл).

Маънавият, келиб чиқишига, авлоддан-авлодга ўтишига ва ижтимоий ҳодиса сифатидаги ролига кўра, алоҳида шахс онги ва фаолиятининг маҳсули эмас. Алоҳида шахс онгида маънавият у ёки бу даражада акс этади, алоҳида шахс унинг ривожланишига маълум ҳисса қўшиши мумкин. Алоҳида шахснинг (ҳаттоки йирик ижтимоий гуруҳнинг) индивидуал тажрибаси жамият маънавиятини бекор ҳам қилолмайди, тубдан ўзгартира ҳам олмайди, фақат бунга туртки бўлиши мумкин.

Маънавият ўзгариши учун халқнинг катта қисми бунга мойил бўлиши лозим. Бу эса халқнинг турмуш тарзида, сиёсий тузумида, ижтимоий аҳволида кескин ёки сезиларли ўзгаришлар билангина боғлиқдир. Яъни маънавиятнинг ўзгариши умуммиллий тажриба орқали амалга ошади.

Жамиятда маънавият ўзгариши учун шарт-шароит пишиб етилса, унда шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари зое кетмайди.

Истиқлол арафасида ва ундан кейин давлатимиз раҳбарлари томонидан маънавиятимизни ривожлантириш ва қадриятларимизни тиклаш бўйича қилинган хатти-ҳаракатлар халқнинг истаклари ва хоҳиш-иродасига ҳамда турмуш тарзидаги ўзгаришларга мос бўлганлиги учун омма томонидан яхши кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Натижада маънавиятимизда бугун катта ўзгаришлар бўлмоқ-

да. Шу боисдан умуман маънавият ҳақида гапирилганда, халқ маънавияти ҳақида сўз юритилади.

Шахс ва маънавият ҳақида гапирилганда эса маънавият ижтимоий функцияларининг ва онтологиясининг алоҳида олинган инсоннинг онги ва амалиётида рўёбга чиқиши назарда тутилади. Бу ҳақда Ислом Каримов жуда тўғри фикрни айтган: **«Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади»**¹.

Маънавият миллатнинг асрлар давомида шаклланган, илдишлари унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички ақлий (интеллектуал) ва собит ҳиссий (эмоционал) дунёсидир. Ақлий ва ҳиссий ички дунё сифатида маънавиятда тафаккурга, онгга боғлиқ жиҳатлар ҳам, шунингдек, онг остига оид ижтимоий стихияли мўлжаллар, фаҳм-фаросат (интуиция) ва миллий ирода ҳам мавжуд.

Масалан, миллий озодлик курашининг турли босқичларида юз берадиган стихияли хатти-ҳаракатлар, миллий гуруҳ кўринишига оид баъзи ижтимоий ҳодисалар маънавиятга киради, лекин улар кўпроқ онг билан эмас, балки ирода билан боғлиқ, баъзан эса иррационал характер касб этади.

Маънавият миллатнинг фақат ички субъектив ақлий ва ҳиссий дунёси (ички маданияти) билан чегараланмайди, у миллатнинг объективлашган ички ва ташқи ижтимоий-маданий яшаш ва ижод қилиш шароитини, яъни маданий муҳитни ҳам қамраб олади.

МАЪНАВИЯТ ВА ИРОДА

Юқорида ироданинг маънавият тузилмасига кириши қайд этилган эди. Унинг баъзи бир хусусиятлари, жумладан, унга рационализм билан бир қаторда иррационализм хослиги айтиб ўтилган эди. Ироданинг мазмуни тўлароқ очилиши учун, яна баъзи бир қўшимчалар қилиш лозим.

Ирода энг аввало инсоннинг муайян мақсад танлай билиш ва унга эришиш учун ўзида кераклигича ички куч

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-китоб, 81-б.

ҳамда ташқи имкон топа олиш (вазиятни мослаштириш) қобилиятидир. Ирода ақлдан ва ҳиссиётдан шуниси билан фарқ қиладики, унинг учун мақсадга нисбатан «мен хоҳлайман» қабилдаги кечинмалар эмас, балки «керак», «шундай қилишим шарт» сингари муносабат хос. Шу боис у доим ҳам онгли, мақсадга мувофиқ, рационал ҳаракат шаклида намоён бўлмайди. У баъзан ор-номус, гурур, бурч, виждон эҳтирослари таъсирида иррационал хулқ-атвор кўринишида юзага чиқиши мумкин.

Ирода моҳияти ва ҳодисасининг жуда мураккаблиги ва зиддиятлилиги айрим ҳолларда уни «сабаб-оқибат» боғлиқлигида идрок этишда қийинчиликлар туғдиради. Фалсафа тарихида иролага нисбатан бир-бирини мутлақо инкор қилувчи қарама-қарши ёндашувлар, фикрлар ва хулосалар кўп билдирилган. Айниқса ирода эркинлиги тўғрисида. Лекин уларнинг деярли барчаси иродани маънавият унсури, Шопенгауэр ва унинг издошлари эса бутун олам жараёнининг, айниқса инсон фаолиятининг бирламчи асоси, деб ҳисоблаганлар.

Иродага барқарорлик, собитлик билан бир қаторда маълум даражада эклектиклик (қоришиқлик), релятивлик (нисбийлик) хос. Унда турли қарама-қарши жиҳатлар қоришиб кетган. Ирода детерминизмдан ташқаридаги ҳодиса эмас. У эркин танлаш, аммо ижтимоий тақозо этилган эркин танлаш. Тўғри, мақсадга эришиш йўлидаги хулқ-атворда, хатти-ҳаракатнинг ҳар бир унсурида доим ҳам детерминизм аниқ кўзга ташланавермайди. Баъзан кишининг хатти-ҳаракати номантиқий тасодифдек туюлади, чунки у инсоннинг онги остига тааллуқли, оқилона тушунтириш қийин ёки мумкин бўлмаган руҳий ҳолати, ижтимоий майллари таъсирини сезади.

Лекин иродадаги иррационал ва индетерминистик жиҳатларни ортиқча баҳолаб юбормаслик керак. Жамият миқёсида ирода ахлоқ ва ҳуқуқ воситасида анча изчил рационалистик ва детерминистик талқинга эга бўлади ва ўзига хос тарзда моддийлашади.

Мақсад танлаш ва унга эришиш билан боғлиқ фаолият сифатида ирода ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосида ётади. Аммо ахлоқ ва ҳуқуқ ироданинг ўзи эмас, балки уни билвосита рўёбга чиқарувчи, ойдинлаштирувчи, ўзларининг хос меъ-

ёрлари мазмуни билан бойитувчи мустақил ижтимоий институтлардир. Ирода эса мутлақо ижтимоий институт эмас.

Қадимги антик даврдаёқ, инсон онги ва маънавияти уч қисмга бўлинган: ақл (тафақкур), ирода ва ҳиссий кечинмалар. Демак, ирода инсон онги ва руҳиятига мансуб идеал ҳодисанинг амалий хулқ-атвор ва ҳаракатга айланиш жараёни ҳамдир. Ирода маънавиятнинг негизини ташкил этувчи онгнинг ўзига хос таркибий қисмидир. Маънавиятнинг кўп томонлари, жумладан, эътиқод билан у чамбарчас боғлиқ. Онгсиз ирода умуман вужудга келмайди. Эътиқодсиз ирода эса ички қатъият жиҳатдан заиф, стихияли ва иррационализмга кўпроқ мойил бўлади.

Ўз навбатида иродасиз онг тўлиқ яхлит тизим бўлолмайди, у нофаол инъикос даражасида қолиб кетади, эътиқод эса шаклланмайди. Демак, иродасиз маънавият ҳам шаклланмайди ёки аниқ тизимни ташкил этмайдиган жуда жўн тушунчалар ва меъёрлар йиғиндиси бўлиб қолади.

Ирода зоҳиран эркин танланган мақсадни амалга оширишда намоён бўлади. Бу жараёнда инсон (миллат) вазият талаб қилса, нималардандир воз кечади, нималарнидир қурбон қилади, маслагини ҳимоя айлаб, вазиятни енгишга ҳаракат қилади, йўқотишларга, оғир синовларга дош беради.

Қатъият, бардош, сабр-қаноат, йўлдан тоймай, ортга қайтмай мақсадга интилиш, имкон излаш, масаланинг янги ечимини топишга ўз ақлини, ҳиссиётини сафарбар эта олиш, муваффақиятсизликлардан чўчимаслик, ютуқлардан эсанкирамаслик — иродани ташкил этувчи унсурлардир. Ирода, шунингдек, ғурур, ор-номус, фидойилик, қаҳрамонлик, жасурлик, таваккалчилик ёки қўрқув каби тушунчаларни, меъёрларни ўз ичига олади.

Ирода маънавиятга барқарорлик, ўзини муҳофаза қила олиш, ривожланиш, такомиллашиш, яъни яшовчанлик ва таъсирчанлик хусусиятларини бағишлайди.

Ирода маънавиятнинг арконларидан ва асосий мақсадларидан бири бўлмиш эркинликнинг амалда юзага чиққан воқелигидир.

Эркинлик мустақиллик тушунчасига нисбатан анча кенг ва теранроқ. Агар миллий мустақиллик миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритгани-

ни, ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ва халқаро муносабатларини ҳеч бир давлатга қарам бўлмасдан, ўзи қуришини билдирса, эркинлик уларга қўшимча равишда яна шахс ва миллатнинг объектив эҳтиёжларини, давр ва шарт-шароит тақозосини, бугунги кун ва келажак талабларини, жамиятнинг ривожланиш, янгилашни тенденцияларини англаб олиш ва ўз бунёдкорлик ишларини, барча саъй-ҳаракатларини уларга монанд қуришини билдиради.

Эркинлик онгли танлашда, онгли фаолиятда намоён бўлар экан, у ирода билан узвий, диалектик бирликни ташкил этади. Ирода онгли танланган мақсад сари ўз фаолиятини йўналтириш, муайян воситалар ва усулларни белгилаш сифатида эркинликнинг «моддийлашуви», воқелигидир. Эркинлик эса ироданинг ички салоҳияти, ҳаётбахш кучи ва ташқи олий мўлжалдир. Маънавият эркинликка ирода орқали ва унинг воситасида интилади.

Юқоридагидан ироданинг маънавиятнинг таркибий қисми сифатидаги аҳамияти аёнлашади.

Маънавиятнинг барча таркибий қисмларига, унсурларига ироданинг таъсири катта, аммо табиийки, бир хил эмас. Унинг таъсири бугунги кунда маънавиятнинг етакчи ва жуда динамик, ҳаракатчан тизимларидан бири — миллий ғоя ва миллий тараққиёт мафқураси шаклланишига, ҳаётга татбиқ этилишига жуда кучлидир.

Иродаси бўш халқ туб манфаатларини юзага чиқаришда, ҳатто уларни тўла ва теран англаб олишда қийналиб қолади. Ўзлигини яхши англай олмаган халқ эса миллий ғоясини ифодалай олмайди. Бинобарин, унинг маънавий ҳаётига ички муштараклик ва умумий мақсадга интилиш етишмайди. Чунки маънавий ҳаётга муштараклик ва умумий мақсадни миллий ғоя беради.

Таъкидлаш лозимки, бу муштараклик казармача бирхиллик эмас, балки ранг-баранглик бирлигидир, фикрлар ва ҳаракатлар плюрализмининг ички ўзаро маҳкам боғланган ягона тизимга айланишидир. Бундай тизимда унинг таркибий унсурлари алоҳида қаралганда автоном ва нисбатан мустақил характерга эга, аммо биргаликда олинганда юқорироқ даражадаги муштаракликни, динамик мувозанатни ташкил қилади. Мисол тариқасида демокра-

тия ривожланган мамлакатлар парламенти олиш мумкин. Улар ўз партиялари дастурларига амал қилувчи турли депутатлар фракцияларидан иборат. Аммо парламент ўз халқи ва мамлакатининг умумий манфаатларини ифодалайди, айни пайтда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ҳисобга олишга интилади. Депутатлар фракцияларида кўриладиган масалалар бўйича консенсусга эришадилар, акс ҳолда бутун парламент тарқатиб юборилади ва қайта сайланади.

Ўз навбатида миллий ғоя миллий ирода чиниқишига, ривожланишига хизмат қилади. Унинг олий мақсадларини, мўлжалларини ва бу йўлдаги ҳаракат алгоритминини аниқлаб беради. Миллий истиқлол ғояси орқали ирода халқнинг маънавий илдизлари, асрий маданий мероси ва замонавий қадриятлари ҳамда умуминсоний қадриятлар билан янада мустаҳкамроқ туташади.

Маънавият туфайли ирода мазмунан ватанпарварлик касб этади, сохта ғояларга учмайди ва ғайриинсоний мақсадлар йўлига адашиб кириб кетмайди. Маънавиятнинг асл моҳиятидан ажралиб қолган ирода эса бундай хавфдан холи бўлмайди. Чунки иродага хос маълум даражадаги иррационализм, қатъият, ҳар қандай тўсиқни енгиб мақсад саринтилиш, агар маънавий мезонлар унутилса, восита танлашда адашиб кетишга олиб келиши мумкин. Мақсад воситани ҳар доим ҳам оқламаслигини иродага маънавиятнинг инсонпарварлик меъёрлари эслатиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, иродасиз маънавият кемтик, нотугал ва амалий жиҳатдан заифдир. Маънавиятсиз ирода эса стихияли, кўр-басир, зиддиятли ва хавфли ижтимоий энергия, куч даражасида қолиб кетади. Унинг яратувчилик салоҳияти паст бўлади.

МАЪНАВИЯТ ТАЪРИФИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, маънавиятга қуйидагича дастлабки таъриф бериш мумкин: **Маънавият — бу ижтимоий оннинг эътиқод ва қадриятлар даражасига кўтарилган собит эҳтирослари, тушунчалари, меъёрлари, ижтимоий мўлжаллари, идеалларидир, уларнинг маданий меросда, урф-одатларда акс этиши, миллатга муайян мақсадларга эришиш учун ёрдам берадиган миллий**

иродаси ҳамда жамиятда қарор топган ақлий ва ҳиссий, руҳий ва мафкуравий муҳитдир. Шундай қилиб, маънавият тўрт ўзаро узвий боғлиқ таркибий қисмдан иборат:

а) онгнинг, дунёқарашнинг оламга фаол муносабат кўринишидаги функционал жиҳати (ижтимоий онг шаклларига мувофиқ — фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий туйғулар, тушунчалар, баҳолар, қарашлар, назариялар);

б) маънавий маданият ютуқлари (халқ оғзаки ижоди асарлари — қўшиқлар, достонлар, эртақлар, мақоллар, маталлар, халқ амалий санъати асарлари, адабиёт, архитектура, дизайн, тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа, эстрада асарлари ва ш.к.; фан, оммавий ахборот ва ташвиқот, таълим-тарбия тизими, истироҳат ва спорт, урф-одатлар, диний амалиёт ва ҳ.к.);

в) ирода (эркин танлаш, қатъият, фидойилик, ор-номус, миллий гурур, қўрқув ва ҳ.к.);

г) жамиятда қарор топган маънавий муҳит.

Маънавият шахснинг табиат ва жамият билан муштараклашувини, ўз муносабатини уйғунлаштиришни билдиради. Яъни маънавият тушунчаси:

1) шахс ва жамият томонидан ижтимоий борлиқни ўз фаолияти асоси ва объекти сифатида англаб олинишини (шу боисдан ҳам маънавият дунёқарашнинг функционал жиҳати бўлади);

2) шахснинг, миллатнинг муайян хулқ-атвори ва яратувчилик фаолияти, борлиққа муносабати, борлиқни қайта яратиш ёки ўзгартириш бўйича ижодий режаларини;

3) бу режаларни амалга ошириш учун, биринчидан, шахс ва жамиятдаги қатъият, эрк ва иродани ҳамда, иккинчидан, жамиятда мавжуд бўлган мафкуравий шарт-шароитни билдиради.

Демак, маънавият орқали инсон табиат ва жамият билан бир бутунликни ташкил қилади, уйғунлашади. Инсоннинг табиатга ва жамиятга ижобий таъсири маънавиятга, салбий таъсири эса ундаги камчиликларга боғлиқ.

Маънавият нафақат рационал, шунингдек, маълум даражада иррационал характерга эга. Маънавиятнинг онгга, ақлга, мантиққа оид томони инсоннинг рационал дунёсини ташкил этса, иродага оид томони қисман иррацио-

нал дунёсини ташкил этади. Маънавиятнинг ҳиссиётга оид жиҳатлари эса ҳам рационал, ҳам иррационал характер касб этади.

Ҳиссиёт онг ва иродани бирлаштирувчи қатлам, у бир томони билан онгга сингиб кетса, иккинчи томони билан иродага сингиб кетади (эстетик завқ онгли равишда кечиши мумкин, масалан, асарнинг бадиий мукамаллигини яхши тушунган ҳолда ёки шоҳмот комбинациясининг гўзаллигини тушунган ҳолда улардан завқланиш мумкин. Шу билан бирга эстетик завқ гўзалликнинг бевосита таъсирида, гўзалликнинг ташқи «сеҳри»га мафтунликдан ҳосил бўлади. Бунда рационал таҳлил иккинчи ўринга чекинади).

Уят туйғуси, ор-номус ва виждон ҳиссиёти, ғурур, қўрқув ҳам, бир томондан рационал, иккинчи томондан, иррационал мазмунга эга.

Алпомишнинг бандиликдан қутулишда Кайқубод ёрдмидан воз кечиши ориятнинг, ироданинг кўринишидир. Амалий фойдалилик нуқтаи назаридан (тезроқ бандиликдан қутулиб, душманлардан ўч олиш, адолатни тиклаш, Барчин висолига етиш, ўз юртига тезроқ қайтиш, у йўқлигида содир бўлиши мумкин бўлган турли тасодифларнинг олдини олиш ва ҳоказо), яъни рационал — оқилона иш тутиш нуқтаи назаридан, Алпомишнинг қарори унчалик тўғри эмас. Аммо Алпомиш образи ифодалайдиган маънавий тушунчалар, ахлоқий идеаллар ўзгаларнинг ёрдамидан асосий мақсадига эришиш учун фойдаланишга йўл қўймасди. У бошқа соҳаларда ўзгалардан ёрдам олиши мумкин (Кайқубоднинг озиқ-овқатларини рад қилмайди), лекин душманлар билан принципиал курашда алп сифатида ўзлигини тўла-тўқис намоён этиши, ўз кучи билан ғалаба қозониши лозим. Бундай иш тутиш халқнинг маънавий идеалидир, лекин у рационализм доирасига сиғмайди.

Ғурур, ор-номус ва фидойиликка кўплаб тарихий мисолларни келтириш мумкин. Айниқса, ватани озодлиги учун курашган буюк шахслар, қаҳрамонлар, сиёсатчилар, қўзғолончи ва инқилобчилар ҳаётида ички туйғу, сезги ва фаҳм-фаросатга таяниб, таваккалчилик билан қўрқмасдан амалга оширилган ишлар сон-саноқсиз. Уларни охиригача рационализм нуқтаи назаридан тушунтириб бериш қийин. Лекин бундан ирода фақат иррационалистик бўлар экан, деган хулоса

келиб чиқмайди. Ижод жараёнида эса иррационализм ва рационализмни кўп ҳолларда бир-биридан ажратиш қийин.

1991 йил 31 август кунини Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиш, СССР таркибидан чиқиш ва совет тузумига барҳам бериш бу Президентимизда, халқ депутатларида миллий ироданинг ёрқин намоён бўлиши эди. Аммо кўп ҳолатларда халқнинг идеаллари кўламининг кенглиги, мўлжалларнинг юксаклиги ва мазмунининг теранлиги билан кундалик тушунчадаги рационализмга ҳар доим ҳам мос келармайди, унда рационализм тушунтириб бера олмайдиган миллий гуруҳ, миллий фидойилик, қатъият ва ирода — миллатнинг руҳий кучи бор.

Маънавиятдаги иррационал жиҳатлар, шунингдек, диний, диний-мистик қарашларда, турли иримларда, айрим ҳолларда ижодкор шахсларнинг «дарвишона», «машрабона» хатти-ҳаракатларида, баъзан бамаъни кишиларнинг «ақл бовар қилмайдиган» бемаъни қилиқларида намоён бўлади. Бизнинг бу мисолларни келтиришимизнинг сабаби шуки, совет даврида иррационализмга бир томонлама салбий муносабатда бўлиб келинди. Ваҳоланки, иррационализм маънавий ҳаётда, инсоннинг хулқ-атворида анча таъсирли роль ўйнайди.

Шундай қилиб, маънавиятда субъектив ва «моддийлашган» объектив томонлар мавжуд. Маънавиятнинг субъектив томони ўз навбатида икки — рационал ва иррационал қисмларга бўлинади. Ирода нафақат рационал, айрим ҳолларда иррационал характерга эга.

Маънавият субъектив ҳодиса — ақл ҳамда ирода сифатида борлиқнинг шунчаки акси эмас, балки дунёқарашнинг (кенгроқ олсак, онгнинг) борлиққа нисбатан амалий муносабат шаклидаги муайян фаолиятга айланишидир. Маънавият объективлашган қадриятлар тизими (яъни маънавий маданият) сифатида эса миллатнинг ўз-ўзини англаш, ўз руҳини, иродасини ва онгини, ижтимоий амалиётини такомиллаштириш имкониятларининг ва воситаларининг эришилган даражасидир, жамиятнинг маданий савиясидир.

Қисқа қилиб айтганда, маънавиятда миллатнинг ақлий ва руҳий салоҳияти ҳамда ижодкорлик қобилияти юзага чиқади.

Бу салоҳият ва қобилият асрлар давомида тобланиб, халқнинг тарихий бунёдкорлик, диний ва дунёвий тажрибасини ўзида мужассамлаган. Шу боис маънавиятга барқарорлик хос. Маънавият жамият билан бирга юксалади, ривожланади, таназзулга ва инқирозга учрайди, қайта уйғонади, гуркираб ўсади. Маънавият учун изчил тарихийлик ва замонавийлик, анъанавийлик ва янгилиниш хос. Маънавиятнинг ривожланиши тарихий заруриятни жамият томонидан тўғри тушунишга ва унга мувофиқ жамиятда амалга ошириладиган ишларга боғлиқ.

МАЪНАВИЯТНИНГ МЕЪЁРИЙЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Маънавият нисбатан умумий бўлган ижтимоий баҳо-лар, меъёрлар, мўлжаллар, идеаллар мажмуи сифатида, урф-одат ва қабул қилинган расм-русумлар ҳамда кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар, яъни маънавий маданият ва маънавий муҳит сифатида бошқа ижтимоий муносабатларга, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқ-атвориغا, фаолиятига чеклаш ёки рағбатлаш, ундаш орқали таъсир қўрсатади.

Маънавият энг аввало миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади. У ижтимоий-маданий филтер вазифасини бажаради ва миллий анъаналарга ёт, миллийликка путур етказувчи, миллатнинг ахлоқий, эстетик, фалсафий қарашларига, иймон-этиқодига, адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларига мос келмайдиган нарсаларни қабул қилмасликка, аксинча, уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади ҳамда миллий ривожланиш учун зарур бўлган ўзга халқларнинг ютуқларини, тажрибасини ўзлаштиришга интилади. Миллий турмуш тарзини муҳофаза қилишга ва ривожлантиришга кучи етмаса, инқирозга учрайди.

Демак, маънавият миллат ички дунёсининг, қарашларининг ва қадриятларининг воқелиги бўлибгина қолмасдан, уларнинг яшовчанлик даражаси, ўз-ўзини муҳофаза қила олиш ва ривожланиш кучини намоён этади.

Шу боисдан маънавият маданий меросга, тарихий анъаналарга, диний ва фуқаровий урф-одатларга ниҳоятда ғамхўрлик билан ёндашади, уларнинг унутилишига йўл қўймайди. Моддий фойдалилик юксак маънавият учун би-

ринчи даражали эмас. Ушбу маънода маънавият ҳаётга, турмушга, ижтимоий муносабатларга ва муаммоларга, ўтмиш ва келажакка оид ҳодисаларга кенг миқёсда ижтимоий-маданий мўлжаллар нуқтан назаридан баҳо беради ҳамда бу баҳоларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилайди.

Маънавият, шундай қилиб, меъёрий (норматив) хоссага эгаки, унга мос равишда жамиятда нарса ва ҳодисаларга, ижтимоий алоқаларга нисбатан муайян муносабат шаклланади. Бу меъёрларга мос келадиган ҳодисаларга, хатти-ҳаракатларга биз ижобий муносабатда бўламиз, уларни маъқуллаймиз, имкон топилса, амалда қўллаб-қувватлаймиз. Ва, аксинча, маънавиятимизга мос келмайдиган ҳодисаларни, хатти-ҳаракатларни қоралаймиз ва ҳ.к.

Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек: «Ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажagini белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади»¹.

Маънавиятнинг меъёрий характери бизнинг у ёки бу ҳаётий позицияни эгаллашимизни англатади. Маънавият қанчалик бой ва ривожланган бўлса, унинг меъёрийлик хоссалари ҳам шунчалик эркин, бой ва ранг-баранглик касб этади. Бой маънавият турлича фикрларни, қарашларни, ёндашувларни тақозо этади, аммо улардаги фарқлардан қатъи назар, албатта, ижтимоий фаолликни билдиради. Маънавият қанча қашшоқ бўлса, у шунчалик фанатизмга мойил, ўзгача қарашларга ва ёндашувларга муросасиз, казармача бир хилликни қарор топтиришга ҳаракат қилади.

Миллатнинг маънавияти ҳеч бир шахс, ҳеч бир ижтимоий гуруҳ томонидан тўлалигича ўзлаштирилмайди. Кишиларнинг ва гуруҳларнинг амалий фаолиятида маънавиятнинг фақат ўзлаштирилган қисмигина рўёбга чиқади. Ўзлаштирилмаган маънавият, табиийки, ўзининг меъёрий ва бошқа хислатларини юзага чиқара олмайди. Шу боисдан жамиятда айрим шахслар ва гуруҳлар аксилижтимоий хатти-ҳаракатларга қўл урадилар. Биз ҳаққоний равишда баъзи кишиларнинг маънавий қашшоқлиги ҳамда уларга ўзларини тийиш учун ирода етишмаслиги тўғрисида бевозталаниб гапирамиз.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й., 29-б.

Маънавиятнинг меъёрий характери хатти-ҳаракатларни чеклаш, уларни мавжуд ахлоқ ва қонун доирасида сақлаб қолиш билан белгиланмайди. Маънавиятнинг меъёрий характери биринчи навбатда чеклашда эмас, балки муайян фаолиятга ундашда, яъни ижодкорликка, яратувчиликка ундашда намоён бўлади. Маънавияти бой халқнинг рағбати ўзини тийишга, камсуқум бўлиб турғунликка интилишга эмас, балки ижодкорликка, турмушни янгилашга, янада илғор ютуқларни қўлга киритишга қаратилгандир.

Бошқача қилиб айтганда, тараққиётга рағбат асл маънавиятнинг меъёридир, ижтимоий мўлжалидир.

Маънавият ўзининг муҳофаза қилиш, танлаш, чеклаш, баҳолаш, ундаш каби меъёрлаш хоссаларидан келиб чиқиб, ҳар қандай алоҳида олинган қадриятларнинг, шу жумладан четдан қабул қилинган ютуқларнинг ҳам муайян тарзда фаолият кўрсатишини тақозо этади ва жамият аъзоларининг ижтимоий хулқ-атворини белгилайди.

Маънавиятнинг ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) миллатни муҳофаза қилиш;
- б) ўтмишга, бугунга ва келажакка оид ҳодисаларга баҳо бериш, бу баҳоларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилаш (аксиологик вазифа);
- в) жамиятни ва алоҳида шахсларни муайян ҳаётий позицияни эгаллашга ундаш;
- г) миллатни тараққиётга, алоҳида шахсни такомиллаштишга рағбатлантириш;
- д) инсоннинг ўз шахсияти билан айниятда яшашини, инсон табиатини ривожланиши, такомиллашини таъминлаш;
- е) кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш (ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали);
- ж) инсоннинг табиат ва жамият билан уйғунлигини таъминлаш.

* * *

Ушбу бобнинг хулосаси сифатида қуйидагиларни таъкидлашни истардик.

Маънавият моҳиятини ва ижтимоий вазифаларини

қандай тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, амалий фаолиятимизни, айниқса, фан, адабиёт ва санъатни халқ таълими ва маданиятнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш кўп жиҳатдан маънавият ҳақидаги билимларимизга боғлиқ.

Маънавиятга нисбатан иррационал қарашлар устунлик қилса, унда яна аста-секин маданий инқироз бошланади.

Умуман, ислом оламининг XVI асрдан бошлаб илмий-маданий инқирозга учраши буни исботлаб турибди. (Улуғбек фожиаси ислом оламида олти асрдан кўпроқ давом этган, Ғаззолий давридан бошлаб кескин кучайган илмий рационализм ва диний-мистика ўртасидаги курашда илмий рационализм маълумиятининг кўринишларидан биридир. Бу аста-секин дунёвий фанларнинг ислом оламида емирилишига, жўн бир ҳолатга тушиб қолишига олиб келди.)

Маънавиятга фақат рационализм нуқтаи назардан ёндашиш ҳам бир ёқдамалик бўлади. Уни ҳар томонлама ва теран тушуниш имконини бермайди.

Айниқса вульгар материалистик ёндашув маънавиятнинг нисбатан мустақиллигини ва мураккаблигини ҳисобга олмайди. унинг жонли мазмунини инкор қилади, ўлик схематик андозаларга тиқиштиради. Маънавиятга фақат иқтисодий муносабатларнинг иккиламчи ҳосиласи деб қарайди. Бу, пировардида меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ахлоқийлик каби тушунчаларни кўзга илмасликка, жамиятда дегуманизация жараёнининг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги бозор муносабатлари қарор топаётган, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт рақобатга асосланаётган бир пайтда маънавиятни кўзга илмаслик оғир аҳволга олиб келиши мумкин. Рақобат шароитида маънавиятга вульгар экономизм нуқтаи назардан ёндашилса, эски «Homo homini lupus est» — «Инсон инсонга бўридир» деган шиор кишилар онгида қайта тирилиши ҳеч гап эмас. Ҳаттоки рақобат тўла инкор этилган совет даврида ҳам маънавиятга вульгар материалистик ёндашиш халқнинг ижтимоий хотирасидан, асрий маданий меросидан, энг қадрли урф-одатлари ва яхши анъаналаридан анча-мунча узоқлаштирди, киши-

лар ўртасидаги меҳр-оқибатни совутиб юборди, бефарқликни, худбинликни кучайтирди. Капиталистик мамлакатлардаги маънавий инқироз тўғрисида ҳам бизга кўп нарса маълум. Ислоҳ Каримов ҳақли равишда «Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин»¹, дейди.

Жамиятда туб ўзгаришлар юз бераётган шароитда эса маънавиятни вульгар материалистик тушуниш фақат зарар келтиради.

Биз маънавиятга илмий холислик билан ёндашиб, унинг моҳиятини, мазмунини, тузилиш структурасини, намоён бўлиш шакллари, ривожланиш қонуниятларини очишимиз лозим.

Маънавият тушунчаси биргина фалсафа фани даражасида гносеологик, онтологик, умумсоциологик, аксиологик нуқтаи назарлардан структуравий ва функционал усуллар ёрдамида таҳлил қилиниши лозим. Маънавият тушунчасини бошқа фанлар, хусусан, маданият назарияси, эстетика, санъатшунослик, адабиётшунослик, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология кабилар махсус ўрганиб, унинг мазмунини тўла аниқлашга ёрдамлашгандагина «маънавият»ни категория даражасида англаб оламиз.

Маънавиятни илмий тушунча сифатида таҳлил қилиш бир кишининг иши эмас, балки барча ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллариининг ишидир.

МАЪНАВИЯТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Инсон доимо изланишда бўлади. Энг аввало у ўзининг кимлигини билгиси, инсоний табиати билан уйғунликда яшагиси келади. Ўз-ўзини англаш савиясини юксаттиришга интилади. Инсоннинг ўзини англаши ибтидосида ва асосида эса маънавият турибди. Неандертал одами ўзини табиатдан, ҳайвонот олаmidан ажратиб англаш жараёнида маънавиятнинг илк куртакларини вужудга келтирди. Бу

¹ **Ислоҳ Каримов.** Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. 3-жилд, «Ўзбекистон», Т., 1996, 275-б.

ҳақда биз уларнинг маросимий унсурлари яққол кўриниб турган дафн қолдиқлари орқали биламиз.

Рус қадимшуноси П. И. Борисковский «Инсониятнинг энг қадимги ўтмиши» китобида маросимлар 400 минг йил илгари пайдо бўлган дейди¹.

Фарб олимларидан Ж. Кларк маросимлар ёшини неандертал ва «родезиялик» одам билан боғлайди ва 200–150 минг йилга тенглаштиради².

Илк маросимчилик 400 минг ёки 200 минг йил илгари пайдо бўлганми, деган масала устида баҳс юритиш ниятимиз йўқ. Биз учун энг муҳими – инсон ўз биологик-ҳайвоний табиатидан асл инсоний табиатига ўтиш жараёнида маънавийлик унсурларини такомиллаштира ва ўзлаштира бошлагани ва оқибатда янги тош асрига келиб нисбатан мувозанатга эришган мураккаб тизимга эга маънавиятни яратганидир.

Дадил айтиш мумкинки, неандертал одамларида диний-маънавий ҳаёт унсурлари фақат дафн маросимлари билангина чекланмаган. Улар ҳаттоки фалакиёт ҳодисаларига, юлдузлар туркумларига, алоҳида юлдузларга ном берганлар. Гапимиз исботсиз бўлмаслиги учун шундай мисол келтирамиз: ўзбеклар Етти оғайни, Етти қароқчи деб номлайдиган юлдузлар туркуми бор. Оврупонинг кўп халқларида уларни Катта она айиқ, Кичик айиқ деб аташади. Птоломейнинг «Алмажистий» асари туфайли ислом астрономлари ҳам уларни кўпинча «Катта айиқ» ва «Кичик айиқ» деб аташади. Жаҳоннинг бошқа айрим халқлари ҳам уларга нисбатан «айиқ» номини қўллайди. Қадимги юнонларнинг фалакиёт асотирларида бу бир неча вариантда шундай тушунтирилади. Она айиқ – Зевснинг маҳбубаси Каллисто, Кичик айиқ – унинг ўғли Аркос. Зевс хотини Геранинг рашкидан қўрқиб Каллистони айиққа айлантириб қўяди (бошқа бир вариантда уни айиққа Гера айлантиради, яна бирида эса Артемида). Аркос ов қилиб юрганда айиқ қиёфасидаги онасига дуч келади ва танимасдан ўқ-ёйдан отмоқчи бўлади. Зевс ўғли Аркоснинг беихтиёр онасининг қотилига айланиб қолмаслиги учун

¹ П. И. Борисковский. Древнейшее прошлое человечество. 2-изд. М., 1980 г.

² Дж Кларк. Доисторическая Африка. М., 1977 г.

уни ҳам айиққа айлантиради ва ҳар иккисини осмонга думидан ушлаб отиб юборади (осмон айиқларининг думи узунлиги шундан).

Америка ҳиндуларининг маданияти ва тилини, этнографиясини ўрганган олимлар баъзи бир ҳинду қабилалари тилида ҳам бу юлдуз туркумларини «айиқ» деб аталишини аниқлаганлар, аммо эътибор беришмаган. Оврупаликларнинг таъсири бўлса керак, деб қўя қолишган. Лекин компьютерлар анча ривожланган XX асрнинг 70-йилларида тилнинг келиб чиқиши ва атамалар шаклланиши билан қизиқиб юрган олимлар бу ўхшашликка жиддий ёндашиб астрономларга мурожаат қилишган: мазкур юлдуз туркумларининг компьютерда бир неча минг йиллар бурунги осмондаги жойлашуви, координатлари аниқланса, айиқни эслатадиган ҳолат келиб чиқмайдами?

Айтиш лозимки, осмондаги барча жисмлар, жумладан, юлдузлар ҳам доимий ҳаракатда. Фақат юлдузлар биздан жуда узоқ жойлашгани учун уларнинг бир-икки аср, ҳатто минг йил давомидаги ҳолати ўзгармасдек туюлади. Аслида аксарият юлдузларнинг ҳаракат тезлиги ва координат чизиқлари фанга яхши маълум. Астрономлар Катта она айиқ ва Кичик айиқ юлдузларининг тезлиги, ҳаракат чизигини компьютерларга солиб кўрсалар, ҳақиқатан бундан 200 минг йилдан то 60 минг йилгача улар осмонда айиқни эслатадиган ҳолатда экан. Шу боис турли динларга, турли маданиятларга оид, бир-биридан ниҳоятда йироқ ва илгари алоқа қилмаган халқларда, агар архаик атама сақлаб қолинган бўлса, бу туркумлар ҳозир ҳам «айиқ» деб аталади. Ваҳоланки, уларнинг ҳозирги, ҳатто 30 минг йил илгари (замонавий одам пайдо бўлган давр) кўриниши айиқни мутлақо эслатмайди. Демак, бу туркумларга номни неандертал одами берган. Неандертал одамида фалакиёт асотирлари ёки шунга ўхшаш тасаввурлар бўлган. Фалакиёт тўғрисида қарашлар вужудга келган жойда, албатта, ундан олдин кундалик маиший турмуш, жисм ва уни бевосита ўраб турган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига нисбатан муносабатларини ифодаловчи қарашлар (ривоятлар, афсоналар, эртақлар, асотирлар) шаклланади. Булар эса маънавият унсурларидир.

(Энг сўнгги қазилмаларга биноан Исроилдаги ғорлар-

дан бирида топилган замонавий одам бош суяги ёши 72 минг йил деб қаралмоқда. Демак, Яқин Шарқда неандертал ва замонавий одам бирмунча вақт бир даврда яшаган бўлиши мумкин. Лекин дунёнинг бошқа бурчақларида бундай далиллар топилгани йўқ. Бизнинг мавзу учун бу масала принципиал аҳамиятга эга эмас. Гап маънавият унсурларининг инсон билан бирга шаклланиб, такомиллашганини мазкур далил шубҳа остига қўймаслиги тўғрисида, холос.)

Одамлар ёввойиликдан онгли турмуш кечиришга ўтиши жараёнида ўз муносабатларини аста-секин тартибга сола бошлаганлар. Дастлаб оналар ва болалар ўртасидаги айрим алоқалар тақиқланган, сўнг бошқа тақиқлар ёки мажбуриятлар пайдо бўлган. Табиатга муносабат ҳам шундай шаклланган. Натижада илк ибтидоий хулқ-атвор меъёрлари, маросимлар, илк диний тасаввурлар вужудга келган. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, мураккаблашиб борган. «Ҳаёт нима, тирик жон қаерда жойлашган?», «Киши ўлганидан кейин жони қаёққа кетади?» каби саволлар инсон онги ўсган сайин пайдо бўлаверган. Қадимги одам, балки крамоньон одами, жоннинг, инсон моҳиятининг манбаи руҳ, қалб деган хулосага келган: инсон юраги билан эмас, балки қалби билан ҳайвондан фарқ қилади. Шундан буён инсон руҳ сир-асрори, воқелиги тўғрисида мулоҳаза юритади, ўй ўйлайди. Булар инсоннинг ақлий, ижодий фаолияти натижаларида акс этади: асотирларда, динда, фалсафада, ахлоқ-одобда, санъатда ва ҳ.к.

Лекин ибтидоий одамнинг табиат ва инсон ҳақидаги билимлари, тасаввурлари, қарашлари то уруғ-қабил муносабатлари парчаланиб, илк шаҳарлар ва давлат пайдо бўлгунга қадар, яъни бронза ва темир даврига қадар, анча қашшоқ эди. Унинг онги ва маънавий фаолияти чегараланган, алоҳида соҳаларга, йўналишларга, мустақил шаклларга бўлинмаган эди. Бундай ҳолат фанда ибтидоий синкретизм (яхлитлик, муштараклик) дейилади. Ибтидоий синкретизм — бу ахлоқнинг, илм-фаннинг, санъатнинг, диннинг ва маънавий фаолият бошқа шакллари-нинг ҳам куртак отиб ривожланган, аммо бир-биридан ажралмаган ҳолатидир. Ибтидоий синкретизм унсурлари

бизга етиб келган энг қадимги эртақлар, асотирлар, афсоналар, ривоятлар қолдиқларида анча ўзгарган кўринишда сақланиб қолган.

Масалан, ўзбекларда шундай эртақ бор: илон Сулаймон пайғамбарга бир хизмат кўрсатади. Пайғамбар эвазига илоннинг ҳар қандай илтимосини бажаришга ваъда беради (асли архаик асотирда пайғамбар эмас, балки худолардан бири бўлган). Шунда илон ўзига дунёдаги энг гўшти лаззатли махлуқни хўрак сифатида инъом этиш хоҳишини айтади. Пайғамбар, ваъдага биноан, энг гўшти ширин махлуқни аниқлашда илонга ёрдам беришни пашшага топширади. Пашша барча жониворлардан бир томчидан қон келтириб илоннинг тилига томиза бошлайди. Навбатдаги жонзотдан қон келтираётган пашшага йўлда қалдирғоч учрайди ва ундан кимнинг қони энг ширинлигини аниқладингми, деб сўрайди. Пашша жавобан, одамзоднинг қонидан ширинроғи йўқ эканини, ҳозир одам қони томчисини илонга олиб кетаётганини айтади. Шунда қалдирғоч пашшани йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Аммо пашша қалдирғочга қулоқ солмасдан, илон томон учиб кетади. Қалдирғоч эса пашшани қувиб, у илон тилига энди қонни томизаётган пайтда етиб олади ва инсон қони томаётган илоннинг тилини чўқиб, унинг учини иккига айириб юборади. Аммо ўгирилиб қочмоқчи бўлган қалдирғоч думининг учини илон тишлаб олади. Натижада илоннинг тили, қалдирғочнинг думи айри бўлиб қолади. Шундан буён илон қалдирғочни таъқиб қилади, қалдирғоч эса одамларга яқин, ҳатто улар яшайдиган уйларнинг ичкари шифтига уя қуради. Инсон қалдирғочни доимо ҳимоя қилади.

Эртақнинг (асотирнинг) қисқача мазмуни шундан иборат. Лекин унинг ғоявий, ахлоқий, маънавий мазмуни жуда теран. Унда, биринчидан, ибтидоий одамнинг илк зоологик кузатишлари, билимлари мустақамланган. Ҳақиқатан, қушлар орасида қалдирғочдан бошқа бирор қушнинг думи айри эмас (чумчуқ, мусича, кабутар, кумри, худхуд, тўрғай, тўти, майна ва бошқа қушларни эсланг). Худди шундай ҳайвонот оламида тили айри махлуқлар ниҳоятда кам (улар асосан судралиб юрувчилардир). Ибтидоий одам бундай ўхшашликни бир асотирда бирлаштирган ва ўзича тушунтиришга ҳаракат қилган.

Иккинчидан, келтирилган парчада инсон — табиатдаги энг улуғ, энг эъвозли жонзот, у ҳеч бир махлуққа бўйсуниб, ем бўлиши мумкин эмас, деган ғоя илгари сурилган. Бу ғоя ибтидоий одамнинг табиатдаги ўз ўрнини англаши, ўзини табиатнинг энг буюк қадрияти деб билишини акс эттиради. Табиатдаги ҳар бир жонивор, қалдирғоч каби, инсонга хизмат қилиши лозимлигини ифодалайди.

Учинчидан, асотирда ҳақиқатнинг нисбий эканлиги, агар бу ҳақиқат инсонга зарар етказса, аксилинсоний мазмунга эга бўлса, ундан воз кечиш даркорлиги ифодаланган.

Тўртинчидан, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш, яхшиликни унутмаслик тарғиб этилган (инсоннинг қалдирғочга муносабати, уйи шифтидан жой бериши).

Бешинчидан, ибтидоий одамнинг маълум диний ва дунёвий тасаввурлари, эътиқоди ҳам асотирда акс этган.

Олтинчидан, бу эртақ (асотир)нинг ўзи фольклорларнинг, халқ оғзаки бадиий ижодиётининг гўзал бир намунаси. Унда ибтидоий одамнинг бадиий диди, қарашлари мужассамлашган.

Бу асотир яратилаётган пайтда ахлоқий, диний, фалсафий таълимотлар тизими, табиатшунослик фани, ихтисослашган санъат турлари бўлмаган. Шу боис бир асотир диний, фалсафий, ахлоқий, табиатшунослик билимларининг унсурларини ўзида мужассам этган.

Аммо ижтимоий амалиёт кенгайиб, одамларнинг тажрибаси ва меҳнат кўникмалари ошган сайин, уларнинг ахлоқий, диний тасаввурлари янги тамойиллар, меъёрлар билан, табиат ва инсон ҳақида тўпланган билимлар билан бойиб бораверган. Лекин улар асрлар давомида яхлит, синкретик тарзда ифодаланган.

XIX асрнинг забардаст олимларидан бири америкалик Л. Морган инсоният тарихини уч даврга бўлган: ёввойилик, варварлик ва цивилизация. Морган ўзининг «Қадимги жамият» асарида бу уч даврнинг ҳар бирини алоҳида босқичларга бўлади. Ҳар бир даврни моддий ишлаб чиқариш ривожланиши, алоҳида йирик ихтиролар тарихи билан боғлаб қарайди. У ибтидоий оила ривожланиши босқичларини ажратиб кўрсатади¹. Морган фикрларига, айрим хулосаларига кейинчалик фан анча аниқликлар киритди.

¹ Л. Морган. Древнее общество. Л., 1934 г.

Баъзиларини қайта кўриб чиқди. Лекин унинг асари конкрет далилларга, материалларга бойлиги учун ҳозир ҳам аҳамиятини тўла йўқотгани йўқ. У таклиф қилган даврлаш, камчиликларидан қатъи назар, ҳозир ҳам қўлланилиши мумкин, ўз замонасида эса анча ижобий роль ўйнаган эди.

Ёввойилик даврида инсон пода бўлиб яшаган, ўзаро муносабатларини биологик қоидалар асосида онгсиз, стихияли қурган. Варварлик даврида эса уруғ, жамоа-уруғ, қабилаларга уюшган, турмуши онгли кечган, маънавияти шаклланиб, анча ривожланган, ўзаро муносабатлар қатъий қоидалар, урф-одатлар орқали тартибга солинган. Ва ниҳоят, цивилизация даврида ақлий меҳнат алоҳида ажралиб чиққан ва махсус маънавий фаолиятга айланган. Ахлоқ, дин ҳамда давлат билан бирга туғилган ҳуқуқ меъёрлари (қонунлар) одамларнинг ўзаро муносабатларини, ижтимоий ҳаётини қаттиқ тартибга солган, назорат қилган.

Таъкидлаш жоизки, бу уч давр ўртасидан аниқ чизик ўтказиш мумкин эмас. Айниқса ёввойилик қачон тугаб, инсон қачон варварликка ўтгани, ҳатто инсон қачон гапира бошлаганини узил-кесил фалон вақтда юз берди дейиш қийин. Лекин ёввойилик бир неча миллион йил давом этганини, варварлик 250—300 минг йилдан кам бўлмаганини, цивилизация бошланганига бор-йўғи 6 минг йилдан сал ошганини айтиш мумкин. Албатта, Морган таснифи ниҳоятда шартли ва тахминий. Неандертал одами биз *Homo sapiens* — ақли инсон тоифасига киритамиз. Аммо варварлик деганда кўз олдимизга неандертал одами эмас, кроманьон одами, яъни қиёфаси замонавий бўлган, биздан фарқ қилмайдиган, кучли қабилаларга уюшган, кўчманчи, ярим ўтроқ ва ўтроқ ҳаёт кечирадиган, аммо ҳали ўз давлатини тузмаган янги тош асри одами келади. Бу, балки, бизнинг ўтмишни психологик қабул қилишимизнинг, неандертал одамлар жамоаси ичидаги ва турли жамоалар ўртасидаги муносабатларни, турмушнинг ташкил этилишини, ўша пайтдаги воқеаларни, жамият тарихини аниқ билмаслигимизнинг натижасидир.

Шу боис маънавият шаклланишини исбот талаб қилмайдиган, ҳаммага маъқул тарихий даврларга бўлиш мумкин эмас. Аммо ёзма адабиёт, илм-фан вужудга келиб, маънавият цивилизация доирасида ривожлана бошлагандан кейинги жараённи анча батафсил ёритиш мумкин.

Ибтидоий одамларнинг табиат берган тайёр маҳсулотларни йиғиб истеъмол қилишдан уларни ўзи ишлаб чиқаришга ўтиши, ўрта юқори палеолитдан бошлаб янги тош асри (неолит)га қараб ривожланиши давомида айрим ҳайвонларни хонакилаштириши, баъзи ўсимликларни экиб, ўстира бошлаши уларнинг билими, тафаккури, онги ўсиши жараёнини тезлаштирган. Уларда чорвачилик ва деҳқончиликка оид илк билимлар, янги меҳнат қуроллари пайдо бўлган, эскилари такомиллаштирилган. Тошни шунчаки қўпол йўниш ўрнига, унга сайқал бериш усуллари топилган. Ижтимоий турмуш ривожланиши тезлаша бошлаган. Ниҳоят янги тош асри даврида меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимланиши юз берган, яъни деҳқончилик ва чорвачилик бир-биридан ажралиб чиққан.

Мазкур ҳодиса инсоният тарихида, маънавият ривожланишида жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Чунки у, биринчидан, инсоннинг ижобий билимлари доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборди, иккинчидан, ижодкорлигини, изланишларини кескин рағбатлантирди, учинчидан, табиат ва жамият билан ҳамма ўзаро одамлар ўртасидаги муносабатларни бойитди ва мураккаблаштирди, булар эса ўз навбатида, илк диний, ахлоқий ва бошқа ижтимоий меъёрларни ривожлантирди. Қисқаси, меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимоти маънавиятни янги унсурлар билан бойитди, узил-кесил вужудга келишини тезлаштирди. Меҳнатнинг иккинчи тақсимоти — ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

(Аждодларимизнинг буюк мероси «Авесто»да чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ кўплаб илк маънавий-ахлоқий меъёрлар бир оз ўзгарган ҳолда сақланиб қолган ва бизгача етиб келган. Фараз қилиш мумкинки, «Авесто» яратилганига салкам 3 минг йил бўлган бўлса, унда ўзидан аввалги 3—5 минг йил илгари вужудга келган баъзи бир унсурлар ва табиий ҳодисалар (масалан, муз даврининг охиридаги иқлимий ўзгаришлар) ҳам акс этиб қолган.

Ушбу маънода қадимги асотирлар, жумладан, «Авесто» асотирлари маънавият шаклланиши ва вужудга келиши тўғрисида анча бой материал беради.

Чорвачилик билан шуғулланадиган уруғ-жамоаларда молларни боқиш, уларнинг маҳсулотлари — сут, қатиқ,

ёғ, гўшт, жун, тери кабиларни қайта ишлаш, озиқ-овқатга, истеъмол буюмига айлантириш. молларни урчитиш, кўпайтириш, турли хавф-хатарлардан – касаликлардан, йиртқич ҳайвонлардан ва ҳ.к. асрашга оид рационал, оқилна билимлар ва тажриба жуда бойиган. Бундан ташқари, чорва молларига нисбатан муайян диний-ахлоқий муносабатлар шаклланган. Чунки молларни сўйиш (жонидан жудо қилиш), маҳсулотларини қайта ишлаш учун ибтидоий одам табиатни бошқарадиган кучлардан, руҳлардан, худолардан руҳсат олиши, уларнинг билиб-билмай ғазабини келтирмаслиги керак эди. Ибтидоий одам ҳали овчилик билан шуғулланган пайтларида ҳосил бўлган бу тасаввурлар чорвадорларда янада ривожланган.

Чорвачилик туфайли ибтидоий одам янги минтақаларни ўзлаштирди. Одамларнинг яшаш доираси кенгайди. Молини боқиб адашиб кетмаслиги, бир яйловдан бошқасига кўчганда, яна эски жойига қайтиб келиш йўлини эслаб қолиш учун ибтидоий чорвадор юлдузларга қараб йўл топишни ўрганди. Осмон билан ўзига хос мулоқот қилди.

Осмон жисмлари, юлдузлар, юлдуз туркумларига ном берди. Улар ҳақида турли-туман асотирлар тўқиди; уларнинг пайдо бўлиши, жойлашиши, ўзаро «муносабатларини», «алоқаларини» тушунтиришга ҳаракат қилди. Кўп ҳолларда инсонлар ўртасидаги, жамиятда ҳукм сурган қоидалар, меъёрлар, тартиблар осмон жисмлари алоқаларига кўчирилди. Шундай қилиб, илк астрономик кузатишларни, билимларни, фалсафий-ахлоқий меъёрларни акс эттирувчи фалакиёт асотирлари пайдо бўла бошлади.

Деҳқончилик ибтидоий одам билимлари ва дунёқарashi бойишига чорвачиликдан ҳам кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатган. Деҳқонлар ўсимликлар турларини, уларнинг хусусиятларини, ўсиш, гулга кириш, пишиш даврларини, ҳар бир ўсимлик учун маъқул ва номаъқул иқлим, сув ва тупроқ шароитини, ўсимликка ишлов бериш, беғона ўтларга қарши курашиш, алмашлаб экиш, ерни ўлчаш, текислаш, ариқ чиқариш каби тадбирларни ўрганди. Буларнинг ҳеч бири инстинктив қилинадиган ишлар эмас, улар онгли ва системали ишлашни, уқув ва тажрибани талаб қилади.

Деҳқончилик йил фасллариини ўрганишни, табиатда-

ги сув, ҳаво, ҳарорат, ёғингарчилик айланишини, деҳқончиликка қулай мавсумларни аниқлаш заруратини туғдирди. Деҳқон ҳам кўкка боқди. Юлдузлар ҳаракатини, қайси мавсумда, қайси фаслда қаерда жойлашишини эслаб қолишга уринди. Чорвадор юлдузга кўпроқ йўлдан адашмаслик учун боқса, деҳқон дарёда сув тошқини бошланиши, қачон ёмғир мавсуми келишини, тугашини, экин учун қулай фурсат етилишини билиш, экинларига табиат қандай ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини билиш учун мурожаат этди.

У ҳам ғайритабиий кучлардан экинни асраш, ҳосилини кўпайтириш илинжида мадад сўради, уларга сиғинди, садақалар қилди, дуолар ўқиди. Чорвадорлар ўртасида шакллана бошлаган фалакиёт асотирларини деҳқонлар ҳар томонлама тўлдирди, бойитди. Бу астрономик кузатувларга ҳам, иқлим ҳодисаларига ҳам, ижтимоий муносабатларнинг «осмонга» кўчирилишига ҳам, самовий жисмларга сиғинишга ҳам тааллуқли.

Агротехник тадбирлар ранг-баранг ва бир-бирига ўхшамас бўлганидан уларни бажариш учун турли-туман меҳнат қуроллари ўйлаб топишни тақозо этди. Агар бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам янги қуроллар ўйлаб топишга кескин эҳтиёж туғдирганини кўшсак, деҳқончиликнинг ибтидоий одам онгини, ижодий изланишларини қай даражада тезлаштирганини, янги меҳнат қуролларининг вужудга келишига ёрдам берганини пайқаймиз.

Оврупо тилларидаги маданият тушунчасининг ўзаги «культура» асли деҳқончиликка оид атамадир. У ерга ишлов беришни ва айни пайтда парвариш қилинадиган ўсимликларни, экинларни англатади. Ушбу далилнинг ўзиёқ деҳқончилик маданият, маънавият ривожланишига қай даражада ҳисса қўшганини кўрсатади. Мавзудан бир оз илгарилаб кетиб, эътироф этиш лозимки, нисбатан ривожланган деҳқончилик эҳтиёжлари, хусусан, ирригация (суғориш), иқлимни, мавсумларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ерни текислаш, режалаштириш, ариқ ва тўғонлар қуриш эҳтиёжлари, темир қуроллар ва ақлий меҳнат пайдо бўлганидан кейин қадимги дунё тамаддуни шаклланишига хизмат қилди. (Бу ҳақда келгуси бобда тухталамиз.)

Деҳқончиликнинг энг буюк хизмати шундаки, у ўтроқ турмуш тарзини шакллантирди. Қишлоқлар пайдо бўлди ва ривожланди. Қишлоқлар ўз навбатида ибтидоий одам маданиятини янада юксалтирди. Биринчидан, меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари яшаш, янгиларини ўйлаб топиш билан айрим кишилар махсус шуғуллана бошлади. Иккинчидан, чорвадорлар ва деҳқонлар ўртасида мол айирбошлаш, алмаштириш, савдо-сотик қарор топди. Учинчидан, қишлоқ, ўтроқ турмуш тарзи меҳнатнинг иккинчи тарихий тақсимоти — ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишига олиб келди.

Ҳунармандчилик янги билимларни, бажарилиши янада мураккаброқ бўлган уқув, кўникмаларни келтириб чиқарди. Тупроқнинг, турли тошлар ва маъданларнинг, ёғочнинг элементар табиий (физикавий ва химиявий) хоссалари ўрганилди. Уларга ишлов ва шакл бериш, эритиш, қоришмалар яшаш, қуйиш каби дастлабки жўн технологиялар пайдо бўлди. Қулолчилик анча юксакликка эришди.

Ҳунармандчиликнинг энг буюк кашфиёти сув кўтариш учун чархпалакни, унинг асосида филдиракни, аравани ихтиро қилишдир. Филдирак ва филдирак принципи ихтиро қилинмаса, ҳозирги замон техникасининг асосида ётган самолёт парраги, электростанция турбинаси, машина ва тракторлар, транспорт воситалари, бошқа техника воситаларининг айланма ҳаракатга асосланган турли-туман механизмлари (демак, уларнинг ўзлари ҳам) вужудга келмас эди.

Қишлоқларнинг ўсиши, нафақат бир жойда истиқомат қилаётган кишилар ўртасида, шунингдек, бошқа қишлоқлар аҳолиси билан ҳам алоқаларни шаклан ва мазмунан янада бойитди, ранг-баранглаштирди. Ўз навбатида бу муносабатларни тартибга солиш, қоидалар ёрдамида мустақамлаш заруратини кучайтирди. Натижада янги моддий-иқтисодий, диний, маиший, ахлоқий меъёрлар, тамойиллар, қоидалар вужудга келди. Ибтидоий одамнинг дунёқараши янада кенгайди, маънавияти бойиди.

Турли касбларнинг пайдо бўлиши нафақат ҳар бир касбга оид ихтисослашган ижобий, оқилона билимлар ва умуман, одамларнинг табиат тўғрисидаги тасаввурлари кенгайишига хизмат қилди, шунингдек, диний, фалса-

фий қарашларини ҳам ўстирди, маросимчиликни ривожлантирди. Ҳар бир касб вакиллари ўзларига ҳомийлик қиладиган маъбудларни, худоларни, руҳларни, пирларни ва бошқа маънавий кучларни ўйлаб топдилар, уларга сиғиниб, шарафларига турли маросимлар уюштирдилар.

Ибтидоий жамият ривожланиши жараёнида биз диний эътиқод шаклларининг ўзгариб борганини кўрамиз. Фетишизм (алоҳида буюмларга сиғиниш), анимизм (табиатни жонлантириш ва ҳайвонларга сиғиниш), политеизм (кўпхудочилиқ, уларнинг рамзи бўлмиш санамларга сиғиниш) ибтидоий-диний эътиқодларнинг тарихий шакллари, тараққиёт босқичларидир. Юқорида биз меҳнат ва ибтидоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалий билимларнинг, тажрибанинг ўсиши ҳақида кўпроқ гапирдик. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, моддий ҳаёт ва маънавий ҳаёт ҳеч қачон бир-биридан ажралган ҳолда ривожланмаган. Ишлаб чиқариш ва касблар ривожланиши доимо халқ оғзаки ижоди, санъат унсурлари, рақслар ва маросимлар ривожланиши билан бир вақтда, уларнинг ўзаро таъсирида кечган. Улар мувозий (параллел) эмас, яъни бир-биридан мустақил эмас, балки айнан биргаликда, бир-бирига таъсир қилиб ривожланди.

Иккинчидан, табиат ва осмон ҳақидаги, касб хусусиятлари ва сирлари ҳақидаги билимларнинг ўзи, кенгроқ олсак — дунёқараш, онг маънавиятнинг таркибий мазмунига киради.

Касблар кўпайган сайин тарбиянинг ихтисослашган унсурлари кўпая борган. Одамлар тўпланган билимларини, укув ва кўникмаларини, тажрибасини болаларига, ёш авлодга ўргатган. Тўпланган билимларни, ҳаётда қўлланилаётган иқтисодий, ахлоқий, диний, бадий меъёрларни, тамойилларни, қарашларни умумлаштириш, тартибга келтириш, мустаҳкамлаш эҳтиёжи туғилган. Бу авлодлар ўртасидаги маънавий ворисийликни таъминлашда, ёшларга ва улардан кейин келадиган авлодларга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Шундай қилиб, ихтисослашган тушунчавий билимлар тизими — фан ва образли билимлар тизими — санъат вужудга келиши учун замин пайдо бўла бошлаган.

Биз санъатнинг келиб чиқишини фақат биргина «меҳнат назариясига» боғлашдан йироқмиз. Санъатнинг, маънавиятнинг баъзи шакллари келиб чиқиши ва ривожланишида меҳнат муҳим ролни ўйнаган бўлса-да, у ягона омил эмас.

Онг билан меҳнат бирга шаклланган. Онгнинг вужудга келишига ва ривожланишига меҳнат қанчалик ҳисса қўшган бўлса, ўз навбатида меҳнатнинг вужудга келиши ва ривожланишига ҳам онг шунчалик ҳисса қўшган. Чунки меҳнатнинг ўзи шунчаки иш эмас, балки бирор нарса-ни қайта ишлашга қаратилган онгли, мақсадга мувофиқ ҳаракатдир. Машина — механизмлар, ҳайвонлар иш бажаради дейилади, лекин меҳнат қилади, дейилмайди. Зеро, ҳайвонлар, машиналар ўз олдига мақсад қўя олмайдилар, бажараётган ишларини фаҳламайдилар. Демак, онг йўқ жойда меҳнатнинг ўзи йўқ. Онг маънавият негизи ва унсур-ри эканлигини назарда тутсак, маънавият бир вақтнинг ўзида меҳнатнинг ва онгнинг, тафаккурнинг асосида ривожланганини пайқаймиз.

Онг ва нутқ, тил ва тафаккур муштарак ҳодисалардир. Онгсиз нутқ, нутқсиз онг шаклланиши мумкин эмас. Лекин илм-фанда қарор топган қарашларга мувофиқ, одамларнинг дастлабки ўзаро мулоқотлари, товушлар бўлиниши ва боғланиши, яъни фонетик нутқ асосида эмас, балки турли узун-қисқа бақириқ, чақириқлар жўрлигидаги имо-ишоралар ёрдамида амалга оширилган. Ов қилиш, ҳайвонларга пистирма уюштириб, уларни пистирма томон ҳайдаш, ўзини хавф-хатардан, душмандан ҳимоя қилиш мақсадида ҳали «тилсиз», биологик эволюцияси шаклланиши давом этаётган, лекин онгсиз ҳайвондан кескин фарқ қиладиган қадимги одамлар (австралопитекдан неандертал одами пайдо бўлгунга қадар) пантомима (имо-ишоралар), рақс ёрдамида, яъни санъат унсурлари ёрдамида «сўзлашганлар», жамоавий хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштирганлар.

Этнограф олимлар ибтидоий қабилаларда рақс ёрдамида овдан қайтаётган эркаклар бутун ов жараёнини уруғдошларига «сўзлаб» берганини ёки ов олдидан бир неча эркаклар овда ким қандай ҳаракат қилишини келишиб олишларини батафсил ёзиб қолдиришган.

Ибтидоий рақслар асосан тасвир унсурларидан иборат. Уларда ов (ишлаб чиқариш), меҳнат жараёни, жанговар хатти-ҳаракатлар, ўзини ҳимоя қилиш, ҳамла қилиш, яккама-якка олишиш ва ш.к.лар пантомима орқали тасвирланади. Олимлар рақс ёш авлодга ов ва меҳнат қилишни, жанг қилишни ўргатишнинг илк шакли деб ҳисоблайдилар. Шу сабабдан ғарб илм-фанида маънавий маданият вужудга келишининг нафақат «меҳнат назарияси», шунингдек, «ўйин назарияси» (Й. Хейзинга, Х. Ортега-и-Гассет, Е. Финк) ҳам мавжуд.

Тўғри, эътироф этиш лозимки, ғарб илм-фанида сўз асосан маънавиятнинг вужудга келиши ҳақида эмас, балки маданият келиб чиқиши, инсон онги ва психологиясининг ривожланиши ҳақида боради. Ғарбда маънавиятга кўпроқ дин, динийлик, диний маданият, деб қараш урф бўлган.

Й. Хейзинга «Homo ludens» (Ўйнаётган одам) асарига ёзган: «Маданият, тирик жон онаси танасидан ажралиб чиқишига ўхшаб, ўйиндан ажралиб чиқмайди, у ўйин ичиди ва ўйин сифатида ривожланади. Бутун маданий ижодкорлик ўйиндир: шеърят ҳам, мусиқа ҳам, инсон фикри ҳам, ахлоқ ҳам ва маданиятнинг бошқа мумкин бўлган шакллари ҳам»¹.

Улардан ташқари турли биопсихологик, биологик (яшаш учун кураш, бошқа жинс вакилини ўзига жалб қилиш, унга «ёқиш», насл қолдириш, кўпайиш истаги, майли ва ҳ.к.) — бихевиоризм, социал-дарвинизм билан, турли диний таълимотлар билан боғлиқ назариялар ҳам бор. Уларда баъзан жуда жиддий, теран ва қизиқ кузатишлар, мисоллар, далиллар, фикрлар, мулоҳазалар учрайди. Бундан ташқари баъзи бир йирик олимларнинг ўзига хос назариялари бор. Бу асарларда маънавият вужудга келиши ҳақида махсус тўхталмаса-да, масалани улар нуқтаи назаридан ҳам талқин қилиш мумкин. Бир-биридан кескин фарқ қиладиган турли қарашларнинг мавжудлиги маънавиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши ниҳоятда мураккаб масала эканлигини кўрсатади.

¹ Й. Хейзинга. Homo ludens. В тени завтрашнего дня. М., 1992 г.// «Самосознание европейской культуры XX века» тўплами. М., 1991, 17-б.

Биз ҳозирча шундай ҳулоса қилишимиз мумкинки, маънавият вужудга келиши — жуда узоқ давом этган тарихий жараён. Унга кўплаб табиий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. Маънавиятнинг шаклланиш, дастлабки ривожланиш босқичлари ибтидоий одамнинг ижтимоийлашиш, оламини билиш, ўзлигини англаш, ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари билан узвий боғлиқ.

Ижтимоий амалиётнинг ривожланиши, турли ихтисослашган билимлар, тасаввурлар, меъёрлар, баҳолар, таъомилларнинг муттасил кўпайиб бориши ягона, муштарак ибтидоий онг доирасига сиғмай қолган. Натижада ибтидоий синкретизм парчаланиши, маънавиятнинг нисбатан мустақил, алоҳидалашган шакллари қарор топиши учун шарт-шароит пишиб етила бошлаган.

Ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиши туфайли меҳнат унумдорлигининг анча ошиши бевосита жисмоний меҳнатдан айрим кишиларни озод этиб, уларни ёшларга касб ўргатиш, касалларни даволаш ёки асосан одамлар ўртасидаги турли иқтисодий, маиший муносабатларни, диний маросимларни, асотирлар, афсоналарни тартибга солиш, уруғ ва қабила «тарихини», эътиқоди ва ривоятларини, қўшиқларини ёшларга ўргатиш, катталарга ҳам тез-тез эслатиб туриш вазифалари билан машғул қилиш имконини берган. Шундай қилиб, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиш шароити етилган.

Бу жараён ҳам бирданига содир бўлиб қолгани йўқ. Ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши асрлар давомида чўзилган ва узил-кесил бронза ва темир қурооллар нисбатан кенг қўлланила бошлагач юз берган.

Янги сермахсул қуроолларга ўтиш меҳнатнинг янги тарихий тасқимотини келтириб чиқарди ва ибтидоий синкретизмни парчалаб юборди. Айнан шу даврда илк шаҳарлар, давлат вужудга келди.

Тош қуроолларидан бронза ва темир қуроолларига ўтиш, шаҳарларнинг, давлатларнинг пайдо бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши ижтимоий онгнинг нисбатан мустақил шакллари ва улар билан боғлиқ маънавий ишлаб чиқариш амалиётини, ёзув ва имлони вужудга келтирди. Ахлоқ, ҳуқуқ, дин, филосо-

фия, илм-фан, бадиий адабиёт ва санъат (унинг алоҳида турлари) ва ўқитувчилар, табиблар, ҳуқуқшунослар, руҳонийлар, файласуфлар, олимлар, санъаткорлар (шоирлар, меъморлар, ҳайкалтарошлар, мусаввирлар, заргарлар, бастакорлар, хонандалар, раққослар ва ҳ.к.), давлат амалдорлари, судьялар ва жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган, бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган бошқа касблар эгалари пайдо бўлди. Улар ва турли-туман ҳунармандлар асосан шаҳарларда тўпландилар, истиқомат қилдилар.

Шаҳарлар моддий ва маънавий маданият ривожланишининг муҳим манбаига ва омилига айланди. Ўзбек тилидаги маданият тушунчаси арабча ал-мадинат – шаҳар тушунчаси ўзагидан ясалган. Бу шаҳарларнинг маданият юксалишидаги аҳамиятига ота-боболаримиз қандай катта баҳо берганидан далолатдир (арабларнинг ўзларида бошқа атама қўлланилади). Шу боис баъзи ислом мамлакатларида маданият тушунчасининг ўзи шаҳар номидан олинган.

Шаҳарлар ва давлатлар қарор топишидан бошлаб инсоният цивилизацияга қадам қўйди.

Бу даврдан бошлаб маънавийнинг ўзига хос мафкураравий ва дунёқараш асосини диний эътиқодлар, муайян диний ва фалсафий таълимотлар ташкил қилган, капитализм қарор топгунга қадар шундай бўлиб қолган.

Цивилизация шароитида маънавий ривожланишини антик, ўрта асрлар, Уйғониш даврларидаги бевосита диний-фалсафий таълимотлар билан боғлаб турли босқичларга бўлиш мумкин. Оврупода Ренессанс ва Маърифатпарварлик давридан бошлаб маънавий ривожланиши нафақат дин ва диний-фалсафий қарашлар, шунингдек, табиатшунослик ва жамиятшуносликка оид дунёвий билимлар ривожланиши, черковнинг улар томонидан қаттиқ танқид қилиниши ва бошқа омиллар таъсирида ҳам кечган. Ижтимоий тараққиётда чуқур турғунликни бошидан кечираётган Шарқ мамлакатларида бу пайтда биз Оврупо Маърифатпарварлиги каби ҳодисанинг гувоҳи бўлмаймиз. Фақат Шарқ мамлакатлари мустамлакачилик исканжасига тушиб қолиб, орадан бир қанча вақт ўтказиб, миллий озодлик курашига халқларни тайёрлай бошлаш жараёнида шарқ маърифатпарварлигининг ўзига хос шакллари юзага келди.

Миллий озодлик кураши Шарқ халқлари маънавияти ривожланишида алоҳида босқични ташкил этади. Жумладан ўзбек халқи маънавияти ривожланишида ҳам жадидчилик ҳаракатидан бошлаб биз шундай ҳолни кузатамиз.

Дин ва диний-фалсафий таълимотлар то капитализм ва абас бўлган казарма социализмига қадар бўлган катта тарихий даврда маънавият ривожланишида асосий омиллардан бири бўлгани учун муайян халқлар ва тамаддунлар маънавиятининг турли асрларда юксалиши ёки инқирозга юз тутишини нафақат сиёсий ва иқтисодий омиллардан, шунингдек, дин ва диний таълимотлардан, улар ўртасидаги курашлардан, жамиятнинг ўз мавжудлик ҳолига нисбатан қониқиш ёки қониқмаслик муносабатидан излашимиз лозим.

II қисм. ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЯТИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ва хусусиятлари ҳақида гапиришдан аввал қуйидагиларни дастлабки тартибда қайд этиш лозим.

Биринчидан, ўзбек халқи энг аввало қадимги туркий қабилалар ва халқларнинг ҳамда Марказий Осиёда яшаётган бошқа қўшни, қардош халқлар каби, энг қадим замонлардан бошлаб турли даврларда мазкур минтақада яшган ибтидоий уруғ-қабилаларнинг, элатларнинг — саклар, массагетлар, қанглар, парфийлар, кушонлар, суғдлар, эфталийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг ворисидир.

Иккинчидан, ўзбек халқи Марказий Осиёга кейинчалик ҳам муттасил келиб қўшилиб турган кўчманчи уруғ ва қабилаларни ўз этник ва маданий таркибига сингдириб юборган.

Бизнинг она тупроғимиз ўзига кўплаб босқинчиларни жалб қилган. Эронлик аҳоманийлар, юнонлик Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Россия истилolari беиз кетмади. Бири кўпроқ, бири камроқ, аммо ҳаммаси маънавиятимизда сезиларли из қолдирди. Шу боис ўзбек халқи маънавияти генезиси жуда мураккаб. Унда қадимий туркий ва маҳаллий суғд-сак-хоразмий қатлам билан бир вақтда бошқа халқлар таъсирида ҳосил бўлган унсурлар ўзлаштирилган, маҳаллийлаштирилган шаклда мавжуд.

Маънавиятнинг келиб чиқишига бағишланган бобда маънавият ривожланишида дин ва фалсафий таълимотлар асосий мафкуравий омиллардан бири бўлганини эътироф этган эдик. Бинобарин, ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг турли босқичларини аниқлашда диний эътиқод ва фалсафий таълимотлар тарихий тадрижи, ал-машинувидан келиб чиқиб ёндашиш мумкин.

Лекин, таъкидлаш жоизки, маънавият ривожланишининг тарихий босқичларини ва хусусиятларини, қонуни-

ятларини аниқлашда, ўрганишда мазкур тамойил ягона мезон бўлмайди. Нафақат эътиқод, таълимотлар ўзгариши, балки одатда, кишилиқ жамиятининг тараққиёт босқичлари, хусусан, турли тузумларга, тарихий даврларга, цивилизацияларга мувофиқ ҳолда ҳам маънавият ривожланишини турли босқичларга бўлиш мумкин.

Масалан, ибтидоий жамият маънавияти, феодализм маънавияти, Ренессанс маънавияти, Маърифатпарварлик маънавияти ва ҳ. к. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар ва кўшни халқлар ҳаётида мустамлакачилик даври маънавиятини алоҳида босқич сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Зеро, бу босқичда миллий маънавиятимиз ўзининг аввалги ва кейинги (ҳозирги) ривожланиш босқичидан кескин фарқ қиладиган хусусиятлари билан ажралиб туради.

Айрим халқларга ўз миллий маънавиятини тарихий босқичларга бўлишда ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишда бошқача мезонлар қўл келиши мумкин. Айтайлик, ўтроқ ҳаётга кечроқ ўтиб, кечроқ миллат сифатида шакланган халқларда уруғ-қабилачилик муносабатлари ва кўчманчилик турмуш тарзи нисбатан узоқ тарихий давр мобайнида сақланиб қолган. Чунки бундай халқлар тафаккур тарзида аниқ образли мушоҳада, асотирий унсурлар ва қиёсий хулоса катта роль ўйнайди, маънавий меросида эса халқ оғзаки ижоди қатлами, санъатида амалий-безак санъати жуда кучли ва самарали ўрин эгаллайди. Маънавият ривожланиши босқичларини белгилашда мезон сифатида яна бошқа тамойиллар ҳам олиниши мумкин.

Лекин маънавиятнинг қадимги ва ўрта асрлардаги ривожланиш қонуниятларини ўрганишда дин ва диний-фалсафий тамойил асосий мезон сифатида олиниши анча самара беради. Чунки, биринчидан, эътиқод ва дунёқараш маънавиятнинг моҳиятли жиҳатларини ва энг асосий хусусиятини белгилайди. Иккинчидан, дин ва диний-фалсафий қарашлар тамаддун (цивилизация)ларнинг ҳам ғоявий-мафкуравий асосини ташкил қилади. Улар ривожланса, кўтаринки руҳда бўлиб, рационал ишончга асосланса, тамаддун равнақ топади, иррационализм ва мутаассиблик уларда устунлик қилса, тамаддун инқирозни бошдан кечиради, ўзгарса, алмашса, у ҳам ўзгаради, бошқаси билан алмашади. Қадимги ва Ўрта аср тамаддунлари

муайян дин шаклларига мувофиқ келади: буддавийлик тамаддуни, политеистик эътиқодга асосланган антик дунё тамаддуни, христианлик тамаддуни, ислом тамаддуни. Масалан, қадимги Ҳиндистон тамаддуни Бобил тамаддунидан ишлаб чиқариш усули билан эмас, энг аввало, диний эътиқодидаги фарқлари билан ажралиб турган. Бир тарихий даврга оид барча тамаддунларнинг ўзаро фарқи тўғрисида ҳам шундай дейиш лозим. Масалан, АҚШ ва Япония ишлаб чиқариш технологияси ва иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан бир тамаддунга мансуб. Лекин маънавияти борасида улар ҳар хил тамаддунга оид.

Лекин кишилик жамияти ривожланиши ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли. Унга турли ички ва ташқи, моддий-иқтисодий ва ғоявий-мафкуравий омиллар таъсир қилади. Маънавият тарихи ва қонуниятларини ўрганишни ўрта асрлар билан чеклаб бўлмайди. Ўрта асрлардан кейин эса, Ренессансдан (Ғарб Уйғониш даври) ва, айниқса, Маърифатпарварликдан бошлаб диний-фалсафий омиллар маънавият ривожланишида белгиловчи мавқеини йўқотади. Шарқ халқлари маънавиятида бу ҳол бир оз кейинроқ ва бошқачароқ кўринишда содир бўлди. Ҳозирги замонда жаҳоннинг деярли барча халқлари маънавияти кўпроқ дунёвийлик негизида ривожланмоқда, гарчи динларнинг таъсири баъзи мамлакатларда жуда кучли бўлса-да. Шу сабабдан маънавиятнинг умумтарихий ривожланиш босқичларини аниқлашда бир тамойилга эмас, бирданига икки-уч тамойилга суянган маъқулроқ. Масалан, диний-фалсафий, ижтимоий-тарихий, назарий-культурологик тамойиллар асосида комплекс ёндашиш самарали бўлади.

XX ва XXI асрлар туташи даврида ҳатто ижтимоий-сиёсий тамойиллар ҳам мезон сифатида олиниши мумкин. Зеро, бу даврда апартеид, ирқчилик, миллий зулм ва нотенгликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш каби талаблар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, демократик қадриятлар, глобал муаммоларни ҳал қилиш зарурати бутун инсониятнинг дунёқарашини, сиёсий маданияти ва умуман маънавиятини ўзгартиряпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзбек халқи маънавияти шаклланиши ва ривожланиши тарихий босқичларини қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

1. Энг қадимги (архаик) давр ва илк зардуштийлик босқичи.

2. Исломгача бўлган диний-мафкуравий плюрализм босқичи.

3. Ислом тамаддунининг гуллаб-яшнаши ва темурийлар даврида қайта уйғониш босқичи.

4. Анъанавийликнинг қарор топиши ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий таназзул босқичи.

5. Мустамлакачилик даври маънавияти.

6. Истиқдол даври маънавияти.

Бу босқичларнинг ҳар бирини ўз навбатида катта-кичик даврларга, туркумларга бўлиш мумкин.

Энг қадимги (архаик) ва илк зардуштийлик босқичи неолит (янги тош асри) охиридан то юнон истилосигача бўлган даврига тўғри келади.

Бу босқич маънавияти ҳақида тасаввурларимиз унчалик чуқур ва яхлит эмас. Биз тош асрида яшаган аждоқларимизнинг қарашлари, эътиқодлари, оламга муносабати, турмуш тарзи тўғрисида қоялардаги суратлар (Зароутсой ва бошқа жойлардаги), туркий халқлар оғзаки ижодида сақланиб қолган архаик унсурлар, қолдиқлар, Ўғизнома асотирлари, Авесто асотирлари ҳамда археологик қазувларда топилган моддий-ашёвий ва эътиқод-ибодатга оид ашёвий далиллар орқали биламиз.

Таъкидлаш лозимки, бу даврда дастлаб нарсаларга ва санамларга сиғиниш (фетишизм), сўнгра турли ҳодисаларга ва руҳларга сиғиниш (анимизм — табиатни жонлаштириш), сўнгра Тангри, Кўк, Ахурамазда каби бош худо, эзгулик ва ҳаёт тимсолларига, уларнинг турли кўринишларига — ғайритабиий кучлар, маъбудларга сиғиниш қарор топган.

Юқоридаги бобда келтирилган қалдирғоч ва илон ҳақидаги асотир аждоқларимиз томонидан ана шу босқичда яратилган. Мис ва бронза асридан бизгача умумтурк асотирлари ва Ўғизхон ҳақида асотирлар, «Авесто»нинг энг қадим қисмида акс этган асотирлар, яна «Алпомиш» достонида архаик сюжет қолдиғи — эрнинг ўз хотини тўйига келиб, даъвогарлар билан беллашуви ва уларни жазолаши (атоқли адабиётшунос В. М. Жирмунский буни ўз вақтида Ҳомернинг «Одиссея» достонидаги ўхшаш сюжет билан

қийёслаб таҳлил қилган эди) ҳамда Широқ ва Тўмарис ҳақидаги афсоналар етиб келган, деб аниқ айтиш мумкин.

Лекин, афсуски, турли сабабларга кўра, ўша даврнинг мамлакатимизда яратилган йирик ёзма ёдгорликлари, йилномалари ва диний-фалсафий битикларидан бирортаси бизгача тўлиқ етиб келмаган (ҳатто «Авесто»нинг энг қадимги бизгача етиб келган нусхаси ҳам бизнинг минтақада эмас, дастлаб Ҳиндистон парсийларидан топилган), босқинчилар томонидан йўқ қилинган. Беруний ўзининг «Осор ал-боқия» китобида жуда қисқа, аммо ниҳоятда таъсирчан мисолларни келтирган: Искандар Зулқарнайн Эронни босиб олгач, «Авесто»нинг 12 минг дона терига ишланган нусхасини ўтда куйдирган. Умуман «Авесто»нинг тўлиқ нусхалари йўқ қилинган. Беруний маълумотига қараганда, унинг фақат бир қисмигина сақланиб қолган. У ҳам кейинчалик қайта тўпланган. Юнонлардан кейин минг йил ўтгач, араблар ҳам аждодларимиз яратган ёзма ёдгорликларни, жоҳилияни тарғиб этади деб, йўқ қилганлар. Шу боис ўша давр маънавияти ҳақида тасаввурларимиз анча кемтик ва нисбатан саёз.

Умумтурк асотирларидан парчалар ёзиб қолдирилиши эрамининг 6–10-асрларига тўғри келади. Булар Ўрхун ва Энасой тошбитиклари, суғд, хитой, эрон ва араб манбаларидир. Лекин бу асотирларнинг яратилиши, албатта, кўз илгамас тарих бағрига сингиб кетган. Улар ёзиб олинган даврига нисбатан камида 2–3 минг йил илгари пайдо бўлган. Аждодларимиз уни авлоддан-авлодга оғзаки уза-тиб келганлар. Авесто ҳам асрлар давомида оғзаки намуналарда, халқ хотирасида сақланган. Умумтурк асотирлари орасида энг қадимгилари генеологик (яъни бирор ижтимоий ҳодисанинг, уруғ-қабиланинг келиб чиқиши ҳақида) асотирлардир.

Олимлар, турк қавмининг келиб чиқиши ҳақидаги асотирни энг қадимги деб ҳисоблайдилар. Бу асотир VI аср ўрталарида хитойликлар томонидан икки вариантда ёзиб олинган. Асосий вариантда воқеа шундай ривожланади: туркларнинг аждодлари йирик ботқоқлик бўйида яшаганлар. Лекин қўшни қабилалар уларни қириб ташлаган. Фақат қаттиқ яраланган, майиб этилган 10 яшар болагина омон қолган. Болани урғочи бўри боқиб, асраган, сўнг

унга хотин бўлган. Душманлар болани бари бир ўлдиришган. Бўри эса Гаочандан шимолроққа тоққа қочган. У горда ўнта ўғил туққан. Ўғилларидан бирининг исми Ашина — уруғ номига айланган. Кейинчалик уруғлар сони кўпайган ва Ашина қабила бошлиғига айланган. Унинг авлодидан бўлмиш Асаншад қабиласини горлардан олиб чиққан ва Олтойда ўрнашиб олган. Қабила турклар деб атала бошлаган. Асотирнинг иккинчи вариантыда бўрининг бошқа авлодлари ҳақида ҳам гапирилади. Уларнинг орасида қуман (оққув) ва қирғиз уруғлари учрайди.

Уйғурларнинг хон уруғи яғлақар ҳақидаги асотирда эркак бўри ва хун маликаси уруғбоши сифатида эсланади. Уйғурларнинг бошқа бир эдиз уруғи келиб чиқиши ҳақидаги асотирда уруғбоши деб муқаддас дарахт кўрсатилган.

Уруғбоши сифатида бошқа турк халқларида буқа ва буғу ҳам учрайди.

Ўғизхон ҳақидаги асотирлар, бир томондан, генеологик, иккинчи томондан эса — эпик қаҳрамонлик, «маданий қаҳрамон»лик унсурларини акс эттиради. Унда энг қадимги архаик қатлам билан бир қаторда кейин қўшилган «маданий» қатлам ҳам мавжуд. «Ўғизнома»да бу асотирларнинг 13–14-асрлардаги қарлуқ-уйғур талқини ўз аксини топган. Лекин унинг мазмуни, биринчи навбатда архаик қатлами ёзиб олинган вақтга нисбатан камида 2 минг йил аввал яратилган.

Асотирда айтилишича, Ўғизхон ёруғ нурдан онасининг бўйида бўлган, яъни унинг отаси — илоҳий куч. (Ушбу муносабат билан Исо Масих ҳам онаси бўйида шунга ўхшаш тарзда бўлганини эсланг.) Туғилишиданоқ баҳодир, паҳлавон бўлиб дунёга келган. Болалигида йилқилар уюрини еб кетадиган бир мугузли махлуқни енгади. Ўғизхоннинг қиёфаси, анатомик тузилиши энг кучли ҳайвонларнинг у ёки бу томонига ўхшайди ва аслида аждодларимизнинг тотемистик қарашларини акс эттиради. Унинг доимий ёрдамчиси, йўл кўрсатувчиси — бўз бўри.

Ўғизхон нурга чулғаниб осмондан тушган қиз билан турмуш қуради. Ундан Ўғизхоннинг учта катта ўғиллари туғилади — Кун, Ой, Юлдуз. Бошқа хотини — ерлик гўзалдан — уч кичик ўғли туғилади: Кўк, Тоғ ва Тениз (денгиз). Асотирда Ўғизхоннинг қаҳрамонликлари, ўз мулкини

ўғиллари орасида тақсимлаши, турли тартиблар, яшаш меъёрлари ва қонунлар ўрнатиши (шу боис уни «маданий қаҳрамонлар» қаторига ҳам киритиш мумкин) ва ҳ. к. тасвирланган.

Ўғизхон ҳақидаги асотирлар, бошқа умумтуркий асотирлар каби, кейинчалик ислом таъсирида анча қайта ишланган, ўзгартирилган. У Ёфаснинг авлоди дейилади. Ўғизхон образи мусулмон қаҳрамони сифатлари билан «бойитилган».

Умумтуркий асотирлардаги Тангри тушунчаси, айниқса, Тангри ҳақидаги илк тасаввурлар қолдиқлари, аждодлар руҳига сиғиниш, анимизм ва политеизм унсурларини ўз ичига олган. Кейинчалик Тангри образи бош Худо, ислом таъсирида эса ягона Худо синоними сифатида тушунилган. Умай-хотун образи ҳам мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтган. Дастлаб Тангрининг хотини, биринчи, ҳаётни бошлаб берувчи она, сўнгра табиат, ҳосилдорлик маъбудаси сифатида тасвирланган. Умай-хотуннинг ҳаётни бошлаб берувчи она сифатидаги образи ислом таъсирида унутиб юборилган, фақат баъзи бир ирим-сирим ва аждодлар руҳига сиғиниш қолдиқлари, унсурлари кўринишида, «тубан асотир» персонажи кўринишида, номи учрайди.

Ислом асотирлари ва қарашлари аста-секин халқимиз онгидан қадимги асотирларни сиқиб чиқарди. Фақат фанда «тубан асотирлар» деб аталадиган (яъни фалакиёт билан эмас, ер ташвишлари, кундалик турмуш ва меҳнат билан боғлиқ) қатламдан айрим унсурлар «исломлашган» шаклда сақланиб қолган. Масалан, Чўпон-ота, Бургут-бобо, Қўрқут, Умай-хотун образлари шулар жумласидандир. «Авесто»нинг энг қадимги қисми «Гата»лар (олимлар уни кўпинча «Гоҳ»лар, баъзан «Ҳот»лар деб атайди, аслида Гата — кўшиқ мисралари деган мазмунни англатади) асотирлари ҳам неолит даври охирларида шакллана бошлаган. Энг аввало, айтиш лозимки, унда ўзига хос тарзда умумҳиндий-арий қатлам қолдиқлари учрайди. Авестода Ахурамазда (Ормузд, Ҳормузд) — эзгулик ибтидоси, бош худоси ва Зулмат руҳи ёвузлик ибтидоси Ангра-Майнйу (Ахриман) ўртасидаги кураш тасвирланган. Ахуралар Авестонинг қадимги қисмида табиат ва жамиятда тартиб ўрнатиш, зулмат ва ёвузликка қарши курашадиган илоҳий мавжудотлар, дсб тасвирланган. Гаталарда улар яқин

келажакда зулмат ва ёвузлик кўшинлари — девлар устидан галаба қозонажаги, Кичик Авестода эса бу бир неча минг йилдан кейин юз бериши ҳақида гап боради.

Ҳиндлар асотирларида ахуралар, асуралар деб ёвузлик кучлари, аксинча, худолар эса дева (дев)лар деб аталган. Яъни эзгулик ва ёвузлик тимсоли сифатида уларнинг ўрни алмашган. Олимлар тахмин қилишларича, буни эрамизгача 2–3 минг йил илгари ҳинд орийлари ва Марказий Осиёнинг қадимги эронийзабон халқлари ўртасида этник ва мафкуравий ўзаро алоҳидалашиш бошланганлиги билан изоҳлаш керак. Уларнинг ҳар бири ўзларининг ҳомийларини, сиғинадиган руҳларини илоҳийлаштирган, эзгулик тимсолига айлантирган ва аксинча, улардан ажралган қавмларининг ҳомийларига ёвузлик хислатларини бағишлаганлар.

«Авесто» бизга энг кейинги расмийлаштирилган вариантда (340 й.) маълум. Бу даврга келиб ундаги баъзи тотемистик ва кўпхудочилиқ унсурлари бошқачароқ талқин қилинганини, яъни эзгулик худолари Ахурамазда — бош худо қавмига, ёвузлик худолари эса Ангра-Майнйу кўшинига киритилганини кўрамиз. Натижада зардуштийлик ахлоқ масалаларида дуалистик дин — икки ибтидога асосланган динга айланган. Политеистик (кўпхудочилиқ) динидан дуалистик динга айланиш зардуштийлик ахлоқий таълимоти тадрижий ривожланишининг (эволюциясининг) объектив тенденцияси бўлган.

«Авесто»нинг ёзма тартиб берилган варианты ушбу тенденцияни ўзида акс эттирган.

«Авесто» Зардуштга ваҳий қилинган китоб ҳисобланади. Паҳлавий (ёки парс) солномалари анъанасига кўра, Зардушт Искандардан 258 йил аввал «яшаган» дейилади. Аммо олимлар Авестонинг энг қадимий қисми Гаталарни таҳлил қилиб, унинг тили эрамизгача 12–10 аср илгари даврга мансублигини исботлаганлар. Зардушт тарихий шахсми ёки йўқми, унинг яшаган даври фанда узил-кесил ҳал қилинган эмас. Лекин у, агар ҳақиқатан тарихий шахс бўлса, Ўрта Осиёдан ёки Эронга нисбатан Шарқда жойлашган мамлакатдан чиққан, деб ҳисобланади. Гўёки, у ўз юртида қувғинга учраган (паҳлавий манбаларига кўра) ва шарқий эронийлар шоҳи Виштасп ҳомийлигига ўтган.

Шундан сўнг зардуштийлик Эронда тарқалган. Зардушт 77 ёшида Балхда турларнинг ҳужуми пайтида ҳалок бўлган дейилади. Зардуштийликнинг асл ватани ҳақидаги масала тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд. Асосан у Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда, Суғдда ёки Бахтарда шаклланганлиги тан олинади.

Ҳозирги замон фанининг Гаталар яратилган давр паҳлавий манбаларида кўрсатилган даврга нисбатан тахминан 500 йил илгарироқ эканлиги тўғрисидаги хулосаси паҳлавий манбаларидаги нафақат хронологик (вақт, давр) маълумотларни, шунингдек, бошқа баъзи бир маълумотларни ҳам анча шубҳа остига қўяди.

«Авесто», гўёки, илк бор Зардуштнинг куёви ва шогирди Жамаспа томонидан ёзиб олинган. Ундан сигир териларига кўчирилган икки нусхаси шоҳ хазинасида сақланган ва Искандар томонидан, юқорида айтилганидек, куйдирилган. Кейинчалик Парфия шоҳи Валгаш (эрамизнинг 50-йиллари) ва сосонийлар сулоласи асосчиси Биринчи Ардашер Папакан (эрамизнинг 224–241-йиллари) «Авесто»нинг омон қолган парчаларини йиғишга буйруқ берганлар. Фақат Иккинчи Шопур (309–379 й.) даврида зардуштий руҳонийлар, хусусан, коҳин Маҳраспанд ўғли Атурпат (340 й.) «Авесто» матнларини ва уларнинг тартибини тасдиқлаган, зардуштийлик эса узил-кесил Эроннинг давлат динига айланган. Эронда бошқа динларни таъқиб қилиш бошланган. «Авесто»га иккинчи марта тартиб берилгач, сосонийлар мамлақатида у қатъий ва ҳамма учун мажбурий диний-фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий ва ибодат ҳужжатига, турмуш тарзи йўриғига айланган.

Албатта, «Авесто»нинг расмий тасдиқланган таркибига кирмай қолган матнларга, талаб ва меъёрларга хайрихоҳлар ўша пайтлар кам эмас эди. Айниқса, Эронга бўйсунмаган мустақил мамлакатларда, хусусан, Хоразм, Суғд ва Бахтарда. «Эронийлаштирилган» «Авесто»да туркий халқларнинг улуғ қаҳрамони, афсонавий доҳийси, хони Алп Эр Тўнга образи (Авестода Франграсян, Фирдавсий «Шоҳнома»сида Афросиёб деб аталган) ўта салбий тасвирланган. Бунга сабаб аҳоманийлар ва сосонийлар даврида Эрон Ўрта Осиёни бир неча марта босиб олган ёки ўз тасарруфига олишга интилган, кўплаб ҳарбий босқинчилик юриш-

лари уюштирган эди. Табиийки, аждодларимиз асрлар давомида ўз озодликлари, мустақилликлари учун кураш олиб борган, имкон туғилган пайтда ўзлари ҳам ҳарбий юришлар қилган. Ўша даврларнинг ижтимоий ҳаётида минтақалар муносабатида ҳарбий юришлар сезиларли ўрин эгаллаган. Ҳар бир томон ўзини ҳақ ҳисоблаган. Буни мафкуравий воситалар орқали, жумладан, асотирлар, дostonлар ҳатто диний китоблар ва ш. к. воситасида омма онгига етказишга ҳаракат қилганлар. «Эронийлаштирилган» «Авесто»да биз шу ҳодисага дуч келамиз. Аксинча, туркий халқлар ривоятлари ва афсоналарида, марсияларида Алп Эр Тўнга доно, мард ва адолатли хон сифатида, унинг душманлари эса кўрқоқ, маккор ва хиёнаткор, алдамчи сифатида тасвирланган. Фараз қилиш мумкинки, бизнинг минтақамизда «эронийлаштирилган», расмий тус берилган «Авесто» унчалик машҳур бўлмаган ва кенг тарқалмаган. Лекин ҳарҳолда «Авесто»нинг оғзаки ва норасмий вариантлари эра-мизнинг дастлабки асрларида ҳам маънавий ҳаётимизда анча из қолдирган. Бу даврда (IV аср) аждодларимиз маънавияти ривожланишининг плюралистик қарашлар негизидаги иккинчи босқичи ўзининг энг гуллаб-яшнаган пайтларига кира бошлаган эди. Ҳатто Канишка давлатида расмий мақом олган буддавийликнинг таъсири бизнинг минтақамизнинг илгари тарқалган жойларида (ҳозирги Сурхондарё ва Фарғона водийси) пасая бошлаган эди.

«Авесто» қуйидаги мундарижага эга:

1. Гаталар. 2. Ясна, Виспрат (барча куззотлар). (Ясна – ибодат деган мазмунни билдиради. Одатда, Ясна таркибига Гаталар, Ҳомяшт (Ҳаома руҳининг Зардуштга келиши тўғрисида маълумот) ва Виспрат киритилади). 3. Яштлар. 4. Видевдат (девларга қарши қонун). 5. Кичик матнлар ёки форсий тилда Хорда Авесто – Кичик Авесто. Гаталар бор йўғи 248 мисрадан иборат бўлиб, Яснанинг 17 боби-ни ташкил этади.

Кичик «Авесто»да Зардушт янги динни жорий қилишда қадимги эроний худолар – Ардвисура Анахита, Ҳаома, Митра, Беретрагнадан кўмак сўрайди. Лекин Гаталарда бундай худолар мутлақо эсга олинмаган. (Таъкидлаш жоизки, зардуштийлик бўйича йирик мутахассис Х. Нюберг Ардвисура Анахита образи дастлаб Сирдарёнинг ўрта оқимида

яшаган саклар орасида шаклланган, деб ҳисоблайди. Дастлаб у дарё маъбудаси бўлган, кейинчалик йирик худолардан бирига айланган.) Гаталарда эроний худолар тилга олинмаслиги ҳам «Авесто» қадимий қисмининг асл ватани Эрон эмаслигини кўрсатади. Лекин юқорида келтирилган далил «Авесто» эрамиз бошларида Эронда қайта тўпланганини, бу даврга келиб у анча «эронийлаштирилганини», айниқса, Кичик «Авесто» эронлик зардушт қоҳинлари таъсирида ва таҳририда яратилганини билдиради.

«Авесто»да ҳам ўзига хос тарзда тўфон, оламни сув босгани тўғрисидаги асотирларга ўхшаш маълумот бор. Ахурамазда Йимани (Жима; «Шоҳнома»да ва форс манбаларида у Жамшидга қиёс қилинади) бу дунёнинг ёвуз одамлари устига қиш келиб, булутлардан қор ёғиши, молларнинг учдан бири омон қолиши, ҳозирги яйловларни сув босиши ҳақида сўхлантирган. Сўнг Ахурамазда Йимага фалокатдан омон қолиш мақсадида майда ва қорамол, одамлар, итлар ва қушлар, олов-оташ уруғи учун ер остида Вара деган шаҳар қуришни буюради.

Бу аждодларимиз хотирасида муз даврининг охирида табиатда юз берган ўзгаришлар ҳақида сақланиб қолган тасавурлар қолдиқларидир.

Бизнинг юқоридаги мисолни келтиришимиздан мақсад муз даврини эслатиш эмас, балки С. П. Толстов Хоразмда Авестода тасвирланган Варага ўхшаш жой қолдигини қазилмалар пайтида топганига, бу ҳам илк зардуштийлик қаерда шаклланганига бир қўшимча далил бўлиши мумкинлигига диққатни қаратишдир.

Фараз қилиш мумкинки, «Авесто» асотирларининг бир қисми меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимотидан — чорвачилик ва деҳқончиликнинг бир-биридан ажралмасидан аввал ёки илк бора чорвадорлар орасида шаклланган. Чунки унда тасвирланган қурбонлик маросимлари, баъзи бир урфлар, географик жойлар ва иқлим, қадимги турмуш тарзининг кўплаб унсурлари қадимги чорвадорлар, чўлда яшовчи халқларга оидлигини сақлаб қолган. Шу боис И. Брагинский Авесто кўпроқ Марказий Осиё худудий топонимикаси (жой атамалари) ва қадимги халқи турмуш тарзининг хусусиятларини акс эттиришини алоҳида таъкидлайди.

Бизгача етиб келган «Авесто» асотирларидан намуна

келтириб ўтирмаймиз. Аммо маънавият билан боғлиқ бир нарсани таъкидламоқчи эдик. Зардушт таълимотида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш оқибатида қарор топадиган олам тартиби, тўғри йўл одамларнинг эркин танлашига, онгли равишда эзгулик томонида туриб фаол курашишига боғлиқ деган ғоя олға сурилган. Бу зардуштийликнинг уч минг йил оша бизгача етиб келган, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган буюк умуминсоний қадриятга айланган ғоясидир. Бу ғоя умуминсоний маънавиятнинг тамал тошларидан биридир.

«Авесто» асотирилрининг ижтимоий-тарихий воқеаларга, хусусан, афсонавий шоҳларга, ҳукмдорларга алоқадор қисми буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида қайта ишланган ва шоир яшаган давр ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий талабларига анча-мунча мослаштирилган шаклда баён қилинган.

Зардуштийликнинг энг қадимги тасаввурлари ва қарашлари аҳоманийлар даврида Кичик Осиёда яшаган халқларнинг, жумладан, юнонларнинг диний-фалсафий қарашлари ва маданиятига таъсир кўрсатган. Бу ҳақда Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» асарида анча ишончли ва қизиқарли далиллар келтирилган. Хусусан, қадимги юнон илм-фани ва маданиятининг бешиги бўлмиш Иония, унинг пойтахти Милетла илм-фан, фалсафа шаклланишига ва ривожланишига, у орқали бутун Юнон ва Рим маданиятига илк зардуштийлик ўз ҳиссасини қўшган. (Қаранг: Ф. Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 22–39-бетлар).

Маънавиятимиз ривожланишининг биринчи босқичидаёқ, ажодларимиз эзгулик ва ёвузлик, бурч ва ор-номус, ватанпарварлик ва озодлик, мардлик ва фидойилик каби юксак омолларни, абадий қадриятларни чуқур идрок этганининг ва ижодларида муҳрлаб қолдирганининг гувоҳи бўламиз. Биринчи босқичнинг охириги чорагида суғориладиган деҳқончилик анча ривожланди. Бу ажодларимиз томонидан олов, сув ва ерни дастлаб асотирилларда, сўнгра диний-фалсафий таълимотлар ва ибодат амалиётида илоҳийлаштиришга, муқаддаслаштиришга сабаб бўлди.

Турон ва Эроннинг зардуштийликка мансуб халқлари тупроқни муқаддас ҳисоблаганлар ва уни ҳар жиҳатдан

покиза сақлашга уринганлар. Масалан, ўликларни тупроққа қўрмаганлар, балки махсус жойларда бир неча муддат сақлаб, суякларини кейин хумга солганлар. Тупроқ муқаддас ва ҳалол ҳисоблангани учун уларини ва иморатларини фақат пахса ёки гуваладан, хом гиштдан қурганлар. Кейинчалик эса хом гиштни яна бир муқаддас унсур — оловда пиширишни ўрганганлар. Шундай қилиб, зардуштийлик таъсирида уй-жой ҳалол ҳисобланмаган тошдан эмас, балки муқаддас икки ёки уч унсурнинг иштирокида (сув, тупроқ, олов) бунёд этилган. Фарбий Эронда Биринчи Доро барпо этган Персепол (Эроншаҳр) харобалари, унинг яқинида Нақши Рустам, Нақши Ражаб харобалари сақланиб қолган. Шаҳар тўлиқ тошлардан қурилган. Бу зардуштийлик ўша пайтлари Эроннинг Форс қисмида тарқалмаганини кўрсатади. Ҳақиқатан аҳоманийлар Хуросон ва Мовароуннаҳрни босиб олганидан кейин зардуштийлик Форсда тарқала бошлаган.

Зардуштийлик негизида вужудга келган Марказий Осиё тамаддуни Хитой, Эрон тамаддунидан ёш бўлмаса-да, аммо бинолар тошдан ясалмагани учун архитектура ёдгорликлари ўша даврдан бизгача етиб келмаган. (Буддавийларнинг ибодатхоналари эса, ислом келгач, бузиб ташланган.)

Диний-фалсафий қарашлар, бинобарин, улар негизида шаклланадиган маънавият, бир томондан, табиий-тарихий омиллар таъсирида вужудга келган. Иккинчи томондан эса, уларнинг ўзи турмуш тарзининг, ҳатто ишлаб чиқариш ва моддий маданиятнинг кўп томонларини белгилаганлар.

Энг қадимги фалсафий қарашларда оламнинг субстанционал моддий асоси (ўзаги ёки жавҳари — жавҳар алфард) тўғрисида фикр юритилганда тупроқ, сув, олов ана шундай ўзак унсурлар ҳисобланган. Агар унсурлар бир неча деб қаралса, уларнинг ҳар учаласи киритилган. Қадим замонлардаёқ оламнинг асосини ташкил этувчи унсурлар сони тўртта деб ҳисобланган (юқоридаги уч унсурга ҳаво ҳам қўшилган). Бу таълимотнинг ватани деб, фалсафа тарихини ўрганувчи олимлар Ҳиндистонни кўрсатишади. Аммо тўрт унсур ҳақидаги таълимот Турон ва Эрон зардуштийлари орасида шаклланиб, кейин орийлар билан

Ҳиндистонга бориб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Орийларнинг Ҳиндистонга бориши эрамиздан аввал икки мингинчи йилларда содир бўлган.

Қадимшунослар ўз қазилмаларида бир ҳолатга дуч келдилар. Эрамизгача II минг йилликнинг II чорагида ҳозирги Ўзбекистон минтиқасининг кўп қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳоли таркиби ўзгарган. Уларнинг бир қисми Ҳиндистонга кўчган орийлар бўлиши мумкин. Улар ўрнини бошқалар эгаллаган. Кулолчилик идишларини безашда ишлатиладиган нақшлар ва усул ўзгарган.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмининг ўзбек тилига таржима қилиниши, у ҳақда илмий, илмий-оммабоп мақолаларнинг пайдо бўлиши, келгусида эса шубҳасиз, кўпайиши, мамлакатимизда олиб борилаётган археологик қазилмалар натижалари ҳақида ҳам кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш маънавиятнинг мазкур босқичи тўғрисидаги тасаввурларимизни янада бойитади ва ойдинлаштиради. Чунки «Авесто» вужудга келишига бизнинг аждодаларимиз — қадимги хоразмийлар, суғдлар, бахтарликлар ҳал қилувчи ҳисса қўшганлар. «Авесто» асотирлари вужудга келишида қисман сак-скифларнинг, каспийолди халқларининг ҳам ҳиссаси бўлиши мумкин. Чунки бу асотирлар акс эттирган архаик қатламининг баъзи бир унсурлари шундай хулосага зид келмайди.

«Авесто» Фарб ва Эрон илмий адабиётларида эроний халқлар ёдгорлиги, унда эзгулик ва ёвузлик ибтидолари ўртасида кураш нафақат диний-ахлоқий асотирлар воситасида, шунингдек, эронликларнинг туронлик кўчманчи босқинчилар билан курашини акс эттириш орқали ҳам кўрсатилган дейилади. Бошқача айтганда, «Авесто» эроний манфаатларни, эроний мафкурани акс эттиришига эътибор қаратилади. Юқорида таъкидланганидек, «Авесто» Искандар Зулқарнайндан кейин бир неча аср ўтгач, яъни бизнинг маънавиятимиз ўз ривожланишининг янги босқичига ўтган даврда қайта тўлланган. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда зардуштийлик ҳукмрон мавқеини йўқотиб қўйган эди.

Маънавият диний-фалсафий плюрализм негизида ривожланар эди. Эронда эса бошқача ҳолни кузатамиз: мафкуравий плюрализмдан ягона умумий эътиқод — давлат

мафкурасига ўтишга интилишни. Бу интилиш Эрон давлати эҳтиёжларига мослаштирилиб қайта ишланган зардуштийлик дини ва қайта тартиб берилган «Авесто»да ўз ифодасини топади.

Биз ушбу масалада қуйидагиларни эътироф этмоқчимиз. Биринчидан, «Авесто»нинг энг қадимий қисми Гаталарда Турон ва Эрон масаласи йўқ. Иккинчидан, «Авесто»нинг кейинги қисмлари ҳақиқатан Эрон талқинида бизгача етиб келган. Сосонийлар даврида зардуштийлик аста-секин Эроннинг давлат динига айланган эди. Бу эса «Авесто»нинг янги тўпланган қисмлари эронпарастлик мафкураси нуқтаи назаридан тўлдирилганлигини билдиради. Ўша пайтда Эронда, монийлик ва христианлик кириб кела бошлагач, мухолиф қарашларга муросасизлик, ўзига хос мутаассиблик вужудга келган эди. Янги диний таълимот асосчиси ва тарғиботчиси Моний Эронда қатл қилинган эди.

Эрамизнинг 340 йилидан бошлаб ҳатто зардуштийликнинг нисбатан халқчил оқимларидан бири, шу боис давлат мафкурасига айланган расмий догматлашган шаклидан бир оз адолатпарварликка ургу бериши билан фарқ қиладиган маздакийлик ҳам қаттиқ таъқиб қилинган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда диний-мафкуравий муросасизлик кескин шаклларга кўтарилмаган.

Сосонийлар давридан қолган тошлавҳалар орасида зардуштликнинг йирик қоҳинларидан бири Картир Персепол яқинидаги Нақши Рустам, Нақши Ражаб ҳамда Каъбайи Зардуштда қолдирган лавҳалар бор.

Картир Эрон шоҳига (II Шопур) Мазда динига хайрихоҳлиги учун миннатдорчилик билдиради ва ўзи ҳақида баъзи маълумотларни баён қилади. У ғайридинлар – яҳудийлар, христианлар, назарийлар, монийлар, браҳманийлар, буддавийлар ва мактукларни таъқиб қилгани билан мақтанали.

Шоҳлар қаторида тошлавҳалар ёздириш ўртача амалдорнинг ёки руҳонийнинг қўлидан келмайди. Картир эса юқорида келтирилган уч жойдан ташқари Сари Машҳадда ҳам бундай ёдгорлик қолдирган. Бу нафақат Картирнинг, шунингдек, зардуштийликнинг ҳам Эронда ижтимоий ва сиёсий мавқеи жуда юқорида бўлганидан далолат беради. Чех олими Отакар Клима юқоридаги лавҳалардан Картир зардуштийлик таълимоти сосонийларнинг давлат

динига айланишида катта роль ўйнаган ва «шубҳасиз, унинг уринишлари туфайли Моний зиндонбанд қилинган ва ҳалок бўлган», деган хулосага келади¹.

Исломгача бўлган диний-мафқуравий плюрализм босқичи. Бу босқич Искандар Зулқарнайн истилосидан араблар истилосига қадар (милодий VIII аср боши), яъни тахминан минг йилдан сал кўпроқ давом этди. Бу даврда халқларнинг, маданиятларнинг қоришуви, аҳоли миграцияси ва таркибий ўзгариши аввалги босқичга нисбатан анча кучайган ва тезлашган.

Иккинчи босқичда биз Марказий Осиёда жуда рангбаранг маданият, бой шаҳарлар, юксак маънавият вужудга келганини кўрамыз. Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Термиз, Нахшаб (Насаф), Кеш, Ахсикент, Варахша, Марв, Балх, Ниса, Ҳаройва (Ҳирот), Урва (Тус) шаҳарлари гуллаб яшнади. Зардуштийлик билан бир қаторда юнон кўпхудочилиқ дини, буддавийлик (буддизм), монийлик, кейинчалик эса христианликнинг несторий (насронийлик) мазҳаби кириб келди. Анимизм унсурлари ҳам турли шомонлар, кушночлар томонидан ирим-сиримлар, руҳий даволаш орқали тарғиб этиб турилди.

Фараз қилиш мумкинки, бу даврда минтақамизда диний мўътадиллик, хайрихоҳлик ва мурасағўйлик қарор топган. Динлар ўртасидаги рақобат мутаассибликка, йирик ижтимоий ихтилофларга, тўқнашувларга олиб келмаган. Ҳарҳолда тарихий манбаларда (на ҳинд, на хитой, на Яқин Шарқ манбаларида), ривоят ва афсоналарда бизнинг минтақада яшаган маҳаллий аҳоли ўртасида ички диний тўқнашувлар, урушлар тўғрисида махсус қайд этилган маълумотлар учрамайди. Археологик қазувлар далолат беришича, бу даврда аждодларимиз ҳунармандчиликда, амалий билимларда, санъатнинг барча турларида – ҳайкалтарошлиқ, рангасвир, мусиқа, театр, рақсда юксак ютуқларни қўлга киритганлар.

Берунийнинг хоразмликлар арабларга нисбатан буржларни, йил ҳисоблари ва умуман юлдузлар илмини яхшироқ билганликлари тўғрисидаги маълумоти, Афросиёб, Ва-

¹ Қаранг: **Ян Рипка**. История персидской и таджикской литературы. М., «Прогресс», 1971, 45-б. — Ушбу китобнинг биринчи қисми О. Клима томонидан ёзилган.

рахша, Болаликтепа, Панжакент, Ажинатепа фрескалари (деворга ишлаган рангтасвир асарлари), Сополлитепа, Ерқўрғон, Қўйқирилганқалъа, Айритом, Холчаён, Далварзинтепа ва бошқа кўплаб археологик қазилмалардан чиққан сурат чизилган сопол идишлар, тангалар, санъат буюмлари, ҳайкалчалар, заргарлик ва ибодат буюмлари буни тасдиқлаб турибди. Бу босқичда якка ҳукмронлик қиладиган, ҳатто яққол етакчилик қиладиган бирор динни кўрмаймиз. Аввалги босқичда турли динлар, эътиқодлар анча-мунча учраса-да, ўтроқ халқ эътиқодида етакчилик вазифасини зардуштийлик ўйнаган, дейиш мумкин. Иккинчи босқичнинг биринчи чораги охирида Сурхон воҳаси ва Фарғона водийсида буддавийлик, ўрталарида эса монийлик зардуштийликдан кам мавқега эга эмасди. Зардуштийлик эса анча ўзгарган, у ўзаро таъсир натижасида бошқа динларнинг, балки зардуштийликдан ҳам аввалги архаик асотирий тасаввурларни ўзида акс эттирган. Буни археологик қазувлар ва мазкур давр санъат асарлари яққол исботлаб турибди.

Олимлар тахмин қилишларича, бизнинг минтақамиз буддавийликнинг энг илғор ва эстетиклашган шакли — дзен-буддизмнинг ватани бўлган. Биздан у Хитой, Корея ва Японияга тарқаган. Монийлик ҳам тугал таълимот даражасига етиши учун ўзига Турон тупроғида нисбатан кенгроқ ижтимоий таянч топган. Монийликка оид адабиётлар асосан сосонийлар империясининг чекка ҳудудларида ёки қўшни ҳудудларда (Шарқий Туркистон, Миср) топилгани, унинг Бобил ва империянинг марказий вилоятларида қаттиқ мафкуравий қаршиликка дуч келганлигидан, расмий доираларга мухолиф таълимот сифатида унга кўпроқ салбий муносабатда бўлганлигидан далолат беради.

Моний ўз таълимотини зардуштийлик, буддавийлик ва христианликнинг умумлаштирилган ифодаси асосида вужудга келган янги дин, деб эълон қилади. Монийнинг ўзи илгариги муқаддас китобларда, пайғамбар башоратида эътироф этилган маҳдийликка, охириги пайғамбар мақомига даъво қилади. (Кейинчалик ислом охириги пайғамбар деб, Муҳаммадни тан олди.) Монийнинг ушбу даъволари сосонийлар шоҳи Шопур учун махсус ёзилган «Шабурагон» асарида қайд этилган. Чунки Мисрда топилган бошқа бир манбада («Шабурагон»дан аввал ёзилган)

Монийгача ўтган пайғамбарлар рўйхатида Зардушт, Будда ва Исо номлари эсланмайди.

«Шабурогон»да эса Моний ўз салафлари орасида уларнинг учаласини ҳам санаб ўтади.

Марказий Осиёда бўлиб, диний-мафкуравий хилмахилликни, бағрикенгликни кўрган Монийда уларни умумлаштириш истаги туғилгани, ўз таълимотини тугал тизимга келтиргани, ўзи ва ўтмишдош пайғамбарлар орасида ворисийлик мавжудлигини тан олиш янги дин тарқалиши учун фойда келтиришини англаганлиги эҳтимолдан холи эмас (Монийнинг охириги пайғамбарликка даъволари тўғрисида «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг 1998 йил 3-сонидан чоп этилган Мишель Тардьёнинг «Мани и ряд пророков» — «Моний ва пайғамбарлар силсиласи» мақоласидан ахборот олиш мумкин. Моний асарларидан Беруний «Ҳиндистон» асарида турли масалалар бўйича етгита иқтибос (парча, цитата) келтиради ва уларни бошқа халқлар, энг аввало ҳиндлар қарашлари билан қиёслаб таҳлил этади).

Буддавийлик кушонлар ҳукмронлик қилган йилларда давлат дини мақомигача кўтарилганини юқорида қайд қилган эдик. Лекин Суғда унинг таъсири Бахтар ва Фарғонадагидек бўлмаган. Эфталийлар, айниқса, қангла пайтида анча сусайган. Буни турли динлар ўртасидаги рақобат ва тарғиботчилар фаолияти билан ҳамда минтақамиз этник таркибининг муттасил бойиб турганлиги билан изоҳлаш керак. Янгитдан келиб қўшилиб турган туркий халқлар чорвадорлиги ва маълум даражада жангари турмуш кечириши туфайли буддавийликнинг кўп жиҳатларини қабул қила олмаганлар. Шу сабабли, Эрондан фарқли, Туронда мафкуравий муштараклик, бир диннинг ҳукмронлиги ва унинг оқибати сифатида диний-мафкуравий мутаассиблик ҳам қарор топмади. Бу ранг-баранг, бой маданият, тафаккур юритиш ва оламга муносабатда универсализм шаклланишига маънавий асос бўлди.

Муסיқа ва рақс санъатимиз Шарқда Хитой, Корея, жанубда Ҳиндистонгача таъсир кўрсатганини, кейинчалик ислом дини таъқибида санъаткорларимизнинг мазкур ўлкаларга муҳожирликка кетиб қолгани ўша халқларнинг йилномаларида ёзилган.

Мазкур босқич маданияти, турмуши, маънавияти ҳақида биз, табиийки, аввалги босқичга нисбатан кўпроқ

биламиз. С. П. Толстов, В. М. Массон, Я. Фуломов, А. Асқаров, Г. А. Пугаченкова, К. К. Кабанов, У. Исломов, М. Исомиддинов, Р. Сулаймонов ва бошқаларнинг қазилма ишлари ва кейинги йилларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар туфайли анча маълумотларга, айниқса моддий маданиятга оид маълумотларга эгамиз. Аммо бу даврга оид яхлит асарлар ҳам ислом туфайли сақланиб қолмаган. Археологик қазилмалар эса ўша даврда минтақамизда кенг тарқалган ёзувларда битилган алоҳида жумлаларни, матн парчаларини акс эттирган буюмларнинг қолдиқларини ёки айрим ҳужжатлар бўлақларини бизга ҳада қилмоқда.

Фақат XIX асрнинг 90-йилларида Муғ тоғи ва Шарқий Туркистонда — Уйғуристонда топилган қўлёзмалар нисбатан тўлароқ парчалар эди. Улар орасида буддавийлик, христианлик ва монийлик динларига оид адабиётлар учрайди. Қўлёзмалар уйғур, суғд, сак тилларида битилган. Айниқса, монийлик дини тўғрисидаги тасаввурларимиз Турфон топилмалари сабабли нисбатан тўлароқ бўлди. Суғдий тилдаги энг қадимги қўлёзма («Эски хатлар» деб ном олган) IV асрга оид бўлиб, Хитой девори яқинидаги қалъалардан бирида топилган.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар — Панжакентдаги майит тепасидаги йиғи саҳнаси (VI аср), Ток-қалъадан топилган тасвири тобут (VII–VIII аср) ва Марвдан топилган тасвири Хумкўза (VI аср) минтақамизда вафот этган кишига таъзия очилиб, йиғланганини билдиради. Бу ўлик тепасида йиғлашни тақиқлаган зардуштийлик талабларига зиддир. Айрим олимлар мазкур далиллар асосида минтақамизда зардуштийликнинг адоҳида шакли ривожланган бўлиши мумкинлигини фараз қилмоқдалар.

Бошқа бир мисол: қадимги Нахшаб жойлашган Ерқўрғон (Қарши) қазилмалари пайтида очилган оташкаданинг (зардуштийлар ибодатхонаси) учинчи даврига оид қатламдан топилган маъбуда ёнидаги ашёлар орасида маъданлар ва тошлардан ясалган сифиниш рамзлари — олтин типратикан, митти санам ҳайкалча, ақиқдан ишланган бақа чиққан.

Зардуштийликда типратикан муқаддас ҳисобланган. Чунки у Ажи Даҳа қўшинига кирувчи илонларга қарши

курашади ва уларни ўлдиреди. Лекин бақа ва илон, «Авесто»га биноан, ёвузлик оламига мансуб Ангра-Майнйу қавмларидан. Бу далил ҳам зардуштийликнинг минтақамизда қарор топган шакли ўз хусусиятларига эга бўлганлигини, ҳарҳолда маънавиятимиз ривожланишининг мазкур босқичида қисман ўзгарганини билдиради. Балки бу маҳаллий халққа муттасил келиб қўшилиб турадиган кўчманчи халқнинг анимистик қарашлари ёки зардуштийликкача мавжуд бўлган асотирларнинг ва ўзга эътиқодларнинг таъсиридир.

Буддизмда ва индуизмда зардуштийликка нисбатан жонзотларга муносабат, жумладан, илонларга муносабат ҳам ўзгача – ижобий. Маъбуда ёнида юқоридаги ашёларнинг топилиши муносабати билан қадимшунос Р. Сулаймонов олға сурган фараз, балки, ҳақиқатга яқиндир. Олим фикрига кўра, топилган маъбуда қадим ҳиндарийларнинг умумий мифологиясига оид самовий дарё маъбудаси (худоси) образи бўлиши мумкин. Илон, аждар ва қурбақалар сув маъбудаларининг доимий ҳамроҳидир. Р. Сулаймонов, Х. Нюбергнинг юқорида келтирилган фикрларини ривожлантириб, Сирдарё ҳавзаси ва қадимги Шимолий Ҳиндистон географик номларидаги ўхшашликни, Сирдарё Қанқа деб аталганини (Ганга – Ҳиндистоннинг буюк дарёси) ва бошқа қизиқ маълумотларни келтиради¹. Ҳарҳолда Афросиёб Варахша, Панжакент фрескалари, Термиз, Ерқўрғон (Қарши), Хоразм ва бошқа жойлардаги қазилмалардан чиққан ашёлар маънавиятимиз ривожланишининг иккинчи босқичида зардуштийлик нафақат ягона етакчилик мавқеини йўқотганини, балки ўзи ҳам анча трансформация бўлганини (ташқи ва ички таъсир остида шакли ва мазмунини ўзгартирганини) кўрсатади.

Бу табиий эди. Искандар Зулқарнайндан кейин вужудга келган янги Юнон-Бахтар (Бақтрия) давлатида зардуштийлик эмас, биринчи ўринга юнон политеистик эътиқоди чиққан эди. Кейинчалик Кушонлар даврида Канишқадан бошлаб буддавийлик давлат динига айланди. Сугдда ҳам ижтимоий ва сиёсий вазият, маънавий омиллар ўзгариб турди. Янгидан кириб келаётган эътиқодлар таъқиб қи-

¹ Р. Сулаймонов. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т., «Маънавият», 2004, 28–31-бетлар.

линмади. Аксинча, бир-бирини алмаштириб турган сулолалар янги динлардан ўзларига мафкуравий таянч ахтардилар. Бу омиллар зардуштийликни, бир оз бўлса-да, ўзгартирмаслиги, яхлит умумий, қонунийлаштирилган шаклга келишига тўсиқ бўлмаслиги мумкин эмас эди. Марказий Осиёда зардуштийликнинг ягона мафкурага айланишига на маънавий-маданий, на ижтимоий-этник, на сиёсий шарт-шароит (Эрондан фарқли) вужудга келди.

Маънавиятимиз ривожланишининг иккинчи босқичига оид жуда кўп ҳайкалчалар ва бошқа санъат асарлари топилган ва тўпланганки, улар ҳақида минглаб мақолалар, юзлаб катта-кичик рисоалар мавжуд. Айрим ҳайкалчаларда ранг бўёғи ва олтин суви излари сақланиб қолган. Ўша давр ҳақида сайёҳлар ва олимлар ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, аجدодларимиз тошлардан йирик ҳайкаллар йўниб, уларни олтин суви билан бўяганлар. Хитойлик Сюан-Цзян (VI аср) аجدодларимиз металл қоришмаларидан йирик ҳайкалларнинг қисмларини қандай алоҳида қуйишларини ва кейин уларни бирлаштиришларини ёзиб қолдирган. «Қадимги Қанг ери» деб аталган, Қанг (олимлар тахминича, ҳозирги Самарқанд вилоятига тўғри келади) ҳукмдорининг ўғли бошқарган Шарқий Цао мулкининг саройида (олимлар Самарқанд вилоятининг Челак шаҳри деб фараз қиладилар) баҳайбат олтин ҳайкал тургани, унга Каспий денгизидан шарқда жойлашган «барча мулкларда» сизгилгани эътироф қилинган. Табарий Пойкандда баҳайбат санамнинг кўзларига ниҳоятда йирик ва ялтироқ дур қўйилганини ёзиб кетган. Араблар Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий санамларни қайта эритиб, жуда катта миқдорда ёмби олтин ва кумуш тўплагани ҳақида араб ва эрон муаррихлари гувоҳлик берадилар.

Бу даврдан келаётган санъат асарларида жуда кўплаб ҳайвонлар ва қушлар тасвирига, улар ифодалаган ўзига хос рамзий ва мажозий образларга дуч келамиз. Улар «Авесто» асотирлари ифодалайдиган ғоялардан анча чекинган, ўша пайтларга келиб шаклланган эпос ва янги эътиқодлар таъсирини ҳам акс эттирган.

Хитойликларнинг юқорида келтирилган Бейши йилномасида Бухо, Бугэ (Бухоро) ҳукмдори туя шаклидаги, баландлиги 9–10 қаричлик тахтада ўтириши ҳақида маъ-

лумот берилган. Л. И. Ремпель мазкур давр Суғд санъатидаги ва тангасидаги туя образини таҳлил этган. У юқоридаги далилни ҳам ҳисобга олиб шундай хулосага келади: туя образи нафақат асотирий мазмунга, шунингдек, рамзий мазмунга ҳам эга. Туяни тасвирлаш қўшимча тор сулолавий мазмун касб этади. Бу билан Суғд ҳукмдорлари ва аввалги сулолалар ўртасида тарихий ворисийлик мавжудлиги таъкидланган. Бу рамзни биринчи кушонлар, сўнгра эфталлийлар ва ниҳоят, қанг ҳукмдорлари (уларнинг ҳаммаси туркийлар эди) қўллаган. Аслини олганда икки ўрқачли туя тасвири қанг уйи (хитой анъаналарига кўра, уй-мулк, давлат, сулола мазмунида ишлатилади)-нинг рамзига, тамғасига айланган.

Айни пайтда туя образи бадиий ва саҳнавий безак сифатида кенг қўлланилган ва муайян эстетик вазифаларни бажарган. Зарафшон водийсида V–VI асрларда зарб этилган туя сурати туширилган тангадаги ёзувни олимлар «қан» деб ўқишган.

XX асрнинг буюк шарқшуносларидан бири академик Н. И. Конрад бизнинг минтақамизнинг жаҳон маданияти тарихида туган ўрнини баҳолаб, у уч марта – биринчи марта Искандар Зулқарнайн даврида, иккинчи марта Кушон ёбгуси Канишка даврида, учинчи марта Алишер Навоий даврида – жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий маркази бўлганини эътироф этади. Сўнгги ҳолатни олим адолатли тарзда Темур номи билан боғлайди: «Бу сафар Искандар ва Канишка руҳи Темурда намоён бўлди. Мен алашиб гапираётганим йўқ; Искандар ва Канишканинг руҳи, Чингизхонники эмас...»¹ – деб ёзали у. Чунки Искандар ва Канишка фақат жаҳонгирлар эмас, шунингдек, буюк яратувчилар, маданият ва маънавият ташувчилари ҳам эдилар. Темур ҳам тарихда шундай роль ўйнади.

Албатта, Н. И. Конрад мулоҳазаларини мутлақлаштирмаслик ва нисбий тушуниш лозим. Лекин бу мулоҳазаларда чуқур бир ҳақиқат яширинган – Марказий Осиё халқлари жаҳон ижтимоий-маданий жараёнининг четдаги кузатувчиси бўлиб тургани йўқ. Улар бу жараённинг фаол ижодкорларидан бири эдилар.

¹ Н. И. Конрад. Средневосточное Возрождение и Алишер Навои // Избранные труды. Литература и искусство. М., «Наука», 1978, 91-б.

Минтақамизнинг биринчи икки марта жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий марказига айланиши маънавиятимиз ривожланишининг иккинчи босқичига тўғри келади.

Мазкур босқич ҳақида яна шуни эътироф этиш лозимки, туркий алплар тўғрисидаги қадимги эпик достонлар, афсона ва ривоятларнинг асосий қисми шу босқич давомида яратилган бўлиши керак. Чунки шу даврда туркий халқларнинг янги ҳудудларни ва минтақаларни ўзлаштириши, миграцияси анча кучайган, фаоллашган. Умуман жаҳон халқларининг буюк миграцияси айна шу даврга тўғри келади. Миграция пайтида турли тўқнашувлар, тортишувлар юз берган. Бу қаҳрамонлик эпослари вужудга келишида туртки вазифасини ўтаган.

Марказий Осиёда бу даврда суғд, хоразм, уйғур, турк (ўрхун-енисей), оромий, қисман юнон ва ҳинд ёзувлари қўлланилган. Турли диний эътиқодга мансуб гуруҳлар тегишли ёзувлардан фойдаланганлар. Эътиқодлар ва ёзувлар ранг-баранглиги, бир томондан, минтақада ранг-баранг, ўзаро бир-бирини бойитадиган субмаданиятлар ривожига шарт-шароит яратса, иккинчи томондан — маданий ва ижтимоий-сиёсий муштаракликка эришишда, ягона мафкура асосида бирлашишда маълум жиҳатдан қийинчиликлар туғдирган.

Ягона мафкуравий ва сиёсий асос йўқлиги ягона имлода битилган бадиий адабиёт ва умумий диний-дидактик, тарихий, фалсафий адабиётнинг кенг вужудга келишига, тарқалишига ва кейинги авлодлар учун сақланиб қолишига халақит берган. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликдан фарқли, бундай тарқоқ адабиёт намуналари деярли йўқолиб кетган. Ҳукмдорлар, қоҳин ва руҳонийлар ўзга динга, эътиқодга оид адабиётларни на кўчиртирганлар, на авайлаб-асраганлар.

Шу сабабли ёзма адабиётнинг, илмий ва бадиий ижоднинг ёзма мероснинг муттасил ўсиб, бойиб бориши, «тома-тома кўл бўлиши» жуда қийин кечган.

Эронда эса Аршакийлар замонидаёқ ягона диний мафкура асосида бирлашишга ҳаракат бошланган. Сосонийлар даврида эса, юқорида айтилганидек, зардуштийлик давлат динига айланиб, бошқа динлар қаттиқ сиқувга

олинган. Бу эса ижод намуналарининг бир тилда, бир имлода ёзилишига, тўпланишига хизмат қилган. Натижада «Авесто» ҳам Эронда қайта тикланган.

Ягона мафқуравий асос йўқлиги ўз навбатида Марказий Осиё тамаддунининг яхлит, ички муштарак бўлишига (Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, кейинчалик ислом тамаддунилари каби) халақит берган. Шу боис айрим ғарб олимлари, хусусан, Арнольд Тойнби Марказий Осиёда алоҳида ажралиб турадиган тамаддун бўлмаган деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр, назаримизда, хатодир. Энг аввало Марказий Осиё халқлари зардуштийлик тамаддунини яратди. Афсуски, юқорида келтирилган сабабларга кўра (тошдан иморатлар қурилмагани, ягона ёзув бўлмагани ва ҳ. к.), бу тамаддун нишонлари етарлича сақланиб қолмаган. Лекин унинг айрим унсурлари ҳозиргача халқимиз асотирлари, эртаклари, урф-одатларида яшаб келмоқда. Масалан, Наврўз байрами ва у билан боғлиқ баъзи бир одатлар, иримлар ёки келин ва куёвнинг олов атрофида айланиши, халқ оғзаки ижодидаги девлар, аждаҳолар ва ҳ. к. Ерга, сувга бўлган халқимизнинг муносабати, урф-одатлари ва ҳ. к. зардуштийлик тамаддуни даврида шаклланган маънавият унсурларидир.

Тилимизда масхара ва масхарабоз сўзлари мавжуд. Бу сўзлар Юнон-Бақтрия давридан маънавиятимизга юнон театри туфайли кириб келган «о маскарас» сўзидан ясалган (маълумки, юнон театрида актёрлар ўз қаҳрамонларининг ниқобини (маскасини) кийиб ролларни ижро этганлар).

Агар тилшунослик, тарихий этнография, нумизматика (тангашунослик), халқ оғзаки ижоди фани вакиллари билан бирга шарқшуносларимиз, тарихчиларимиз қадимги Хитой, Ҳинд, Яқин Шарқ, юнон манбаларини ҳамда археологик ашёларни синчиклаб ўргансалар, мазкур босқичдан келаётган кўплаб маданий-маънавий унсурларни тиклаган ёки ҳозир сочилиб кетган, қайта ишланиб, ўзгарган шакллари тўплаган, ойдинлаштирган бўлар эдилар.

Кушон тангаларида туркий «ёбғу», V–VI аср Суғд тангаларида «қан» унвони қўлланилган. Бу минтақамиз маънавияти, маданиятида қадим замонларданоқ туркий унсурлар катта роль ўйнаганининг кичик бир белгисидир.

Айнан мана шу иккинчи босқичнинг биринчи чораги охирида Буюк Ипак йўли қарор топди. Бу маданиятларнинг ўзаро алоқасини, таъсирини ниҳоятда кучайтирди. Марказий Осиё Буюк Ипак йўлининг икки йўналиши — Шарқий (Хитой) ва Жануби-Шарқий (Ҳиндистон) ҳамда Жануби-Ғарбий (Эрон — Яман — Шом — Ҳижоз — Миср) ва Шимоли-Ғарбий (Итил-Булғор, Қрим-Болқон, Рум-Оврупо) туташадиган минтақа сифатида Шарқ — Ғарбнинг энг илғор ғояларини ўзаро учраштирди. Улар бу ерда ота-боболаримиз заковати туфайли бир-бирига ҳамда маҳаллий халқ ютуқларига пайванд бўлдилар, янада бойитилди, янги поғонага кўтарилди. Шу сабабли биз эрамизгача III асрдан то эрамизнинг VIII асри бошигача бўлган даврда Марказий Осиёда плюралистик диний эътиқодлар, ниҳоятда бой ва ранг-баранг маънавий маданият вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Ҳали бу давр ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

Бизнингча, унинг ўзини Марказий Осиёнинг Иккинчи тамаддуни дейиш, балки, мумкин бўлар. Агар Биринчи тамаддунизмиз маънавияти асосан илк зардуштийлик негизида шаклланган бўлса, Иккинчи тамаддунизмиз маънавияти эътиқодлар хилма-хиллиги негизида вужудга келди.

Фараз қилиш мумкинки, Буюк Ипак йўли туфайли Марказий Осиёга Хитой ва Ҳинд табобати, математикаси, астрономияси ютуқлари кириб келган ва бу соҳаларда маҳаллий халқ эришган ютуқларни бойитган. Ва аксинча, бизнинг ютуқларимиз бошқа минтақаларга тарқалган.

Худди шундай юнон илми ва маданияти ютуқларининг бизгача келиши ҳам Юнон-Бақтрия давлати ва славкийлар сулоласи барҳам топганидан кейин тўхтаб қолмаган. Марказий Осиё Шарқ ва Ғарб ютуқлари ўзаро пайванд бўлиб бойийдиган, янги сифат касб этадиган маданий-маънавий марказга, манбага айланган эди. Буни ҳамма олимлар, жумладан Арнольд Тойнби ҳам эътироф этади. Марказий Осиёда шундай кучли ижодий-интеллектуал салоҳият вужудга келган эдики, унинг таъсири Хитой ва Кореядан Шому Мисргача бир неча асрлар мобайнида, ҳатто ислом тамаддунининг энг ривожланган йилларида ҳам давом этди. Боз устига, ислом тамаддуни, маънавияти ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшди. Масалан, Бағдодда Ҳорун-ар-Рашид

асос солган «Байтул ҳикма»да Маъмун даврида амалга оширилган энг буюк оригинал тадқиқотлар ва кашфиётлар, кейинги асрларда ислом оламида табиатшунослик ва тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик, диний илмлар соҳасидаги кўпгина ютуқлар Марказий Осиёдан чиққан бизнинг аждодларимиз номи билан боғлиқ.

Бежиз Ал-Хоразмий ҳинд математикаси ютуқларини қайта ишлаб ўнлик системаси, сонлар позицияси ва умуман ҳозирги математик тафаккурга асос солмаган. Хоразмий таълимоти айнан буюк пайвандга, унинг асосида принципиал янги сифатдаги тафаккур, идрок ва илм вужудга келишига мисолдир. Аждодларимиз ёрдамида, воситачилигида маданиятларнинг бундай ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши ўша даврларда бошланган эди.

Савдо қарвонлари билан табиблар, ҳунармандлар, машшоқлар, актёрлар Буюк Ипак йўли бўйлаб ўзларига омад ва даромад излаганлар, олимлар эса саёҳат қилиб оламни ўрганганлар, ўзга юртлардаги ҳамкасблари билан суҳбат қуриб, фикр алмашганлар. Бу ўша даврда анча демократик ва ижодий руҳдаги маънавий муҳитни вужудга келтирган. Буюк Ипак йўлининг маданий алоқаларни ривожлантириш, турли минтақаларда яшайдиган халқлар маънавиятининг ўзаро бир-бирини бойитишига қўшган ҳиссаси ниҳоятда беқиёсдир.

Савдо қарвонлари орқали халқлар нафақат ранг-баранг моллар, моддий маҳсулотлар билан ўзаро алмашган, шунингдек, илғор илмий, адабий, бадий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний ғоялар, санъат асарлари ва айрим ишлаб чиқариш технологиялари билан ҳам алмашганлар. Бунга мисол қилиб адабиётда ва халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган сайёр сюжетларни келтириш жоиз.

Ҳиндистондан «Калила ва Димна» шимолга ва ғарбга қараб, Юнонистондан Эзоп масаллари шарққа қараб тарқалган.

Рус олими И. С. Лисевич Эзопнинг «Деҳқон ва унинг ўғиллари» масали сюжетининг Шарқ мамлакатларига тарқалишини тадқиқ этган. У хитой, тибет, ҳинд, мўғул, грузин, рус, Ўрта Осиё халқлари ва бошқалар орасида ушбу сюжет тарқалганини аниқлаган ва мисоллар келтирган.

Суғд тилидаги монийликка оид матн парчаларида дур

тешгич уста тўғрисида ҳикоя қилинади. У эрталабдан кеч-гача ишламасдан хожаси учун най чалади. Кечқурун эса иш ҳақи талаб қилади. Мазкур сюжет биздан Ҳиндистонга бориб, масалга айланган, сўнг «Калила ва Димна» орқали Буюк Ипак йўли бўйлаб тарқалган. Уйғурча матнлар орасида Бодхисатва тўғрисидаги ривоятнинг монийча талқини топилган. Айнан шу монийча талқин кейинчалик Эрон, Сурия ва араб мамлакатларига тарқалган ва жуда машҳур бўлган. Охири Оврупого бориб Варлаам ва Иосафат тўғрисидаги ривоятга айланган.

Китобат санъати, қўлёзмаларни сураатлар билан безаш III асраёқ жуда юксак даражага кўтарилган. Безатилган китоблар орасида энг машҳури Моний ўз қўли билан Туркистон ёрларидан бирида яратган «Артанг» («Аржанг») китоби ҳисобланган. Бу китобни 1092 йилда Абул Маъали Ғазнавийлар хазинасида кўрган, лекин у бизнинг давр-гача етиб келмаган (Ғўрийлар ғазнавийлар саройига ўт қўйганда ёниб кетган бўлиши мумкин).

Хулоса қиладиган бўлсак, ислом кириб келиши арафасида шаклланган маданият ва маънавиятни кўп қиррали, бир неча диний-фалсафий қарашлар, ранг-баранг гоёлар асосида шаклланган, мужассамлашган плюралистик маданият ва маънавият дейиш ўринлидир.

Марказий Осиёда араб истилоси арафасида маънавият ва мафкурада, юқорида таъкидланганидек, ягона дин ҳукмронлигини ва бошқа динларнинг таъқиб қилинишини кўрмаймиз. Албатта, турли динлар ва эътиқодлар бор экан, улар ўртасида рақобат ва кураш ҳам бўлади.

Бу кураш баъзан кескинлашиб, ножўя кўринишларда кечиши мумкин. Лекин бирор диннинг давлат мақомини олиши ва ўз рақиблари билан курашда давлатнинг кучидан фойдаланиши — бу мутлақо бошқа гап.

Бизнинг аجدодларимизга диний бағрикенглик хос бўлган. Шу сабабдан улар илм-фанда, санъатда ва ижодда юксак натижаларга эришганлар.

Юқорида эътироф этилганидек, Марказий Осиёнинг ҳар иккала тамаддунига ўзбек халқи, шунингдек, бошқа қўшни халқлар ҳам ворисдир. Бинобарин, ўзбек халқи маънавияти шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки икки босқичи шу даврларга тўғри келди.

Маънавиятимиз ривожланишининг учинчи босқичи ислом тамаддунининг вужудга келиши билан боғлиқ. Ислом Марказий Осиёга VIII аср бошларида узил-кесил кириб келди ва аста-секин ўз мавқеини мустаҳкамлаб, бошқа эътиқодларни сиқиб чиқара бошлади. Бу жараён бирданга ва силлиқ кечгани йўқ, албатта. У қонли тўқнашувлар, жангу жадаллар, аввалги мафкураларни, ислом талабларига зид маънавий фаолият ва ижодни тақиқлаш, зарур келганда, таъқиб ва қатагон қилишлар билан бирга олиб борилди.

Исломни қабул қилганлар моддий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан рағбатлантирилди, қабул қилмаганлар ортиқча солиққа – жузюга тортилди, нуфузли мансабларга тайинланмади ва ҳ. к.

Аҳолининг норозиликлари, кўзғолонлар шафқатсиз бостирилди. Абу Райҳон Беруний шундай далолат берган: «Кутайба ибн Муслим ал-Баҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китобдафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»¹.

Ислом бизни маънавий маданиятимизнинг баъзи шаклларидан жудо қилди. Ҳайкалтарошлик, рангасвир ва умуман мусаввирлик (китоб миниатюрасидан ташқари), профессионал театр (масхарабоз, аскиябоз ва дорбозлардан ташқари) аста-секин барҳам топди. Мусиқа, рақс, ашула қатъий чекланди. Санъатнинг бу турлари билан шуғулланадиган усталар Буюк Ипак йўли бўйлаб Шарқу Фарбга, Жануб ва Шимолга тарқаб кетди. Бу ҳақда юқорида айтилган эди. Лекин исломнинг кириб келиши жуда кўп жиҳатдан фойда ҳам келтирди. Ислом инсоният тарихида жуда катта минтақани, кўплаб халқлар ва миллий маданиятларни қамраб олган янги тамаддунга ғоявий-мафкуравий асос бўлди. Ислом тамаддуни IX–XII асрларда ниҳоятда буюк, самарали, жаҳондаги энг илғор ва тараққийпарвар илмфанни, адабиётни, фалсафани, ахлоқни, ҳуқуқни, таълимтарбияни – маънавий маданиятни яратди. Янги илғор дунёқарашга мувофиқ моддий маданият – ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, савдо, шаҳарсозлик ривожланди.

Исломни қабул қилган мамлакатларда ибодат ва илмфан тили сифатида араб тилининг миллатлараро алоқа

¹Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, Т., «Фан», 1960, 84-б.

воситасига айланиши Испаниядан Ҳиндистону Индонезиягача, Итил бўйларидан Саҳрои Кабиргача бўлган ҳудудда яшайдиган халқларнинг ижтимоий-маданий тажрибасини мумумлаштиришга, уларнинг бир-биридан ўрганишига ва маданиятларининг бойишига имкон яратди.

Илк исломга хос демократизм, жамиятнинг янгиликларга очиқлиги, ижтимоий сафарбарликнинг юксаклиги янги тамаддуннинг муваффақиятини белгилади. Ислом тамаддуни ўша даврда нафақат мусулмон мамлакатлари маънавий-маданий ютуқларини тўплади ва муштараклаштирди, балки деярли бутун дунё халқлари ютуқларини ҳам тўплади ва ўзлаштирди.

Қадимги юнон ва ҳинд файласуфлари, риёзиётчилари, муҳандислари, астрономлари, тиббиёт олимлари яратган асарлар араб гилига таржима қилинди. Тарихий маълумотларга қараганда, Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да («Ҳикматлар уйи» – амалда дунёдаги биринчи фанлар академияси) дунёнинг турли бурчагидан тўрт юз минг китоб йиғилган, таҳлил қилинган ва илмий қимматга эга бўлганлари арабчага афдарилган. Мана шу далилнинг ўзиёқ, ислом тамаддунининг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиб турибди. Эслатиб ўтиш лозимки, қадимги юнон фанининг талай асарлари фақат араб тилига қилинган таржималари орқали сақланиб қолган.

Марказий Осиё халқлари маънавияти ҳам ислом туйғули тубдан ўзгарди. Биринчидан, аждодларимиз маънавияти аста-секин ягона мафкуравий асосга кўчди. Иккинчидан, маънавий маданиятимизнинг йирик йўқотишларига қарамасдан, алломаларимизнинг ислом доирасида рухсат этиладиган ижод турлари, биринчи навбатда, жаҳон миқёсидаги илм-фан ютуқлари билан танишиш ва шуғулланиш имкониятлари кенгайди.

Учинчидан, ислом нафақат маданий-маънавий, шунингдек, кўп жиҳатдан ижтимоий ва сиёсий муштаракликни ҳам таъминладик, бу халқнинг ақлий-ижодий ва амалий-яратувчилик куч-ғайратини, салоҳиятини бирлаштиришга хизмат қилди.

Бу даврда халқимиз орасидан энг буюк қомусий алломалар етишиб чиқди. Хоразмий ва Фарғоний, Форобий ва Марвазий, Беруний ва Ибн Сино, Ар-Розий ва Ибн Ироқ, Маҳмуд Кошғарий ва Аз-Замаҳшарий, Қозизода Румий

ва Фиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбек ва Али Кушчи сингари қомусий олимлар, Ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий, Ал-Мотуридий ва Нажмиддин ан-Насафий, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби шаръий илм даҳолари, Азизиддин Насафий ва Бурҳониддин Марғиноний каби файласуф ва ҳуқуқшунослар, Рудакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Фирдавсий, Жомий ва Навоий каби улуғ шоирлар, кўплаб бошқа атоқли алломалар — тиббиёт, тарих, жўғрофия, риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт ва бошқа илм аҳллари, буюк меъморлар, мусиқачилар, мусаввирлар, хаттотлар етишиб чиқдилар.

Биз ҳозир сўз юритаётган учинчи босқичнинг ўзини бир неча кичик даврларга бўлиш мумкин. Масалан, VIII асрдан XIII аср 20-йилларигача (мўғул истилосигача), мўғул истилоси даври, Темур ва темурийлар даври. Маънавиятимиз ривожланишининг тўртинчи босқичи ҳам тўлиқ ислом мафқураси ҳукмронлигида кечган.

Ўзбек халқи маънавияти ривожланиши учинчи босқичининг хос хусусиятларидан бири — бутун ижтимоий ҳаёт каби, маънавий ҳаётга ҳам дастлаб шиддаткорлик, янгилинишга ва янгиликларга интилиш, билимга чанқоқлик, кашшофлик руҳи кучлилиги ва унинг аста-секин сусайиб боришидир. IX—XII асрларда маънавий ҳаётда рационалистик, яъни ақлга, мантиққа асосланган тафаккур тарзи устунлик қилди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби универсал илмий даҳолар, қомусий олимлар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий каби буюк муҳаддислар, Мотуридий ва Абул Муин Насафий каби мутакаллимлар, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк фикршунослар каби кўплаб атоқли дунёвий ва диний билим соҳиблари ижоди айнан шу даврга тўғри келади.

Улар ҳақиқатан илм излаб Хиндистону Ҳижоз ва Мисргача бориб келганлар. Йирик олимлар билан учрашиб фикр алмашганлар, ҳатто Фарғоний ва Хоразмий Байтул ҳикмага, Беруний Ғазнавийлар саройидаги олимларга раҳбарлик қилишган. Бу даврда Хоразмда бизнинг замондошларимиз томонидан Маъмун академияси номини олган илмий марказ вужудга келган.

Лекин эътироф этиш керакки, X асрдан бошлаб аста-секин маънавиятимизда иррационал, мистик тафаккур ун-

сурлари, яъни ақл ва билим кучига, мантиққа унчалик ишонмайдиган, сир-асрор ва ғайришуурий ҳодисаларни ортиқча баҳолайдиган тафаккур унсурлари жонлана бошлаган. Айниқса дин борасида иррационализм ва мистика кучая борди. Илк ислом даврида ривожланган муҳаддислик, шариат асослари ва фикҳ, калом илмлари асосан рационализмга таянар эди. Чунки исломнинг ҳуқуқий ва фалсафий асослари, ибодат амалиёти мантиққа, ақлга зид бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис илк ислом учун илм-фанга, мантиққа, рационал тафаккур юритишга интилиш табиий эди.

Аммо ислом ўз мавқеини мустаҳкамлаб, ижтимоий ва маънавий ҳаётни ўзига бўйсундириб, ўз ижодий салоҳиятини, куч-ғайратини бирмунча сарфлаб боргани сайин, унга бидъат унсурлари кириб кела бошлади.

Тан олиш керакки, илм-фан, рационал билимлар ўз тарихий даврининг имкониятларидан ажралиб кета олмайди. Улар бир оз олға кетиши ёки бир оз ортда қолиши мумкин. Шу сабабдан ҳар даврда илм-фан тушунтиришга ожизлик қиладиган ҳодисалар, жавоб бера олмайдиган кўплаб саволлар, муаммолар мавжуд бўлади. Уларни илмий рационализм, мантиқ асосида эмас, фаҳм-фаросат, ички бир туйғу, тахмин, фараз, умумий эътиқоддан келиб чиқиш орқали тушунтиришга тўғри келади. Айниқса ҳаётнинг, борлиқнинг моҳияти, фалакиёт ва руҳият масалалари фан тўла ва қониқарли жавоб беришга аввал ҳам, ҳозир ҳам қийналадиган соҳалардир. Умуман табиатда, жамият ҳаётида турли тасодифлар, ноёб, ғайриодатий ҳодисалар учрайди. Балки келажакда уларнинг табиати яхшироқ маълум бўлар. Биз учун мўъжиза, сир ҳисобланган айрим ҳодисалар авлодларимиз учун оддий ва тушунарли ҳодисага айланар. Бизнинг аждодларимиз учун 1—2 аср илгари мўъжиза, англаб етмас сир ҳисобланган нарсалар биз учун бугун оддий ҳолат. Лекин ҳар бир даврнинг фан ечишга ожизлик қиладиган сир-асрори ва уларни тушунтиришга интиладиган мистик таълимотлар бўлади.

Мистик таълимотларни фирибгарлик ёки юзаки мулоҳазабозлик деб баҳолаш мумкин эмас. Фирибгарлар, саёз сафсатабозлар барча соҳаларда, жумладан, фанда ҳам учрайди. Мистик таълимотлар шаклан кўпинча жуда жиддий бўлади, нарса ва ҳодисаларнинг сабабиятини, барча табиий, ижтимоий, руҳий жараёнларни ғайритабиий куч-

ларга, инсон ақли етмайдиган хилқатга, Ҳақнинг мутлақ иродаси ва сир-синоатига олиб бориб тақайди.

Рационализмга асосланган калом илмини аста-секин мистикага асосланган тасаввуф сиқиб чиқара бошлади. Буюк мутакаллимлар ўрнини буюк мутасаввуфлар (суфийлар) эгаллади. IX асрда яшаган атоқли аждодимиз Ҳақим ат-Термизий ижодидаёқ мистика катта ўрин эгаллаган. XI–XII аср охирига келиб минтақамизда кучли суфийлик оқимлари вужудга келди. Булар суҳравардия, яссавия, кубравия оқимларидир. Бу даврда Абдухолиқ Фихдувоний асос солган бошқа бир сўфийлик таълимоти – хожагоний тариқати ҳам мавжуд эди. Кейинчалик бу таълимот буюк Баҳоуддин Нақшбанд туфайли (XIV аср) тубдан бойитилган ва тугалланган тизим шаклига келтирилган. Шу боис унинг номи нақшбандия деб ўзгартирилган.

Тасаввуф маънавиятимиз тарихида жуда мураккаб ўрин эгаллайди. Масалан, у минтақада фалсафа илми ривожланишига жуда кучли таъсир кўрсатган. Бир томондан, фалсафа илмини тасаввуф янги ёндашувлар, тушунчалар, унсурлар, усуллар билан бойитди. Фалсафани анча «исломлаштирди», аристотелизм ва неоплатонизм таъсиридан халос қилди. Лекин иккинчи томондан, фалсафани ўз илмий негизи – рационализм ва илмий мантиқдан, илмий тадқиқот объекти – воқеликдан ажратиб қўйди. Тасаввуф таълимотлари мистик тафаккурнинг энг жиддий, энг кучли ва маънавиятимиз, айниқса, адабиётимиз ва санъатимиз тарихида энг таъсирчан кўринишидир. Адабиётимиз ривожланишига, жумладан, Навоий ижодига тасаввуф анча ижобий таъсир кўрсатди. (Эрон ва Озарбойжон адабиёти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.)

Аммо оқибат-натижада мистик таълимотлар умум ижтимоий-маданий, ҳаёт миқёсида реал самара бермайди. У илм-фаннинг, техник ижодкорликнинг, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг оқилона тарзда такомиллашиб (рационаллашиб) боришига халақит беради ва эртами-кечми таназзулни, инқирозни бари бир келтириб чиқаради.

Шарқ маънавиятининг, умуман тамаддунининг тарихи – унинг дастлаб кучли ривожлангани ва кейин аста-секин таназзулга, инқирозга юз тутгани буни исботлаб турибди.

Марказий Осиё халқлари маънавияти ривожланиши

тарихида ҳам XII аср охиридан бошлаб табиатшунослик илми бир оз сусайганини кўрамиз. Жиддий, номи тарихда қолган табиатшунослик илми вакиллари бу даврда ҳам кўп эди. Аммо, ҳарҳолда, бу даврдан бошлаб XV асргача Улуғбек ва унинг сафдошларига қадар, Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний ва Ибн Синога тенг илм-фан даҳолари чиққани йўқ. Аксинча, Яссавий, Кубро ва кейинчалик Нақшбанд сингари тасаввуф даҳолари чиқди. XIII аср 20-йилларидан мўғул истилоси бошланди.

Мўғул истилоси Марказий Осиёга мислсиз вайронагарчиликни олиб келди. Сув тўғонлари, суғориш тизими бузилди. Шаҳарларнинг ярмидан кўпи ер билан текисланиб ташланди ёки жиддий зарар кўрди. Кутубхоналар, маданият ўчоқлари шаҳарлар билан бирга ёниб, тупроққа кўмилиб кетди. Миллионлаб аҳоли қатл қилинди. Улар орасида олимлар, адиблар, Нажмиддин Кубро сингари буюк дин арбоблари, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг яратувчилари бор эди.

Оддий халқ турмушининг, биринчи навбатда деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси турмушининг ўта қашшоқланиб кетиши, зўравонлик олдидаги чорасизлик, иложсизлик, ҳаётнинг бадбахтлиги аҳоли ўртасида диний онгнинг, кайфиятнинг мистик йўналишда ривожланишига хизмат қилди. Одамлар турли азиз-авлиёлардан, эшону пирлардан ижтимоий мўъжиза, юпанч ва руҳий мадад кутишга ҳаддан ташқари мойиллик кўрсата бошлади.

Темур ва темурийлар даврида биз яна илм-фан ва адабиёт, санъатнинг гуллаб-яшнаганини кўрамиз. Бу даврни том маънода маънавий Уйғониш даври дейиш мумкин. Лекин кўп сабабларга кўра, темурийлар давридаги ютуқлар, ижобий интилишлар кейинги асрларда жамият тараққиётининг асосий йўналишига, ортга қайтмас тенденциясига айланмади.

Мўғул истилоси халқимиз маънавиятига, умуман, ислом тамаддунига шундай қақшатқич зарба бердики, ундан кейин ислом дунёси Амир Темур, темурийлар ва усмонли турклар вақтида бир неча йирик ҳарбий-сиёсий ғалабаларга эришса-да, бир неча муддат илм-фан ва маданият юксалса-да, Улуғбек мактабини ҳисобга олмаганда, ўзининг IX–XII асрлардаги жаҳондаги сўзсиз етакчилик мавқеини қайта тиклай олмади, тараққиёти сусайиб,

XVII асрдан тўхтаб қолди ва ортга кетди. Аждодларимизнинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссаси, жумладан, темурийлар даври ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз. Ҳозирча миллий маънавиятимизнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида суҳбатни давом эттирсак.

Маънавиятимиз ривожланишининг навбатдаги босқичи — бу аввал эришилган ютуқларни қўлдан бой бериб, жаҳоннинг энг тараққий этган, юксак маънавиятидан унинг қолақ, чекка ўлка маънавиятига айланишидир.

Бу босқич XVI аср иккинчи чорагидан то XIX аср ўртасига қадар бўлган даврни, яъни уч ярим асрни қамраб олади.

Темурийлар даврида қайта уйғонган, оламшумул ютуқларни қўлга киритган миллий маънавиятимизда ташвишли белгилар XV аср 40-йилларидан кўзга ташлана бошлади. Темурийлар ўртасида айирмачилик Шоҳруҳ кексайгани сайин авж олди. Кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳрга хуружи кучайди. Бундай ноқулай сиёсий шароитга мувозий равишда диний мутаассиблик ҳам зўрая бошлади. Оқибат-натияжада Улуғбек ўлдирилди.

Улуғбекнинг қатли шунчаки буюк шахс фожиаси эмас, балки ислом оламида, жумладан, бизнинг мамлакатимизда X асрдан бошлаб илмий рационализм ва диний мистика ўртасида гоҳи зимдан, гоҳи очиқча кетаётган курашда илмий рационализмнинг мағлубияти эди. Агар Улуғбек қатли фақат тож-тахт талашувида бориб тақалганда эди, унинг мактаби сақланиб қолган, унинг ишини Али Қушчидек атоқли шогирди давом эттирган бўлар эди. Аммо масала чуқурроқ сабаб — ислом тамаддунининг ижодкорлик руҳи пасайиб, унда анъанавий жамият унсурлари кўпайиб бораётгани билан изоҳланади.

Мовароуннаҳрда Улуғбек мактаби барҳам топгач, табиатшунослик соҳасида на Мовароуннаҳрнинг ўзида, на Хуросонда, на Эронда, на ислом оламининг бошқа бирор минтақасида бундай йирик мактаб қайта вужудга келмади. Бир оз муддат табиатшуносликка оид илм-фан усмонли туркларда (Али Қушчи ҳам бежиз Истанбулга бориб ижодини давом эттирмади), Бобурийлар даврида Ҳиндистонда ривожланди. Лекин жаҳон миқёсида етакчи мавқега эга бўлмади, йилдан-йил пасайиб бораверди. Тўғри, табиатшуносликдан фарқли, адабиёт, санъат, меъморчилик, та-

рихнавислик Хусайн Бойқаро ва Навоий даврида Ҳиротда кучли ривожланди. Шайбонийлар даврида дастлаб Самарқанд, Тошкент, Шоҳруҳия ва айниқса, Бухорода маданият, ижод ривожини анча баланд бўлганининг, кўплаб санъаткорлар мамлакатнинг турли жойларидан тўпланганининг гувоҳи бўламиз, Улар орасида кўплаб ҳиротликлар ҳам бор эди. Китоб миниатюраси юртдошларимиз Музаҳҳиб ва Муҳаммад Мурод ижоди туфайли ҳатто илгариги даврга нисбатан ҳам раванқ топди. Лекин XVI аср давомида аста-секин маданий таназул бошланди, аксинча, анъанавийлик эса кучайиб бораверди. Жамиятимиз тобора ёпиқ жамиятга айлана бошлади. Қўшнилари билан маданий алоқалар сусайиб кетди. Шиавий Эрон Хуросонни босиб олгач, исломнинг икки оқими ўртасида Эрон шоҳи Исмоил давридани бошлаб бутун сафавийлар сулоласи давомида ўзаро бегоналашиш кучайиб борди. Натижада, шиавий Эрон ва сунний Мовароуннаҳр, шиавий Эрон ва сунний Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон, шиавий Эрон ва сунний Яқин Шарқ, Миср мамлакатлари ҳамда Туркия ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларга катта путур етди. Эрон ўртада ажратиб турадиган шарқий ва ғарбий сунний ислом мамлакатлари алоқалари ҳам сусайиб қолди.

Бунинг устига Америкага ва Ҳиндистонга сув йўлининг очилиши туфайли Буюк Ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотди. Европаликлар ҳам, осиеликлар ҳам бора-бора ундан фойдаланмай қўйдилар. Туя карвонлари сув кемалари карвонлари билан рақобат қила олмас эди. Марказий Осие теурийлар ва Алишер Навоий замонасида эски дунёнинг яна қайта маънавий-маданий марказига айланган эди. Энди у маънавий-маданий борада Шарқнинг кўп қадимги мамлакатлари — Хитой, Ҳиндистон, Миср каби анъанавий, мудом барқарор, ҳеч қандай ташаббусга, ижтимоий сафарбарликка, туб янгилашишга эҳтиёж сезмайдиган жамиятга айлана бошлади, йилдан йил аввалги ютуқларини қўлдан чиқараверди. Албатта, бу бирданга рўй бериб қолгани йўқ. Айрим ҳукмдорлар орасида вазиятни ўзгартиришга уринишлар ҳам бўлди. Аммо тарихий тараққиётнинг чизиги умуман пастга қараб йўналган эди. Шу сабабли уларнинг уринишлари, айрим ободончилик ишларидан ташқари, катта самара бермади.

Сиёсий ривожланиш ҳам парокандаликка қараб кетди. Оқибат-натижада Марказий Осиё бир-бирига рақиб, мутаассибликда бир-биридан ўтадиган уч давлатга бўлиниб қолди.

Биз келгуси бобларда анъанавий жамият хусусиятлари ва унинг маънавиятга таъсири тўғрисида махсус тўхталамиз.

Энди навбатдаги бешинчи босқич ҳақида фикр юритсак.

Маънавиятимиз ривожланишининг бу босқичи рус истилосидан бошланди. XIX асрнинг 50–60-йилларида руслар Марказий Осиёнинг катта қисмини босиб олдилар, қолган қисми эса яриммустамлака давлатларга айланди. Маънавиятимиз ривожланиши мустамлакачилик босқичини икки кичик даврга бўлиши мумкин: чоризм даврига ва совет даврига.

Чоризм даврида истилочилар минглаб осору атиқаларимизни, қўлёмаларимизни, маънавиятимизни акс эттирган нодир буюмларни талон-торож қилдилар. Тарихий хотирамиздан жудо этишга ҳаракат қилдилар. Турмуш тарзимизнинг асослари Россия империяси тартиблари, талаблари, қонунларига мувофиқ қайта қурилди. Бу ассимиляторлик сиёсатининг ижтимоий ва иқтисодий асослари эди. Маънавий-мафкуравий борада ҳам чор ҳукумати маънавиятимизга қарши чуқур ўйланган чоралар кўрди, катта бузғунчилик ишлар қилди. Дастлабки айрим қўпол хатти-ҳаракатлар натижа бермагач, маҳаллий халқнинг маданий савияси ва эътиқоди Россия илгари босиб олган халқларникидан анча баланд ва мустақкам эканлиги маълум бўлгач, чор ҳукумати ўз сиёсатига маккорона ўзгаришлар киритди.

Халқни тарихий хотирасидан жудо қилиш, диний эътиқодини пасайтириш ва аксинча, православие динига қизиқишини ошириш, рус маданияти устунлигига ишонтириш юзасидан ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. Ҳатто Инжили шарифни ўзбек тилида Н. Остроумов ўз таржимасида нашр қилишни бошлади. Маҳаллий халқ болалари учун рус-тузем мактаблари очилди. Жадидларнинг мактаб ва таълим соҳасида ислохотлар ўтказишга уринишларини эса чор маъмурияти қўллаб-қувватламади. Аксинча, энг илғор жадид мактаблари ва нашрларини тақиқлаб келди.

Биз ҳозир аниқ мисоллар ва воқеалар устида тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин бир нарсани таъкидлашни истардик: чоризм даврида ижтимоий турмушнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалари очиқчасига Россияга мослаштирилди. Улардан миллийлик хусусиятлари, яъни миллий манфаатларни акс эттирувчи жиҳатлар сиқиб чиқарила бошлади. Ижтимоий ҳаётнинг маънавий-маданий соҳасида эса ассимиляторлик сиёсати анча «нозикроқ», кўпроқ ярим яширин, зимдан олиб борилди.

Чоризм давридаёқ, маънавиятимизда исломнинг етакчи мавқеи анча заифлашди. Дунёвийлик ва Ғарб меъёрлари, ғоялари ижтимоий онга, маданиятга аста-секин кириб кела бошлади (Фурқатнинг театр, гимназия тўғрисидаги шеърларини ва ш. к. ҳодисаларни эсланг).

Миллий мустақилликнинг йўқотилиши, поймол бўлган миллий ғурур халқнинг илғор зиёлиларини кўп асрлик уйқудан уйғотди. Улар маърифатга, янгиликларга интильмасдан, ижтимоий тараққиётга эришмасдан истиқлолга эришиб бўлмастлигини тушуниб етдилар. Айниқса, жадидлар бу борада амалий ишга — халққа зиё, маърифат тарқатишга, илғор ғояларни ёйишга киришдилар.

Жадидчилик — миллий онгнинг уйғониши, таълимни қуйидан ислоҳ қилиш ҳаракати, маънавий юксалишга интилишдир. Жадидчилик мустамлакалик даври маънавиятининг энг ёрқин, марказий саҳифаларини ташкил этади. У XIX аср охиридан тахминан Сталин қатағонларигача бўлган даврни қамраб олади. Унинг бошланиши чоризм тузумига, зўравонлик билан барҳам топиши эса совет даврига тўғри келади. Жадидлар маънавий маданиятимиздаги энг буюк ўзгаришларни бошлаб бердилар: миллий мактаб, миллий матбуот, миллий профессионал театр ва янги миллий адабиёт (драматургия, роман жанрлари)ни ривожлантирдилар. Тўғри, жадидлар даврида янги соҳалар — театр, драматургия ва ш. к. ҳали такомил топган эмас эди. Аммо жадидлар бу соҳаларнинг миллий маданиятимиздаги асосчиларидир.

Совет даврида маънавиятимиз ривожланиши ўзининг миллий негизларидан, диний-фалсафий дунёқарашидан зўравонлик билан кучли даражада ажратилди. Жанговар атеизм, синфийлик ва партиявийлик, кўпол, дағал материализм маънавиятимизнинг асосий тамойилларига ай-

лантирила бошланди. Тараққиётда, жумладан, маънавий ҳаётда ворисийлик бузилди. Нафақат жадид ғоялари таққиқланди, балки уларнинг ўзлари ҳам жисмонан йўқ қилинди. Жадид бўлмаган зиёлиларнинг ҳам энг истеъдодли, қобилиятли қисми қатағон қилинди. Имло икки марта ўзгартирилиб, халқнинг асосий қисми маданий меросдан тўла жудо қилинди.

Совет ҳокимияти «шаклан миллийлик»ни ривожлантиришига эътибор берса-да, мазмунан маданиятларни бир хил ғоявий асос — марксизм-ленинизм талабларига мослаштирди. Яъни мазмунан маданиятларнинг сунъий ассиляцияси бошлаб юборилди. Натижада ўзининг миллий тарихий негизларидан ажралган, аммо янги асосларга тўлиқ ўтишга улгурмаган (айниқса турмуш маданиятида, урф-одатларда, ахлоқда) оралиқ — маргинал маданият вужудга келди.

Маргиналлик маънавий маданият учун доимий ҳолат бўлолмайди. У маданиятнинг миллийлигидан жудо бўлиши олдидаги ўткинчи ҳолатдир. Шу боис унга қисман миллий нигилизм — ўз ўтмишини қолюқ деб баҳолаш ва уни инкор қилиш хос бўлади. Миллий нигилизм миллий номукаммаллик туйғусини келтириб чиқаради. Бу туйғу ўз миллатини қайси бир миллатлардан ақлий-ижодий ва яратувчилик борасида пастроқ деб ҳисоблайди, унинг ақлзаковатига, имкониятларига, келажагига унчалик ишонмайди. Миллий номукаммаллик — жуда хавфли туйғу. Чунки у миллатнинг ташаббусини бўғади, тақдири ва келажагига нисбатан бепарқлик муносабатини, пинҳона ижтимоий тушқунликни озиқлантириб туради.

Совет даврида рус бўлмаган собиқ СССРнинг барча халқларида рус халқига нисбатан «нозиклаштирилган» тарзда миллий номукаммаллик туйғуси шакллантириб борилди. Бу коммунистик мафкураининг, совет таълим-тарбия тизимининг энг хавфли, маккорона иши эди. Унинг оқибатида миллий қадриятлар жамият назарида қадрсизлана бошлади. Жамиятда маънавийсизлик тобора хуруж қилди.

Лекин бу дегани халқ ёппасига маънавийсиз бўлиб қолди, ўз миллийлигидан тўла ажралди дегани эмас. Халқ орасида доимо миллий қадриятларни авайлаб-асраб «асрлардан опичлаб ўтган» фидойилар бўлади. Гап бу ерда мил-

лийлигимизнинг йўқолиш даражаси ҳақида эмас, балки миллий маънавиятимизнинг мустамлакачилик давридаги ривожланиш тенденциялари ва хусусиятлари ҳақида кетяпти. Вужудга келган бундай нохуш тенденция миллатнинг пешқадам, халқпарвар намояндаларини жуда ташвишга солиб келди. Улар халқнинг миллий ўзлигини англаши учун турли усуллар билан курашдилар.

Чоризм ва совет даврининг дастлабки йилларида очик кураш, қуролли кўзғолонлар ва миллий озодлик ҳаракатининг турли усуллари қўлланилди. Халқимиз кўплаб қурбонлар берди. Совет даврининг кейинги йилларида эса очик кураш воситалари танланмаса-да, миллатнинг илғор вакиллари имкон топилган даражада халқнинг кўзини очишга, уни ватанпарварлик, она заминга, Ўзбекистонга, ўтмиш маданиятимизга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга эътибор бердилар. Совет цензурасига мослашиб бўлса-да, айрим буюк аждодларимиз ҳақида рисоалар битилди, улар ижодининг бир қисми ўзбек тилига ағдарилиб, нашр этилди. Бу халққа ўтмишда бизнинг аждодларимиз қандай буюк даҳолар етиштирганини, улар ўз даврида дунёнинг энг етакчи, ривожланган халқларидан бири бўлганини эслатиб турди. Адабиётимизда олтмишинчи йиллар ўрталаридан миллий ғурурни куйловчи асарлар пайдо бўлди. Бу борада, айниқса, Абдулла Орипов шеърлари ва достонлари катта аҳамият касб этди. Яшар Қосимов тўғри таъкидлаганидек: «истибдод сиёсати авж олган... ўша машғум йилларда адабиёт халқ ҳаётини зўравон ва мустабид мафкура йўл-йўриқларидан, сиёсий-расмий, маъмурий буйруқ ва кўрсатмалардан келиб чиққан тарзда ёритишга мажбур ва маҳкум этилганди. Бадиий ва ижтимоий фикрни ушбу қуллик ва мутелик асоратидан халос этишга бел боғлаганлардан бири, эҳтимолки, биринчиси Абдулла Орипов эди. Бутун вужудимизга чирмовуқдай чирмашган, ҳатто, қалбимизга ва фикримизга ҳам ҳукм ўтказаётган манфур мафкуранинг даҳшатли асоратини илк бор у ёриб чиқди»¹.

Халқда миллий ўзликни англаш кучайган сайин маъ-

¹ Матёқуб Қўшжонов ва Сувон Мелининг Абдулла Орипов ижодига бағишланган монографиясига Яшар Қосимов ёзган сўнгсўздан олинган. Қаранг: М. Қўшжонов, С. Мели. Абдулла Орипов. Т., «Маънавият», 2000 й., 133-б.

навиятимизда ҳам юксалиш кузатила бошлади. Бунинг натижаларидан бири ўзбек тилига давлат мақоми бериш учун кураш бўлди, дейиш мумкин. 1989 йилда ўзбек тилининг давлат мақомини олиши коммунистик мафкура маънавий ҳаётимизда ўзининг яккаҳоқимлик, мутлақ ҳукмронлик мавқеини йўқотганидан далолат беради.

Аммо миллий маънавиятимизнинг ўз тарихий илдизларига қайтиши, унинг ривожда янги босқич бошланиши учун миллий мустақилликни қўлга киритиш лозим эди. Истиқлолга эса халқимиз Президент Ислам Каримов раҳбарлигида 1991 йилда эришди. Миллий маънавиятимиз тарихида том маънода янги тикланиш ва юксалиш босқичи бошланди. Аллоҳ насиб этиб, халқимиз йўлидан адашмаса, миллий жипслигини, бирлигини йўқотмаса, истиқлолини мустаҳкамласа, **бу босқич маънавиятимиз ривожланишининг якуний ва олий босқичига, келажак учун биринчи, ибтидо босқичига айланади.** Бу босқич ҳали ўзининг бизга номаълум янги хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини юзага чиқаради. Ҳозирги ўтиш даврида бу босқичга нималар хос?

Биринчидан, маънавиятимиз нафақат ўзининг миллий-тарихий негизларига қайтди, шунингдек, у янги миллий истиқлол ғоясига ва мафқурасига таяна бошлади.

Иккинчидан, у дунёвийлик ва фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги тамойилларига суянмоқда. Коммунистик мафқуранинг партиявийлик, синфийлик, даҳрийлик тамойилларидан халос бўлди.

Учинчидан, у миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштиришга, ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган энг юксак омололарни (идеалларни) ўзига мўлжал қилиб олди.

Тўртинчидан, у шахс ва жамият манфаатларини бирлаштириш, индивидуализм ва жамоавийликни уйғунлаштириш асосида фуқароларни ватанпарварлик, соғлом миллий ғурур ва айни пайтда ижтимоий ва мафқуравий бағрикенглик асосида тарбиялашга интиломоқда.

Бешинчидан, маънавиятнинг яратувчиси ва ташувчиси бўлмиш халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарди, ижтимоий ва ижодий фаоллиги, салоҳияти йилдан йил кучайиб бормоқда.

Маънавиятимиз ривожланишида мазкур тамойиллар ва ижтимоий мўлжаллар, халқимиз фаоллиги сақланиб қолинса, унинг юксак суръатларга эришиши ва жамиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиши тайин.

ИСЛОМ ТАМАДДУНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ РАВНАҚИДА АЖДОДЛАРИМИЗ ҲИССАСИ

Милодий VII аср биринчи чорагида Ҳижозда янги дин — ислом вужудга келди. Тезда у бошқа халқлар орасида ҳам тарқалди ва VIII аср давомида жаҳон динларидан бирига айланди. Ислом аввало дунёнинг катта қисмида яшайдиган турли халқларнинг дунёқарашида, эътиқоди ва ибодатида, маънавий ҳаётида, ижтимоий ва инсоний муносабатларида инқилоб ясади. У халқларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида, жамият тараққиётида бутунлай янги тарихий босқични, янги тамаддуни (цивилизацияни) бошлаб берди. Янги дунёқарашга, қадриятларга мослашган ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, урф-одатлар, маиший маданият шаклланди, диний ва дунёвий илмлар ривожланди. Исломни қабул қилган кишилар, халқлар ўртасидаги муносабатлар янги меъёрлар ва тартиблар асосига кўчди.

Мовароуннаҳрда ислом узил-кесил VIII аср бошида қарор топди. Фарбда Шом ва Мисрнинг, Шарқда Эрон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ислом таъсирига ўтиши янги тамаддун шаклланишини тезлаштирди. Зеро, бу мамлакатларда маънавий маданият, айниқса илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда иқтисодиёт, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва сиёсий институтлар Ҳижозга нисбатан анча ривожланган ва қадим анъаналарга эга эди. Араб халифалиги бу борада ўз таркибига кирган мамлакатларда илгари эришилган ютуқларнинг кўпчилигига ворис бўлди. Уларни ислом мафкурасига мослаштириб янги тамаддунининг асосига қўйди.

Ислом тамаддунининг шаклланиши ва равнақ топишига бизнинг аждодларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Бу моддий маданиятнинг деҳқончилик, чорвачилик тармоқларининг баъзи соҳаларига, геодезия, ер ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация, суғориш иншоотлари қуриш, шаҳарсозлик билан боғлиқ айрим ютуқларга тегишли.

Ипакчилик, пахтачилик, тўқимачилик, полизчилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича аждодларимиз тўплаган тажриба, шунингдек, парвариш қилинадиган ўсимликларнинг баъзи турлари араб мамлакатларига тарқалди. Ўз навбатида мазкур соҳалар бўйича уларда тўпланган тажриба, баъзи ўсимликлар бизга келтирилди (масалан, маккажўхори ни минтақамизга Маккага, ҳажга борган ота-боболаримиз олиб келишган).

Давлат бошқаруви ва ҳарбий санъатни ривожлантиришга ҳам аждодларимиз қўшган ҳисса бениҳоя катта. X аср охиридан бошлаб XVII асргача ислом мамлакатларининг аксариятини (аҳолиси туркий бўлмаганлари ҳам), айримларини эса XIX–XX асргача туркий сулолалар бошқаргани, Маҳмуд Ғазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардалар бобокалонларимиз орасидан чиққани бунинг далилидир. Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳларнинг давлат тутими, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Темурнинг «Тузуқлар»и, Темур ва темурийлар даврида ер, мулк муносабатлари, сувдан фойдаланиш тартиби, божхона ва солиқ тизими, савдо йўллари, бозорларнинг давлат ҳимоясида бўлиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими давлат вазифалари кенгайтишига ва такомиллашувига хизмат қилди.

Ислом тамаддунининг моддий-иқтисодий, сиёсий-ташкилий томонларига аждодларимиз қўшган ҳисса ҳақида батафсил тўхталмаймиз. Зеро, буларнинг ҳар иккиси ҳам мустақил, аммо ниҳоятда мураккаб ва кам ўрганилган мавзулардир. Фақат ислом тамаддунининг маънавиятига, маънавий маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида баъзи бир фикрларни қайд этиб кетамиз, холос.

Мазкур масала ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан бир неча йўналишларда ўрганилиши мумкин. Биринчидан, аждодларимизнинг ислом илмига: муҳаддисликка, фикҳга, илм ат-тафсирга, каломга, тасаввуфга — яъни шаръий илмлар ривожланишига қўшган ҳиссаси. Иккинчидан, аждодларимизнинг дунёвий фалсафа, дунёвий илм-фан — табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига, равнақиға қўшган ҳиссаси. Учинчидан, уларнинг Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да, Ҳижоз, Миср,

Сурия, Эрон ва бошқа мамлакатларда илм-маърифат тарқатиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш фаолияти. Тўртинчидан, аждодларимизнинг адабиёт, мусиқа, рақс, меъморчилик, наққошлик ва тасвирий санъат, хаттотлик ва китобат санъати ва ҳ. к.ларга, яъни нафис санъат ривожланишига қўшган ҳиссаси. Бешинчидан, аждодларимизнинг Сибирь, Дашти Қипчоқ, Жанубий Ўрол, Ўрта ва Қуйи Волгабўйи (Итил), Булғорлар юрти, Шарқий Туркистонда ислом динини, янгича маънавият ва дунёқарашни, урф-одатларни тарғиб этиш, тарқатиш бўйича олиб борган фаолияти.

Равшанки, ҳар бир йўналишнинг ўзи маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, муайян табиий ва гуманитар фанлар тарихи, назарияси доирасида юзлаб асарларга мавзу ва тадқиқот объекти бўла олади. Шу боис уларни тўлиқ таҳлил қилишга, ёритишга бир ёки бир неча тадқиқот доирасида ҳеч қандай имкон йўқ.

Ислом илми бирданига етук ҳолда шаклланиб қолмаган. Муҳаммад пайғамбар (сав) вафотидан кейин бир оз муддат ўтгач, исломнинг асоси бўлмиш Қуръони каримни китоб ҳолатига келтириб, унга тартиб бериш, сўнгра Қуръонга, пайғамбар кўрсатмаларига, муайян масалалар бўйича билдирган фикрлари, мулоҳазалари, амалий қарорларига (булар ҳақида ҳадислар ахборот беради) таяниб, исломий дунёқарашни ҳамда ислом ибодати, ахлоқ, ҳуқуқ меъёрларини, яъни шариатни ва фикҳни яратиш зарурати туғилди.

Ислом бизга етиб келиб, бир-икки авлод давомида халқ онгида маҳкам ўрнашганга қадар, Қуръонга тартиб берилган, фикҳ мактаблари (мазҳаблар), шариатнинг кўпчилик меъёрлари белгиланган ва жадал суръатларда ривожланиши, бойиши, такомиллашуви давом этмоқда эди. Бу даврда ислом олимларининг асосий эътибори пайғамбар ҳадисларини тўплаб, улар негизида ибодат, ахлоқ ва ҳуқуқ, яъни шариат масалаларини ёритишга қаратилган эди.

Юксак маданий, илмий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Марказий Осиё халқлари исломни қабул қилгач, улар орасидан етишиб чиққан олимларнинг бир қисми ислом илмини ривожлантириш билан шуғуллана бошладилар ва улардан энг буюклари ўз соҳаларида етакчи ўринларга чиқиб олди.

Ҳадис илмида тан олинган олтига буюк муҳаддиснинг тўрттаси Марказий Осиё (Мовароуннаҳр ва Хуросон) фарзандларидир. Улар орасида ҳам учтаси — Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870), Исо ат-Термизий (824—892), Абу Абдурахмон ан-Насоий (830—915) бизнинг бевосита бобокалонларимиз бўлади.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар «Ал-Жомеъ асаҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Бухорий» деб аталади ва дунё мусулмонларининг 90 фоизи учун Қуръондан кейинги энг мўътабар ва асосий манба ҳисобланади. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ан-Насоий ҳадислари тўпламлари ва бошқа асарлари мана салкам ўн икки асрдан буён неча авлоднинг дунёқараши, ахлоқи, иймон-эътиқоди, ҳаётга муносабати — маънавияти шаклланишига, такомиллашишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиб келмоқда.

Муҳаддисликка беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз барча шаръий илмлар ривожланишига ҳам бевосита ва билвосита хизмат қилганлар. Чунки Қуръон ва ҳадислар барча шаръий илмларнинг манбаи ва асоси ҳисобланади. Бундан ташқари улар замонасининг долзарб диний масалаларига бағишланган кўплаб бошқа асарлар ҳам ёзишган.

Фикҳ (ислом ҳуқуқи) илмини ривожлантиришда катта хизмат қилган Бурҳониддин Марғиноний (1123—1197), Абул Лайс Самарқандий, Абдул Ҳасан Хоразмий, Нажмиддин ан-Насафий ва бошқалар номи машҳур. Айниқса, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя-фи-л-фуруз» асари ҳанафия мазҳаби бўйича ислом ҳуқуқшунослигининг энг теран асарларидан бири сифатида нафақат ислом оламида, балки Фарбда ҳам машҳур.

Ислом илоҳиёт илми (ислом диний-фалсафий илми) — калом — яккахудолик, тавҳид, олам, борлиқ, инсон, уларнинг яратилиши, моҳияти, мавжудлиги, эътиқод мазмуни, оламнинг, инсоннинг ўзгариши, тақдири ва ҳ. к. масалаларни қамраб олади. Шу боис «ат-тафсир ал-Қуръон» илми дастлаб каломнинг таркибий қисми ҳисобланган.

Калом илми диний-назарий масалаларни ақлга, мантиққа асосланиб таҳлил қилади. Рационалистик, мантиқий таҳлил ва умумлаштириш негизида кўрилаётган масалани далиллаш, мулоҳаза юритиб хулосалар қилиш каломнинг мазмунини ташкил этади. Уни ислом рационалистик та-

факкурининг, дунёқарашининг назарий ўзаги дейиш ўринлидир. Дин масалаларида ақлий билишга, мантиққа қаттиқ суяниши ва мистикадан йироқлиги билан у тасаввуфдан кескин фарқ қилади. Қуръонни мантиққа ва ақлга суяниб тафсир этади. Ҳадисларни ҳам худди шундай тушунтиради. Калом камдан-кам ҳолатларда, масалан, Қуръоннинг муайян оятини мажозий талқин қилади.

Калом илмини ривожлантиришга аждодларимиз муносиб ҳисса қўшдилар. Муҳаддислик ва фикҳ соҳалари каби калом илми борасида атоқли ва даҳо олимларни – мутакаллимларни етиштирди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтирмаймиз. Фақат икки номни: Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Муъин ан-Насафий номларини эслаш kifойадир.

Калом илмининг муътазилия оқими ўз имкониятларини сарфлаб бўлгач, замон талабларидан ортда қолиб, янгидан пайдо бўлаётган диний-назарий ва амалий масалаларга қониқарли жавоб топа олмай қолди. Натижада исломда ғоявий ва назарий парокандалик кучайди. Кўплаб турли майда оқимлар, фирқалар пайдо бўлди. Чунки муътазилия кескин рационализмга асосланар, унга айрим чигал ва зиддиятли диний масалаларни ечишда қайишқоқлик етишмас эди. У ҳар қандай диний масалани фақат рационализм, мантиқийлик асосида ечишга ҳаракат қилар эди. Нақлга таянишни хушламас эди. Динда эса жуда кўп масалалар борки, уларни ақлан тушунтириш қийин, баъзан умуман мумкин эмас. Фақат ишониш ва эътиқод қилиш лозим. Қуръонни муътазилийлар яратилган китоб, деб ҳисоблайди. Бундан мантиқан Қуръон абадийми, деган савол туғилади. Муътазилийлар Қуръоннинг азалдан мавжуд бўлиши тавҳидга, яъни яккахудоликка зид деб ҳисоблайдилар. Агар Қуръон яратилмаган, азалдан бор бўлса, унда Қуръоннинг Аллоҳ билан мувозий (параллел) воқелигини тан олиш лозимлиги келиб чиқади. Бу эса яккахудолик тамойилига ҳақиқатан зиддир ва мазкур масалани боши берк кўчага киритиб қўяди. Муътазилия IX асрда бир муддат халифаликнинг расмий таълимотига ҳам айланган эди (халифалар Маъмун ва Муътасим даврида). Ўшанда улар Қуръон яратилмаган, у Аллоҳнинг каломи деб ҳисоблайдиган мулаларни ҳатто жазолаш ва қувфин қилишга киришиб кетишди. Қуръонга муносабат ва эъти-

қод масаласида зиддиятлар кучайиб, халифаликнинг мафкуравий бирлигига путур етди. Шу боис муътазилия, ислом фалсафасига, калом илмига асос солган бўлишига қарамасдан, охир-оқибатда қувфинга учради ва аста-секин тарих саҳнасидан тушиб қолди.

Назарий масалалардаги парокандаликка барҳам бериш учун калом илмини ижодий ривожлантириш, замонавийлаштириш, тўпланиб қолган долзарб масалаларни назарий жиҳатдан ҳал қилиш лозим эди. Шунда калом илмида деярли бир вақтда бир-биридан мустақил икки таълимот пайдо бўлди: булар ашъария ва мотуридия таълимотларидир. Кейинги таълимотнинг ватани бизнинг юртимиздир.

Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870–944) асарларининг бизгача етиб келганлари ҳозир ҳам чет элларда нашр қилинмоқда, чунки улар ислом илоҳиётининг мумтоз асарларига айланиб, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мотуридий таълимоти Куръон ва Сунна ақидаларини, талаб ва меъёрларини кўр-кўрона эмас, балки ақлан чуқур идрок этиб ўзлаштиришни, уларни ғайримантиқий, нооқилона қабул қилмасликни ўргатади. Уларни ғаразли, ноилмий, ўзбошимчалик билан талқин қилишни инкор этади.

Ушбу муносабат билан Мотуридийнинг инсонда эркин танлаш имкони борлиги, у нима иш қилмасин, ўз ихтиёри билан қилажаги, бинобарин, у ҳар бир яхши ва ёмон иши, ҳаракати, нияти учун масъуллиги тўғрисидаги фикри жуда қимматлидир. Бу фикр ҳар қандай бирёқламаликка, бировлар иродасига, сўзига кўр-кўрона итоат этиб, ножўя ишларга қўл уришига, инсоннинг мутаассибга айланишига кескин қарши чиқади. «Тақдири азал» тушунчасини Мотуридий тўлиқ инкор этмаса-да, уни инсонпарварлик нуқтаи назаридан анча юмшатди, «ихтиёрий ҳаракат» — «афъоли ихтиёрий» орқали юзага чиқишини таъкидлади ва инсон масъулияти ва имконияти тарзида талқин қилди. Мотуридийнинг мазкур масаладаги фикри хулосасини, бизнингча, шундай тушуниш лозим: инсонда тақдир масъуллик ва имконият сифатида яширин, у ўз тақдирини ўзгартира олмайди. Лекин инсон унинг муайян даражада ва қандай юзага чиқишига (тўлиқ ёки қисман) ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори билан таъсир кўрсатади. Шу боис инсонда эркинлик ва масъуллик бирдай ўсиб, уйғунлашиб бориши лозим.

Мотуридий муътазилийларнинг кескин рационализмини анча юмшатди, унга шароитга мослашувчанлик ва қайишқоқлик бағишлади. Чигал масалаларни ечишда ақл ва нақл (илгариги олимлар хулосалари, фикрларини ҳисобга олиш)га суяниш, уларнинг ҳар иккисини зарур даражада қўллаш тамойилини олға сурди.

Мотуридий шогирдлари орасида Абул Ҳасан ар-Русуфаний, Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Абул Карим ал-Паздавий, Абу Аҳмад ал-Ийдий каби атоқли алломалар бор. Уларнинг ҳар бири ислом илмида сезиларли из қолдирган.

Лекин вақт синови ҳар бир нарсанинг, шу жумладан, ҳар қандай таълимотнинг асл баҳосини кўрсатади. Буюклик узоқдан теранроқ анланади. Мотуридий таълимоти билан ҳам айнан шундай бўлди. XI асрда унинг издошлари, билвосита шогирдлари янада кўпайди, мотуридия янада бойиди ва ривожланди.

Мотуридий таълимотининг атоқли давомчиси, тарғиботчиси мутакаллим Абул Муъин ан-Насафийдир (1027–1114). Абул Муъин Насафий нафақат мотуридия таълимотини бутун ислом оламига ёйди. У калом илмининг уч асосий йўналиши — муътазилия, мотуридия ва ашъария таълимотларини қиёслади ва фарқларини кўрсатиб берди. Абул Муъин Насафий калом илмининг энг обрўли, нуфузли олимларидан бири. У, шунингдек, исломнинг бошқа соҳаларини ва бошқа илмларни ҳам чуқур эгаллаган аллома. Унинг «Табсират ал-адилла» асари Сурияда 1990 ва 1993 йилларда икки жилда (ҳар бири 500 саҳифадан ортик) нашр этилган. Мотуридийнинг яна бир буюк издоши Нажмиддин ан-Насафийдир (1068–1142). У фикҳ, ҳадис, тафсир, калом, адабиёт, тил, тарих илмлари бўйича юзга яқин асарлар битган. «Ақидатун-Насафия» номини олган асарида мотуридия таълимоти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Ўзининг ўтмишдошлари асарларини, манбаларни мукамал билган. Бурҳониддин Марғиноний далолат беришича, Нажмиддин Насафий ҳадисларни келтиришда 500 муаллиф тўпламига таянишини таъкидлаган. Умуман ислом илмининг барча йўналишлари бўйича қомусий билимларга эга бўлган. Шогирдлари орасида Бурҳониддин Марғиноний, Умар ал-Уқайлий ва бошқа атоқли шахсларнинг борлиги Нажмиддин Насафийнинг ислом илмида, маъна-

виятида қандай ўрин эгаллаганини кўрсатади. Унинг асарлари шу боис қатор ислом мамлакатларида бизнинг давримизда ҳам чоп этилмоқда. «Ақидатун-Насафия» эса она тилимизга таржима қилинди.

Ислом доирасида нафақат рационалистик таълимот — калом, шунингдек, иррационалистик (оқилоналикка, мантиқийликка зид), мистик таълимотлар ҳам ривожланди. Зоҳидлик, таркидунёчилик ғояси ва мафкурасини асослашдан, диний масалаларни шу нуқтаи назардан талқин қилишга уринишдан бошланган бу оқим кейинчалик аста-секин жуда қудратли ва жозибадор, серқирра тасаввуф таълимотига айланди. Тасаввуф мистика масаласида яна олға кетди. Оламини билиш — Аллоҳни билишдир, чунки олам Аллоҳнинг турли вужуд касб этган шуъласи. Аллоҳни эса мутлақо ақлан билиб бўлмайди. У инсон учун англаб бўлмас сир, олий ишқ, муҳаббат ва бирдан-бир ёр — мақсад. Фақат фақру фано орқали, ўзликни тўлиқ унутиб ёр васлига етишиш мумкин.

Ҳар соҳадаги каби, тасаввуфда ҳам ажодларимизнинг даҳо заковати намоён бўлди. Тасаввуфнинг минтақамизда тарқалишида бевосита машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамадонийнинг хизматлари каттадир. Унинг шогирдларидан иккитаси — Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний икки тариқатга — яссавия ва хожагоний тариқатларига асос солдилар. Тасаввуфнинг бошқа бир назарийётчиси ва суҳравардия тариқати асосчиси Суҳравардий таълимоти негизда Хоразмда Нажмиддин Кубро (1145–1221) номи билан боғлиқ тариқат — кубровия вужудга келди. Хожагоний тариқати, юқорида таъкидланганидек, Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) томонидан анча тўлдирилди, такомиллаштирилди ва тугал таълимот шаклига келтирилди. Шу сабабдан у нақшбандия деб атала бошлади. Яссавия исломий турк мамлакатлари аҳолисининг кўп қатламларида Румдан то Хитойгача анча тарқалган бўлса, кубровия ва нақшбандия нафақат туркий халқлар ўртасида, балки бутун ислом дунёсида анча-мунча ўз тарафдорларини топди, улар маънавиятига, дунёқарашига, иймон-этиқодига, турмуш тарзига таъсир кўрсатди, энг фаол ва машҳур тариқатларга айланди. Темурийлар даври ўзбек маданияти, маънавий ҳаёти, жумладан, Алишер Навоий ижоди

кўпроқ нақшбандия таълимотининг таъсирида ривожланди. Алишер Навоийнинг буюк устози Абдурахмон Жомий нақшбандия барча тасаввуфий таълимотларнинг, Баҳоуддин Нақшбанд эса барча авлиёларнинг мукамал хулосасидир, деганида, бу таълимотнинг ўша давр маънавий ҳаётидаги аҳамиятини таърифлаган эди.

Тасаввуф — ислом маънавияти, эътиқодининг чўққиси. Тасаввуф инсоннинг комилликка эришиши, Ҳаққа, Аллоҳ васлига етишиши йўлида нафсониятдан воз кечиб, руҳоният голиблигини таъминлаши учун ўтадиган йўли босқичларини (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) ва уларга мос келадиган инсоннинг комиллик мақомларини ишлаб чиқди. Лекин тасаввуф камолотни кўпроқ инсоннинг ички дунёсига қаратди. Инсон камолотини жамият тараққиёти билан, маънавиятни иқтисодиёт билан етарлича боғламади. Боз устига, иқтисодиёт ривожланишига, турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳаётда завқ-шавқ ўсишига катта рағбат кўрсатмади. Фақат диний завқ-шавқни тан олди. (Улуғ бобомиз Форобийнинг инсоннинг яшашдан мақсади бахт-саодатга эришиш, саодат эса завқ-шавқ, лаззатланиш туйғусининг авлоддан-авлодга ўсиб боришидир деган ҳикматини эсланг.) Чунки у турмуш фаровонлиги юксалиши, завқ-шавқнинг ўсиши нафсониятни кучайтириб руҳониятни пасайтиради, инсонни Аллоҳдан узоқлаштиради, деб ҳисоблади.

Мумтоз ислом даврида Бухоро, Самарқанд, Марв, Насаф, Урганч, Балх диний ва дунёвий илмларнинг марказига айланди. Нажмиддин Насафий «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида бу шаҳарда «ўрта асрларда яшаган кўпдан-кўп (мингдан ортиқ) фикҳ олимлари, ҳадис ровийлари ва бошқа кўп соҳаларда қалам тебратган илм аҳллари ҳақида мукамал маълумот беради»¹. Биргина Самарқандда мингдан ортиқ ижодкорлар фаолият кўрсатган.

Бухорода ҳам бу даврда Самарқанддан кам ижодкор яшамаган. Бу маданий-маънавий тараққиётимиз қай даражада сермахсул ва юксак бўлганини кўрсатиб турибди. Бухоро ҳаққоний равишда ҳанафий мазҳаби ва нақшбандия таълимотининг бутун ислом дунёсидаги етакчи назарий

¹ Уватов Убайдулла. Донолардан сабоқлар. Т., 1994 йил, 65-бет.

ва услубий марказига айланди. Шош, Термиз, Насаф, Урганч, Хива ва юртимизнинг бошқа шаҳарларининг ҳам ислом таълимотига, маданияти ва маънавиятига қўшган хиссаси, етиштириб берган алломалари беқиёсдир.

Шу ўринда Абдулкарим ас-Самъонийнинг ислом оламида 8 та шаҳарга «мадина» нисбати берилганини, булар: Мадинаи Мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марвнинг ички қалъаси, Бухоро, Самарқанд, Насаф эканлиги тўғрисидаги маълумотини келтириш жоиз¹. Насафда илм аҳли учун махсус қурилган уй бўлган ва у ал-Қаллос деб аталган². Бошқа манбаларда X аср Насафда, бугунги таъбир билан айтганда, халқаро илмий конференция – мажлиси тадрис – ўтказилгани ҳақида маълумот учрайди. Унга қатор мамлакатлар ва шаҳарлардан олимлар келиб қатнашган.

Абул Аббос ан-Насафий ал-Мустафариий (милодий 962–1041 йиллар) Насафдан чиққан олимлар тўғрисида 8 тоқадан кўпроқ китоб жамлаган³ (афсуски, бизгача етиб келмаган). Айрим ҳисоб-китобларга кўра, мўғул истило-сигача бутун Марказий Осиёда яшаб ўтган 3000 (уч минг) муҳаддисдан 400 (тўрт юз) таси Насафда яшаган. Тўртта ҳадис мактабларининг бири Насафда бўлган. Қуръони карим ва муборак ҳадисларни ўрганиш асосида шариат, фикҳ ва бошқа шаръий илмлар шаклланган. Насафдан ислом илоҳиётининг буюк назариётчилари Абул Муъин Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий ва бошқалар етишиб чиққан. Уларнинг асарлари бугунги кунда ҳам хорижда ғарб ва шарқ тилларида чоп этилиб, мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Бизда ҳам улар асарлари ўзбек тилига ағдарила бошлади.

Жўғрофий жиҳатдан ўрта асрларда бизнинг минтақамиз ислом дунёсининг чеккароқ ҳудуди бўлса-да, илмий, маданий ва маънавий жиҳатдан унинг энг қудратли марказларидан бири эди. Бежиз бу даврда «Самарқанд ер юзининг сайқалидир, Бухоро ислом динининг қувватидир» деган нақл пайдо бўлмаган. Бу шаҳарлар бутун дунёда илм-

¹ Қаранг: Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. «Бухоро» нашриёти, 2003, 250-б.

² Ўша манба, 244-б.

³ Ўша манба, 254-б.

фан, маърифат, маданият, ободончилик ва фаровонлик, гўзаллик тимсолларига айланганки, шоирлар ижодида рамзий образлар сифатида қўлланилган.

Дунёвий илм-фан ва маънавият ривожига ажодларимизнинг қўшган ҳиссаси янада салмоқли бўлди. Очигини айтганда, минтақамизда шаръий илмлардан аввал дунёвий илм-фан юксак чўққиларни забт этди. Бу табиий эди. Чунки бу борадаги салоҳиятимиз исломгача ҳам шу қадар баланд эдики, уни Қутайба қатағонлари йўқ қила олмади. Шу боис дунёвий илм-фанда ажодларимиз ўз мавқеларини нисбатан тез тиклаб олдилар. Шаръий илмлардан даҳолар тарбиялаш учун ислом эътиқоди халқ онгига икки-уч авлод давомида чуқурроқ сингиши керак эди.

Минтақамизда ислом эътиқодига ўтганимиздан кейин биринчи чиққан буюк қомусий даҳо Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780–850 й.) шаръий илмларнинг биринчи даҳоси Имом ал-Бухорийдан 30 ёш каттадир. Бошқа бир даҳо Аҳмад ал-Фарғоний тахминан Ал-Бухорийдан 10–12 ёш катта (Китобхонда «нега унда Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги 1998 йилда нишонланди», деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, Имом Бухорий ёши қамарий йил ҳисобида, Фарғоний ёши эса шамсий йил ҳисобида чиқарилган. Шамсий йилнинг бир асри қамарий ҳисобида 103 йилга тенг бўлади. Бу ўн икки асрда 36 йилни ташкил этади. Фарғонийнинг ёши қамарий ҳисобда юбилей йилида 1236 ёшга тенг бўлган. Аксинча, Бухорий шамсий ҳисобда юбилей йилида 1188 (таваллуди милодий 810 йил) ёшга тенг бўлган).

Хоразмий, тўлиқ айтиш мумкинки, инсониятни ҳозирги формал математик тафаккур тарзига (демак, умуман тафаккурнинг ҳозир қўлланилаётган шаклига) ўргатган кишидир. Масалан, алгоритм назариясининг илдизи бевосита Ал-Хоразмийнинг илмий услубига, объективлаштириш ва формаллаштириш тамойилига бориб тақалади. У арифметикани тубдан ислоҳ қилди. Алгебра фанига асос солди, бутун дунёда қўлланилаётган «араб рақамлари»ни – 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0 – фанга киритди, ўнлик тартибини (системасини) жорий қилди. Хоразмий исмидан нафақат «алгоритм» атамаси ясалган, шунингдек, унинг асари но-

мидан «алгебра» тушунчаси ҳосил бўлган. Хоразмийгача айрим алгебраик масалалар ва уларни ечими мавжуд бўлса-да, алгебра яхлит тизимга келтирилган фан сифатида шаклланмаган эди. Хоразмийгача ҳинд математикасида рақамларнинг баъзи бирлари ва ўнлик тартибининг айрим унсурлари бўлган. Хоразмий уларни тубдан қайта ишлаб, янги система яратди.

Яқин Шарқда ва Оврупода қадимги Бобилдан келаётган олтмишлик ҳисоб системаси қабул қилинган эди: 60 секунд = 1 минут; 60 минут = 1 соат; доира $60 \times 6 = 360$ градус ва ҳ. к. Сонлар позицияга эга эмас эди: масалан, Римда 8 сони – VIII кўринишда ёзилса, 9 – IX, 10 – X, 50 – L, 100 – C, 1000 – M кўринишида ёзилар эди. Хоразмий ўнлик системаси билан сонларнинг позициясини амалиётга киритди. 1 – 10 – 100 – 1000 ва ҳ. к.; ўнгдан биринчи рақам бирликларни, иккинчиси ўнликларни, учинчиси юзликларни ва ҳ. к. белгилайди. Агар бирор позицияда сон бўлмаса «0» (катта нуқта) қўйилган. Бир юз бир сони 101 шаклида ёзилади. Бунда ўнликда сон йўқлигини «0» белгиси ифодалайди. «0» арабчада «ас-сифр» – бўшлиқ деб аталган. Бугун европа тилларидаги цифр (а) – «рақам» сўзи «ас-сифр»нинг лотинча талаффузидир.

Математик билим олиш умуман қулайлашди. Тасаввур қилинг: қадимги римлик элликдан йигирма бирни айирмоқчи. Ёзувда буни амалга ошира олмайди, чунки сонларнинг позицияси йўқ: L – XXI. Жавобини ёзиш учун у аввал амалда айириши керак. Лекин ёддан айириш ҳам юқоридаги сабабга кўра мумкин эмас. У 50 донга тошча (чўпча ва ҳ. к.) дан 21 тасини айириб кейин жавоб топган. Шу боис Яқин Шарқда ва Оврупода чўтга ўхшаш асбоб, линейка, циркуль ва бошқа анжомлардан оддий арифметик ҳисоб-китобда фойдаланилган. (Биз ҳозир фойдаланаётган чўтлар ўнлик тизими асосида ясалган, овруполиклар чўти фақат маълум миқдордаги соққалар йиғиндисидан иборат бўлган.)

Хоразмий системаси бўйича элликдан йигирма бирни олишнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Буни бошланғич синф ўқувчиси муваффақиятли амалга ошира олади: $50 - 21 = 29$. Мазкур сонларни айириш учун ҳеч қандай чўт ёки циркуль, линейканинг кераги йўқ. Сонларнинг қатъий пози-

цияси бўлганлиги учун бунини ҳатто ёддан, оғзаки бажариш мумкин. Айтиш лозимки, Оврупо фани XVII асрнинг биринчи чорагида дифференциал тенгламаларни кашф этмагунча Хоразмий математикасига туб янгилик киритолмади, уни янги босқичга кўтара олмади. Бошқача айтганда, Хоразмий алгебраси 800 йил давомида математика фанининг энг юқори чўққиси бўлиб келди ва ҳозир ҳам элементар математика соҳасида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Ўнлик ҳисоб рақами ва сонлар позицияси нафақат математик фанларда, шунингдек, инсоният тафаккур тарзида, юқорида айтилганидек, инқилоб ясади. Табиий-илмий билимларни ҳисоб-китоб қилиш, умумлаштириш, формаллаштириш, ифодалаш, тўплаш, авлоддан-авлодга узатиш, умуман объективлаштириш анча содаллаштирилди, теран, холис ва универсал шаклга кўчирилди.

Бошқа бир даҳо — Аҳмад Фарғонийнинг турли кашфиётлари ўз замонаси учун мукамал эди. Фарғонийнинг ер курраси, унинг тузилиши, географик узоқликлар ва кенгликларни ўлчаш асбоби, астрономия ҳақидаги асарлари, ер куррасининг у чизган харитаси буюк географик кашфиётлар — Америка қитъасининг, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилишида жуда катта роль ўйнаган. Нил сувини ўлчаш бўйича бунёд этган қурилмаси 1967 йил Асвон тўғони қурилгунча Миср халқига ўн бир аср давомида амалий хизмат қилди.

Машҳур араб халифаси Ҳорун ар-Рашид Бағдодда «Байтул ҳикма» — «Ҳикматлар уйи»ни бунёд этган. Унга жаҳоннинг турли ўлкаларидан минглаб китоблар келтирилган ва араб тилига таржима қилинган. «Байтул ҳикма» ҳозирги Фанлар академияларининг илк кўринишидир. У Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун даврида ҳақиқий тадқиқот марказига айланди. Маъмун тахт тепасига келишидан аввал Хуросонда ноиб эди. У даврда Хуросон ноибининг тасарруфига ҳозирги бешта Марказий Осиё давлатлари, Шарқий Эрон, Афғонистон ва исломни қабул қилган Шимолий Ҳиндистон кирар эди.

Маъмун пойтахти Марвада «Байтул ҳикма»га ўхшаш марказ мавжуд бўлиб, унда ўлканинг энг буюк олимлари, алломалари йиғилган эди. Маъмун халифа бўлгач, улар-

нинг аксариятини ўзи билан Бағдодга олиб кетади. Энди «Байтул ҳикма» илгаригидек кўпроқ таржима билан эмас, балки оригинал тадқиқотлар билан шуғуллана бошлади. Туркистонликлар «Байтул ҳикма» тадқиқотчиларининг асосини ташкил қилди. Хоразмий ва Фарғоний ўз даврида «Байтул ҳикма»га раҳбарлик ҳам қилишган.

«Байтул ҳикма»да Хоразмий ва Фарғонийдан ташқари, Хоразмийнинг яна икки туғишган укалари, ота-ўғил Марвозийлар, ота-ўғил Марворудийлар, ас-Сараҳсий, Абу Машар Балхий ва бошқалар хизмат қилдилар. «Байтул ҳикма» фаолиятини ўрганган ғарб олими Г. Зутер унда фаолият кўрсатган математиклар ва астрономлар рўйхатини тузганда, маълум бўлишича, «уларнинг деярли ҳаммаси» Марказий Осиё ва Эрондан «бўлиб чиқди».

Юқорида келтирилган далилларнинг ўзиёқ аждодларимиз ислом дунёсида илмий-тадқиқот, табиатшунослик фанлари ривожланишида етакчилик қилганини кўрсатиб турибди. Аммо ҳали биз Абу Наср Форобий (873—950), Абу Райҳон Беруний (973—1048), Абу Али ибн Сино (980—1037) каби ўрта асрлар илмининг чўққилари бўлган қомусий даҳолар ҳиссаси ҳақида гапирганимиз йўқ.

Форобий нафақат ислом Шарқининг, балки Ғарбнинг ҳам Арастудан кейинги «иккинчи муаллими» ҳисобланади. «Арасту бизга оламини тушунтириб берди, Арастуни эса бизга Форобий тушунтирди», деган қанотли ибора ислом ва христиан оламида кенг тарқалган эди. Лекин Форобийни фақат Арастунинг шарҳловчиси, тафсирчиси, деб бир ёқлама, тор баҳоламаслик керак. У том маънода оригинал, ижодкор мутафаккир эди. У фалсафа ва умуман жамиятшунослик илмини янги гоёлар, хулосалар билан бойитди. Форобий фалсафа, ахлоқ, жамиятшунослик, риёзиёт ва табиатшунослик илмлари билан бир қаторда мусиқа назариясига, мусиқани ёзиб олиш илмига ҳам беқиёс улуш қўшган.

Беруний ва Ибн Синонинг ўша даврдаги илм-фаннинг барча соҳаларига қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг ўзи қийин. Ҳозирги замон фани қўллаётган усуллардан бири — қиёсий тажриба усулини илк бор биз уларнинг тадқиқотларида (айниқса Берунийнинг «Минералогия»сида ва табиатшуносликка оид бошқа асарларида) учратамиз.

Жавоҳарлаъл Неру шундай фикрни айтиб кетган: «Қадимгиларда — на Мисрда, на Хитойда, на Ҳиндистонда биз илмий ёндашувни учратамиз. Унга фақат Қадимги Юнонистонда оз-моз дуч келаемиз. Римда у тагин йўқолган эди. Лекин араблар илмий-тадқиқот руҳига эга эдилар. Шу сабабдан уларни ҳозирги замон фанининг отаси дейиш мумкин» (Ж. Неру. Взгляд на всемирную историю. М., 1989 г. 1-жилд, 215-бет). Неру, албатта, араблар деганда араб тилида ижод этган ҳамма мусулмон олимларини назарда тутмоқда.

Беруний ва Ибн Сино барча даврлар ва барча халқлар орасида қомусий даҳо деб тан олинган ва алоҳида қайд этиладиган олимлар қаторига киради. Оврупо университетлари беш аср давомида Ибн Сино асарлари бўйича тиббиёт мутахассисларини тайёрлади. Оврупода тиббиёт бўйича ёзилган биринчи мустақил дарсликда Ибн Синодан 5 мингта иқтибос келтирилган. Бундан ташқари у Шарқ ва Ғарбнинг энг буюк файласуфларидан бири ҳисобланади.

1973 йилда Берунийнинг 1000 йиллиги нишонланганда айрим ғарб олимлари уни инсоният тарихида ўтган энг буюк олим деб баҳолаган эдилар. Беруний қайси фанга қўл урмасин, шу соҳада ўз замонасининг барча илмий ютуқларини умумлаштириб, уларга ўзига хос яқун ясаган ва мазкур фанни янги поғонага кўтариб, янги ғоялар ва тадқиқот усуллари билан бойитиб кетган. У Коперникдан беш аср аввал оламнинг гелиоцентристик қурилишини кашф этади.

Берунийнинг табиатшуносликка оид асарлари ўз замонасидан шунчалик илгарилаб кетган эдики, ўша пайтлардаги тасаввурларга уларнинг аксарияти мутлақо мос келмаган (гелиоцентристик таълимотга ўхшаб). Шу боис уларни замондошлари ва кейинги авлодлар яхши тушунишмаган, баъзиларини ҳатто динга зид деб ўйлашган. Натижада Берунийнинг 120дан ортиқ асари йўқолиб кетган. Биз ҳозир унинг фақат 30 фоиз асарларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Форобий, Беруний, Ибн Синодан ташқари табиатшунослик илмида ар-Розий, Ибн Ироқ, Чағминий, Исмоил Журжоний каби, ижтимоий гуманитар илмлар борасида

Умар аз-Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Наршаҳий, Байҳақий, Насавий, Азизиддин Насафий каби буюк олимлар ижод қилишган. Фан тарихида уларнинг номлари абадий муҳрланиб қолган.

Дунёвий илм-фаннинг ривожланиши тафаккур ва дунёқараш, маънавият ўсишига, ишлаб чиқариш воситалари такомиллашишига, турли техник кашфиётларга бевосита таъсир кўрсатади. Дунёвий илм-фан умуман ижтимоий тараққиётнинг, тамаддун ривожланишининг асосий омилларидан биридир, дейиш жоиз.

Айнан дунёвий илм-фан яхши ривожланганда ижоднинг барча турлари, шу жумладан, диний илмлар ҳам ривожланган, унинг ривожи сусайса, эртами-кечми бошқа соҳаларда ҳам ижод сусайган. Зеро, маънавият учун ички муштараклик, бус-бутунлик хос. Маънавиятнинг айрим қисмлари, унсурлари яхши ривожланиб, бошқалари жуда ортда қолиб кетиши мумкин эмас. Албатта, улар ўртасида нисбатан фарқ бўлади, аммо жуда кескин эмас. Дунёвий илм-фан эса маънавиятнинг, рационалистик дунёқарашнинг негизини ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилади.

Аждодларимизнинг ислом дунёсида нафақат шаръий ва дунёвий илмлар, шунингдек, адабиёт, нафис санъат, халқ амалий санъати ривожланишига қўшган ҳиссалари ҳам жуда улқандир. Масалан, Абу Мансур ас-Саолибий (961–1038) XI асрнинг 30-йилларигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб, араб тилида ижод этган 124 та шоирни санаб ўтади. Ас-Саолибийдан кейин ҳам юртимизда араб тилида ижод қилган кўплаб адиблар яшаган. Улар орасида адабиёт тарихида сезиларли из қолдирган Рашидуддин Ватвот (1082–1183)ни эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз. Уларнинг кўпчилиги зуллисонан, яъни икки тилда, айримлари уч тилда ижод қилувчи шоирлар эди.

Араб тили грамматикаси, синтаксиси ва луғатшунослигини ривожлантиришда аждодларимиз салмоқли хизмат қилдилар. Айниқса, бу борада Аз-Замахшарий хизматлари каттадир. Ислом маънавиятини форсий ва туркий тиллардаги буюк адабиётсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Турк ва форс-тожик адабиётининг мумтоз ислом давридаги етакчи маркази, асосий ватани Мовароуннаҳр ва Хуросондир.

Араб ва ислом мамлакатлари маданияти, адабиёти ва санъатига, бадиий диди ва эстетик меъёрларига, оламни эстетик идрок этишига, санъат услубларига Марказий Осиё адабиёти ва санъати, санъатшуносликка (хусусан, адабиётшунослик ва мусиқашуносликка) оид назарий тадқиқотлари ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Марказий Осиёга хос услуб намуналарини, масалан, меъморчиликда Ҳиндистондан то Шимоли-ғарбий Африкагача учратиш мумкин. Мўғул истилосигача халқимиз маънавияти учун мутаассиблик, маҳдудлик ёт эди. Маънавиятимиз барча илғор ғояларга, янгиликларга ташна, ижодкорликка, бунёдкорликка интилувчан эди. Эътиқод масалалари табиатшунослик, дунёвий илм-фан масалалари ўзаро қарама-қарши қўйилмас, ижод ва фикр эркинлиги, очиқчасига ислом ақидаларига зид келмаса, чегараланмас эди. Бу, айниқса, IX–XI асрларга хос.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё халқларининг, уларнинг буюк фарзандларининг ислом тамаддуни деб аталмиш кишилик жамиятининг, умумбашар моддий ва маънавий маданиятининг, турмуш тарзининг улкан бир қисми шаклланиши ва ривожланишига барча йўналишларда, соҳаларда таъсири салмоқли, баъзиларида эса ҳал қилувчи бўлди.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ УЙҒОНИШ

XIII асрнинг 20-йилларида Марказий Осиё мўғул истилосига тушиб қолди. Мисли кўрилмаган вайронагарчиликларни, қатлиомларни бошдан кечирди. Кўплаб истеъдодлардан ажралди. Уларнинг баъзилари жангу жадалларда ҳалок бўлсалар, баъзилари қулликка тушиб қолди, айримлари омон қолса-да, ижод қилишдан маҳрум бўлди ёки ижодий ҳафсаласи сўнди. Юртимиздан муҳожирликка кетиб қолган ижодкорлар ҳам талайгина. Масалан, буюк файласуф Азизиддин Насафий, атоқли шоир Камол Хўжандий Эронга, шоирлар Муҳаммад Авфий, Бадриддин Чочий, буюк шоир Хусрав Деҳлавийнинг ота-боболари Ҳиндистонга кетиб қолдилар. Улар ва уларнинг фарзандлари ўша ерларда ижодларини давом эттирдилар. Жа-

лолиддин Румийнинг отаси Балхдан Румга (Туркияга) кўчиб ўтди.

Жалололиддин Мангуберди билан кетиб қолган ҳамюртларимиз Фарбий Эрон, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда ҳатто ўз қишлоқ ва шаҳарларини куриб олдилар. Таркибида Хурмуз (хавраз ва ҳ. к.) деб аталувчи ёки шунга ўхшаш атамани ўз таркибига олган кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар Яқин Шарқ мамлакатларида ҳозир ҳам учрайди. Уларнинг номи «Хоразм» сўзининг талаффуз ўзгариши билан боғлиқ. Уларга мўғул истилоси даврида муҳожирликка кетган ҳамюртларимиз асос солган.

Ижодий ҳаёт мўғуллардан кейин ярим аср музлаб, қотиб қолди, маданият, маърифат ва маънавият чуқур инқирозни бошдан кечирди. Лекин ўтган ярим аср биз учун кулфат, қабоҳат даври бўлса-да, босқинчилар учун «маданийлашиш», аксарияти учун маърифатга – зиёга жалб этилиш, исломийлашиш даврига айланди. XIII асрнинг 70-йилларидан маданий-маънавий ҳаёт яна аста-секин жонлана бошлади. Мўғул истилоси юртимизда тахминан бир ярим аср давом этди. Юқорида номлари қайд этилган ижодкорлардан ташқари бу даврда Паҳлавон Маҳмуд, Рабғузий, Муҳаммад Розий, Умар Жузжоний, ҳандаса (геометрия) илмининг атоқли намояндаси Саййид Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий, машҳур фалакиётчи олим ва табиб хоразмлик Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ижод қилдилар.

Мўғул истилоси иқтисодиётимиз ва маданиятимизни вайрон этиб, маънавиятимизни инқирозга учратса-да, унинг дунёқараш ва эътиқод асосларини ўзгартира олмади. Мўғуллар бунга интилганлари ҳам йўқ. Улар ўзлари билан, арабларга ўхшаб, янги дин ва эътиқод, янги фалсафа ва ижодга рағбат олиб келганлари йўқ.

Мўғул истилоси даврида маънавиятимизда, ижтимоий онгда тушкунлик кайфияти, иррационализм ва диний мистикага мойиллик кучайди. Бу кейинчалик нафақат маънавий маданиятимиз, умуман жамиятимиз ривожланишига ҳам анча салбий таъсир кўрсатди. Аста-секин маънавий ҳаётимизда хурوفот унсурлари (XVI асрдан) устунлик қила бошлади. Жамият тараққиёти йўналиши юқорига қараб эмас, тубанга, пастга қараб оғди.

Мамлакатимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихининг энг қудратли, сифат жиҳатдан янги даври Темур ва темурийлар ҳукмронлигига тўғри келади. Иқтисодиёт, маданият, маънавият яна қайта юксалиши, ижтимоий алоқаларнинг мустаққамланиши турли қабила-уруғлар, қавмлар, элатлар ўртасидаги муштарақликни кучайтирди, уларнинг миллий жипслашишини тезлаштирди. Эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. У Тароз ва Яссдан то Ҳиротгача форс тили билан бир қаторда умумий алоқа ва ижод воситасига айланди. Миллий онг, тафаккур, миллий адабиёт ва санъат, илм-фан ривожиди кишиларнинг янги тарихий бирлиги шаклланиши эҳтиёжлари ўз аксини топди. Биз бежиз бу даврдаги чиғатоий-туркийни эски ўзбек тили, Дурбек, Саккокий, Атоий, Гадоий, Лутфий, Навоий, Бобур ижодини мумтоз ўзбек адабиёти деб атамаймиз. Бугунги мумтоз ўзбек адабиёти, санъати, маънавий маданиятининг шаклланишида Темур ва темурийлар даври ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Мўғуллардан ҳокимият Темурга ва темурийларга ўтгандан сўнг маънавий ҳаётда ҳақиқий Уйғониш даври бошланди. Маданият, маърифат, ҳунармандчилик, савдо-сотик гуллаб яшнади, шаҳарлар ва қишлоқларда ободончилик кенг кўламда олиб борилди. Ариқлар, каналлар қазилди. Янги ерлар ўзлаштирилди, боғлар барпо этилди. Карвонсаройлар, мадрасалар, ҳаммомлар, бозорлар, расталар, саройлар, ҳашаматли иморатлар, сув қувурлари қурилди. Темур бу ишларни нафақат ота юртида, шунингдек, забт этилган мамлакатларда ҳам амалга оширди.

Йирик империяга бирлашган халқлар, уларнинг маданиятлари ўртасида мулоқот кучайди. Турли халқлар маданиятлари бир-бирларидан ўргандилар, бир-бирларини бойитдилар. Империя гарчи ҳарбий юришлар натижасида тузилган бўлса-да, унда ички бошқарувда зўравонлик қўлланилмас, балки Амир Темурнинг «Куч – адолатда» тамойили асосида иш юритилар эди. Амир Темур давлатида миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши асло зўравонлик натижаси эмас, балки буюк бунёдкорлик, халқларнинг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорлиги натижасидир. Шу боис, биз юқорида келтириб ўтганимиздек, академик Н. И. Конрад Амир Темурни

Чингизхонга эмас, балки Александр Македонскийга ва Канишкага қиёслайди, уларнинг давомчиси деб ҳисоблайди.

Темур давридаги алломалар ҳақида гапирганда аввало унинг хос, яқин кишиларидан бўлган мавлоно Абдулмаликни эслаш керак. У Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодларидан биридир. Абдумалик мударрислик қилган, шеърлар ёзган. Туркий, араб ва форс тилларини, турли илмларни мукамал эгаллаган шахс бўлган. У Темурнинг араб олимлари ва фозилу уламолари билан суҳбатларида, баҳсларида таржимонлик қилган. Темур билан суҳбат қурган, бир қанча муддат унинг қароргоҳида яшаган Ибн Халдун ва бошқа алломалар ўз хотираларида Абдулмаликка юксак баҳо берганлар.

Темур даврининг донғи чиққан олимларидан Саъуддин ат-Тафтозоний, Саййид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний, Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорийни кўрсатиб ўтиш лозим. Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий Қуръони каримни юз жилдда (!) тафсир қилган. Мусиқа илмида шуҳрат топган бастакор ва устоз Абдуқодир ал-Мароғий номи ҳам тарихда қолган.

Ибн Арабшоҳ ёзишига қараганда, мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул Аимма туркча, форсча, арабчада «малик ул-калом» унвонини олган. Бу учала тилнинг подшоҳи деганидир. Ушбу муносабат билан шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, ўрта асрларда илмий, адабий ва маданий ҳаётнинг миллийлиги қайси тилда битилгани билан белгиланмаган.

Фарбий Оврупода илмий асарлар деярли XVII аср охиригача асосан лотин тилида ёзилган. Бадиий асарлар эса XIV аср охиригача лотин тилида битилган. Адабиёт ва санъатнинг миллий тилга кўчиши Ренессанс даврида узил-кесил ҳал бўлди.

Бизнинг минтақамизда араб тили илм тили сифатида XV асргача ўз мавқеини сақлаб турди. Лекин форс тилининг илмий мавқеи ҳам бу даврга келиб анча юксалган, ҳатто араб тили билан тенглашиб қолган эди. XVI асрдан Марказий Осиё ва Эронда сўниб бораётган табиатшунослик ҳам тўла форс тилига кўчди. Бадиий ижодда IX асрдан

бошлаб форс тили етакчилик қила бошлади. Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб каби атоқли шоирлар ижоди қоракхонийлар даврида туркий тилдаги адабий юксалиш намунасидир. Лекин бу юксалиш чингизийлар даврида таназзулга юз тутган эди. XV асргача минтақамизда араб ва туркий тилда битилган асарлар, бу тилда ижод қилган адиблар кам бўлмаса-да, улар орасида даҳо даражасидаги йирик ижодкорлар йўқ эди. Лекин бу туркий халқлардан адабиёт соҳасида бундай ижодкорлар XV асргача чиқмаган экан деган тушунчани англамайди.

Ҳиндистоннинг буюк шоири Мирзо Ғолибнинг замондоши Найёр шундай деб ёзган экан: «Ҳиндистонда форс тилидаги шеърят лочин уруғидан бўлган туркдан бошланиб (Амир Хусрав Деҳлавий — А. Э.), ойбек уруғидан бўлган турк билан тугалланади (Мирзо Ғолиб — А. Э.)»¹. Улар ўртасида қанчалар атоқли адиблар, Мирзо Бедил каби даҳолар бор.

Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий турклардан чиққан буюк даҳо шоирлардир. Умуман бугун биз форстожик мумтоз адабиёти деб атайдиган адабиётнинг атоқли намояндалари ичида туркий халқлар вакиллари сони жуда салмоқли. Мирзо Бедил, кейинчалик Саидо Насафий ва бошқа кўтилаб классикларнинг нафақат туркийлиги, ҳатто туркийларининг қайси уруғ, қабиласидан эканлиги маълум. Жалолиддин Румий ҳам Балх туркийларидан чиққанлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки унинг туркийча шеърлари ҳам бор. Шу сабабли бизнинг маданий меросимиз кўпроқ зуллисонандир. Президент Ислон Каримовнинг биз, ўзбеклар ва тожиклар, аслида икки тилда сўзлашувчи бир халқмиз, деган сўзларида катта тарихий ҳақиқат бор. Форс тилида аждоқларимиз яратган дурдоналар билан биз ҳам, бу тилда сўзлашувчи халқлар каби, ҳаққоний равишда фахрланамиз. Темур ва темурийлар даврида маданиятимизнинг икки-уч тил воситасида ривожланиши табиий эди.

Темур теварагида нафақат олиму фузалолар, шунинг-

¹ Қаранг: Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. Т., 2006, 38-б.

дек, шатранж, нард ўйинлари ва турли соҳаларнинг моҳир усталари ҳам ижод қилдилар. Ўз замонасида шатранж илмининг, санъатининг султони ҳисобланган Алоуддин ат-Табризийни Темур ўзига жуда яқин олган. Бирор-бир фазилати ва шарофати бўлган ҳар қандай ҳунар ва касб соҳибларига Темур ғоят катта меҳр қўйган, уларни улуғлаган, мартабасини юксалтирган, ёнига таклиф қилган.

Темур Самарқандга барча илмларнинг ва санъатларнинг соҳибларидан етакчиларини таклиф қилган ва уларга ижод қилишлари учун бутун шарт-шароитларни яратиб берган. «Натижада Самарқандда, — эътироф этади Ибн Арабшоҳ, — ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилатли пешонасида нишони бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди».

Таъқидлаш жоизки, Самарқандга ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ўзга юртлардан кўчириб келтирилган ҳунармандлар, санъаткорлар, олимларнинг, улар оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари чекланмаган, улар қулга ёки хизматкорга айлантирилмаган. Балки маҳаллий аҳоли билан бир хил шароитда бир ҳуқуққа эга бўлиб яшаган ва касб-кори билан шуғулланган.

Юқорида иқтибос келтирилган Ибн Арабшоҳ 12 ёшида Самарқандга оиласи — онаси, ака-укалари билан кўчирилган эди. Унинг Самарқандда ҳар томонлама билим олиб, етук тарихнавис, шоир ва адиб, кўп фанлар бўйича чуқур билимдон бўлиб етишгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. У чигатоий-туркий (эски ўзбек), араб ва форс тилларини мукаммал билган. Чигатоий-туркийда шеърлар ёзган, ҳатто ўзининг айрим илмий асарларини бу тилга шеърлий усулда таржима қилган.

Темур фаолиятининг бош ғояси ва амалий шиори «Куч — адолатда» деган ҳикматки, у умуминсоний аҳамиятга эга. Бу ғоя ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам энг эъозли умуминсоний маънавий қадриятлардан, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлардан бири бўлиб қолажак. Ростгўйлик, ҳақиқатгўйлик, адолатпарварлик, юрти ва фуқаролари тўғрисида қайғуриш, мамлақати тинч ва осойишта, обод ва фаровон бўлишига бутун куч-

гайратини, ақл-заковатини йўналтириш каби Темурнинг хос фазилатлари унинг чинакам буюк маънавий шахс бўлишига, буюк бунёдкор давлат бошлиғи сифатида тарихда ўчмас из қолдиришига хизмат қилди. Мазкур фазилатлар унинг авлодларига ибрат бўлди ва ҳозир ҳам ибрат бўлмоқда.

Давлат бошқаруви, демократия тамойилларига суяниш, ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ устунлигини таъминлаш, халқаро муносабатларнинг тенг, икки томонлама манфаатдор иқтисодий алоқалар ва ҳамкорлик асосида қуришга оид бугун тан олинган умумбашарий меъёрлар, қадриятларнинг бирортаси йўқки, у Темурнинг амалий фаолиятида ва сиёсатида куртак сифатида мавжуд бўлмаса.

Темурнинг давлат ишларининг 90 фоизи кенгашу машварат, фақат 10 фоизи куч (яъни маъмурий йўл) орқали ҳал қилиниши лозим деган тамойили ўз даври учун маслаҳат асосида, яъни ўзига хос демократик бошқарув меъёридир. Халқ норози бўлган, адолатни бузган ҳокимларни вазифасидан четлаштириб жазолаши ёки мамлакатнинг бир сарҳадидан иккинчи сарҳадига бошига бир лаган жавоҳир қўйиб ўтаётган болакайнинг бирор дона ҳам жавоҳири йўқолмайдиган тартиб ўрнатгани адолат ва ҳуқуқ устуворлигининг ўз даврида таъминланишидир.

Ғарб давлатлари ҳукмдорларига ёзган мактубларида мамлакатлар ўртасида урушлар эмас, савдо-сотик ривожланиши фаровонликка, ободончиликка хизмат қилиши тўғрисидаги фикрлари ва бундай алоқаларни ўрнатиш бўйича билдирган амалий таклифлари ҳам бугунги халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар негизида ётган тамойилнинг ўша даврда ниш урган куртагидир.

Юқорида қайд этилган тамойиллар, меъёрлар бевосита маънавиятнинг моҳиятли унсурларидир. Улар турли тарихий даврларда турли кўринишлар касб этиши, шаклан ва мазмунан бойиши табиий. Бугун биз бунинг гувоҳимиз. Лекин фахр билан эътироф қилишимиз мумкинки, замонавий умуминсоний қадриятларнинг муайян қисми ўз илдизлари билан бизнинг аجدодларимиз ижодига ва фаолиятига бориб тақалади.

Темурий шаҳзодалар, афсуски, ўзаро тахт ва мансаб талашиб, мамлакат барқарор ва бир текис ривожланишини анча қийинлаштирдилар. Лекин уларнинг аксарияти кенг билимли, адабиёт ва санъатга қизиқувчан, ўзлари ҳам ижод борасида юксак иқтидорли эдилар. Шу боис илм-фан, санъат ва дин арбобларига ҳомийлик қилдилар. Ўз мулклари – вилоятлари, ёки ҳокимият тепасига келиб қолсалар, бутун мамлакат миқёсида ободончилик ишлари билан шуғулланишга, маърифатни қўллаб-қувватлашга интилдилар. Айниқса Шоҳрух, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро шахслари бу борада алоҳида ажралиб туради.

Темур ўз васиятида тўнғич ўғлидан тўнғич набираси Пирмуҳаммадни валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Аммо унинг авлоди бу васиятга амал қилмади. Тож-тахт учун курашлар оқибатида Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрух ҳокимиятни қўлга киритди. Аммо отаси васияти бўйича давлат тепасига келмагани учун бўлса керак, отаси тахтига ўтиришга жазм қилолмай, пойтахтни Ҳиротга кўчирди ва Самарқандни ўғли Улуғбекка топширди. Бу ҳол унинг маънавий-ахлоқий фазилатининг бир қиррасини кўрсатиб турибди.

Самарқанд ва Ҳирот нафақат темурийлар давлатининг, балки бутун ислом маданияти, илм-фани ва санъатининг икки марказига айланди. Самарқандда Улуғбек атрофида ўша даврнинг буюк риёзиётчи ва астрономлари, муҳандислари, турли фанлар бўйича бошқа олимлар тўпландилар. Қозизода Румий усмонли турк мамлакатидан, Гиёсиддин Жамшид Коший Эрондан Улуғбек олдига келдилар ва у билан бирга тригонометрия, геометрия ва астрономия соҳасида, астрономик асбоблар, глобус яшаш бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. Кейинчалик маҳаллий ёшлардан буюк олим Али Қушчи етишиб чиқди. Улардан ташқари Муҳаммад Ҳавофий, Алоуддин ал-Бухорий сингари қанчалар истеъдодли, атоқли олимлар Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида фаолият кўрсатдилар, ёшларга таълим бердилар, илмий кузатишлар олиб бордилар. Самарқандда ўша даврда жаҳондаги энг замонавий, мукаммал обсерватория – расадхона қурилди. 1018 та юлдузнинг координаталари аниқ-

ланиб, жадвали тузилди. У ҳаққоний равишда «Зижи жади-ди Кўрагоний» ёки «Зижи Улуғбек» деб аталади. Улуғбекнинг илмий мактаби Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний ва айниқса, Ал-Беруний илмий меросини чуқур ўрганди, таҳлил этди, бу мероснинг ҳақиқий вориси, давомчиси бўлиб, илм-фан, маънавият тарихи саҳнасига чиқди.

Гиёсиддин Жамшид Коший ва бошқаларнинг ёзиб қолдиришича, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари Улуғбек шогирдлари ва ҳамкасбларининг деярли қўлидан тушмайдиган китоб, дарслик бўлган. Бу асарнинг турли боблари бўйича мунозаралар, илмий баҳслар олиб борилган, улар оғзаки ва ёзма талқин қилинган (ҳозирги илмий рефератларнинг илк кўриниши).

Хоразмий, Фарғоний, Беруний ривожлантирган фалакиёт илми ўзининг олий юксалишига Улуғбек мактабида эришди. Телескоплар ихтиро қилингунга қадар ривожланган жаҳон фалакиёт илмининг хулосаси ва чўққиси Улуғбек ва унинг ҳамкорлари ижодидир.

Маълумки, Зиж тузиш учун осмон жисмлари энг камида 12 йил, ўртача 24 йил, тугал бўлиши учун 36 йил кузатилади. Шу боис, Улуғбекнинг давлат ишларидан бўшаган пайтлардаги асосий вақти расадхонада юлдузлар ва осмон жисмларини кузатишга кетган. Улуғбек зижини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уни бутун дунё тан олган. Унинг муаллифига Шарқу Фарб ўрта асрларнинг энг буюк астрономи деган баҳо берилган. ЮНЕСКО Улуғбекнинг 600 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлади.

Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбекка «маоний илмида (маънолар илми – дунёвий фанлар ва мантиқ – А. Э.) қилни қирқ ёрди», деб баҳо беради. «Унинг даврида, – ёзади Давлатшоҳ Самарқандий, – олиму фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарилди... Фозиллару ҳакимларнинг яқдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки Зулқарнайн замонида шу пайтгача Улуғбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган»¹.

Жамшид Коший ва Улуғбек томонидан синус бир гра-

¹ Қаранг: Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т., «Ўқитувчи», 1996, 10-б.

дусни ҳисоблаш масаласининг икки оригинал усулда ечи-лишини хориж олимлари ҳам мукамал ечим деб баҳола-ганлар. Биз Улуғбекни кўпроқ буюк фалакиётчи (астро-ном) олим сифатида биламиз. Аслида у тригонометрия ривожига ҳам беқиёс ҳисса қўшган. Умуман Улуғбек, қизи-қиши ва билимига кўра, ҳар жиҳатдан қомусий олим бўлган. Унинг «Тўрт улус тарихи» деган йирик асари (аф-суски, тугалланмай қолган) мустақиллик йиллари халқи-мизга етиб келди. Фараз қилиш мумкинки, астрономик кузатишларини яқунлагач, Улуғбек фалсафа, тарих, ада-биётшунослик ва бошқа фанлар билан ҳам, балки, жид-дий шуғулланар эди. Чунки Жамшид Коший маълумотида кўра, «у қонуншунослик (фиқҳ)дан яхши хабардор; ман-тиқ, адабиёт услубларини ҳамда мусиқа назарияси асос-ларини билади. У киши риёзиёт фанининг барча тармоқ-ларини мукамал эгаллаган...»¹.

Улуғбек илмий дунёқараш тарафдори, айна пайтда ко-мил мусулмон эди. У ислом ақидаларини, Қуръон оятла-ри ва ҳадисларни рационал талқин қилар, хурофотни, му-таассибликни қабул қилмас эди. Шу боис уни диний му-таассиблар унча хушламаганлар. Бу Абдуллатиф кўрсатмаси билан Самарқанд уламоларининг Улуғбек тақдирини ҳал қилиш борасида қабул қилган ҳукмларида яққол ўз ифо-дасини топди.

Улуғбек мактабининг яна бир даҳоси – Али Қушчи-нинг илмий хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Али Қушчи ўрта асрларда юртимиздан дунёвий илм-фан, табиатшунослик соҳасида чиққан охириги қомусий олим-дир. У ўз замонасидаги дунёвий илмларга оид деярли бар-ча фанларни пухта эгаллаган. У нафақат математика ва астрономия фанлари ривожланишига буюк ҳисса қўшди, шунингдек, мантиқ, фалсафа, грамматика ва адабиёт на-зарияси, табобат, фиқҳ, тарих ва бошқа соҳаларга оид рисоалар ҳам битиб, уларни бойитди. У бу соҳаларга ба-ғишланган асарларида ҳақиқий илмий усулни, рациона-листик таҳлил ва умумлаштиришни, илмий холисликни

¹ Қаранг: Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т., «Ўқитувчи», 1996, 278-б.

(объективликни) ҳимоя қилди. Яъни илм-фанда, тафаккурда, дунёқарашда Улуғбек тамойилларини давом эттирди ва ҳимоя қилди.

Али Қушчи математика фанига «мусбат» ва «манфий» тушунчаларини киритди, ўнли қасрлар назариясини бойитди. Аё София мадрасасида бош мударрис бўлганида 90 градусдан кичик бурчакларнинг ўтмас бўлиши мумкинлиги тўғрисида баҳслар юритди. Кейинги ҳолатни ноевклид геометриясига тааллуқли илк олиб борилган тадқиқотлардан бири, деб баҳолаш мумкин.

Астрономия соҳасида эса у Улуғбекнинг ўнг қўли эди. «Зижи жадиди Кўрагоний» Али Қушчи иштирокисиз, балки, тугалланмай қолган бўлур эди. Унинг шарҳларини араб тилига таржима қилиб, бутун жадвалга тартиб берган ҳам, Улуғбек қатлидан кейин сақлаб қолиб, бутун дунёга тарғибот этган ҳам Али Қушчидир.

Улуғбек ўз атрофига нафақат олимларни, шунингдек, истеъдодли шоир ва бастакорларни, адибларни, меъморларни, рассом ва нақшкорларни, хаттотларни ва санъатнинг бошқа соҳаларига оид ижодкорларни тўплади. Мумтоз ўзбек адабиёти шаклланишига Навоийгача замин яратганлардан бири — атоқли шоир Саккокий Улуғбек атрофидаги ижодкорлардан эди. Хожа Исматулло Бухорий, Камол Бадахшоний каби шоирлар, «илми ҳикматда замонасининг яктоси» Алоуддин Шоший, машойих Ҳасан Аттор каби атоқли ижодкорлар Улуғбек даврида Самарқанднинг маънавий ҳаётини юксалтирдилар.

Буюк фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандийнинг авлодларидан хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий — Алишер Навоийга икки йил дарс берган улуғ устоз — ҳам ўз ижодий фаолиятини Улуғбек даврида бошлаган. Улуғбек Самарқандда, Бухорода, Фиждувонда олий мадрасалар (ўша даврдаги университет), бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб мактаблар ва мадрасалар қурдириди. «Илм олмоқлик ҳар бир муслим ва муслима учун фарз» деган ҳадисни қурдирган мадрасасининг тепасига ёздириб қўйди.

Улуғбекнинг бу ишларини маърифат ёрдамида жаҳолатга, авж олиб бораётган мутаассибликка қарши курашнинг ўша даврдаги намунаси дейиш мумкин. У олимлар

ва талабалар билан турли мунозаралар, баҳслар ўтказиб турган. Бу баҳсларга ўзи шахсан раҳбарлик қилган. Гиёсиддин Жамшид Кошийнинг ўз отасига ёзган хатида гувоҳлик беришича, баъзан у атайлаб мураккаб, чалкаш, хато фикрни ўртага ташлаган. Кимдир бу хато фикрни ёқласа, уни фош қилган ва тузатган.

Улуғбек қатлидан кейин дунёвий илм-фан аста-секин орқага кета бошлади. Мистика, диний мутаассиблик анча кучайди. Расадхонадаги тадқиқотлар ҳам тўхтаб қолди. Қаровсиз қолган, таъмирланиб турмаган расадхона вақт ўтиши билан бузилиб, кўмилиб кетди. Жамиятда маънавий муҳит ўзгарди. Ижодий, танқидий фикр юритиш, илмий холисликка эҳтиёж пасайди. Аксинча, мадҳиябозлик, лаганбардорлик кучайди. Иррационалистик қарашлар, мистика ва диний мутаассиблик табиатшуносликка нисбатан беписанд қарашларнинг, салбий муносабатларнинг авж олишини озиқлантириб турди.

Мамлакат тахтига ўтирган Абу Саид Мирзонинг Али Қушчига шахсий муносабати ҳурматли эди. Лекин, шунга қарамасдан, илмий тадқиқот, ижод учун муҳит ноқулай бўлганлиги сабабли Али Қушчи оқибатда на Самарқандда, на Ҳиротда қолди, Истанбулга йўл олди. Чунки Абу Саиднинг феъл-атвори мураккаб, жоҳилликка ён босувчи эди. У жамият онгида, маънавиятида юз берган салбий бурилишни ўзгартиришга ожиз эди. Буни Али Қушчи буюк ақл-заковати билан теран идрок этган.

Самарқандда маънавий турғунлик бошланди. Бу эса халқимизни олдинда кутиб турган чуқур маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, умуман, ижтимоий инқирознинг дебочаси эди. Лекин Улуғбек даврида яратилган улкан илмий ва маданий салоҳият бирданига йўқолиб кетган эмас. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилган вақтгача, шаҳар Мовароуннаҳрда етакчи маънавий марказ бўлиб қолаверди. Алишер Навоийнинг ҳам Самарқандга келиб таълим олгани бежиз эмас. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» тазкирасида (тазкира 1491–1492 йилларда ёзилган) ўша даврда Самарқанд шаҳрида яшаб ижод қилаётган ўзига замондош 31 шоирни санаб ўтади. Улардан бештаси, келиб чиқишига кўра, шерозлик, иккитаси хоразм-

лик, иккитаси кирмонлик. Шоирлар орасида қаршилиқ, ҳисорлик, бадахшонлик, қазвинлик, қумлик, яздлик ва бошқа жойлардан келганлар учрайди. Бу Улуғбек қатлидан 40–45 йил кейин ҳам Самарқандга пойтахт ва маданий-маънавий марказ сифатида ижодкорларнинг интилиши кучли бўлганини кўрсатади.

Ўзаро ички низолар, тахт талашлар бир оз сусайиб, Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида яна ўттиз йилдан кўпроқ муддатда гуркираб ўсиш кузатилди. Аммо бу уйғониш бир оз чегараланган, универсал мазмунга эга эмас эди. Энг аввало бу даврда табиатшунослик фанлари илгариги мавқеини қайта тиклай олмади. Аксинча, йилдан-йил ортга кетди. Иккинчидан, бу давр маънавияти асосларида, негизида, илгаригидек, ҳам табиий-илмий, ҳам диний қарашлар эмас, кўпроқ бир томонлама диний қарашлар, аниқроғи, нақшбандия таълимоти ётар эди. Шу боис бу даврда кўпроқ гуманитар илмлар ва адабиёт, санъат ривожланди.

Навоий «Мажолисун нафоис» асарининг еттинчи мажлисида 20 нафар Темурий шаҳзодаларнинг шеърларидан парчалар келтирган. 8-мажлисини эса султон Ҳусайн Бойқаро ижодига (21-шоир) бағишлаган. Навоий рўйхатида атоқли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи келтирилмаган (асар ёзилганда Бобур жуда ёш бўлган ва унинг ижоди Навоийга маълум бўлмаган), Темурийлар орасида энг истеъдодлиларидан, девон тузиб, адабиётда из қолдирганлардан бири Ҳусайн Бойқародир. Ҳусайн Бойқаро буюк шахс эди, кўплаб юксак ва ноёб фазилатлар соҳиби эди. У кучли саркарда ва давлат бошлиғи салоҳиятига эга бўлса-да, ўзга мамлакатларга кўз олайтирмаган. Тахтга ўтиргач, фақат мамлакати ичидаги айирмачилик ва ш.кларни бостирган, четга қўшин тортмаган. Ҳусайн Бойқаро ободончилик ва фаровон турмушнинг асоси уруш эмас, балки тинчлик ва сиёсий барқарорлик эканлигини яхши тушунган. Маърифатни, илм-фанни, адабиёт ва санъатни, ҳунармандчиликни кенг ривожлантирган.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга бўлган муносабати, давлат ишларида у билан маслаҳатлашиши, Навоийни ҳам иқтисодий, ҳам лавозимий, ҳам маънавий мавқеини,

мартабасини жуда баландга кўтариши унинг ижодга, маърифат ва маънавиятга бўлган муносабатидир. Шу йўсинда ҳозир ҳам ҳаммани лол қолдирадиган бир воқеани эслаш ўринли, деб ҳисоблаймиз: Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатгач, сафардан қайтган Ҳусайн Бойқарога асарни тақдим этади. Ҳусайн Бойқаро отдан тушиб, «Хамса»ни юз-кўзига суртиб, қабул қилиб олади ва шу заҳотиёқ Навоийни ўз отига миндириб, отнинг жиловидан етаклаб бутун Ҳиротни айлантиради. Бу инсоният тарихида Ҳусайн Бойқарогача юз бермаган ва ундан кейин ҳам мутлақо такрорланмаган воқеадир. Испания, Франция ёки Англия қиролларининг Лопе де Вега, Мольер ёки Шекспирга нисбатан бундай муомала қилишини тасаввур ҳам қилиш мумкин эмас. Инглиз қироли, Шекспир саройга таклиф қилинганда, ҳатто буюк адибга гап қўшишни лозим топмаган. Чунки Оврупо киборлари, зодагонлари жамиятининг маънавияти ўзгача бўлган, инсонга тенг кўз билан қараш мумкин бўлмаган. Инсон истеъдоди, даҳосига қараб эмас, насл-насабига қараб баҳоланган. Бугунги демократия ривожланган Оврупода инсон қадр-қиммати мезонлари энди тамомила бошқача.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга жиловдор бўлишни ўзига эп кўрганлиги энг аввало унинг қанчалик буюк маънавият соҳиби бўлганидан, адабиётни, санъатни, ижодни жуда юксак қадрлаганидан далолат беради. Лекин, таъкидлаш зарурки, Ҳусайн Бойқаронинг ҳаракати нафақат унинг қандай шоҳ ва инсон бўлганини кўрсатади, у жамият маънавияти юксаклигидан, юқоридагига ўхшаш шоҳлар хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қилиб, муносиб баҳолай олишидан ҳам далолат беради. Агар бизда ҳам Овруподагидай муносабатлар, қарашлар ҳукмронлик қилганда, олий табақа ҳам, авом халқ ҳам Ҳусайн Бойқаро илтифотини тўғри тушуна олмаганида, у ҳеч қачон Навоийга жиловдор бўлмас эди.

Давлат бошлигининг ўзи ижод билан шуғулланиши, маърифатга интилиши, ижод аҳлига ҳомийлик қилиши унинг аъёнларига ибрат ва тақлид учун намуна бўлган. Ҳусайн Бойқаро саройида, вилоятлар ҳокимлари саройида ижодий муҳит қайнаб турган.

Ҳиротда Шохрух давридан бошлаб, Самарқанддан фарқли ўлароқ, кўпроқ ижтимоий-гуманитар соҳада ижодкорлик ривожланди. Чунки Шохрухда диндорлик кучли эди. Унинг ўзи шу боис риёзиёт ва табиатшунослик фанларига унча мойиллик кўрсатмаган. Бу фанлар Ҳиротда етарлича рағбатлантирилмаган, ҳарқолда тадқиқотлар кам олиб борилган ва Самарқанд, Тус шаҳарларидаги каби йирик илмий мактаблар вужудга келмаган. Табиатшунослик Шохрух даврида Ҳиротда кўпроқ олий таълим даражасида қолиб кетган. Ҳусайн Бойқаро замонида ҳам бундай хусусият сақланиб қолди. Шохрух даврида Шарафиддин Али Яздий тарихнависликда, Лутфий шеърятда, Жомий тасаввуфда ва шеърятда буюк мерос яратдилар. Тасаввуф, хусусан, нақшбандия тариқатининг маънавий ҳаётдаги мавқеи анча юксалди, етакчилик аҳамиятини касб этди. Ҳусайн Бойқаро замонида нақшбандия мавқеи янада мустаҳкамланди, айтиш мумкинки, у расмий мафкура даражасига кўтарилди. Жомий ва Навоий нафақат даҳо шоирлар, шунингдек, фалсафий-диний масалалар, ахлоқ, адабиётшунослик, тилшунослик, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, инсон шахсини тарбиялаш, маърифат ва маънавият борасида ҳам буюк мутафаккирлар эдилар. Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий тарихнавислик бобида ажойиб асарлар битдилар.

Шу ўринда Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Биз Алишер Навоийни нафақат мумтоз ўзбек адабиёти асосчиси, даҳо шоир, машҳур давлат арбоби, таълим ва санъат ҳомийси сифатида, шунингдек, миллий маънавиятимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этган қомусий мутафаккир сифатида ҳам англаб олишимиз зарур.

«Алишер Навоий ва ўзбек маънавияти» масаласи бир неча йўналишлардан, мавзулардан иборат жуда катта масаладир. Зеро, шоир ўз фаолияти ва ижодида, биринчидан, чифатоий-туркий (эски ўзбек) миллий онги ва миллий ғояси шаклланишига хизмат қилган. Яъни энг аввало ўзининг бадиий ижодида, ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий (мактаблар, мадрасалар қуриш, санъаткорларга, олимларга, адибларга, уламоларга ҳомийлик қилиш) фаолиятида, туркий (эски ўзбек) тилда ижод қи-

лишни алоҳида рағбатлантиришда ва бошқа барча масалаларда янги шаклланаётган элат, унинг адабий тили ва миллий давлатчилиги манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Иккинчидан, эски ўзбек адабий тили меъёрлари ва мезонлари тартибга келтирилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Учинчидан, миллий-бадий тафаккурни жаҳон бадий тафаккурининг энг юксак чўққиларига кўтара олган.

Навоийгача чигатоий-туркий тилдаги адабиёт гўзал ва нозик ҳис-туйғуларни, лирик ҳиссиётни ифодалашда (Сақкокий, Лутфий) ёхуд воқеаларни лирик-эпик тасвирлашда (халқ бахшилари, Дурбек) анча ютуқларга эришган, юксак маҳоратга кўтарилган бўлса-да, оламшумул бадий-фалсафий қомусийлик (яъни ўз давридаги фалсафий-ахлоқий, эстетик, диний-руҳоний, дунёвий-маънавий оморлар мужассамлиги) аҳамиятини касб этмаган эди. Фақат Алишер Навоий ижодида биз шундай қомусийликни кўрамиз.

Навоий ижодида тасаввуфнинг сирли жилolari ва теранликлари ҳам, хамсачиликнинг фалсафий-эпик кенгликлари, серқирралиги ва қудрати ҳам, ғазалнинг нозик, мафтункор образлилиги ва мусиқийлиги ҳам бирдай ўз ифодасини топди.

Алишер Навоий асарларини ўрганишдан мақсад — нафақат эстетик, бадий эҳтиёжларимизни қондириш, завқ олиш, билимларимиз ва дунёқарашимизни бойитиш, ақлимизни чархлаш, дидимизни юксалтириш, шунингдек, ўзлгимизни тарихнинг янги босқичида қайта англаш, келажак йўлида ўз маънавий манбаларимиз, тарихий илдизларимиздан кўпроқ озиқланиш, куч тўплаш, дунёқараш ва эътиқоднинг долзарб масалаларига муносабатларимизни аниқроқ белгилаб олишда қўшимча далиллар топишдир. Ушбудан Алишер Навоий асарлари бугун ҳам биз учун қай даражада замонавийлик ва долзарблик касб этиши келиб чиқади.

Алишер Навоий ижодига бир томонлама ва тор ёндашиб бўлмайди. Афсуски, совет даврида бу доҳиёна ижод сунъий равишда «даҳрийлаштирилди», бир томонлама таҳлил этилди. Бугун эса биз яна худди шундай бир томонлама ёндашувга мойилликни айрим ҳолларда кузатмоқдамиз: энди у сунъий равишда диний таълимотнинг бадий

«шарҳига», бадий ифодасига «айлантирилмоқда». Аммо бадий асар мазмуни фақат ғоявий-эътиқодий масалалар чегарасида, қолипида қолиб кетмайди.

Алишер Навоий ижодини қандай баҳолаш, муносабатимизни аниқлаш тор илмий-фалсафий ва адабиётшунослик муаммоси эмас. Бугунги кунда у миллий мафкура, маънавий тараққиётимизнинг келажак йўли қандай бўлиши лозимлиги ва ҳ. к. муаммоларни ечишга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Ўша давр маънавиятини миниатюра санъатисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Камолиддин Беҳзод ва бошқа rassomларнинг рангтасвирда ишлаган китоб миниатюралари умуминсоний қадриятларга, жаҳон санъатининг дурдоналарига айланди. Беҳзод асарлари Матисс ижодига ва у орқали ҳатто XX аср Оврупо рангтасвирининг баъзи модернистик оқимларига кучли таъсир кўрсатди. Беҳзод асрлар ўтиб, бизнинг замонамизда ҳаққоний равишда Шарқнинг энг буюк, даҳо rassomi деб эътироф этилмоқда. Унинг асарлари вақт синовига бардош берди ва уларнинг қиймати янада ошди.

Беҳзод мактабидан кейинчалик Бухоро ва Самарқандда ўзлари ҳам мактаб яратган икки атоқли rassom — Маҳмуд Музаҳҳиб ва Муҳаммад Муродлар етишиб чиқди. Ўша даврдаги маънавий муҳитни, маънавий тарбияни тасаввур қилиш учун Алишер Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад ҳаётларига бағишланган асарларини, юқорида келтирилган «Мажолисун нафоис»ини ўқиш лозим. «Мажолисун нафоис»нинг бешинчи мажлисини Навоий амирлар, юксак амалдорлар ўғилларидан ўша пайтда шеър ёзаётганларини санаб, улар ижодидан намуналар келтиради. Бу юксак аъёнлар, мартабали амалдорларнинг таълим-тарбияга, маънавиятга муносабатидан ва жамиятда ҳукм сурган маънавий муҳитдан билвосита далолатдир.

Буюк ўзбек шоири Заҳриддин Бобур ҳам теурий шаҳзодалардан. Бобур янги сулолага асос солди. Афсуски, бу сулола Кобул ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилди. Бобурийлар илм-фан, адабиёт ва санъат шайдолари, ҳомийлари бўлиб, ўзлари ҳам ижод билан шуғулланишган. Бобурийлар билан боғлиқ хорижда ривожланган ўзбек ма-

данияти ва маънавияти ҳали етарли даражада ўрганилган эмас, ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. (Бобурийлар ва улар саройида хизмат қилган юртдошларимизнинг, улар авлодларининг туркий (эски ўзбек) ва форс-тожик тилида ижод қилган шоиру адиблар, тарихчилар, файласуф ва мутасаввуфлар ижодини биз миллий маданий меросимизнинг хорижда яратилган узвий бўлаги деб қарасак, мантиққа зид бўлмайди.)

Нафақат хонлар ва ҳокимлар саройларида мушоиралар, санъат ва мусиқа назариясидан, илмнинг бошқа соҳаларидан баҳслар ўтказилар, шунингдек, сайил кунлари жамоат жойларида ҳам мушоиралар, санъаткорларнинг чиқишлари, аскиябозлар, дорбозлар томошалари, полвонлар, чавгончилар курашлари ва ҳ. к. уюштирилар эди. Жамиятнинг нуфузли кишилари ташкил қиладиган базмлар ва меҳмондорчиликларда ҳам санъаткорлар, шоирлар иштирок этиши урфга айланган эди. Жамиятнинг маънавий-маданий савияси, маънавий-эстетик эҳтиёжлари баланд эди.

Аммо бирор тарихий даврни ва ҳеч бир тарихий шахсни, агар у даҳолар даҳоси бўлса ҳам, идеаллаштирмаслик керак. Шу жумладан Темур ва темурийларни, уларнинг даврини ҳам. Темур ва темурийларга адолат билан бир қаторда — фотиҳлик (Темурга), қаттиққўллик, қаҳр-ғазаб, тож-тахт таллашиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслик ҳам хос эди. Вазият тақозо этса, улар на ўзларини, на оғаниларини, на бошқаларни аяганлар. Билимнинг кўп соҳасида отасидан кам бўлмаган Абдуллатифнинг Улуғбекни, юксак маърифатли Ҳусайн Бойқаронинг ўз набираси Мўмин Мирзони қатл эттиришларини ва тахт учун оғанилар ўртасида содир этилган хунрезликларни уларга баҳо бераётганда асло унутмаслик керак. Лекин айти пайтда тарихий шахсларга баҳо бераётганда, бугунги кун меъёрларидан эмас, ўша замон меъёрларидан келиб чиқиш лозим. У ўзидан аввалги даврга нисбатан қандай илғор янгиликларни жорий қилди, тараққиётга, адолатга, инсон камолотига нечук ҳисса қўшди, қандай шарт-шароит яратди, унинг фаолияти оқибатда жамият заволига хизмат қилди ми ё камолига — мана, тарихий шахсни баҳолашда қўлла-

ниладиган мезон. Темурийлар даврида ҳам саройлардан, пойтахт ва йирик марказлардан четда авом халқ ўртасида хурофот кенг тарқалган, маърифат анча паст, айрим доираларда мутаассиблик кучли эди. Иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиши жуда-жуда суст эди. Бу соҳада жамият анъанавийлик касб этган, сифат жиҳатдан унинг янги босқичга кўтарилиш имкониятлари жуда пасайиб кетган, капиталнинг тўпланиши, концентрацияси, ҳунармандчиликнинг оилавий доирадан четга чиқиши рўй бермаган эди.

Маънавий ҳаётда эса диннинг таъсири, аниқроғи, диний мутаассибликнинг таъсири йилдан-йил ошиб бораверди. Илм-фандаги назарий ютуқлар, изланишлар иқтисодий зарурат билан туташмади, техник ижодкорликка, ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштиришга, машина ва механизмлар яратишга қараб йўналтирилмади.

Шу сабабдан жамият тараққиёти ортга қайтмайдиган юксалиш чизигидан кетмади, объективлик касб этмади. У кўп жиҳатдан давлат бошлиғининг, амалдорларнинг дидига, интилишига, ҳалоллиги, саҳийлиги ва ташаббускорлигига, яъни субъектив омилларга қарам бўлиб қолаверди. Натижада темурийлар даврида вужудга келган юксак маънавият иқтисодий жиҳатдан етарлича мустаҳкамланмади ва маънавиятнинг кейинги муттасил равнақ топишини таъминлай олмади.

АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ УЗИЛ-КЕСИЛ ҚАРОР ТОПИШИ ВА МАЪНАВИЙ ТУРФУНЛИК

Ўзбек халқининг маънавияти унинг тарихан босиб ўтган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланиш йўлига, иймон-эътиқодига, дунёқарашига, иродасига, жамиятда қарор топган муҳитга мос равишда шаклланди ва ўзгариб келди. Маънавиятимизнинг гуркираб ўсган ёки таназзулга юз тутган турли даврлари бўлди.

Маънавиятимизнинг бугунги кундаги айрим хусусиятлари, ўзига хос жиҳатларини тўғри тушуниш учун унинг шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омиллар тўғрисида гапириш керак.

Улар уч гуруҳга: моддий-иқтисодий, сиёсий ва фалса-

фий-диний омилларга бўлинади. Маънавиятнинг ҳар бир конкрет ҳодисасини моддий ҳаётдан келтириб чиқариш вульгар социологизмга ён бериш бўлар эди. Аммо моддий ҳаёт, турмуш тарзи маънавиятнинг умумий хусусиятларига таъсир кўрсатади. Худди шундай маънавиятдаги ҳар бир конкрет ҳодисани фалсафий, диний қарашлардан ҳам, сиёсий муносабатлардан ва сиёсий доктриналардан ҳам келтириб чиқариш нотўғри бўлади. Лекин уларнинг ҳам маънавиятга таъсири кучли. Маънавиятга табиий ва ижтимоий, моддий ва мафкуравий, сиёсий омиллар мужассам таъсир кўрсатади. Маънавият учун тарихийлик ва замонавийлик, барқарорлик ва ўзгарувчанлик хос. У ўз тарихий илдиэларига, асрлар давомида тўпланган меросига қаттиқ таянган ҳолда ривожланади, янгиликларни қабул қилади. Бу жараён жуда зиддиятли, қарама-қаршилиқларга бой. Шу сабабдан маънавият ривожланиши, ундаги муайян ҳодисалар, унсурларнинг пайдо бўлиши ёки унутилиши тўғрисида юзаки мулоҳаза юритиш, узил-кесил қатъий хулоса қилиш мумкин эмас.

Маънавият ривожланиши, унинг тенденцияси тўғрисидаги мулоҳазалар маълум даражада нисбий, шартли хулосалардан иборат эканлигини мудом ёдда тутиш лозим. Айни пайтда маънавиятга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этмасдан унинг ривожланиш қонуниятларини яхши тушуниш, бинобарин, бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиш қийин.

Энг аввало маънавиятнинг арконий тушунчалари табиий иқлим шароитлари билан узвий боғлиқ бўлган тарихан вужудга келган ишлаб чиқариш хусусиятлари таъсирида шаклланади. Суғориладиган деҳқончилик, аввалги бобда таъкидланганидек, тамаддуннинг (цивилизациянинг) пойдеворини яратди. Йил фасллари ва экиш мавсумини тўғри ҳисоблаш учун астрономияга, экин майдонини маданийлаштириш, тўғри тақсимлаш, режалаштириш учун геометрияга асос солинди. Ерга сув чиқариш зарурияти сув иншоотларини қуришга — каналлар, ариқ ва зовурлар қозишга, тўғонлар ва кўприклар қуришга, сувни кўтариш учун чархпалакни ихтиро қилишга олиб келди. Бу ҳам механика ва геометрияни, геодезия асосларини шакллантир-

ди. Ўз навбатида геометрия ва астрономия, геодезия ва механика ривожланиши умуман математик билимларга зарурат туғдирди.

Туркистон тамаддунининг негизини қадим замонлардан суғориладиган деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Туркистон деҳқончилик ва чорвачилик маданиятлари чамбарчаслашган, аралаш яшайдиган минтақадир. Агар бошқа минтақаларда деҳқончилик ва чорвачилик ўртасида ҳудудий чегара мавжуд бўлса, Туркистонда бир неча деҳқончилик воҳалари чорвачилик қилинадиган чўллар билан навбатма-навбат жойлашган. Минтақа ҳудуди аниқ иккига, яъни чорвачилик ва деҳқончилик ҳудудларига бўлинмаган. Туркистонда ҳам, бошқа суғориладиган деҳқончилик мамлакатлари каби, ерга нисбатан хусусий мулкчилик чекланган ҳолда ривожланди ва хусусий мулкдорлар ўртасида ер тўлиқ тақсимланмади. Узоқ ўтмишдан яйловлар, даштлар, лалми ерлар уруғ-жамоалар ўртасида тақсимланган эди ё бутунлай эгасиз эди. Чунки қанча катта ерни эгаллаб олма, унга суғориш учун канал ёки ариқ қазиб келиш, ҳар йили уларни тозалаб туриш керак. Бу эса фақат кўпчиликнинг, жамоанинг қўлидан келади.

Ўрта асрларда ерга нисбатан мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келса-да (хон ва амирларнинг давлат мулки, йирик феодаллар мулки, вақф мулки, майда хусусий мулк, жамоа мулки), ерга кўпроқ майда ва жамоа мулкчилиги ўрнатилди.

Мўғул истилоси ерга нисбатан хусусий мулкчилик ривожланишини сусайтирди. Мулкдорларнинг бир қисми янгилари билан алмаштирилди.

Янги мулкдорларнинг кўпчилиги деҳқончиликдан узоқ чорвадор феодаллар эди. Чингизийлар ва кейин темурийлар даврида бутун вилоят ва туманларнинг суюрғол қилиниши, қишлоқларнинг ниёз қилиниши (ерни тортиқ қилишнинг бошқа атамаларда ифодаланадиган шакллари ҳам) ерга нисбатан қарор топган амалдаги мулкчиликнинг негизини, бизнинг назаримизда, тубдан ўзгартирган эмас. Фақат суюрғол ва ниёз қилинган ердан олинадиган солиқларнинг бир қисми давлат хазинасига эмас, хусусий шахс — суюрғол эгаси чўнтагига тушган, оддий деҳқонлар ҳаётида эса деярли ўзгаришлар содир бўлмаган.

Сулолаларнинг, хон ва амирларнинг тез-тез алмашиб туриши аксарият ҳолларда иқта, ниёз, суюрғол эгаларини тез-тез ўзгартириб турган. Бошқача қилиб айтганда, иқта, ниёз, суюрғол Овруподаги ерга феодал ҳуқуқидан, феодал мулкчиликдан бир оз фарқ қилган (Оврупода, қоида тариқасида, сулолалар алмашиши мулкдорлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатмаган).

XV–XVI асрдан бошлаб ерга йирик хусусий мулкчилик анча ривожланган бўлса-да, жамоа мулкчилиги ва майда мулкчилик, вақф мулкчилигининг салмоғи ундан устун бўлган. Фақат Россия истилосидан кейин ерга хусусий мулкчилик янада кучайди, аммо ўшанда ҳам у хусусий мулкдорлар ўртасида тўлиқ тақсимланмади.

Ерга хусусий мулкчилик чегараланган ҳолда ривожлангани учун ишлаб чиқариш концентрацияси (тўпланиши) юз бермади ва алоҳида шахслар қўлида катта капитал тўпланиши чекланган ҳолда бўлди.

Аксинча, жамоага аъзо бўлганлар ва деҳқончилик билан шуғулланадиган кишилар, бирови озроқ, бирови кўпроқ, ўз улушларига, ерига ва ҳосилига эга эдилар. Деҳқонларнинг асосий оммаси ўртасида мулккий табақаланиш кучаймади. Фақат айрим ҳоллардагина деҳқонлар орасида йирик бойлар ва ёлланма ишчилар, мардикорлар ва чоракорлар вужудга келди. Деҳқонлар орасида мулккий ва ижтимоий табақаланиш Россия истилосидан кейин кескинлашди. Чунки, биринчидан, мустабид маъмурият маҳаллий аҳоли ерининг бир қисмини тортиб олиб, Россиядан кўчирилган кишиларга тарқатган эди. Иккинчидан, ерга нисбатан капиталистик мулкчилик ва муносабатларни жорий этишга қаратилган сиёсат олиб борилган эди.

Оврупода ер илк феодализм давридаёқ мулкдорлар орасида тўлиқ тақсимланган эди. Деҳқонларнинг аксарияти ерга бириктирилди ва нафақат иқтисодий, шунингдек, асосий юридик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилди (айрим майда мулкдор деҳқонлар — кичик ер эгалари бундан истисно). Шундай қилиб, Оврупода ашаддий эксплуатацияга асосланган крепостной тузум вужудга келди. Мулккий муносабатларда Оврупода майорат (катталик) принципи қарор топган эди. Унга биноан ер мерос қилиб фақат бир

ўғлига, қоида тариқасида, тўнғичига қолдирилар эди. Ерни бўлиб, майдалаштиришга рухсат этилмаган.

Мулкнинг бўлинмаслиги Оврупода оқибат-натижада ишлаб чиқаришнинг ва капиталнинг концентрация бўлиши учун иқтисодий пойдевор вазифасини ўтади. Ўта кучли мулкый табақаланиш, крепостной тузум, ўзаро бегоналаштириш ғарб маънавиятига ҳам таъсирини ўтказди: унда индивидуализм, яшаш учун шафқатсиз курашга ўз иродасини мослаштириш, анъаналарга, обрўли шахслар ва уларнинг фикрига муҳолифли ёки танқидли муносабатда бўлиш ва ш. к. хислатларни шакллантирди ва ўткирлаштирди.

Туркистонда эса майорат принципи қоида тарзида ўрнатилган эмас. Шу сабабдан нисбатан йирикроқ мулк ҳам уч-тўрт авлод ўтгач майдалашиб кетган, чунки меросхўрлар орасида бўлинган. Жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар биринчи навбатда майда ва жамоа мулкчилигини ҳимоя қилишга қаратилган. Муҳаммад пайгамбарнинг уч нарсаси — яйлов (ер), сув ва ўт ҳамманики бўлиши керак, деган кўрсатмаси айнан шундан далolat беради. Фақат айрим феодаллар мулкларини бўлмасдан фарзандларидан бирига мерос қолдиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, жўйбор хожалари мулкни бўлмасликка уринганлар. Академик Б. Аҳмедов эътироф этганидек: «Афтидан худди шу ниятда Хожа Муҳаммад Ислом икки ўғли: Хожа Баҳоуддин Умар ва Хожа Муҳаммад Қосимларни меросдан маҳрум қилиб, барча мол-мулкни катта ўғли Хожа Саъидга васият қилиб қолдирган»¹.

Аммо бундай уринишлар қоидадан истисно тариқасида юз берган. Ҳатто хон ва шоҳлар ҳам кўпинча бунинг уддасидан чиқа олмаганлар.

Давлатни бир ўғилга мерос қилиб қолдирсалар-да, унинг турли вилоятларида бошқа ўғиллари ҳокимлик қилган ва кўпинча оталари вафотидан кейин тахтга ўтирган ака ёки укаларига бўйсунмай, тахт учун, яъни мулкни қайта бўлиш учун талашганлар. Шу сабабдан Туркистонда йирик хонликларнинг барқарор ривожланиши узлуксиз бир неча авлодлар давомида чўзилмаган.

¹ Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994, 29–30-бетлар.

Ҳатто Амир Темур васиятига унинг меросхўрлари амал қилмаган. Тахт талашлар тинмаган. Орадан салкам бир аср ўтгач ҳам унинг авлодлари орасида энг йирик саркарда бўлган, Шохрухдан кейин чорак аср ўтгач, Хуросонни гуллаб-яшнатган юксак маърифатли Ҳусайн Бойқаро дастлаб амакиваччалари, сўнгра ўз ўғли Бадиуззамон билан тез-тез уруш қилиб турган. Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон тақдири ҳам худди шундай. Умуман темурийлар сулоласи ички мулкий низолар, бир-бирини қириб ташлашлари орқали ҳалокатга учради, ташқи ҳужумдан оқибатда ўзини ҳимоя қила олмай қолди. Улуғбек авлодлари қисматини тадқиқ этган Т. Файзиевнинг ёзишича: «Улуғбек Мирзо зурриётига мансуб бўлган авлод унинг қатлидан 15 йил ўтгач батамом тугади»¹.

2007 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган Пирмат Шермуҳаммедовнинг «Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси» китобида Робия Султонбегим 1484 йилда вафот этганлиги, ундан туғилган Улуғбекнинг икки набираси Кўчқинчихон 1531 йилда, Суюнчихон 1526 йилда вафот этганлиги тўғрисида ёзади². Лекин улар Абулхайрхоннинг ўғиллари сифатида темурийлар эмас, шайбонийлар ҳисобланади.

Бошқа сулолалар тарихи учун ҳам қисқа барқарорлик билан алмашиб турадиган худди шундай тахт талашувлари, ўзаро урушлар хос. Бу урушлар халқ бошига қанчалар кулфат солганлиги, халқ руҳиятига аста-секин қўрқув туйғусини сингдиргани, тақдири азалга ишонччи, мистикага мойилликни, ижтимоий беқарорликни кучайтирганини эътироф этиш лозим.

Ўзига тўқ фуқароларнинг ислом туфайли тўрттагача хотин олганлиги, тождорларнинг эса бундан ташқари ҳарамида чиройли канизаклари бўлиши меросга даъвогарлар сонини ҳаддан ошириб юборган.

Меросхўрларнинг кўп ҳолларда оналари бошқа бўлганлиги сабабли, уларнинг тоғалари ва она томон бошқа

¹ «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1994, № 7, 33-бет.

² Қаранг: Пирмат Шермуҳаммедов. Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси. Т., «Фан», 2007, 1, 74, 87, 85-бетлар.

қариндошлари ўз жиянларининг ҳокимият тепасига келиши учун турли фитна ва низоларни, тарафкашлик ва уруғ-аймоқчиликни рағбатлантирганлар, кўпинча ўзлари ташкилотчи сифатида фаол иштирок этганлар. Раҳбарлик ва бошқарув ишларидаги маҳаллийчилик, қариндошчилик, гуруҳбозчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларимизнинг илдизи ўшаларга бориб тақалади.

Ерга хусусий мулкчиликнинг тўлиқ жорий этилмаганлиги умуман мулкчиликнинг бошқа соҳаларда ҳам чуқур илдиз отиб кетмаслигига сабаб бўлди. Натижада, биринчидан, энг қадим замондан бошлаб қулдорчилик Туркистонда (бугун суғорилма деҳқончилик мамлакатларидаги каби) кенг ривожланиб кетмади, қадимги Юнонистон ва Римдагидек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини, айниқса, ҳунармандчилик каби соҳаларни қамраб олмади. Шу боис косибчилик, ҳунармандчилик эркин оилавий асосда ривожланди. Урушлар туфайли мағлуб мамлакатлардан ўрта асрларда кўчириб келинган ҳунармандлар ҳеч қачон қулга ёки крепостнойларга айлантисилмаган. Улар ўз касб-ҳунари билан эркин шуғулланганлар. Ҳунармандчилик, саноат соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси юз бермади.

Оқибатда Овруподагидек дастлаб цехлар, мануфактура, кейин завод ва фабрикалар – машина кучидан фойдаланиладиган саноат вужудга келиши учун етарли даражада на ташкилий, на мулкий шарт-шароит шаклланди.

Иккинчидан, қадим даврдаёқ қулдорчилик тезда барҳам топди. Унинг айрим элементлари ҳатто XIX асргача сақланиб қолган бўлса-да, ижтимоий ишлаб чиқаришда у сезиларли роль ўйнамади. Аммо Овруподан фарқли крепостнойлик тузуми юзага келмади. Чунки буни суғориладиган деҳқончиликда ишлаб чиқаришнинг жамоавий характери тақозо этар эди.

Ишлаб чиқариш муносабатлари Овруподагидан тубдан фарқ қилди. Минтақамиз қадимги тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар қулчилик ривожланган классик шаклда бўлмаганидан далолат бермоқда. Искандар Зулқарнайн истилоси қулдорликни анча ривожлантирган бўлса-да, уни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтара олмади. Юнон-Бақт-

рия давлати қуллар меҳнатидан нисбатан кенгроқ фойдаланган (қадимги Миср давлатидек), аммо бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига тааллуқли эмас.

Сугориладиган деҳқончилик минтақаларида шаклланган ишлаб чиқариш усули эркин савдо-сотик, мол айирбошлаш, яъни бозор муносабатларининг илк шаклига асосланган, иккинчи томондан эса — яримпатриархал, ярим натурал хўжалик юритишга мослашган қишлоқ жамоаси негизида шаклланган. Шу сабабдан, Шарқ мамлакатлари ўз тараққиётида дастлаб ниҳоятда илгарилаб кетди. Савдо, товар-пул муносабатлари ўша давр бозори имкон берган даражада тез ривожланди.

Лекин маҳдудликка мойил жамоавийлик (қишлоқ жамоаси, оилавий ҳунармандлик) кейинчалик уларнинг оёғига кишан бўлди, тараққиётни чегаралаб қўйди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрация бўлмаслиги товар-пул муносабатларини янги босқичга кўтарилишига йўл қўймади, яримпатриархал хўжалик юритиш усулини сиқиб чиқара олмади. Натижада у янги тарихий давргача сақланиб қолди, аниқроғи, консервация бўлди.

Хусусий мулкчиликнинг чекланганлиги ва интенсив риножланмаганлиги Шарқда, бир томондан, анъанавийликни вужудга келтирди, иккинчи томондан эса — шахс ташаббуси, интилишлари ва манфаатини кўп ҳолларда ҳисобга олмади, уларни рағбатлантирмади. Бу ҳам ўз навбатида аста-секин жамият тараққиётига ғов бўлди. Тўғри, маънавият борасида бу ўзаро ёрдам, ҳашар, бир-бирига тенг кўз билан қараш, иззат-ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни шакллантирди.

Лекин шахсий ташаббуснинг иккинчи даражали деб ҳисобланиши, умумий ўртача талабларнинг устунлиги нафақат иқтисодиётда, шунингдек, маънавият соҳасида ҳам оқибат-натижада турғунликка олиб келди. Чунки индивидуал ижодий изланишлар, фан ва бадиий ижод соҳасида туб янгиликларни кашф этишга интилишлар анча сусайди. Ижодда анъанавийлик устунлик қила бошлади. Шахс камолоти унинг ички дунёсига, кўпроқ диний мазмунда тушуниладиган ахлоқий камолотга йўналтирилди. Ҳаттоки соғлом шахсий интилишларга беписанд қараш

«бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан девона бўл» каби ахлоқий меъёрларнинг қарор топишини тақозо этди.

Ёлланма меҳнат бизда Овруподан анча илгари вужудга келса-да, барибир мавжуд ишлаб чиқариш усули доирасида капиталнинг йирик концентрациясига олиб келмади. Бизда тараққиёт ўзгача кечди. Ижтимоий зўравонлик, синфий қутбланиш Оврупога нисбатан кам эди. Бу энг аввало ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш муносабатлари деҳқончиликка қулай тупроқ ва иқлим шароитида етиштириладиган маҳсулотларнинг технологик хусусиятлари қишлоқ жамоаларини барқарор ва доимий қилиб қўйди. Бу ўз навбатида ҳамда ҳунармандчиликнинг оилавий ташкиллаштириш даражасидан кўтарилмаганлиги ишлаб чиқариш воситалари, хусусан техника ривожланиши учун ўта кучли ва узлуксиз эҳтиёж туғдирмади. Омоч, бел, кетмон, ўроқ, чолғи, болта, мола ва шу каби меҳнат қуроллари деярли бир неча асрлар давомида ўзгармади. Ҳунармандчилик асбоблари ва дастгоҳлари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Мулкчиликнинг барқарорлиги ва ўзгармаслиги, ишлаб чиқариш воситаларининг турғунлиги ишлаб чиқариш усулининг турғун бўлишини белгилади.

Ислом Шарқда вужудга келган ва кенгайтирилган ҳолда такрор тикланадиган ижтимоий эҳтиёжлар дастлаб ишлаб чиқариш усули, савдо-сотиқ, маданий алоқалар ривожланиши зарурияти тақозо этадиган даражада эди. Бу ўша даврда, Оврупо мамлакатларида вужудга келган эҳтиёжлар билан таққослаганда, уларга нисбатан анча юксакдир. Шу сабабдан илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат, фалсафа ва илоҳиёт, ҳуқуқ ва давлатни идора этиш соҳалари IX–XII асрларда ниҳоятда гуллаб-яшнади. Бугунги кунда бу даврни фанда «ислом ренессанси» деб аташ қабул қилинган. (Бу тушунчани фанга XX асрнинг бошида австриялик шарқшунос А. Мец киритган эди¹. Кейинчалик олимлар, хусусан академик Н. И. Конрад Навоий даврини ҳам ислом ренессансига мансуб деб, унинг чегарасини XVI аср бошигача чўзди²).

¹ Қаранг: А. Мец. Мусульманский ренессанс. М., 1980 г.

² Н. И. Конрад. Средне-Восточное Возрождение и Алишер Навои. — Избранные труды. Литература и искусство. М., 1978 г., 90–104-б.

Аммо ишлаб чиқариш усули ўзгармади, унда сифат жиҳатдан сакраш юз бермади. Ва у ижтимоий эҳтиёжларнинг кенгайтирилган ҳолда такрор тикланиш талабларидан ортда қола бошлади. Қондирилмаган, кенгайтириб такрор тикланмаган эҳтиёжлар, табиийки, ишлаб чиқариш усули, биринчи галда ишлаб чиқариш воситалари ривожланишига ижобий акс таъсир кўрсатмади.

Ишлаб чиқариш усули жамият моддий ҳаёти, меҳнат ва ижод манбаларининг ёпиқ доирада ҳаракат қилишини белгилади ва иқтисодий ҳаётга, у орқали бутун ижтимоий муносабатларга анъанавийлик бахш этди. Туркистон ҳам Шарқнинг бошқа мамлакатлари (Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва шу кабилар) сингари анъанавий – турғун муносабатлар қайта тикланадиган ва янгиланишдан устунлик қиладиган жамиятга айланди. Маънавиятда эса жамият мавжуд ютуқларни доғмалаштиришга, уларга тақлид қилишга, ўтмиш нуфузи олдида қуллуқ қилишга юз тутди, одатланди.

Анъанавий жамият – бу шундай жамиятки, унда ишлаб чиқариш шакллари, иқтисодий муносабатлар – тақсимот, алмашув, истеъмол меъёрлари аллақачон барқарорлашган, қатъий белгиланган ва адолатли ҳисоблангани учун деярли ўзгармасдир, турғундир. Ахлоқ, ҳуқуқ, эътиқод ва дин масалалари, бадиий ижод (адабиёт ва санъат), таълим-тарбия, оилавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар анъанага айланган, урф бўлиб қолган меъёрлар, тамойиллар, «боқий» қадриятлар асосида фаолият кўрсатади, сезиларли ўзгаришларни, туб янгиланишни рад этади. Анъанавий жамиятда умуман ҳаёт турғун бўлади ва бир маромда оқаверади. Жамият ўзининг мавжудлик ҳолатидан мудом қониқиш ҳосил қилади, янгиликлар учун ёпиқ тизимга айланади.

«Анъанавийлик» атамаси, ҳатто унинг негизи – «анъаналар» – жуда кенг тушунча. Анъаналарни фақат урф-одатлар ва маросимлар мажмуаси деб ўйлаш нотўғри. Чунки анъаналар ижтимоий ҳаётнинг ва инсон фаолиятининг ис-талган соҳасида – адабиёт ва санъатда, илм-фанда, ишлаб чиқариш ва ҳарбий хизматда, меҳнат жамоасида, алоҳида бир оиланинг ҳаётида ва ҳ. к. да вужудга келади. Анъаналарни бир томонлама баҳолаш ярамайди. Улар ҳаётда ижобий

ёки салбий аҳамият касб этишлари мумкин. Масалан, анъаналар меҳнат ва ижоднинг ҳамма соҳаларида авлодлар ўртасида ворисийликни, яъни қўлга киритилган ютуқларнинг мустаққамланишини, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Анъаналарсиз ижтимоий ҳаётнинг бирор жабҳасида, айниқса, мураккаб ақлий меҳнат, ижодда, илм-фанда (малакали мутахассис, тадқиқодчи олим, конструктор тайёрлашнинг ўзи 20–25 йил ўқитишни талаб қилади) эришилган ютуқларнинг тўпланиши, бойиши, бинобарин, ҳеч қандай олға ривожланишнинг ўзи бўлмас эди.

Аммо анъаналар ҳаётга мослашиши, мудом замонавийлашиб бориши, тарихий заруратга зид бўлмаслиги лозим. Агар анъаналар ўтмиш ютуқларини мутлақлаштирса, уларни замонавий янгиликларга, ёш авлоднинг ижтимоий ва ижодий изланишларига қарши қўя бошласа, шубҳасиз, ўзи ҳам салбий мазмун касб этади. Жамиятнинг ҳар ишда, ҳар қандай фаолиятда асосан ёки кўпроқ анъаналарга таяниб, уларга мувофиқ ҳаёт кечириши анъанавийлик (традиционализм)ни қарор топтиради. Анъанавийлик устун келган жамият дастлаб турғунликка, сўнгра эса инкирозга маҳкум бўлади.

Шу боис анъаналарни авайлаб-асраш билан бир қаторда уларга кўр-кўрона сажда қилиш ярамайди. Анъаналарни замон талаблари даражасида ривожлантириб бориш керак. Афсуски, Шарқ халқларида анъаналарни мутлақлаштириш, уларни ҳаётнинг янги эпкинларига қарши қўйиш ҳоллари рўй берди.

Турғун, ривожланмай қотиб қолган жамиятнинг асосий тамойилини ташкил этадиган анъанавийлик (традиционализм) — оламга, ҳаётга догматик муносабат бўлиб, аслида ижодий, танқидий руҳнинг, ташаббуснинг ижтимоий онгда, амалий фаолиятда, давлат идоралари, ижтимоий институтлар, шахслараро муносабатларда жамият миқёсида (айрим шахслар онги фаолияти бундан мустасно) сўниб боришидир.

Анъанавий жамиятда иқтисодиёт ва давлат сиёсати мафкурага бўйсуниб қолади, объектив зарурат, мақсадга мувофиқлик инкор қилинади. Мафкуранинг ўзи ҳам анъаналарга айланиб, қотиб қолган тамойиллар, меъёрлар, қоидалардан, диний ва сиёсий догмалардан иборат бўла-

ди, замон талабларига мослашиб ривожланиш ўрнига, ижтимоий ҳаётни ўзига мослаштиради. Натижада асрлар давомида на давлат бошқаруви, тузуми, на иқтисодиёт, на ижтимоий ҳаёт ўзгаради.

Шарқнинг маънавий ва умуман ижтимоий ҳаётида анъанавийликнинг тантана қилиши биринчи навбатда диний-фалсафий омилларга эмас, энг аввало ишлаб чиқариш усулига, унинг негизини ташкил этувчи суғориладиган деҳқончиликка ва қишлоқ жамоаларига бориб боғланади. Чунки Осиё халқлари бир неча динга: исломга, буддизмга, индуизмга, даосизмга, синтоизмга, конфуцийчиликка эътиқод қиладилар. Бу динлар ўртасидаги мавжуд фарқларга қарамасдан, Ўрта асрларда Осиё мамлакатларининг барчасида анъанавий жамият аста-секин қарор топди.

Буюк олим ва мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру шундай деб ёзган: «Янги ғоялар ва янги нарсалар яратиш ўрнига Ҳиндистонда аввал яратилганларни қайтариш ва уларга тақлид қилиш бошланди... Бу цивилизация сўниши яқинлашаётганининг белгиларидир. У рўй берса, цивилизация ҳаётининг сўнишига амин бўлмоқ керак, чунки ҳаётнинг белгиси ижоддир, такрорлаш ва тақлид эмас»¹.

XX асрга келиб дастлаб Япония, сўнгра Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малайзия каби мамлакатларда тараққиётнинг тезлашиши янги ишлаб чиқариш усулига ўтганлиги, шунга мос тарзда кенг миқёсда ижтимоий муносабатлар ўзгартирилганлиги туфайли юз берди.

Бу мамлакатларда ислом (Малайзия) ҳам, буддизм, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик ҳам ўз ўрнида турибди. Лекин ижтимоий ҳаёт бу мамлакатларда анъанавийлик негиздан эркин рақобат негизига кўчирилиб дунёвийлик тамойилларига мос қайта қурилган. Бу энг муҳим ҳал қилувчи моддий-иқтисодий ва ижтимоий шарт бўлди.

Анъанавий жамият вужудга келишида диннинг таъсири асосий бўлмаса-да, уни ҳисобга олмаслик ҳам нотўғридир. Бу борада дастлаб белгиловчи ролни табиий шароит, суғориладиган деҳқончиликка мос ишлаб чиқариш усули ўйнаган бўлса-да, дин ҳам шакллланган муносабатларни

¹ Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. 1. М., 1989 г., 249-б.

мустаҳкамлашга, анъаналарни кучайтиришга катта хизмат қилди. Динга хос догматизм, муқаддас китоблардаги қоидалар ўзгармас, абадий деб ҳисобланиши ижтимоий ҳаётнинг анъанавий ва турғун бўлишига мос келади. Шу боис ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни дунёвийлаштирмасдан анъанавийлик қобигини ёриб чиқиш амри маҳол эди.

Шарқ маданияти, маънавиятининг депсиниб, ривожланишининг ниҳоятда секинлашиб қолиши нафақат анъанавийликнинг қарор топиши билан, шунингдек, ёв бостириб келиши, айниқса, мўғул истилоси ҳамда тўхтовсиз тож-тахт талашиш урушлари билан ҳам маълум даражада боғлиқдир.

Урушлар, талон-торожлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алғов-далғовлар, улар туфайли қисқа муддатли сиёсий барқарорлик вужудга келганда сал-пал тўқ яшай бошлаган халқнинг бирданига қашшоқ, ночор ҳолга келиб қолиши ҳурфикрликка путур етказиб, хурофотга, мистикага мойилликни кучайтирди. Диний мутаассибларга қулай шароит яратди.

Оламга муносабат, онг, дунёқараш, маънавий муҳит ўзгара бошлади, илм-фанга, адабиёт ва санъатга рағбат сусайди. Бу дунёвий адабиётнинг, нафис санъатнинг, табиий фанларнинг аста-секин XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб, Туркистон уч давлатга бўлиниб кетганидан кейин (XVIII аср) эса чуқур таназулга юз тутишига олиб келди. Адабиётда диний-мистик мотивлар кучайди.

Бизнинг маданиятимиз жаҳоннинг етакчи маданиятлари қаторидан (IX–XV аср) унинг провинциал қолоқ маданиятлари қаторига ўта бошлади. Тафаккуримиз аста-секин провинциаллик, маҳдудлик касб этди.

Шундай қилиб, маънавиятимизнинг гуркираб ўсиши, сўнгра турғунлик ҳолатига тушиб қолиши анъанавий жамиятнинг вужудга келганлигига бориб тақалади. Анъанавий жамиятнинг асосий белгиларидан бири бутун ижтимоий ҳаётнинг догматик ғояларга, мафкуравий қолипларга, андозаларга мослаштирилиши, дедик. Жонли ҳаётнинг қотиб қолган мафкурага бўйсундирилиши йилдан-йилга мафкуравий мутаассибликни кучайтириб, ҳурфикрликни, ижодий ва танқидий тафаккурни бўғади. Бизда айнан шун-

дай бўлди. Ижтимоий ҳаётимиз анъанавийликка кўчиши жараёнида ҳурфикрликка путур ета бошлади. Исломда мутаассиблик ғолиб келгандан кейин аждодларимизнинг ижтимоий-маданий тафаккури ва интилишлари туб янгиликларга, туб ўзгаришларга, ижтимоий ривожланишга қаратилган ғояларни аста-секин қабул қилмай қўйди.

Жамият маҳдудликка бурилди, янгиликлардан юз ўгирган ёпиқ жамиятга айланди, маънавий мўлжалларимиз ўзгармас анъаналар бўлиб қолди. XVI асрдан бошлаб табиатшунослик муттасил ортга кета бошлади ва оқибатда чуқур инқирозга дуч келди.

Адабиёт ва санъат эса анъанавийлик негизида ривожланди. Бадиий изланишлар, бадиий тажрибалар кўпроқ анъанавий мавзулар, сюжетлар, ҳатто анъанавий композицион қурилмалар замирида олиб борилди. Мисол тариқасида хамсачилик анъаналарини эслашнинг ўзи кифоядир. Хамсачиликда асар мазмунига ва шаклига оид анъанавий элементларни кўплаб учратамиз. Янгилик ва замонавийлик хамсачиликда муаллифнинг ўз даврининг конкрет муаммоларини мажозий ва рамзий усулда акс эттира олишида, анъанавий ғояларни, мавзуларни ўзига хос тарзда замон руҳига мос талқин қила билишда намоён бўлди. Шундай қилиб, бадиий ижодда замонавийлик анъанавийлик қобигида, унга бўйсунган ҳолда ўзига йўл очди.

Жамият онги, дунёқараши, адабиёти ва санъати, маънавий муҳити учун кескин сифат ўзгаришлар, янгиланиш, ўзининг тарихан эскирган жиҳатларидан очикчасига воз кечиш хос бўлмади. Натижада миллий характеримизда муросағўйлик, катталар ва бошлиқлар сўзига қулоқ тутиш, уларнинг таклифлари ва буйруқларини рад этмаслик, айниқса, маънавий ҳаётни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида хизмат қиладиган расмий ва норасмий шахсларга тўла бўйсунуш қарор топди.

(Мана шундай мўмин-қобиллик психологиясидан кейинги йилларда айрим диний анъаначи-мутаассиблар ҳам, диний радикаллар (кескин, туб ўзгариш тарафдорлари) ҳам фойдаланишга ҳаракат қилди. Ҳизбут-таҳрирчилар ва ваҳ-

ҳобийлар диний анъаналарни радикал ва экстремистик усуллар билан тиклашга ҳаракат қилувчи гуруҳлардир).

Турмуш тарзи таъсирида миллий ирода шаклланади. Ундаги кучли фазилатлар ва айрим нуқсонлар юқорида зикр этилган омилларга бориб тақалади. Анъанавийлик, муросагўйлик, индивидуал манфаатлар ва интилишларнинг иккинчи даражали деб ҳисобланиши, устунликнинг жамоавийликка берилиши ва ш. к.лар, бир томондан, кишида интизомни ва жамоа учун фидойиликка тайёр бўлишни шакллантирди, иккинчи томондан — уруғ-аймоқчиликка, маҳаллийчиликка мойилликни озиқлантирди ҳамда ўзи ва оиласи, ўз эътиқоди ва ғоялари учун кураша олиш қобилиятини сусайтирди.

Ҳаётий энг зарур ва қимматли ғоялар, кашфиётлар, янгиликларни олға сурган буюк мутафаккирнинг, ёш олимнинг ишини, агар у мавжуд анъаналарга зид келса, қолақ фикрли амалдорлар, оқсоқоллар ўтмишда икки оғиз сўз билан жамоа назарида обрўсизлантиришга қодир бўлган, жамоа иродасини ўзлари истаган тарзда бошқарганлар.

Ислонда мазҳаблар ўртасидаги ўзаро кураш ва унинг натижасида кучая бошлаган диний ва сиёсий мутаассиблик туфайли ижтимоий сафарбарлик сусайиб борди. Сунний Мовароуннаҳр ва шиавий Эрон ўртасидаги Хуросон учун кураш қандай оқибатларга олиб келгани тўғрисида чех олими Ян Рипка қуйидаги фикрни баён қилади: «Сафавийлар бутун Хуросонни, жумладан, Балх минтақасини босиб олдилар ва аҳолини шиа мазҳабига ўткази бошладилар. Тус, Машҳад ва айниқса Ҳирот Тахмасп I пайтида ўзбек хонларининг доимий хужумларидан зарар кўрди. Оқибатда Ўрта Осиё ва Эроннинг бир-биридан тўлиқ маҳдудланиши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узилиши ҳамда Хуросоннинг таназзулга учраши юз берди. Бу сафавийларнинг тарихий айбидир»¹.

Юқорида таъкидланганидек, муҳолиф Эрон ўртада ажратиб тургани учун Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан алоқаси суса-

¹ Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы. М., 1970, 275-б.

йиб қолди. Буюк Ипак йўлининг Васко да Гама кашфиётларидан кейин пасая бошлаган аҳамиятига янада қаттиқ путур етказилди. У ўз иқтисодий ва маданий мавқеини қайта тиклай олмади.

Масаланинг яна бир томони ҳақида фикр юритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ислом ўзининг шаклланиш ва дастлабки ривожланиш асрларида (VII–XI) оламга янгича муносабат, янгича дунёқараш сифатида, аввалги тарихий ғояларга таққослаганда, баъзи соҳаларда нисбатан илғорроқ ғояларни олға сурди ва илғорроқ ижтимоий амалиётни рағбатлантирди, жамиятни ягона ғоявий ва диний негизда жипслаштирди.

Шу сабабли у кўп халқларни ўзига жалб қилди. Ўша асрларда исломга эътиқод қилиш, ишонч рационал моҳият касб этган эдики, у ислом тамаддунининг энг буюк ютуқларга эришишига олиб келди. Бу рационал ишонч маълум даражада XVI асргача сақланиб қолди. Лекин XI аср иккинчи ярмидан бошлаб ислом оламининг шарқида, шу жумладан Туркистонда, XII аср охиридан Ғарбда (ал-Андалуз, Кордова халифалигида) унинг самарадорлиги суся бошлади.

Ғарбнинг машҳур олими Эрих Фромм: «рационал ишонч... самарали ақлий ва ҳиссий фаолликка асосланган қатъий эътиқоддир», — деб ҳисоблайди. Фикрини давом эттириб: «рационал ишончнинг асосини самарадорлик ташкил этади; ишонч билан яшаш самарага эришиб яшашни ва шу нарсага амин бўлишни билдирадими — ўсиш ва ривожланиш фақат самарали фаолият асосида рўй беради...»¹ — дейди.

Исломга эътиқод дастлаб рационал бўлган, яъни самарали фаолиятга таянган. Тақдири азалга ишонч ижтимоий фаолликка халақит бермаган. Аксинча, жамиятда «Аллоҳ ҳам «сендан ҳаракат — мендан баракат» дейди» каби мақоллар ахлоқий ва иқтисодий меъёр, ижтимоий мўлжал бўлган. Шу сабабдан ислом Туркистонда, бутун мусулмон оламидагидек, бу даврда юксак тараққиётни таъминлай оладиган маънавиятнинг негизи — дунёқараш ва мафкураси эди.

Лекин догмалаштирилган ҳар қандай таълимот ва мафкура эртами-кечми ҳаётдан ортда қолади. Уларга нисбатан

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. М., 1993 г., 158–160-б.

аҳолининг ишончи аста-секин ишонмасликка ёхуд рационал ишончдан иррационал ишончга айланди. Ижтимоий фаоллик ўрнини ижтимоий пассивлик, «мўъжиза» кутиш эгаллайди. Халқнинг ижодкорлик ғайрати, кашфиётга интилиши сусаяди. Ижтимоий инерция кучаяди. Жамият олға ривожланиш ўрнига ўз-ўзини такрорлай бошлайди — анъанавий жамиятга айланади.

Шарқ динлари маънавий ривожланишни унинг моддий асосларидан, моддий ишлаб чиқаришдан ажратдилар. XVI асрдан бошлаб Шарқнинг Фарбдан ортда қолишининг маънавий сабабларидан бири Шарқ ижтимоий-маданий мўлжалларини инсоннинг ички камолотига, камсуқумликка, сабр-қаноатга қаратилганидир. Янги ютуқларни қўлга киритишга, янги эҳтиёжларни шакллантиришга кишини буддизм, конфуцийчилик, даосизм, ислом ва бошқа шарқ таълимотлари — на динийлари, на дунёвийлари — рағбатлантирмаганлар. (Христиан дини доирасида ҳам нисбатан эскироқ, ортодоксал оқимларнинг тараққиётга таъсири ҳақида шундай дейиш мумкин. Масалан, православие оқимига мансуб халқар (юнонлар, руминлар, болгарлар, серблар, руслар, украинлар, белоруслар ва ш. к.) католикларга нисбатан анча ортда қолдилар. Ўз навбатида католицизмда анъанавийликка мойиллик кучайиб кетган бир пайтда, протестантизм оқими пайдо бўлди. Фарб миллатларининг деярли аксарияти икки оқимга — католикларга ва протестантларга бўлинади. Бир миллат ичида ҳам уларнинг протестантларга оид қисми ижтимоий ва маданий жиҳатдан кучлироқ ривожланган. Булар ҳақида китобнинг «Маънавият ва иқтисодиёт» бобида сўз юритилади.)

Маънавиятимиз онгнинг, дунёқарашнинг борлиққа нисбатан амалий муносабати сифатида XV асрнинг охиридан то XX аср бошигача жамиятни янгилашни, умуман янгилианишни мўлжал қилиб олмаган, унга интилмаган. Натижада XVI асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда узилкесил анъанавий жамият шаклланди. Шайбонийхонлардан бўлмиш анча тараққийпарвар Абдуллахон II ҳам, кўп ободончилик ишларини амалга оширган бўлса-да, жамиятни тараққиёт томон буриб юбора олмади. Жамиятимиз қолақликка маҳкум бўлди ва XIX асрнинг иккинчи ярми-

да мустамлакачилик исканжасига, мутеликка тушиб қолдики, бу 130 йил давом этди. IX асрдан XVI асргача дунёнинг энг тараққий этган халқлари қаторига кирган, инсониятнинг ўша даврда энг кўп даҳоларини етиштириб берган халқимизнинг XX аср бошларидаги энг пешқадамлари, илғорлари — жадидлар — кримлик Исмоил Гаспиралининг мусулмон мадрасаларида 20 фоиз (бор-йўғи 20 фоиз!) дунёвий фанлар ўқитилсин, деган ғоясини маънавиятдаги буюк инқилоб деб қабул қилди ва амалга ошира олмай кўп қийналди. Улуғбекдан кейинги беш асрда қай даражада маънавий қашшоқланганимиз, инқирозимиз тубанлиги шу мисолда ҳам кўриниб турибди.

Афсуски, ҳозиргача жамият аъзоларининг бир қисмида анъанавийликка мойиллик қисман сақланиб қолган ва у мустақиллигимизнинг мустаҳкамлашга, шубҳасиз, ҳалақит беради.

«Ўзга юртда хон бўлгандан, ўз юртингда гадо бўл» деган мақолни икки хил тушуниш мумкин. Бир томондан, унда она тупроққа, ватанга муҳаббат акс этган бўлса, иккинчи томондан, турғунликка ва маҳаллийчиликка мойиллик ифодаланган, шахсий ташаббус бўғилиши ахлоқий меъёр даражасига кўтарилган. Ахир ўзга юрт деганда кўпинча узоқ мамлакат эмас, 5–6 чақирим нарида жойлашган қўшни қишлоқдан кейинги қишлоқ тушунилган. «Дарахт бир жойда вояга етади», «Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши» мақоллари ҳам худди шундай. «Камтарга камол, манманга завол» — фақат яхши хулқни, одобни тарғиб этмайди, шунингдек, ижтимоий пассивликни, бечораю мўминликни ҳам шакллантиради, кишида ижобий маънодаги танқидий руҳни сўндиради.

Халқ мақолларини чуқур таҳлил этсак, улар орқали ота-боболаримизнинг энг кучли ва энг заиф томонларини билиб оламиз. Чунки мақоллар маънавиятнинг воқелашган шакллари, ахлоқий меъёрлари, ижтимоий мўлжалларидир.

Тарихий жараённинг мазмуни, кўздан яширин сабабиятини маънавият билан боғламасдан тўла тушуниш қийин.

Мустақиллик шароитида энди биз маҳаллийчилик,

ижтимоий турғунликка мойиллик психологиясини енгишимиз зарур. Акс ҳолда кўп қийинчиликларга дуч келишимиз тайин.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин: анъанавий жамиятнинг моддий асосларини иқтисодий турғунлик, ишлаб чиқариш усулининг ўзгармаслиги ташкил этса, маънавий асосларни эса назарий ва мафқуравий догматизм, танқидий руҳнинг, ижодий ташаббуснинг сўниши, мавжудлик ҳолатидан мудом қаноат ҳосил қилиш туйғуси ташкил этади.

СОВЕТ ДАВРИДА МАЪНАВИЯТИМИЗГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН БАЪЗИ ОМИЛЛАР

Совет даврида мулкый муносабатлар тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан деярли тўлиқ давлат мулки ўрнатилди. Колхоз-кооператив мулки давлат тасарруфидан ташқарида ҳисобланса-да, амалда колхоз ва кооперация учун ҳам давлат режаси белгиланиши, тўлиқ назорат ўрнатилгани бу мулк шаклининг мустақил бўлмаганини кўрсатади.

Коллективлаштириш бошланиши билан эса ерга нисбатан давлат мулкидан ташқари мулкчилик шакллари бекор қилинди (колхоз ернинг эгаси эмас, ижарачиси эди).

Ишлаб чиқариш воситаларини, ерни амалда давлатлаштириш ишчи ва деҳқон оммасини улардан ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан, жамиятда яратилаётган бойликлардан бегоналаштирди. Совет тузуми меҳнаткаш оммани нафақат пролетарлаштирди, балки унинг бир қисмини ноиқтисодий зўрлаш ва юридик ҳуқуқларини имкон қадар чеклаш орқали колхозчиларни давлат крепостнойига (ГУЛАГ тизимидаги маҳбусларни муайян муддатга давлат қулига) айлантирди (колхозчиларга Хрушчёв ислоҳотларигача паспорт берилмаслиги; меҳнат кунининг мажбурий минимуми бўлиши — баршчинанинг социалистик кўриниши — уни бажармаганларнинг жиноий ва бошқа турдаги жазоларга тортилиши; колхозчиларга натурал солиқ солиниши ва шу кабилар янги шаклдаги крепостнойлик эди). Чунки «мулкка эгалиқдан ўзимизни

бегоналаштириб, бизнинг ўзимиз мулкка айланиб қоламиз, биз ўзлигимиздан, инсоний шахсиятимиздан жудо бўламиз»¹.

Ҳақиқатан, совет кишилари давлатнинг мулкига, у қурмоқчи бўлган янги жамият биносининг оддий гиштига, оддий механик унсурларга айланиб қолган эди.

Давлатлаштириш туфайли мулкдан бегоналаштириш, меҳнаткашнинг крепостнойлар каби мулкка айланиб қолиши, Э. Фромм ва Р. Хирау таъбири билан айтганда: «Кундалик турмуш тушунчаларида бу — бизнинг ўз шахсиятимиз айниятини йўқотишга мойиллигимизни билдиради. Ижтимоий ҳаёт тушунчаларида у (ҳаёт) ҳам индивидуал мавжудлик бизга қай даражада хос бўлса, шу даражада хосдир, бу ҳол бизнинг ўз эркинлигимизни ва ўз масъулиятимизни йўқотганимизни билдиради»².

Эътироф этиш лозимки, ушбу иқтибослар совет тузуми танқидига бағишланган мақоладан олингани йўқ. Улар антропологик фалсафа ва психологияга оид илмий асарга ёзилган сўзбошидан олинди.

Собиқ СССРда казарма социализмининг энг ашаддий шакли қурилди. Очигини айтганда, бу тузум Сталин даврида ўзидан аввал ўтган антагонистик тузумларнинг барча кўринишларини деформация қилган ҳолда ўз ичига олади; юқорида айтилганидек, ГУЛАГ тизими — қулчиликни, колхоз тизими — крепостнойликни қайта тиклаган бўлса, саноат ва совхоз тизими казармача социализмни, денгиз балиқчилиги ва чекка Шимолдаги айрим қурилишлардаги ҳақ тўлаш қисман шаклланаётган капитализмни, яширин иқтисодиёт — илк ва ўрта тараққий этган капитализмни маълум даражада қайта тиклади.

Тўғри, совет давлати халқни маориф ва маданиятга жалб қилишга уринди. Меҳнаткашларнинг болаларига ўқишга киришда, мутахассисликни эгаллашда имтиёз берилди.

Деҳқонлар орасидан етишиб чиққан иқтидорли ёшлар-

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Предисловие к антологии «Природа человека», «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности» китобида. Москва, 1990 йил, 159-б.

² Ўша манба, ўша ўринда.

га ҳам шаҳарларга бориб олий маълумот олишга, уларнинг энг истеъдодлиларига фан, адабиёт ва санъат чўққиларини забт этишга тўсқинлик қилинмади. Аммо давлатнинг деҳқонларга амалдаги муносабати уларнинг моддий манфаатларини тўлиқ инкор этишга, деҳқонларни, умуман, барча меҳнаткашларни кучли эксплуатация қилиш эвазига санотни ва ҳарбий соҳани ривожлантиришга қаратилган эди. Аввалги жамиятлардаги синфий эксплуатация совет тузумида давлат эксплуатацияси билан алмаштирилди.

Бундай шароитда меҳнаткашлар ўртасида норозилик бўлиши табиий эди. 20-йилларда, 30-йилларнинг бошида шундай бўлди ҳам. Аммо давлат репрессия машинаси пухта ўйланган, чарчамасдан ва бузилмасдан ишлашга мослаштирилган эди.

Совет давлати ва КПСС, айниқса, деҳқонларга нисбатан камситиш сиёсатини ўтказди. Чунки марксизм-ленинизм деҳқонларга шубҳа билан қарайди: деҳқонлар ўтмишда эксплуатация қилиб келинган синф сифатида пролетариатга яқин турса, майда мулк эгаси сифатида буржуазияга яқин туради, деб ҳисоблайди. Деҳқонлар психологиясини пролетариат доҳийлари майда буржуа психологияси деб, деҳқонларнинг ўзларини эса консерватив синф деб, уларнинг мафкурасини эса ярим диний ва реакцион деб баҳоладилар. Бу билан деҳқонлар дунёқарашини, маданиятини чеклаш ва сиқиб чиқариш сиёсатини асосладилар. Совет давлати, табиийки, доҳийлар кўрсатмасини оғишмай амалга ошириб келди.

Ишлаб чиқарувчининг ўз маҳсулотларидан ва умуман, мулкчиликдан тўлиқ бегоналаштирилиши, ижтимоий ҳаётнинг ҳаддан зиёд давлатлаштирилиши, тақсимоатдаги текисчилик, иқтисодиётнинг ва турмушнинг маҳсулот етишмаслигига (дефицитга) асосланиши ва бошқа камчиликлар ижтимоий онга ва инсоний муносабатларга кўп путур етказди. Совет тоталитар тузуми жамият ва инсон онгини, дунёқарашини, ахлоқий ва эстетик қадриятларини, ақлий ва ҳиссий муҳитини, ҳаётга муносабатини, умуман, маънавиятни чуқур деформация қилди.

Ўзбек халқи ҳам шахсга сифиниш йиллари террор ва репрессия муҳитида, турғунлик йиллари ижтимоий ёлғон,

сохталик муҳтида яшади. Бу ҳолат, шубҳасиз, маънавия-тимизга ҳам кучли таъсир этди. Жамиятда иккиюзламачилик, икки хил стандарт асосида яшаш, иш билан сўз бирлигининг бўлмаслиги, сиртдан мадҳиябозлигу доҳийларни зўр бериб мақташ, ичдан эса ижтимоий лоқайдлик ва бепарволик, ижтимоий бегоналашиш ва меҳр-оқибатсизлик, молпарастликка мойиллик каби иллатлар вужудга келишига замин бўлди.

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик, биринчидан, боқимандалик кайфиятини ривожлантирди, ишлаб чиқаришда исрофгарчиликни рағбатлантирди. «Давлат боқиши лозим, давлат бўлса, фуқаросини боқсин» каби тушунчалар совет даврида халқнинг бир қисми онгида ўрнашиб қолган. Бугун айрим кишилар иш ахтариш, янги ихтисосликни, янги касбни эгаллаш ўрнига, турли маҳкамаларга ёрдам сўраб мурожаат этадилар. Баъзилар эса «берсанг — ейман, урсанг — ўламан» қабалида лоқайдлик билан муаммоларнинг четдан ҳал қилинишини кутиб ўтирибдилар.

Ишлаб чиқаришда эса исрофгарчилик жуда секин камаймоқда. Деҳқончиликда сувдан, захиралардан тежаб фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Қисқаси, ишлаб чиқаришда эгалик ҳисси етишмайди. Бу совет давридан қолган энг оғир асоратлардан биридир. Шу боисдан Ислом Каримов боқимандалик кайфиятидан одамларни халос этиш, эгалик ҳисси, мулкдорлик ҳиссини тарбиялашни Ўзбекистондаги янги жамият қуришнинг муҳим шартлари қаторида алоҳида таъкидлайди¹.

Совет даврида меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик, иккинчидан, стихияли равишда даромадни қайта тақсимлашга интилишни кучайтирди. Кейингиси турли кўринишларда юз берди: корхоналарда йилдан-йилга авж олиб борган ташмачилик, кўшиб ёзиш ва шу кабилар.

СССРнинг кейинги 25–30 йиллик даврида ўтмишда увол-савобни, ҳалол-ҳаромни, инсоф ва адолатни яхши тушунадиган халқимизнинг талайгина вакиллари меҳнатсиз даромадни кўпайтиришдан, ташмачиликдан, давлатни ва

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 43-б.

бир-бировни алдашдан ҳазар қилмай қўйди. Бошқалар эса бунга қўл силтаб қўя қолди, кўриб кўрмасликка олди.

Демак, совет даврининг охирги йилларида шаклланган маънавий муҳит ўғирликка, ҳаром-харишга муросасизлик қилолмади. Бунинг асосий сабаби — давлатнинг, мулкнинг халқдан тобора бегоналашиши, тақсимотда ижтимоий адолатнинг бузилиши эди. Бундай шароитда эзгулик, гўзаллик, виждон, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, тараққийпарварлик, адолатпарварлик каби маънавиятнинг ўзак тушунчалари ҳам деформацияга учради.

Инсоф ва диёнат туйғулари ўтмаслашди, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни менсимаслик, шахсий муносабатларда меҳр-оқибат туйғуларидан совуқ худбинликни устун қўйиш кучайди. «Мингта сизу биздан битта жизу биз яхши» каби ахлоқий меъёрлар одатий тус ола бошлади, коммунистик идеалларга ишонч йўқолди. Чунки совет давлати кишиларнинг янги адолатли жамиятга интилишидан, коммунистик шаклда баён қилинган, аслида умуминсоний бўлган идеалларга ишончидан тоталитар ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун фойдаланди, бу ишончни суиистеъмол қилди, ўзининг тор мақсадларига эришиш воситасига айлангирди. Шу ўринда Ғарбнинг атоқли психоаналитик файласуфи Эрих Фромм олға сурган бир фикр диққатга сазовордир: «Айнан ишонч ва ҳокимият бир-бирини истисно қилишлари туфайли аввал-бошда рационал ишончга асосланган барча динлар ва сиёсий тизимлар, агар кучга таяна бошласа ва ёки у билан шунчаки иттифоқ тузса, тамагирга айлана боради ва оқибат-натихада ўз таъсирини йўқотади»¹.

Совет кишиларнинг онгига кучли тарғибот ва ташвиқот воситасида мажбуран сингдирилган коммунистик ғоялар ва омолларга ишонч ҳам ўғирликка, тамагирликка айлана бошлади.

Янги «адолатли социалистик жамият» қуриш учун қўлланган номақбул усуллар, воситалар — зўравонлик, ноиктисодий мажбурлаш, мафкуравий муросасизлик ўзига хос истеъдод ва қобилиятга эга бўлган инсон интилишларига нописандлик, ёппасига назорат социализмдан кўзлан-

¹ Эрих Фромм. «Психоанализ и этика». Москва, 1993 йил, 161-б.

ган асосий мақсаднинг унутилишига сабаб бўлди. Бундай сиёсат юритилганда «воситалар мақсадлардан мустақил бўлиб оладилар; улар мақсадлар ролини ўзлаштириб юборадилар, гўёки мавжуд мақсад эса фақат хаёлдагина қолади»¹.

КПСС ва совет давлатининг сиёсати туфайли социализмнинг мақсадлари ҳам амалда эмас, хаёлдагина, ширлар ва тарғибот адабиётларидагина мавжуд бўлиб қолди.

Жамиятдаги барча ҳодисаларга, шу жумладан, маънавий маданиятга курашчан партиявийлик ва тор синфийлик, вульгар атеизм нуқтаи назаридан ёндашиш совет даврида миллий маданиятларнинг, ижтимоий онгнинг бир томонлама ривожланишига сабаб бўлди. Коммунистик мафкуранинг ўта меъерийлиги ва догмалашгани жамият маънавиятига анча зиён етказди.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг догматик мафкурага бўйсундирилиши оқибатда совет жамиятининг турғунлигини белгилади ва уни биқик доирада ҳаракат қиладиган анъанавий жамиятга айлантира бошлади. Адабиёт ва санъатда бу — социалистик реализм деб аталадиган бадий усулда намоён бўлди.

Лениннинг «Коммунистик ахлоқ асосида коммунизм учун кураш ётади» деган «ҳикмати» ихтиёрий сиёсий айфоқчилик, сиёсий чақимчилик, юмалоқ хат ёзиш каби салбий хислатларни шакллантирди ва ахлоқий фазилатларга путур етказди.

Биз бундай ахлоқдан (ахлоқсизликдан) қутулиб, ўзимиздаги миллий номукамаллик, камситилиш ҳамда ижтимоий қўрқув туйғуларини бартараф этишимиз лозим. Мустамлакачилик даврида бизнинг халқимизда миллий номукамаллик, камситилиш туйғуларини шакллантиришга зўр бериб уринилди. Шу боис миллий қаҳрамонларимиз жиноятчи ёки қонхўр жаллод деб эълон қилинди. Миллий ғуруримиз топталди. Чоризм даврида гўёки халқимизнинг ёппасига саводхон бўлиши учун 4600 йил керак эканлиги Россиясиз тараққиётга эриша олмаслигимиз каби ғояларни онгимизга сингдиришга ҳаракат қилдилар.

Совет даврида ҳам нозиклаштирилган шаклда «буюк оғамиз»дан мустақил тараққий этишимиз, ҳатто, яшай оли-

¹ Эрих Фромм. «Психоанализ и этика». Москва, 1993 йил, 161-б.

шимиз мумкинлиги шубҳа остига қўйилди. Боғчадан бошлаб олий мактабгача, ишлаб чиқаришдаги сиёсий-мафкураравий тадбирлардан то дам олиш пайти томоша қилинадиган телевидение ва радиоэшиттиришларигача — барчасида совет тузумисиз, социалистик байналмилал ўзаро ёрдамсиз бизнинг кун кечира олмаслигимиз узлуксиз уқтирилди.

Булар беиз кетмади. Халқимизнинг бир қисмида миллий номукаммаллик, камситилиш туйғуси муайян даражада шаклланди, миллий ғуруримизга анча-мунча путур етди. Эндиликда миллий номукаммаллик туйғусидан халос бўлиш, миллий ғурурни тўлиқ қайта тиклаш истиқлолни мустақамлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида миллий ғуруримизни тўлиқ тиклаш учун ҳам истиқлол зарур. Чунки биз яна жаҳоннинг тараққий этган халқлари даражасига кўтарилсаккина, иқтисодиётда, фанда, маданиятда оламга кўз-кўз қилгудек ютуқларни қўлга киритсаккина миллий номукаммаллик туйғусидан халос бўламиз. Зеро, миллий ифтихорнинг асосини халқ турмуш фаровонлиги (иқтисодиёт) ва унинг ақлий ва ҳиссий (санъат, илм-фан), жисмоний (спорт) соҳаларда эришган ютуқлари ташкил этади. Зарур ютуқларни эса мустақилликсиз қўлга кирита олмаймиз.

Миллий иродани чиниқтириш ва мустақамлаш аҳолининг бир қисмини узоқ ўтмишдан келаётган қўрқув туйғусидан халос қилишни тақозо этади.

Мўғул истилоси давридаги қатли омлар; турли даврдаги тож-тахт учун урушлар, улар оқибатида халқнинг бошига тушган кўргуликлар, Туркистоннинг уч давлатга бўлиниб кетиши, бу давлатлар ўртасидаги носоғлом рақобат ва қон тўкишлар, жоҳиллик ва зўравонликнинг тантана қилиши, ижтимоий ночорлик ва иложсизлик, эртанги ҳаёт учун аниқ кафолатнинг йўқлиги аҳолининг бир қисми онгига қўрқув ҳиссини сингдириб юборди.

Чор Россияси ва совет тузуми озодлик учун қилинган ҳар қандай миллий хатти-ҳаракатни аёвсиз бостиргани, «босмачилар» ва аксилнқилобчиликка қарши кураш ниқоби остида халқнинг энг ижтимоий фаол ва саводхон қатламининг аксариятини қириб ташлаши ёки чет элларга қочишга мажбур этиши, Сталин қатағонлари, «дебсан-

дебсан» сохта айби билан оддий кишиларни ҳам қамаш; 80-йилларда ўйлаб топилган «ўзбеклар иши» ўша тарихий қўрқувни янада кучайтирди, сиёсий лоқайдлик учун замин бўлди.

Натижада халқимизнинг талай қисмида бечоралик, бўш-баёвлик, ўз ҳақини талаб қила олмаслик, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик кўникмаси вужудга келди.

Мустақиллик шароитида бундай камчиликлар тараққиёт йўлида катта ғов бўлмоқда. Айниқса, аҳолининг айрим қисмидаги бепарволик ва ижтимоий сусткашлик ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб ололмаслик ўтиш даврида айрим қаллобларга қўл келмоқда.

Совет даврида маънавиятимизнинг ривожланиши ва деформацияланишига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив омиллар тўғрисида ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси бўйича алоҳида тўхталиш лозим. Бу ерда фақат бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз: совет тузумининг маънавиятимизга таъсирини ҳам бирёқлама баҳолаш мумкин эмас.

Совет даври ривожланишининг бошқа бир томони ҳам бор эдики, биринчидан, совет давлати инсонга янги социалистик жамиятни қуришнинг бир гишти, воситаси деб қаради. Бу жамиятни қуришда у ҳар қандай қурбонлардан, ҳар қандай зўравонликдан тап тортмади. Натижада эълон қилинган энг олий мақсад — «хамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиори тескари самара бера бошлади. Инсонпарварлик емирилди, жамиятда аксилинсонийлашиш (дегуманизация) жараёни бошланди. Ижтимоий ёлғон, сохталик, ички қўрқув ва ташқи мадҳиябозлик, иккиюзламачилик ва бефарқлик, ўзибўларчилик бу давр кишисини аста-секин зомбиларга айлантира бошлади.

Иккинчидан, халқларнинг тараққиёт даражасини тенглаштириш жараёнида уларни «байналмилалчилик» тамойиллари асосида «совет халқи» деб аталмиш тарихий birlikда рус халқи билан ассимиляция қилиб юборишга уриниш бўлди. Шу боисдан совет даврининг охириги ўттиз йилида — КПСС XXII съезидан бошлаб миллий тиллар, миллий маданиятлар, она тилида ўқиш, миллий кадрларнинг ўсиши ниқобланган шаклда чегаралаб борилди. Мил-

лий республикаларнинг аҳолиси таркиби байналмилаллаштирилди, яъни уларнинг орасига сунъий равишда бошқа миллат вакиллари жойлаштирилди.

Аста-секин ёш авлодда миллий нигилизмни шакллантириш бошланди: бу ҳол ўз она тилини яхши билмаслик, миллий қадриятларига, миллий манфаатларига беписанд қараш ва шу қабиларда намоён бўлди. Бугунги кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун биз совет даврида марксизм-ленинизм негизида шаклланган маънавиятга, маънавий асосларга таяна олмаймиз.

Замон эски маънавий қадриятларимизнинг аксариятини моҳиятан, мазмунан мустақиллик талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган дунёқарашни, мафқурани, ахлоқий ва эстетик меъёрларни, ижтимоий мўлжалларни, омолларни шакллантиришни, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни, ижтимоий-маънавий муносабатларимизни такомиллаштиришни, маданиятимизни юксалтиришни тарихий даврнинг ўзи кун тартибига қўйди.

Маданий ва диний меросга муносабатимизни ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётда пешқадам мамлакатлар сафига қўшилиш ҳамда инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби қадриятларни ижтимоий ҳаётимизнинг одатий меъёрига айлантириш заруратидан келиб чиқиб белгилашимиз керак.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Мустақилликни мустаҳкамлаш ташкилий, бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда маънавий ҳаётда содир бўладиган ишларга ҳам боғлиқ.

Халқимизнинг озодликка, ҳурриятга интилиши, совет давлатидан ва ижтимоий адолат бузилишидан, амалдаги миллий тенгсизликдан норозилик, адолатни қўмсаш, умуман миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши истиқлолга эришишнинг маънавий пойдевори бўлди. Аммо булар совет тузумини маънавий жиҳатдан қабул қилмаслик, инкор этиш ва тарихий қулай вазиятда истиқлол йўлини танлаш учун етарли бўлса-да, мустақилликни мустаҳкамлаш учун камлик қилади.

Чунки мустақиллик шароитида ривожланиш «инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш»ни¹ талаб қилади.

Мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун фақат давлат тизимлари ва зарур қонунлар мажмуасини яратиш етарли эмас, шунингдек, янгича ҳуқуқий онг ва умуман янгича сиёсий маданият ҳам зарур. Бу сиёсий маданият совет давридагидан фарқли ўлароқ, бир томондан, юксак ахлоққа, ватанпарварликка, илғор миллий ва замонавий анъаналарга, фуқаровий онгликка таянса, иккинчи томондан, демократик қонунларга ва ҳуқуқий меъёрлар устуворлигига, уларнинг ҳамма учун бирдай мажбурийлигига таянмоғи лозим.

Иқтисодий мустақиллик ҳам, совет давридагидан фарқли ўлароқ, янгича иқтисодий тафаккурни, бозор муносабатларини яхши ўзлаштиришни, бозор ва соғлом рақобат билан боғлаб янгича тушуниладиган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни (инсоф, адолат, ҳалоллик, виждон) ўзлаш-

¹ **Ислом Каримов.** Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Халқ сўзи», 1999 йил 3 февраль.

тиришни, ўтмишдаги бозор муносабатларига оид маънавий қадриятларимиз, маданий меросимиздан фойдаланишни тақозо этади.

Мустақиллик шароитида ривожланаётган ижтимоий муассасалар, масалан, таълим-тарбия, оила ва шу кабилар ҳамда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги мулкӣ, иқтисодий, ҳуқуқӣ, ахлоқӣ, маданий, маиший муносабатлар, шунингдек, турмуш тарзининг кўпчилик соҳалари ҳам совет даврида қарор топган маънавий меъёрларга тўлиқ таяна олмайди. Бу – илм-фан, адабиёт, санъат каби халқ маънавий ҳаётининг энг нозик ва ижодий соҳаларига ҳам тааллуқли.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик ўзининг янги дунёқарашига ва асосларига эга бўлмоғи лозим.

«Маънавий асослар» тушунчаси «маънавият» тушунчасига нисбатга кенг. Чунки «маънавий асослар» «маънавият»дан ташқари, мафкуравий муносабатларни, маънавий-мафкуравий вазифаларни бажарувчи ижтимоий муассасаларни, кенг маънодаги маънавий ҳаётни ҳам қамраб олади. Мустақилликнинг маънавий асослари деганда Ўзбекистон маънавий ҳаётининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи моддий ишлаб чиқаришга оид бўлмаган барча асосий омиллар назарда тутилади, шу жумладан, давлатнинг таълим-тарбия, маданият, мафкура ва тарғибот-ташвиқот соҳаларида олиб бораётган сиёсати ҳам.

Шундай қилиб, мустақилликнинг маънавий асослари шаклан ранг-баранг, мазмунан ўзаро кескин фарқ қиладиган мураккаб тизимдан иборат.

Маънавий асослар, моҳиятига кўра, мустақилликни рўёбга чиқариш, мустақкамлаш ва янада ривожлантириш учун хизмат қиладиган ижтимоий туйғулар, ғоялар, қарашлар, тамойиллар, назариялар ва ижтимоий мўлжаллар, омоллар тизими бўлса, воқелигига кўра, уларнинг маданий меросда, замонавий адабиёт ва санъат асарларида, шунингдек, жамиятнинг ақлий ва ҳиссий муҳитида, миллатнинг иродасида, давлатнинг мафкуравий-тарбиявий сиёсатида, ижтимоий муассасалар фаолиятида намоён бўлишидир.

Маънавий асос, энг аввало, шахс ва жамиятнинг воқеликка – табиатдан то инсонгача, ижтимоий муносабатлар-

гача бўлган фаол муносабатидир. Бу муносабат рационал, самара берадиган ишончга асосланган бўлиши лозим.

Жамият ва инсоннинг воқеликка муносабатини учга бўлиш мумкин.

Биринчидан, умумий дунёқараш йўналишига оид муносабатлар, ўтмишга бериладиган баҳо, келажак ҳақидаги тасаввурлар, унга эришиш учун қилиниши лозим бўлган ва ҳоказолар тўғрисидаги режалар, интилишлар.

Бу муносабатлар жамиятнинг умумфалсафий қарашларидан ва ижтимоий мўлжалларидан келиб чиқади. Улар «инсон – жамият» муштараклиги ва боғлиқлигини миллий ва умуминсоний миқёсида қай даражада англашилганини, жамиятнинг бу масалани ечишга қай даражада тайёр эканини кўрсатади.

Бу муносабатлар муайян жамиятнинг инсонга ғамхўрлиги меъёрини, яъни жамиятнинг инсонийлашиши (гуманизация) даражасини ҳамда синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги алоқаларни маърифий ёки номаърифий шаклларда амалга оширилишини белгилайди.

Худди шундай, бу муносабатлар муайян жамиятнинг табиатдан оқилона ёки нооқилона фойдаланиши, унинг пировардида инсонпарварлик билан чамбарчас боғлиқ экологик маданий савиясини тақозо этади.

Иккинчидан, жамиятнинг ижтимоий тараққиётга муносабати, унинг заруриятларини тўғри ёки нотўғри тушуниш. Бунга қуйидагилар киради: ижтимоий тараққиёт қандай йўналишда кечиши, нима ҳисобига ва қандай таъминланиши тўғрисидаги ҳукмрон фикрлар, тасаввурлар, концепциялар, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, етиштириладиган неъматларни тақсимлаш, истеъмол қилишни белгиловчи, асословчи тамойиллар. Маданий меросга, динга, сиёсий ва ахлоқий қарашлар ранг-баранглигига, ўзаро курашига, эстетик меъёрига, бадиий услублар хилма-хиллигига муносабат.

Умуман, муайян жамиятнинг ижтимоий омоллар тўғрисидаги тасаввурлари ва назариялари, бу борада қилётган ишлари воқеликка маънавиятнинг фаол амалий муносабат шаклидаги кўринишини ташкил этади.

Учинчидан, инсонга муносабат. Унинг ҳиссий, ақлий камолоти, юксалиши, ижодий имкониятларини рўёбга

чиқариш, жамоа ва жамият билан муносабатлари қандай бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар ҳамда жамият томонидан яратилган маънавий шарт-шароит, муҳит. Бошқача қилиб айтганда, жамият ва инсоннинг уйғунлашиш даражаси, инсоннинг жамиятдаги эркинлик меъёри.

Жамият ўзининг тасаввурлари, оморлари ва ижтимоий интилишлари, мўлжалларидан келиб чиқиб воқеликка, ўз амалиётига баҳо беради.

Демак, маънавий асос – воқеликка фаол муносабат ва маълум мақсадга, идеалга интилиш шу идеаллар асосида ўз фаолиятини шакллантиришдир.

«Инсон – жамият – табиат» тизимидаги боғлиқлик ва алоқаларни уйғунлаштириш, юксак ривожланган экологик, технологик ва маънавий маданиятга асосланган инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш оморлари ва мўлжаллари мустақиллик маънавий асосларининг негизини ташкил этсагина, бизнинг миллий мафкурамизга айлансагина мустақиллигимиз мустаҳкам, енгилмас бўлади.

Ислом Каримовнинг мана бу фикри миллий истиқлол мафкурасининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини ойдинлаштириб беради: «Мақсад дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни – халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин»¹.

Мустақилликнинг маънавий асослари Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаган тўрт негизга таянади: «Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоен қилиши; ватанпарварлик»².

¹ **Ислом Каримов.** Адолатли жамият сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 14-б.

² **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 76-б.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик жамиятимизнинг ижтимоий мўлжали, давлат амалий сиёсатининг мазмуни ва мақсадидир. Чунки келажаги буюк давлат, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксак ривожланган жамият қуриш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида кишилиқ жамияти ривожланиши жараёнида эришилган энг илғор ютуқларни ўзлаштириши, бошқача қилиб айтганда, миллийликни умуминсонийлик билан бойитиши лозим.

Маънавий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — янги Ўзбекистонни яратиш ва жаҳон ҳамжамияти билан XXI асрнинг янги тамаддунига кириб бориш учун таянч, ақлий ва ҳиссий омил. Маънавий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, миллий ўзига хосликни, миллий ғурур ва ўз-ўзини англашни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — умумжаҳон тараққиёти оқимида ўз ўрнини аниқ тасаввур этиш ва мустаҳкамлаш демакдир.

Миллий киёфани, ўзига хосликни сақлаб қолишга, юксалтиришга жаҳон ҳамжамиятидан юз ўгириш ҳисобига эмас, аксинча, жаҳондаги илғор ютуқлар ва анъаналарни ўзлаштирган ҳолда маданий мерос, тил, адабиёт ва санъатни ривожлантириш орқали эришилади. Айни пайтда ижтимоий тараққиётда, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида ҳал қилувчи омил инсондир. Янги Ўзбекистонни ўз имкониятларини эркин намоён қила олмайдиган, қотиб қолган андозалар бўйича фикрлайдиган, мутелик ва кўрқув, миллий номукамаллик туйғусидан халос бўлмаган, ватанпарварликдан йироқ инсонлар билан ярата олмаймиз. Янги Ўзбекистонни қуриш зарурати эркин фикрли, ташаббускор ва ватанпарвар фуқарони тарбиялашни тақозо этади.

Ўз Ватанини севиш, у билан фахрланиш, Ватан озодлиги учун жон фидо қилишга тайёр бўлиш, унинг равнақи учун қайғуриш ва умуман ватанпарварлик туйғуси ва эътиқоди мустақилликнинг маънавий асоси ҳисобланади. Ватанпарварлик туйғуси, энг аввало, мустақилликни мустаҳкамлашга ижобий ҳиссий муносабатдир. Аммо ватанпарварлик фақат туйғудан иборат эмас. У, шунингдек, эътиқод сифатида тегишли тушунчалар, қарашлар, ғоялар, омолардан ҳам таркиб топади. Тўғри тушуниладиган ватанпар-

варлик, яъни миллатчилик ва миллий маҳдудликка интилишдан холи бўлган ватанпарварлик ижтимоий мўлжал ҳамдир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги бу — қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайди-ган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир»¹.

Ватанпарварлик минглаб, миллионлаб халқ томонидан истиқлолни мустақамлашни, ривожлантиришни, уни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенгайтириш заруратининг асосий тамойилларини тўғри тушуниш, истиқлол манфаатларини шахсий, гуруҳий, синфий, маҳаллий-минтақавий манфаатлардан устун қўйишдир.

Агар мамлакат фуқаровий низолар, маҳаллийчилик ёки партиявий тарафкашлик, сиёсий гуруҳбозлик туфайли беқарор бўлса, унда мустақилликка путур етади. Бундай ҳолга баҳо берганда мустақилликни мустақамлаш учун миллий онглилик, миллий ҳамжиҳатлик даражаси етмаётир, бу мамлакат халқи маънавий жиҳатдан ҳали мустақилликка тўла тайёр эмас, деган баҳо берилади.

Ҳадиси шариф таъбирини қўлласак, Ватанни севмоқ иймонга айланмоғи зарур. Лекин бу кўр-кўрона, тор миллатчилик даражасидаги иррационал севги эмас, балки юксак самара берадиган, Ватан манфаатларини тўғри тушунадиган, теран ақлга ва соғлом ҳиссиётга таянган севги бўлмоғи лозим.

Демак, ватанпарварлик халқ онгининг, фикрининг мустақил тараққиёт заруратига мос келиши, халқнинг ижтимоий тараққиётда тўғри мўлжал ола билиши, яъни кенг маънодаги маънавий етуклигининг кўрсаткичларидан биридир.

Ижтимоий ривожланишда турли туйғуларга, билимларга ва маънавий-мафкуравий тажрибаларга таянилади ҳамда маълум ижтимоий қадриятлар танланади ва муайян мақсадлар кўзланадики (ижтимоий мўлжал), улар халқнинг маънавий етуклик даражасини кўрсатиб туради. Шу боисдан маданий меросдан, бугунги кун қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара би-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 83-б.

лиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, маданий мероси ва маънавий қадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий амалиётига, турмуш тарзига танқидий кўз билан қарай олиш — мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий асосларидир.

Маънавий асослардан яна бири ўз миллий маданияти бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқа қилиб, бир-бирини бойитиш лозимлигини, миллий маҳдудлик ҳалокатли эканини ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳуқуқий интеграцияда бўлиш заруриятини чуқур ҳис этиш, англаш, унга томон интилишдир.

Ижтимоий тараққиёт нималардан иборат эканини тўғри тушуниш, миллий манфаатларни замонавий тараққиёт талаблари билан уйғунлаштира билиш ҳам мустақилликнинг маънавий асослари қаторига киради. Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг маънавий асоси — миллатнинг онглилик даражасидир. Ўз олдига онгли равишда юксак, илғор ижтимоий мақсадларни қўйиб, ўз иродасини, билими ва асрий тажрибасини унга эришишга йўналтиришдир. Буни Президентимиз «умуминсоний қадриятларга содиқлик», деб қисқа ва теран мазмунли ибора билан ифодалаган.

Маънавий асослар, шунингдек, миллат иродасининг кенг маънодаги мустақиллик йўлида ички иқтисодий қийинчиликлардан, йўқотишлардан, турли ташқи таҳдид ва ифволардан чўчимаса, унда мустақилликни мустаҳкамлаш учун миллий қатъият етишса, бунинг учун фидойи фарзандларни тарбиялай олса, сохта фойдадан ўз ор-номусини, ғурурини устун қўйса, ўзида мутеликни, миллий номақамаллик туйғусини енга олса, шунда биз миллий ирода мустақилликни мустаҳкамлаш учун етарли, унинг талабларига мос келади, деб айтишимиз мумкин. Шунда миллий ирода мустақилликнинг маънавий асоси бўла олади.

Миллий иродаси етарлича шаклланмаган халқ четдан ҳомий ёки «катта оға» ахтаради. Она тилини, иймон-этиқодини, миллий иқтисодий ва сиёсий манфаатларини қисман бўлса-да, чегаралайди. Бунинг эвазига ҳомий миллатнинг, «катта оға»нинг ақлий ва ташкилий бошқарувчилик, технологик ҳимматидан фойдаланади.

Мустақиллик талабларига мос келувчи ҳақиқий миллий ирода тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли иқтисодий, маданий ҳамкорликни, сиёсий алоқаларни рад этмайди. Аксинча, уларнинг фақат тенг ҳуқуқли асосда бўлишини тақозо этади. У туб миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллатнинг турли ижтимоий қатламлари, гуруҳлари, синфлари ўртасидаги мунозара ва баҳслардан (агар улар мавжуд бўлса) устун бўла олишини, миллий мустақилликни сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий жиҳатлардан ҳимоя қилишга барча ижтимоий муносабатларни бўйсундира олишини билдиради.

Россия Думасининг 1996 йил 15 мартдаги Беловежье битимларини денонсация қилиш тўғрисидаги қарорига жавобан Ўзбекистон халқининг ўз Президенти Ислам Каримовнинг позициясини қатъий қўллаб чиқиши миллий ироданинг мустақиллик талабларига мослашиб бораётганини, жамиятда миллий ҳамжиҳатлик кучаяётганини кўрсатди. Гап Думанинг ноқонуний қарорига нисбатан муносабатнинг шунга яраша ёки шунга яраша эмаслигида эмас, балки Дума қарорининг, лакмус қоғозидай, бизнинг иродамизнинг қай даражада истиқлолга мос келишини намоён қилишида эди.

Миллий ирода, миллий онглилик, мустақиллик дунёқараши билан биргаликда, миллий жипсликни, миллий ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Мустақилликни мустақамлаш учун жамиятга маълум оптимистик ижтимоий муҳит ҳам зарур. Бу муҳит кишиларда мустақилликка нисбатан, энг аввало, ижобий ақлий ва ҳиссий муносабатни шакллантиради. Уларга кўтаринки руҳ, ижодий ташаббус бағишлайди. Жамиятдаги кўтаринкилик, эртанги кунга ишонч кишиларни иқтисодий ва маданий турмушни қайта қуришга, янгилашга, мавжуд ҳолатдан қониқмасдан юксакроқ мақсадни кўзлашга ва ўзларини юксалтиришга ундайди. Бундай муҳитда инсон жамиятни ҳам, ўзини ҳам қайта яратади. Ундаги яратувчанлик, бунёдкорлик, ижодкорлик имкониятдан воқеликка айланади, амалда рўёбга чиқади.

Ижтимоий тушкунлик, ишончсизлик ҳеч қачон жамиятнинг янгиланишига хизмат қилмайди. Аксинча, унинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам

ақлий ва ҳиссий муҳит жамият маънавиятининг ажралмас қисмидир. Демак, оптимистик ижтимоий муҳит Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашнинг муҳим маънавий асосларидан биридир.

Ижтимоий онг шакллариға мувофиқ мустақилликнинг ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, сиёсий-мафкуравий, умум-фалсафий ва шулар каби муайян маънавий асослари мавжуд. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири мураккаб тизимдан, турли меъёрлар, ижтимоий мўлжаллар мажмуасидан ташкил топади. Масалан, ахлоқий асосларға инсонпарварлик, эзгулик, халқпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, виждон, бурч каби кўпқиррали тушунчалар ва меъёрлар киради. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тўғрилиқ ва софлиқ, инсоф ва ҳаё, хайрихоҳлиқ, уюшқоқлиқ, ўзаро ёрдам, жамоавийлиқ ва бошқа тушунчаларни ўз ичига олади.

Инсонпарварлиқни эзгулик ва хайрихоҳлиқсиз, ўзаро ёрдам ва адолатпарварлиқсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу меъёрлар умуминсоний ахлоқий меъёрлардир. Лекин улар доимо конкрет тарихий шаклда намоён бўлади. Совет даврида бу меъёрлар тор партиявийлиқ ва пролетар синфийлиги нуқтаи назаридан талқин қилинди. Шу сабабдан жиддий деформацияға учради ва кўп ҳолларда қутилган натижаға олиб келмади. Эндиликда биз бу меъёрларни мустақиллиқ эҳтиёжларидан, ижтимоий юксалиш талабларидан келиб чиқиб ривожлантиришимиз, уларға янги мазмун бағишлашимиз лозим.

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапирганда, энг аввало, Конституцияға мос янги қонунлар мажмуини яратишни, мавжудларини такомиллаштиришни, чуқур ҳуқуқий ислоҳот ўтказишни давом эттириш зарурлигини таъкидлаш керак. Бунда инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устуворлигини таъминловчи меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг қонунлари ва янги ҳуқуқий онги эркинлик ва истиқлол энг буюк неъмат, энг буюк қадрият эканини ҳар бир шахснинг эътиқодига айлантириши, уни мутелиқ ва миллий номукамаллиқ ҳиссидан, ижтимоий ва сиёсий қўрқув кайфиятидан халос

қилиши, унда ижтимоий фаолликни, у қонун ва давлат томонидан муҳофаза қилинишига ишончни шакллантириши керак. Шундагина бу ҳуқуқ мустақилликни мустаҳкамлаш учун маънавий асос бўла олади. Шундагина бу ҳуқуқ ўзининг инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик вазибаларини бажара олади ва жамиятда нафақат қонунийлик, тартибот ўрнатилиши, шунингдек, юксак ахлоқийлик шаклланиши учун ҳам хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳуқуқ ахлоқийлик касб этади. Ҳуқуқий асосларга кирувчи меъёрлар жуда кўп. Уларни ҳаттоки санаб ўтишнинг ўзи ҳам кўп жой ва вақтни эгаллайди.

Мустақилликнинг эстетик асослари ҳақида гапирганда, яна совет давридагидан фарқли ўлароқ, уларга тор партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш хато эканини эслатиб, социалистик реализм деб тарғиб қилинган, аслида қотиб қолган догматик андоза бўлган ва санъаткорнинг ижодий эркинлигини чегаралашга, назорат этишга хизмат қилган мафкуравий меъёрлардан воз кечиш кераклигини ва келажакда шунга ўхшаш «бадий усул» шаклланишига йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлаш зарур деб ўйлаймиз.

Жамиятнинг бадий тафаккури қатъий қолипга солиниши мумкин эмас. Янги эстетик меъёрлар, тушунчалар сохта ватанпарварликни, ўз шахсий манфаатидан воз кечиш эвазига сохта меҳнатсеварликни, ўз миллий манфаатларини камситиш эвазига сохта байналмилалчиликни, сохта ёки деформациялашган гўзалликни тараннум этувчи бадий асарларнинг ёки қарашларнинг вужудга келишини рағбатлантирмаслиги, аксинча, инсонда ҳақиқий ҳиссиётни, ҳақиқий гўзалликни, ҳақиқий ахлоқийликни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Эстетик меъёрларни ҳам халқимизнинг кўп асрлик бадий ва умуман яратувчилик, бунёдкорлик тажрибасини, жаҳон халқларининг бу борадаги ютуқларини, шу жумладан, модернистик услублар эришган ютуқларни ҳисобга олиб ривожлантириш, уларга янгича мазмун бағишлаш мустақиллик маънавий асосларини қарор топтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Биз Ислон Каримовнинг мана бу ўгити ва кўрсатмасига қатъий амал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз: «Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънави-

ят ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлгандан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилиқ тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим»¹.

Мустақилликнинг илмий-фалсафий асослари деганда, энг аввало, янгича дунёқараш, унинг концептуал таъмоиллари ва умумсоциологик назарияси тушунилади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётини асослаб берувчи, бу тараққиётнинг пировард мақсадларини умумий тарзда кўрсатиб берувчи умумсоциологик назарияга ҳамда бу мақсад йўлида бутун мамлакат аҳолисини бирлаштирувчи, жипслаштирувчи, сафарбар этувчи миллий истиқлол мафкурасига ниҳоятда кучли ижтимоий зарурат туғилмоқда. Бугунги кунда буни барчамиз яхши англамоқдамиз.

Шундай қилиб, мустақилликнинг маънавий асослари, биринчи навбатда, янгича дунёқараш, ижтимоий онг ва илмий назария билан боғлиқ субъектив омиллардир. Лекин маънавий асослар тушунчаси булар билангина чегараланиб қолмайди. Мустақилликнинг маънавий асосларига кенг маънодаги маънавий маданият ва унга тегишли, нисбатан алоҳидалашган ижтимоий муассасалар ҳам киради. Улар эса нафақат субъектив, шунингдек, объектив ҳодиса сифатида ҳам мавжуддир. Тор мазмунда «маънавий асос» тушунчаси онгга, дунёқарашга оид ҳодисани билдиради. Кенг мазмунда бу тушунча, бир томондан, субъектив, иккинчи томондан эса, объектив мавжуд бўлган маънавий маданиятни ифодалайди. Бугунги кунда илмий адабиётда ҳар икки мазмунда ҳам шу ифодадан фойдаланилмоқда².

Маданият, энг аввало, моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Табиийки, «маънавий асослар»га моддий маданият — завод ва фабрикалар, машина ва асбоб-ускуналар, меҳнат қуролларию уй-жой, кийим-кечаклару рўзғор

¹ **Ислом Каримов.** Адолатли жамият сари. 13-б.

² **Эркин Юсупов.** Ҳадисларда дунёвий ва диний ғояларнинг боғлиқлиги. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 1994 йил, 5-сон, 17-б.

буюмлари ва ҳоказолар кирмайди. Маънавий маданият эса тўлалигича маънавий асосга киради.

Маънавий маданият ўзининг идеал шаклидан — кишилар онгида акс этишидан ташқари, шунингдек, «объективлашган» адабиёт, санъат ва илм-фан асарлари кўринишида ҳамда тегишли ижодий, илмий ташкилотлар, ижтимоий институтлар фаолияти шаклида ҳам мавжуд. Идеал шаклдаги субъектив маънавиятга бугунги кун маданий ютуқлари ва ўтмиш маданий меросидан фақат ижтимоий онг томонидан нисбатан фаол ўзлаштирилиб акс эттирилганларигина, яъни «предметсизлаштирилган»ларигина киради. Субъектив маънавиятга, айниқса, маданий мероснинг турли сиёсий ва мафкуравий сабабларга кўра халқдан яширилган, маълум тарихий даврда унутилган, аммо бугунги кунда ҳам ўзининг бадиий-эстетик, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган дурдоналари, қадриятлари кирмай қолади. Чунки улар халқнинг онгида долзарб тарзда ифодаланмаган ва амалиётда қўлланилмаётир.

Улар мустақилликнинг объектив ва ҳозирча билкувва (потенциал) маънавий негизларидир. Аксинча, мустақил Ўзбекистон ривожланишига уларни хизмат қилдиришимиз керак.

Шунингдек, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи бадиий ташкилотлар (театрлар, филармониялар, киностудиялар), ижодий уюшмалар, илмий-тадқиқот муассасалари, таълим, матбуот тузилмалари, телевидение каби ижтимоий муассасалар фаолияти, урф-одатлар, анъаналар каби ҳам ижтимоий, ҳам маънавий характердаги ҳодисалар-да субъектив маънавиятга кирмайди. Лекин уларнинг жамиятдаги бажарадиган вазифаси ва умумижтимоий функцияси бевосита маънавий қадриятлар яратиш, уларни тарғиб этиш, ёйиш, авлодлар ўртасидаги ворисийликни, давомийликни таъминлаш, пиروвардида муайян тарихий давр учун зарур шахсни тарбиялашдир. Бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг маънавиятини ва унинг эгаси шахсини шакллантиришдир.

«Объективлашган» маданият ва юқорида зикр этилган ижтимоий муассасаларнинг тўғри фаолият кўрсатиши мустақилликни мустақамлашнинг муҳим асоси, қурилаётган мустақиллик биносининг пойдеворидир.

Шу боисдан биз мустақилликнинг маънавий асослари деганда нафақат тор маънодаги субъектив маънавиятни, балки кенг маънодаги объектив маънавий-маданий омилларни ҳам назарда тутамиз.

Мустақилликни мустаҳкамлаш юксак ижтимоий мўлжалларни кўзлашни тақозо қилади. Жамиятнинг онгли равишда ўз олдига муайян мўлжални, мақсадни қўйиши дунёқарашга оид субъектив ҳодисадир. Лекин ижтимоий тараққиёт фақат кўзланган мақсадга эришиш йўлида амалга оширилган онгли фаолиятнинг натижаси эмас. У ўзининг кишилар онгидан ташқарида кечадиган, уларга бўйсунмайдиган қонунларига ҳам эга. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши мана шундай объектив қонунлар жумласидандир. Кишилар объектив эҳтиёжларни англаш ёки англамасликлари, уларни юзага чиқаришга хизмат қиладиган омилларга онгли равишда амал қилишлари ёки амал қилмасликлари мумкин. Бунинг тарихий жараёнга маълум таъсири бўлади, лекин уни тўхтата олмайди.

Ижтимоий тараққиёт объектив зарурат, пишиб етилган эҳтиёжлар туфайли кечади. Эҳтиёж шундай категориядирки, «у муайян экологик ёки ижтимоий тизимнинг ўта зарур, объектив ва моҳиятли талабларини ифодалайди, уларни қониқтириш эса ушбу тизимнинг кўнгилдагидек фаолияти ва ривожланишини таъминлайди»¹.

Жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг юксалиши ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунидир. Маълумки, бирламчи эҳтиёжларнинг қондирилиши иккиламчи эҳтиёжларни, уларнинг қондирилиши янада юксакроқ янги эҳтиёжларни туғдиради ва ҳоказо. Янги, юксакроқ эҳтиёж туғилмаса, муайян тамаддун ривожланиши нафақат тўхтайди, балки у ҳалокатга маҳкум бўлади. Шу боисдан эҳтиёжлар жамият миқёсида доимо, оз бўлсада, юксалиб боради, ўсади. Бирор тамаддун, минтақа ёки мамлакат миқёсида эҳтиёжларнинг юксалиши ижобий йўналиш касб этмаслиги мумкин. Салбий тенденцияларнинг ўсиши, юксалиши тизимнинг эҳтиёжида (жамиятми ёки биологик организмми, бундан қатъи назар) ижо-

¹ А. В. Маргулис. Проблемы потребности в историческом материализме. Белгород, 1972 й., 52-б.

бийларига нисбатан устунликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, танада касаллик, кексайиш; жамиятда эса синфий, давлатлараро урушлар ёки ғоявий-мафкуравий мутаассиблик ва шу қабилар.

Янги шаклланаётган ижобий эҳтиёжлар йўналиши жамият ривожланишининг йўналишини белгилайди. Агар улар ижобий мазмундаги юксакроқ эҳтиёжлар бўлса, жамиятда ижобий мазмундаги моддий ва маънавий ўзгаришлар юз беради (аҳолининг турмуш фаровонлиги, маданий савияси, эркинлик даражаси ошади), агар улар салбий мазмундаги эҳтиёжлар бўлса, жамият салбий томонга ўзгаради (технология ўсса ҳам эксплуатация кучайиши, аҳолининг турмуш даражаси пасайиши, демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ва шу қабилар содир бўлади).

Худди шундай, ўз навбатида, жамиятнинг тараққиёт даражаси ва ундаги ҳукмрон ижтимоий муносабатлар объектив равишда эҳтиёжлар юксалишини белгилайди. Шу боисдан эҳтиёж, бир томондан, тараққиётнинг асосини ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этса, иккинчи томондан, шаклланган эҳтиёж келажак тараққиётнинг бошланиши, ўтмиш тараққиётнинг ниҳояси, натижасидир.

Жамиятнинг маънавий ривожланиши ҳам эҳтиёжлар юксалиши негизида кечади. Анъанавийлик касб этган жамиятда маънавий эҳтиёжлар юксалишининг йўналиши кўпроқ инсоннинг ички дунёсига қаратилади, инсонга нисбатан ички руҳий ва ахлоқий такомиллашиш талаблари ошиб бораверади. Лекин бу такомиллашиш инсоннинг бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятида «моддийлашмас», воқелашмас, яъни самарага эришишга қаратилмас, аста-секин ўзининг тескарисига — талабчанлик талабсозликка, маънавият юксалиши унинг қашшоқлашишига айланади ва ҳоказо.

Масалан, тасаввуф дастлаб Аллоҳни ақлан, мантиқан билиш борасидаги ожизликни Аллоҳнинг мавжудлигини, қудратини, марҳаматини ва ҳоказоларни ҳис қилиш билан тўлдириш эҳтиёжи туфайли вужудга келди. Аммо диний эҳтиёжнинг бундай иррационал йўналишда юксалиши Аллоҳ васлига етишиш йўлида зоҳидликка, таркидунёчиликка қараб эволюция қилди ва бора-бора исломнинг

оқилона, рационал, самара берадиган талаблари, қоидаларига зид келадиган самарасиз мистицизмга айланди. Ҳатто ўзининг тариқат ва бадиий адабиёт соҳасидаги аввал эришган савиясини ҳам (XVI асрдан бошлаб) пасайтириб юборди ва аста-секин адабиётда ҳам мавқеини йўқотди.

Мустабид тузум, моҳиятига кўра, туб янгиланишни, тараққиётни инкор қилади, ўз мафкуравий таянчларини назарий жиҳатдан мустаҳкамлашга уринади. Аммо тарихий парадокс шундан иборатки, мустабид тузумнинг ўзи назарий тадқиқотларга эҳтиёж сезмайди, тадқиқотларни тўхта-тади ёки мавжуд назарияларни доғмалаштиради. Бунинг иложи бўлмаса, ижтимоий назарияни сиёсий мақсадга мувофиқликка, мавжуд тузумни оқлашга бўйсундиради. Оқибатда бундай ҳолат эҳтиёжларнинг юксалиш қонунига тўлиқ зид келади ва жамиятнинг маънавий қашшоқлигига, мафкуравий муросасизлик ва мутаассибликка йўл очади. Маънавий эҳтиёж нафақат маънавият ривожланишига, шунингдек, умуман, ижтимоий тараққиётга ҳам зўр таъсир кўрсатади.

«Маънавият» тушунчаси таркибига маънавий эҳтиёжлар бевосита кармаса-да, янги жамият қарор топиши ва мустаҳкамланиши, янги қиёфали шахснинг камол топиши объектив равишда вужудга келган маънавий эҳтиёжлар негизидагина содир бўлади.

Совет давридагига нисбатан юксакроқ маънавий эҳтиёжнинг шаклланиши, шубҳасиз, мустақил Ўзбекистоннинг маданий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлаштиради. Бадиий, илмий, техникавий ижодкорлик соҳасидаги изланишлар кучаяди; одоб-ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар такомиллашади; ақлий ва ҳиссий муҳит яхшиланади. Илм-фан ва техника соҳаларида эришилган ютуқлар эса янги технологияларнинг яратилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига асос бўлади.

Демак, маънавий асослар тизимида учта катта гуруҳни ҳамда иккита махсус омилни ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ – ижтимоий онгга оид ҳодисалар: тушунчалар, ғоялар, баҳолар, меъёрлар, омололар, яъни «соф маънавият». Иккинчи гуруҳ – «объективлашган» маънавий маданият, шу жумладан, маданий мерос. Учинчи гуруҳ – маънавий функцияларни бажарувчи ижтимоий муассасалар.

Икки махсус омил бу — оптимистик маънавий муҳит ва маънавий эҳтиёжларнинг юксалишидир.

Ҳар гуруҳ, ўз навбатида, таркибий қисмларга ва нисбатан мустақил шаклларга бўлинади.

Биринчи гуруҳ доирасида фалсафий онг, ахлоқ, ишонч, эстетик онг, ҳуқуқий онг, диний онг, янгича дунёқараш ва унинг алоҳида таркибий қисми сифатида миллий истиқлол мафкураси таъкидлаб кўрсатилиши керак. Онгнинг икки даражаси — психология ва мафкура ҳам бир-биридан фарқланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гуруҳда эса сиёсий маданият, ахлоқий маданият, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо ҳамда санъатнинг муайян турлари — бадиий адабиёт, театр, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик, дизайн, мусиқа, киночилик ва шу кабилар алоҳида ажртилиши мумкин.

Учинчи гуруҳга халқ таълими тизими (мактабгача тарбия, умумтаълим, касб-ҳунар таълими, ўрта-махсус таълим, олий мактаб); илмий тадқиқот тизими (илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий текшириш институтлари, Фанлар академияси ва шу кабилар); ижодий уюшмалар (ёзувчилар уюшмаси, рассомлар, композиторлар, киночилар, театр арбоблари ва бошқа ижодий соҳа ходимларининг турли уюшмалари); матбуот, матбаа ва оммавий ахборот тизими (газета ва журналлар, радио ва телевидение, китоб ноширлиги ва шу кабилар); тарбиянинг турли тизимлари ва ташкилотлари, масканлари (шу жумладан, диний ташкилотлар) фаолияти, урф-одатлар, анъаналар ҳамда оиланинг тарбия ва маънавиятга тегишли жиҳати киради.

Демак, мустақилликнинг маънавий асослари тушунчаси тор мазмундаги маънавиятдан ҳам, маънавий маданият тушунчасидан ҳам кенгроқдир.

Маънавий асосларнинг ижтимоий ҳаётдаги ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти шунчалик буюкки, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш лозим. Масалан, мустақиллик дунёқарашини ва миллий истиқлол мафкурасини каби маънавий асосларни олайлик. Ахир, совет даври ва ундан аввалги даврлар дунёқарашини ва мафкурасини бизга тўғри келмайди. Биз аввалги дунёқарашимиз — «фалсафий виждонимиз» — марксизм-ленинизм билан ҳам, ислом билан ҳам ҳисоб-китоб қилиб олишимиз лозим.

Сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариш вақти етди. Буни истиқлолни мустақкамлаш ва ривожлантириш зарурати тақозо этмоқда.

Ислонда ҳам, марксизм-ленинизмда ҳам инсонпарварлик, байналмилаллик, ватанпарварлик, эзгулик, адолат ва ҳоказо тамойиллар мавжуд. Лекин ҳукмрон мафкуралар бу тамойилларга, ўз ақидалари, тоталитар моҳиятларидан келиб чиқиб, тарихан тор ва бир томонлама мазмун бағишлаганлар. Мустақиллик дунёқарашни асосида халқимизнинг воқеликка, Ватан тақдири ва унинг мустақил келажагига муносабати ўзгариши, унинг онгида янги қадриятлар мезони ва совет давридагидан ўзгача ижтимоий мўлжаллар, интилишлар қарор топиши лозим.

Алоҳида шахсни ёки миллатни оламизми, ҳар бирининг меҳнати, ижоди — умуман фаолияти негизида маълум мақсадни кўзлаш, унга интилиш ётади. Шахсининг ҳам, миллатнинг ҳам табиатга, жамиятга, инсонга муносабатини маълум бир эътиқод, дунёқараш белгилайди. Шу боисдан мустақиллик, энг аввало, жамиятда янги дунёқараш қарор топишини тақозо қилади. Янги дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ бўлган фалсафий-услубий, муайян илмий ва педагогик-психологик, ташкилий-тарғибий муаммолар ниҳоятда кўп. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳам худди шундай кўп томонлама, серқирра муаммодир.

Маънавий асосларга илмий муносабатда бўлиш ва улардан тўғри фойдаланиш кўп жиҳатдан мустақилликни мустақкамлаш муваффақиятларини ва унинг тўғри йўналишини белгилайди. Бу борада, айниқса, маданий меросга муносабат масаласи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эа. Чунки миллий қадриятларни тиклаш масаласи мураккаблиги туфайли айрим кишилар истиқлолни келажакка эмас, ўтмишга қаратмоқчи бўлаётганини сезмаяптилар. Баъзи бир маданий савияси паст кишиларнинг ва диний мутаассибларнинг Ўзбекистоннинг келажак йўли, ижтимоий тузуми тўғрисидаги фикрларида ана шу нарса кўзга чалинмоқда.

Маданий мерос халқнинг бебаҳо бойлигидир. Аммо маданий меросимизда умумбашарий, умуминсоний қадриятларга айланган бебаҳо дурдоналар билан бир қаторда тарихан эскирган, мустақил ривожланишга асосланган,

юксак тараққий этган, маърифатли буюк келажакни яратиш заруратига мос келмайдиган ҳодисалар, меъёрлар ва тамойиллар оз эмас. Масалан, паранжи ёпиниш одатини ёки санъатдаги, бадиий ижоддаги мистика ва клерикализмга танқидсиз ёндашишни, театр, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик каби санъат турларини инкор қилишни, мактабларни ўқувчилар жинсига қараб бўлиш кабиларни зинҳор ёқлаб чиқолмаймиз. Улар бугунги кунда биз учун ҳақиқий миллий қадрият эмас, балки қадрини йўқотган анахронизмлардир.

Айни пайтда биз маданий меросга ўта эҳтиёткорлик ва эътибор билан, ўта ғамхўрлик билан ёндашмоғимиз, уни авайлаб-асрамоғимиз, ундан мустақил Ўзбекистоннинг миллий маънавиятини ривожлантиришда самарали фойдаланмоғимиз лозим. Чунки маданий меросда халқнинг асрий тараққиёти, тарихи, ижтимоий ва маданий алоқалари, ҳаётининг тажрибаси, илм-фанда, санъатда, ишлаб чиқаришда минг йиллар давомида қўлга киритилган ютуқлари мужассамланган. Маданий мерос ижтимоий тараққиётда ва авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлайди. Маданий мерос туфайли биз қадим ўтмишдаги аждодларимиз билан мулоқот қиламиз.

Маданий мерос ижтимоий онгнинг замонда ва маконда мавжудлигини кенгайтиради. Маданий мерос туфайли биз Улуғбек ва Навоий замондошларининг орзу-ҳаваслари, армонлари, турмуш ташвишлари, хулқ-атворлари, расм-русумлари, фойдаланган буюмлари, дунёқарашлари тўғрисида қисман бўлса-да, тасаввур ҳосил қиламиз. Умуман, маданий мерос халқнинг ўзлигини таниши, миллий онги, миллий ғурури шаклланиши, пировардида мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш учун бетимсол, энг қудратли универсал маънавий асосдир. Унда ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам, урф-одату анъаналар ҳам, адабиёту санъат ҳам, тарих сабоқлари-ю ибратлари ҳам — ҳамма-ҳаммаси мужассам.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамловчи энг кучли маънавий асослардан яна бири фан ва халқимизнинг интеллектуал салоҳиятидир.

Ислом мамлакатлари орасида Ўзбекистон аҳолисининг оммавий саводхонлиги, замонавий юксак ривожланган фундаментал фанининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Саводхонлик даражаси бўйича Ўзбекистон билан Марказий Осиёда ва ислом оламида фақат собиқ иттифоқдош республикаларни, фан тармоқлари ривожланиши бўйича маълум даражада Қозоғистонни қиёслаш мумкин. Аммо на Индонезия, на Покистон, на Бангладеш, на Эрон, на Саудия Арабистони, на Миср, на Судан, на Сурия, ҳатто на Туркия бу борада Ўзбекистон билан тенглаша олмайди.

Ислом Каримов ниҳоятда тўғри таъкидлаганидек: «Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу, энг аввало, мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади»¹. Сўнг муаллиф Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг ривожланишини белгалаган омиллар «аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши» эканини таъкидлайди².

Ўзбекистонда аҳолининг ва жамиятнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини нафақат сақлаб қолиш, балки янада кучайтириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, қуйи мактабдан то олий мактабгача, жаҳон талаблари ва истиқлол эҳтиёжларини ҳисобга олиб, илмий асосланган ислоҳот ўтказилмоқда. Бошқа бир муҳим вазифа бутун жаҳон илмий-техникавий ахборотлари тизимига интеграция бўлишдир. Жаҳоннинг ва собиқ Иттифоқнинг йирик илмий марказлари чоп этадиган нашрларни республикага олиб келиш, университетлар ва вилоят кутубхоналарини, бошқа илмий-оммавий кутубхоналарни улар билан таъминлаш чорасини топиш лозим.

Вилоят, шаҳар, туманларнинг, олий, ўрта махсус ва умумтаълим мактабларининг кутубхоналарини марказий кутубхоналар билан электрон алоқалари орқали боғлаш, интернет тармоғига улаш керак. Бу борада моддий харажатлардан қочмаслик даркор.

Ўзбекистон мустақиллиги, халқ хўжалигида юз бераётган таркибий ўзгаришлар, биринчи навбатда, фундаментал ва экспериментал фанлар тизимини кенгайтиришни, уларнинг янги соҳаларини шакллантиришни ва ривожлантиришни тақозо қилади. Бу, ўз навбатида, янги

¹ **Ислом Каримов.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 253-б.

² Ўша манба, 254-б.

олимларни етиштиришни, янги илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялари очишни, жаҳоннинг илмий марказлари билан алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш заруратини туғдиради. Ушбу заруратни жамиятимиз пухта англаб олиб амалга оширса, мустақилликнинг маънавий асосларидан яна бир тизимини мустаҳкамлаган бўламиз.

Фан, адабиёт ва санъат, ахлоқ, урф-одатлар, ҳуқуқ нафақат ижтимоий онг шаклидир, балки улар муҳим ижтимоий муассасалар ҳамдир. Чунки уларнинг жамиятда бажарадиган вазифалари фақатгина маънавият билан, ижтимоий онг билан чегараланмайди, улар кенг миқёсда ижтимоий функцияларни ҳам бажаради. Энг аввало, улар ижтимоий муносабатларни, шахс ва жамият ўртасидаги, жамоалар ўртасидаги муносабатларни, бир томондан, тартибга солади, иккинчи томондан эса, ўзлари ҳам бу муносабатларнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Жамият ҳаётини, айниқса, маиший ҳаётни оила, маҳалла, қишлоқ миқёсида кишилар ўртасидаги алоқаларни урф-одатларсиз тасаввур ҳам этиш мумкин эмас.

Ижтимоий онг шакли ва ижтимоий муассасалар деб атаганимизнинг айримлари ташкил қилиниши, жамоавий характери, амалий аҳамиятига кўра, ишлаб чиқариш ва тижоратнинг ўзига хос шаклига айланиб бормоқда: масалан, «илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси», «киноиндустрия», «шоубизнес» каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши уларнинг ижтимоий вазифалари кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Мустақилликни мустаҳкамловчи маънавий асосларнинг ижтимоий функцияларини шартли равишда тўртга бўлиш мумкин: биринчиси – билиш билан боғлиқ функция. Ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларни, илмий-фалсафий тамойилларни, категорияларни ўрганиш ва янгича дунёқарашни ўзлаштириш жараёнида шахс жуда улкан позитив билимга эга бўлади, умуман, олам тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилади ва ҳоказо. Янги билимлар асосида эса моддий ва маънавий ишлаб чиқариш ривожланади янги технологик, илмий, бадиий, ижтимоий-маданий ютуқлар қўлга киритилади.

Иккинчиси – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва жамиятни бошқариш, янги ютуқлар ва янги ижтимоий муносабатлар асосида эса жаҳон ҳамжамияти би-

лан биргаликда тамаддуннинг янги замонавий шаклини вужудга келтириш.

Учинчиси — мустақил Ўзбекистоннинг равнақи йўлида миллий жипсликни, ҳамжиҳатликни, ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш, яъни миллий бирлик (консолидация) функцияси.

Тўртинчиси — янги қурилаётган жамиятнинг янги, ҳурфикрли, юксак маданиятли, миллий ифтихор туйғусига эга фаол ватанпарвар фуқаросини тарбиялашдир. Бу фуқаролар катта ва ўрта ёшдаги авлодга хос бўлган муайян маънавий камчиликлардан, ижтимоий бефарқлик ва ахлоқий конформизмдан, миллий номукамаллик туйғусидан холи бўлишлари лозим. Шундагина улар шахснинг янги тарихий тимсоли даражасига кўтарилади.

«Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим»¹. Ислом Қаримовнинг бу хулосаси мустақил Ўзбекистон маънавий ривожланишининг асосий шарти ва мақсади — янги шахс эканини, ўтмиш маданий меросига ва совет маънавий-мафкуравий сиёсатига муносабат қандай бўлиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Маънавий асосларнинг ижтимоий функцияларида уларнинг моҳияти очилади. Маънавий асослар тўғрисидаги мулоҳазаларимизни умумлаштирсак, шундай хулоса қилиш мумкин: маънавий асослар — мустақилликнинг илмий-ғоявий ифодаси, унинг янгича дунёқараши ва ижтимоий онгидир ҳамда жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи, мустақиллик йўлида миллий бирликни амалга оширувчи, янги Ўзбекистоннинг янги кишисини тарбияловчи субъектив омиллар ва объектив маданий шарт-шароитлар, эҳтиёжлар, мафкуравий характердаги ижтимоий мусасаларнинг фаолияти ҳамда мустақилликни ҳимоя қилишга ва ривожлантиришга қаратилган миллий иродадир.

¹ **Ислом Қаримов.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 253-б.

МАДАНИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ

Маданий мерос — кенг қамровли тушунча. У археология ёдгорликларидан бошланади. Археология ёдгорликларига қазилмалар жараёнида топилган санъат асарлари (масалан, ҳайкаллар, халқ амалий санъати ва заргарлик буюмлари, Афросиёб ва Панжикент фрескалари кабилар), айрим рўзғор буюмлари ва меҳнат қуроллари киради. Албатта, бутун қазилма комплексининг ўзи ҳам археология ёдгорлиги — маданий меросни ташкил этади. Археология ёдгорликларидан кейин маданий меросга меъморлик ёдгорликлари ва қадимги қўлёзмалар, манускриптлар киради. Қўлёзмаларнинг мазмунига қараб, уларни дин, фалсафа, табиий илм-фаннинг турли йўналишлари, тарих, илоҳиёт, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат кабиларга бўлиш мумкин. Кейинги икки асрда маънавий ишлаб чиқариш шу қадар ривожланиб кетдики, маданий мерос тушунчаси ниҳоятда кенгайди. Янги-янги фанлар вужудга келди. Чунончи, кибернетика, космонавтика, молекуляр генетика, биотехнология кабилар XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган фанлардир. Ҳатто ишлаб чиқариш технологияси тадқиқоти ва ўқитиш услубиёти ҳам фаннинг тегишли тармоқларига айланди ва бу борада битилган асарлар маданий мероснинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Маданий меросда актуаллашмаган, яъни халқ ундан хабар топмаган, баҳра олмаган, лекин юксак салоҳиятга эга кадриятлар ҳам бўлиш мумкин. Улар турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра халқдан яширилган, халққача етиб бормаган асарлар, илмий кашфиётлар, уларда олға сурилган ғоялардир. Улар ҳали ўз тадқиқотчиларини, тарғиботчиларини ва ўқувчиларини кутиб ётгандир. Уларнинг баъзилари йўқотилган¹.

¹ Демокритнинг асарлари ҳам шундай бўлган. Буюк файласуф, атомистик назариянинг асосчиси, моддиончи Демокритдан бизгача бирорта ҳам асар етиб келмаган; унинг ғоявий мухолифи Платондан эса 15 жиллик асарлар тўплами мерос қолган. Биз Демокритни унинг танқидчилари келтирган иқтибослардан биламиз, холос. Берунийнинг ҳам бизгача 100 дан зиёд асари етиб келмаган. Ҳарҳолда, ҳозирча улар топилгани йўқ. Берунийнинг гелиоцентристик таълимоти ва умуман, табиий-илмий ҳулосалари ўша даврдаги қаршларга зид келганидан, улар қасддан кўчиртирилмаган ва аста-секин йўқолиб кетган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Лекин ҳали топилмаганлари, турли кутубхона фондларида ўз навбатини кутиб ётганлари ҳам бўлиши керак. Биз уларни маданий мероснинг ҳали ўзлаштирилмаган қисмига қўшамиз.

Шундай қилиб, маданий мерос тушунчаси қадимдан бизгача етиб келган ва халқ баҳраманд бўлган осори атиқалар, турли сабабларга кўра халқдан яширилган ёки халқ орасида тарқалмасдан қолиб кетган ёдгорликлар ҳамда шу кунгача замондошларимиз томонидан яратилиб эълон қилинган, халқ фойдаланаётган барча маданий маҳсулотларни ўз ичига олади. Улар орасида ҳақиқий қадриятлар билан бир қаторда тарихан ўз умрини яшаб бўлган, бугунги кунда фақат маданият тарихи нуқтаи назаридан бизни қизиқтирадиганлари ҳам кам эмас. Маданий меросда сохта қадриятлар ҳам талайгина.

Шу боисдан маданий меросга танқидий ёндашмоқ керак. Аммо бу — маданий меросга большевикча ёндашиш керак дегани эмас. Собиқ КПСС маданий меросга партиявийлик ва синфийлик ҳамда курашчан атеизм позицияларидан ёндашиб уни ё инкор қилди, ё нотўғри талқин этди.

МАДАНИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ МЕЗОНЛАРИ

Юқорида айтилган фикрлар асосида истиқлол шароитида маданий меросга, шу жумладан совет даври маданий меросига ҳам, муносабатимиз қандай бўлмоғи лозим, деган савол туғилади.

Бу саволга, айниқса, унинг иккинчи қисмига жавоб беришдан аввал шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарур деб биламиз. КПСС ва совет давлатининг маданий сиёсати билан совет даври маданиятини, унинг мазмунини чалкаштириб юбормаслик керак. Чунки илм-фан, адабиёт ва санъат, халқ таълими, халқ маънавий ҳаётининг бошқа турли соҳаларида яратилган бойликлар, қадриятлар ўзининг объектив мазмунига эгаки, уларда биз турли нисбатларда, турли чамбарчасликда миллийлик ва байналмилаллик, совет маданиятининг энг заиф жиҳати бўлмиш марксча-ленинча синфийлик билан бир қаторда, умуминсонийлик, баъзан дағал, жанговар атеизм билан ҳақиқий гуманизм ҳам акс этганини кўраемиз.

Маданиятга таъсир кўрсатувчи объектив шарт-шароитлар ва омиллар борки, улар умуммаданий тараққиётни белгилайди ва субъектив омилларнинг таъсирини ё пайсайтеради, ё кучайтиради. Бизнинг мавзумиз маданий меросга муносабат, яъни субъектив омил бўлгани учун объектив омиллар устида тўхталиб ўтирмаймиз.

Маъданиятга таъсир кўрсатувчи учта асосий субъектив омил мавжуд: 1. Расмий давлат сиёсати. 2. Халқнинг англашилган эҳтиёжлари (маданиятнинг яратувчиси, сақловчиси ва истеъмолчиси сифатида). 3. Ижодкорнинг ижтимоий позицияси ва дунёқараши.

Бу омиллар ўзаро боғлиқ, уларнинг бирортаси умуммаданий ривожланишда бошқаларидан ажралган ҳолда ҳал қилувчи ўрин тута олмайди. Лекин маълум чегараланган давр учун расмий давлат сиёсати биринчи ўринга чиқиши мумкин. Масалан, совет маданиятида 1935–1955 йилларда айнан шундай бўлган.

Маданиятнинг баъзи бир соҳаларида (сиёсий мафкурадан узоқроқ соҳасида) расмий мафкуранинг таъсири бошқа соҳаларга нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Баъзан эса айрим ижодкорлар расмий давлат сиёсатига, мафкурасига зид ижод қилишлари мумкин (албатта, бундай ҳолда уларнинг бошига турли таъқиб ва қатағонлар азоби тушади). Фақат баъзи ижодкорларгина расмий давлат сиёсатининг минбарларига, маддоҳларига айланиши мумкин. Бундай ҳолат барча тарихий даврларга хос, шу жумладан совет даврига ҳам.

Расмий сиёсат ва ижодкорнинг мойилликларидан ташқари ўзбек халқининг тараққиёти, объектив ҳаётининг эҳтиёжлари, уларнинг юзага чиқиши, тарихий заруратнинг таъсири маданиятимизда бетакрор из қолдирган. Шу маънода ҳам совет даври ўзбек маданияти КПСС сиёсатининг кўзгудаги акси эмас. Объектив шарт-шароитлар ва омиллар нуқтаи назаридан ҳам, совет даври ўзбек маданияти билан расмий давлат сиёсати ўртасида тенглик аломати қўя олмаймиз.

Халқни маълум муддатга чалғитиш, алдаш мумкин. Халқ нотўғри сиёсатнинг қурбони бўлиб, маълум бир даврда ижтимоий-сиёсий омонларини белгилашда адашиб кетиши мумкин. Лекин халқни ҳеч қачон эзгуликдан, ин-

сонпарварлик ғояларидан, виждон ва диёнатдан, соғлом фикрлиликдан, мантиқийликдан батамом қайтариб бўлмайди. Халқнинг аксарияти кундалик турмушда маънавий соғлом, ҳурфикр бўлиб қолаверади.

Турли сиёсий режимларни, турли сиёсий қатағонларни, қирғинларни, иқтисодий қийинчиликларни, очлик ва қашшоқликни бошдан кечирган бўлса-да, халқ доимо ва асосан ҳақиқий инсонпарвар маънавий қадриятларни яратган. Тўғри, айрим тарихий даврларда маданият гуркираб ўсган, айрим тарихий даврларда у қаттиқ инқирозга учраган, лекин миллий маданият ҳеч қачон ғайриинсоний мазмун касб этмаган.

Халқ маданиятнинг асосий яратувчиси, авлоддан авлодга узатиб, асрлараро сақловчиси ва унинг истеъмолчиси дир. Шу боисдан халқнинг англашилган эҳтиёжлари, талаблари, унинг ижтимоий буюртмаси маданият ривожланишига расмий давлат сиёсатидан кам таъсир кўрсатмайди. Пировардида у расмий давлат сиёсатини коррекция қилади, яъни унга маълум даражада тузатиш киритади.

Бир нарсани унутмаслик керакки, инсон бу дунёга бир марта келади. У қайси тузумда, қандай шароитда яшамасин, қайта такрорланмайдиган ҳаётида инсонга хос ҳамма эҳтиёжларни туяди: яхши ва муносиб турмуш кечиргиси, ҳаёт лаззатлари, гўзалликларидан баҳраманд бўлгиси, ниманидир яратиб, ўзидан яхши ном қолдиргиси келади. Шу боис у гўзаллик, поклик ва эзгуликка интилади. У кимгадир ошиқ бўлади, нималардир уни мафтун этади, қўшиқ эшитгиси ва куйлагиси келади. Муҳаббат, ошуфталиқ — ёшликнинг ажралмас туғма хислати.

Тузум ёмон экан, деб инсон ўз эҳтиёжларидан, оила қуриш, орзу-ҳавас қилишдан воз кеча олмайди. Энг оғир қимматчилик йилларида ҳам ёки қирғин-барот уруш йилларида ҳам инсоннинг гўзалликка, ахлоқийлик ва орзу-ҳавасга талпиниши сусаймайди. Баъзан эса, аксинча, бу туйғулар кучаяди. Ҳақиқий гўзалликнинг, одамгарчиликнинг, эзгуликнинг, оптимистик орзу-ҳаваснинг қадри қийинчилик, етишмовчилик, зулм кучайган пайтлари янада ортади. Бас, шундай экан, бу эҳтиёжлар ўша давр адабиёти ва санъатида, маданиятида акс этмаслиги мумкин эмас.

Шу боис ўтмишнинг жоҳиллик ҳукмронлик қилган

оғир замонларида аҳён-аҳёнда санъат дурдоналари пайдо бўлган. Бу ҳол деярли барча халқларнинг маданияти тарихига хосдир.

Бизда ҳам совет даврида нафақат ўта мафкуралашган тарғибот асарлари, балки инсоннинг юқорида қайд этилган орзу-армонлари, муҳаббат ва эзгуликка интилишини акс эттирувчи ҳақиқий санъат асарлари ҳам яратилди. Тўғри, адабиёт ва санъатнинг айрим жанрлари расмий давлат мафкурасига гоҳо кўпроқ, гоҳо озроқ мослашиб, баъзи бир коммунистик шиорларни ишлатишга мажбур бўлган. Лекин бу нарса уларнинг асл моҳиятига путур етказмайди. Кўпгина санъат турларининг эса тарғибот-ташвиқотга, сиёсий мафкурага бевосита алоқаси йўқ. Масалан, лирик шеърят, мусиқа ва хореография, рангташвиқотнинг пейзаж, натюрморт ҳамда портрет сингари талай жанрлари ва ҳоказо.

Маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи яна бир омил борки, у ҳам расмий давлат сиёсатига маълум «тузатиш» киритади: бу ижодкорнинг ижтимоий позицияси ва унинг кенг маънодаги дунёқарашидир.

Ҳақиқий ижодкор учун Ватан туйғуси, халқ дарди, халқ олдидаги бурчи тузум ва сиёсатдан устун туради. У тузумга, ҳукмрон мафкурага мослашса-да, айрим ҳолларда уларга бағишлаб қасидалар битса-да, барибир, энг аввало Ватанига, она халқига хизмат қилади. Фақат кўрқоқ ёки ўта шуҳратпараст, аммо ўртамиёна, кам истеъдодли ижодкорларгина сиёсий тузумнинг маддоҳига айланади. Йирик истеъдод эгалари орасида ўз сиёсий мўлжалларидан адашиб кетган бир-икки санъаткор тузум маддоҳига айланиши мумкин. Аммо бундайлар учун ижодий ва шахс сифатидаги инқироз эртами-кечми муқаррар бўлади. Маяковский ва Фадеев каби рус адибларининг тақдири бунга ёрқин мисолдир. Шу боисдан узоқ ўтмишда ҳам, совет даврида ҳам ҳақиқий ижодкорлик буткул сўнмаган, адабиёт ҳам, санъат ҳам қуруқ ташвиқотбозликка айланиб қолмаган. Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носир каби исёнкор санъаткорлар халқ орасидан чиқиб турган. Бу даврда яратилган Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров каби адибларнинг энг яхши асарлари халқимиз маънавий бойлигининг ажралмас қисмидир.

Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидояттов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Раззоқ Ҳамроев, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобулова, Мухтор Ашрафий ва Мутал Бурҳонов сингари санъаткорлар ўзбек маданияти ривожидида бутун бир тарихий даврни ташкил этади.

60–70-йилларда адабиёт ва санъатга кириб келган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Али Ҳамроев, Элёр Эшмуҳамедов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайридин Султонов, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим каби ижодкорларнинг асарлари, «Лазги» ва «Баҳор» ансамблларининг фаолиятини ҳамда бошқа кўплаб ўзбек маданияти арбоблари ва жамоалари номини фахр билан тилга олиш мумкин.

Бундай муносабат аксарият олимларимизнинг ижодига ҳам тааллуқли. Аммо КПССнинг маданий сиёсати, давлат цензураси, мафкуравий бўйинтуруғи, шубҳасизки, уларнинг ижодига ҳам анча салбий таъсир кўрсатди, ижодий имкониятларини тўлиқ очишга тўсиқ бўлди, айрим ҳолларда эса ўз эътиқодлари билан муроса қилишга мажбур этди. Буни ҳам адолат юзасидан эътироф этишимиз керак.

Нега биз масалани бу тарзда қўймоқдамиз? Гап шундаки, истиқлолга эришилганидан кейин айрим «жонкуяр ватанпарварлар» (энг қизиғи шундаки, уларнинг аксарияти тан олинмаган «даҳо» ижодкорлардир) совет даврида ўзбек маданиятини дунёга танитган адиб ва санъаткорларни КПСС сиёсатининг ифодачилари сифатида рад этишга, тан олмасликка чақира бошладилар (балки шундай қилсалар, уларнинг ўрнини ўзлари эгаллашар. Лекин халқ уларни тан олармикан). Кўп ҳолларда бундай чақириклар миллийлик, миллий манфаатлар, миллатпарварлик учун қайғуриш тўғрисидаги сўзлар билан қориштириб айтилдики, бу айрим ёшларни чалғитди ҳам¹.

¹ Истиқлол арафасида ва унинг илк йилларида баъзи ёшлар совет даври адабиётидан фақат Сталин қатағонларига учраганлари ва муҳолифатдаги қаламкашлар ёхуд уларни қўллаб-қувватловчиларнинг ижодини ўрганиш ва эътироф этиш, бошқаларидан эса воз кечиб юбориш лозим, деган ғояларни олға сурган эдилар.

Ғафур Ғулом «Сен етим эмассан», «Соғиниш» шеърларини ёзганда сталинизмни улуғлашни бош мақсад қилиб қўймаган, балки хаёлини аввало умуминсоний туйғулар банд этган. Ҳаттоки шоирнинг «Турксиб йўлларида» асари социалистик ўзгаришларнигина мадҳ этувчи шеър эмас, у, шунингдек, ўша даврдаги буюк қурилиш нафасининг, тарихийлик ва замонавийликнинг жуда юксак бадиий-лирик ифодаси сифатида ўзбек шеърляридаги дурдона асарларидан бири ҳамдир.

Ҳамид Олимжон ҳам Ўзбекистон водийларини, табиатини қуйлаганида Ватан ҳисси билан тўлиб-тошган, Сталин сиёсий режимини мадҳ этишни асосий мақсад деб билмаган.

Тўғри, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон ижодида Сталинга бағишланган, сталинизм тузумини мақтаган асарлар, шеърлар ҳам кўп. Албатта, биз бугун уларни ҳақиқий маънодаги асар дея олмаймиз. Лекин улар баҳонасида Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон ижодий меросидан-да тўлиқ воз кечмаймиз. Бу меросдан биз бугунги ва эртанги кунимиз учун аҳамиятини йўқотмаганларинигина оламиз. Бошқа ижодкорлар мероси тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ўтмишда давлат сиёсати бир томонлама ва хато бўлгани туфайли ўша давр маданиятига қандай муносабатда бўлиш керак, деган саволнинг жавоби, бизнинг назаримизда, юқоридагидек бўлмоғи лозим.

Халқимизнинг асрий қадриятлари, асрий ижобий ва салбий тажрибаси акс этган ўтмиш маданий меросига қандай муносабатда бўлмоғимиз лозим, деган масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Масала умумий ечимининг тўғри тамойилини эса, бизнинг фикримизча, рус файласуфи А. А. Богданов анча оқилона белгилаган¹.

¹ А. А. Богданов (1873–1928 йиллар) рус марксистларидан бири, дастлаб большевик раҳбарлардан бири ҳам бўлган. Унинг илк асарларини В. И. Ленин юксак баҳолаган. Кейинчалик эса – 1905–1906 йиллардан бошлаб улар ўртасида илмий ва мафкуравий ихтилофлар юзага келади. Богданов – Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарининг бош салбий қаҳрамони. У 1909 йилдан большевиклардан узоқлашади, аста-секин сиёсий фаолиятдан ўзини четга тортади. Октябрь инқилобидан кейин барча таклифларни рад

А. Богданов «Пролетар санъати бўлиши мумкинми?» деган мақоласида ўтмиш маданиятини онгли равишда ўрганиш, унга бўйсунмасдан, уни эгаллаб олмоқ лозим, деган ғояни илгари суради. Бу ғояни у кейинги асарларида ҳам ривожлантирди. 1918 йилда нашр қилинган «Бадий мерос ҳақида» сарлавҳали йирик мақоласида А. Богданов ўтмиш маданиятида бўйсунмасдан уни қандай эгаллаб олиш мумкинлигини тушунтиради ҳамда маданий меросни янги жамиятни қуриш воситасига айлантириш тўғрисида гапирди.

А. Богдановнинг пролетар маданияти ва санъати ҳамда маданий меросга муносабат ҳақидаги мулоҳазалари жиддий чалкашлик ва зиддиятлардан, хатолардан холи эмас. Айрим асарларида, хусусан, «Пролетар санъати танқиди» номли мақоласида у синфийликни вульгар ва схематик тушунишдан нарига ўта олмаган.

Лекин Богдановнинг ўтмиш маданиятини, шу жумладан диний маданий меросни ҳам, уларга тобе бўлиб қолмасдан эгаллаб олиш ва ундан амалда фойдаланиш ғояси — рационал ғоядир. Биз учун ҳам «бўйсунмасдан эгаллаб олиш» маданий меросга муносабатни белгилашимизда асосий тамойиллардан бири бўлмоғи лозим.

Истиклол туфайли биз маданий меросимизни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишни бошлаган эканмиз, ўтмиш маънавий қадриятларимизнинг кўпчилигига янгича мазмун

этган ва сиёсий фаолият билан шуғулланмаган. Боз устига, Ленинни ва совет раҳбарларини 1917 йил 2 декабридаёқ ҳақиқий социализмдан казарма социализми қуриш томон бурилиб кетганликда, большевиклар партиясини вайрон қилганликда, марксизмни бузганликда айблаган.

Ҳар томонлама зўр билимга эга бўлган А. Богданов инқилобдан кейин дунёда биринчи бўлиб қон қуйиш илмий-тадқиқот институтини ташкил қилган ва 1928 йилда ўзини ўзи тажриба қилиши натижасида ҳалок бўлган. Ушбу фактлар А. Богданов инсон сифатида ниҳоятда юксак фазилатларга эга бўлганидан далолат бериб турибди.

А. Богданов — пролеткультининг ғоявий асосчиларидан бири. Лекин инқилобдан кейинги пролеткульти ташкилотларининг амалий ҳаракати билан кам боғланган. Тўғрироғи, А. Богданов унинг сиёсати билан келишолмасдан 1920 йилда пролеткультидан чиқиб кетган.

Қаранг: А. А. Богданов. Вопросы социализма. «Работы разных лет». Москва, 1990 й., 352–355-бетлар.

бағишлаб, баъзиларини қайта тикламоқчи эканмиз, бундан кўзлаган мақсадимиз ўтмишга сифиниш эмас, балки унга суяниб, ундан фойдаланиб яна олға силжиш, ривожланишнинг янги босқичига чиқишдир. Ўтмиш маданиятини ўрганишдан, исломга янгича муносабатда бўлишдан мақсад шарият меъёрлари асосида қолоқ анъаналарни тиклаш, исломга бўйсуниб қолиш эмас.

Биз ислом маданий меросига ҳам тақводорликни тиклаш нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсоний маданиятни, умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштириш, маданиятимизни, ахлоқимизни ривожлантиришга фойдаси тегувчи билимлар сифатида, халқнинг асрий маънавий тажрибасини билиб олиш ва давом эттириш, ривожлантириш лозимлиги нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Маданий мероснинг ҳар бир конкрет ҳодисасини, қадриятини баҳолаганда, амалда фойдаланмоқчи бўлганимизда уларнинг Ўзбекистон миллий истиқлолининг маънавий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқларимизнинг умумжаҳон тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Маданий меросга илмий ёндашишнинг мезонлари нималардан иборат? Бизнинг фикримизча, асосий мезонлар тўртта: **инсонпарварлик; ватанпарварлик; халқчиллик; тараққийпарварлик.** Бу мезонлар умуминсоний характерга эга. Биз улардан фойдаланганда фақат большевикча сохталаштирмасдан, уларнинг мазмунини сиёсийлаштирмасдан, тор синфийлик билан чегараламасдан фойдаланишимиз керак. Бу тамойиллар замонавий маданиятга нисбатан қўлланганда эса, ижодий изланишларга, янги эпкини ва интилишларга қарама-қарши қўйилмаслиги, ўзгармас қолипга айлантирилмаслиги лозим. Маданий меросни баҳолаганда унинг инсон эҳтиёжларига қай даражада хизмат қила олиши; инсондаги эзгулик, гўзаллик, софлик, муҳаббат каби том маънодаги юксак инсоний ҳис-туйғуларни, интилишларни шакллантира олиши; ёвузликка, тубанликка, ахлоқсизликка, инсонни хўрлашга нисбатан маънавий ва амалий муросасизликни, яъни француз маърифатпарварлари таъкидлаганидек, маънавий эркин, лекин ижтимоий масъул фуқарони тарбиялай олиши (албатта, бугунги кун тушунчасидаги истиқлол талабларига

мос эркинлик ва масъулиятни тарбиялаш назарда тутилмоқда) асосий мезон бўлиши табиийдир.

Инсонпарварлик — маданиятнинг инсонда инсонийликни ва онгли фаол фуқаровийликни шакллантиришга хизмат қилишидир. Айнан шу нуқтаи назардан маданий мерос (шу жумладан диний мерос ҳам) чуқур таҳлил қилинмоғи ва инсонпарварлик мезонига мос келганларигина кенг фойдаланишга жалб этилмоғи лозим. Инсонпарварлик — конкрет тарихий тушунча. У қотиб қолган ҳодиса эмас. У тарихан ўзгаради, янгиланади, ривожланади. Инсонпарварлик тарихий заруратга, тараққиёт эҳтиёжларига зид келмайди.

Биз маданий меросимизни танқидий таҳлил қилишда буларни эслан чиқармасак, унда шаръий илмлар, шариат меъёрлари орасида замонавий тараққиёт эҳтиёжлари ва тарихий заруратга мос келмайдиганлари ҳам борлигини кўрамиз.

Бир-бирига қарама-қарши ижтимоий баҳо ва мўлжаллар ислом маънавий меросида анча кенг акс этган. Бу меросни ўзлаштиришда инсонпарварлик нуқтаи назаридан, танқидий ёндашилмаса, чалғиб кетиш ҳеч гап эмас. Айрим мусулмон мамлакатларида келажак йўлини танлашда мурасасиз курашга, экстремизмга мойиллик кўрсатаётган сиёсий гуруҳларнинг ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётгани ҳам бежиз эмас.

Юқорида айтилганлардан ислом меросига юзаки ёндашиш ёки ундан воз кечиш лозим, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, ислом меросини биз ниҳоятда теран ва пухта ўрганишимиз, аммо ундан халқнинг турли диний эҳтиёжларини, айниқса диний руҳият, иймон, эътиқодга оид эҳтиёжларини қондиришда оқилона фойдаланишимиз керак.

Умуман олганда, маданий мерос, бугунги кунда қандай баҳоланишидан қатъи назар, кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиниши ва сақланиши шарт. Бугун ижтимоий ривожланиш талабларига мос келмаётган маданият ҳодисалари эртанги кун учун зарур бўлиб қолиши, жилла курса, тарихий сабоқ чиқариш учун аҳамият касб этиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис атоқли олим Ю. Лотман айтган бир фикрни ёдда сақлашимиз керак: «Гоҳида бизга ҳозир нима

долзарблиги аёндек туюлади. Бизнинг неvara ва чевараларимизга эса нима зарур? Жавоб бериш қийин. Бундан бош хулоса сифатида тарихий меросга эҳтиёткор бўлиш ҳамда биз бугун тушуниб етган нарса пировард ҳақиқат эмас ва буюк мумтоз мерос ҳали кўп қирраларини очади, деган доимий бир фикр келиб чиқади. Чунки у ривожланувчан ҳодисадир»¹. Шундай қилиб, инсонпарварлик маданий меросни баҳолашнинг, унга ёндашишнинг асосий мезонларидан биридир.

Аммо маданий мерос нафақат алоҳида олинган инсонлар учун, шу билан бирга, бутун жамият, бутун миллат ва халқ учун ҳам хизмат қилади. Маданий меросни баҳолаганда нафақат алоҳида инсон ёки маълум бир ижтимоий гуруҳлар манфаатидан, балки умуммиллий манфаатлардан келиб чиқилади. Шу сабабдан ҳам маданий меросни баҳолаганда, инсонпарварлик билан бир қаторда халқчиллик ва ватанпарварлик каби мезонлар ҳам қўлланиши керак.

Халқчиллик — ниҳоятда муҳим мезон. Энг аввало, у маданий меросдаги халқни жипслаштирувчи, миллий ҳамжихатликни амалга оширувчи, халқнинг психологиясини; мушоҳадасидаги, онгидаги миллий умумийликни; турмуш тарзидаги муштаракликни; унинг демократик интилишларини акс эттирувчи, мустаҳкамловчи ва ривожлантирувчи урфодатлар, анъаналар, бадиий образлар ва воситалар, бошқа эстетик ва ахлоқий ғоялардир.

Халқчиллик билан маданиятдаги оммавийлик ва элитарлик масаласини чалкаштириб юбормаслик керак. Халқпарварлик оммавий маданият билан чегараланмайди, ҳатто унинг айрим жиҳатларини (масалан, баъзи ҳолларда мазмунан саёзлигини, шаклий жўнлигини, «отарчилик»ка мойиллигини ва шу кабиларни) рад ҳам этади. Халқчиллик «элитар» маданиятни ҳам инкор этмайди. Халқпарварлик маданиятдаги барча ранг-барангликни қамраб олади. Маданиятнинг халқчилиги миллатни ўз тарихий илдизлари билан чуқурроқ боғлайди, уни миллий номукамаллик, ночорлик, бечоралик туйғусидан халос қилишга, халқ сифатида ўз хусусиятларини, туб маънавий манфаатларини англашга ёрдам беради.

¹ Ю. Лотман. Маданият тарихи ва келажак сари интилиш, «Советская культура» газетаси, 1987 йил 7 май сони.

Халқчиллик маданиятнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишга, уни янада сайқал топширишга, бу орқали миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишга хизмат қилади. Халқчиллик маданиятдаги миллий психологияга ва манфаатларга зид келадиган ёт ҳодисаларни инкор қилади. Маданиятда ва умуман маънавиятда ўзига хос шаклий ва мазмуний филътр вазифасини ўтайди.

Ҳақиқий халқчиллик миллий маданиятнинг ўзга маданиятлардаги асл қадриятлар ҳисобига бойишини инкор қилмайди. Аммо четдан қабул қилинган қадриятларни ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўз халқи эҳтиёжларига, идрок ва мушоҳадаларига мослаштиради.

Халқчиллик маданиятнинг, миллат эҳтиёжлари нуқтаи назаридан, барқарорлиги ва қадр-қимматлигидир. Демак, ҳақиқий халқчил маданият миллатнинг ривожланиш эҳтиёжларига, истиқболга хизмат қилади.

Маданий меросни юқорида келтирилган мезонлар асосида таҳлил қилсак, унда халқнинг демократик интилишларига, психологиясига, туб манфаатларига, миллий жипслашувига мос келмайдиган ҳодисаларни ҳам учратамиз. Чунки ўтмишда бизнинг олтин тупроғимиз турли босқинчиларни ўзига кўп тортган. Улар халқимизга сохта қадриятларни сингдиришга, унинг ҳамжиҳатлигига путур етказишга кўп ҳаракат қилганлар. Бу сохта қадриятлар дунёвий шаклда (социалистик интернационализм) ёки халқлар дўстлиги ғоялари ёхуд диний муштараклик шаклида бўладими — бундан қатъи назар, маданий меросимизда учраб туради. Энг қалтис жиҳати шундаки, бу ғоялар кўпинча халқчиллик либосида намоён бўлади. Бугунги кунда бунга мисол сифатида ваҳҳобийликни келтириш мумкин. Шунинг учун халқчиллик масаласида шаклни ҳеч қачон мазмундан ажратмаслик лозим.

Шу боис чинакам халқчилликни сохта халқпарварликдан фарқ қилиш керак. Айниқса, совет даври маданиятида халқда итоаткорликни, ўз тарихий илдизларига, моддий ва маънавий бойликларига, асрий урф-одатлари ва энг олий қадриятларига бефарқликни шакллантириш тўғрисидаги ғоялар халқчиллик либосида олға сурилди.

Халқчиллик тўғрисида юқорида айтилганлар том маънода ватанпарварлик мезонига ҳам тааллуқлидир. Бу икки

тушунча бир-бирига ниҳоятда яқиндир, чунки халқ манфаатлари Ватан манфаатлари билан бир бутундир. Бироқ, айти пайтда ватанпарварлик онгли равишда ижтимоий фаолликни, фуқаровий бурчга содиқликни тақозо этади. Ватанпарварлик мезонлари билан ўлчанганда, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга муайян маданият ҳодисаси қай даражада хизмат қила олиши маълум бўлади, маданий меросдаги айрим нозиклаштирилган миллий нигилистик оҳанглар, ғоялар кўриниб қолади.

Чунки мустабид мафкура ниҳоятда нозик, пайқаб олиш қийин бўлган шаклларда ўз миллий тарихига, адабиёти ва санъатига, она тилига беписандлик, уларни кўзга илмаслик, қолоқ, жўн ҳодиса сифатида баҳолаш меъёрларини сингдиришга уринган. Бу, афсуски, баъзи зиёлилар, олимлар, маданият арбобларига маълум маънода таъсир кўрсатмай қолмаган.

Ўз даврида араблар ҳам маҳаллий халқнинг ватанпарварлигини сўндириш учун янги диний эътиқод асосида шакллана бошлаган маданиятдан фойдаланган. Диний муштараклик исломда ватанпарварликдан, миллий манфаатлардан устун қўйилган. Шундай қилиб, миллий нигилизмнинг илдиэлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Бугунги кунда айрим маккор лўттибозлар томонидан «мусулмон халифалигини тиклаш» ғояларини тарғиб этишнинг моҳияти, аслида, ўз ғаразли мақсадлари йўлида диний меросда потенциал тарзда мавжуд бўлган миллий нигилизмдан фойдаланишга уринишдир. Шу нуқтаи назардан, «Ҳизбут-таҳрир» ғоялари ва дастури миллий мустақилликка, миллий ватанпарварликка қарши қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Алишер Навоий туркий тилда ижод қилишга ўз қавмларини даъват этган ва туркий тилнинг форс ва араб тилларидан қолишмаслигини, ҳатто, баъзи тушунчаларни ифодалашда устунлигини исботлаган пайтда бу ҳол ул зотнинг миллий нигилизмга қарши курашгани, ватанпарварлиги эди.

Шу боис ўтмиш маданий меросимизда ватанпарварликнинг юксак талабларига унчалик мос келмайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки, улар бугунги истиқлол талабларига, эҳтиёжларига, миллий ғурурни

ўстиришга хизмат қила олмайди. Ватанпарварлик, шакшубҳасиз, Ватан учун фидойи бўлишни, Ватан озодлиги ва равнақи йўлида курашишга етарлича иродалиликни тақозо этади. Маданий меросда бўш-баёвликни, тақдирга тан бериб, муросағўйлик қилишни ёки умумсовет байналмилалчилигини тарғиб этувчи асарлар ҳам йўқ эмас. Бундай асарлар истиқлолни мустақкамлашга хизмат қила олмаслиги шундоқ ҳам равшан.

Ва ниҳоят, тараққийпарварлик мезони ҳақида. Бизнинг фикримизча, инсонпарварлик каби, тараққийпарварлик ҳам энг асосий мезондир. Маданий ҳодисот, масалан, санъат асари, халқпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари билан қанчалик суғорилган бўлмасин, агар у келажакка эмас, ўтмишга қаратилса, патриархал тузумни идеаллаштира, миллий маҳдудликка, миллатчиликка чорласа, Ўзбекистон истиқлолини мустақкамлашда унинг аҳамияти паст бўлади. Демак, бу асардаги халқчиллик ва ватанпарварлик ташқи кўриниш касб этади, холос. Шу боисдан маданий меросни баҳолашда, янги, адолатли ҳуқуқий-демократик жамият яратиш жараёнида унга таянишда тараққийпарварлик талабларини эътиборга олиш зарур.

Ҳақиқий инсонпарварлик, халқчиллик, ватанпарварлик ҳеч қачон тараққийпарварликка зид келмайди. Агар зид келса, маълум даражада тарихан эскирган бўлиб чиқади. Демак, тараққийпарварлик бошқа мезонлар учун ҳам мезон, яъни мезон ул-мезон бўлади. Аммо тараққийпарварликнинг ўзи ҳам инсонпарварликка ва бошқа мезонларга зид келиши мумкин. Чунки тараққиёт тараққиёт учун эмас. Тараққиётга эришаман деб инсонга ёки Ватан манфаатига ёхуд табиатга зиён етказиш мумкин эмас.

Юқоридагилардан маданий меросга, уни баҳолашда ва ундан Ўзбекистон мустақиллигини мустақкамлашда фойдаланишда ушбу мезонлар ёрдамида комплекс ёндашиш кераклиги аён бўлади.

Ушбу мезонлар ёрдамида биз маданий меросимизни таҳлил қилсак, уни онгли равишда эгаллаб олишимиз, унга тобе бўлиб қолмасдан, келажак тараққиётимизга хизмат қилдиришимиз учун имкон пайдо бўлади.

Юқорида қайд этилган тўртала мезон маданий мерос-

га муносабатнинг универсал мезонларидир. Маданий мероснинг турли соҳаларида, шунингдек, шу соҳагагина тааллуқли хусусий мезонлар ҳам мавжуд. Масалан, адабиёт ва санъат учун шундай мезон – бу юксак бадиийлик, образлар такомиллигидир. Лекин бадиийлик мезонини илм-фан, ахлоқ ёки ҳуқуққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Уларнинг ўз хусусий мезонлари мавжуд.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОМ МАСАЛАСИ

Модомики, биз миллий меросимизни ўрганишга киришган эканмиз, бу жараён исломга, унинг қадриятларига ҳам янгича ёндашишни тақозо этади. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз салкам 1300 йил давомида шу динга эътиқод қилган. Исломиётда ҳам, бугунги кунда ҳам турмуш тарзимизда, тафаккуримизда муҳим ўрин тутган, тугиб келмоқда. Бу ҳақда Президентимиз «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида жуда ҳақ гапларни айтганлар.

Истиқлол туфайли маданий меросга ва исломга муносабат тубдан ўзгарди. Маданий меросимизнинг биздан яширилган ёки нотўғри талқин қилиб келинган бебаҳо намуналари билан бирга, халққа том маънодаги ислом ҳам қайтарилди.

Халқимиз Қуръони каримни, Исо ат-Термизий ва Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни, калом илмига, ислом фалсафаси ва тасаввуфга оид бир талай дурдона асарларни илк бор она тилида ўқиш ва ўрганиш имконига эга бўлди.

Мустақиллик йилларида буюк боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Фарғоний каби дунёвий фаолият даҳолари билан бирга Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий каби исломий илм даҳоларининг таваллуд тўйлари кенг миқёсда нишонланди.

Истиқлолдан аввал Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Азизиддин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний сингари диний ва дунёвий илмларнинг буюк соҳиблари

тўғрисида бир неча мутахассис олимлардан ташқари ҳеч ким тасаввурга эга эмас эди. Бугунги кунда уларнинг ҳамда атоқли мутасаввуф шоирларнинг ижоди ва ҳаёти халқимиз маънавий дунёсини бойитиб, онгининг, билимларининг янги қирраларини чархлаб бормоқда. Мустақил давлатимиз виждон ва эътиқод эркинлигини амалда таъминлаш мақсадида ўз Конституциясининг 31-моддасида фуқароларининг бундай ҳуқуқини кафолатлади ҳамда бу масалага доир махсус қонун қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик қўлга киритилганидан буён ўтган давр мобайнида диндорлар ва аҳолининг айрим тоифалари ҳуқуқий савияси ва маданияти ҳали анча пастлиги аён бўлди. Баъзилар эътиқод эркинлигини ўта бир томонлама – диндор бўлиш мажбурияти дебгина тушунар экан. Бундайлар ўз диний жамоалари сафини кенгайтириш учун гоҳида қўни-қўшниларига, маҳалласи аҳлига мафқуравий тазйиқ ўткази бошлади. Ҳатто баъзи ҳолларда «Агар масжидга келмасанг, маҳалладан чиқиб кет, сенинг тўймаъракаларингда бундан буён маҳалла қатнашмайди. Ўзингни кофир деб эълон қиламиз», деган пўписа ва қўрқитишлар янгради. Бошқачароқ айтганда, баъзи бир диндорлар инсоннинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқини кўр-кўрона поймол этиш, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги давлатимиз қонунига зид хатти-ҳаракатлар қилиш йўлига ўтиб кетганларини билмай қолдилар.

Бундай тажовузкор тарғибот ва ноқонуний талаб олдида совет даврида ва ундан олдин ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини, дунёқарашини ҳимоя қилишга одатланмаган кўпчилик бефарқ қараб тураверди, айримлар эса «бирданига» диндорга айланиб қолди, қўрқанидан масжидга қатнай бошлади.

Бу эса жамиятимизнинг мустақиллик берган эркинликка, инсоний ҳуқуқларга ва масъулиятга баъзи бир соҳаларда ҳали тўлиқ тайёр эмаслигининг виждон эркинлиги ва эътиқод масалаларида намоён бўлиши эди. Шу боис «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга жамиятдаги реал аҳволни, халқнинг ҳуқуқий онг даражасини ҳисобга олиб, янги таҳририй ўзгартишлар киритишга тўғри келди. Шу тариқа эътиқод эркинлигини яна бир бор – бу сафар диний мутаассиблардан ҳимоя қилиш лозим бўлиб қолди.

Айниқса «ваҳҳобийлар», «ҳизбут-таҳрир»чилар деб ата-ладиган диндорлар ва диний ниқобдаги бошқа хил қўпурувчилар, экстремистлар баъзи жойларда жуда фаоллашиб кетди. Улар ва улар кабилар дастлаб Наманганда жиноятлар содир этди, мамлакатимиз пойтахтида қўпурувчиликлар қилди, Андижонда ҳатто ҳокимиятни босиб олишга уринди.

Бугунги кунда, турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, динга қизиқиш кучаймоқда. Миллатимиз тарихини ва маданиятини теранроқ билиш, ўзлигимизни қайтадан кашф этиш зарурати ҳамда коммунистик идеаллар емирилиб, қадриятлар қайта баҳоланиши шуни тақозо этмоқда. Чунки динга киши ҳали ўзлигини тополмаган ёки уни яна йўқотиб қўйган ҳолларда кўпроқ мурожаат этади. Дин унга бундай ҳолларда маънавий таянч ва мадад бўлади.

Биз ҳақиқий миллий ўзлигимизга ўтмишда ҳам, совет даврида ҳам эриша олмадик. Совет даврида вужудга келган кўплаб сохта қадриятлар энди абас бўлди. Бундай шароитда ислом шундай омилга айландики, жамиятнинг бир қисми унга мурожаат этиб, илгари бир оз унутилган, бир оз йўқотилган миллий ўзига хосликни изламоқда.

Айримлар сидқидилдан, дин ҳозирги замоннинг барча қусур ва муаммоларини бартараф эта олади, деб ҳисоблайди. Айниқса кишилар ўртасида кучайиб бораётган турли шакллардаги бегоналашиш ва маънавий қашшоқланишнинг олдини олиш масаласи бугунги кунда кўпчилиқни безовта қилмоқда. Бу тоифадагилар динга қалб кемтигини тўлдирувчи, маънавий мажруҳликдан, миллий ва шахсий номукамалликдан халос этувчи, шунингдек, барча ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни ҳал қила оладиган омил деб қарайди.

Лекин баъзи бир ёшлар ва диний чаласавод ўрта ёшли кишилар орасида, аввало ташқи диний тарғибот таъсирида, диний мутаассиблар ва радикаллар чиқиб турадики, бу ҳол мамлакат келажагини ўйлайдиган ҳар бир кишини, жумладан, ҳақиқий диндорни ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Чунки мутаассибликдаги «ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга — зўравонлик ҳаракатла-

рига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади»¹.

Диний мутаассиблар тажовузкор диний тарғиботчиларнинг адолатпарварлик тўғрисидаги, аслида ғаразли сиёсий мақсадлар йўлида айтилган сафсаталарига учиб, уларнинг тузоғига илинган кишилар мустақиллигимизга таҳдид қилувчи кучлар қўлида воситага айланиб, ижтимоий-сиёсий барқарорликка пуғур етказувчи омил бўлиб қолиши эҳти-молини инкор қилиб бўлмайди.

Буни «Ҳизбут-таҳрир»нинг Ўзбекистонда ўзининг қатъий иерархиялашган (даражалашган) — бошланғич, туман, минтақа (вилоят) ва мамлакат даражасидаги партиявий тузилмасини яратишга уриниши кўрсатмоқда². Шу боис Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида диний экстремизм ва фундаментализмни миллий мустақилликка таҳдид солувчи хавфлар қаторида ажратиб кўрсатган ҳамда бу таҳдидларнинг нималарда намоён бўлишини ойдинлаштириб берган³.

Ислом рус истилосигача бизда давлат мафкураси (сиёсий мафкура) вазифасини бажариб келган, сиёсий, ижтимоий ва маданий, ҳаттоки, иқтисодий ҳаёт масалаларига аралашган. Бугун ҳам исломдаги айрим оқимлар бу даъводан қайтгани йўқ.

Мисрдан то Жазоиргача бўлган барча Шимолий Африка ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги, шунингдек, баъзи собиқ совет республикаларида (Тожикистон, Доғистон, Чеченистон) юз берган нохуш воқеалар, Тошкентда 1999 йил 16 февралда, Андижонда 2005 йил май ойида содир этилган даҳшатли қўпоровчиликлар шунини кўрсатмоқдаки, исломдаги фундаментализм оқими, имконият туғилиб қолса, ҳукмрон сиёсий мафкура бўлишга, ҳокимиятни қўлга олишга жон-жаҳди билан интила-

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 443-б.

² **Абдулҳаким Маматқулов.** Ислом тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик дини. «Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 21 апрель сони.

³ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 449–451-бетлар.

ди, ўз даъволарини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. Мухолифлари устидан ғалаба қозониш учун, ҳатто, қуроли тўқнашувларни, террорчиликни қўллаб-қувватлашдан тап тортмайди.

Ғарбда кейинги ўттиз йил ичида исломнинг сиёсий-лашуви ва мусулмон мамлакатларида сиёсатнинг исломлашуви тўғрисида кўп гапириляпти. Бу гаплар ҳақиқатга қанчалик яқин? Ушбу саволга жавоб бериш учун, бизнингча, исломдаги замонавий ғоявий-сиёсий оқимларни таърифлаш керак бўлади.

Хорижий исломдаги замонавий ғоявий-сиёсий оқимларнинг мақсадларини яхши билмайдиган ҳамюртларимиз улар ҳақида кўпроқ билиб олсалар, бу оқимлардаги тўғри ва нотўғри жиҳатларни фарқлаб етсалар, ёмон бўлмас эди. Биринчидан, бу нарса истиқлол ва ислом масаласини, исломга тўғри муносабатда бўлиш масаласини ҳал қилишда жуда қўл келган бўлур эди. Иккинчидан, у ислом ниқобидаги турли экстремистик оқимларга, агрессив тарғиботга нисбатан мафкуравий-илмий ва психологик иммунитет ҳосил қилишда ғоятда асқотар эди.

Хорижда илдиз отган бундай замонавий ғоявий-сиёсий – диний оқимларни шартли равишда учга бўлиш мумкин¹. Биринчиси – анъанавийлик оқими. Бу оқим ислом ақидаларини ва ўрта асрларда шаклланган анъаналарини ўзгартирмасдан тўлиқ қабул қилиш, ҳозирги замон илмий-техникавий тараққиётининг кўп жиҳатларини инкор этиш, консерватив турмуш тарзига қаттиқ риоя қилишга мойиллиги билан ажралиб туради.

Анъанавийлик оқими анча зиддиятли, у бирорта ислом мамлакатаида ҳукмрон эмас, соф ҳолда учрамайди. Чунки замонавий тамаддун ютуқларини тўлиқ инкор этишнинг, ишлаб чиқаришда ва турмуш тарзида уларни қўлла-

¹ Бу ҳақда қуйидаги асарлардан батафсилроқ маълумот олиш мумкин: «Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики». Москва, 1985 йил. Ушбу тўпламдан жой олган Л. Р. Полонскаянинг «Современные мусульманские идейные течения» ва Б. Г. Капустиннинг «Основные направления исторической эволюции социальных исламских учений (теоретическая постановка вопроса)» мақолалари.

масликнинг иложи йўқ. Анъанавийлик қарашлари тарафдорлари патриархал муносабатлар ва қолоқ онг кўпроқ сақланиб қолган жойларда аҳолининг саводсиз ёки чаласавод қисми ҳамда консерватив муллалар ўртасида тарқалган.

Иккинчиси — исломни замонавийлаштириш, ислоҳ қилиш оқими. Фарбда бу оқим ислом модернизми деб юритилади.

Анъанавий исломга танқидий қараш, исломда ислоҳ ўтказиш, яъни унинг айрим ақидаларини янгича талқин қилиш ғоялари мустамлакачилик исканжасига тушиб қолган мусулмон мамлакатларида зиёлилар ва қисман тараққийпарвар муллалар орасида XIX асрнинг 80-йилларидан, Жамолиддин ал-Афғоний ташаббуси билан бошланди. Чунки анъанавий ислом миллий тараққиётни таъминлай олмаган, натижада мусулмон мамлакатларининг деярли барчаси муайян даражада мустақиллигидан ажралган эди. Бундан ташқари, анъанавий ислом миллий озодлик йўлида миллатни сафарбар этиш имкониятларини анча бой бериб қўйган эди. Боз устига, анъанавий исломни қурол қилиб олган аксарият катта-кичик раҳбарлар мустамлакачилар билан тил топишиб кетган эди. Шу боис исломни замон талабларига мос ривожлантириш, янгиликлар билан бойитиш кун тартибига қўйилди. Аммо ўн уч ярим асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, катта ижтимоий ва мафкуравий инерция кучи ҳосил қилган, тамойиллари, ақидалари аллақачон шаклланиб бўлган, жамият онгидан то турмуш тарзининг барча соҳаларигача сингиб кетган динни ислоҳ қилиш — ниҳоятда нисбий тушунча. Унда туб янгилик қилиш, туб ислоҳ ўтказиш мумкин эмас. Бунга ислоҳчилар (муслихун) интилган ҳам эмас.

XX аср ўрталарига келиб, мустамлакачилик тизими емирила бошлагач, миллий буржуазия ва зиёлилар орасида исломни ислоҳ қилиш, замонавийлаштириш ғоялари анча кенг тарқалди. Бу — исломни миллий озодлик курашига ва истиқлолга мослаштириш заруратидан келиб чиққан тарихий вазифа эди.

Аммо амалдаги исломни ислоҳ қилиш масаласини турли сиёсий қарашдаги, турли илмий ва маданий савияда-

ги, турли ижтимоий табақа ва гуруҳларга мансуб назариячилар турлича тушунар эди. Улар орасида Оврупо университетларида таълим олиб, Фарб тилларини, маданиятини яхши ўзлаштирган гуманитар ва техникавий билимлар соҳиблари ҳам, ўз мамлакатлари ўқув юртларида, анъанавий мадрасаларда таълим олган мутахассислар ва муллар ҳам бор эди.

Табиийки, уларнинг амалдаги исломга муносабати ва исломнинг ижтимоий турмушдаги роли, уни ислоҳ қилишнинг йўналиши ва чегаралари тўғрисидаги қарашлари бир хил бўлиши мумкин эмас эди. Миллий озодлик кураши даврида уларнинг қарашларидаги иккинчи даражали ҳисобланган фарқлар истиқлолдан сўнг биринчи ўринга чиқа бошлади.

Ислом модернизми тарафдорларидан бўлган дунёвий зиёлилар ва сиёсатчилар амалдаги исломни ислоҳ қилиш бўйича икки гуруҳга бўлиндилар. Биринчилари уни капитализм талабларига; рақобатга асосланган бозор иқтисодиётига мослаштиришга уриндилар. Иккинчилари айрим давлатларда 50–60-йилларда исломни ҳатто социализмга мослаштиришга уриндилар. Буни қисман Жамол Абдул Носир фаолиятида ҳамда Сурия ва Ироқдаги БААС (Араб социалистик уйғониш партияси) партияси, Жазоир халқ демократик партияси фаолиятларида ва бошқа ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. Бориб-бориб, ҳатто «ислом социализми» атамаси шаклланди.

Муҳаммад Жинна, кейин Муҳаммад Аюбхон президентлик қилган даврларда Покистонда, 60-йиллардан бошлаб, шоҳ Ризо Паҳлавий даврида Эронда исломни капитализмга мослаштириб замонавийлаштириш расмий сиёсатга айланди.

Исломни замонавийлаштириш асосида унинг арконий тушунчаларини, тамойилларини инкор этиш эмас, балки замон руҳида янгича талқин қилиш ҳамда исломга «янгиликлар» – бидъат киритиш, иждиҳот ва ижмоъни кенг қўллаш ётади. Аммо саводсиз кенг омма ислом модернизмининг моҳиятини яхши тушунмади ва қабул қилмади. Истиқлолга эришилганидан кейин ўтиш даврининг қийинчиликлари, иқтисодий инқироз, инфляция, мулкий

табақаланишнинг кучайиши феодализм қолдиқлари емирилишини тезлаштирди, янги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий зиддиятлар пайдо бўлди. Бу ҳол турли кучлар ўртасидаги ғоявий-сиёсий қарама-қаршиликларни ва курашни чигаллаштирди.

Ижтимоий табақаланишнинг ва бегоналашувнинг кучайиши, бозорнинг шафқатсиз рақобати, иқтисодий инқироз туфайли минглаб майда, ҳатто ўртаҳол деҳқонлар, фермерлар, хунармандлар, ишлаб чиқарувчиларнинг синиб қолиши омманинг диний психологиясига, адолат ва исломий тавдилия тасаввурларига зид келди. Омма янги иқтисодий ва ижтимоий зиддиятларни Фарб турмуш тарзи иллатлари деб қабул қилди. Асл исломий қадриятлар қарор топтирилса бас, бу зиддиятлар йўқ бўлади, деб ишона бошлади.

Шу боис исломни замонавийлаштиришга қаратилган уринишлар катта самара бермади. Ва аксинча, «соф ислом»ни тиклаш шиорлари кун сайин омма ўртасида машҳур бўла бошлади.

Янги зиддиятлар бу мамлакатларнинг фақат ички тараққиётига эмас, шунингдек, уларнинг собиқ мустабиллар билан алоқаларига ҳам тааллуқли бўлди. Иқтисодий алоқалардан воз кечиш мумкин эмас эди. Ёш давлатларга мустамлакачиликдан мерос қолган хом ашё етказиб беришга мўлжалланган иқтисодиёт, саноат ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожланмагани, халқаро банклардан катта фоиз эвазига қарз олиниши янги мустамлакачилик — неокOLONиализм — хавфини туғдирди. Бу хавф кучайгани сайин омманинг диний кайфиятлари ҳам ўсди.

Иқтисодий қийинчиликлар, янги мустамлакачилик хавфи кенг омманинг шунчаки диний кайфиятини эмас, балки консерватив диний кайфиятини ўстирди. Аҳоли шахс индивидуализмидан, шахс манфаатидан, рақобатдан жамоавийликни, исломий тавдилияни хуш кўрди. Дин байроғи остида аксилимпериалистик ва аксилкапиталистик ҳаракат кучая бошлади. Ислом модернизмнинг капиталистик йўналиши инқирозга учради. Бунинг энг ёрқин мисоли — 1960—1975 йилларда тараққиётда юксак суръатларга эришган Эронда шоҳ салтанатининг қулаши ва Эрон Ислом Республикасининг вужудга келишидир.

Ислом модернизмнинг социалистик йўналиши ҳам оқибатда инқирозга учради. Чунки, биринчидан, социалистик мамлакатларда диннинг таъқиб қилиниши ва расмий атеистик сиёсат юритилиши собиқ СССР ва социалистик давлатларнинг ёш мустақил давлатларга кўрсатадиган иқтисодий ва ҳарбий ёрдамига қарамасдан, омманинг аксил-коммунистик кайфиятини озиқлантириб турди.

Афғонистонга собиқ СССР қўшинларининг киритилиши ислом модернизмнинг иккинчи йўналишига узил-кесил нуқта қўйди.

Бундай шароитда исломни ислоҳ қилиш эмас, аслини тиклаш, яъни «соф ислом»ни тиклаш зарур, деган қарашлар асосида янги оқим — Фарбда ислом фундаментализми, деб аталадиган оқим пайдо бўлди. Шу сабабдан ислом фундаментализми постколониал қийинчиликларга реакция сифатида вужудга келган дейиш мумкин. Фундаментализм — замонавий исломдаги учинчи оқимдир. Бу оқим тарафдорлари қолоқ ислом анъанавийчилигини ва исломни замонавийлаштиришни бирдай инкор этиб, исломнинг негизий (фундаментал) тушунчаларини тиклаш орқали уни расмий давлат мафкурасига, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий тараққиётнинг назарий асосига айлантиришга ҳаракат қилди.

Ислом фундаментализми (уни бизнинг матбуот кўпинча «ислом ақидапарастлиги» деб нотўғри таржима қилади. Ақидапарастлик — маълум қоидага қатъий риоя қилиш. Ақидапарастлик барча динларга ва догматик дунёвий таълимотларга, масалан, марксизм-ленинизмга ҳам хос) анча ранг-баранг ва ўта зиддиятли, ички қарама-қаршиликларга бой оқим. Унда нисбатан либерал, илмий-техникавий ютуқларни инкор этмайдиган, ижтимоий тараққиётни қисман тан оладиган қарашлар билан бир қаторда, ўта жангари, экстремистик қарашлар ҳам мавжуд.

Ислом ислоҳотчилари (муслихун) — Муҳаммад Абдо, Абдурахмон ал-Кавкабий, Рашид Ридо, Абдуллоҳ Нодим ва бошқалар ўз мамлакатларидаги миллий озодлик кураши йиллари исломни кейинги йилларда «булғаган бидъат»дан, яъни «янгиликлар»дан тозалаш, аждодларнинг тўғри йўлига (ас-салаф ас-солиҳга) қайтишга даъват этган эди.

Дастлаб бу даъват мустамлакачилар билан тил топишиб кетган, мустамлакачиликка мослашган «анъанавий» исломга қарши қаратилган эди. Ўша мамлакатларда миллий мустақиллик қўлга киритилгач, «салафия» Муҳаммад Иқбол, Таҳо Ҳусайн каби исломни замонавийлаштириш тарафдорларига қарши қўлланди. Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, муслихунларнинг айримлари илғор ғоявий ва ижтимоий-сиёсий позицияга содиқ бўлиб қолган.

Аммо Муҳаммад Баҳий, Сайид Қутб ва «мусулмон биродарлари» (ал-ихвон ал-муслимун) ташкилотининг бошқа мафкурачилари ва шу кабилар «соф ислом»ни барча назарияларга қарши қўя бошладилар. Шу тариқа ислом бағрида муросасизликка мойил ғоявий-сиёсий оқим пайдо бўлди. «Мусулмон биродарлари», «Жиҳод», «Ҳизболлоҳ», «Амал» ва ушбу оқимга оид бошқа ўнлаб катта-кичик гуруҳларнинг айримлари кейинчалик очиқ терроризмга ўтиб, илғор фикрли давлат арбоблари, давлат бошлиқларидан, журналистлардан тортиб, то гинеколог-шифокорлар ва раққосалар ҳаётигача суиқасд уюштира бошладилар, чет эллик сайёҳлар тушган автобусларни ўққа тутди.

Айрим «соф ислом» назариячилари, ҳатто, ислом маданияти эришган энг юксак илмий-фалсафий ютуқларни ҳам инкор этиб, маънавият борасида реакцион роль ўйнай бошладилар, амалиётда эса ўзлари тузган турли ташкилотлар, гуруҳлар орқали очиқчасига сиёсий қўпорувчилик, экстремизм билан шуғулланиб кетди. Ўзбекистонда ноқонуний тарзда яширин фаолият кўрсатган «Ҳизбут-таҳрир» ҳам «соф ислом»ни ҳаётга татбиқ этишга даъво қилувчи гуруҳлардан биридир. У «мусулмон биродарлари» ташкилотидан ажралиб чиққан¹.

Ўз асарларида зўравонлик билан алоҳида шахсни ҳам, давлат тизимини ҳам исломга бўйсундиришга, одамларни қонуний ҳукуматни қуроли қўзғолон орқали ағдариб ташлашга чақирган, ўзини «соф ислом» назариячиси деб ҳисоблаган, 1966 йилда Миср суди ҳукми билан қатл қилинган Сайид Қутб шундай деб ёзган эди: «На Ибн

¹ Абдулҳаким Маматқулов. Ислом — тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик дини. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 21 апрель сони.

Синода, на Ибн Рушдда, на Ал-Форобийда, на яна бошқа ислом файласуфларида оламни ҳақиқий исломчасига тушунишни сезмаймиз. Зеро, уларнинг фалсафаси исломга руҳан ёт қадимги юнон фалсафасининг соясидир»¹.

Қутбнинг бу фикри «эски дунёни пойдеворигача бузиб ташлаймиз, сўнгра ўзимизнинг янги дунёмизни қура-миз» деган қашшоқлик ва жаҳолатдан, зулмдан эзилиб, ўз манфаатини яхши англай олмаган мутаассиб йўқсил-лар фикридан нимаси билан фарқ қилади?

Лекин Қутб бир нарсада ҳақ: Ибн Сино, Ибн Рушд, Ал-Форобий ва улар каби бошқа «ислом файласуфлари» аслида дунёвий фан вакиллари эилар. Шу боис уларнинг асарларида оламни диний ақидалар нуқтаи назаридан эмас, балки илмий объектив идрок этиш, унинг қонуниятлари ва алоқадорликларини таҳлил этиш ўз аксини топган. Улар, ўзлари Оллоҳга сидқидилдан эътиқод қилсалар-да, дин ма-салаларини табиатшунослик ва оламни фалсафий билиш масалалари билан ҳеч қачон чалкаштирган эмаслар. Биоло-гия ёки физика фанининг диний белгиси бўлмаганидек, ҳақиқий фалсафа илмининг ҳам диний белгиси бўлиши мумкин эмас. Муайян диннинг фалсафий, яъни дунёқа-раш ва услубий логик назарияси — бошқа гап. Лекин бу фалсафа ислом оламида ўз соҳасининг чўққиси бўлган эди. Аслида Сайид Қутб объектив фалсафий илмдан воз кечишга даъват этган. Бундай муносабат бошқа соҳаларга кўчирил-са, бизга яна илк ўрта асрлар турмуш тарзига қайтиш, ҳозирги замон илм-фани ютуқларини инкор қилишни оқлашдан бошқа чора қолмайди.

Ислом таълимотларида тарғиб этилган айрим талаб-лар бугунги замон ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўп ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун бугунги «ислом назари-ётчи»лари орасида исломни ислоҳ қилишга, уни замо-навийлаштиришга ёки бу борадаги тараққиётнинг янги — «учинчи йўли»ни ахтаришга қаратилган уринишлар бор.

Масалан, Қуръон пулни фоиз эвазига қарз беришни, яъни судхўрликни гуноҳ ҳисоблайди (рибоъ) ва тақиқ-лайди. Банк эса қарздан фоиз олмасдан яшай олмайди. За-

¹ Философия и религия на зарубежном Востоке, XX век. Мос-ква, 1985 й., 74-б.

монавий иқтисодиёт ва замонавий ишлаб чиқариш эса банксиз фаолият кўрсата олмайди. Шу боис «ислом назариётчи»лари «ислом иқтисодиёти», «ислом банки» каби тушунчаларни ишлаб чиқишга ва юқоридаги зиддиятни бартараф этишга уриндилар. Лекин улар маъқул ечимни топгунларича, ўз иқтисодий сиёсатларини ислом мафкурасига мослаштиргунларича, тараққиётда анча ортда қолиб кетдилар. Лекин барибир самарали ислом моделини ярата олмадилар. Чунки иқтисодиётни мафкурага, яъни ислом талабларига бўйсундириш иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда сунъий тўсиқ ҳосил қилмоқда. Натижада негизчиларнинг (фундаменталистларнинг) ҳам айримлари бидъатни ёқлай бошлади.

Ҳатто, дастлаб ҳар қандай бидъатга мутлақо қарши бўлган Саудия ваҳоббийлари ҳам бугун «бидъат ҳасана» — «фойдали, ижобий янгилик»ларни ёқламоқдалар¹.

XX асрнинг 50-йилларидаги Жанубий Корея, Тайвань, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиёдаги айрим мамлакатларнинг тараққиёт даражасини Миср, Саудия, Ливан, Жазоир, Ироқ каби мамлакатларники билан таққосласак, «осиё йўлбарслари» уларга нисбатан тараққиётда анча паст турар эди.

Бугун эса манзара тамомила ўзгача. Табиий бойликлари мутлақо йўқ ёки жуда кам бўлган Гонконг, Сингапур, Япония мўъжизаларини бирор ислом мамлакатада (бундан Малайзия қисман истисно) кўрмаймиз. Фақат нефть сотиш эвазига бойиб кетган мамлакатларда турмуш фаровонлиги ва ободончилик кейинги йилларда кўзга ташланиб қолди. Лекин жаҳоннинг энг қашшоқ 30 мамлакатининг тенг ярми — мусулмон мамлакатларидир.

1978 йилда Эронда «ислом инқилоби» юз бермаганида, Ливанда ўтган асрнинг 70-йилларида конфессиялар орасидаги тортишувлар, «Ҳизболлоҳ» ва «Амал» каби диний экстремистик гуруҳлар фуқаролар урушини ва Исроил билан ҳарбий қарама-қаршилиқни келтириб чиқармаганда, бугун «осиё йўлбарслари» орасида, балки, Эрон ва Ливанни ҳам кўриб турар эдик.

¹ Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики. 269-б.

«Осиё йўлбарслари»нинг тез ривожланиш сабаби, энг аввало, мазкур давлатларда ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳалари — ишлаб чиқариш, молия-кредит тизими, савдо, сиёсат, халқ таълими — диний мафкурадан халос этилиб, дунёвийлик асосида қайта ташкил қилинганидир.

Иқтисодий мафкурага бўйсундириш, ижтимоий ҳаётни, илм-фан, маданият ва халқ таълимини мафкуравий қолип билан чеклаш нималарга олиб келиши мумкинлигини биз казарма социализми тарихидан ҳамда айрим муслмон мамлакатлари тажрибасидан яхши биламиз. Шу боис Ислом Каримов теран илмий таҳлиллар ва умумлаштиришлар асосида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти билан белгиловчи беш тамойилнинг биринчисини — «иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас... иқтисодий сиёсатдан устун туриши керак»¹, деб қатъий ва аниқ белгилаган. Исломни ислоҳ қилиш доирасида уни капитализмга ва социализмга қарама-қарши қўйиб, «учинчи йўл» сифатида талқин қилишга уринишлар, «салафия» билан бойитилган назариялар ҳам бор. Масалан, XX асрнинг 60-йиллари бошида Парвез олға сурган ислом шунчаки дин эмас, у шунингдек капитализм ва социализм сингари ижтимоий тузум, дунёқараш ва турмуш тарзидир, деган ғоя Қоҳирадаги «Ал-Аҳзар» ислом университети ва юқорида эслатилган «Муслмон биродарлари» ташкилоти томонидан ривожлантирилди.

Умуман олганда, бу жуда катта, йирик мавзу бўлиб, алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Лекин бу ўринда қисқача ваҳҳобийлик тўғрисида тўхталиб ўтишни зарур деб биламиз.

Ваҳҳобийлик тўғрисида республика матбуотида бир талай мақолалар чоп этилди. Унинг вужудга келиши, бу борада инглиз махфий хизматининг роли, ваҳҳобийларнинг муқаддас жойларни бузиб ташлагани, ислом оламидаги бирликка, жипсликка путур етказгани ва бошқа тарихий фактлар ўқувчиларга маълум қилинди.

Ваҳҳобийликнинг ташвиқотини маълум жиҳатдан са-

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 300–301-бетлар.

лафия оқими ҳам қўллаб турган. Немис шарқшуноси В. Эн-де ушбу ҳолатни шундай изоҳлайди: «Туркияда камолизмнинг ва бошқа мусулмон мамлакатларида шунга ўхшаш оқимларнинг кучайишига жавобан салафийлар ўз умидларини исломнинг Саудия Арабистонида тарихий ва сиёсий янгилалиши билан боғлай бошладилар»¹.

Ислом оламида кейинги 30–35 йилда юз берган ўзгаришлар, айниқса, сиёсатнинг исломлашуви ваҳҳобийликни ниҳоятда фаоллаштириб юборди. Аслида ваҳҳобийлик исломдаги замонавийчилик ва фундаментализмдан (негизчиликдан) икки юз йил аввал, XVIII асрда вужудга келган. Аммо у ҳозирги замон исломдаги баъзи ғоялар таъсирида «бойиган». Ҳаттоки оқимнинг асосчиси Муҳаммад ибн Ваҳҳоб салафлар қаторига киритилган.

Ваҳҳобийлик исломдаги юқорида айтилган бугунги уч ғоявий-сиёсий оқимдан кўпроқ фундаментализмга (негизчиликка) яқин. Аммо уни фундаментализмдаги илк ислом анъанасини тиклашга қаратилган ўта жўн ва реакцион (тарих ғилдирагини ортга айлантirmoқчи бўлган) анъанавийчилик билан қоришиб кетган қанот дейиш ўринлидир.

Ваҳҳобийликнинг кескин шакллари ўта қашшоқ, йўқсил, пролетарлашган, ҳатто люмпенлашган қатлам психологиясига мос. Шу боис унда стихияли бузиш, вайрон этиш, маданий ёдгорликлар ва санъатга нисбатан салбий муносабат (гўеки санъат инсонни худони эсдан чиқаришга, шайтон васвасасига учишга ундайди) кўзга ташланиб туради. Шу боис афғон толибларининг энг ашаддийлари мусиқани, кино ва телевидение кабиларни тақиқлаб ташлаган эди.

Ваҳҳобийлик ўзга фикрларни рад этиши, ғоявий муросасизлиги ва мутаассиблиги билан большевизмга ва фашизмга ўхшаб кетади. У ҳам, большевизм сингари, қашшоқларнинг тўқ яшайдиганларга нисбатан қаратилган нафратига таянади. У ҳам большевизм ва фашизм сингари, мухолифларини оммавий қатағон қилиш тарафдори, сиёсий репрессияга мойил. У ҳам, большевизм ва фашизм

¹ В. Ende. «Relegion, Politik und literatur in Saudi Arabien: Der Guistesgeschichtliche Hintergrund der heutigen relegiosen und kuetutpolischen situation». «Orient», 1981 йил, 3-сон, 383-бет.

синғари, ҳаммани ёппасига назорат қилиш, ҳаммани бир хил фикрлашга, бир хил яшашга мажбур этишга интилади. У ҳам, большевизм ва фашизм синғари, алоҳида шахс манфаати билан ҳисоблашмайди, у ҳам «адолатли» жамият қуришда инсонни восита деб билади, бу жамиятга халқларни мажбурлаб тиқиштирмоқчи бўлади.

Лекин ваҳҳобийлик, большевизмдан фарқли ўлароқ, хусусий мулкчиликни ва тижоратни инкор этмайди. Бу билан у фашизмга яқин. Айни пайтда ваҳҳобийликнинг, большевизм ва фашизмдан фарқли, илмий-техника тараққиётига, айрим истиснолар ҳисобга олинмаганда, муносабати салбийдир. Ваҳҳобийлик моҳиятан тоталитар мафкуранинг ва сиёсатнинг диний ниқобдаги кўринишидир.

Ваҳҳобийлик — Саудия Арабистонида расмий давлат дини. Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж ва умра қилиш ислом фарзларидан бўлгани учун Саудия Арабистони бутун дунё мусулмонларини қабул қилишга, барча ислом мамлакатлари ва ташкилотлари билан алоқа қилишга мажбур. Шу боис Саудия Арабистонидаги ваҳҳобийлик нисбатан либерал, юмшоқ, айрим ўта мутаассибларча кескинликларни намоён этмайди. Аммо ваҳҳобийликни Саудия Арабистонидаги айрим ноҳукумат доиралари «экспорт» қилишга зўр бериб уринмоқда. Бунга катта-катта маблағлар сарфлаб, ташвиқотчи — «даъватчилар» тайёрламоқда. Ваҳҳобийликнинг «экспорт варианты» эса афғон толиблари ҳамда чеченистонлик, доғистонлик ва бошқа айирмачилар амалиётида ўзининг зўравонлик моҳиятини очиқчасига намоён этди.

Ваҳҳобийлар пайғамбар даврида ҳеч қандай мазҳаб йўқ эди, мусулмонлар жамоаси ягона эди, деган шиор остида мумтоз ислом ютуқларига, VII–IX асрларда шаклланган шариат ва фикҳ мактабларига (мазҳабларга) ҳужум қилиб, амалда исломни примитив, ўта жўн кўринишга қайтармоқчи. Ахир, ислом дини калом, фикҳ, тасаввуф ва бошқа ижодий изланишлар асосида бир неча асрлар давомида шаклланган, ривожланган. Пайғамбар даври эса исломнинг туғилиши, таъбир жоиз бўлса, гўдаклик пайтидир.

Бошқа агрессив, тажовузкор, тоталитар сиёсий маф-

куралар сингари ваҳҳобийлик ҳам ҳақиқий илм-фандан, аҳоли кенг қатламларининг танқидий фикр юритиши мумкинлигидан чўчийди. Ваҳҳобийликнинг «экспорт варианты» ўта қашшоқ ёки сиёсий беқарор давлатда ҳарбий куч орқали ҳокимият тепасига келиши мумкин. Лекин у тарихий истиқболга эга эмас ва эрта ё кеч инқирозга учраши тайин. Ваҳҳобийликка ўхшаш бошқа тажовузкор қарашларнинг ҳам (жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» мафкурасининг) салафияни ўзларича талқин қилиб, тарихан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, масалан, мусулмон халифалигини тиклаш каби олға сураётган айрим ғоялари бугунги кунда ўта реакцион, халқаро сиёсий барқарорликка хавф соладиган омилдир.

Президент Ислом Каримов ўз ҳаққоний фикрлари билан бундай деб огоҳлантирган эди: «Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир»¹.

Халқимизнинг истиқлолни қўлга киритишдан мақсади қолоқликка юз тутиш эмас, балки юксак ривожланган, фаровон ва маданий турмуш кечириш, иқтисодий юксалиб, маънавий камол топишдир. Ваҳҳобийлик ва диний мутаассибликнинг бошқа кўринишлари эса бунга эришиш йўлида тўсиқ бўлади. Мана шуни унутмаслигимиз керак.

Ушбу масалага доир америкалик таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг қарашлари ҳам эътиборга молик. У ўзининг «Танлов: жаҳонда ҳукмдорликми ё глобал етакчилик» китобида замонавий исломда икки бири бири билан диалектик боғлиқ, аммо ўзаро рақобатлашадиган оқимларни: исломий (исломистик) популизм ва ислом фундаментализмини ажратиб кўрсатади. (Баъзан му-

¹ «Халқ сўзи», 1999 йил 3-февраль.

аллиф «исломий популизм» ўрнига қисқача «исломизм» атамасини қўллади). Табиийки, З. Бжезинский масалага умумфалсафий нуқтаи назардан эмас, балки сиёсатшунослик (политологик) нуқтаи назардан ёндашади. Бунда у мусулмон мамлакатларида яқин 20–25 йилда воқеалар ва АҚШ билан муносабатлар қандай йўналишда ривожланиши эҳтимолини назардан қочирмайди. У қуйидаги фикрни олға суради: «Ислом фундаментализми («теза») моҳиятан замонавий эмас, аммо исломнинг мустамлакачиликдан кейинги шаклидир. У дунёвий ғарбнинг ҳукмронлигига қарама-қарши реакция сифатида вужудга келди. Исломий популизм («антитеза») ғарб ҳукмронлиги давридан қолган ёки кейин киритилган баъзи замонавий унсурларни мослаштириш, ислом нуқтаи назаридан догматик талқин қилиш орқали кўпинча Ғарбга қарама-қарши қўйиладиган тимсол сифатида фойдаланади.

«Синтез» ҳали олдинда. Эҳтимолки, у кўплаб шаклларда мужассам бўлади»¹.

(З. Бжезинский жараён ва ҳодисаларни ўрганишда Гегелнинг машҳур учлик (триада) ёндашувини қўлламоқда. Мавжуд ёки бирламчи ҳолат – «теза» («тезис»), унинг инкори, яъни ўзгарган, бошқа сифат касб этгани шакли – «антитеза» («антитезис»), ҳақиқий янги сифати – инкорни инкори – «синтез» деб аталади. Синтез дейилишига сабаб, унда дастлабки ҳолатдаги – тезадаги – ва кейинги инкор ҳолатдаги – антитезадаги – энг яхши сифатлар инкорни инкорда – синтезда – бирлаштирилади. Назаримизда, З. Бжезинскийнинг исломдаги оқимларга нисбатан бундай ёндашуви бир оз сунъий. Чунки Гегель усулини тарихий узоқ давом этадиган жараёнларга нисбатан қўллаш ўринли, 50–60 йиллик жараёнларда у қонуният сифатида эмас, балки аниқ дифференциялашмаган ярим яширин тенденциялар сифатида намоён бўлади).

Агар ислом фундаментализми теократик бошқарувни жорий қилиш ва сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётни тўлиқ шариат меъёрларига бўсундириш мақсадини кўзласа, популистик ҳаракатлар эса, муаллиф фикрича, «исломизм-

¹ Збигнев Бжезинский. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. М., «Международные отношения», 2007, с. 83.

га» жамиятни тўлиқ қамраб оладиган сиёсий мафкура сифатида қарайдилар-у, диний бошқарувни жорий қилишни кўзламайдилар¹.

Айни пайтда ислом популизми экстремизмдан ва «ҳокимиятни босиб олиш учун зўравонликнинг терроризм-гача» шакллари қўллашдан воз кечмайди².

Замонавий исломда турли мураккаб ва зиддиятли сиёсий оқимлар намоён бўлишига қарамасдан, З. Бжезинский адолатли тарзда: «қандайлигидан қатъи назар, теология жиҳатидан исломни демократияга христианлик, иудаизм ва буддизмга нисбатан кўпроқ мухолиф дейишга асос йўқ»³, — деб ҳисоблайди.

«Замонавий ислом ва терроризм» масаласида батафсилроқ тўхташнинг кези келганга ўхшайди.

Замонавий терроризм яқин ўтмишдаги мустамкачилик ва унинг оқибатлари — постколониал зиддиятлар ва қийинчиликлар маҳсулидир. Айни пайтда у XIX—XX аср бошларидаги европа инқилобий ҳаракатининг, айниқса рус инқилобчилари, авваламбор народоволецлар ва эсерлар қўллаган усул ва воситаларни давом эттирувчилардир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин XX асрнинг 50—60 йилларида колониал тизим тезда емирилди. Мустақилликка эришган мамлакатлар иқтисодиёти жуда номукамал, мустақил фаолият юритишга мослашмаган эди. Чунки асосан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етиштириб беришга мўлжалланган эди. Жаҳон бозорида эса хом ашё ва тайёр маҳсулотларга нарх белгилаш ривожланган мамлакатлар, собиқ метрополиялар қўлида эди, бу ҳозиргача тўлиқ бартараф этилмаган. Ривожланган мамлакатлар ўзларининг ички қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига дотация бериб, ёш аграр мамлакатлар маҳсулотига паст нархларни жаҳон бозорида ушлаб турдилар.

Оғир иқтисодий вазиятдан чиқиш учун ёш мустақил давлатлар халқаро молиявий тузилмалардан катта миқдорда қарз олишга мажбур бўлди. Бу уларнинг янги шакллардаги қарамликка олиб келди. Кредитларни устама фоизлар

¹ Ўша жойда. 79-б.

² Ўша жойда. 82-б.

³ Ўша жойда. 84-б.

билан тўлаш вақти келиши билан оғир иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар кескинлаша бошлади. Яна қарз олишга тўғри келди. Бу эса уларнинг кўпчилигини сурункали қолоқлик ва қашшоқлик домига гирифтор этди. Охиروқибат эса ички сиёсий зиддиятларни кучайтириб, ижтимоий-сиёсий вазиятни бузиб юборди.

Янги мустамлакачилик хавфи, бир томондан, кенг омманинг консерватив ва диний туйғуларини кучайтирди, бошқа томондан — турли радикал гуруҳ аъзоларининг ғарбий қадриятларга нисбатан нафратини, ўч олиш истагини озиклантириб турди. Давлат ва жамият институтларининг яхши ривожланмагани, бошқарув маданиятининг, амалдорлар ва менежерлар савиясининг пастлиги, порахўрлик, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик ва гуруҳбозлик иллатларининг кенг тарқалгани вазиятни янада чигаллаштирди. Натижада сиёсий кураш майдонига янги кучлар, улар қаторида экстремистик кучлар ҳам кириб келди ва ҳокимиятга интила бошлади. Баъзи мамлакатларда бир неча бор давлат тўнтаришлари уюштирилди ёки шунга уринилди. Кўп миллатли мамлакатларда ички нотинчлик тажовузкор миллатчилик ва айирмачиликни вужудга келтирди.

Юқоридагиларга яна қўшимча қилиш керакки, айрим ҳолларда собиқ метрополиялар, ўз мустамлакаларига мустақиллик бераётганда, узил-кесил баҳсли ҳудудлар ва давлат чегаралари масаласини ҳал қилмай қолдирган. Бугунги кунда ечилмаган чегара ва ҳудудлар масалалари минтақавий можаролар ва нотинчликнинг узоқ муддатли манбаига айланиб қолди. Биргина Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги Кашмир муаммосини эслашнинг ўзи кифоя. Фаластин-Исроил муаммоси ва араб-исроил можароси мусулмонларнинг ғарб мамлакатлари ва АҚШга нисбатан ишончини чиппака чиқарди, чунки уларда мазкур масалада ғарб давлатлари ва АҚШ бир томонлама Исроилга ён босаётир деган фикр ҳосил бўлди.

Ҳокимият учун кураш, айирмачилик, чегаравий ва минтақавий зиддиятлар, этник можаролар экстремизм ва терроризм ўсиши учун замин яратди. Бир-бирига қарши турган гуруҳлар ўз тарафдорларини ягона мафкуравий асосда бирлаштириш, улар сафини кенгайтириш, ўзларига

мамлакат ичида ва ташқарисида хайрихоҳлик қилувчи ва моддий қўллаб-қувватловчилар сонини кўпайтириш мақсадида мафкуравий воситаларга, янги ахборот технологиялари ёрдамида тарғибот ва ташвиқот юритишга зўр бера бошладилар. Зарур ҳолларда улар воқеалар ва далилларни бирёқлама талқин қилдилар, баъзан ҳатто сохталаштирдилар. Дин мафкуранинг энг кенг тарқалган шакли бўлгани учун ундан сиёсий партиялар ҳам, экстремистик ва террорчи гуруҳлар ҳам фойдаланди. Кейингилар эса диннинг асл моҳиятини бузиб, уни ниқоб қилиб олди.

Ижтимоий-синфий табақаланиш ва бегоналашиш, ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар кучайиши, сиёсий нотинчлик ҳамда неокOLONиализм хавфи нодиний (дунёвий) фарбча турмуш тарзининг асоратлари деб талқин қилинди.

Омма онгига «соф ислом» қадриятлари қарор топса, мавжуд муаммолар бартараф бўлади, бинобарин, «соф ислом»га қайтиш зарур деган фикр сингдирила бошлади. Фарб қадриятларидан воз кечиш, кимки бунга қаршилик қилса, йўлдан олиб ташлаш, керак бўлса, жисмонан йўқ қилиш ҳақида даъватлар пайдо бўлди. Лекин халқни узоқ вақт давомида миллатчилик ва диний мутаассиблик сафсаталари билан алдаб бўлмайди. Халқ у ёки бу партия, ташкилотга унинг сафсатасига қараб эмас, аниқ ишига, мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, ички барқарорлик, фуқаролар ҳаёти хавфсизлигига қараб баҳо беради.

Мафкуравий мутаассиблик, ҳокимият учун ҳалол курашда муваффақиятга эриша олмаслик айрим гуруҳларни курашнинг ноқонуний, экстремистик, террористик шакллари қўллашга ундади. Уларнинг ташвиқотлари ва диний ғоялари ҳам тажовузкорлик касб этди. Улар ҳатто тоталитар мазмунда тушуниладиган диний турмуш тарзи ва теократик бошқарувни жорий этиш зарурлиги масаласи бўйича ўзларидан бир оз бошқача фикрлайдиган диндорлар ва муллаларни ҳам кофир деб эълон қилишгача етди. Бу билан улар тинч аҳолига ва диний муҳолифларига қарши зўравонлик ва террор усулларини қўллаш мумкинлигини ўзлари учун «маънавий» жиҳатдан асослаб олдилар.

Табиийки, ақидапарастларнинг энг тажовузкор қисми ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун қонун томондан таъ-

қиб қилинди. Бир қисми қувғинга учради. Қонуний ҳокимият томонидан қувғин қилинганлар чет элларда, шу жумладан Европада, собиқ метрополияларда бошпана изладилар. Бироқ у ердан туриб экстремистик фаолиятини ўз мамлакатлари ичида давом эттирдилар, аҳён-аҳёнда эса бошпана берган мамлакатда ҳам «хунарларини» кўрсатиб турибдилар. Шундай қилиб, халқаро терроризмнинг замонавий ислом билан боғлиқ шаклларида бири пайдо бўлди.

Аммо умуман ҳозирги замон халқаро терроризми, хусусан ислом терроризми нафақат постколониал зиддиятларнинг, шунингдек, яқин ўтмишдаги икки тизим — капитализм ва социализм ўртасидаги курашнинг ҳам маҳсулидир.

Собиқ Совет Иттифоқи очиқчасига ёки зимдан, пинҳона жаҳондаги (мусулмон мамлакатлари бундан мустасно эмас) турли инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келди, шу жумладан бу ҳаракатлардаги экстремистик гуруҳларни ҳам. АҚШ ва бошқа ғарб мамлакатлари эса, табиийки, бу ҳаракатларга қарши турадиган ёки уларни ичидан бўлиб юборувчи кучларга кўмак берди. Улар ўзларига бўйсунувчи экстремистик ва террорчи гуруҳларни тайёрладилар. Бу гуруҳлар европа инқилобий ва аксилінқилобий ҳаракатлари кураш усуллари яхшилаб ўзлаштириб, бугунги кун воқелиги ва маҳаллий шарт-шароитларга мослаштириб олдилар, шу жумладан молиявий таъминот масаласида ҳам, фақат уни гиёҳванд моддалар сотиш ва пул топишнинг бошқа замонавий шакллари билан бойитдилар.

Таъкидлаш зарурки, терроризм нафақат ислом мамлакатларида мавжуд. У дунёнинг турли динлар тарқалган даярли барча мамлакатларида курашнинг ноадекват, зўравонлик шакли сифатида учрайди. У Шимолий Ирландиянинг католиклари ва протестантлари ўртасида яқин-яқингача қўлланиб келинди. Ҳозир у испан басклари (католиклар) курашининг шаклларида бири. XX асрнинг 90-йиллари бошида, Югославия парчаланиш даврида серб миллатчилари (православлар) босниялик ва серб бўлмаган бошқа халқларга қарши оммавий террорни қўлади. Ҳиндистон ва Шри Ланкада сикхлар (алоҳида диний оқим) ва тамиллар (индуизмга эътиқод қилади) тез-тез террорис-

тик актларга қўл уриб туради. Японияда Аум синрике (буддавийлар) Токио метроси йўловчиларига қарши заҳарловчи газ ишлатди.

АҚШ президенти Жон Кеннеди, президентликка номзод Роберт Кеннеди, ирқий камситилишларга қарши курашчи Нобель мукофоти лауреати Мартин Лютер Кинг террористлар қўлидан ҳалок бўлди. АҚШда терроризмнинг энг жирканч кўриниши — ку-кликс клан — даҳшатларини унутмаган қоратанли фуқароларнинг талай қисми ҳали тирик. Италияда мамлакатнинг бош вазири Альдо Моро 1978 йилда ўғирлаб кетилиб, ваҳшиёна ўлдирилган. Швеция бош вазири Улоф Пальме эса кўчада отиб кетилган, Ҳиндистон бош вазирлари Индира Ганди, Раджив Ганди террор оқибатида ҳалок бўлди. Булар XX асрнинг 80-йилларида юз берган ҳодисалар. Исроил бош вазири Ицхак Рабиннинг сионист-террорчи қўлидан ҳалок бўлганига жуда кўп вақт ўтгани йўқ. АҚШ ва Швецияда асосий диний конфессия протестантизмдир. Италия (католиклар) ва АҚШда терроризмнинг рэкет, мафия, қурол-яроғ билан ноқонуний савдо қилиш, Колумбияда (католиклар) наркобизнес билан боғлиқ шакллари пайдо бўлди.

Бироқ терроризм ҳақида гап кетганда, ғарб ташвиқоти жамоатчилики онгига алоҳида тиришқоқлик билан «ислом ва терроризмни бир-биридан ажратиб бўлмайди» деган тушунчани сингдиришга уринмоқда.

3. Бжезинский эътироф этганидек, ҳатто «кўнгилочарлик индустрияси террор билан боғлиқ ишларда жамоатчиликка асосан андозавий талқинларни, авваламбор араб «изи»ни таклиф этади»¹. Ушбу муносабат билан яна бир бор терроризм, қурол-яроғ ва наркотиклар билан ноқонуний савдо каби аллақачон халқаро кўриниш олганини ва улар бир-бирларини ўзаро тўлдириб туришини эслатиш жоиз.

Эътироф этиш лозимки, бундан 20–25 йил бурун Германия ва Италияда «қизил бригадалар» деб аталувчи гуруҳлар ҳаракат қиларди. Турли неофашистик гуруҳлар аҳён-аҳёнда Европанинг қатор мамлакатларида ҳалигача ўзла-

¹З. Бжезинский. Ўша асар, 71-б.

рини эслатиб туради. 3. Бжезинский италиялик тадқиқотчи Франко Феракутига таяниб қуйидаги маълумотни келтиради: «Италия мисолининг ўзи етарлидир: Франко Феракути Италияда 1969 ва 1986 йиллар оралиғида 14569 тадан кам бўлмаган террористик актлар содир этилганини ҳисоблаган. Улар натижасида 415 киши ҳаётдан кўз юмган. Террористик хуружларнинг энг кўпи – 2513 таси 1979 йилда содир этилган»¹.

Кўриниб турибдики, терроризмга минтақавий ёки диний-этник ҳодиса сифатида ёндашиш ярамайди. Бу халқаро ҳодисадир.

Шу ўринда 2007 йилда ғарб матбуоти саҳифаларида пайдо бўлган ифвогарона бир неча суратлардан иборат Муҳаммад пайғамбар тасвирланган карикатурани эслаш жоиз. Суратларда ҳатто Пайғамбарнинг салласи тўпнинг ядросига ўхшатиб чизилган. Машҳурликка интилиб, илмий башоратчиликка даъво қиладиган С. Хантингтон сингари «интеллектуаллар» кўпдан буён ғарб авом халқини гўёки ислом ва ғарб маданиятлари ўзаро душман, улар ўртасида яқин келажакда қонли тўқнашувлар бўлиши муқаррар деган уйдирмага зўр бериб ишонтиришга уринмоқда.

Ислом билан кўрқитиш нафақат Ғарбда, шунингдек, ҳиндистонликлар, исроилликлар ўртасида ҳам ўтган асрнинг 60–70-йилларидан буён, айниқса Эронда шоҳ ағдарилгач, авж олди. 2001 йилнинг 11 сентябридан кейин эса аксилислом ташвиқоти ҳар қандай чегарадан чиқиб кетди.

Ғарбдаги аксилислом ташвиқоти, табиийки, мусулмонларнинг ғашини келтирмоқда, қарши ташвиқот ва амалий ҳаракатларни, жумладан террористик характердаги уринишларни туғдирмоқда. Боз устига, яна ғарб мамлакатларининг халқаро муносабатларда «икки хил стандартлар»ни қўллашини эслаш керакки, буни ҳам мусулмон мамлакатлари аҳолисининг бир қисми салбий қабул қилмоқда.

Баъзи бир ислом давлатлари ҳукумати ва сиёсий ташкилотлари аҳолининг диққатини ички муаммолардан чалғитиш ниятида барча айбни «нодўст» ғарб мамлакатлари

¹ Ўша ерда, 61-б.

ва Исроилга тўнкашини ҳам унутмаслик керак. Ўз навбатида ғарб мамлакатлари мусулмон давлатларини инсон ҳуқуқларини бузишда, демократик эркинликларни бўғишда, халқаро терроризмни қўллаб-қувватлашда айблаб, турли санкциялар, айрим маҳсулотларни сотишга эмбарго жорий қилмоқда ва савдо-сотиқни, маданий, гуманитар алоқаларни чекламоқда. Оқибатда айрим мусулмон мамлакатлари аҳолисида ўзлари бошдан кечириётган ички қийинчиликлар ва муаммоларда ғарб мамлакатлари айбдор деган тасаввур ҳосил бўлиб, радикал кайфиятдаги баъзи бир кишиларда «айбдорлардан» ўч олиш истаги юзага чиқди. Бундай кайфиятдаги кишилардан эса ҳар хил жангарилар ва шаҳидларни ёллаш имкони туғилади.

Манзара тўлиқ бўлиши учун яна бир бор яқин ўтмишни – барча соҳаларда, жумладан халқаро муносабатларда, икки тизим ўртасидаги курашни эслаш лозим. Юқорида таъкидланганидек, «учинчи дунё»га таъсир кўрсатиш мусобақасида икки тизим ҳам «учинчи дунё» мамлакатларидаги турли доиралар хизматидан очикчасига ёки пинҳона фойдаланишдан тап тортмади, шу жумладан экстремизм ва зўравонликка мойил доиралар хизматидан. Зарур ҳолларда уларнинг ўзлари бундай ташкилотлар ва гуруҳларни тузиб, уларга қўпоровчилик ишлари бўйича инструкторлар, пул ва қурол билан ёрдам кўрсатди. Профессинал кўникмалар ҳосил қилган янги мутахассислар дастлаб ўз мамлакатларида, кейин ундан четда ҳам террористик актлар содир этиб турди. Улар шунингдек ўзларига «муносиб» ўринбосарлар тайёрлади.

Ҳозирги замон халқаро терроризмининг доя кампирлари – бу собиқ СССР, АҚШ ва уларнинг ўша пайтлардаги энг яқин иттифоқчиларидир.

АҚШнинг расмий ва норасмий доиралари халқаро терроризм хизматларидан 2001 йил 11 сентябргача ҳазар қилмас, ўзлари ҳам давлат терроризмини қўллаб турар эди. Ушбу муносабат билан шундай мисол келтириш мумкин: кичик Буш АҚШ президентлиги лавозимини расман эгаллагач, сенаторлардан бири президентга аксиламериканча сиёсат юритаётган давлат бошлиқларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган махфий операциялар ўтказиш ваколатини бериш таклифи билан чиқди. Ўз ҳамкасбларининг

эътирозига қарата у АҚШ шусиз ҳам бундай операцияларни ўтказиб келмоқда, мен эса уларни қонунийлаштиришни таклиф этмоқдаман, деб хитоб қилган.

Шубҳасиз, терроризм — ёвузликдир. Унга қарши барча воситалар ёрдамида бирлашиб курашмоқ зарур. Уни келтириб чиқарувчи ва озиклантирувчи сабаблар ҳар хил. Бу сабабларни бартараф этмасдан, терроризмни, жумладан ислом терроризмини енгиш қийин. Терроризмнинг барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, психологик ва бошқа сабабларини аниқлаш, уларни чуқур таҳлил этиш лозим. Терроризмга давлатлар ўртасидаги муносабатларда адолат ва тенгҳуқуқлилиқ тамойилларининг бузилиши ва халқаро сиёсатда қўлланилаётган «икки хил стандартлар» таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур. Терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш оммавий ахборот воситалари орқали бир-бири ҳақида омма онгида «душман образини» яратиш иштиёқидан ўзаро воз кечишни тақозо этади. Аксинча, халқларнинг, маданиятларнинг мулоқотини йўлга қўйишга интилиш керак. Ўзаро ишончни тикламасдан ва ривожлантирмасдан туриб, самарали ҳамкорлик қилиш қийин.

Аммо энг асосийси — ривожланаётган мамлакатларга қолоқлик ва қашшоқликни енгишда реал иқтисодий ва технологик ёрдам кўрсатиш лозим. Бу кўп жиҳатдан улар аҳолисининг Фарбга нисбатан бегоналиқ ва ишонмаслик туйғусини камайтирар эди. Ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг яхшиланиши ва жамият тараққиёти эса муқаррар равишда ички сиёсий барқарорликни ҳам мустаҳкамлайди. Натижада терроризм кескин камая бошлайди.

3. Бжезинский фикрига кўра, исломистларнинг «миллий қудратни ошириш манфаатини кўзлаб замонавий технологик ютуқлардан фойдаланиш истаги режалаштирилмаган натижаларга олиб келиши тайин. Ҳаттоки демократия руҳидаги сохта нутқлар ҳам вақти келиб фуқаролик ҳуқуқлари қонунийлашишига ва уларнинг диний соҳадан ажралиб чиқишига олиб келади»¹.

Энди асосий мавзумизга қайтиш фурсати етганга ўхшайди.

¹ З. Бжезинский. Ўша асар, 83–84-бетлар.

Табий савол туғилади: миллий истиқлол туфайли Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташкилотларининг исломга муносабати қандай бўлмоғи керак?

Шубҳасиз, давлат ва жамоат ташкилотлари исломнинг кундалик онг, урф-одатлар ва анъаналар орқали оммага таъсири билан ҳисоблашиши, диндорларнинг диний эҳтиёжларини тўлиқ амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиши лозим. Бундан ташқари, диннинг маънавий-психологик жиҳатдан компенсаторлик вазифасини бажаришини, бу борада унинг ўрнини боса оладиган бошқа универсал омил йўқлигини унутмаслик керак.

Шу боис жамиятнинг аксарият қисмида динга нисбатан эҳтиёж доимо мавжуд. Баъзи даврларда у нисбатан кучайиши, баъзи даврларда анча заифлашиши мумкин, ammo тўлиқ йўқ бўлиб кетмайди.

Жамият ўз тараққиёт даражаси ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб дин билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Ҳозирги замонда юксак тараққий этган мамлакатларда диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Уларнинг давлат ва нодавлат идоралар билан алоқаси қонунлар асосига қурилган. Давлат диний ташкилотларнинг ички ишига аралашмасдан, уларнинг фаолиятини қонунчилик орқали тартибга солади. Бизда ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Республика қонунини оғишмай амалга оширилишини таъмин этмоғи — на диндорларнинг, на динга ишонмайдиганларнинг манфаатлари камситилишига йўл қўймаслиги зарур.

Айни пайтда диний ташкилотлар ҳам давлатимиз қонунларига қатъий итоат этиши, ўзларининг давлат тузилмаларига мансуб эмасликларини тушунган ҳолда, давлат ишига аралашмасликлари лозим.

Албатта, ҳар бир маърифатли киши Қуръон ва Суннани, ўрта асрлар ислом фалсафасини, энг аввало, тасаввуфни билса, яхши бўларди. Зеро, буларсиз халқимиз ўз маданиятининг манбалари ва тафаккур теранликларини тушуниши қийин. Боз устига, уларда асрий умуминсоний қадриятлар, ахлоқий меъёрлар мужассамланган. Уларни билиш бизга узоқ ўтмиш аجدодларимиз билан маънавий

алоқалар боғлашга, онгимизнинг замон ва макон чегараларини кенгайтиришга, маънавиятимиздаги баъзи бир камчиликларни тўлдиришга имкон беради.

Таъбир жоиз бўлса, шундай мисолни келтиришни истардик. Қадимги юнон мифологиясини, политеистик динини билиш, ўрганиш нафақат Оврупода, балки бутун жаҳонда ҳам ҳар бир ўқимишли зиёлига, ҳарҳолда гуманитар соҳа мутахассисига қўйиладиган талаб. Оврупо таълим тизимида, айниқса, гуманитар таълим дастурида антик давр мифологияси, адабиёт ва тарихини ўрганиш катта ўрин эгаллайди. Уни ўрганиш, албатта, қадимги юнон худолари — Зевс, Аполлон ва бошқаларга сажда қилиш мақсадини кўзламайди.

Шунинг учун ислом асосларини ва таълимотини нафақат диндорлар, балки бошқалар ҳам билса, маданий меросни ўрганишда, миллатимиз ва маданиятимиз тарихини ва бутунги кунда жамиятдаги айрим муносабатларни чуқурроқ тушунишда фақат фойда кўради.

Исломни ўрганишдан мақсад жамиятни, турмуш тарзини диний талаблар асосида қайта қуриш эмас, балки ўзлигимизни, онгимиз, дунёқарашимизнинг хусусиятларини, кучли ва заиф жиҳатларини яққолроқ ва теранроқ англаб, маънавиятимиз ва ижтимоий амалиётимизни истиқлол талабларига мослаштиришдир. Шу боис мамлакатимизда дунёвий йўналишда ислом асосларини ўрганишга, махсус ўқув юртларини ривожлантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Тошкент Ислом университети очилгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизда исломий қадриятлар ривожи учун барча шароитларни яратишдан мақсад исломга у ёки бу даражада эътиқод қилувчиларнинг диний манфаатларини ва виждон эркинлигини юзага чиқаришдир.

Лекин динни ўрганар эканмиз, унинг ахлоқий таълимотида ва тарбиясида, фалсафасида ва ижтимоий-амалий меъёрларида, қадриятлар мажмуасида ҳозирги замон руҳига мос келмайдиган баъзи жиҳатлар ҳам борлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Биз уларга танқидий ёндашмоғимиз лозим. Мисол учун, ҳамма нарсани қисматдан, тақдири азалдан деб билиш мўмин-мусулмонда лоқайдликни шакл-

лантириб, теваарак-атрофдаги адолатсизликка бўйсунтишга, ҳаттоки диндорни уларга қарши қилинаётган зўравонликка итоат этишга ундайди.

Тўғри, ислом доирасидаги аксарият таълимотлар бу масалага урғу бермайди, уни имкон қадар четлаб ўтишга, қадария таълимоти сингари оқимлар ҳатто уни инкор этишга уринади. Аммо, истаймизми-йўқми, омманинг диний онгида тақдири азалга ишонч мавжуд, чунки у суннийларда «ал-имон»ни ташкил этувчи етти арконнинг олтинчисидир (шиавийларда қисмат «адл» арконининг ичига киради).

Чор мустамлакачилари ўз вақтида «тақдири азал» тушунчасидан усталик билан фойдаланган, маҳаллий аҳолини итоатда сақлашда, миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашда улар мусулмон руҳонийлари орасидан таянч ахтарган ва топган. Тўғри, адолат ҳаққи шуни айтиш лозимки, муллалар орасида ҳам Дукчи эшон каби миллий озодлик курашининг фидойилари кам эмас эди (лекин бу ўринда муллаларнинг шахсий фазилатлари – ватанпарварлиги ёки муросагўйлиги тўғрисида эмас, балки диний жаҳолатда қолган халқнинг босқинчиликка муносабати тўғрисида сўз юритмоқдамиз).

Диний ахлоқ шу пайтгача ҳар хил юлғичларни, товламачиларни, порахўрларни фаол равишда фош қилишга ҳалақит бериб келмоқда. Чунки кундалик диний онгда «ҳар ким ўз ризқини ейди, бировнинг ҳақини еса, Аллоҳнинг ўзи жазолайди» деган меъерий тушунча борки, бу нарса кўпчиликда юлғичларга нисбатан бефарқ муносабат уйғотади.

Тақдири азалга ҳаддан зиёд ишонишни замонавий ислом назариячилари, жумладан, фундаменталистлар ҳам рад этади. Улар ҳатто жиҳодни ғайридинларга эмас, биринчи навбатда мавжуд камчиликларга қарши, энг аввало, ўз онги ва нафсидаги қусурларга қарши кураш деб янги талқин этмоқда¹.

Биз бугун дунёвий ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бу ижтимоий ҳаётни ташкиллаштириш ва бошқаришда диний доғмалар ва ақидалар, шариат ва одат қоидалари эмас,

¹ Н. В. Жданов, А. А. Игнатенко. Ислам на пороге XXI века. Москва, 1989 й., 214–216-бетлар.

балки барча цивилизациялашган мамлакатларда қабул қилинган, шахс эркинлигини таъминловчи, инсон ҳуқуқлари декларациясига мос юридик меъёрлар ҳукмронлик қилишини билдиради.

Инсон ўз эътиқоди учун, унинг атеистик ёки диний бўлишидан қатъи назар, таъқиб қилиниши мумкин эмас. Унга мажбуран бирон-бир эътиқод сингдирилиши ҳам мумкин эмас. Ўзга эътиқодни, ўзгача фикрни ҳурмат қилиш, пухта асосланган билимларга, шу жумладан диний билимларга таяниш, юксак сиёсий ва ахлоқий маданиятга интилиш тарбиянинг асосий тамойилларидан бирига айлонмоғи лозим. Лекин бу — таълимда дунёвий ва диний билимларни эклектив равишда бирлаштириш, қориштириб юбориш мумкин, дегани эмас. Мактаб бундан буён ҳам масжиддан, дин эса давлатдан тўлиқ ажратилган бўлиши лозим. Бу — жамиятнинг барқарор ривожланишининг асосий шартидир. Диний қўпоровчилик ва экстремизм билан боғлиқ воқеалар биз учун унутилмас сабоқ ва огоҳлантириш бўлиши керак. Масжид иймон масаласи билан шуғуллансин, лекин давлат сиёсати-га, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга аралашмасин. Акс ҳолда давлатни Куръон ва шариат талаблари асосида бошқаришни, халқни «ҳақиқий ислом» ақидалари асосида мажбуран қайта тарбиялашни истайдиган мулларар топилиб қолади. Бу эса тинчлик-тотувликка, сиёсий ва иқтисодий барқарорликка путур етказди.

Лекин мактабнинг масжиддан ажратилиши таълим масканларида ислом асосларини, унинг тарихини ҳамда ҳурфикрлилик фалсафасини ўргатишни рад этмайди.

Биз халқнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигининг на эмас, шунингдек, унинг маънавий мустақиллигини ҳам таъминлаймиз десак, эркин, ҳур фикрлашни истиқлолнинг, тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири деб билишимиз, исломнинг анъанавий ақидалари ва удумларига ҳам, бугунги кунда дин ниқоби остида бот-бот қулоққа чалиниб қолаётган сиёсий даъволарга ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик, зийраклик билан танқидий ёндашмоғимиз шарт.

Агар биз кўнгилдагидек ривожланиб, ўз қалбимиз билан уйғун яшамоқчи бўлсак, диний фанатизм даъватига, муросасиз вульгар атеизм қутқусига берилиб кетмаслигимиз лозим.

Исломдаги бугунги ғоявий-сиёсий оқимларни баҳолашда ва мустақил Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрнини белгилашда уларнинг жамият тараққиётига, истиқлол талабларига нечук мос келиши мезон сифатида олинishi мақсадга мувофиқдир. Динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик — ҳар бир кишининг шахсий иши, лекин миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш ҳаммамизнинг умумий ишимиздир.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ТУШУНЧАСИ: МАЗМУНИ, ТУЗИЛМАСИ, АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

XX аср жаҳон халқлари тарихида ўзгача ўрин тутди.

Инсоният бу аср давомида илм-фанда, ижтимоий тараққиётда мисли кўрилмаган муваффақиятларни қўлга киритди. Аммо айнан шу асрда икки марта жаҳон урушини, бир қанча инқилобларни, большевизм ва фашизм балоларини, курраи заминга, тирикликка хавф солган икки қарама-қарши сиёсий тузумлар ўртасидаги ҳарбий-ядровий рақобатни бошидан кечирди.

XX асрнинг ўзига хос қиёфасини, инсоният тарихидаги аҳамиятини белгиловчи хусусиятларидан бири — бу мустамлакачилик тузумининг капиталистик ва социалистик кўринишларининг емирилишидир.

Мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бир хил суръатларда ривожланаётгани йўқ. Уларнинг айримлари ижтимоий тараққиётнинг қудратли оқимига тушиб олди, кўпчилиги турли иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқда, баъзи бирлари ҳалигача қашшоқликдан чиқа олмаяпти. Юксак суръатларда ривожланаётган мамлакатларнинг — хоҳ у собиқ мустабид, хоҳ собиқ мустамлака мамлакат бўлсин — тажрибаси ўрганилганда, уларнинг ҳар бири тараққиётнинг ўз миллий моделини яратганини пайқаймиз. Бугун «швед модели», «япон модели», «Жанубий Корея модели» ва шу каби атамаларни тез-тез учратиш мумкин.

Совет мустабидлигидан халос бўлган мамлакатлар ҳам мустақил тараққиётнинг ўзларига маъқул шакллари излаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Собиқ совет республикаларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазияти, ривожланиш суръатлари, табиийки, бир хил эмас. Бунинг, албатта, ҳар хил сабаблари бор. Уларнинг барчасида деярли кўпмулкчиликка таянган бозор иқтисодиётини жорий

қилиш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий мақсад, деб эълон қилинган бўлса-да, бу мақсадга эришишнинг назарий концепциялари, амалий йўллари турлича тушунилмоқда. Бинобарин, миллий ривожланиш учун танланган йўл, усуллар, омиллар, воситалар ҳам ҳар хил. Ҳар қайси мустақил мамлакат ўзи учун ривожланишнинг самарали «миллий модели»ни яратишга интилиши тушунарли. Аммо амалда бунга эришиш қийин. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон шундай моделни ярата олган мамлакат ҳисобланади.

Буни жаҳонда 2008 йилда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз синови ҳам тасдиқлади.

Миллий тараққиёт у ёки бу даражада миллий ғоя билан боғлиқ. Миллий ғояси аниқ ифодаланмаган, яъни ўзининг энг олий мақсади ва ижтимоий идеалини (омолини) белгилай олмаган халқ уларга эришиш механизмини (тараққиёт моделини) ҳам ярата олмайди. Бундай халқнинг тараққиёти кўп жиҳатдан стихияли, умумий оқимдаги барча тасодифлар ва тебранишлар таъсирида кечади.

Аксинча, миллий ғоя нечоғли аниқ ифодаланган ва омма онгига сингган бўлса, у миллий тараққиёт моделининг давлат сиёсатини белгиловчилар томонидан шунчалик аниқ шакллантирилишига ва онгли равишда қўлланилишига таъсир кўрсатади. Бу таъсир, шунингдек, кенг омманинг мазкур моделга ижобий ҳиссий ва ақлий муносабатда бўлишида, унга ихлос билан қарашида, уни ташаббус билан қабул қилишида, амалда қўллаб-қувватлашида намоён бўлади.

Аҳолини, биринчи галда ёш авлодни миллий ғоя, ватанпарварлик, Ўзбекистон билан фахрланиш, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда тараққиётнинг ўзбек модели мазмунини, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу бугунги ҳаётимизга, эришаётган ютуқларимизга, Президентимизнинг назарий ва амалий ижодкорлигига муносиб баҳо бериш, уларнинг қадрига етиш учун ҳам керак. Бундан ташқари, ўзбек модели тўғрисида мулоҳаза юритиш, тадқиқот олиб бориш унга ўз имкониятларини тўла юзага чиқаришда халақит бераётган турли

омилларни аниқлашга, уларнинг таъсирини камайтириш чораларини кўришга ёрдам беради.

Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида собиқ совет республикалари орасида Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва иқтисодиёти ривожланиши билан ажралиб турибди. Эндиликда чет эллардаги нуфузли иқтисодий ва сиёсий нашрларда, олимлар ва экспертларнинг махсус тадқиқот ва маърузаларида, сиёсий арбоблар нутқларида «тараққиётнинг ўзбек модели» ибораси тез-тез учрай бошлади.

Ўзбек моделининг назарий концептуал асослари Президент Ислам Каримов асарларида ўз аксини топган. Ўзбек моделининг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шуки, у фақат иқтисодий ривожланиш моделигина эмас, балки кенг маънода миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт модели ҳамдир. Шу сабабдан у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий ҳаёт ва маънавиятни ҳам қамраб олади.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий хулосалар ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади. (Давлат сиёсати деганда ҳокимиятнинг ҳар учала бўғини фаолияти назарда тутилмоқда.)

Демак, тараққиёт модели ўзининг назарий ва амалий томонларига эга. Тараққиёт моделининг назарий томони мамлакатнинг юзага чиққан ва потенциал имкониятлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, инфратузилмаси ҳолати, табиий бойликлари, демографик вазияти, аҳолининг онги, билими, касбий салоҳияти ва ҳ.к.лар ҳисобга олинган ҳолда ривожланиш концепциясини, оддий тил билан айтганда, ушбу мамлакатга мос ва хос йўлни асослайди. У бир неча нисбатан мустақил йўналишлардан иборат: иқтисодий сиёсат тамойиллари ва макроиқтисодий назария; давлат қурилиши ва жамиятни демократлаштириш тамойиллари, меъёрлари, баҳолари; мулкдорлар синфини шакллантириш ва ижтимоий стратеги-

фикацияни (жамиятнинг ижтимоий-синфий, табақавий тузилмасини) такомиллаштириш тамойиллари; миллий ғоя, миллий мафкура концепцияси ва маънавий-маданий ривожланиш масалалари; ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тамойиллари ва ҳоказо.

Моделнинг амалий томони ҳам бир неча йўналишларга эга:

- ислохотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати;

- назарий хулосаларни, мўлжалларни амалга ошириш юзасидан ҳукуматнинг ташкилотчилик ишлари ва аниқ механизмни ўзида акс эттирган фармонлар, қарорлар, мақсадли дастурлар (шу жумладан, sanoатни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа дастурлар) қабул қилиши;

- бевосита уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши; яъни амалдаги инвестиция сиёсати; солиқ сиёсати; молия-кредит сиёсати; иқтисодий-тузилмавий сиёсат; фонд бозорини, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш; истеъмол бозорига таъсир кўрсатиш ва ш. к;

- фармонлар, ҳукумат қарорларининг тўғрилигига одамларни ишонтириш, уларни бирлаштириш, уларда эски тузум инерциясини енгиб ўта оладиган ирода ҳосил қилиш борасидаги тарғибий-ташвиқий ва тарбиявий ишлар.

Назарий жиҳатдан пухта ва тўғри асосланмаган сиёсат хатолардан холи бўлмайди, жамиятнинг ҳамма томонлари нисбатан уйғун ривожланишини таъминлай олмайди. Бундай ҳолда ривожланишнинг бус-бутун шакланган миллий модели вужудга келмайди. Ва, аксинча, пухта ва қатъий амалий сиёсат билан мустаҳкамланмаган назарий хулосалар ва мўлжаллар эса маърифийлик, тарғибот даражасида қолиб кетаверади. Бундай ҳолда ҳам модель вужудга келмайди.

Хўш, ўзбек моделининг хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодий тараққиёт масалалари билан бир вақтнинг ўзида миллий давлатчилигини ва маданий-маънавий меросини тиклаш, ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини такомиллаштириш ва мустақил ривожланиш талаб қилади-

ган янги кадрлар корпусини шакллантириш масалаларини ҳал қилиши лозим эди.

Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Франция, Хитой моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эди. Бу моделларда сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлар алоҳида ажралиб турган эмас. Чунки мазкур мамлакатларнинг бирортасида миллий давлатчиликни, маданий меросни ва она тилини тиклаш масаласи кун тартибида долзарб бўлган эмас (фақат Жанубий Кореяда давлат қурилиши долзарб бўлган).

Шундай қилиб, ўзбек модели иқтисодий жиҳат билан бир қаторда давлат қурилиши, жамиятни демократлаштириш; мулкдорлар синфини ва ўрта синфни шакллантириш, ижтимоий-синфий тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш; маданий мерос ва умуман маънавият билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олади. Бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бирданига тараққиёт концепциясини ва моделини яратишга киришди, ўз тарихий анъаналарига, халқ хўжалигининг мавжуд даражасига ҳамда потенциал имкониятларига — салоҳиятига хос ва мос йўлни излай бошлади. Шу боис ўзбек модели ўтиш даврига хос вазифаларни, яъни мустақилликни мустаҳкамлаш, мустақиллик билан боғлиқ айрим сиёсий ва ижтимоий институтларни яратиш ва такомиллаштириш, мулкни хусусийлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш каби «дастлабки» масалаларни ҳал қилиш вазифаларини бажарди ва энди фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишни давом эттирмоқда.

Сиёсий мустақиллик, яъни давлат мустақиллиги, миллий мустақилликнинг илк шаклидир. Шу билан бир қаторда, сиёсий мустақиллик миллий мустақилликнинг бошқа шаклларига эришишда зарурий шарт-шароит ва бош омилдир. Фақат давлат мустақиллигига эришилиб, миллий маҳсулот, миллий даромад қўлга киритилгандагина, миллий манфаатларга мос иқтисодий ва ижтимоий сиёсат олиб бориш, миллий манфаатларни кўзловчи ҳуқуқ тизимини шакллантириш, миллий қадриятларга, маданий меросга муносабатни ижобий томонга ўзгартириш, иш юритишни она тилига кўчириш мумкин бўлади. Шундай имкони-

ят вужудга келади, аммо ўз-ўзидан масала ечилиб қолавермайди. Бунинг учун кенг маънодаги миллий давлат барпо этилиши лозим. Чунки мустамлака давлатда ҳокимият органлари тўлиқ бўлмайди, борлари эса мустақил фаолият кўрсатишга мослашмаган. Масалан, совет даврида Ўзбекистонда миллий армия йўқ эди, дипломатлар корпуси шаклланмаган, эмиссия билан шуғулланадиган банки йўқ эди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти эмас эди. Давлат идоралари ва амалдорлар мустақил фаолият юритишга эмас, балки Москва кўрсатмаларини бажаришга мослашган эдилар. Шу боис ўзбек модели давлат қурилиши масалаларини ўз ичига олмасдан иложи йўқ эди.

Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий масалалар билан бир вақтда масъулиятни бўйнига олиб, мустақил қарор қабул қила оладиган, халқаро муносабатларда мустақил иштирок этиб, мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қила оладиган давлат идоралари шакллантирила бошланди. Бу жараён ҳам, табиийки, босқичма-босқич ривожлантирилди. Давлат қурилиши билан боғлиқ кадрлар масаласини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, қатор янги олий ўқув юртлари, ҳарбий академиялар очилди. Кўплаб кадрлар чет элларга малага оширишга ва ўқишга жўнатилди.

Давлат қурилиши илгари мавжуд қонунларни, бошқарув тизимини шунчаки такомиллаштиришга эмас, балки тубдан янги миллий давлатни барпо этишга қаратилгандир. Айнан миллий давлат ўзбек модели самарали фаолият кўрсатишини ҳар томонлама таъминловчи (ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, ташкилотчилик жиҳатдан ҳам ва ҳ. к.) омилдир.

Ўзбек моделида ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатлар жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да, иқтисодий соҳа асос ва етакчи ҳисобланади. Моделнинг иқтисодий қисми ўтиш даврида қуйидаги стратегик йўналишларни қамраб олди:

— мулкчиликнинг турли шаклларини қарор топтириш; уларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ўзаро мувозанатини таъминлаш;

— халқ ҳўжалигида тузилмавий ўзгаришлар қилиш; уни

хом ашё етказиб беришдан кўпроқ тайёр маҳсулот чиқарувчи тузилмага айлантириш;

– миллий валютани барқарорлаштириш ва оқибатда унинг тўлиқ конвертациясини таъминлаш;

– бозор инфратузилмасини ва муносабатларини тўлиқ вужудга келтириш;

– ташкилий ва бунёдкорлик вазифаларини амалга ошириш учун оқилона миқёсда чет эл инвестицияларини жалб этиш;

– хусусий мулкчилик ривожланиши жараёнида инвестицияларнинг асосий қисми давлат зиммасидан корхоналар ва хусусий капитал зиммасига ўтиши учун шарт-шароит яратиш;

– жаҳон иқтисодиётига тўла ҳуқуқли интеграция бўлиш; бунинг учун транспорт ва коммуникация масалаларини ечиш.

Ўзбек модели, юқоридагилардан аён бўлиб турибдики, миллий маҳдудликка, автаркияга мўлжалланган модель эмас. У очиқ жамият қуришга, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришга мўлжалланган. Шу боис унга мослашувчанлик, қайишқоқлик хос бўлиши лозим.

Ўзбек моделининг устувор йўналишларидан бири иқтисодий ислохотларга мувофиқ равишда жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Республикада ишлаб чиқаришнинг биз учун бутунлай янги тармоқлари вужудга келяпти, мавжудлари кенгайиб, қайта жиҳозланиб, замонавий технологияларга кўчирилмоқда. Бу корхоналар учун юксак малакали ишчилар, инженерлар, менежерлар зарур. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонга янги қурилаётган завод ва фабрикалар учун кўплаб ишчи ва мутахассислар кўчириб келинар эди. Ўзбеклар орасида замонавий саноат билан боғлиқ ишчилар ва мутахассислар салмоғи аҳоли таркибидаги ўзбеклар улусига нисбатан кам эди. Мустақиллик шароитида юксак технологик ишлаб чиқаришга маҳаллий аҳолини максимал даражада жалб қилиш, мамлакатимизнинг илмий-техникавий савиясини кўтариш бошланди. Бу борада пух-

та ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда. Мисол учун, мамлакатимизда барпо этилган автомобилсозлик заводларида, «Шўртангазкимё» мажмуасида ва бошқа замонавий корхоналарда ишлайдиганлар зарур малака олишлари учун чет элларга амалий стажёрликка ва ўқишга юборилди. Натижада бу корхоналарда деярли тўлиқ маҳаллий аҳоли ишламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, янги типдаги касб-хунар коллежлари тизимининг пайдо бўлаётгани масалани стратегик жиҳатдан ҳал қилиш намунасидир. Ишчилар сифат жиҳатдан ўсмоқда, чунки таркибида юксак малакали мутахассислар қатлами кенгаймоқда. Айнан шу қатлам мамлакатимиз халқ хўжалигига илмий-техника тараққиёти ютуқларини олиб киришни таъминлайди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, жамиятда кўпмулкчилик ривожланмоқда. Демак, мулк шаклларига мувофиқ, мулкдорлар синфи шаклланади. Мамлакатимизда мулкдорлар синфи вужудга келиши кўплаб авлодлар давомида тадбиркорлик туфайли сармоясининг табиий-тарихий тўпланиши негизида эмас, балки бир авлод умри давомида давлат мулкининг тақсимланиши ва шахсий тадбиркорлик ривожланиши негизида юз бермоқда. Мулкдорлар синфи мамлакатимизда бир авлод умри давомида асосан шаклланиб бўлиши лозим. Чунки биз ўтиш даврини 50—60 йил давомида чўза олмаймиз. Шу боис мулкдорлар синфи вужудга келиши ва ривожланиши жараёнига таъсир кўрсатиш ўзбек моделининг асосий хусусиятларидан ва вазифаларидан биридир.

Давлат ўзига қарашли корхоналарни хусусийлаштириш, йирикларини акциялаштириш, тадбиркорликнинг, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг оёққа туриши учун турли имтиёзлар тизимини яратиш орқали мулкдорлар синфи, хусусан ўрта синф вужудга келишини тезлаштирмоқда.

Нафақат кичик тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланувчилар, фермерлар, деҳқонлар, шунингдек, турли корхоналарнинг акцияларини сотиб олган кишилар, юксак малакали ишчилар, зиёлилар даромадлари ва жамиятдаги мавқеларига кўра ўрта синфга мансуб бўлишлари лозим. Ўрта синф ривожланган мамлакатларда сон жиҳатдан энг катта қатламдир. Бизда ҳам шундай бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан ўрта синф жамият барқарорлигининг, демократия ва фуқаролик жамиятининг асосий таянчидир.

Миллий давлатчиликни тиклаш, қўпмулкчиликка асосланган ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш, кадрлар тайёрлаш, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини ривожлантириш, ўтиш даврида аҳолининг ночор қатламларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш зарурати ўзбек моделида давлатнинг фаол роль ўйнашини тақозо этади. Бу ҳам унинг бошқа моделлардан фарқ қиладиган хусусиятларидан биридир.

Ўзбек моделининг маънавий жиҳатлари ҳам мавжуд. Агар халқнинг онги қолақ бўлса, у ўз миллий манфаатларини яхши англай олмаса, сиёсий гуруҳбозлик ва уруғ-аймоқчилик туфайли бўлиниб ётган бўлса, турли-туман иқтисодий ва ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар кутилган самара бермайди.

Мустақиллик барча шахсий, хусусий, гуруҳий, синфий, минтақавий қадриятлардан устун ҳисобланиб, миллатнинг олий идеалига айлансагина, миллат мустақилликни тўғри йўлга бошқаришни билсагина, у реал мустақилликка айланади. Тараққиёт моделида умуммиллий манфаатлар шахсий ва жамоавий манфаатларга қарама-қарши ҳам қўйилмаслиги, уларга қурбон ҳам қилинмаслиги лозим.

Шундай қилиб, ўзбек моделининг маънавий жиҳати, энг аввало, жамиятда янгича онг, тафаккур, янгича дунёқараш ва ижтимоий психология шаклланишини тақозо этади. Чунки янгича ижтимоий онгни шакллантириш жараёнида меҳнатга муносабат, энг аввало, индустриал меҳнатга муносабат такомиллашади. Янги авлодда мутгасил малакасини оширишга эҳтиёж, агар зарурат туғилса, касбкорини алмаштиришга, меҳнат бозори талабларига мослашишга тайёр туриш психологияси қарор топади. Халқимиз аста-секин рақобат шароитида меҳнат қилиш ва яшашни ўрганади, унинг ижтимоий сафарбарлиги ва сиёсий фаоллиги юксалади.

Ўзбек моделининг маънавий жиҳати, шунингдек, маданий меросни, жумладан, диний меросни қайта баҳолашни ва айрим сохта қадриятлардан воз кечиб, аҳоли кенг қатламларини ўтмиш маданияти асл дурдоналаридан баҳ-

раманд этишни, ватанпарварликни, миллий ғояга, миллий мафкурага содиқликни, ҳар бир фуқарода миллий муштараклик туйғусини тарбиялашни қамраб олади.

Умумтараққиёт барчанинг ва ҳар бир шахснинг манфаатини кўзлаши ва буни фуқаролар яхши тушунишлари керак. Қолаверса, аҳоли Евроосиё конфедерацияси, Буюк Турон, Буюк Хуросон, Ислом халифалиги каби сунъий ёки анахроник (тарихан ўз умрини ўтаб бўлган) ғояларга, инсон ҳуқуқларини ва сохта демократияни ниқоб қилиб олган, аслида буюк давлатларнинг геостратегик мақсадларига хизмат қиладиган алдовларга чалғимаслиги, учмаслиги зарур. Тараққиёт моделининг самарадорлиги бевосита миллий муштараклик туйғуси, миллий ирода, миллий онгнинг етуклиги, соғлом миллий гурурнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Миллий консолидация, муштараклик етишмайдиган халққа ҳеч қандай, энг пухта ўйланган модель ҳам ёрдам бера олмайди. Миллий гурури шаклланмаган халқ ўз мавжудлик ҳолатига, келажак тақдирига бефарқ қарайди, тараққиётга онгли равишда талпинмайди. Бинобарин, ўз тараққиёт моделини ишлаб чиқмайди.

Мустақиллик ҳар бир шахсдан ва бутун миллатдан ўзидаги мутелик ва лоқайдлик психологиясини енгишни талаб қилади. «Берсанг — ейман, урсанг — ўламан» қабилида ижтимоий жараённинг бефарқ кузатувчиси бўлиб туриши билан, ёки ўз кучига, ақл-заковатига ишонмасдан, четдан «катта оға» ахтариб, унинг моддий, илмий-техникавий ҳиммати, ҳарбий-сиёсий оталиғи ёрдамида ўзининг муаммоларини ечишга уринадиган халқнинг миллий тараққиёт модели бўлмайди. «Катта оға», «ҳомий» миллат топишга интилган халқ ўз миллий манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини қисман чеклайди, ички ва ташқи сиёсат юритишда «катта оға»нинг хоҳиш-иродасини, йўриғини ҳисобга олади. Шу боисдан мустақилликка эришган халқ, миллат ўзлигини англай олмаса, ўз олдига буюк мақсадлар қўя билмаса, миллий ғоясини ишлаб чиқа олмайди. Миллий ғоя ва миллий модель бундай ҳолатда бир-бирини тақозо этади.

Сиёсий мустақиллигини йўқотмаган халқлар ёки мустақилликка эришгандан кейин орадан 20–25 йил ўтгандан кейин миллий моделни яратган халқлар бундан қисман ис-

тисно бўлиши, яъни миллий ғоясини аниқ ифодаламасдан, иқтисодий тараққиёт моделини яратиши, балки, мумкин-дир. Лекин бизнинг шароитимизда миллий ғоя ва тараққиётнинг миллий модели ё биргаликда шаклланади, ё умуман шакланмайди. Шундай қилиб, «ўзбек модели»нинг маънавий томони жуда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Баъзи кишиларда ўзбек модели юртимизда яшовчи бошқа халқларга қай даражада алоқадор, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Чунки миллийликни аксарият кишилар анъанавий тор тушунишга, яъни бирор-бир этносга мансублик деб ҳисоблашга ўрганиб қолишган. Аслида «миллат» ва «миллий» тушунчалари икки мазмунда ишлатилади. Биринчиси — тарихан одатий тушуниш бўлган этник мансублик. Бунда бир тилда сўзловчи, бир ҳудудда яшовчи, умумий иқтисодий ҳаёт орқали бирлашган, маданияти ва урф-одатлари, психологияси муштарак ёки яқин бўлган кишиларнинг тарихий бирлиги (миллат), унга тааллуқли ҳодисалар назарда тутилади. Масалан, миллий тил, миллий рақс, миллий санъат, миллий таомлар, миллий кураш, миллий адабиёт каби атамалар муайян халққа мансубликни билдиради.

Иккинчиси, «миллат» тушунчаси этник келиб чиқишидан қатъи назар, муайян мамлакатнинг барча фуқароларини (америка миллати) ёки давлатнинг ўзини билдиради (БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аслида халқларнинг эмас, балки давлатларнинг ташкилотидир). Кенг маънода «миллий» тушунчаси муайян этносга эмас, муайян мамлакатга, давлатга мансубликни англатади. Бизда ҳам атамани шундай кенг маънода қўллаш тобора кенгайиб бормоқда: миллий даромад, миллий бюджет, миллий ялпи маҳсулот, миллий байроқ, миллий хавфсизлик, миллий тараққиёт ва ҳоказолар. Бу тушунчаларнинг барчасида аниқловчи сўз «миллий» — мамлакатга оидликни ифодалайди.

Миллий мустақиллик деганда фақат этник мустақиллик эмас, яъни Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг, Қозғистонда фақат қозоқларнинг, Украинада фақат украинларнинг мустақиллиги эмас, балки муайян давлатнинг, унда яшовчи барча халқларнинг умумий мустақиллиги, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаши тушунилади.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси ҳам юр-

тимизда яшовчи барча халқларни, миллатидан, динидан, тилидан, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, умумий мақсад, умумий равақ ва мустақил тараққиёт йўлида жипслаштирувчи, уюштирувчи, сафарбар этувчи умумий ғоялар, меъёрлар, идеалларни (омолларни) ифодалайди. Миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаси барча халқ учун умумий бир қадрият эканлигини Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобид ва кейинги маърузаларида, чиқишларида теран ва ҳар томонлама очиб берган. Миллий ғоя ва миллий мафкура Ўзбекистоннинг буюк мақсадини мужассам ифодалаб, озод ва обод келажакка олиб борувчи йўлни асослашга, ёритишга, халқнинг бу йўлдан адашмай боришига ундашга қаратилган. Тараққиёт модели эса ўша буюк мақсадга бориш механизмидир.

Тараққиётнинг ўзбек модели тушунчаси ҳам бутун мамлакатимизга, унда яшовчи кўп миллатли барча халққа, унинг ақл-заковати ва амалий фаолиятига алоқадор ижтимоий ҳодисани англатади.

Миллий ғоя ва миллий мафкура миллатчилик, ирқчилик руҳига, маънавий изоляционизмга чақириқ сифатида тушунилмайди. У миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга, жаҳон халқларининг илм-фан, халқ таълими, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларини қабул қилиб миллий тажрибага пайванд қилишга қаратилган. Худди шундай ўзбек модели ҳам жаҳон халқларининг иқтисодий ривожлантириш, турли муаммоларни ҳал қилишда топган, қўллаган ютуқларини, янгича ёндашувларини, ностандарт ижодий ечимларини танқидий ўрганиб, қабул қилади, бойитади ва ўзи ҳам такомиллашади.

Ўзбек модели очиқ ва ривожланувчи моделдир. У на технологик, на савдо ва алмашув, умуман, иқтисодий масалаларда, на ижтимоий-маданий, на маънавий-мафкуравий масалаларда маҳдуд эмас.

Ўзбек моделининг назарий пойдеворини Ислом Каримов олға сурган беш тамойил ташкил этади:

1) иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги;

2) давлат бош ислохотчи эканлиги;

- 3) қонуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги;
- 4) кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш;
- 5) ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Яна бир бор алоҳида таъкидламоқчимизки, ислоҳотлар деганда фақат иқтисодиёт соҳасини қайта қуришгина эмас, балки бутун жамиятни туб янгилаш, ижтимоий соҳа, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот тизими, ижтимоий институтлар ва ҳоказоларни, ижтимоий онгни, дунёқарашни, жамият маънавиятини ўзгартириш ҳам назарда тутилмоқда. Ислоҳотлар жамиятнинг ўзгариши мумкин бўлган ҳамма соҳасини қамраб олади. Бинобарин, ўзбек модели ислоҳотларни рўёбга чиқарувчи концептуал ва амалий чора-тадбирларнинг чамбарчас муштарак мажмуи, бус-бутунлиги сифатида жамият ҳаётининг барча соҳалари ривожланишида намоён бўлади.

Ўзбек моделининг такомиллашуви давом этмоқда. Тараққиёт модели бирданига тайёр ҳолда вужудга келмайди. Айрим тамойилларни, назарий фаразларни ва тахминларни амалиёт таҳрир қилиши, ўзгартириши табиийдир. Баъзиларини эса қайта кўриб чиқиш ёки бошқача талқин қилиш лозим бўлади. Амалий чора-тадбирлар эса доимо ўзгариб, такомиллашиб, бойиб боради. Аммо асосий стратегик вазифалар ўзгармайди. Бу вазифалар – «демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришидир»¹.

Бир сўз билан айтганда, тараққиёт модели қотиб қолган андоза, бичим эмас, у аста-секин шаклланади, такомиллашади, ривожланиб, етук, қайишқоқ механизмга айланади. Унинг яратувчилик салоҳияти йилдан-йил ўсиб бораверади.

Тараққиётнинг етук модели вужудга келиши учун фақат яхши ният ва хоҳиш-ироданинг ўзи камлик қилади, жамиятда муайян объектив ижтимоий-иқтисодий шарт-

¹ **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 34-б.

шароит ҳамда иқтисодий муносабатлар субъектларининг минимал даражада тайёргарлиги, билим савияси талаб қилинади.

Ўтиш даврида тараққиёт модели ривожланиши, такомиллашишидаги қийинчиликлар, зиддиятлар икки сабабга бориб тақалади. Биринчиси – объектив сабаблар мажмуаси. Бунга мулк шаклларининг ноетуклиги, хўжалик юриштишнинг турли шакллари ўртасида динамик мувозанатнинг йўқлиги, бозор инфратузилмаси унсурлари, умуман, бозор муносабатлари ҳали тўлиқ қарор топиб улгурмаганлиги киради. Бу қонунчилик тизимига ҳам тааллуқли. Ўтиш давридаги молия-кредит тизимининг нотакомиллиги, миллий валютанинг конвертациясидаги қийинчиликлар, инфляция даражасининг нисбатан баландлиги каби муаммолар ҳам объектив сабабларга киради.

Иккинчиси – субъектив сабаблар: хўжалик юритувчиларда эгалик ҳисси етишмаслиги, раҳбар ва мутахассислар аксариятининг маъмурий-буйруқбозлик тизимида тарбия топганлиги, иқтисодий усулларни яхши билмасликлари натижасида бошқарувдаги камчиликлар ва ҳоказо. Улар иқтисодий усуллар ёрдамида ишни ташкил этишни ва бошқаришни етарлича билмайдилар. Натижада ўзлари ўрганган маъмурий-буйруқбозлик усулини фаолиятларида иқтисодий усулларга нисбатан, айниқса дастлабки йилларда, кўпроқ қўллайдилар. Шу боис кўпчилик корхоналар акциядорлик жамиятига ёки мулкчиликнинг бошқа шаклларига айланганларига қарамай, уларда ишни ташкил қилиш ва бошқаришда эски сарқитлар учраб туради.

Юқоридаги икки сабабга кўра яқин-яқингача хўжалик юритувчилар ўртасида шартномалар анча саёз, баъзан расмийчилик учун тузилар эди. Шартномаларга риоя қилишда ҳалигача кўп қийинчиликлар бор. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзимники эмас, давлатники, деган тushунча корхоналар раҳбарлари, мутахассисларида, айниқса ишчиларида тўлиқ йўқолмаган. Натижада истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятлари яхши ўрганилмасдан, маҳсулотларни текинга бериб юбориш ҳоллари мавжуд, қарзларни ундиришда фаоллик кўрсатилмаётир. Бу дебитор ва кредитор қарзларнинг ўсишига олиб келмоқда. Ўзаро тўлов-

лардаги камчиликлар тараққиёт модели имкониятларини пасайтириб юбормоқда.

Аксарият тармоқ раҳбарларида янгича иқтисодий тафаккур етишмаётир. Улар баъзан совет давридагидек, телефон ҳуқуқидан фойдаланиб, маҳсулотни бир ишонч қоғози бўйича бериб юборишга корхоналарни мажбур қиладилар. Умуман, иқтисодий ва айрим юридик қонунларга, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига қатъий риоя қилиш маълум даражада оқсамоқда.

Тараққиёт модели имкониятларини рўёбга чиқармаётган субъектив сабаблардан яна бири — коррупция ва порахўрлик иллатидирки, у тадбиркорликнинг, айниқса, кичик бизнеснинг йўлида ғов бўлмоқда.

Объектив шарт-шароитлар асосан амалий бунёдкорлик жараёнида яратилса, салбий субъектив омиллар кўпроқ дунёқарашни ва тафаккурни бойитиш, янги билимлар бериш, ўқитиш, раҳбар, мутахассис ва кенг оммани янги оморлар, қадриятлар асосида тарбиялаш орқали бартараф этилади. Яъни маънавий-маърифий ишлар ўзбек модели шаклланиши ва салоҳиятини юзага чиқаришида катта аҳамият касб этади.

Энди «ўзбек модели» тамойилларини қисқача таърифлаб ўтамыз.

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги ўзбек моделининг бош, марказий ўзаги, аркони. У нафақат мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини акс эттиради, шунингдек, мамлакат иқтисодий ҳаётининг янгиликларга, илғор тажрибага, дадил ташаббусларга очиқлигини ҳам кўрсатади. Сиёсий ёки мафкуравий мулоҳазалар ислохотларимизга янгиликлар, ютуқлар кириб келиши йўлида тўсиқ бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатда қабул қилинадиган иқтисодиётга оид қарорлар, қонунлар қайсидир сиёсий гуруҳларнинг манфаатини кўзлаб ёки сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун эмас, балки объектив иқтисодий заруратлардан келиб чиқиб қабул қилиниши керак. Чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ҳам сиёсий мақсадга мувофиқлик асосида эмас, балки ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилиши лозим.

Казарма социализми даврида иқтисодиёт сиёсатга бўйсундирилган ва коммунистик мафкурага мослаштирилган эди. Шу боис хусусий мулкчиликнинг барча шакллари бартараф этилди. Хусусий тадбиркорлик тақиқланди. Шахснинг иқтисодий манфаатлари, ташаббуси рағбатлантирилмади. Аксинча, социализмда бой бўлмаслиги лозим, бу коммунистик мафкурага зид деган тушунчадан келиб чиқилиб, кўпчилик кишилар юксак малакали меҳнатига яраша ҳақ олмади. Айниқса, йирик кашфиётчилар, конструкторлар, ихтирочилар, адиб ва санъаткорлар, ижодкор зиёлилар жамиятга катта иқтисодий фойда келтирсалар-да, жуда камтарона ҳаёт кечиришга мажбур бўлдилар. Халқ хўжалигини бошқаришда объектив иқтисодий қонунлар инкор этилиб, коммунистик шиорлар, мафкуравий қолиплар ва бичимларга устунлик берилди. Булар оқибат-натижада иқтисодиётни издан чиқарди, одамларда меҳнатга нотўғри муносабатни шакллантирди.

Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш иқтисодий муносабатларни тўғри тушуниш ва ташкил қилишнинг омилidir. У объектив иқтисодий қонунларни тан олишга, мулкчилик шакллариغا, тақсимотга нисбатан субъектив муносабатдан қутулишга маънавий шарт-шароит яратади. «Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юришнинг турли ижтимоий шакллариغا нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади»¹.

Мазкур тамойил иқтисодий ривожланишда маънавият аҳамиятининг нозик, кўздан яширин қиррасини очиб беради.

Совет иқтисодиётининг пировард қулаши, ўта мафкуралашган баъзи хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг таназзули ва қийинчиликлари (Шимолий Корея, Куба, кўпчилик мусулмон мамлакатлари) объектив иқтисодий қонунларнинг мафкура тазйиқида ҳар доим ҳам тан олинмаслиги натижасидир. Аксинча, иқтисодиёти мафкурадан холи мамлакатлар иқтисодий ўсишда юксак суръатларга эришмоқда.

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.

Иқтисодий тармақлардан холи этиш зарурлигини айрим хорижий мусулмон мамлакатларининг мустамлакачиликдан қутулгандан кейинги тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Улар иқтисодийларини ислом мафкураси таълаблари негизида қайта қуришга уриндилар.

Юқорида келтирилган далиллардан ўзбек модели назарий тамойиллардан биринчисининг қай даражада тегна мазмунга эгаллиги, унда халқимиз ва бошқа халқлар бошидан кечирган тажриба ҳисобга олингани маълум бўлади.

2. Давлат — бош ислоҳотчи. Тоталитар тузумдан воз кечилгандан кейин бирданига ўзини ўзи нисбатан тартибга соладиган етук ривожланган иқтисодий механизм вужудга келиб қолмайди. Шу боисдан маъмурий-буйруқ-бозликка, марказлашган иқтисодийга асосланган тузум қолдиқларини емириш, бартараф этиш, турли зиддиятларни, қаршилиқларни енгиш, янги муносабатларни қарор топтириш учун муайян ўтиш даври керак. Зиддиятларга бой ўтиш даври шароитида иқтисодий тармақларни, ислоҳотларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди.

Ўзбек моделининг мазкур тамойилини илмий асослар экан, Ислам Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармақларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармақларга мадад бериши лозим»¹.

Ислам Каримовнинг бу сўзлари давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида вазифаси нимадан иборат эканлигини очиб беради ва айна пайтда турли ижтимоий гуруҳларнинг, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахсларнинг ислоҳотчилик ташаббуслари ва фаолиятлари чекланмаслигини, аксинча, давлат уларга ёрдам беришини билдиради.

Социализм даврида ҳамма нарса — нафақат бошқарув, ҳатто мулк ҳам давлатлаштирилган эди. Давлат ижти-

¹ **Ислам Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й., 302-б.

мой ҳаётнинг барча соҳаларини қаттиқ ялпи назоратга олган эди. Ижтимоий ҳаётнинг ялпи назорат қилиниши ва аҳолининг онги тўлиқ бошқарилиши тоталитаризм дейилади.

Лекин ўзбек моделида давлат бош ислоҳотчи бўлиши унинг, социализм давридагидек, бошқарувни юз фоиз қўлга олиб ялпи назорат ўрнатишини ёки режали марказлашган иқтисодиёт тамойилларини, усулларини сақлаб қолишини билдирмайди. Балки ишлаб чиқариш корхоналари ички фаолиятига давлат аралашмасдан, маҳсулотга буюртма бериш, солиқ имтиёзлари, инвестициялар ва ш.к. усуллар орқали улар фаолиятини рағбатлантиради ва ҳоказо.

Маълумки, ҳамма ишни бирданига бажариб бўлмайди. Жумладан, барча катта-кичик соҳаларда бир вақтнинг ўзида бир хил суръатларда ислоҳотлар ўтказиш мумкин эмас. Шу боис давлат ҳар бир муайян давр учун ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилайди. Бунга жамиятнинг молиявий, моддий, интеллектуал — ақлий ва кадрлар ресурсларини сафарбар этади. Бошқаларнинг ислоҳотчилик ташаббусларини рағбатлантиради. Давлатнинг бош ислоҳотчи бўлишига яна бир сабаб ўтиш даврида, айниқса, унинг дастлабки йилларида иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар қилишга қаратилган инвестиция сиёсати кўпроқ бюджет ҳисобидан ёки давлатнинг кафолатлари асосида четдан олинган қарз ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусий мулкнинг камқувватлиги, ортиқча маблағнинг йўқлиги инвестиция юқини давлат зиммасига юклайди. Бундай шароитда давлат бош ислоҳотчи бўлмаса, инвестиция учун ажратилган маблағ ўз манзилига етиб бормаслиги ва бошқа мақсадларга ўзлаштириб юборилиши ёки очиқчасига ўғирланиши эҳтимолдан холи эмас. Буни кўплаб мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаб турибди. Ўзбекистонда инвестиция амалиётида давлат иштироки жуда юқори бўлиб келди. Фақат 2004 йил яқунларига келиб, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган инвестициялар улуши жами инвестицияларда 43%ни ташкил этди¹.

¹ Қаранг: **Ислом Каримов**. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 34-б.

Ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи ва асосий инвестор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки молиявий ва моддий маблағлар етишмайди, муайян соҳаларни ислоҳ қилиб, янгилик яратишга қодир мутахассислар ҳам кўп эмас, уларни ўқитиш, тайёрлаш керак. Машҳур масалдаги оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақага ўхшаб ҳар ким аравани ҳар томонга тортиб кетаверса ҳам, ислохотлардан бир гап чиқиши қийин. Энг асосийси — аҳолининг манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофазанинг пухта ўйланган тизимини ҳам ўтиш даврида жамоат ташкилотлари ва ҳали қаттиқ оёққа туриб олмаган хусусий бизнес эмас, давлат вужудга келтириши мумкин. Давлат бу борада хусусий тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари кучларини, имкониятларини уюштиради. Бундай шароитда умуммиллий манфаатни кўзлайдиган давлатнинг бош ислохотчи бўлиши нафақат мақсадга мувофиқ, балки ягона тўғри йўлдир.

Далил сифатида Россия мисолига мурожаат этиш ўринли. Маблағлар талон-торож қилинди, ўғирланди. Сиёсий партиялар ҳамда ўзларининг тор иқтисодий манфаатлари туфайли бирлашган корчалонлар гуруҳлари аравани ҳар қайсиси ўзи томон тортишга ҳаракат қилди.

Жамиятнинг реал тайёргарлигини ҳисобга олмасдан, дастлабки йилларда иқтисодиётни ҳаддан ташқари эркинлаштириб юбориш Россияда ислохотлар жиловининг давлат қўлидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, оғир иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келадиган суиистеъмолчиликларни келтириб чиқарди. Ҳаттоки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва бюджет соҳаси ходимларига ойлик маош сифатида йўналтирилган маблағлар, шу жумладан, четдан олинаётган инвестициялардан қандай фойдаланилаётганини Ельцин даврида давлат назорат қила олмай қолди. Россияда халқ ҳўжалигини қайта қуриш ниҳоятда зиддиятли ва стихияли равишда кечди. Охири дефолт, яъни мамлакат иқтисодиётининг тўловсизлик ҳолати юз берди. Е. Примаков бошчилигидаги янги ҳукумат аввалги иқтисодий сиёсатнинг айрим тамойилларини қайта кўриб чиқди.

Ўзбекистонда давлат бош ислохотчи сифатида ислохотларнинг, бир томондан, ҳуқуқий базасини изчил ривож-

лантирмоқда, бу борада жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олмоқда, иккинчи томондан — устувор йўналишларини белгилаб, асосий ресурсларни уларга йўналтирмоқда. Бу ислоҳотларни амалга оширишда турли бошбошдоқликларнинг олдини олишга, жамиятнинг изчил янгиланишини таъминлашга имкон бермоқда.

Мазкур тамойил аҳамияти доимо бир хил бўлиб қолавермайди. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, иқтисодий эркинлашиш даражаси ошган сайин, айниқса фуқаролик жамияти шакллана борган сайин давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида роли пасайиб боради. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлишида потенциал зиддият ва хавф яширинган. Иқтисодиётга давлат ортиқча аралашадиган, уни тартибга соладиган ва бошқарадиган жойда бозор тамойиллари тўла қарор топмайди, чала бўлади. Рақобат ривожланмайди, монополизм асоратлари кўп сақланиб қолади. Мулк шакллари ўртасида динамик мувозанат вужудга келмайди, улар де-юре (қонунда) ўзаро фарқ қилсалар-да, де-факто (амалда) бир-бирига ўхшаш бўлади. Оқибатда иқтисодиёт анча меъёрлашади, унга мустақиллик етишмайди. Мулк шакллариининг етарлича ўзаро фарқланмаганлиги жамият ижтимоий-синфий тузилмасининг ҳам кучли фарқланмаслигига, сиёсий партияларнинг эса бир-бирларига эгизакдек ўхшашлигига, демократик жараёнларнинг суст кечишига олиб келади. Шу боис ислоҳотлар чуқурлашиши жараёнида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланиб бориши шарт.

Ўзбек модели жамият тайёргарлигини ҳисобга олиб, иқтисодиётни ҳам, давлат қурилишини ва сиёсий ҳаётини ҳам эркинлаштиришга интилмоқда. Бу борада Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида олға сурилган ғоялар диққатга сазовордир. Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштиришнинг мақсадини Президентимиз қуйидагича белгилаган: «биринчи навбатда давлатнинг бошқарув родини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш»¹...

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон». 1999 й., 17-б.

Шундай қилиб, ўзбек модели қотиб қолган, ўзгармас тамойилларга эмас, балки ҳаёт талабларига мослашувчан, қайишқоқ тамойилларга асосланган.

Давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши турли давлат идоралари устидан жамоат назоратини кучайтиришни тақозо этади. Чунки, агар ижроия ва суд ҳокимияти идоралари ҳаддан ортиқ бюрократлашиб кетса, уларда тамагирлик ва коррупция кучайса, бу ислоҳотлар йўлида қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Афсуски, бундай ҳолдан ҳеч бир давлат суғурталанган эмас.

Давлат бош ислоҳотчи вазифасини муваффақиятли адо этиши учун ўзи ҳам узлуксиз такомиллашиб бориши зарур. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ҳар учула бўғини ислоҳ қилиниб борилмоқда. Мамлакат Парламенти учинчи чақирикдан бошлаб икки Палата – Қонунчилик палатаси ва Сенат – тизимида фаолият олиб бормоқда.

Сенатга Президент ваколатларининг бир қисми берилди. Ижроия ҳокимиятда марказнинг айрим ваколатлари маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилмоқда. Айни пайтда ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтлари роли оширилмоқда.

Қонун ҳужжатлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилган.

Давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинаётир ва либераллаштирилмоқда. Жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилган алоҳида судлар пайдо бўлди. Ўзбекистон давлат қурилиши ва жамиятни демократлаштириш борасида ўз йўлидан бормоқда. Чунки Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек: «демократияни ва турли «очиқ жамият моделлари»ни экспорт қилиб бўлмаганидек, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки тиқиштириш мумкин эмас»¹.

3. Қонуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги. Кишилик жамияти тарихида ушбу тамойилга қайси мамла-

¹ **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 42–43-б.

кат қайси даврда амал қилган ёхуд шунга интилган бўлса, ўша мамлакат юксак ривожланишга эришган. Масалан, қадимги Юнонистонда Афина, янги эра арафаси ва биринчи асрларида Рим, IX–XI асрларда қатор Шарқ мамлакатларида маълум даражада қонун устуворлигини ва тараққиётнинг юксак суръатларини кузатамиз. Албатта, у даврлар учун қонун устуворлиги бугунги кундагидек тушунилмаган, анча нисбий характерга эга бўлган. Аммо мазкур тамойилнинг асосий талаблари гунча ҳолатида ўша пайтдаёқ вужудга келган.

Қадимги Юнонистон ва Римда қонуннинг барчага баробарлиги фақат эркин фуқароларга тааллуқли бўлган, қуллар ва бошқа жойдан кўчиб келганларнинг ҳуқуқи чегараланган.

Шарқ мамлакатларида IX–XII асрларда шариат меъёрлари олдида ҳамма бирдай тенг бўлган ва бирдай уларга бўйсунган.

Ҳар қандай жамиятда, ҳар бир даврда бюрократия айрим қонунларни четлаб ўтишга, ўз фойдасига талқин қилишга уринади. Ўтмишда ҳам бундай ҳоллар учраб турган. Оқибатда на юнонларда, на римликларда, на шарқ мамлакатларида мазкур тамойил мустаҳкамланиб, устуворлигини сақлаб қололди. Жамият ижтимоий сафарбарлигини, динамизмини сусайтиргани сайин, амалдорлар, бюрократия қонундан устунлик қилиб келди, чунки улар ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни ўзига бўйсундирдилар. Жамиятнинг киборлари, амалдорлари қонундан устун бўлиб олдилар, бошқаларнинг ҳуқуқларини, адолатни менсимамай кўйдилар. Собиқ СССРда ҳам биз айнан шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ҳуқуқий бошбошдоқлик, адолатсизлик шароитида кечиши мумкин эмас. Қонуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойили жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида адолат қарор топиши учун хизмат қилади. Совет даврида бизда на ижтимоий-сиёсий ҳаётда, на хўжалик юритишда демократик анъаналар шакланган эди. Иқтисодий муносабатлар фақат қонун орқали эмас, балки қўшимча равишда коммунистик мафкура ёрдамида ҳам меъёрлаштирилар эди.

Баъзан эса корхона, хўжалик орасидаги муносабатлар

уларнинг бошлиқлари хоҳиш-иродаси асосида қурилар эди. Бундай ўтмишни бошдан кечирган бизнинг мамлакатимиз ўз миллий тараққиёт моделининг асосига қонуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойилини қўймаслиги мумкин эмас эди.

Биринчидан, мазкур тамойил мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқли асосда ривожланишини таъминлайди. Мулкчилик шакллари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, рақобат қатъий ҳуқуқий меъёрлар билан тарғибга солинади. Иқтисодий бошқаришда ўзбошимчалик ва субъективизмнинг, турли иқтисодий зўравонликларнинг олди олиниши учун ҳуқуқий шарт-шароит вужудга келади. Иккинчидан, демократия ривожланади, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошади. Турли фикрлар, қарашлар ривожланиши, мафқуравий плюрализм қарор топиши учун ҳуқуқий кафолат пайдо бўлади. Инсон ҳуқуқлари таъминланади. Ноқонуний имтиёзларга ёки, аксинча, камситилишларга чек қўйилади. Учинчидан, алоҳида шахснинг, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатлари тўлароқ ҳисобга олинади ва уларнинг яратувчилик имкониятлари, ижодий салоҳияти ва роли йил сайин ошиб боради. Қонун доирасида жамоат ташкилотлари фаол ҳаракат қилишига шароит вужудга келади. Фуқаролик жамияти шаклланади. Демак, қонуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойили кенг маънода Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгиланишига, инсон шахсининг юксалишига хизмат қилади. Шу боис мазкур тамойил ўзбек моделининг тамал тошларидан бири бўлиши табиийдир.

Ўзбек моделининг мазкур тамойили ўзидан аввалги келган тамойил билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, давлат бош ислоҳотчи сифатида нафақат қонун чиқаради, ижроия ишлари ва назорат билан шуғулланади, у, шунингдек, ижтимоий барқарорликнинг, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот таъминланишининг асосий кафили бўлади. Агар давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги роли иқтисодий ва сиёсий ҳаёт эркинлашиши жараёнида пасайиб борса, давлатнинг қонун чиқариш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги роли доимо юксаклигича қолади.

Қонун устуворлиги таъминланмаган жойда нафақат

тартибсизлик ҳукм суриб, инсон ҳуқуқлари бузилади, шунингдек, иқтисодий ривожланиш ҳам ниҳоятда зиддиятли бўлади, иқтисодий-сиёсий ва маънавий инқироз оғир кечади. Қонун устуворлигисиз иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиб бўлмаганидек, иқтисодий ривожланишга эришмасдан қонун устуворлигини таъминлаб бўлмайди. Бу икки жараённи бир-биридан ажратиш мутлақо мумкин эмас.

Иқтисодий етишмовчилик кенг тарқалган жойда суистеъмомлчиликлар ҳеч қачон барҳам топмайди. Меҳнат муносиб тақдирланмаса, даромадларни стихияли қайта тақсимлашга уриниш давом этаверади. Оддий қилиб айтганда, иқтисодий қолоқлик, ўғирлик, коррупция, порахўрлик, қўшиб ёзиш, ташмачилик каби иллатларни, иқтисодий жиноятларни келтириб чиқараверади. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида, одамларнинг моддий муносабатларида қонун устуворлиги тамойили иккинчи ўринга чекинади.

Ҳаттоки барқарор ривожланиш давомида ҳам ушбу тамойил бирданига тўлиқ қарор топиб қолмай, у нисбатан узоқ муддат талаб қиладиган, босқичма-босқич ва доимий ривожланидиган жараён. Унинг тўлиқ қарор топиши учун ўзаро муштарак уч нарсанинг амалга ошиши талаб қилинади:

- жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган пухта ва қайишқоқ қонунлар мажмуаси вужудга келиши ва доимий такомиллашиб бориши;
- жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ва қонунга итоатгўйлиги юксак бўлиши;
- мавжуд қонунларни ҳаётда амалга оширишнинг етарлича иқтисодий шарт-шароити, сиёсий-маъмурий ва ижтимоий механизми яратилиши.

4. Кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва янги мулк шакллари вужудга келиши, халқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришлар содир бўлиши, бозор муносабатларининг қарор топиши ниҳоятда оғир ва зиддиятли жараён. У ўтиш даврида аҳолининг иш билан бандлигини ва реал даромадларини муайян даражада пасайтиради. Халқ хўжалиги ва иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуришнинг иж-

тимой ларзаларсиз ўтиши учун ўзбек модели кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари — пенсионерлар, нафақахўрлар, кўп болали оилалар, талабалар ва шу қабиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилига асосланди. Чунки аҳолининг демографик таркиби шундайки, бир боқувчига оилада уч-тўрт боқиманда тўғри келади. 18 ёшгача бўлган болалар аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли кишилар ўртасида, айниқса қишлоқ хотин-қизлари ўртасида банд бўлмаганлар миқдори салмоқли. Улар ва умуман кам таъминланганлар, ногиронлар моддий қўллаб-қувватланмаса, маиший коммунал хизмат ва айрим ижтимоий соҳаларда уларга имтиёз берилмаса, аҳолининг бу қисми қийналиб қолади. Бу ижтимоий норозиликларни келтириб чиқариши мумкин эди.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмлари ва йўналишлари кўп. Улар ижтимоий таъминот, янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, спорт ва жисмоний тарбия соҳалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва ислоҳ қилишдан тортиб, то жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашгача қамраб олади.

Бундан ташқари, ислохотлар жараёнида ижтимоий муҳофаза шакллари ва манбалари ўзгариб боради. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврларида ижтимоий ҳимоялаш чоралари компенсация тўлаш шаклида бўлса, эндиликда у шундай ҳимояларга муҳтож бўлганларга мақсадли ёрдам кўрсатиш шаклида қўлланилмоқда. Энг асосийси, кам таъминланган оилалар ва аҳоли қатламлари учун янги иш ўринлари, шу жумладан, касаначилик ва бошқа барқарор даромад манбалари яратилмоқда. Ижтимоий ҳимоялашда нафақат давлат, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва турли хайрия жамғармалари қатнашмоқда. Биз ижтимоий ҳимоялаш шакллари батафсил таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Фақат бир мисол келтириш билан чекланамиз: республикамизнинг қишлоқ аҳолиси учун юз минглаб гектар серҳосил сувли ерлар томорқа сифатида тарқатилди. Бугунги кунда улар негизда юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Оилавий ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирил-

моқда, уларга кредитлар, жумладан, микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Деҳқон хўжаликлари юридик шахс мақомини олиши, иқтисодий жиҳатдан тикланиб, оёққа туриши учун уларга турли амалий ёрдамлар, солиқ ва тўловлардан имтиёзлар ва кредитлар берилмоқда, техник ва агротехник хизмат кўрсатиш тузилмалари вужудга келтирилмоқда.

Фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши ҳам фақатгина иқтисодий ислоҳотларга мисол эмас, шунингдек кучли ижтимоий сиёсатга алоқадор далилдир.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ўзбек моделининг инсонпарварлик моҳиятини белгиловчи тамойиллардан биридир. Кучли ижтимоий сиёсат кўп жиҳатларидан Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг барқарорлигини таъминлабгина қолмай, туб ислоҳотларга аҳолининг асосий қатламларида ижобий муносабат пасаймаслигига, турли носоғлом муҳолифат ва ўтмишни қўмсаш кайфиятларининг кенг тарқалмаслигига сабаб бўлди.

5. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Маъмурий буйруқбозликка, фондларни (хом ашё, молиявий маблағлар, тайёр маҳсулотларни) юқоридан тақсимлашга асосланган хўжалик юритишнинг самарадорлиги маҳсулот сифатига ва фойда олишга эмас, балки маҳсулот ҳажми кўрсаткичларига қараб баҳоланадиган режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига «инқилобий сакраш», «фалаж терапияси» орқали ўтиш Ўзбекистон шароитида мумкин эмас эди. Чунки режали иқтисодиётда, биринчидан, бозорнинг тегишли инфратузилмалари бўлмайти, аҳолининг иқтисодий тафаккури ва психологияси ҳам бозор муносабатларига мос келмайти. Иккинчидан, Ўзбекистонда бандлик даражаси ва ишловчига тўғри келадиган боқимандаларнинг кўплиги «фалаж терапия»си усуллариини инкор қилар эди. Шу боис ўзбек модели объектив иқтисодий ва ижтимоий шароитлардан келиб чиқиб радикал, инқилобий усулни қўлламади. Мазкур тамойилни олға суришда Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи ва имкониятлари, демографик вазияти, аҳолининг менталитети ҳисобга олинди.

Объектив талаблар энг аввало халқ хўжалигининг энг

муҳим устувор тармоқларини — базис соҳаларни ривожлантиришни тақозо этади. Бу иш ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш билан бирга олиб борилиши лозим. «Фақат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узоқ тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишнигина эмас, шу билан бирга кадрятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутади»¹.

Ўзбекистонда айнан ана шундай йўл тутилди. Бундай сиёсат юритиш нафақат маблағлардан самарали фойдаланиш имконини берди, шунингдек, одамларнинг сафарбарлигини оширди, ижтимоий ларзаларнинг олдини олди, мулкчилик шаклларини босқичма-босқич ривожлантирмоқда. Хусусийлаштириш жараёнида корхоналарнинг мулк шаклини ўзгартиришга тайёргарлиги, ишлаб чиқариш хусусиятлари, халқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти, молиявий аҳволи кабилар ҳисобга олинди. Шунга қараб корхоналар босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқарилди, баъзи муҳим корхоналарда давлат мулкининг маълум улуши сақлаб қолинди, баъзилари эса тўлиқ жамоага берилди, кўпчилик корхоналар очик ёки ёпиқ ёхуд масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамиятига айлантилди ва ҳоказолар. Айрим корхоналарнинг мулк шакли бир неча босқичда ўзгартирилди, давлат улуши муттасил камайиб борди. Давлат улуши акциялари пакети хусусий тадбиркорларга сотилди, ҳаттоки бепул берилди. Корхоналар акцияларининг бир қисми чет элликларга ҳам сотилди ва сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бугунги кунда улар мулки негизида фермер ва деҳқон хўжаликлари тузилди. Дастлаб фермер хўжаликлари орасида йириклари кам, кўпчилиги 20–25 га ер майдонига эга эди. Аста-секин улар орасидан ишбилар-

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й., 315-б.

монлари ажралиб чиқа бошлади. Бу фермер хўжаликлари бирлашиб йириклашишишига олиб келмоқда.

Нафақат мулкчилик шакллари босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, шунингдек, иқсодиётда таркибий ўзгаришлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Устуворлик халқ хўжалигининг пойдеворини (базисини) ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этувчи соҳаларга ҳамда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатига берилган. Тўғри, бу борада қийинчиликлар, зиддиятлар кўп. Қайта куриш механизми такомил топган эмас. Кутилган самарага ҳар бир тадбир бўйича эришиляпти дейиш қийин. Лекин секинлик билан бўлса-да, муттасил олға ҳаракат бор.

Илгари бизнинг қарам иқтисодиёт кўпроқ арзон хом ашё етказиб беришга мўлжалланган эди. Энди уни кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш, унда тузилмавий, таркибий ўзгаришлар қилиш, илгари мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш турларини вужудга келтириш лозим. Аммо бунинг учун аввало иқтисодиётнинг базис соҳаларини ривожлантириш зарур. Базис соҳалари — бу энергетика (нефть-газ ва электр энергетикаси), кончилик ва хом ашё саноати, транспорт ва алоқа тармоқларидир. Талли-маржонда йирик иссиқлик электр станцияси барпо этилгани, Қашқадарёнинг янги нефть ва газ конларига чет элнинг замонавий асбоб-ускуналарини ўрнатиб, қазиб чиқариш кўпайтирилди, Қоровулбозорда юксак технологияларга асосланган нефтни қайта ишлаш заводи курилиб ишга туширилди, Фарғона ва Олтиариқдаги заводлар қайта реконструкция қилинди. Булар Ўзбекистоннинг энергетик мустақиллигини таъминлаб, иқтисодиёти барқарор ривожланиши, янги қурилажак ишлаб чиқариш қувватларини энергия билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратди. Ахир мустақилликнинг дастлабки йилларида фақат нефть маҳсулотлари олиш учун 600 минг тонна пахта толасини сарфлар эдик. Транспорт борасида нафақат мамлакат ичкарасида йирик ишлар қилинди («Учкудук—Қўнғирот», «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўллари, қатор автомобиль йўллари, халқаро ҳаво маршрутлари), шунингдек, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлини замонавий шаклда тиклаш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқиб, халқаро миқёсда ҳам маълум ишларни амалга оширмоқда.

Янги конларнинг ишга туширилиши ёки Қўнғирот сода заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси каби улкан корхоналар мамлакат бозорини янги маҳсулот турлари билан таъминлашга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган. Ишлаб чиқаришга юксак технологияларни олиб кирувчи соҳалар — автомобилсозлик, электроника, асбобсозлик ва ҳоказолар ривожланиши, айримларининг илк бор мамлакатимиз халқ хўжалигида вужудга келиши тузилмавий ўзгаришларга мисолдир. Бу ўринда Асака, Самарқанд автомобиль заводлари, «УзДЭУ электроникс», янги енгил саноат корхоналари ва ўнлаб бошқа катта-кичик корхоналарни эслаш kifоя. Тракторсозлик, самолётсозлик, бошқа тармоқлар, чет эл компаниялари билан турли шаклдаги технологик ва иқтисодий алоқалар ривожланмоқда.

Ишчи ва мутахассисларимиз орасида янги малакаларни эгаллаганлар пайдо бўляпти, миллатнинг техник савияси юксалмоқда, дунёқараши кенгаймоқда. Ҳар вилоятда пахта толасини қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига олиб борадиган корхоналар барпо этилиши, тайёр маҳсулотлар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган юзлаб, минглаб, катта-кичик корхоналарнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани иқтисодий мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бораётганидан, ўзбек модели эволюцион ривожланиш йўлини танлаганлиги тўғрилигидан далолат беради. Шу боис давлатимиз раҳбари «биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз»¹, — деб таъкидлади.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ўзидан олдинги тамойиллардан келиб чиқади ва уларни тўлдиради. Умуман беш тамойилни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мазкур беш тамойил ўзбек моделининг назарий концептуал ўзагини ташкил этади. Моделнинг ўзи эса, табиийки, анча мураккаб тузилишдан, турли аспектлардан ва айни пайтда яхлит тизимдан иборат.

¹ **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 34-б.

Ўзбек моделида маънавиятнинг ўрни ва ролини кўрсатишга уриниш батафсил суҳбатни талаб қилади. Дастлаб, маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига таъсири ҳақида гапириш лозим.

МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбек моделида маънавият қандай ўрин тутади, деган саволга жавоб бериш учун аввал маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабатларини, алоқадорлигини кўриб чиқишимиз лозим.

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, ҳар қандай хатти-ҳаракати ё табиат билан, ё жамият билан, оила аъзолари, бошқа кишилар билан муайян муносабатни юзага келтиришдир, муайян алоқани, ўзаро таъсирни амалга оширишдир. Шу боис инсоннинг онгли фаолияти аввало ахлоқ ва ҳуқуқ, қолаверса, умуман маънавият нуқтаи назаридан баҳоланади. Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳам нафақат иқтисодий, шунингдек, ўзининг маънавий жиҳатларига эга. Иқтисодиёт билан маънавиятга бир хил катта аҳамият берган жамият ўзининг уйғун, йирик ижтимоий зиддиятларсиз ва қарама-қаршиликларсиз барқарор тараққий этиши учун замин яратади. Гап иқтисодиётнинг моддий бойликлар, маънавиятнинг эса ақлий ва ҳиссий-руҳоний бойликлар яратиши, жамиятга бу бойликларнинг ҳар иккаласи ҳам кераклиги устида кетаётгани йўқ. Балки гап маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсири устида кетяпти.

Иқтисодиётнинг маънавият билан алоқалари жуда ранг-баранг ва мураккабдир. Иқтисодиёт маънавият ривожланиши учун моддий шарт-шароитлар яратади. Иқтисодиёт эҳтиёжлари, талаблари маънавиятга нисбатан «буюртмачи» вазифасини ўтайди. Масалан, янги технологиялар яратиш, меҳнат қуролларини такомиллаштириш ва шу кабилар илм-фанни, техник ижодкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблашувига, илм талаблигининг ошишига яраша ишчи ва мутахассисларда янги меҳнат кўникмалари ҳосил бўлишини, уларнинг малакаси муттасил ўсиб боришини тақозо этади. Бу эса жа-

миятда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, умуман тарбия ва таълим тизими ривожланишига, маънавий-психологик муҳит ўзгаришига, ишлаб чиқаришда ва турмушда рационализаторлик, ихтирочилик, техник ижодкорликка мойиллик кучайишига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, турли товарларни, маҳсулотларни ва хизмат турларини харидорларга етказиш эҳтиёжи ҳар хил кўргазмалар, шоу томошалар, конкурслар, лотереялар ва ниҳоят реклама-ахборот индустриясини вужудга келтирди.

Ўз навбатида маънавиятнинг ўсиши, илмий-техника кашфиётлари, аҳоли билимларининг ва малакасининг ошиши, иқтисодий тафаккурнинг ўзгариши, юксак оморлар ва ижтимоий марраларни кўзлаш, янгиликларга интилиш иқтисодиётни ривожлантиради. Аммо иқтисодиёт ва маънавият ўртасида доимий равишда мавжуд бўлган зиддиятлар ҳам бор. Улар тараққиёт моделида ҳисобга олиниши лозим, акс ҳолда модель кутилган самарани бермайди.

Иқтисодиёт ва маънавият реал инсон эҳтиёжларидан, жамиятнинг аниқ вазифаларидан ажралиб қолса, ўз мақсадларини белгилашда адашиб кетади. Бундай ҳолларда икки хил вазият вужудга келиши мумкин. Масалан, маънавият масалаларига етарли эътибор берилмаса, иқтисод иқтисод учун, капитални айлангириб, фақат фойда олиш учун бўлиб қолади. Ушбу мақсадга, гўёки бутун жамият ҳам, алоҳида инсон ҳам бўйсунуши, маънавият эса иқтисодиётнинг мафкуравий хизматкорига, чўрисига айланиши лозим бўлиб қолади. Бошқача айтганда, инсон камолотидан, жамият ривожланишининг аниқ вазифаларидан, мақсадларидан ажралган иқтисодиёт маънавиятни инкор қилади.

Ва, аксинча, конкрет инсонни ўйламайдиган маънавият ҳам ҳавойи, сароб, мавҳум оморларга интилади, нафс ва ҳирсни инкор этиш баҳонасида аслида иқтисодий ривожланишни инкор этади, ҳатто ўзининг энг кескин кўринишларида зоҳидлик ва таркидунёчиликни оқлайди. Ушбу муносабат билан Эрих Фромм билдирган қуйидаги фикр диққатга сазовордир: «...бизнинг ҳаётимизнинг—хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий—фақат битта томонинигина ўзгартиришга интилиш муқаррар тарзда муваффақиятсиз-

ликка учрайди. Дарҳақиқат, фақат бир соҳадагина тараққиёт юз берса, бу бошқа соҳалардаги тараққиётни хароб этади. Одамларни маънавий жиҳатдангина асраб қолишни ўйлагани учун Инжил рим-католик черкови ҳукмронлигининг ўрнатилишига сабаб бўлди. Фақатгина сиёсий ислоҳотлар ташвишинигина чеккан француз инқилоби Робеспьер билан Наполеонга олиб келди, социализм эса фақат иқтисодий ривожланиш тўғрисидагина ўйлагани учун сталинизмни майдонга келтирди»¹.

Эрих Фроммнинг сўнгги фикри социализмнинг асосий қоидаси — моддийлик бирламчи, иқтисодиёт (иқтисодий базис) сиёсатни ҳам, мафқурани ҳам (устқурмани) белгилайди — деган тушунчадан ҳамда социалистик иқтисодий асосларини яратиш — мулкни национализация қилиш, индустрлаштириш ва коллективлаштириш жараёнида зўравонликнинг ашаддий шакллари қўллаганидан келиб чиққан. Лекин доимо ўта кескин қарама-қаршиликлар бир-бирларига қўшилиб кетади, ўзининг тескарисига айланади: социализм шароитида иқтисодиётнинг мафқурага бўйсуниб қолганини кузатиш мумкин. Объектив иқтисодий қонуниятлар инкор қилиниб, қўшимча социалистик мажбуриятлар «олиниши», давлат байрамлари санасига корхоналардан муддатидан олдин режани бажаришни талаб қилиш, ҳатто майда хусусий мулкнинг ва шахс тадбиркорлигининг тўлиқ инкор этилиши, меҳнатга ҳақ тўлашда маълум максимумдан ошиб кетишга йўл қўймаслик, кооператив ва коллектив мулкнинг амалда фақат қоғозда мавжудлиги ва ҳеч қандай эркинликка эга эмаслиги социализм тўғрисидаги мафқуравий андозаларга, қарашларга иқтисодиётнинг бўйсунганлигига мисолдир.

Эрих Фромм замонавий турмуш вужудга келтирган инсоннинг ўзи яратган маҳсулотларидан, меҳнатидан, бошқа кишилардан, умуман жамиятдан бегоналашувини енгиб ўтиш учун ҳаётнинг ҳамма соҳаларида баравар ўзгариш қилиш тамойилини олға суради. Унинг фикрича, нафақат иқтисодиётни ташкил этишга ва сиёсий бошқарувга оид меъёрлар, тамойиллар, шунингдек, шахслараро, турли та-

¹ **Эрих Фромм.** Инсоннинг ҳозирги ҳолати. — «Жаҳон адабиёти» журналы, 2000 й., март, 108–109-б.

бақалар, гуруҳлараро, мамлакатлараро барча шаклдаги муносабатлар—иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, маиший ва ҳ. к. ҳам авторитар мазмун касб этмоғи лозим.

Бундай жамиятни фақат иқтисодиёт ва технологияни ривожлантириб яратиш мумкин эмас. Чунки фақат иқтисодиёт ва технология ҳақида қайғурилса, инсонни ўз айниятини йўқотиб, иқтисодиётнинг оддий мурватига айлантириб қўядиган технократик жамият қарор топиш эҳтимоли кучаяди. Шу сабабдан Фроммнинг ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгартиришга ҳаракат қилиш тамойили рационал мағизга эга. Ҳақиқатан, қонунчилик базаси ва ҳуқуқий кафолатларни яратмасдан, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин эмас. Ўз навбатида ҳуқуқий ислоҳотлар давлат қурилишида ислоҳотлар ўтказилишини, жамият демократлаштирилишини талаб қилади.

Иқтисодий ислоҳотлар, янги технологияларга ишлаб чиқариш корхоналарининг ўтказилиши, модернизация қилиниши эса кадрлар тайёрлаш тизими ислоҳини тақозо этади ва ҳ.к. Бошқача айтганда, жамият ҳаёти ўзаро чамбарчас боғланган яхлит, бус-бутун тизим, ўзига хос ижтимоий организм.

Шу боис Ўзбекистонда туб ислоҳотларни амалга оширишда «наинки моддий фаровонликка, айти пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда»¹.

Ўз-ўзидан маълумки, ўзбек моделида иқтисодиёт ва маънавият муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бири-бирига таъсири масаласи тўғри ҳал қилинмоғи лозим. Фойда олиш иқтисодиётнинг тор хусусий мақсадидир, аммо унинг асосий ижтимоий мақсади одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, маънавий эҳтиёжлар қондирилиши учун шароит яратишдир. Иқтисодиётнинг ижтимоий вазифаси инсон учун хизмат қилиш эканлигини эса жамиятта маъна-

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., 2008, 107-б.

вият эслатиб туради. Тараққиёт моделида фақат иқтисодиётга эътибор берилса, жамиятни уйғун ривожлантириш, айнақса маънавий маданиятни юксалтириш, одамлар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлик ва ахлоқийлик асосида қуриш қийин бўлади. Моделда маънавиятга устунлик берилса, унда иқтисодий қонунларга беписанд қараш, волюнтаризмга ён босиш, иқтисодиётнинг мафкурага бўйсуниб қолиш хавфи туғилади. Собиқ социалистик мамлакатлар бундай сиёсатни ўз вақтида бошидан кечирган эдилар. Бугунги кунда у Корея Халқ Демократик Республикасида «чучхе» назариясида давом этмоқда.

Маънавият ва иқтисодиёт муносабати, ўзаро таъсири масаласида ғарб илм-фанида икки хил қарама-қарши қараш қарор топган. Биринчиси—яқин ўтмишдан бизга яхши маълум бўлган марксистик қарашлар. Тарихни материалистик тушунишга биноан, ижтимоий ҳаётда иқтисодиёт ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик меъёрлар, оморлар, эътиқод, дунёқараш, дин, урф-одатлар иқтисодий пойдевор (базис) устида вужудга келадиган қурилмадир, яъни устқурмадир. Пойдевор ўзгариши билан устқурма ҳам ўзгаради. Демак, марксизмга биноан, иқтисодиёт маънавиятга нисбатан белгиловчи омилдир. Тўғри, марксизм маънавий маданият иқтисодиётга акс таъсир, айрим ҳолларда жиддий акс таъсир кўрсатади, деб тан олади. Лекин бари бир маънавиятга иккиламчи ҳодиса—иқтисодиётнинг ҳосиласи деб қарайди.

Иккинчиси — кўпроқ атоқли немис мутафаккири Макс Вебер, қисман машҳур француз социологи Э. Дюркгейм қарашларидир. Бу қарашлар ўқувчиларга яхши маълум бўлмагани учун, у ҳақда батафсилроқ тўхташни лозим топдик.

М. Вебер қарашларига мувофиқ, маънавият жамият ҳаётида, жумладан, меҳнатга муайян муносабатлар шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Янада аниқроқ айтилса, эътиқод, ахлоқий меъёрлар ва оморлар иқтисодиёт ривожланишини белгилаган. Вебер ўз хулосаларини протестант ахлоқининг замонавий ғарбий-европача тамаддуннинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсири орқали исботлашга уринади. У ўзининг муайян зиддиятлардан холи бўлмаган «Протестант этикаси ва капитализм руҳи» асарида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари, қадрият-

лари шаклланишига протестантизмнинг, айниқса, унинг пуританий мазҳабларининг ахлоқий меъёрлари, биринчи навбатда, ҳалол ва тиришқоқ меҳнат қилиш орқали ўз аҳволини, турмушини яхшилашга интилиш лозим, деган талаби ҳамда ижтимоий ҳаётни ва турмуш тарзини, шу жумладан, ишлаб чиқаришни муттасил рационаллаштиришга қаратилган мўлжали белгиловчи таъсир кўрсатганини эътироф этади.

Протестантизмдан аввалги христианчиликдаги диний оқимлар, бошқа динлар (ислом, буддизм) одамларга камсукумлиқ, қаноат, нафс ва ҳирсни жиловлаш, камтарона турмуш кечирнишни тез-тез эслатиб келган. Протестантизм ахлоқи ҳам бу қадриятларни тарғиб этди, аммо шу билан бир қаторда шахс манфаатини ва индивидуализмни чеғараламади, балки тиришқоқ меҳнат қилиш талаби билан уларни бирлаштириб, рағбатлантирди.

Ўзидан аввалги диний эътиқодлардан—католицизм ва православиедан фарқли, протестантизм оламини, турмуш тарзини оқилона—амалий ўзгартириш мумкинлигини, бунда инсон четдан, черковдан, азиз-авлиёлардан мўъжиза кутмасдан, фақат Худога сидқидилдан эътиқод қилиб, ўз кучига, меҳнатига таяниши лозимлигини ахлоқий меъёр, ижтимоий омол даражасига кўтарди. Мартин Лютер таълимотига бориб тақаладиган (XVI аср) бу меъёрнинг, омолнинг диний жиҳатларини, протестантизмнинг турли мазҳаблари ўртасидаги ушбу масала бўйича умумийликни ва баъзи бир нозик ўзига хосликни таҳлил қилишни биз мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Фақат шуни эътироф этмоқчимизки, Мартин Лютер ва протестантизмнинг бошқа мазҳаблари асосчилари томонидан мазкур ғоя христиан динининг арконий ақидаларидан бири — туғилишидан гуноҳкор банд сифатида оламга келадиган инсон боласининг руҳини халос этиш масаласи доирасида олға сурилган ва асосланган. (Протестантизм асосчилари М. Лютер, И. Цвингли ва Ж. Кальвин капитализмнинг илк назариячиларидан бўлган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Улар руҳонийлар сифатида иқтисодиётни ислоҳ қилишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Тадбиркорликка шахсий муносабатлари эса салбий бўлган. Лекин улар яратган диний оқимнинг асосий тамойиллари

капитализм ривожланиши учун маънавий негизлардан бири бўлгани шубҳасиз.)

М. Вебер ҳалол, тиришқоқ меҳнат протестантизмда диний жасорат, «дунёвий зуҳудлик» мақоми касб этади, деб ҳисоблайди. (Вебер протестантизмнинг замонавий капиталистик хўжалик фаолияти шаклланишига эмас, балки «капитализм руҳи» шаклланишига таъсири ҳақида сўз юритади. У замонавий капиталистик хўжалик ҳеч қандай диний таълимотнинг ёрдамига муҳтож эмаслигини, аксинча, капиталистик хўжалик фаолиятига, иқтисодиётга черков аралашувининг ҳар қандай кўриниши ҳам халал беради, деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлайди. Ушбу муносабат билан ўзбек моделидаги иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозимлиги тамойилини эсланг.)

Капитализм руҳига, иқтисодий рақобатга, товар-пул ва меҳнат рақобатига католицизм ва православиега нисбатан протестантизм мосроқ эди. Шу боис протестантизм кўпроқ тарқалган жойларда капитализм нисбатан тезроқ ривожланди. Фарб мамлакатларининг тараққиёт даражасини ўзаро таққосласак, католик дини ҳукмронлик қилган Испания, Португалия, Лотин Америкаси, Польша ёки православие ҳукмронлик қилган Юнонистон, собиқ Югославия, Руминия, Россия, Болгария, Белоруссия, Украина, Молдавия каби мамлакатлар протестантизм кўпроқ тарқалган Шимолий Америка (АҚШ, Канада), Англия, Германия, Франция, Швейцария, Дания, Голландия, Бельгия, Швеция каби мамлакатлардан ижтимоий тараққиётда ҳозир ҳам анча орқада эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқоридаги мулоҳазадан христианликнинг бошқа оқимлари (католицизм, православие) ёки бошқа динлар (ислом, буддизм) меҳнатни протестантизмга нисбатан паст қадрлаган эканлар, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Барча динлар ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Ислом ҳам пешона тери билан топилган ҳалол луқма билан кун кўришни, бола-чақа боқишни ахлоқий меъёр даражасига кўтарган. Лекин улардан фарқли, протестантизм инсон ўз руҳини ибодат орқали эмас, Худога сидқидилдан эътиқод қилиш орқали халос этади, деб ҳисоблайди. Эътиқодни эса ақлнинг амалий ишига, яъни меҳнатга айлантиради. Кишининг ўз касби доирасида эришган муваффақиятига Худо томонидан унинг халос этил-

ганлар қаторига киритилганлиги белгиси, деб қарайди. Шу боис протестант учун меҳнат муваффақияти, натижаси бирдан-бир мақсадга айланади (Меҳнатни ибодатдан устун қўйишини протестантизм қўйидагича асослайди. Биринчидан, Парвардигор одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатдан ерга туширганда, уларга берган биринчи кўрсатмаси ибодат қилиш эмас, балки пешона тери билан ризқи рўзини топиш бўлган. Иккинчидан, инсон Худо томонидан белгиланган қисматини ўзгартира олмайди. Агар унинг ишлари юришса, демак, у Яратганга маъқул зотлар қаторига кирази).

(Мартин Лютердан 1,5 аср муқаддам шунга ўхшаш ғояни буюк валий Нақшбанд ҳазратлари олға сурган эди – «Дил ба ёр, даст ба қор». Минг афсуски, бу даъват ислом оламида янги ахлоқни ва меҳнатга янги муносабатни вужудга келтира олмади. Чунки, биринчидан, унинг ўзи бир мистик тариқат доирасида олға сурилган эди. Иккинчидан, тасаввуф бир оз заифлашган бўлса-да, ҳали ўз имкониятларини тўла сарфлаб улгурмаган эди. Учинчидан, балки энг асосийси, капитал концентрацияси юз бермаётган, шу боис мазкур даъватга ижтимоий-иқтисодий зарурат, шарт-шароит пишиб етилмаган эди. Қолаверса, тўртинчидан, Лютердан кейин протестантизмни кенг ёйиш ва амалиётга жорий қилишга улкан ҳисса қўшган Кальвин сингари ҳам назариётчи, ҳам ташкилотчи черков ислоҳотчилари, Томас Мюнцер, Ян Жижка каби халқ доҳийлари тарих саҳнасига чиқди. Протестантизмни қарор топтирган Реформация Европада юз йил давом этган уруш воситасида амалга оширилди. Нидерландия ва Англия инқилоблари протестантизмни янада мустақамлади.

Нақшбанддан кейин биз унинг издошлари орасида кўпроқ ғоявий-мафкуравий давомчиларни кўрамиз, амалий ислоҳотчиларни эмас. Нақшбанд даъвати меҳнатда, бунёдкорликда моддийлашган амалий эътиқодга айланмади).

Христианликнинг янги оқими сифатида тарих саҳнасига чиққан протестантизмда сўз умуман меҳнат қадри эмас, балки муайян шахснинг меҳнати қадри ҳақида, унинг манфаати (бу ерда: муваффақиятга эришиб, Худо ярлақанлар қаторига кирганлиги тўғрисида ишора олиш) жамоа манфаати соясида қолиб кетмаслиги лозимлиги ҳақида ҳам

юритилди. Протестантизм инсоннинг мавжуд ижтимоий ҳолатини меҳнат орқали ўзгартиришга монелик қилмади, балки рағбатлантирди. Бошқа динлар, диний оқимлар мавжуд ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартирмасдан, фақат такомиллаштиришга инсонни ундаган бўлса, протестантизм уларни жиддий ислоҳ қилишга, янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, янги диний-ахлоқий муносабатларни қарор топтиришга ундаган эди. (Энг қадимги динлардан бўлмиш индуизм ҳатто жамиятда қайси табақа (каста) меҳнатнинг қайси турлари билан шуғулланиши мумкинлигини қатъий қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйган. Унга бинноан, юқори каста вакиллари қўйи каста вакиллари бажарадиган ишлар билан шуғулланишлари мумкин эмас ва аксинча.)

Европада ҳам юқори табақа вакиллари қўйи табақа вакиллари шуғулланадиган ишлардан ҳазар қилар, қўйи табақа вакилларига баъзи бир зодагонларга тегишли касблар эшиги ёпилган эди. Протестантизм касбларнинг нотенглигини ва бу билан боғлиқ касбий имтиёзларни мафкуравий жиҳатдан бекор қилди. Лютер ғоясини Вебер қуйидагича ифодалайди: «Дунёвий мажбуриятларни (яъни бу дунёнинг мажбуриятларини —А. Э.) бажариш ҳар қандай шароитда ҳам Худога маъқул бўлишнинг бирдан-бир воситасидир, мана шу—фақат шугина илоҳий ироданинг кўрсатмасидир ва шу боис барча руҳсат этилган касблар Худо олдида тенгдир»¹. Меҳнатга бундай муносабат билан протестантизм Европада феодализм бағрида ўсиб, кундан-кун ривожланиб бораётган капиталистик муносабатларга, янги тузумга йўл очганди. Шу сабабли протестантизмни қарор топтирган Реформация нафақат диний ислоҳлар ҳаракати эди, у, шунингдек, янги иқтисодий тузум, янги ишлаб чиқариш муносабатлари учун кураш ҳаракати ҳам эди.

Адолат юзасидан айтиш лозимки, Вебернинг ўзи Реформацияни диний ислоҳотлар учун кураш доирасидан чиқадиган ҳодиса, айниқса, капиталистик муносабатлар учун кураш, деб қарамайди.

¹ М. Вебер. Избранные произведения. М., «Прогресс», 1990 й., 98-б.

Вебер капитализм ҳўжалик системаси сифатида Реформация маҳсули эмас, деб ҳисоблайди. Бу тўғри фикр. Хўжалик системаси, одатда, қарор топган иқтисодий муносабатлар (алмашув, тақсимот, хўжалик ҳуқуқи) ва ишлаб чиқариш технологиясининг эришилган даражасидан ташкил топади.

Лекин Реформация ўз олдига черковни ислоҳ қилиш, протестантизмни қарор топтиришни мақсад қилиб қўйган экан, унинг доҳийларининг субъектив хоҳишидан қатъи назар, у янги ижтимоий муносабатларга, янги тарихий заруратга ҳам объектив равишда йўл очган эди. Протестант этикаси—ахлоқий меъёрларнинг «капитализм руҳи»ни вужудга келишидаги аҳамиятини Вебернинг ўзи ажойиб тарзда кўрсатиб беради.

Реформация Европанинг қатор мамлакатларида ғалаба қозонмаса, капитализм ҳам вужудга келмас эди, деб дадил айтиш мумкин. Аслини олганда Европа мамлакатлари орасида XIV асрда илк капитализм куртаклари яққол кўзга ташланиб қолган жой Италия эди. Айниқса Флоренция, Венеция, Неаполь, Генуя каби князликларда ички товар алмашуви, шарқ ва шимол мамлакатлари билан савдо-сотик яхши йўлга қўйилгани сабабли товар ва пул айланмаси тезлашуви, банкларнинг вужудга келиши, ёлланма меҳнатнинг кенг қўлланилиши илк капиталистик муносабатларни юзага келтирган эди. Ғарб Ренессанси (Уйғониш даври) ҳам айнан Италияда бошлангани бежиз эмас. Аммо Италияда Реформация ҳаракати ривожланмади. Католик черков ўз мавқеини сақлаб қолди. Шу боис Италия князликлари XVII асрга келиб XIV—XVI аср биринчи ярмидаги тараққиёт тенденцияларини сақлаб қололмади. XVI аср иккинчи ярмида Венециядан бошқалари ҳатто ўз мустақиллигидан айрилди. Бу бизнинг халқимиз бошидан кечирган теуурийлар давридаги иқтисодий ва маданий ўсишнинг кейинги асрларда таназзулга юз тутиши, орқага кетиш билан алмашганига анча ўхшаб кетади.

XVI—XVII асрнинг биринчи ярмида дунёни «иккига бўлиб олган», кўплаб мамлакатларни мустамлакага айлантирган католик Испания ва Португалия ҳам XVII асрнинг иккинчи ярмида ортга кетди, капиталистик муносабат-

ларга кенг йўл очолмади. Ваҳоланки, XVI асрда уларда бундай объектив имконият Англия ва Францияга нисбатан кўпроқ эди.

Бошқа бир мисол: Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари—Лотин Америкаси давлатлари XIX асрда мустақилликларини қўлга киритдилар. Лекин ҳалигача тараққиётда илгарилаб кетгани йўқ. Уларни Англиянинг собиқ мустамлакалари АҚШ, Канада ёки Гонконг билан таққослаш мутлақо мумкин эмас.

Ушбу мисоллар ҳам католицизм ва протестантизм ахлоқий меъёрларининг меҳнатга, иқтисодий заруратнинг юзага чиқишига таъсир кўрсатишига жонли мисолдир.

Протестантизм бошқа динлардан мистикани тўла инкор этиши билан ажралиб туради. Протестантизмнинг турли йўналишлари, биринчи навбатда пуританий мазҳаблари, айниқса, кальвинизм қатъий интизомга риоя қилади. Улар нафақат ҳар қандай дабдабозликни, ортиқча қулайликларни, ҳаёт лаззатларини кишини Худодан чалғитади деб, инкор қилиш билан, шунингдек, умуман ортиқча ҳиссиётни (диний ҳиссиётни ҳам, жазавани, мутаассибликни ҳам) тан олмаслиги билан ажралиб туради. Шу боис протестантизм шахс ва жамият ҳаётини, ишлаб чиқаришни, ижтимоий муносабатларни рационализм—оқилоналик асосида қуришга ундайди. Кези келганда айтиб кетиш лозимки, ҳиссиётни инкор қилишни пуританий мазҳаблар фақат ёлғиз Худога сажда қилиш лозим, ундан ўзгага ва қўлдан яратилган нарсаларга сиғиниш гуноҳи азим, деган ақида билан бирлаштириб, ҳар қандай шахсга сиғинишни, авторитаризмни инкор этди. Ушбу маънода бугунги ғарб сиёсий маданияти асослари шаклланишига ҳам протестантизм маълум ҳисса қўшган.

Ф. Энгельс пуританий талабларни «буржуа тежамкорлиги», деб баҳолайди. Марксизмга мувофиқ, мафкуравий, жумладан, диний меъёрлар ва тамойиллар иқтисодий заруратнинг ўзига хос реал ёки фантастик тарзда ижтимоий онгда акс этишидан бошқа нарса эмас. Шу боис К. Маркс ва Ф. Энгельс протестантизмнинг ўзини ҳам, унинг асосий меъёрлари ва ахлоқий талабларини ҳам диалектик «нозик» мушоҳадалар ёрдамида бевосита ёки билвосита шаклланаётган капитализм заруратидан келтириб чиқардилар.

Лекин «тежамкорлик» талаблари христианликнинг ўзида илк ўрта асрларда, ҳатто антик ва ундан кейинги даврларда (V асргача), шунингдек, бошқа динларда ҳам мудом мавжуд бўлганини ҳисобга олсак, улар XVI–XVII асрдаги ижтимоий борлиқнинг, яъни шаклланаётган капиталистик муносабатларнинг маҳсули эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Аини пайтда протестантизм (пуританий мазҳаблари) талаблари ва илк капитализм туғдирган зарурат ўзаро мос келиб қолганлигини эътироф этиш лозим. Илк капитализм протестантизмда ўзи учун гоъвий-мафкуравий таянч топди. Протестантизм эса илк капитализм орқали ўзининг моддий-ижтимоий асосларини кенгайтirdи ва оқибатда жамиятда барқарор мустаҳкам мавқе эгаллади.

Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсири тўғрисида Маркс ва Вебер хулосаларини онтологик нуқтаи назардан ўзаро қарама-қарши материалистик (Маркс) ва идеалистик (Вебер) хулосалардир, дейиш мумкин. Айниқса, Маркс хулосалари масалага асосан онтологик ёндашувнинг натижасидир.

Лекин, назаримизда, масалага онтологик эмас, балки кўпроқ функционал нуқтаи назардан (яъни ижтимоий ҳодисаларнинг фаолият кўрсатиши ва муайян вазифаларни бажаришидан келиб чиқиб) ёндашиш самарадорроққа ўхшайди (Вебер мулоҳазаларида бу ёндашув кўпроқ ўз аксини топган). Агар шундай қилинса, иқтисодий омиллар белгиловчи роль ўйнайдими ёки маънавият, деган маълум даражадаги схоластик саволларга ўрин қолмайди. Чунки функционал ёндашув учун онтология олдидаги бош масала сифатида турган моддийлик бирламчими ёки маънавийлик, қайсиси белгиловчи, деган саволлар иккинчи даражалидир.

Вебер мазкур асарини қуйидаги фикр билан тугатгани диққатга сазовордир: «Бу бизнинг маданият ва тарих соҳасидаги сабабий алоқаларнинг бир томонлама руҳоний сабабият талқини билан алмаштириш ниятида эканлигимизни билдирмайди. Униси ҳам, буниси ҳам тенг даражада қўлланилиши мумкин, бироқ агар улар тадқиқотнинг дастлабки шarti бўлиб эмас, балки хулоса босқичи бўлиб

хизмат қилса, иккаласининг ҳам тарихий ҳақиқатни аниқлашга ёрдами кам тегади»¹.

Агар маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсирини функционал ёндашувдан келиб чиқиб таҳлил этсак, улар анча мураккаб ва ранг-баранг, ҳар бир муайян ҳолатда ҳар хил эканлигининг, умуман олганда, уларнинг ўзаро таъсири бир-бириникидан кам эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Меҳнат билан ахлоқ туташмаса, иқтисодий муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқариш ўсгани билан, инсоний муносабатлар таназзулга учрайди, бегоналашиш кучаяди. Бу, оқибат натижада, ижтимоий-иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш бўлмаса, халқ турмуш фаровонлиги юксалмаса, маънавиятнинг кўп соҳалари ҳам ривожланмайди: халқ таълими, санъат, оммавий ахборот воситалари, матбаачилик, илм-фаннинг моддий базаси ночор аҳволга тушиб қолади, жамиятнинг ижодий изланишлари сусаяди. Турли шакллардаги мафкуравий муросасизлик, мутаассиблик тарқалиши учун имкониятлар пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожланиши учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради, чунки иқтисодиётнинг янги технологияларга, янги ғояларга бўлган эҳтиёжлари етарлича қондирилмайди. Иқтисодий тафаккур давр талабидан ортда қола бошлайди. Инсонпарварлик, ҳалоллик етарлича ҳисобга олинмаган жойда иш берувчи билан ишга ёлланувчи ўртасида ижтимоий ҳамкорлик эмас, қарма-қаршилиқ вужудга келади.

Шу боис ўзбек модели устувор йўналиш сифатида иқтисодиёт билан тенг равишда маънавиятни ҳам тан олади, уларни уйғунлаштиришга уринади.

Маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири, юқорида таъкидланганидек, биринчи галда жамиятда меҳнатга муносабат қандайлигида намоён бўлади. Меҳнат қадриятлар тизимида қандай ўрин тутаяди, у қай даражада эркин? Жамиятнинг турли қатламлари орасида меҳнат қилишга, унинг муайян турларига (касбларга) интилиш қандай?

¹ М. Вебер. Ўша асар, 208-б.

Меҳнатнинг рағбатлантирилиши (меҳнатга ҳақ тўлашнинг) меъёрлари қай даражада адолатли? Меҳнатнинг, ишлаб чиқаришнинг ўзи рационал ташкил этилганми, доимий, муттасил такомиллашиб боришга, янги технологияларни қабул қилишга унда ички рағбат, интилиш борми? Шу каби ва бошқа саволларга жавоб жамиятда муайян тарзда шаклланган қадриятлар мезонидан, меҳнатга муносабатдан, умуман дунёқарашдан келиб чиқади.

Иккинчидан, маънавиятнинг иқтисодийга таъсири халқ ҳўжалигининг қандай фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Масалан, товар-пул муносабатларининг, кредит ва солиқ тизимларининг, бозор инфратузилмаларининг ривожланиши кўп жиҳатдан мазкур соҳалардаги эҳтиёжларнинг англаб олинишига ва уларни қондириш учун шарт-шароит яратишга, яъни жамиятда шаклланган иқтисодий тафаккурга, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга боғлиқ. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, хайрихоҳлик, қатъий ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга асосланиши ҳам маънавиятга боғлиқ. Меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатлари, совет давридагидек, иррационал ташкил этилса, ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодий илмий-техника ютуқларига, янгиланишга очиқ бўлмайди, турғунликка юз тутади. Унга ҳар қандай янгилик мажбурий, зўравонлик асосида жорий этилади, аммо, бари бир, қутилган самарани бермайди.

Бошқача айтганда, маънавият иқтисодийнинг ривожланишига, унинг қайишқоқлик ёки инертлик даражасига, янгиликларга ва янгиланишга очиқлик даражасига таъсир кўрсатади. Маънавиятнинг меъёрий—баҳолаш хусусияти иқтисодий кун тартибига қўйган талабларни бажаришга ёки уларга нисбатан жамиятни бепарво бўлишга ундайди. Биринчи ҳолатда иқтисодий ва маданият яхши суръатларда ривожланади. Иккинчи ҳолатда эса жамият турғунликка юз тутади, бу маънавиятнинг меъёрлаш — баҳолаш тизими ўзгармагунча асрлар бўйлаб давом этиши мумкин. Шарқда бир неча асрлар давомида мафкура иқтисодий заруратни инкор қилган, айниқса, бу Хитой ва Ҳиндистонда узоқ давом этган. Ислом мамлакатларида ҳам IX—XII асрларда товар-пул муносабатлари, савдо-сотиқ

ривожланиши, жамиятда ижтимоий сафарбарлик ва янгиликларга интилиш юқори даражада бўлгани, жамиятда ўта кескин ижтимоий-синфий зўравонлик ва қарамликнинг (крепостной қарамлик каби) йўқлиги, ёлланма меҳнатнинг анча ривожланганлиги илк капиталистик муносабатлар вужудга келиши ва ривожланиши учун объектив иқтисодий шарт-шароит ва зарурат яратган эди. Лекин турли сабабларга кўра (улар орасида иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий сабаблар бор), оилавий ташкиллашиш доирасини ёриб чиққан, мустақил, «объективлашган», рационал асосга қурилган ишлаб чиқариш корхонаси ва капиталнинг илк жамғарилиши, илк капиталистик бозор инфратузилмаси (молия-кредит, банк тизими ва ш. к.) вужудга келмади. Жамиятнинг мафкураси, маънавияти объектив иқтисодий заруратни инкор этди, уни юзага чиқармаслик учун очиқчасига курашди (рибоъ, тавдилия каби тамойилларни эсланг).

Совет даврида ҳам меҳнатга муносабат анча салбий мазмун касб этди, ҳалол ва сифатли меҳнатнинг қадри тушиб кетди. Чунки у етарлича рағбатлантирилмади, одамлар меҳнатига яраша ҳақ ололмади. Иқтисодий ва сиёсий зўравонликка асосланган «совет модели» қатағонлар барҳам топиб, нисбатан зўравонлик камайган сайин самарасини пасайтира бошлади, оқибатда инқирозга юз тутди. Иқтисодиётни интенсифлаштириш рўй бермади.

Мустақиллик шароитида биз меҳнатга бутунлай янги-ча муносабатни шакллантиришимиз лозим. Инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг субъекти сифатида тараққиёт моделининг асосий ижодкори, ҳаракатлантирувчи кучидир. Биз дунёқарашимизда баҳолар, қадриятлар мезонида ижодга, меҳнатга янги муносабатни шакллантирсак, яъни боқимандаликни ва текисчиликни инкор қилсак, шахснинг ижодий интилишлари ва тадбиркорлигини рағбатлантиришни, шахс билан ҳисоблашишни ўргансак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси фақат меҳнат орқалигина ўзлигини, ўз имкониятларини воқе қила олишига амин бўлса, ўзбек моделининг салоҳияти янада ортади. Шахснинг моддий манфаати жамоа ва жамият манфаати билан уйғунлаштирилмас экан, ўзбек

модели истиқболсиз бўлиб қолаверади. У қанчалик ички тузилиши жиҳатдан мутаносиб бўлмасин, қанчалик фан-техника ютуқларига, янгиликларга очиқ, илғор тамойилларга таянмасин, шахс манфаатлари амалда ҳисобга олинмаса, у реал эмас, балки формал хусусият касб этади ва воқе бўлмайди.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари шахс манфаатларини тўла таъминлашда ҳар хил тўсиқлар ҳосил этмоқда. Бу борада халқ хўжалиги турли бўғинларидаги раҳбар ва мутахассисларда янгича иқтисодий тафаккур етишмаслиги ва амалий тажриба камлиги панд бермоқда. Натижада ўзбек модели ўз салоҳиятини тўла юзага чиқара олмаяпти.

Шу боис шахснинг реал даромадларини йилдан-йил ошириб бориш лозим. Инвестициялар учун маблағ топиш, капитални жамғариш баҳонасида шахс манфаатлари етарлича таъминланмас экан, эртанги кунда меҳнатга тўғри муносабат шаклланмайди. «Яширин иқтисодиёт» улуши халқ хўжалигида ўсиб бораверади. Ҳалол ва очиқ ишлаш орқали ўз аҳволларини яхшилашлари мумкинлигига ишонмайдиган одамлар сони ҳам кўпаяди ва улар «яширин иқтисодиётга» қўшилиб кетадилар. Энди биз шахс манфаатини, интилишларини жамоа ва жамият манфаатига қарши қўймасдан, уни юксак баҳолашни ўрганишимиз, одамларнинг меҳнатдан, унинг оқибат натижаларидан манфаатдорлигини муттасил ошириб боришимиз лозим.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида меҳнат бозори вужудга келяпти. Меҳнат бозори ишчи-мутахассисларнинг ўртасида рақобат пайдо бўлишини, ишчи ва мутахассисларга, уларнинг малакасига нисбатан эҳтиёж бозорнинг таклиф ва талаб қонуниятига бўйсуншини билдиради. Меҳнаткашлар, жамият аъзолари шунга тайёр бўлишлари керак. Меҳнат бозори иқтисодиётдаги ўзгаришлар туфайли нисбатан тезроқ шаклланади, аммо аҳолининг психологияси, меҳнат бозорига, рақобатга муносабати, касб малакаси анча секин ўзгаради, объектив ўзгаришлардан бир оз ортда қолади.

Демак, ўзбек модели имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун таълим-тарбия ва маънавий-маърифий

ишларда меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш, ёшлар орасида касб танлашга эътиборни кучайтириш билан бир қаторда меҳнат бозори талабларига мосланувчанликни ҳам тарбиялаш лозим.

Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларнинг ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими билан 2009–2010 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ қамраб олиниши, уларга касб ўрганиши учун давлат бош ислохотчи ва асосий инвестор сифатида қафолатланган имконият яратиши—бу, бир томондан, шаклланаётган меҳнат бозори талабларини ҳисобга олиш бўлса, иккинчи томондан, меҳнат бозорига ўзбек моделининг таъсир кўрсатишидир.

Кадрлар тайёрлашнинг бундай кенг қамровли миллий дастури жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатада йўқ. Бу ҳам ўзбек моделининг миллий хусусиятларидан ва таркибий унсурларидан биридир.

Аммо ўз иқтидори, қобилияти ва қизиқишини рўёбга чиқариш учун тўғри касб танлаш муаммосини, қайси коллежга бориб ўқишни ёш йигит ва қизнинг ўзи эркин ҳал қилади. Айниқса, қиз болалар қишлоғидаги ёки унга яқин жойдаги коллежга кириб, ўзларига ёқмаган касбни эгаллашлари, кейин лоқайд, ижтимоий пассивлик ҳолатига тушиб, меҳнат бозорида четга сурилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Шу боис ёшлар ўртасида касбга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш керак. Ўзбек модели малакали ва ташаббускор ишчи ва мутахассисларга ҳар бир касб бўйича қанча эҳтиёж тушса, шунча қондириш имкониятига эга бўлиши, бунинг учун меҳнат бозорида рақобат, талаб ва таклиф етарлича ва холисона ўрганилиши лозим. Ижтимоий муҳофазалаш тамойилини нотўғри талқин қилиб, меҳнат бозори, рақобат йўлига сунъий тўсиқ қўйиш мумкин эмас. Бу давлатга ҳам, жамиятга ҳам жуда қимматга тушади. Энг аввало катта моддий ресурслардан самарасиз фойдаланишга, боқимандаликнинг узоқроқ сақланишига олиб келади, салбий характердаги қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Меҳнат бозори бевосита ишлаб чиқариш технологияси ва касб малакаси ўсишига таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик керак.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданиятининг юксалиши, сифатининг ошиши фақат иқтисодий рақо-

баттагина боғлиқ эмас, гарчи иқтисодий рақобат мазкур борада гоят катта роль ўйнаса-да. У ишчи ва хизматчининг ўз касбини севиши, ундан фахрланиши, касб этикасига қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ. Қолаверса, жамиятда одамлар ўртасидаги умумий муносабатларнинг қай даражада маданийлиги, ўзаро хайрихоҳликка асосланиши, умумий маънавий-маданий муҳит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданиятига бевосита таъсир қилади.

Ўзбек моделида маънавиятга кенг ўрин ажратилишини тақозо этувчи заруратлардан бири жамиятнинг иқтисодий тафаккурини ислоҳотлар талабига мослаштириш орқали бозор муносабатлари, бозор инфратузилмаси ривожланишини тезлаштиришдир.

Сир эмас, молия-кредит ва банк тизими фаолияти замон талабларидан ҳали ортда, консалтинг ва лизинг, сугурта ва траст компаниялари, турли-туман шартномавий институтлар тармоғи ҳам жуда секин кенгаймоқда, борлари ҳам кўнгилдагидек ишламаяпти. Бунинг сабаблари кўп, шулардан бири жамият иқтисодий тафаккурининг яхши ривожланмагани, иқтисодий зарурат тўла англаб олинмаганлиги, англаб олинганда ҳам ўзибўларчилик муносабатларининг ижтимоий онгда кучлилиги, бирор иш-кал чиқиб қолмасин қабилдаги кўрқувнинг ташаббусни бўғишидир. Бинобарин, янгича дунёқараш, эркин иқтисодий тафаккур ва эркин иқтисодий муносабатлар бизга сув билан ҳаводек зарур. Хўжалик юритиш фаолияти, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ва ҳ. к. ҳаммаси фойда олишга қаратилган. Фойда иқтисодиётнинг асосий мақсади, бинобарин, асосий тушунчаси ҳамдир. Унга пировардида рентабеллик, таннарх, даромад каби тушунчалар бўйсунди. Лекин фойда кетидан қувиш азалий ахлоқий муаммони кўндаланг қилиб қўяди: мақсад воситани оқлайдими? Фойда олишга интилиб, мулкдор ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашда адолат мезонига қандай ва қанчалик риоя қилиши лозим?

Давлат қонун йўли билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий минимал меъёрини белгилайди. Аммо ҳар бир муайян корхонада меҳнат қилиш ва технологик шароит, ишчи ва хизматчиларга яратилган қулайликлар, ички тартиб-интизом, ундаги меҳнатнинг интенсивлиги ҳар хил. Демак, ҳар

бир корхонада олинаётган даромадларни, сарфланаётган харажатларни, шу жумладан, ишчи ва хизматчиларнинг жисмонан ва психологик, касбий ва малакавий куч-гайрат сарфлашини, иш ўрнидаги мавжуд қулайликларни, ижтимоий суғурталаниш ва ҳимояланишни алоҳида ҳисобга олиб, иш ҳақи тўлаш лозим. Доимо текисчилик шароитида меҳнат қилиб, ҳақ олишга ўрганиб қолган жамият учун бу осон эмас. Бунга на ишга ёлловчи, на ёлланувчи, на ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилувчи турли жамоат ташкилотлари, айтайлик, касаба уюшмалари етарлича тайёр эмас.

Меҳнатни муносиб баҳолаб, моддий рағбатлантириш ва бу орқали умуман иқтисодийнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш бевосита иқтисодий тафаккурга боғлиқ. Аҳолининг товар ва хизматларни харид эта олиш қобилияти қанчалик юксак бўлса (бу унинг ойлик маоши ва бошқа даромадидан келиб чиқади), жамиятда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари шунчалик яхши ривожланади, иқтисодий юксалиш рўй беради. Аксинча, аҳолининг асосий даромади кунини ўтказишга зўрға етса, у ортиқча истеъмол буюмлари харид қилмайди, турли хизматлардан минимал даражада фойдаланади. Бу эса бозорда талаб пасайиб кетишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кенгайиш ўрнига, торайиб қолишига олиб келади. Ишчи ва хизматчиларга кам маош тўлаш дастлаб мулкдор учун (давлат, хусусий шахс, жамоавий мулкдор) фойдали бўлсада, оқибат-натигада зарарлидир. Чунки ишлаб чиқариш, умуман иқтисодий ўсмай, ривожланмай қолади. Турғунлик эса эртами-кечми инқирозни келтириб чиқаради. Мана шуни раҳбарлар ҳам, тadbиркорлар ҳам унутмасликлари керак. Шу боис ўзбек модели ўз имкониятларини тўлароқ юзага чиқариши учун меҳнатни муносиб тақдирлашга биринчи даражали эътибор қаратилиши шарт. Меҳнатни оптимал рағбатлантириш нафақат иқтисодий ва ҳуқуқий, шунингдек, ахлоқий меъёрлар даражасига кўтарилиши, виждон амрига, адолат ва инсофнинг одатий талабига айланиши лозим.

Лекин меҳнатни моддий рағбатлантириш ўз-ўзидан меҳнат унумдорлиги ўсишини, меҳнатга муносабат ўзгаришини белгиламаслигини юқорида айтган эдик. Моддий

рағбат иқтисодий анъанавийлик доирасида ўзининг турмушидан мудом қаноат ҳосил қилиб, эҳтиёжлари юксалмайдиган, камсуқумликка ўрганиб қолган кишида ҳатто иш унуми пасайишига олиб келиши мумкин.

Макс Вебер куйидаги мисолни келтиради: ўрилган 1 морген (0,25—0,33 гектарга тенг майдон) учун 1 марка ҳақ оладиган ўроқчи кунига 2,5 морген ўради ва 2,5 марка ҳақ олади. Хўжайин ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йиғиб олиш мақсадида 1 моргенга 1 марка эмас, 1,25 марка ҳақ белгилайди ва унумдорлик 3 моргенгача ўсишига умид қилади. Лекин анъанавийлик доирасида тарбия топган ўроқчи кўпроқ пул ишлаб қолиш имкониятидан фойдаланиш ўрнига, доимий 2,5 маркалик иш қилаверади: энди 2,5 морген ўрнига 2 морген ўра бошлайди. Анъанавийликка мойил тарбия таъсирида шаклланган меҳнатга муносабат ва турмуш тарзида моддий рағбат биринчи ўринда турмайди. Чунки инсон эҳтиёжлари турғунлик касб этади. Ўроқчи ва унинг рўзғори бир маромда турмуш кечиришга, ўз эҳтиёжларини ўртача топадиган даромадига мослаштиришга ўрганиб қолган. «Келтирилган мисол биз «анъанавийчилик» (традиционализм) деб атайдиган тафаккур тарзининг ифодаси бўлиб хизмат қилиши мумкин»¹, — дейди Вебер.

Юқоридагидан мантиқан ўроқчи меҳнат унумдорлигини ошириши учун иш ҳақини бир оз камайтириш керак экан-да, деган хулоса келиб чиқадигандек туюлади. Капитализм ўз ривожланиш жараёнида меҳнатни интенсивлаштириш учун кўп усулларни, жумладан, ҳақ тўлашни бир оз пасайтиришни ҳам синаб кўрган. Лекин бундай усул оқибатда самара бермаган, норозиликни келтириб чиқарган.

Вебер фикрича, инсонда ривожланган масъулият туйғуси билан бир қаторда шундай тафаккур тарзи қарор топиши зарурки, унинг учун меҳнат бирдан-бир мутлақ мақсадга, «даъватга» айлансин. «Меҳнатга бундай муносабат эса инсон табиатининг хоссаси эмас, — эътироф этади Вебер. — У бажарилган ишга кўп ёки оз ҳақ тўлашнинг бевосита натижаси сифатида вужудга келмайди; бундай интилиш узоқ давом этган тарбия жараёнининг натижа-

¹ М. Вебер. Избранные произведения. М., «Прогресс», 1990 й., 81-б.

сида вужудга келади»¹. Протестант оиласида тарбия топган кишига гўдаклигиданоқ, меҳнат Яратган томонидан сенга ато қилинган иқтидор ва олдинга қўйилган бирдан-бир мақсад, қанча яхши ва ҳалол ишласанг, Яратганга шунча маъқул бўласан, қабилидаги ғоялар сингдирилган. Католик оилада меҳнат «даъват» ва «бирдан-бир мақсад», руҳни халос этишда ибодат ўрнини боса оладиган омил мақомига кўтарилмаган. (Немисчада *Biguf* сўзи ишлатилган. Рус тилига у «призвание» деб ўгирилган. Аслида *Biguf* икки маънони англатади: касб (иқтидор) ва чақириқ (чорлаш, даъват). Дастлаб — сенга Худо томонидан берилган топшириқ, мажбурият ва унинг сенга даъвати — деган мазмунни ҳам англатган. Вебер таъкидлашича, протестантизмдан ташқари диний оқимларда ва динларда бу тушунчага айнан мос тушунча йўқ. Ҳатто, шаклан бир хил сўз бўлганда ҳам, сал бошқачароқ тушунилади.) Протестантизм шароитида тарбия топган, меҳнатга Худо томонидан юклатилган мажбурият ва халос бўлиш омили, танлаган касбга эса Худо унга ато этган иқтидор ва кўнгилга солган даъват деб қарайдиган кишида иш унумдорлигини оширишга доимий ички маънавий рағбат бўлган. У моддий рағбат билан қўшилса, жуда катта амалий натижаларга олиб келган.

Демак, бизда ҳам меҳнатга янгича муносабатни шакллантириш учун уни фақат муносиб тақдирлашнинг ўзи етарли эмас, шунингдек, янгича дунёқарашни қарор топтириш лозим. Аммо меҳнатни муносиб тақдирламаслик ҳам хавфли. Ҳалол меҳнат туфайли яхши турмуш кечирини, жамоада иззат-эътиборли бўлиш мумкинлиги тўғрисидаги тарбия жараёнида ҳосил қилган тасаввурлари, умидлари ҳаётда оқланмаган кишининг ишдан қўли совийди, унда аста-секин меҳнатга лоқайдлик, дангасалик шаклланади.

Шу боис ўзбек модели маънавиятга, хусусан, меҳнат тарбиясига жуда катта эътибор беришни ва айни пайтда тарбия ишлари моддий рағбатлантириш билан мустаҳкамланишни тақозо этади.

¹ М. Вебер. Избранные произведения. М., «Прогресс», 1990 й., 82-б.

Тараққиёт модели учун яна бир масала жуда муҳимдир — бу корхона эгасининг (у давлат бўладими, жамоа ёки хусусий шахс бўладими, қатъи назар) ишчи ва хизматчилар билан муносабати адолатга, ижтимоий ҳамкорликка ёки эксплуатацияга, адоватга асосланишидир. Айнан адолат масаласи тижоратчи ва харидор, ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ва истеъмолчи муносабатларига ҳам бевосита тааллуқли. Корхона эгаси фойда олиш учун инсонпарварлик талабларига унчалик мос келмайдиган, ҳатто очикчасига зид бўлган воситаларни танлаши, табиатга ҳам зарар етказиши мумкин. Бунга жамиятнинг қай даражада бефарқ қараши ёки унинг фаолиятини чеклаши, тақиқлаши нафақат мавжуд қонунларга, шунингдек, ахлоқ меъёрларига, қарор топган маънавий муҳитга, фуқароларнинг онглилик даражасига, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олишларига, ижтимоий фаоллигига ҳам боғлиқ. Ўз навбатида ушбу масалаларнинг қандай ечилиши тараққиёт моделининг самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Фойда олишга қаратилган умумиқтисодий фаолият ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муайян хатти-ҳаракатлар табиатга, жамиятга, ўзгаларнинг манфаатларига, ишига, онгига, қизиқишларига, умуман турмуш тарзига у ёки бу даражада таъсир қилади. Масаланинг экологик ва иқтисодий жиҳатлари устида тўхталиб ўтирмайлик. Ҳатто дам олиш, кўча-кўйда сайр қилаётган пайтингизда, газета, журналлар ўқиётганингизда ёки телекўрсатувларни томоша қилаётган пайтингизда турли товарлар ва хизмат турларининг рекламасига дуч келасиз. Сиз ёқтирган, истаган ахборот билан бир қаторда сизга «қўшимча» тикиштириладиган ахборотдан ҳам «баҳраманд» бўлишга мажбурсиз. Рекламанинг маданий савияси, ахлоқ талабларига мазмунан қанчалик мослиги, уни тарқатиш воситаларининг маъқул ёки номаъқуллиги нафақат юридик, шунингдек, ахлоқий ва эстетик меъёрлар билан ҳам тартибга солинади. Яъни реклама қонунларни бузмасдан, жамиятнинг дидига, ахлоқий талабларига мослашиши шарт. Лекин амалда ахлоқий ва эстетик талаблар доим ҳам ҳисобга олинавермайди.

Ғарб мамлакатлари тажрибасидан маълумки, бозор

муносабатлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойда кетидан қувиши аҳолининг кенг қатламларида истеъмолчилик психологиясини ривожлантирмоқда. Бунинг учун ҳатто «тажовузкор» реклама орқали одамларнинг онгига таъсир кўрсатилмоқда, дунёқараши қисман бошқарилмоқда. Ҳамма нарса, ҳатто одамларнинг ўзаро таниш-билишчилиги ҳам истеъмол товарига, маълум бир ҳолатларини чиқариш воситасига айланмоқда. Бу, табиийки, жамият маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли-туман реклама ахбороти одамларнинг фаол онгидан мумтоз адабиёт, санъат ва илм-фан берган билимларни онгнинг нофаол қатламига сиқиб чиқармоқда. Француз социологи А. Моль куйидагиларни эътироф этганди: «Бугун оддий ишчи ақлини «тўлдиришда» унинг метро афишасида ўқигани, радиодан эшитгани, кино ёки телевизорда кўргани, ишга боришда йўлда газетада ўқиб олгани ёки ҳамкасабалари ва қўниқўшниларида эшитгани кўпроқ роль ўйнайди; мактабдан эса фақат яримунут бўлган тушунчалар тутуни қолади, холос»¹. Далил ва мулоҳазаларни жамлаб, Моль шундай хулосага келади: «бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали шаклланади»². Моль фикрлари бир оз кескин, анча бўрттирилган бўлишига қарамасдан, маълум даражада тўғри, ҳаётдаги мавжуд тенденцияни акс эттиради.

Реклама усуллариининг ва истеъмолчилик психологиясининг Ғарбда оммавий маданиятни ниқоб қилиб олган «контркультура»—аксилмаданият деб аталмиш ҳодисаларининг вужудга келишида маълум роли бор. («Аксилмаданият»—инсонга қарши турли зўравонликларни, фаҳшни, қотилликни, қўрқув ва даҳшатни, инсоннинг ҳайвоний ҳирсларини, тубанлашишини тараннум этиш, жамиятдаги ахлоқий ва эстетик меъёрларни инкор қилиш ва ҳ. к.

Аксилмаданият нафақат ғарб санъатида, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам баъзан кўриниб қолади. Масалан, инсонга ва жамиятга қарши қаратилган «қора жодугарлик», «шайтоний мазҳаблар» каби

^{1, 2} А. Моль. Социодинамика культуры. М., «Прогресс», 1973 й., 45-б.

яширин уюшмалар фаолияти бунга мисолдир. Қисман Ғарб ёшларининг жамиятдаги меъёрларга қарши эътирозларини ифодаловчи айрим ҳаракатларида—XX асрнинг 60-йилларида хиппи, 70–80-йилларида панклар—аксилмаданият унсурлари талайгина.

Аксилмаданият билан баъзи ҳақиқий юксак бадиий асар савиясида ишланган ва эзгулик тушунчаларига зид бўлмаган триллерни—даҳшатли, қўрқинчли фильмларни—чалкаштирмаслик керак).

Аксилмаданиятни туғдирган асосий сабаб, албатта, реклама ва истеъмолчилик психологияси эмас, балки маънавиятнинг инқирозидир. Аммо рекламанинг баъзи бир «ностандарт қилиқларидан», хусусан, истеъмолчининг эътиросини жунбишга келтириб, унга ҳар қандай усул билан, ҳатто мавжуд меъёрларни атайлаб инкор этиб бўлса-да, ташвиқ этаётган ғояни (товарни, хизматни) эслатиб қолиш кабилардан аксилмаданият намуна олган дейиш мумкин.

Аксилмаданият, ҳарҳолда, муайян муаммоларни туғдирса-да, ғарб ижтимоий ҳаётида кучли аҳамият касб этгани йўқ, этиши мумкин ҳам эмас. Лекин аксилмаданиятдан фарқли, ҳақиқий оммавий маданиятнинг роли ва ҳозирги замон жамиятидаги ўрни жуда катта, шу жумладан, бизда ҳам. Оммавий ахборот воситалари, аудио, видеотехниканинг ривожланиши оммавий маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Узоққа бориб ўтирмасдан, қўшиқчилик санъатини мисол келтириш мумкин. Оммавий маданият бир қаноти билан мумтоз маданиятга умумий профессионал савияси ва мазмуни билан яқинлашса, иккинчи қаноти билан кўпинча авом дидига мослашганлиги, саёзлиги ва дидининг унча баланд эмаслиги билан аксилмаданиятга жуда яқин бориб қолади. Масалан, ғарб рок эстрадасида бир пайтлар «қабристон куйлари» жанри бор эди. Унда саҳнада «мурдаларни» бурдалаш ва шу каби шизофреник қилиқлар намойиш этилади. Ушбу «жанрга» XX асрнинг 70-йилларида бутун жаҳонга машҳур эстрада юлдузларидан бири Элис Купер асос солган эди.

Оммавий маданиятга оид санъат умуман мазмунан саёз, маҳорат жиҳатидан паст экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳозирги замон оммавий санъатида шун-

дай ижрочилар ўтган ва борки, улар ўз соҳаларининг клас-сикларига айланган (масалан, Ботир Зокиров). Лекин айнан оммавий маданият ҳодисалари кўп жиҳатлари билан хизмат ва товарнинг ўзига хос турига айланмоқда. Ушбу маънода рекламанинг ўзи ҳам оммавий маданиятнинг бир туридир. Оммавий маданиятнинг кенг кўламда тарқалиши ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва истеъмолчилик психологияси ривожланиши билан боғлиқ. Бу ҳозирги замон иқтисодиётининг маънавиятга таъсиридир.

Умуман ҳозирги замоннинг глобаллушув тенденцияси, илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқариши ва иқтисодиёти ижтимоий ҳаётни ва турмуш тарзини «стандартлаштирмоқда». Биринчи навбатда урбанизация (шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли сонининг кўпайиши ва шаҳар турмуш тарзи аҳолининг йилдан-йил кўпроқ қисмини қамраб олиши) жараёни орқали «стандартлашиш» кучаймоқда. Уй-рўзгор буюмлари ва жиҳозларидан (музлатгич, радио, телевизор, кир ювиш машинаси ва ошхона жиҳозлари, мебель ва ҳ. к) тортиб, то одамларнинг кийим-кечагига-ча, эрталаб ишга бориб, кеч ишдан қайтиб, дам олишни кўпроқ телевизор олдида ўтказишгача дунё миқёсида бир хиллик касб этипти.

Ишлаб чиқариш ва турмушдаги бир хиллик жинсидан, тилидан, динидан, миллатидан қатъи назар одамлар психологиясида ва нарсаларга, ҳодисаларга муносабатида ўхшашликни кўпайтирмоқда. Бу қисман уларнинг дидига, маънавий эҳтиёжларига ҳам тааллуқли. Шу сабабли замонавий оммавий маданиятнинг баъзи кўринишлари космополитик характерга эга. Уларда миллий ёки минтақавий хусусиятлар тўла йўқолмаган бўлса-да, кучли аҳамиятга эга эмас.

Шундай қилиб, иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро таъсири бевосита ёки билвосита жамият ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлаётир. Замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ва бозор муносабатлари, умуман, мумтоз қадриятларни қайта баҳолаш, уларни технократик қарашлар, меъёрлар, омололар билан алмаштиришга уринишларни туғдирмоқда. Фарбда таълим-тарбияни гуманитарлаштириш, инсонпарварлик ғояларини жамият онгига қайта сингдириш зарурлиги тўғрисида гапирилаётгани ҳам бежиз эмас.

Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий ҳаётнинг ички инсонпарварлик моҳияти ҳам, ташқи ташкилланиш ва намоён бўлиш маданияти ҳам билвосита ва бевосита жамиятда қарор топган маънавиятга боғлиқ.

Ўзбекистон кўп мулкчилик иқтисодиётини, бозор муносабатларини ривожлантирар экан, ғарб мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ютуқларни ўрганиш билан бир қаторда кўпгина камчиликларни четлаб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шу боис ўзбек модели жамиятни иқтисодий, моддий жиҳатдан ривожлантириш билан бирга, инсонни юксалтириш, маънан бой, билимли, дунёқараши кенг, «боқимандаликни ор деб биладиган», ижтимоий масъул баркамол авлодни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек маънавий меросига мос меҳнат ва тижоратда ҳалоллик, истеъмолда нафс ва ҳирсни тийиш, ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳамкорлик ва адолат тамойиллари таълим-тарбия ишларида ҳисобга олинаши лозим. Аммо нафс ва ҳирсни тийиш инсоннинг соғлом эҳтиёжлари ўсишининг олдини олишга қаратилмаслиги зарур. Соғлом эҳтиёжлар инсон табиатини бойитади, уни жисмонан ва руҳан, маънан такомиллашувига хизмат қилади. Носоғлом эҳтиёж инсон шахсиятини емиради. Уни буюмнинг, бойликнинг, жиғилдоннинг, яъни нафснинг қулига, лаззат ва шаҳват—ҳирснинг тутқунига айлантиради. У маишатпараст, исрофгар киши ёки зиқна, хасис, очофат, тамагир киши бўлиб вояга етиши мумкин. Икки ҳолда ҳам у, иложи топилса, қаллоблиқдан қайтмайди.

Иқтисодиёт инсон эҳтиёжларидан, инсоннинг ўзидан ташқаридаги ҳодиса эмас. Иқтисодиёт инсон учун, зинҳор инсон иқтисодиёт учун эмас. Шундай экан, иқтисодиёт билан боғлиқ ҳар қандай масала бевосита ёки билвосита инсонга бориб тақалади.

Фойда олиш иқтисодиётнинг асосий мақсади, дедик. Фойда ахлоқ нуқтаи назаридан турлича баҳоланиши мумкин: масалан, ҳалол ёки ҳаром топилган фойда қабилида. Ҳалол ёки ҳаром усул билан фойда олишнинг мезонлари нималардан иборат? Улар ўртасида чегара борми? Бу жуда қийин ва оғир масала. Аниқ ва қатъий мезон ҳеч қачон бўлмаган. Маълум бир шароитда маъқул ҳисобланган усул бошқа шароитда номаъқул ҳисобланиши мумкин. Лекин

бир нарса аниқ—сизнинг иқтисодий фаолиятингиздан табиат, жамият, одамлар жисмонан ва руҳан (экологик муаммолар, кишилар соғлиғини йўқотиш, қаттиқ эксплуатация сабабли ўзаро бегоналашиш ва худбинлик кучайиши, меҳр-оқибат пасайиши туфайли) зарар кўрмаслиги лозим.

Бу фойда олишни қўл остидаги ишчи ва хизматчиларни эксплуатация қилиш асосида эмас, балки ижтимоий ҳамкорлик асосида қуриш лозимлигини билдиради. Ўзбек модели турли ижтимоий қатламлар, энг аввало, ишга ёлловчилар (мулкдорлар) ва ёлланувчилар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишини тақозо этади.

Ижтимоий ҳамкорлик эса фақат тарғибот-ташвиқот, даъват, насиҳат воситасида вужудга келмайди. У биринчи галда иқтисодий манфаатларнинг мос келиши, мулкка шерикчилик қилиш негизида шаклланади. Лекин жамиятдаги ижтимоий мўлжаллар, ахлоқий ва юридик меъёрлар, маънавий муҳит ва одамлар ўртасида шаклланган умумий муносабатлар бу жараёнга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш субъектлари (ёлловчилар ва ёлланувчилар) ўртасида ижтимоий ҳамкорликни қарор топтириш мақсадида хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари қаторида мулкчиликнинг жамоавий турлари—концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари, компаниялар, жамоа корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар ва ш. к. ривожланишига эътибор қаратилмоқда. Корхона акцияларининг тегишли қисми унда ишлайдиган кишиларга сотилган ёки уларнинг пай улушлари белгиланиб, тегишли юридик тартибда расмийлаштирилган. Ўзбек модели ижтимоий ҳамкорликни юзага чиқариш учун шарт-шароит яратмоқда.

Реал мулккий шериклик билан бирга олиб бориладиган тарбиявий-тарғибий тадбирлар ижтимоий ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантиришда юксак самара беради. Оддий ишчи ва мутахассис ҳам, раҳбар ҳам ўз корхонасининг ихлосманди, содиқ фидокорига айланиши учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар вужудга келади.

Ижтимоий ҳамкорлик нафақат ёлловчи ва ёлланувчи ўртасида, шунингдек, мулкнинг турли шакллари, катга ва

кичик бизнес ўртасида ҳам у ёки бу кўринишда қарор топиши мумкин ва лозим. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро қатъий ишончга, шеригини ҳар қандай шароитда ҳам доғда қолдирмасликка асосланади. Тадбиркорларнинг бир-бирига ёки қўл остида ишлайдиган ходимига, ишчисига берган оғзаки ваъдалари юридик тасдиқланган шартномадан кам кучга эга эмас. Тадбиркор маҳсулот етказиб берувчи шеригидан белгилаган вақтда келишилган миқдорда хом ашё ёки бутловчи қисмларни ёхуд бошқа зарур маҳсулотларни олишига имони комил. Ўзаро тўловларнинг кечикиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. У қўл остидаги хизматчиси ёки ишчиси берилган топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажаришига ҳеч вақт шубҳа қилмайди.

Биз ҳали бунга ўрганишимиз лозим. Биз шартномаларни вақтида бажаришни, ўзаро тўловларни вақтида амалга оширишни ҳали уддалай олмаяпмиз. Баъзан эса шеригини ва ишчисини жиндак алдашни эп кўрадиганларга бармоқ ортидан қараймиз. Чунки мазкур соҳага оид ҳуқуқий ва ахлоқий онгимиз, умуман иқтисодий тафаккуримиз паст. Корхонанинг ва ишбилармоннинг обрўси, ҳалоллиги, ишончли шерик бўла олиши ва ш. к. иқтисодий этика меъёрлари ҳозирча бизда корхона фаолиятига, аҳволига, даромадига таъсир кўрсатувчи омил даражасига кўтарилган эмас. Чет элларда ишончсиз шерик деган баҳонинг ўзиёқ корхонани синишга олиб келади. Ноҳалол шерик деган баҳо иқтисодий ўлимга ҳукм қилиниш билан барабар. Ҳарҳолда бундай баҳо олган киши очикча бизнесда ишлай олмайди. Ҳамкорликнинг турли шакллари, энг аввало, корхонадаги ички муносабатларни, умумкорхона манфаати йўлида ҳамжиҳатлик билан тиришқоқ меҳнат қилишни, ташқи шериклар билан ҳалол иш юритишни қанчалик тез ўргансак, ўзбек моделининг оёққа туриб, кучга тўлиши шунчалик тезлашади.

Вебер тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай йўл билан бойиш ҳирси, молпарастлик, *auri sacra fames*—олтинга малъун эҳтирос (Вергилий)—барча даврларда айрим кишиларга хос бўлган. Капитализм, эркин бозор ва эркин рақобат шаклланаётган шароитда уларнинг сони тез кўпай-

ган (бизда ҳозир шунга ўхшаш жараён кузатилмоқда). Аммо фойда олишга интиладиган капитализм руҳи «мақсад воситани оқлайди» тамойилини қатъиян инкор этади, фақат қонуний воситаларни тан олади. Капиталистик корхона шу тамойил асосида қурилган.

Вебер фикрича, ҳозирги замон капитализми руҳи шундай тафаккур тарзини англатадики, «унга ўз касби доирасида қонуний фойда олишга систематик ва оқилона интилиш хос ... бундай тафаккур тарзи капиталистик корхонада ўзининг энг айниятли шаклини топди, капиталистик корхона эса, ўз навбатида, унда ўзининг энг айниятли маънавий ҳаракатлантирувчи кучини топди»¹.

Биз янги жамиятни барпо этишда миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан бойитмоқчи эканмиз, капитализмнинг оқилона жиҳатларини, илғор тамойилларини ўзлаштиришимиз керак. Бинобарин, биз ҳам ҳар бир ишчи ва тадбиркорда ўз касби, ҳалол меҳнати орқали қонуний фойда олишга интилишни тарбияламоғимиз зарур. Корхоналар фаолияти шундай йўлга кўйилмоғи керакки, у юқорида қайд этилган интилишларнинг тўла рўёбга чиқиши учун етарли шароит яратсин. Бу жамиятда иқтисодий муносабатлар янгича меҳнат этикаси ва маънавий муҳит шаклланиши зарурлигини билдиради.

Ижтимоий ҳамкорлик, иқтисодий шерикчилик ўзаро рақобатни истисно этмайди. Мулк шакллари ўртасида, турли сармоядорлар ва уларнинг корхоналари ўртасида рақобат бўлиши кўп укладли иқтисодиёт шароитида табиий ҳолдир. Бу кўпмулкчиликка асосланган жамиятнинг табиатидан, моҳиятидан келиб чиқади. Аммо рақобат фақат стихияли, чегараланмаган иқтисодий курашни, ишлаб чиқариш анархиясини билдирмайди. Мазкур ҳолат асосан энди шаклланаётган, ҳали ноетук капитализм учун хос.

Ижтимоий йўналтирилган, маълум даражада билвосита турли ҳуқуқий рағбатлар, солиқ имтиёзлари ёки чеклашлар (прогрессив солиқ) орқали тартибга солинадиган бозор шароитида ҳарҳолда рақобат бошқача кўринишларда юз беради. Ишлаб чиқариш тақсимооти, кооперация ва ихтисослашиш, ўзаро шартномалар ва келишувлар, ички

¹ М. Вебер. Ўша асар, 85-б.

ва ташқи бозорга чиқаётган маҳсулот ҳажми ва баҳосига ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро келишуви асосида таъсир қилишга уринишлар, айрим турдаги маҳсулотларга ҳатто давлатлар ўртасида квота белгиланиши рақобатга анча-мунча янги тус бермоқда. Рақобат қилувчилар кўпинча жиддий масалаларда мурасиз рақиблардан ҳамкорларга айланмоқдалар. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик мустақил хўжалик юритувчи корхоналар, тадбиркорлар ўртасида нисбий характерга, рақобат эса узлуксиз, доимий характерга эга. Фақат рақобатнинг кўпол, вульгар шаклларида нозик маданийлашган шаклларига ўтилмоқда.

Ижтимоий ҳамкорликнинг қай даражада самарали бўлиши, рақобатнинг қанчалик цивилизациялашган шаклда кечиши жамиятнинг маънавий маданиятига, унда қарор топган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга, иқтисодий муносабатларнинг қай даражада инсонпарварлик қадриятларига мос қурилишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. У бир хил касбга эга бўлган оддий ишчилар ва мутахассислар ўртасида ҳам (меҳнат бозорининг талаби ва таклифига мувофиқ), турли касб эгалари орасида ҳам (тармоқлар ўртасидаги рақобатнинг ўзига хос кўриниши), мулкчиликнинг турли шакллари ва бир хил шаклига эга корхоналар (демак, бевосита уларнинг ишчи ва хизматчилари) ўртасида ҳам мавжуд.

Рақобат иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили, манбаи ҳисобланади. У инсоннинг ўзини ҳам ишлаб чиқарувчи куч сифатида такомиллаштиради, уни билим ва малакасини муттасил оширишга мажбур қилади. Рақобат иқтисодиётнинг кўп хусусиятларини, шу жумладан, баъзи салбий тенденцияларни белгилайди. Баъзан эса йирик ижтимоий муаммоларни ва зиддиятларни туғдириши мумкин.

Булардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

– айнан рақобат туфайли иқтисодий муносабатлар гўёки инсоний муносабатлардан ажралиб ўзининг мустақил мақсадларига эга бўлиши кучаяди; бунда гўё инсон иқтисодиётнинг фойда олиш воситасига айланиб қолади, чунки у оддий меҳнат қуроли даражасига туширилади, иқтисодиёт субъекти сифатида ўз шахсий фазилатларининг ак-

сариятидан жудо бўлади, фақат унинг малакаси ва иш унумдорлигигина ўз қимматини тўла йўқотмайди;

— рақобат одамлар ўртасида бегоналашишни доимо озиқлантириб туради, ҳатто ижтимоий ҳамкорлик ахлоқий, маънавий эҳтиёжлар негизида эмас, балки кўпроқ иқтисодий манфаатлар, ўзаро фойдалилик негизида қурилади;

— ишга ёлловчи ва ёлланувчилар ўртасидаги муносабатларда, уларнинг иқтисодий манфаатлари фарқ қилиши туфайли, потенциал тарзда зиддият кучайиши, ижтимоий ихтилофлар келиб чиқиш эҳтимоли доимо мавжуд бўлади.

Шу боис жамиятда рақобатнинг салбий таъсири олдини олиш ёки мумкин қадар пасайтириш механизми ишлаб чиқилиши зарур.

Мазкур механизм қуйидагилардан таркиб топади: биринчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, меъёрлардан ҳамда давлат томонидан белгиланган ижтимоий кафолатлардан; иккинчидан, ишчиларнинг касаба уюшмалари маъмурият билан, кенгроқ миқёсда маҳаллий ҳокимият билан икки ёки кўп томонлама шартномалар тузиши, турли жамоат ташкилотлари, жамғармалар, инсон ҳуқуқларини, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятдан; учинчидан, синфлар ва табақалар ўртасидаги юқоридаги икки гуруҳ омиллар таъсирида ва уларнинг бевосита давоми сифатида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг қарор топишидан; тўртинчидан, жамиятда хайрихоҳлик, инсонпарварлик, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат муҳитининг вужудга келиши, жамият маданий савиясининг юксалишидан.

Мана шу тўрт гуруҳ омиллар бозор иқтисодиётида рақобатда потенциал мавжуд зиддиятларга қарши посонги вазифасини ўтовчи механизмни вужудга келтиради. Бу механизм қанчалик тўғри, ички таркибий тузилмаси мутаносиб шаклланса, ўзбек модели шунчалик самарали ҳаракат қилади ва жамиятда ижтимоий адолат таъминланади. Бозор рақобатининг ижобий таъсири кучайиб, салбий таъсири камаяди.

Меҳнатни муҳофаза қилувчи қонунлар (меҳнат кодекси) ишга ёлловчилар ва ёлланувчининг манфаатлари ва ҳуқуқларини рўёбга чиқаради. Белгиланган стандарт даражасида меҳнат шароити бўлишини, яъни унинг техник ва санитария-гигиена талабларига тўғри келишини, техника хавфсизлигини, иш ўрнининг квадрат метри, тозалиги, ҳарорати, ёритилиши ва ҳ. к. ни таъминлашга хизмат қилади. Ишга ёлланиш ва бўшаш тартибларини, иш вақтининг меъёрларини, кафолатларини белгилайди. Булар ишга ёлловчининг ёлланувчи устидан ўзбошимчалиги йўлида тўсиқ бўлади.

Турли даражадаги жамоавий шартномалар тузилиши ҳам меҳнат бозори таклиф ва талаблари шаклланишида стихияликнинг олдини анча олади. Касаба уюшмаларининг ижтимоий муҳофазалаш, тарбиявий фаолияти, ҳар хил жамоат ташкилотларининг айнан шундай фаолиятлари ҳам ёлланувчиларнинг ҳар томонлама ижтимоий муҳофазаланишини кучайтиради, онгини ўстиради, ўз ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқаришига кўмаклашади. Жамоат ташкилотлари фаолияти, шунингдек, табиатга ишлаб чиқариш томонидан етказиладиган зарарни камайтиради (кейинги муаммо махсус давлат қонунлари орқали ҳам қаттиқ тартибга солинди).

Ёлловчилар ва ёлланувчилар муносабатларининг ижтимоий ҳамкорлик асосида қурилиши жамиятда барқарорлик таъминланишининг, иш ташлашлар, забастовкалар, синфий тўқнашувлар, алғов-далғовларнинг олдини олишнинг, ҳар хил зиддиятларни музокаралар, келишувлар орқали ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Ва, ниҳоят, жамиятда қарор топган маънавий муҳит ҳам бу борада ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Агар жамиятда «одам одамга бўрийдир» деган нақлга ўхшаш меъёрлар кенг тарқалган бўлса, қўшни қўшнини, ҳамкасблар бир-бирини пойласа, одамлар худбин манфаатлари йўлида фақат бир-бирини алдаса, меҳр-оқибат совиб, ўзаро бифарқлик, ҳатто нафрат кучайиб бораверса, ижтимоий табақалар ва синфлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро шубҳа, ички адоватга асосланади. Бундай муҳит шароитида кичкина, арзимас зиддиятлар ҳам бўртиб кетади, жиддий муаммолар туғдиради. У жамиятда вужудга келган таназ-

зул, инқироз пайтлари адоватни юзага чиқариб, амалда барқарорликни бузиб юбориши мумкин.

Аксинча, соғлом ижтимоий муҳит майда-чуйда зиддиятларнинг авж олишига йўл қўймайди, жиддийроқ зиддиятларни келишувчилик орқали ҳал қилишга жамиятни ундайди. Синфлар ва табақалар ўртасида ҳамкорлик қарор топиши ва янада мустақамланиши учун қулай ижтимоий-психологик шарт-шароит яратади. Жамиятда ижтимоий ҳамкорлик ўрнини ижтимоий қарама-қаршилик ва адоват эгалласа, маънавий муҳит носоғлом бўлса, миллий ғоя шаклланмайди ёки унутилади, тараққиёт модели ҳам яримяширин иқтисодий ва ижтимоий зўравонликка йўл очади.

Маънавий муҳит кенг маънодаги маънавиятнинг таркибий қисм эканлигини назарда тутсак, маънавиятнинг иқтисодиётга, ўзбек модели юзага чиқишига кўрсатадиган таъсирини теранроқ англаб оламиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек моделида маънавиятга катта аҳамият берилиши меҳнат қадрини кўтаришга, унга янгича муносабатни, умуман жамиятда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришга, турли табақалар, биринчи навбатда ишга ёлловчилар ва ёлланувчилар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни қарор топтиришга, инсон эҳтиёжларига йўналтирилган маданий бозорни, янгиликларга очиқ, қайишқоқ ва динамик, ўзини ўзи тартибга соладиган иқтисодиётни вужудга келтиришга қаратилгандир.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан қуйидаги хулоса ва тавсиялар келиб чиқади:

1. Ўзбек модели анъанавий меҳнат тарбиясининг мазмунини замонавий технологияга асосланган, рационал ташкил этилган ишлаб чиқаришга, бозор иқтисодиётига, энг аввало, меҳнат бозорига мослаштириб бойитишни тақозо қилмоқда. Оилада, боғчада, мактабда меҳнат тарбиясининг асослари ўзлаштирилади. Анъанавий тарбиямиз меҳнатсеварлик, ишдаги тартиб-интизом, иш жойини ва асбоб-ускуналарни авайлаб-асраш, озода сақлаш, шеригини қўллаб-қувватлаш каби хислатларни шакллантиришга хизмат қилади. Эндиликда фақат буларнинг ўзигина етарли эмас. Меҳнатда эришган муваффақиятларга

шахс сифатида ўз имкониятларини, иқтидорини юзага чиқарадиган, жамиятдаги моддий ва маънавий мавқеини белгилайдиган омил деб қараш болага ёшлигиданоқ сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Худди шунингдек, меҳнатда энг катта муваффақиятга фақат тўғри танланган ва яхши ўзлаштирилган касб орқали эришиш мумкинлиги, инсон бутун умри давомида касб маҳоратини ўстириш, такомиллаштириб бориши лозимлиги оила, боғча ва мактабдаги меҳнат тарбиясининг марказида турмоғи лозим.

Бола касб-ҳунар коллежига келгунча, унда меҳнат асосий ижтимоий қадрият деган эътиқод ва муайян касбни эгаллашга интилиш аллақачон шаклланган бўлиши керак. Шунда унинг коллежда ўқиб, касб эгаллаши самаралироқ бўлади.

2. Педагоглар, психологлар, маънавият ва маърифат билан шуғулланувчи бошқа олимлар ва мутахассислар юқоридаги талабларни ҳисобга олиб меҳнат тарбиясининг янги содда ва теран концепциясини яратишлари, уни оила, боғча, умумтаълим ва касб таълими мактабларига, олий ўқув юртларига етказишлари лозим.

Ҳозирча Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича кўпроқ ташкилий-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда: академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қурилмоқда, уларнинг моддий ўқув базаси мустаҳкамланмоқда, таълим стандартлари ва янги дарсликлар яратилмоқда. Таълим стандартлари ишлаб чиқарилиши жараёнида ўқишга янги ёндашувлар, услублар, ўқитишнинг илғор технологияси ўз аксини топмоқда. Аммо тарбия борасидаги ишлар Миллий дастур талаблари даражасида эмас. Энг аввало тарбиянинг янги концепцияси ҳали тўлиқ яратилгани йўқ. Тарбиянинг янги концепциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар қандай уйғунлаштирилиши, тарбияга оид меросимизнинг қайси жиҳатларини танқидий қайта кўриб чиқишимиз, уларни хорижнинг қайси қадриятлари ҳисобига бойитишимиз ва бизнинг шароитимизга қандай мослаштиришимиз мумкинлиги конкрет акс этиши керак. Тарбия таълимдан ортда қолмаслиги, аксинча, олдида юриши лозим.

Меҳнат жамоаларидаги иқтисодий ва касб ўқувларида бозор иқтисодиёти масалалари билан бир қаторда меҳ-

натга янгича муносабатни шакллантиришга эътиборни кучайтириш керак. Бундай тарбия ҳар бир корхона ва касбнинг хусусиятини ҳисобга олиб пухта ўйланган, доимий ва систематик равишда амалга ошириладиган услубларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

3. Ўзбек модели объектив равишда ҳар бир жамоада ҳам, бутун жамиятда ҳам шахс манфаати кўпчилик манфаатига қурбон қилинмаслигидан ютади. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тақдирлашда уларнинг индивидуал қўшган ҳиссаси аниқ ҳисобга олинishi керак. Бу мақсадда барча корхоналар ва ташкилотларда дифференциал ҳақ тўлаш услуби, турли коэффицентларни қўллаш тартиби жорий этилса, социализмдан қолган текисчилик тўла бартараф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамиятда шундай объектив шарт-шароит вужудга келиши лозимки, ҳар бир киши ўз касби доирасида қанча ҳалол ва унумли меҳнат қилса, шунча кўп фойда олиш имкониятига амалда эга бўлиши ва бунга у қаттиқ ишониши зарур. Умуман, тарбия, ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари, ижтимоий амалиёт, турмуш тарзи, иқтисодий муносабатлар—меҳнатни тақдирлаш ва рағбатлантириш, тақсимот, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, алмашув ва истеъмол, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзлар — ҳаммаси шу мақсадга қаратилиши керак. Бу алоҳида индивидни тақдирлашда ҳам, ишлаб чиқариш жамоасини тақдирлашда ҳам ҳисобга олинishi лозим. Давлат солиқ орқали яхши ишлайдиган корхоналарни эзиб ташламаслиги, улар ҳисобидан қолоқларни шатакка олмаслиги керак.

Ҳалол меҳнат орқали шахс ўз турмушини яхшилаши, эҳтиёжларини қондириши, табиат берган иқтидорини, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш мумкинлигини кенг омма онгига етказиш маънавият ва маърифат, тарғибот ва тарбия ишларининг марказида турмоғи лозим. Бу ишга барча ижтимоий институтлар, давлат, нодавлат ташкилотларининг тарбиявий, маърифий-маънавий имкониятларини йўналтириш керак. Маънавият ва маърифат марказларига бу ишни мувофиқлаштиришни юклатиш лозим.

4. Ўзбек модели ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва моддий рағбатлантиришни муттасил рационаллаштириб боришни тақозо этади. Совет даврида бу борада иррацио-

нал усуллар кўп учрар эди. Масалан, давлат томонидан харид нархларини белгилашдаги ўзбошимчалик, баҳоларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмагани (бунинг ўзиёқ иррационализм) натижасида кўпчилик корхоналар, айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари давлатдан қарзга ботиб қолар эди. Давлат вақти-вақти билан уларнинг қарзидан воз кечар эди. Бундай шароитда кўпчилик корхоналарда талон-торожликлар, суиистеъмолчилик, маблағни нотўғри сарфлаш вужудга келди. Умуман, ишлаб чиқариш тежамкорлик, фойда олишга интилиш ўрнига, кўпроқ сарф-харажат қилишга мойиллик кўрсатди. Шундай қилиб, социалистик иқтисодиёт рентабеллик, фойда олиш каби тушунчаларни, кўпчилик объектив иқтисодий қонунларни инкор этди.

Оқибатда ёмон ишлаётган, талон-торожликка, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларини нооқилона сарфлашга йўл қўйган корхона ютар, ишни тўғри ташкил қилиб, ўз аравасини ўзи қийинчилик билан тортиб келган, қарздор бўлмаган корхона ютқазар эди. Алоҳида ишлаб чиқариш ҳам. бутун халқ хўжалиги ва иқтисодий муносабатлар ҳам фан-техника ютуқларига ва ҳар томонлама такомиллашишга ички эҳтиёж сезмади.

Корхоналарда иш барча бўғинларда, мамлакатда иқтисодий муносабатлар барча йўналишларда оқилона ташкил қилиниши, умуман рационализмга асосланиши ўзбек модели самарали бўлишининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Норентабел, технологиясини такомиллаштира олмайдиган, иш унумдорлигини ва маҳсулот сифатини муттасил ошириш қўлидан келмайдиган корхона касодга учраши тайин. Ишчи ва хизматчилари ноаҳил, корхонапарварликдан йироқ, ўз жамоаси учун қайғурмайдиган корхона ҳам касодга маҳкум. Шу боис рационализм билан бир вақтда корхонапарварлик хислатини шакллантиришга эътибор кучайтирилиши зарур.

5. Ўзбек модели туғдирган яна бир зарурат қуйидагидан иборат: маънавий-маърифий ишлар шундай мақсадга йўналтирилиши керакки, иқтисодий муносабатларда, иқтисодий баҳолар мезонида ахлоқий меъёрлар, меҳнат этикаси корхона ва тадбиркорларнинг, алоҳида олинган ишчи ва мутахассисларнинг иқтисодий фаолиятига, иқтисодий тақдирига юридик меъёрларидан кам таъсир кўр-

сатмайдиган омилга айлансин. Масъулиятсиз, сўзининг устидан чиқмайдиган, шартномани тўлиқ бажармайдиган корхона, тадбиркор ва ишчи келажакда бўлмаслиги лозим. Бунинг учун жамиятда шунга мос дунёқараш, шунга мос маънавий муҳит ва иқтисодий амалиёт қарор топиши зарур. Рақобатнинг иқтисодиётга ижобий таъсирини кучайтириб, салбий таъсирини пасайтирадиган механизм тақомиллаштирилиши, ёлловчи ва ёлланувчи ўртасида муносабатлар ижтимоий ҳамкорлик асосида қурилишига жамият мўлжали қаратилиши лозим.

6. Замоनावий ишлаб чиқаришнинг муттасил рационаллашиб бориши, илмий-техника тараққиётининг, замонавий технологияларнинг нафақат ишлаб чиқаришни, шунингдек, ижтимоий ва маиший турмушни ҳам стандартлаштириши, технократик қарашларнинг кучайиши, оммавий маданият ниқобида «аксилмаданият» унсурлари кўпайишининг олдини олиш каби долзарб муаммолар маънавий-маърифий ишларни фаоллаштиришни талаб қилибгина қолмай, таълим жараёнини, айниқса, касб-ҳунар таълими жараёнини инсонпарварлаштиришни тақозо этади.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ

Маънавият ва демократик, ҳуқуқий давлат. Ўзбек моделининг асосий йўналишларидан бири давлат ва жамият қурилишидир. Чунки давлат тизими ва бошқарув бозор иқтисодиёти муносабатларига, демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга, умуман шаклланаётган янги-ча иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий воқеликка, эркинликка мослаштирилиши лозим.

Бинобарин, давлат ва жамият институтларини қайта қуриш, улар фаолияти асосида ётган тамойилларни ўзгартириш иқтисодиётни қайта қуришдан кам аҳамиятга эга эмас. Боз устига эски сиёсий тизим ўзгартирилмаса, иқтисодий ислохотларга йўл очиш ниҳоятда қийин бўлади. Маълумки, собиқ совет давлат тизими хусусий мулкчиликни ва шахсий тадбиркорликни мутлақо қабул қила олмайдиган тизим эди. Бу билан у бошқа социалистик мамлакатлар сиёсий тизимидан (ХХР, Польша, ЧССР ва бошқа-

лар) кескин ажралиб турар эди. Шу боис давлат қурилиши, демократлаштириш ва жамиятда институционал ўзгаришлар қилиш ўзбек моделининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» асарида таъкидлаганидек: «Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчилиқни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти гармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди».

Табиийки, туб ислохотлар ижтимоий онгни сифат жиҳатдан ўзгартирди, аҳоли фаоллиги кескин ўсди. Аммо бу борада ҳали муаммолар кўп.

Бир мафкуранинг ҳукмронлик қилиши тоталитаризмга йўл очиши мумкин. Тоталитаризм инсонга бошқарувнинг *объекти* сифатида қарайди. Инсон мақсадга эришиш воситасига, давлат назорати ва кузатувининг объектига айланади. Демократия эса, аксинча, инсонга бошқарувнинг *субъекти* сифатида қарайди. Демократик жамиятда инсоннинг ўзи турли ташкилотларда иштирок этиб давлат институтлари фаолияти устидан назорат олиб борувчи субъектга айланади.

Тоталитар жамиятда инсонда фуқаролик эмас, балки режимга садоқат қадрланади. Ёппасига ўрнатилган назорат ва жазо олишдан кўрқув инсондаги танқидий руҳни сўндиради, уни конформистга, мослашувчи кишига айлантириб қўяди. Кўпчилик лоқайдликка берилиб бундай ҳолга кўникиб қолади. Тоталитаризм ўз моҳиятига кўра жамият аъзосининг фуқаро сифатида маънавий қашшоқланиши омилidir. Унга ҳар қандай муқобил фикрни, ҳар қандай толерантликни (фикр ва қарашларга нисбатан бағрикенглик) табиатан инкор қилиш хос. У алоҳида кишининг фикри билан ҳисоблашмайди, конкрет шахсни жамоанинг мавҳум йиғинди шахси билан алмаштиради. Шу боис тоталитаризм ҳақиқий фуқаро ва унинг фаол ҳаётий позицияси шаклланишига тўсқинлик қилади.

Агар демократия «инсон ва жамият» муштарақлиги орқали таҳлил қилинса, аён бўладики, демократия — бу инсон қадр-қимматини, ақл-заковатини, жамиятни бошқариш (бошқарувда иштирок этиш) иқтидори ва ҳуқуқини тан олишдир, шахс ва жамиятнинг юксак сиёсий маданияти ва ўзаро масъуллигидир. Демократия — бу толерантлик, жамият ҳаётининг у ёки бу масалаларига оид фуқаро фикрини эшитишидир. Шундай қилиб, демократия эркин инсон, ҳақиқий фуқаро, ҳақиқий фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилади. Конституцияга мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқнинг савияси, сиёсий маданияти, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, туб манфаатларини англаш даражаси, ҳуллас, маънавий етуқлиги унинг давлат қурилишида қанчалик фаол иштирок этишини, жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари ишини назорат қила олишини белгилайди.

Маънавият ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Давлат қурилиши ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти ҳам бундан истисно эмас. Фуқароларнинг ҳокимиятга, сиёсий партияларга муносабатлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ва давлат билан муносабатлари, фуқаролар эркинликлари маълум ҳуқуқий маконда кечади. Лекин уларнинг қандай тамойилларга асосланиши, фуқаролик ҳуқуқларининг қай даражада таъминланиши нафақат Конституцияга, ҳуқуқий меъёрларнинг демократик характерига, айна пайтда жамиятнинг сиёсий маданиятига, ундаги маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Қонунга риоя этиш-ку бевосита жамият аъзоларининг ижтимоий ва маиший хулқ-атворига, онги ва идорасига боғлиқ. Агар энг яхши, тараққийпарвар қонунга ҳам жамият аъзоларининг аксарияти риоя қилмаса, ундан фойда кам бўлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги, толерантлиги, қонунга итоатгўйлиги, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ишида, жамиятда содир бўлаётган жараёнларда фаол иштирок этиши, бу жараёнларга ҳамда ҳокимият ва партиялар сиёсатига, ижтимоий институтлар ишига ўз муносабатларини билдириши орқали таъсир этиши «сиёсий маданият» деган тушунчани ташкил этади.

Кўриниб турибдики, сиёсий маданият биринчи галда онгга, дунёқарашга, фуқароларнинг ўз манфаатларини ва

бурчларини, ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаб, жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олишига, ватанпарварлигига, қай даражада эркин ва ижодий фикр юрита олишига, масъулликни ҳис қилишига, хуллас, фуқаровий ва маънавий етуклигига боғлиқ.

Сиёсий маданият фақат фуқароларгагина оид ҳодиса эмас. У, бир томондан, турли ижтимоий гуруҳларга, табақаларга, синфларга, бутун жамият аъзоларига, иккинчи томондан эса энг майда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятдан тортиб, йирик сиёсий партиялар ва давлат идоралари фаолиятигача тааллуқли ҳодиса. Сиёсий маданият, шунингдек, қонун чиқарувчининг (парламентнинг), қонун лойиҳаларини таклиф этувчи ташаббускорларнинг, ижтимоий институтларнинг савияси, профессионалик даражасини ўз ичига олади. Турли ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг, улар тузган ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти инсонпарварлик, халқчиллик, тараққий-парварлик тамойилларига мос бўлиши ёки, аксинча, мутаассибликка мойил, реакцион, шовинистик бўлиши ёхуд инсонпарварликка, эзгуликка зид бўлиши мумкин. Шу боис маънавият кенг маънодаги сиёсий маданиятга бевоқифа белгилловчи таъсир кўрсатади. Сиёсий маданият маънавиятнинг мавжудлик шаклларида биридик (Баъзи олимлар сиёсий маданиятни маънавий маданиятга киритмасдан уни алоҳида ижтимоий маданият деб атайдилар. Бизнингча, маданиятни анъанавий иккига—моддий ва маънавий маданиятга бўлиш тўғри. Шунда сиёсий маданият маънавий маданиятга таркибий қисм бўлиб кириши ўз-ўзидан яққол кўриниб қолади). Ушбу маънода маънавият жамият ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг кўп хусусиятларини, қиёфасини ҳамда миллий ва умуминсоний, яъни ғоявий мазмунини, ижтимоий оморлари ва мўлжалларини аниқлашга хизмат қилади.

Маънавият кенг маънода сиёсий фаолликда, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашишида намоён бўлади. Улар ўз навбатида маънавиятнинг хусусиятларини белгилайди. Анъанавий ва тоталитар жамиятларда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт қаттиқ меъёрлашади, ҳеч бир соҳага эркинлик етишмайди. Агар анъанавий жамият-

да ўтмишдан келаётган, ўзгармас қадриятлар, урф-одатлар эркинликни чекласа, тоталитар жамиятда бу ишни давлат идоралари, ҳуқуқий меъёрлар, ялпи назорат, давлат билан қўшилиб кетган жамоат институтлари, ҳатто «думалоқ хат» ёзишни одат қилиб олган фуқароларнинг бир қисми бажаради. Ҳар икки жамиятда ҳам расмий-сиёсий мафкура иқтисодиётни, маънавий ҳаётни қаттиқ назорат қилади.

Шу сабабдан иқтисодиёт ва маънавият эркин ривожланиши учун сиёсий тузум демократик бўлиши, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳаммага бирдай мажбурийлиги таъминланиши лозим. Уларнинг эркин ривожланиши эса сиёсий тузумнинг янада демократлашувига, ҳуқуқий жамият шаклланишига, юксалишига, яъни ўзбек моделининг асосий мақсадларидан бири юзага чиқишига акс таъсир кўрсатади.

Демократик, ҳуқуқий давлатда бирорта синфнинг, сиёсий партиянинг, диний конфессиянинг, оқимнинг ёки мазҳабнинг мафкураси расмий давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки расмий мафкура бошқа мафкураларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади ва ҳурфикрликка, ғоялар рақобатига, баҳсига путур етказди. Бу эса, оҳир-оқибатда, догматизмга ва мутаассибликка йўл очади, иқтисодий ва маънавий турғунликни, инқирозни келтириб чиқаради. Бошқача фикр юритадиганларнинг ижтимоий мавқеларидан, эгаллаган лавозимларидан қатъи назар, фаолияти чекланади, улар турли тақиқларга, тазйиқларга учрайди. Бу ҳам камлик қилса, улар таъқиб қилинади, озодликдан, ҳатто ҳаётдан маҳрум этилади. Ўтмишда Улуғбек ва Нодирабегим, совет даврида Сталин қатағонларига маҳкум бўлган минглаб ватандошларимиз — адибларимиз, зиёлиларимиз, давлат арбобларимизнинг қисматлари бунга мисолдир.

Расмий мафкура ҳукмрон бўлиб, эркинлик йўқ қилинган жойда аста-секин маънавий ривожланиш тўхтади. Маънавий ривожланиш тўхтаган жойда иқтисодий янгилиниш, ижтимоий тараққиёт юз бермайди. Ҳатто жамият ўзининг илгари эришган тараққиёт даражасини сақлаб қололмайди. Инқирозга учраб, кескин орқага кетади. Масалан, мамлакатимизда тиббиёт, риёзиёт (математика) XIX

асрнинг ўрталарида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, кейинчалик Улуғбек, Али Қушчи давридан анча оғда қолган эди. Умуман халқимизнинг аччиқ тажрибаси буни узоқ ўтмишда ҳам, мустабидлик даврида ҳам кўп исботлаган.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини, ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини мустаҳкамлаб қўйибди. Минг афсуски, бунинг моҳиятини айрим кишилар ҳалигача тушуниб етгани йўқ (Таъкидлаш жоизки, давлатнинг мажбурий мафкураси сифатида ўрнатиладиган тор маънодаги синфий мафкурадан миллий истиқлол гоёсини ва мафкурасини фарқлаш лозим. Миллий истиқлол мафкураси давлат мафкураси эмас, унинг юридик мақоми йўқ; яъни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмаган, ҳаммага бирдай мажбурий эмас. Унинг барчага умумийлиги эса жамият аъзолари томонидан, ахлоқ меъёрлари каби, ихтиёрий қабул қилиниши орқали таъминланади).

Қадимги антик даврдан келаётган «ҳақиқат баҳсларда туғилади» деган нақл нақадар тўғрилиги сабабли, бугун у ҳаққоний равишда энг эъзозли умуминсоний қадриятлардан, демократияни юзага келтирувчи ва ривожлантирувчи тамойиллардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳурфикрлилик, умуман маънавий эркинлик демократиянинг ақлий ва ҳиссий асосидир. Бу ерда, албатта, фақат маънавиятнинг сиёсий мафкура ва ҳуқуқ билан, сиёсий маданият билан боғлиқ жиҳатларигина назарда тутилаётгани йўқ. Ахлоқ, адабиёт ва санъат, маиший турмушнинг ахлоқий, маънавий жиҳатлари, жамиятда шаклланган кенг маънодаги маънавий ва сиёсий муҳит ҳам демократия ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дунёқараши тор, ахлоқий, эстетик, турмуш маданияти, диди паст халқ қандай қилиб демократияни ривожлантирсин? Илм-фан, адабиёт ва санъат, халқ таълими, ахлоқ, хуллас, маънавият қанчалик юксалса, жамиятнинг ақлий ва ҳиссий салоҳияти, ижодкорлик имкониятлари, иқтисодий ва маданий эҳтиёжлари, бинобарин, ўзбек мо-

делининг салоҳияти шунчалик ўсади. Юксак маънавият жамиятнинг ўз мавжудлик ҳолатидан қониқмаслик ҳиссини, уни мудом такомиллаштиришга интилишни рағбатлантиради. Маънавият қанчалик юксалса, ижтимоий муносабатлар шу қадар инсонийлашади, эзгулик ва инсонпарварлик, демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қарор топади.

Мустақиллик йилларида ислоҳотларни амалга оширишда жуда улкан ташкилий ишлар қилинди. Мулкчиликнинг турли шаклларига таянган кўпукладли иқтисодиётнинг, бозор муносабатларининг асоси яратилди. Зарур ҳуқуқий пойдевор, қонунлар мажмуи вужудга келтирилди. Миллий давлатчилик тикланди. Миллий маънавият ва она тили ривожлантирилди, маданий мероснинг унут бўлган ва халқдан мустамлакачилик даврида яширилган қисми юзага чиқарилди ва ўрганила бошланди. Ўзбекистоннинг қўлга кiritган ютуқлари халқаро миқёсда эътироф этилди.

Аmmo ҳаёт бир жойда тўхтаб туриши мумкин эмас. Жамият доимо олға ҳаракат қилиши лозим. Шу боис биринчи чақириқ Олий Мажлис 14-сессиясидаёқ Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI аср сари» маърузасида ислоҳотлар янги босқичининг асосий устувор йўналишларини белгилаб берган эди. Уларнинг биринчиси—сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш бўлса, иккинчиси жамият маънавиятини юксалтиришдир. Бу икки йўналиш ўзаро ва бошқа кейинги йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий тараққиётга интилаётган, тубдан янгиланаётган, сиёсий, иқтисодий ҳаётини эркинлаштиришга жазм қилган ҳар қандай жамият маънавияти юксак, озод, эркин шахсни шакллантирмоғи лозим.

Демократиянинг, ижтимоий тараққиётнинг ижодкори, амалга оширувчиси — бу инсон. Демократия — нафақат халқ ҳокимияти, шунингдек, халқнинг мамлакат келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир. Демократияни охлоқратиядан (охлос—тўда, оломон) — оломон ҳокимиятидан, яъни турли гуруҳларнинг ўзбошимчилигидан, бошбошдоқлигидан, тартиб-қоидаларни, қонунни писанд қилмасдан ҳокимият идораларига ноўрин талаблар қўйишидан, тазйиқ

ўтказишидан фарқ қилиш лозим. Демократиянинг охлократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик туфайлими ёхуд диний-экстремистик тарғибот туфайлими, қатъи назар, бир гуруҳ фуқароларни йўлдан уриб, конституциявий тузумга қарши қўйиш, ноқонуний усулларда унга қарши кураш олиб боришни, айниқса, диний экстремизм ва сепаратизмни тақиқлашнинг демократияни чеклашга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Бир гуруҳ жангарилар ва уларнинг мафкурачилари, фаоллари бутун халқ номидан гапиришга ва иш қўришга ҳақли эмаслар. Бундай ҳолат халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳам зид ва дунёнинг бирор жойида тан олинмайди. Лекин жаҳоннинг турли минтақасидаги воқеалар, жумладан, 2005 йил Андижон воқеалари ҳам кўрсатдики, бундай диний экстремистик ва сепаратистик кучларни зимдан қўллаб-қувватловчи норасмий ва ярим расмий доиралар бор. Биринчи навбатда, улар халқаро терроризмга оид доиралардир. Улардан ташқари пинҳона иш юритувчи, ўзларининг ғаразли геосиёсий мақсадларини, неоколониалистик манфаатларини кўзлаб турли жамоатчилик фондлари орқали ҳаракат қилувчи Фарбнинг ярим расмий доиралари ҳам бор.

Айнан кейингилари демократияни ниқоб қилиб, аслида охлократияга йўл очишга, оломон орқали «рангли инқилоблар»ни амалга ошириб, ўзларига маъқул келмайдиган давлат раҳбарларини алмаштиришга уринмоқдалар.

Ҳар бир фуқаро демократиянинг моҳиятини тўғри англаб, уни нафақат охлократиядан ва анархиядан, шунингдек, автократиядан (раҳбарнинг ўзгалар фикри билан ҳисоблашмасдан, ёлғиз бошқариши, бошқаларнинг унга қуллуқ қилиши) ва волюнтаризмдан (шарт-шароит ва объектив ижтимоий қонунларни менсимасдан, фақат хоҳиш-иродага таяниб жамиятни ривожлантиришга қаратилган бошқарув усули) ажрата билиши керак.

Шундай қилиб, демократия фуқаролардан нафақат юксак ҳуқуқий маданиятни ва ижтимоий фаолликни, шунингдек, ўз манфаатларини давлат, жамият манфаати билан уйғунлаштира олишни талаб қилади. Акс ҳолда, кишиларнинг жамиятга қўйган талаблари нотўғри, ҳаддан

зиёд бўлиши, худбинлик касб этиши ёки, аксинча, улар шахсий манфаатларини яхши юзага чиқаролмасдан қолишлари мумкин. Биз шундай ижтимоий муносабатларга, қонун-тартибот ва ахлоқ тизимига интиломғимиз керакки, унда алоҳида шахс ва бутун жамият манфаатлари, заррача бўлса-да, зарар кўрмасин.

Демократия ривожланиши маънавий ҳаётни эркинлаштиришнинг омилдир. Демократия тафаккур эркинлиги, қарашлар ранг-баранглигининг қарор топишига, уларнинг бир-бирларини ўзаро бойитишига кўмаклашади.

Тафаккур эркинлиги воқеликка холис, танқидий ва айни пайтда ижодий муносабатда бўлиш ва умуман маънавий бунёдкорлик йўлида ғов ҳосил қилган ички ижтимоий кўрқувни, ички «цензор»ни энгишнинг асосий шартини ва воситасидир. Мутелик психологиясидаги киши конструктив-танқидий фикр юрита олмайди. У ўз тақдирдан, ижтимоий ҳолатидан норози бўлиши, нафратланиши мумкин. Унинг фаолияти нари борса истиқболсиз бесамара радикализм даражасига кўтарилади. Ўзида кўрқувни, қулликни енгган кишигина самарали ижодий натижага эришади. Инсоннинг ижтимоий ҳолати билан ички, ботиний эркинлигини чалкаштирмаслик керак. Ижтимоий ҳолатига кўра шахсан қарам бўлса-да, Эзоп, Гайдн, Шевченко каби даҳолар руҳияти ва тафаккури эркин бўлган.

Демократияни ривожлантириб, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш миллий номукаммаллик туйғусидан халос бўлишга, ижтимоий онгнинг, давлат ва нодавлат институтларнинг маънавий ижодий изланишларга, оқимларга холис муносабатда бўлишига хизмат қилади. Шунда турли бюрократик расмий ва норасмий институтлар, урф-одатлар, ижтимоий онгда сақланиб қолган хурофий, патриархал ва бошқа қолоқ анъанавий тушунчалар маънавийатнинг эркин ривожланишига жиддий хавф солалмайди.

Ҳозирча бизнинг маънавий ҳаётга алоқадор ижтимоий институтларимизда ҳам ўз фаолиятини бюрократлаштиришга, ўта меъёрлаштиришга, марказлаштиришга интилиш кучли. Бу совет давридан қолган иллатлардан биридир. Бирор нарса чиқиб қолмасин, деган ижтимоий кўрқув тўла баргараф этилмаган. Мутасаддилар ўз зиммасига масъулият олишдан, соҳаларининг ички муносабатларини

эркинлаштиришдан чўчийди. Турли низомлар, йўриқномалар, маҳкамавий қарорлар ҳатто давлат қонунларининг юзага чиқишига қаршилиқ кўрсатади. Натижада соҳа ривожланишида эркинлик етишмай қолади.

Демократия ривожланиши ҳуқуқий давлат вужудга келишининг муҳим шарти ва воситасидир. Биринчидан, аристократия (аслзодалар, зодагонлар) ёки олигархия (ўта катта сармоя эгалари) ёки ҳарбийлар ҳокимияти ўрнатилса, табиийки, у тор доирадаги кишилар манфаатини ифодалайди. Шаклан у диктатура кўринишини олмаслиги мумкин. Бироқ, бари бир, кенг омма хоҳиш-иродасига кулоқ солмайди. Ўз билганича сиёсат юритади. Иккинчидан, демократик тамойиллар — сўз эркинлиги, сиёсий партияларга бирлашиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, умуман инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши, мулк шакллариининг тенгҳуқуқлиги ва давлат томонидан муҳофаза этилиши—ҳуқуқий давлат шаклланиши ва ривожланиши учун зарурий асосдир. Уларсиз ҳуқуқий жамият тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий давлат — жамиятнинг шундай сиёсий ташкилотидирки, унда демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, қонуннинг барчага бирдайлиги ва барча учун (ҳам жисмоний шахслар — фуқаролар, ҳам юридик шахслар — корхоналар, муассасалар, идоралар ва ҳ. к. учун) мажбурийлиги арконий тамойилга, давлат тузумининг асл таянчига айланади. Ҳуқуқий давлатда ҳокимият тармоқлари бир-бирларидан ажратилади ва бир-биридан мустақил бўлади. Ҳокимият тармоқлари фақат Конституция ва қонунларга таяниб иш тутадилар. Уларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги механизми ҳам Конституция ва қонунлар орқали белгилаб қўйилади. Ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи негиз — бу умуммиллий манфаатга хизмат қилишдир. Мафкуравий шаклда эса у миллий ғоя сифатида ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи асос бўлиши мумкин: «Учта ҳокимият тармоғини бирлаштирадиган нарса — бу миллий ғоя»¹.

¹ **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 128-б.

Ҳуқуқий давлатда жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини қонун кафолатлайди ва қаттиқ ҳимоя қилади. Ҳеч ким, ҳатто давлат ҳокимияти ҳам уларнинг ички ишларига ноқонуний аралашшига ҳақли эмас. Улар ўз муаммоларини қонун доирасида ечадилар. Шу боис уларнинг турли амалдорлар, назорат идораларининг ҳимматига ёки инжиқлигига, тамагирлиги ва порохўрлигига қарам бўлмасликларини давлат таъминлаши керак. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига нисбатан содир этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракат, тазйиқ учун истаган мансабдорни ёки ташкилотни, шу жумладан, давлат идорасини судга беришлари мумкин.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим арконий тамойилларидан бири бу инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устуворлигидир. Давлат чиқарган қонунлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига, умуминсоний, умумбашарий қадриятларга мос бўлиши лозим. (Бу ерда гап қайси қонунларга бўйсуниб устида кетаётгани йўқ. Ҳар бир давлат ўзга қонунлар эмас, ўз қонунлари асосида фаолият кўрсатади. Гап қонун яратиш тамойиллари, талаблари устида кетяпти, яъни шундай қонунлар қабул қилиш лозимки, улар умумтанолинган халқаро меъёрларга зид келмасин.) Фақат маънавияти юксак, умуминсоний қадриятлар билан бойиган мамлакатларда бундай ҳуқуқий амалиёт қарор топади.

Миллий маҳдудликка мойил, миллий манманликка берилган, мутаассиб ва тажовузкор мафқурани қурол қилиб олган мамлакат халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳам у ёки бу даражада инкор этади, миллатчилик домига тушиб қолади. Бундай давлатда демократия ривожланмайди. Ҳуқуқ меъёрлари ва меҳнат интизоми зўравонлик ёрдамида таъминланади. Ҳуқуқий давлатда қонунга итоатгўйлик, меҳнат интизоми шахс маданиятининг ажралмас қисмига, эътиқодга, ахлоқий мўлжалга айланади.

Демократия ҳуқуқий давлатнинг узвий хоссаси ва у вужудга келишининг асосий шарти ва воситаси бўлса, ўз навбатида ҳуқуқий давлат демократия янада юксалиши, ўсиши ва мустаҳкамланишининг омилдир. Ҳуқуқий давлат қарор топган жойда демократик институтлар мустақил фаолият кўрсатиши учун, алоҳида шахснинг ва бутун жамиятнинг

яратувчилик, ижодкорлик салоҳияти, иқтисодий ва сиёсий ташаббускорлиги юзага чиқиши учун барча зарур имкониятлар вужудга келади ва улар объектив равишда юксалиб бораверади. Бу юксалиш йўлида сунъий тўсиқ пайдо бўлса, тезгина қонун доирасида бартараф қилинади. Демократия, шахс ва жамият ривожланиши учун зарур имконият яратиш ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусиятларидан, моҳиятли белгиларидан биридир. Айнан ҳуқуқий давлатда қарашлар, мафкуралар плюрализми кафолатланади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро муносабатлари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. Аммо таъкидлаш жоизки, онг толерантлигини, фикрлар ва мафкуралар плюрализми тушунчасини мутлақлаштириб, ҳар қандай фикр ва мафкураларга фақат формал ёндашиб бўлмайди. Агар муайян мафкура асослари бошданок гайрринсонийлик, фашизм ёки шайтанатга алоқадор бўлиб, террор ва зўравонликка чорласа, жамият бунга кўз юмиб, сўз ва қарашлар эркинлиги деб ҳисоблаши керакми? Кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида қонуний йўл билан сайланган ҳукуматни зўравонлик ёрдамида афдариб ташлашга даъват этишни тақиқловчи меъёрлар мавжуд.

Лекин Ғарб давлатлари қонунчилигида у ёки бу ташкилотни террористик ёки диний-экстремистик ташкилотлар қаторига киритишнинг ягона мезонлари йўқ. Айрим давлатларда баъзи ташкилотлар тақиқланганлар рўйхатига киритилган, бошқа бирларида эса киритилмаган.

Муайян ташкилотлар фаолиятини, фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, турли муаммоларни ҳал қилишда кўп нарса амалдорнинг ақл-заковатига, дунёқараши ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон омилини тўла истисно қилиб бўлмаса-да, амалдор субъективизминини чеклайдиган тизим яратиш керак.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бу ерда гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жа-

миятимизнинг олға силжишига халақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда»¹. Бу тизим — демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Айнан шундай тизимда ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлар, синфларнинг манфаатлари, жамиятда эгаллайдиган мавқелари, ижтимоий жараёнга таъсир кўрсата олиш имкониятлари динамик (ҳаракатчан) мувозанатга келади, ўзини ўзи тартибга солади. Бунинг учун унга ташқи тазйиқ, таъсир кўрсатиш ёки куч ишлатиб ички инқилобий ўзгариш қилиш шарт эмас. Бундай тизимнинг янги сифат касб этиши тадрижий, табиий ривожланиш негизида кечади. Бинобарин, у тараққиёт модели самарадорлиги ва доимий такомиллашувини белгилайди.

Ҳуқуқий давлатда чиқарилаётган қонунлар, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият қарорлари, судлар фаолияти мансабдор шахсларнинг хоҳиш-иродасига ёки бир қисм гуруҳ-бозларнинг тазйиқига, талабига ёхуд бирор нуфузли кишининг илтимосига боғлиқ бўлмайди. Албатта, юқорида айтилганлардан ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлар экан, зиддиятлар бартараф этилар, одамлар фариштадек софдил, ҳалол ҳаёт кечирар экан, деган хулоса келиб чиқмайди.

Ғарбдаги ҳуқуқий давлатларда ҳам порохўрлик, қаллоблик, жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатлар кам эмас. Маънавий ҳаётда ҳатто аксилмаданият ҳодисалари — фаҳш, зўравонлик, даҳшатни тараннум этувчи кинофильмлар, видеофильмлар, турли нашрлар, агар улар мавжуд конституциявий тузумни куч ишлатиш орқали ағдариб ташлашга даъват этмаса ҳамда инсон саломатлигига, табиатга бевосита зарар етказмайди, деб топилса, бемалол руҳсат этилади. Бу инсоннинг ижод қилиш, ахборот олиш, тадбиркорлик ҳуқуқи ҳисобланади. Ғарб мамлакатларида сўнгги йилларда русумга айланган «гей-парад»ларни («бесоқоллар» ва шу кабилар намоиши) нима деб аташни ҳам билмайсан — эркинликнинг масхарабозлигими ёки демократиянинг сохталаштирилиши? Чунки Ғарб мамла-

¹ **Ислом Каримов.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 11–12-бетлар.

катларида ноанъанавий жинсий мўлжалдаги кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқлари чекланмай қўйилганига анча бўлган, баъзи бир давлатларда ҳатто бир жинсли никоҳларга руҳсат берилган.

Қайсидир жамоат ташкилотлари у ёки бу давлатлардаги демократия даражасини гей-парадларни эркин ўтказишга монелик қилмаслик билан белгилашга уринмоқда. Бундай намоёишларга Европанинг барча пучмоқларидан ноанъанавий жинсий мўлжалдаги кишилар йиғилади, чунки бир мамлакатнинг ўзида намоёиш учун зарур миқдорда кишилар тўпланмаслиги ёки уларнинг катта қисми ўз интилишларини ошқора кўз-кўз қилишни истамасликлари мумкин. Ушбу муносабат билан эътироф этмоқчи эдикки, инсоннинг айрим табиий физиологик эҳтиёжлари ҳақида очиқча гапириш ва бошқаларнинг кўз ўнгида уларни амалга ошириш қабул қилинмаган. Ахлоқ, шарм-ҳаё бунга йўл бермайди. Жинсий эҳтиёжлар шулар қаторига киради.

Гей-парадларнинг иштирокчилари демократияни ривожлантириш ва камсонли махсус озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлашдан кўра кўпроқ ўзларини реклама қилиш, сохта обрў тўғрисида қайғураётган бўлса, не ажаб. Бундай имкониятдан ҳатто европарламентнинг айрим депутатлари ҳам фойдаланиб қолишдан тийилмаяпти.

Келтирилган мисол нафақат Фарб маънавиятининг инқирозидан далолат беради, шунингдек маданият ва аксилмаданият ўртасидаги чегара йўқолиб бораётганини кўрсатади. Ҳеч бир жамиятда мутлақ тўғри ижтимоий муносабатлар қарор топиб, фуқаролар 100 фоиз мукамал бўлмайди. Аммо демократик, ҳуқуқий давлат одамларга энг кўп ва қулай шароит яратадиган, ўзи ҳам узлуксиз ривожланиб, ижтимоий тараққиётни таъминлай оладиган сиёсий ташкилотдир.

Лекин, таъкидлаш жоизки, Фарб ҳуқуқий давлатлари турмуш тарзида биз учун номаъқул бир жиҳат бор: бу—одамларнинг, жумладан, яқин қариндошларнинг ҳам ўзаро бегоналашуви, улар ўртасида меҳр-оқибатнинг пастлиги. Биз Фарбдан демократик, ҳуқуқий давлат тамойилларини умумбашарий қадрият сифатида қабул қилиб, уни ўзимизнинг энг яхши миллий қадриятларимизга пайванд этишимиз,

жамият аъзолари ўртасидаги илиқ муносабатларни, хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам ва ҳ.к.ларни сақлаб қолишимиз керак.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти натижалари ҳақида гапириб, ҳаққоний таъкидлаганидек: «мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди»¹.

Жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга нисбатан бундай ёндашув келажакда ҳам сақланиши лозим.

Ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса қонун ва қонунга онгли равишда итоат доирасида кечиши керак. Шахснинг роли эса тарихий заруратни, ўз соҳасидаги ижобий тенденцияларни, янги эпкинларни бошқалардан олдинроқ пайқаб олишда, жамоатчиликни улардан хабардор қилишда, қонун доирасида ўзининг буюк яратувчилик, ижодкорлик, ташкилотчилик имкониятларини амалга оширишда намоён бўлади. Ҳуқуқий давлатда шоҳ ҳам, гадо ҳам қонун олдида тенг. Ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволи ҳеч кимга имтиёз бермайди (бундан қонунда кўзда тутилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар—ногиронлар, ёш болали оналар, қариялар, балоғат ёшига етмаганлар истисно). Ҳақиқий демократик тафаккур, ҳуқуқий давлат шахсга сифинишнинг ҳар қандай шаклини инкор қилади. Жамият бир кишининг, ҳатто у даҳолар даҳоси бўлса-да, дидига, фаҳм-фаросати ва дунёқарашига мослашиб яшаши мумкин эмас. Бу жамият учун ўта хавфли ва истиқболсиз, чунки оқибатда инсонпарварлик унутулишига, адолатсизликка, яккахокимликка ва тоталитаризмга йўл очади. Жамиятни боши берк кўчага олиб киради. Шахсга сифиниш халқни, давлатни қандай балоларга гирифтор қилиши мумкинли-

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. 6–7-бетлар.

гини Сталин ва Гитлер даврларида собиқ СССР ва Германия халқларининг чеккан азоб-уқубатлари, берган қурбонлари, тарихнинг аччиқ сабоқлари кўрсатди.

Шахсга сиғинишнинг оқибатлари барча тарихий даврларда бир хил бўлган. Шу боис ислом ҳам Оллоҳдан ўзгага сиғинманг, дейди. Бу исломнинг нафақат бут ва санамларга, шунингдек, буюк шахсларга сиғиниш ҳам мумкин эмаслигини халқ онгига сингдиришга интилиши эди (маълумки, қадимги даврлардаёқ баъзи ҳукмдорлар илоҳийлаштирилган, улар худоларнинг инсон қиёфасида туғилган фарзандлари деб ҳисобланар эди. Масалан, Миср фиръавнлари, Искандар Зулқарнайн ва бошқалар. Қадимги Римда ҳам Юлий Цезарь ва Август шахслари илоҳийлаштирилган). Лекин айна пайтда у қонунга итоат этишга чорлайди: «амри... вожиб». Афсуски, исломнинг бундай оқилона талабларининг биринчисини ўрта асрларда турли ғаразли, шахсий манфаати ва шуҳратини кўзловчи дин арбоблари буздилар. Натижада «азиз-авлиёлар», шайху эшонлар шахсига, турли катта-кичик амиру хонлар шахсига сиғиниш одати пайдо бўлди. Бу миллатимиз, давлатимиз муштарақлигига, бирлигига, ижтимоий тараққиётимизнинг инқирозига, мамлакатимизнинг кичик хонликларга, амирликларга бўлинишига хизмат қилди.

Мавзудан бир оз чекиниб қуйидаги фаразни айтиб ўтмоқчимиз. Мумтоз исломнинг энг йирик алломалари, даҳо муҳаддислар — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, шариат мазҳаблари асосчилари — Абу Ҳанифа ва бошқалар, буюк мутакаллимлар (калом илми асосчилари) Абу Мансур ал-Мотурудий, Абул-Муъин ан-Насафий ва номи саналмаган кўплаб даҳолар дабдабали диний унвонларга эга бўлмаганлар. Оддийгина «имом» унвони билан чекланганлар. Уларнинг ислом илмига ва башарият тамаддуни ривожланишига қўшган ҳиссалари беқиёс. Номлари ва ижодлари жаҳон маданияти тарихида абадий муҳрланиб қолган.

Замондошлари ҳам, кейинги авлодлар ҳам уларни буюк даҳолар сифатида эътироф этиб, чуқур ҳурмат қилганлар. Лекин уларнинг шахсига сиғинилмаган. Улардан фарқли тасаввуф шайхларига аввал муридлари, сўнг аҳоли ҳам сиғина бошлаган. Балким, шу сабабдан Амир Темур тасаввуф шайхлари Аҳмад Яссавий ва бошқа баъзи бир машҳурларнинг

қабрларига мақбаралар қурдирган, ободонлаштирган. Аммо у на Имом ал-Бухорий, на Имом ал-Мотуридий қабрларига мақбара қурдирган. Чунки (бу, яна бир бор таъкидлаймиз, фақат фараз) уларнинг шахсига сиғиниш аввал ҳам, Амир Темур замонасида ҳам анъанага айланмаган.

Ислолда шахсга сиғиниш унда иррационализм кучайиб бориши жараёнида вужудга кела бошлади. Азиз-авлиёлар кароматлари, мўъжизалари ҳақида ривоятлар кўп тарғиб этилиши, айрим тасаввуф шайхлари, пири муршидларини валий ҳисоблаб, тавоф айлаш анъаналари аста-секин қарор топиши, ҳатто мозорларини зиёрат қилиш оқибатида уларнинг шахсига сиғиниш шаклланди. Бундай муносабат кейинчалик баъзи бир ҳукмдорларга нисбатан ҳам қайта тикланди. Анъанавий жамият белгилари кўпайиб, таназзул кучайган сайин, XIII асрдан пайдо бўла бошлаган мазкур бидъат, айниқса, XVI–XVII асрларда мустаҳкамланган.

Халқнинг буюк шахсларга муносабати ва қонунга итоатгўйлиги жамиятда узоқ йиллардан буён ҳукм суриб келётган муайян тарбия тизимига, эътиқодга, дунёқарашга боғлиқ. Оврупода протестантизмнинг пуританий мазҳаблари тарқалган жойларда шахсга сиғиниш вужудга келмаган (Англия, Голландия, Швейцария, АҚШ, Канада ва ш.к.). Инглизлар ўз қиролини (қироличасини) жуда севади. Унга Ватаннинг, миллатнинг рамзи, жипслаштирувчи кучи деб қарайди, лекин сиғинмайди, қироллари учун ўлимга тик боришга тайёр, буни улар Ватанга хизмат деб билади.

Америкаликлар ҳам президентларини миллатнинг етакчиси деб ҳисоблайдилар, уни чуқур ҳурмат қилади, кўрсатмаларини (қонун доирасида бўлса) сўзсиз бажаради. Аммо ҳуқуқий жиҳатдан, фуқаро сифатида, ўзларига тенг деб билади. Уларда атоқли шахсларга, миллат раҳбарларига бундай демократик муносабат бир авлод умри давомида шакллангани йўқ. У Оврупода Ренессанс, XVI аср Реформацияси ва XVII–XVIII асрлар Маърифатпарварлик даврида қарор топган тамойиллар ва меъёрларнинг тарбияда қўлланилиши, кенг омманинг эътиқодига айланиши, капиталистик муносабатларнинг, эркин тадбиркорликнинг қарор топиши натижасидир. Минг афсус билан қайд қилиш лозимки, бизда айнан ўша асрларда тарбия тамойиллари ушбу маса-

лада (буюк шахс ва мансабдорга муносабат масаласида) тескари томонга қараб ўзгарган.

Ҳуқуқий давлат шаклланиши учун ҳеч бир инсон бошқа инсоннинг, ҳеч бир шахс бошқа шахсларнинг ва жамиятнинг устидан ноқонуний ҳукмронлик қилиши мумкин эмас. У фақат қонун доирасидагина бошқаларни, жамоани, давлатни бошқариши мумкин. Ҳуқуқий давлат шахснинг шахсга ёки жамоанинг шахсга қарамлигини тўла инкор этади, лекин унинг амрига қонун ва қонуний хизмат бурчи доирасида бўйсунганини тақозо қилади.

Ҳар бир тарихий давр, ҳар бир жамият шахснинг муайян типини тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражасидан ва заруратидан келиб чиқиб маълум талаблар қўяди. Бу талаблар жамият маънавиятида—ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик баҳолари, оморлари, меъёрлари тизимида, маънавий муҳида, ижтимоий мўлжалларида ўз аксини топади. Таълим ва тарбия тизими уларга мослашади, улар асосида ёш авлодни шакллантира бошлайди. Шундай қилиб, оқибат-натигада одамларнинг дунёқараши, интилишлари, жамиятга ва оламга, ўз-ўзига муносабати, давлат тузумининг қандайлиги, ривожланиш тенденциялари қўп жиҳатдан маънавиятга боғлиқ. Маънавият қандай бўлса, инсон ва давлат тузуми шундайдир, дейиш жоиздир.

Демократик, ҳуқуқий давлат қарор топиши миллий жипсликни, миллий консолидацияни тақозо этади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик авж олган, сиёсий партиялар кураши муросағўйликни, келишувчиликни билмай, салбий хусусият касб этган мамлакатда ҳақиқий демократия вужудга келмайди. Ушбу муносабат билан демократия — бу сиёсий партияларнинг парламентдаги консенсуси (келишуви) ва бир-бирига нисбатан яратувчанлик руҳидаги муҳолифлигидир дейиш мумкин. Жамият миқёсида эса турли ижтимоий қатламларни муҳим масалаларни ҳал қилишда ҳамкорлигидир. Демак, миллий муштараклик, жипслик мустаҳкамланиши, ҳақиқий демократия ривожланиши учун маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва шулар каби бошқа иллатлардан қутулиш, умум-миллий манфаатларни тор синфий, табақавий, минтақавий, партиявий манфаатларидан устун қўя билиш, уларни ўзаро мослаштира олиш зарур. Бу жамиятда муайян маъ-

навий-маърифий, тарбиявий ишлар олиб боришни, умум-миллий қадриятларни, умуммиллий ғояни шакллантиришни тақозо этади. Миллий истиқлол ғояси негизида шаклланаётган мафкура жамият олдига давр қўйган долзарб вазифаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ тамойиллар, ғоялар, узоқ истиқболни асослайдиган назарий концепциялардан, умуминсоний қадриятларни ифодалайдиган баҳолар, тушунчалар, меъёрлардан иборат бўлади. У ҳар бир конкрет тарихий даврда у ёки бу даражада ўзгариб туради, янги туғилган муаммоларни ечишга қаратилган янги талаблар билан бойийди, аввалги, яъни аллақачон ҳал қилинган вазифаларни ечишга жамият аъзоларини сифарбар этишга қаратилган мафкуравий талабларни, ғояларни янгилайди. Мафкура жуда ҳаракатчан, динамик ҳодисадир.

Сиёсий партияларнинг, синфлар ва йирик ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг мафкураси бир-биридан фарқ қилади. Жамият миқёсида уларнинг ҳар бирини хусусийлик деб, миллий истиқлол мафкурасини эса улардаги умумийлик, муштараклик деб баҳолаш мумкин. Миллий истиқлол ғояси, энг аввало миллий консолидацияга хизмат қилади, у синфий ва табақавий манфаатлардан устун. У турли ғаразли геосиёсий манфаатларни кўзлаган ташқи кучларнинг, миллий жипсликка путур етказишга қаратилган диний-экстремистик, сепаратистик (айирмачилик), сохта демократия ва инсон ҳуқуқлари ғоялари билан ниқобланган мафкуравий хуружларига қарши туради. Миллий истиқлол мафкураси тор синфий ва табақавий манфаатлардан устун бўлгани учун фуқаролик жамияти мустаҳкамланишига хизмат қилади. Уни шартли равишда шаклланаётган фуқаролик жамияти мафкураси, дейиш мумкин. Унинг мазкур сифати демократияни ривожлантиришга, инсон омилини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ҳақиқий демократиянинг хусусиятларидан яна бири давлатнинг (парламент ва ҳукуматнинг) озчилик манфаатларини, хоҳиш-иродасини инобатга олиши ва қондиришидир. Бундай демократия сиёсий маданият ва умуман маънавият анча юксалган, ҳуқуқий давлат қарор топган шароитда яққол намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, демократиянинг, ҳуқуқий давлат-

нинг умумэътироф этилган тамойиллари, меъёрлари мавжуд бўлса-да, ягона универсал шакли йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ноёб такрорланмас ўтмиши, тарихи, ўзига хос табиати, яшаш шароити, маданияти, ижтимоий ҳаёти, турли-туман муаммолари бор. Мутлақ бир хил икки инсонни топиш мумкин бўлмаганидек, мутлақ бир хил бўлган икки халқ, икки давлат ҳам йўқ. Шу сабабдан Ислом Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек: «Ҳар жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур»¹.

Ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, қонунларга итоатгўйлик, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, турли сиёсий партиялар мафкураси, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, фуқаролар интизоми, дунёқараши, психологияси, сиёсий фаоллиги, сиёсий маданияти маънавиятнинг таркибий қисмлари эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг демократик, ҳуқуқий давлат қуришдаги, тараққиётнинг ўзбек модели шаклланишидаги роли ва аҳамияти анча ойдинлашиб қолади.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ва демократия бири билан анча маҳкам боғланган. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери ошиб боргани, миллий ва халқаро иқтисодий интеграция кучайгани сайин бу боғлиқлик янада мустаҳкамланади. Биринчидан, бозор конъюнктурасини ўрганиш, турли узоқ-яқин шериклар билан, солиқ, молия-кредит, суғурта ва бошқа тузилмалар билан алоқа қилиш зарурати, технологияларнинг шиддатли янгиланиши йирик фирма ва корхоналарни коллегиял бошқаришни тақозо этади. Хорижда йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, фирмалар, компания ва корпорациялар нафақат раис (президент) томонидан, шунингдек, директорлар кенгаши, бошқарув кенгаши каби коллегиял органлар томонидан ҳам бошқарилади. Акционерлар конференцияси, қурултойи ёки умумий йиғилиши бошқарувнинг олий органи ҳисобланади. Бундан ташқари турли-туман ички

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. 101-бет.

кузатув ва назорат тузилмалари мавжуд. Яъни демократия йирик корхоналарни ташкил қилиш ва бошқариш усулига аллақачон айланган.

Бизда ҳам акционерлик жамиятлари ва ш. к. ларда бошқарув мутараққий мамлакатларидагидек кўриниш ҳосил қилмоқда. Иккинчидан, жамиятнинг демократиялашуви макроиқтисодий жараёнда ҳам ўз аксини топади. Ислоҳотлар ҳуқуқий базасининг кенгайиши ва такомиллашиши, қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг демократик характери иқтисодий муносабатлар эркинлашувига, иқтисодиёт ривожланиши учун шарт-шароитларнинг яхшиланишига хизмат қилади.

Демократия иқтисодиёт йўлида пайдо бўладиган бюрократик тўсиқларни, коррупция ва тамагириликни келтириб чиқарувчи сабабларни анча камайтиради. Олигархия ўзбошимчаликларини чеклайди. Бу борада қонун устуворлигини таъминловчи давлат институтлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, айниқса, мустақил оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта.

Демократия иқтисодий ташаббускорлик, фаоллик, тадбиркорлик ўсишига, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига, яширин иқтисодиётнинг эса ижтимоий базаси торайишига хизмат қилади. Ислом Каримов ниҳоятда тўғри эътироф этганидек: «Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади»¹.

Тоталитар давлат иқтисодиётни аста-секин турғунликка, таназзулга олиб келади. Ялпи назорат ўрнатилгани, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий жазолаш усуллари қўлланилгани туфайли, бундай давлатда дастлаб иқтисодий жонланиш, ўсиш кузатилади. Лекин маъмурий буйруқбозлик шароитида иқтисодий эркинлик етишмаслиги тадбиркорликни чегаралайди, монополизмни кучайтиради. Ўсиш суръатлари аста-секин пасая бошлайди. Агар то-

¹ **Ислом Каримов.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 10-б.

талитар давлат хусусий мулкчиликдан воз кечган социалистик тузумга мансуб бўлса, иқтисодий самарадорлик ниҳоятда пасайиб, сарф-харажат жуда ошиб кетади (собиқ СССР ва социалистик мамлакатлар). Бундай вазиятда статистик маълумотларни сохталаштириш, иқтисодий аҳволни бўяб-безаб кўрсатиш амалиёти пайдо бўлади. Демак, демократия етишмаслиги пировардида иқтисодий турғунликка йўл очади. Шундай қилиб, демократия самарали иқтисодий сиёсат юритишда қудратли рағбатдир.

Ўз навбатида, иқтисодиёт ҳам демократия ривожланишига кучли акс таъсир кўрсатади. Биринчидан, иқтисодиёт демократия ривожланиши учун моддий асосга ва серунум заминга айланади. Мулкнинг турли шакллари жамият ижтимоий-синфий таркибининг ранг-баранглигини белгилайди. Ижтимоий қатламлар ўз иқтисодий манфаатларини, сиёсий интилишларини ҳимоя қилиш, юзага чиқариш мақсадида ҳақиқий кўппартиявийликни вужудга келтиради. Кўппартиявийлик фикрлар, қарашлар, назариялар, сиёсий платформалар ранг-баранглигини оширади, давлат бошлиғи ва парламент сайловларини демократлаштиради, муҳолифатни вужудга келтиради. Конструктив муҳолифат бор мамлакатда давлат идоралари устидан жамоат назоратини ўрнатиш, ижроия ҳокимиятидан ҳисобот талаб қилиш имкониятлари ва амалиёти кучаяди. Мамлакатда фуқаролик жамияти шакллана бошлайди.

Иккинчидан, кўп мулкчилик сақланиб қолган жойда, ҳатто ҳарбий режим ўрнатилиб, сиёсий демократия бўғилган шароитда ҳам, бозор муносабатлари иқтисодиёт соҳасида стихияли равишда аксарият эркинликларни сақлаб қолади. Шу сабабдан Тайвань, Чили, Жанубий Корея ҳарбий режим даврида иқтисодий юксалишга эришди. Бу оқибат-натигада сиёсий режимни ҳам либераллаштиришга олиб келди. Хитойда Дэн Сяопин ташаббуси билан иқтисодий ислохотларнинг бошланиши, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг ривожланиши сиёсий режимни анча юмшатди. Бугун ХХРда ҳам демократия унсурлари тобора кўпаймоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, кўпмулкчиликка таянган бозор иқтисодиёти демократия ривожланишининг муҳим омили, ҳаракатлантирувчи моддий кучидир. Бозор иқти-

содиёти, кўпмулкчилик бор жойда сиёсий демократияни тиклаш осон. Лекин бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган, кўпмулкчилик амалда энди мустақамланаётган, ишлаб чиқаришга чуқур сингиб кетмаган жойда энг замонавий демократик қонунлар қабул қилинса-да, сиёсий ва ижтимоий ҳаётни демократиялаш секинроқ кечади. Чунки ижтимоий онг инерцияси халақит беради.

Жамият демократиялашуви нафақат сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётда, шунингдек, иқтисодиётда ҳам намоён бўлади. Энг аввало давлат турли корхоналарнинг ички ишига, корхоналараро иқтисодий муносабатларга аралашмайди. Балки уларни Солиқ кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонунлар орқали тартибга солади. Қонун доирасида хўжалик юритувчи субъектлар эркиндирлар. Хўжалик субъектларининг давлат билан муносабатлари, ўзаро алоқалари ва мажбуриятлари фақат шартномалар асосида амалга оширилади. Бу корхона бўлинмаларининг ички муносабатларига ва ишчи-ходимларни ёллаш, лавозимга тайинлаш, озод қилиш масалаларига ҳам тааллуқли. Демократик жамиятда корхона наинки иқтисодий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам мустақилдир.

Маъмурият билан шартнома тузсагина, касаба уюшмаси ва бошқа ҳар қандай жамоат ташкилотлари корхонада фаолият кўрсатиши мумкин. Ҳеч ким корхонани мажбур қилиб унда бирор ташкилот тузилмасини очишга ҳақли эмас. Совет даврида биз бу ҳол аксининг гувоҳи бўлдик: ҳар бир корхонада бошланғич партия, комсомол ташкилотлари тузилиши шарт эди. Уларга кабинетлар, телефон алоқаси, коммунал хизматлар корхона ҳисобидан бепул берилар эди.

Эркинликнинг иқтисодий муносабатларда намоён бўлиш шаклларида яна бири—рақобатдир. Шу боис мулклар ўртасида тенг ҳуқуқчилик ва уларга тенг имконият яратишни истайдиган, иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришга интиладиган ҳар бир демократик давлат монополияга қарши қонун қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг ишлаши учун самарали механизм яратади ва ҳар иккаласини такомиллаштириб боради. Шунда ҳақиқий рақобат юзага келади ва иқтисодий муносабатлар демократиялашувига ўз ҳиссасини қўшади. Ўзбек модели са-

марадорлигини ошириш монополияга қарши қонунни амалда ҳаётга фаолроқ татбиқ этишни, бу ишга мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари ишини, қонунни ишлатувчи механизмни яхшилашни талаб қилади.

Корхоналардаги ички демократия кўринишлари ранг-баранглиги тўғрисида ҳам гапириш керак. Юқорида қайд этилган, ички шартномавий муносабатлардан ташқари, акционерлик жамиятларида муҳим қарорлар қабул қилиш ва дивидендларни тақсимлаш, инвестицион тадбирлар, умуман хўжалик харажатлари акциядорларга тўлиқ маълум бўлиши, яъни «шаффоф» бўлиши ички демократияга мисолдир. Тўғри, корхоналар баъзи бир тижорий маълумотларни, «ноухау» режаларини, айрим шартномаларни сир сақлайди, ҳарҳолда хизмат доирасидан ташқарида ошкор қилмайди. Лекин бу ишлаб чиқаришни демократик асосда ташкил қилишга ва бошқаришга халақит бермаслиги лозим.

Жамиятнинг демократиялашуви иқтисодиётга ҳар жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади, шу жумладан, ишга ёлловчилар ва ёлланувчилар ўртасида ҳамкорлик муносабатлари қарор топишига ҳам. Демократия, шунингдек, яширин иқтисодиёт кенгайиши ва ўсиши йўлида тўсиқлар ҳосил қилиб, уни анча чеклайди. Яширин иқтисодиёт – иқтисодий жиноятчилик маҳсули. У ҳатто демократик мамлакатларда тўлиқ йўқолмайди. Лекин солиқ тизими адолатли, қонун устувор, иқтисодиётда давлат ва жамоат назорати самарали бўлган, иқтисодий эркинликлар таъминланган жамиятда яширин иқтисодиётнинг замини торайиб боради. Чунки жамият аъзоларининг аксарият қисми даромадларини солиқдан яширишга, тадбиркорлик билан яширинча шуғулланишга, ташмачилик, ҳужжатларни ва маълумотларни қалбакилаштиришга, жамиятдаги даромадларни қайта тақсимлашнинг бошқа ноқонуний шакллари билан шуғулланишга эҳтиёж сезмайди. Фақат ўзларидаги «олтинга малъун эҳтиросни» енголмаган ҳамда наркобизнес, яширин қиморбозлик, ноқонуний қурол-яроғ сотиш ва бошқа тақиқланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланадиган ёки осон йўл билан мўмай даромад келтирадиган пудрат буюртмалари олишга интиладиган уюшган жиноятчилик яширин иқтисодиётни келтириб чиқаради ва доимо озиқлантириб туради.

Лекин демократия чекланган, иқтисодий эркинлик етишмайдиган, меҳнатга ҳақ тўлаш жуда паст ва адолатсиз жамиятларда яширин иқтисодиётнинг ижтимоий базаси кенгайди. Биринчидан, сармоядорлар ва тадбиркорларнинг анчаси маҳсулотлари ва даромадларининг бир қисмини ҳисоботдан (бинобарин, солиқдан) яширишга ҳаракат қилади. Икки хил баланс юритилади. Ҳисоб-китоблар нақд пул тўлаш ва ҳ. к. орқали амалга оширилади. Натижада бозорда хом ашё, ресурслар, тайёр маҳсулотлар, валюта сотиш ва харид қилиш икки хил—очиқча, қонуний ва яширинча, ноқонуний кўринишда олиб борилади. Яширин иқтисодиётда жуда улкан миқдорда пул-валюта воситалари тўпланadi ва ноқонуний айланиб юради. Бу расмий пул айланмасига жуда катта зиён етказadi ва инфляция суръатларини ўстиради.

Ноқонуний топилган пулларни «ювиш», шубҳали операциялар ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлари эвазига банк ва молия-кредит тизими, уларни кўриб ўзини кўрмаганга олган солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг баъзи ходимлари тамагирлик қила бошлайдилар. Жамият коррупциялашиб, криминаллашиб бораверади. Яширин иқтисодиёт сармоядорларидан ҳақ олиб турадиган рэкетёрлар (талончилар) пайдо бўлади. Рэкетнинг пайдо бўлиши майда, кичик хунармандчилик ва тадбиркорликнинг бир қисмини яна нолегаллашишга, даромадини яширишга ундайди. Уюшган жиноятчилик яширин иқтисодиётни ривожлантиради. Аста-секин ижтимоий ва хусусий муносабатларнинг айримларини олди-берди воситасида ташкил этиш тенденцияси кучаяди.

Иккинчидан, жамият аъзоларининг сезиларли қисми даромадларни стихияли қайта тақсимлашга киришади. Бундай йўлга кирган ишчилар ташмачилик қилади, деҳқонлар ҳосилнинг бир қисмини хирмондан уради, университетларнинг профессор-ўқитувчилари талабалардан синов ва имтиҳонларда ҳақ олади, тиббиёт ходими касални мумкин қадар узоқроқ даволашдан манфаатдор бўлади. Амалдор бировни вазифага тайинлашда, бирор юридик ёки жисмоний шахснинг ҳожатини чиқаришда пора олади. Ҳатто лавозимлар ва «хизмат турларининг» прејскурант

нархи белгилаб қўйилади. Тўғри, бундай йўлга жамиятнинг озчилиги киради. Аммо йилдан-йил аҳвол ўзгармай қолаверса, улар сони аста-секин ўса бошлайди. Оддий ишчи-хизматчилар бундай ишга муҳтожликдан, оиласи учун нисбатан қониқарли турмуш даражасини таъминлаш мақсадида қўл уради. Бу ҳали яширин иқтисодиёт эмас, балки майда ўғирликдир.

Аммо бойлик тўплаш ниятида катта миқдорда пора олаётган амалдор, ўта катта ҳажмда корхона мулкани (акционерлар, ҳамкорлар, давлат мулкани) талон-торож қилган мансабдор шахслар, гуруҳлар хатти-ҳаракати яширин иқтисодиёт кўринишларидан биридир. Майда ўғирлик, тамагирлик яширин иқтисодиётни озиклантириб, миқёсини кенгайтириб боради.

Ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликлари, собиқ «режали иқтисодиётга» хос бўлган маъмурий буйруқбозлик асоратларининг тўлиқ бартараф этилмаганлиги натижасида иқтисодий эркинликнинг етишмаслиги, умуман демократлаштириш ҳали давом этаётган шароитда ўзбек модели шаклланиши ва ривожланишига ҳам юқорида қайд қилинган иллатлар салбий таъсир кўрсатди. Ислоҳ Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳар хил бюрократик тўсиқлар ва бошқа ғовлар ҳақида гапириб, қуйидагиларга алоҳида урғу берганди: «Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг тамагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устингдан жинойи иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда»¹.

Демократик, ҳуқуқий давлатда амалдорларнинг ўзбошимчалигини чекловчи механизм вужудга келади. Бундай давлатларда ҳам бюрократизм етарлича бўлса-да, амалдор очиқчасига қонунни ёки хизмат йўриқномасини буза олмайди.

¹ **Ислоҳ Каримов.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиривард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 90–91-б.

Иқтисодий эркинликни таъминлаш, жамиятни демократлаштириш анча мураккаб, масалаларни комплекс ҳал этишни ва нисбатан кўп вақтни талаб этадиган жараён.

Демократик қонунлар, меъёрлар, улар рухсат берган иқтисодий эркинликлар давлатнинг оқилона иқтисодий ва солиқ сиёсати, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли ставкалари билан мустаҳкамланмас экан, самара бермайди, шаклий кўринишдан нарига ўтмайди. Иқтисодий қийинчиликлар, тақсимотдаги замон туғдирган талаблар ва эҳтиёжлар жамият миқёсида минимал ва ўртача даражада қондирилмаслиги майда ва катта-кичик ўғирликни, яширин иқтисодиётни келтириб чиқаради. Жамият ахлоқини, ҳуқуқий онгини, шахслараро ва бошқа ижтимоий муносабатларни, умуман жамият маънавиятини бузиб юборади, издан чиқаради, демократияга путур етказди. Фарб мамлакатларида ҳам нисбатан иқтисодий фаровонлик яратилмаганга қадар бугунги тушунчадаги демократия йўқ эди.

Ўзбек моделини такомиллаштириш зарурати демократия ва бозор иқтисодиёти диалектикасини яхши ўрганиб, уни амалда ҳисобга олишни тақозо этади. Биз танлаган модель нафақат юксак иқтисодий тараққиётни таъминлаши, яширин иқтисодиётни максимал чеклаши керак, шунингдек, жамиятнинг криминаллашиши, коррупция ривожланиши олдини ҳам олиши, маънавият юксалишига хизмат қилиши зарур. Шу боис, Ислом Каримов: «Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғимиз даркор»¹, деб алоҳида уқтиради.

Жамият сиёсий ҳаёти демократлашуви, ҳақиқий кўп партиявийлик ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий тараққиётга кўмаклашади. Партиялар дастурларида турли ижтимоий қатламлар иқтисодий манфаатлари, келажак тараққиёт стратегияси, жорий сиёсат тактикаси акс этади. Бу мафкуралар, концепциялар плюрализмидан, баҳсини, курашини келтириб чиқаради. Лекин, иккинчи томондан, партиялар ўртасида носоғлом рақобат қарор топса, кўп партиявийлик жамият ҳаётини мафкура-

¹ Ўша асар, 11-бет.

лаштириш ва сиёсийлаштириш эҳтимолини ҳам юксак қилиб қўяди. Фақат сиёсий ва иқтисодий барқарорлик кучли, қонун устувор мамлакатларда бундай эҳтимоллик анча пасаяди, партиялар ўртасидаги кураш демократик тамойиллар асосида, қонун доирасида олиб борилади. Демократик анъаналар яхши шаклланмаган, заиф мамлакатларда эса партиявий курашлар мурасасизлик, гуруҳбозлик кўриниш касб этиши, жамиятда сиёсий ва иқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Демократик мамлакатлар парламентида ҳам партиявий фракциялар ўртасида муҳим, принципиал масалаларда мурасага, келишувга (консенсусга) эришилмаса, парламент инқирози рўй беради, аммо бу сиёсий ва иқтисодий барқарорликни муҳофаза қилади. Чунки парламент тарқатиб юборилади ва қайта сайловлар белгиланади. Бундай ҳолат ҳукумат ва парламент ўртасида баргараф этиб бўлмайдиган зиддият келиб чиқса ҳам юз беради. Аммо сиёсий тизимнинг ёки бутун жамиятнинг инқирози рўй бермайди. Янги сайловларнинг белгиланиши қарор топган сиёсий ва иқтисодий барқарорликни ҳимоя қилади. Демократик анъаналар заиф мамлакатлардагина партиялар ўртасидаги кураш жамият барқарорлигини бузиб юбориши мумкин.

Ғарбда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий манфаатлар учун кураш тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилиш мақсадида парламентга ва ҳукуматга таъсир кўрсатишнинг турли шакллари вужудга келтирди. Бу оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрини тайёрлаш, унга таяниб зарур лойиҳаларни таклиф қилиш ёки ўз лойиҳасини ўтказиш учун тегишли депутатлар, сиёсатчилар, экспертлар орасидан лоббистлар (бирор гуруҳ ёки ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилувчи, расмий ваколатга эга кишилар) гуруҳини ташкил қилиш ва шу кабиларни вужудга келтирди.

Лоббизм ўз-ўзидан салбий ёки ижобий баҳоланмаслиги лозим. Кўпинча лоббизм орқали ҳақиқатан жамиятга фойдаси тегадиган қонунлар, қарорлар қабул қилинади, айрим ҳолларда эса лоббизм фақат тор доирадаги гуруҳлар манфаатини кўзлайди. Шу боис лоббизмга ҳар бир

конкрет ҳолатда қабул қилинган ҳужжат моҳиятидан келиб чиқиб баҳо бериш зарур. Лекин лоббизмнинг ўзи ҳозирги замонда давлат ҳокимиятига таъсир қилиш воситаларидан биридир. У демократик жамиятда кўпроқ демократик, ижобий тус олиши мумкин. Аммо демократия ривожланмаган жамиятда у парламент ва ҳукумат фаолиятини муайян масалада ўз фойдасига қараб буриш қуролига айланади.

Келажакда бизда ҳам лоббизм у ёки бу даражада ривожланиши тайин. Аммо у ижобий мазмун касб этиши учун жамият юксак суръатларда демократлаштирилиши, маънавий жиҳатдан юксалиши лозим.

Демократия ривожланиши, юксак маънавий маданият лоббизмни тўғри йўлга бошқариш, ундаги потенциал гуруҳбозлик ва тарафкашликнинг салбий имкониятларини чеклаш ва, аксинча, ижобий салоҳиятини мустаҳкамлаш, консенсусга эришиш ва озчилик манфаатларини кўпчилик манфаатлари билан мувофиқлаштириш механизмини вужудга келтиради.

Лоббизмнинг ташкилотчилари кўп ҳолларда партиялар бўлади. Улар иқтисодий сиёсатларини амалга оширишда лоббизмдан тактик восита сифатида фойдаланадилар.

Партияларнинг ўзаро кураши, иқтисодий стратегия ва тактикаси тараққиёт моделига таъсир кўрсатади. Иқтисодий модель танланиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилиши учун парламент томонидан бир қатор қонунлар мажмуи қабул қилинишини тақозо этади. Бу эса ҳар бир қонуннинг парламентдаги партиявий фракциялар ва гуруҳларнинг кўпчиликка маъқул тушадиган лойиҳасини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шундай қилиб, тараққиёт моделининг ҳуқуқий асоси партияларнинг тортишувлари, келишувлари орқали такомиллашиб боради. Лекин иқтисодий қийинчилик ва таназзул шароитида партиявий курашлар муросасизлик тусини олса, деструктив лоббизм кучайса, бошқа қонунларнинг айрим томонларини иҳоталаб қўядиган хато қонунлар қабул қилинса, тараққиёт модели механизми ишдан чиқиши мумкин.

Парламентдаги фракцион курашлар нафақат тараққиёт моделининг ҳуқуқий асослари шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатади. У, шунингдек, парламент-

да ҳукуматнинг, алоҳида вазирликнинг ёки бошқа иж-роия идоранинг фаолиятини муҳокама этиш, баҳолаш, зарур ҳолларда ишончсизлик билдириш (ҳукуматга) ор-қали ҳам тараққиёт моделининг амалий томонини тако-миллаштиради, қисман ёки сезиларли ўзгартишлар ки-ритидаи ва ҳ. к.

Тараққиёт моделига айрим сиёсий партияларнинг ҳокимият учун кураш даврида популистик (оломонга ёқадиган, лекин ҳавойи, нореал) шиорларни, моддий-молиявий таъминланмаган лойиҳаларни олға суриб, жа-моатчиликни чалғитишлари, омманинг бир қисмини сохта шиор ортидан эргаштириши эса салбий таъсир кўрсатади. Шу боис партияларнинг амалий фаолияти миллий ғоя ва мафкурага зид бўлмаслиги, умуммиллий жипсликка пу-тур етказмаслиги зарур. Яъни улар фаолияти нафақат рас-мий-ҳуқуқий маконда, шунингдек, юксак ахлоқий, маъ-навий маконда ҳам кечмоғи лозим. Шунда демократия том маънодаги ҳақиқий демократияга айланади ва иқтисоди-ёт ўсишига, тараққиёт модели имкониятлари тўлароқ юзага чиқишига хизмат қилади.

Шу сабабдан Ўзбекистонни янада тараққий эттириш концепциясида сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш устувор вазифа си-фатида белгиланган: «Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамия-т қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаш-тириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини муста-ҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаол-лигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакл-лантиришдан иборатдир»¹.

Шундай қилиб, демократия, биринчидан, шахснинг эркин ривожланиши, унинг сиёсий ва иқтисодий фаол-лиги ўсиши, иккинчидан, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти шаклланиши ҳамда, учинчидан, иқтисодиёт ри-вожланиши, жамият ҳаёти эркинлашиши ва умуман иж-тимоий тараққиёт омилidir.

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тарақ-қиёт йўли. 30–31–б.

МАЪНАВИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Демократик жамиятда ҳукумат ва парламентнинг амалий фаолияти, қабул қиладиган қарорлари ва қонунлари орқали кўпчиликнинг сиёсий иродаси намоён бўлади. Аммо бу амалий фаолият, қонунлар ва қарорлар Конституцияга зид келмаслиги керак. Кўпчиликнинг сиёсий иродаси озчилик устидан ўзбошимчаликка айланмаслиги учун ҳуқуқий, демократик давлатда Конституциявий суд ёхуд Олий суд парламент ва ҳукумат ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини текшириб боради.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назоратни амалга оширувчи бошқа органлар (хўжалик судлари, прокуратура, давлат инспекцияларидан тортиб то Олий Мажлис ҳузуридаги омбудсмангача) ҳам ўз ваколатлари доирасида турли ижтимоий, сиёсий гуруҳларнинг, этник ва бошқа маданий-маънавий бирликларнинг манфаатларига путур етмаслиги тўғрисида қайғурадилар, уларни қонун кучи билан ҳимоя қиладилар. Кўпчилик ва озчилик манфаатларини мувозанатга келтиришга демократик жамиятда биринчи навбатда давлатнинг ўзи масъул.

Демократик жамиятда озчилик манфаатлари зарар кўрмаслигида, кўпчилик иродаси тўғри амалга ошишида давлатнинг ваколатли органларидан ташқари турли жамоатчилик, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, сиёсий партиялар, шу жумладан, ҳукуматга оппозицияда бўлган партиялар, мустақил оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Демократик жамиятда бундай ташкилотларнинг, турли ҳаракатларнинг, интилишларнинг мавжуд бўлиши динамик мувозанатни таъминлайди, фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни давом этмоқда. Биринчи чақирिқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I ва IX сессияларида, учинчи чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида Президент Ислом Каримов маърузаларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ма-

салалари кўтарилди. Уларни бажаришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Хужжатларда «давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эъгибор» қаратилиши билан бир қаторда, «марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳоқимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш» белгиланган¹.

Учинчи чақириқ Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Ислом Каримов «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ҳаётга жорий этишда «сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш»² лозим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Фуқаролик жамиятининг зарурлигини нималар белгилайди?

Ўтиш даврининг зиддиятларидан бири шундаки, аввалги сиёсий тузумнинг айрим институтларини қайта қуриш, тубдан янгилаш маълум вақт талаб қилади. Натижада демократиялашувга, иқтисодий ислохотларга, умуман янгиланиш жараёнига эски институтларнинг инерцион босими, тазйиқи секинлаштирувчи таъсир қилади.

Янгиланиш жараёнида, айниқса, унинг дастлабки босқичида давлат мулкани хусусийлаштириш ва қайта тақсимлаш, бозор муносабатлари асосларини жорий этишда айрим гуруҳлар, амалдорлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари ва фаол тадбиркорлар «каттароқ улушга» эга бўлишга интилади. Мулкни тақсимлаш жараёнида улар назорат механизмларини бўшаштириб юборишдан, анархия унсурлари кўпайишидан манфаатдордирлар. Ўтиш даврининг дастлабки босқичи учун хос бўлган уюлмаган савдо-сотиқ ва

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 11-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2003, 3-б.

² **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 39-б.

майда тадбиркорлик стихияси ҳам товар ва пул айланмасида анархия унсурларини вужудга келтиради, инфляцияни кучайтириб, умуман ижтимоий-иқтисодий интизомни бўшаширади, жамиятни эркинлик ва демократия негизида уюштиришга салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда эса баъзи бир архаик ёки янгитдан пайдо бўлган тузилмалар фаоллашиб қолади (масалан, экстремистик, тажовузкор диний секталар, мазҳаблар, сиёсий-экстремистик, ўта миллатчи ёки шовинистик гуруҳлар, сепаратистик гуруҳлар, уюшган жиноятчилик). Булар ҳаммаси йиғилиб ижтимоий барқарорликка путур етказиши, анча салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жамиятда, бир томондан, бошбошдоқликка, охлоқратияга мойиллик кучаяди, жиноятчилик ўсади, иккинчи томондан, «кучли ҳокимият»га, авторитар бошқарувга интилиш кайфияти зўраяди, шовинизм ва агрессив миллатчилик, диний ва сиёсий экстремизм учун замин етила бошлайди. Буни постсовет давлатлари тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Бундай шароитда давлат ҳокимияти бошқарув жиловини қисман қўлдан чиқариши, вазиятни охиригача назорат қилолмай қолиши ё, аксинча, демократияни чеклаб, маъмуриятчиликни кучайтиришга ҳаракат қилиши мумкин. Ҳар икки ҳолат ҳам ислоҳотларга, жамиятга фойда келтирмайди, коррупция ва порахўрликни авж олдиради. Биринчи ҳолатда мамлакат бойликларини талон-торож қилиш, капитални четга олиб чиқиб кетиш, корпоратив манфаатларнинг давлат манфаатларидан ҳам, фуқаролар манфаатларидан ҳам устун қўйилиши, яширин иқтисодиёт билан қисман қўшилиб кетиши ва криминаллашуви, жамиятда эса жиноятчиликнинг кескин ўсиши юз беради.

Иккинчи ҳолатда эса, давлат гўё қатъий маъмурий усуллар ёрдамида ислоҳотларни ўтказишда, жамиятни қайта қуриб янгилашда, умуман ижтимоий тараққиётни таъминлашда, айрим объектив қонунларга чала амал қилган ҳолда, юксак самарага эришиш, тараққиётни субъектив омиллар — халқ ташаббуси, давлатнинг қатъий сиёсати, назорати ва талаби ҳисобига тезлаштириш мумкин, деган нотўғри фикрга боради ва волюнтаристик усулларни қўллай бошлайди. Ҳокимият бу усулларга қаттиқ ёпишиб

олса, ўз сиёсатини амалга оширишга ҳатто ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларни жалб қилади. Улар ўзларига хос бўлмаган хўжалик ишларига аралаша бошлайди. Натижада иқтисодий эркинлик ўрнини иқтисодий маъмурийбозлик эгаллайди. Ҳокимият сиёсатини қўллаб-қувватлашга, ёйишга давлат тасарруфидаги, таъсиридаги барча ОАВ ва тарғибот-ташвиқот воситалари сафарбар этилади, сиёсий ва мафкуравий плюрализмга, тафаккур эркинлигига путур етади. Ҳокимият сафарбарлик ёрдамида муайян марраларга, иқтисодий кўрсаткичларга тезроқ эришишга интилади. Бу эса бошқача бир кўринишда давлат ҳокимиятида режали иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик даври синдромини қайта вужудга келтиради.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳар икки ҳолатда ҳам юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг олдини олишда анча қўл келади.

Фуқаролик жамияти масаласини кўришдан аввал бир фикрни билдирмоқчи эдик.

Ҳар қалай ўтиш даврида кучли давлатни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Лекин у босқичма-босқич демократлашиш механизмига эга бўлиши лозим. Буни постсовет республикаларнинг ҳам ижобий, ҳам баъзи бир салбий тажрибаси кўрсатиб турибди.

Кучли давлат тўғри бошқарилганда ва ҳокимият бўғинлари мутаносиб фаолият юритганда, у жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари, тузилмалари манфаатларини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи, ислохотларни қонуний амалга оширувчи, миллий бойликни сақлаб қолувчи ва адолатли қайта тақсимловчи кучга айланиши мумкин. Бу шунингдек миллий маданиятни, миллий ўзликни англаш, соғлом миллий гуруҳ туйғусининг сақланиши, бойитилиши ва ривожланишига ҳам тааллуқли. Зеро, кучли давлат ҳуқуқтартибот ва қонунийликни ҳимоя қилиш баробарида тарихий талабларга мос келмайдиган турли хил радикал-миллатчилик, экстремистик, диний-сектантлик ва бошқа салбий мазмундаги гуруҳлар ва ғояларнинг жамиятга таъсирини кескин камайитириши мумкин.

Аммо «кучли давлат» изчил ва босқичма-босқич ислоҳ қилиниши, ислохотлар давомида ўз вазифаларини чеклаб бориши, уларнинг кўпчилигини аста-секин маҳаллий

ҳокимият идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориши керак. Кучли давлатнинг асосий тадрижий такомиллашиш тамойиллари — бу номарказлашиш ва эркинлашишдир.

Демократлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустақкамлаб, давлат ҳокимияти ва амалдорлар фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш ижтимоий тараққиёт учун жуда муҳимдир. Шу сабабдан тараққиётнинг ўзбек моделида бу масалаларга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Фуқаролик жамияти эркин, онгли фуқароларни тақозо этади, жаноби олийларининг садоқатли бандаларини ёхуд қандайдир ақидапарастлик ғоясининг мутаассибларини эмас. У шунингдек ҳар қандай сиёсий режимга мослашувчан субутсиз конформистларни ҳам инкор этади. Фуқаролик жамиятини кўрқувдан бечора ҳолатга тушиб қолган, ҳокимият олдида ўзини номукамал сезадиган аҳоли билан қуриб бўлмайди.

Айни пайтда фуқаролик жамияти — бу толерантлик жамиятидир. Жамиятда ҳар хил мафкуралар, таълимотлар, диний қарашлар мавжудлиги фуқаролардан бир-бирларининг эътиқодларига нисбатан жилла курса тоқатли бўлишни тақозо этади. Айниқса кўпмиллатли мамлакатларда толерантлик тинч-тотув ҳаёт кечиришнинг муҳим шартларидан биридир. Толерантлик туфайлигина кўпмиллатли, кўпконфессияли давлатларда тинч-тотувлик, келишув ва ҳамкорлик қарор топади. Толерантлик — демократия, маданиятлар ва халқлар мулоқотининг зарур шартидир. У цивилизациялашган жамиятда нафақат бағрикенгликни, ўзаро тоқатни, шунингдек бир-бирига нисбатан қизиқишни, бошқа томонни тушунишга интилишни, унинг қарашларига ҳурматли муносабатни ва ҳ.к. ларни англади, аммо баҳс-мулоҳазаларни инкор қилмайди. Баҳс ва тортишувлар бир-бирдан узоқлашиш мақсадида эмас, балки янада яхшироқ тушуниб яқинроқ бўлиш учун олиб борилади.

Толерантлик ўзга маданиятларга, бошқача турмуш тарзига қизиқиш уйғотади, оқибат-натияжада эса миллий маданиятларнинг ўзаро алоқа қилишига, бир-бирини бойитишига, халқларнинг ўзаро бир-бирига ёрдам беришига,

ҳамкорлик қилишига, давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграция бўлишига хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) анча илгари пайдо бўла бошласа-да, унинг асослари фақат демократия ривожланиши, ҳуқуқий давлат қарор топиши жараёнида шаклланади. Фуқаролик жамияти — нафақат етук демократия маҳсулидир, у шунингдек, номукамаллик туйғусидан фориг, эркин ўсган ва қадр-қимматини англайдиган, эркин фикрлайдиган кишилар жамиятидир. Ички сиёсий барқарорлик ҳукм сурадиган, қонун устуворлиги ва қонунга биноан яшаш жамият аъзолари аксарият кўпчилигининг эътиқодига ва турмуш тарзига айланган, фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллиги юксак мамлакатларда халқ ҳокимиятини такомиллаштириш ва кучайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади. Биринчидан, давлат идоралари ва амалдорлар фаолиятини жамият аъзолари томонидан турли воситалар (жумладан ОАВ) ёрдамида назорат қилиш, иккинчидан, давлат марказий ҳокимиятининг баъзи бир функцияларини жойлардаги ҳокимликларга (децентрализация, яъни номарказлаштириш), кейингисининг баъзи функцияларини эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари ихтиёрига бериш (деполитизация, яъни носийлашиш кўринишларидан бири) имкониятлари туғилади. Бу имкониятларнинг юзга чиқа бошлаши амалда фуқаролик жамияти асослари пайдо бўлганини ва мустаҳкамланаётганини англатади.

Демак, фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, тартибга солиш ва бошқаришда фуқаролар, улар тузган нодавлат, ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари кенг иштирок этадилар, давлатнинг баъзи бир вазифаларини ўз зиммаларига оладилар, жамиятни бошқаришда децентрализация ва деполитизация барқарор тенденцияга айланади.

Децентрализация мазмунини тушуниш ўқувчиларда қийинчилик туғдирмайди. Деполитизация мазмуни бир оз мураккаброқ ва баҳслироқ. Ушбу масала юзасидан ўз мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Давлат бошқарувининг ҳар қандай шакли сиёсий характерга эга. Давлат фаолияти — бу сиёсат юритишдир. Ҳатто иқтисодиёт ёки иж-

тимой соҳада олиб борилаётган фаолият ҳам сиёсат ҳисобланади. Масалан, иқтисодий сиёсат, монетар сиёсат, аграр сиёсат, солиқ сиёсати, халқ таълими сиёсати, соғлиқни сақлаш сиёсати ва ҳ. к.

Давлат сиёсати алоҳида фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар хоҳиш-истагидан, иродасидан устун туради. Улардан баъзи бирларининг манфаатларига қисман мос келмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундан қатъи назар, у ҳамма учун умумийлик ва мажбурийлик касб этади. Кимдир бу сиёсатни танқид қилиши мумкин, аммо инкор эта олмайди. Давлат қарорлари ва қонунларини бажаришга мажбур (Гап хусусий масала бўйича у ёки бу давлат идорасининг қарори ҳақида кетмаётир. Бундай ҳолларда жисмоний ёки юридик шахслар ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя қиладилар. Гап давлат миқёсида юритилаётган сиёсат ҳақида кетмоқда). Конституциявий Суд ёки Олий Суд муайян қонунни, фармон ёки қарорни ҳаракатдан тўхтатмагунча, унинг мажбурийлиги сақланиб қолаверади. Мажбурийликни зарур ҳолларда таъминлаш учун давлатнинг тегишли тузилмалари бор: милиция, прокуратура, суд ва ҳ. к.

Қонун кучи билан мустаҳкамланган, барчага умумийлиги ва мажбурийлиги таъминланадиган давлатнинг ташкилотчилик ва бошқариш фаолияти сиёсат дейилади.

Ушбу таъриф сиёсат тушунчасининг мазмунини тўла очмайди, лекин унинг энг муҳим жиҳатини — ҳокимият билан боғлиқлигини ифодалайди. Турли гуруҳлар, партиялар, ҳаракатларнинг давлат ҳокимиятига муносабати ва ҳокимият учун кураш фаолияти ҳам сиёсатдир. Шунингдек, фуқароларнинг, ОАВ ва жамоат ташкилотларининг депутатлар, партиялар ва давлат фаолиятига баҳо бериши, амалий муносабати, фуқароларнинг сайловларда, референдумларда иштирок этиши ҳам сиёсий характерга эга ва улар томонидан ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш шаклидир.

Деполитизация эса тартибга солиш ва бошқарувнинг муайян шакллари қонун чиқариш ва мажбурий меъёр белгилаш ҳуқуқига, мажбурлаш воситаларига эга бўлмаган ўзини ўзи бошқариш тузилмалари, нодавлат, ноҳукумат, жамоат ташкилотлари тасарруфига ўтганини билдиради. Бун-

дай бошқарув жамият аъзоларининг юксак онглилигига, ихтиёрий равишда умум маъқуллаган қоида ва меъёрларга итоат этишига асосланади. Носиёсийлашган бошқарув услулари ҳуқуқдан кўра кўпроқ ахлоққа таянади. Ҳуқуқ жамоат ташкилотларининг ўрни ва мавқеини, хатти-ҳаракатининг қонуний чегараларини белгилаб беради.

Сиёсат нафақат амалий фаолият кўринишида, айти пайтда назарий-ғоявий, амалий-мафкуравий, тарғибий-ташвиқий шаклларда мавжуд. Шу боис ўз сиёсий ҳуқуқларини етарлича юзага чиқариш, давлатнинг, у ёки бу партиянинг амалий ишларини, ҳокимиятни эгаллашга қаратилган даъволарини тўғри баҳолай олиш, мустақил хулоса чиқариш зарурати ҳар бир фуқаронинг сиёсий онгига, дунёқараши, маънавиятига нисбатан объектив равишда катта талабларни туғдиради. Демак, фуқаролик жамияти бу бошқарув кўп соҳаларда номарказлаштирилган ва носиёсийлашган, аъзолари юксак сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савияга эга бўлган, ҳар соҳада фаол бунёдкор кишилар жамиятидир.

Ижтимоий онгнинг сиёсийлашуви ва жамият аъзоларининг ҳар қандай сиёсий фаоллиги фуқаролик жамиятига бевосита дахлдор эмас. Масалан, инқилобий алғовдалғовлар пайтида ижтимоий онг кескин сиёсийлашиб кетади, омманинг сиёсий фаоллиги, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятга тазйиқи кучаяди. Лекин бундай ҳолатнинг фуқаролик жамиятига бевосита алоқаси йўқ.

Шу боис фуқаролик жамиятининг муҳим белгилари қаторида бошқарувда деполитизация билан бирга одамларнинг ижобий маънодаги сиёсий онги ўсиши ва бунёдкорлик фаолияти ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Инқилобий шароитда биз кўплаб деструктив ҳолатларни кузатамиз.

Табииyki, жамият ҳаётини бошқаришнинг ҳамма соҳалари бирдек децентрализация ва деполитизация бўлмайди. Бинобарин, уларни бошқаришда ҳам жамоатчилик бир хил иштирок этмайди. Ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳалари борки, улар фақат ёки асосан давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади. Жамоатчилик ўз фикрини билдириши, ташаббуслар билан чиқиши мумкин. Аммо ҳал қилувчи хатти-ҳаракат, қарор, ечим давлат ваколатида қолади.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вази-фалар қолиши керак»¹. Масалан, қонун қабул қилиш, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий тузумини белгилаш, бюджет, молия-кредит ва пул сиёсати, мудофаа ва хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот масалалари, чет мамлакатлар билан дипломатик, сиёсий ва ҳарбий алоқалар фақат давлат ихтиёридаги масалалар бўлади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ва мулкларнинг тенгҳуқуқлилигини, халқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга базавий соҳалари ривожланишини таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимининг кафолатли фаолият кўрсатиши ва шулар каби йирик иқтисодий ва ижтимоий масалалар асосан давлат ихтиёрида қолаверади. Лекин ҳамма соҳалардаги барча масалаларга фуқаролар турли даражада ва турфа воситалар, биринчи галда ОАВ орқали ўз муносабатларини билдиришлари, муайян масала ечимига таъсир кўрсатишлари мумкин. Масалан, Олий Мажлисга у ёки бу қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритишлари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳукумат қарорларини, амалий фаолиятини баҳолашлари, жамоатчилик эътиборини ҳукумат фаолиятидаги ёки жамиятдаги муайян камчиликларга қаратиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини айтишлари мумкин. Худди шундай баҳолар ва таклифлар сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари томонидан айтилиши ва ОАВ орқали тарқатилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари эркинлигининг ва таъсирининг ҳамда улар томонидан нафақат давлат, шунингдек, нодавлат, жамоат ташкилотлари фаолиятини назорат қилишнинг муттасил кучайиши фуқаролик жамияти асосларининг ривожланиш қонуниятларидан биридир. Фуқаролик жамиятида ОАВ эркин бўлади. Уларнинг ижтимоий институт сифатидаги эркинлигини давлат Консти-

¹ **Ислом Каримов.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 26–27-б.

туцияси ва қонунлари меъёрласа, истеъмол қилинадиган маънавий маҳсулот ва хизмат тури сифатида эса ахборот бозори белгилайди. Бу қонунларга ҳар хил маҳкамаларга ва идораларга тегишли ОАВ ҳам бўйсунди.

Ахборот бозори турли-туман маълумотлар, янгиликлар, воқеалар тафсилоти—умуман, ахборотларга таклиф ва талабни, ОАВ ўртасида рақобатни шакллантиради. Ўқувчиси (тингловчиси, томошабини) ва реклама буюртмаси қанча кўп бўлса, муайян матбуот органи (радиотелекомпания) шунчалик иқтисодий мустақил ва кучлидир.

Эркин ва иқтисодий мустақил матбуотгина жамият эркинлигига, демократия юксалишига хизмат қилади. Шу боис учинчи чақириқ Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, бу мақсадда мустақил жамоатчилик фонди тузиш таклифини ўртага ташлади¹.

Эндиликда ушбу фонд ташкил этилиб, ўз фаолиятини муваффақиятли бошлади. У аста-секин кучга тўлиб, ўз имкониятларини кенгайтирмоқда.

Фуқаролик жамияти «давлат» тушунчасини бекор қилмайди, уни алмаштирмайди, балки маълум даражада тўлдиради. Давлат функциялари айрим соҳаларда қисқариб, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказилиши асло ҳокимиятнинг заифлашувини англатмайди. Давлат қонунда белгиланган ваколати орасида жамоат ташкилотларининг қонун маконида ҳаракат қилишини қатъий назорат этиш ва таъминлаш ҳам бор. Жамоат ташкилотлари давлатни, давлат эса жамоат ташкилотларини назорат этар экан, улар бир-бирлари олдида масъулдир. Бундай ўзаро масъулликка фуқаролар масъуллигини ҳам қўшсак, унда **фуқаролик жамиятини уч томонлама масъуллик жамияти** дейиш мумкин. Ҳақиқатан, «фуқаролар—давлат—жамият» узвий ва муштарак тизимни, бир бутунликни ташкил этади. Ундаги ҳар бир таркибий қисмнинг эркинлиги ва равнақи бошқа қисмларнинг эркин ва самарали ривожланишига боғ-

¹ **Ислом Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 55–56-б.

лик. Бу уларнинг бир-бирига ва ўзларига нисбатан масъулиятли бўлишини тақозо этади. Жамият ҳаётининг эркинлашуви (иқтисодий ёки сиёсий соҳадами, ижтимоий ёки маънавий ҳаётдами — қатъи назар) ўзаро масъуллик ва шерикчилик асосидагина амалга ошиши мумкин.

Тектология қонуниятига мувофиқ, занжирнинг умумий кучи унинг энг заиф ҳалқаси кучи билан белгиланади. Яъни занжир ўзининг энг заиф ҳалқаси кўтарадиган ёки торта оладигандан юқдан ортигига кучи етмайди (акс ҳолда узилиб кетади). Агар қиёсий фикр юритсак, эркинлаштириш жараёни давлатнинг, жамият ташкилотларининг, фуқароларнинг бирдай фаол бўлишини тақозо этади. Масалан, агар давлат эркинликка қаратилган энг илғор қонунларни чиқариб қўйса-ю, унга фуқаролар тайёр бўлмаса, эркинлик юзага чиқмайди ёки бошбошдоқликка айланиб кетади.

Ҳокимият самарадорлигини фақат бошқарув аппарати, суд, прокуратура, милиция, армия кучи эмас, шунингдек, ички сиёсий барқарорлик, демократик ва ижтимоий институтларнинг, фуқароларнинг маданий савияси ва фаоллиги, давлат органларига ёрдам бериши ҳам белгилайди.

Ўз функцияларининг бир қисмини «бошқаларга» улашиб, давлат заифлашмайди, балки кучаяди, чунки жамиятни бошқаришда унга ёрдам берадиган ташкилотлар сони кўпаяди ва бошқарувнинг ўзи муайян соҳаларда сиёсий характери йўқотади, эркинлашади. Бу ушбу соҳаларда, бир томондан, давлатни оммага номақбул қарорлар қабул қилишдан, «мажбурлаш» чораларини қўллашдан халос қилади, уни халққа янада яқинлаштиради. Иккинчи томондан эса — жамиятнинг ўз ҳаётини ўзи эркин ташкил қилишдаги ва бошқаришдаги улуши ортади. Амалда «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» содир бўлади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири—бу жамоатчилик фикрининг давлат сиёсатига реал таъсир кўрсата олишидир. **Ривожланган, етук фуқаролик жамиятида жамоатчилик фикри, ахлоқ ва ҳуқуқ каби, ижтимоий институтга айланади.** Парламент ва ҳукумат, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари жамоатчилик фикрини ҳисобга оладилар, унга очиқчасига зид равишда фаолият

юрита олмайдилар. Жамоатчилик фикри фуқаролик жамияти яхши ривожланган шароитда баҳолаш (аксиологик) вазифаси билан бир қаторда тартибга солиш (регулятив) вазифасини ҳам бажара бошлайди. Жамоатчилик фикри мамлакатда ва жаҳонда кечаётган жараёнларга нисбатан фаол шаклланиши, турли тузилмалар хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиши учун жамиятда, ҳеч бўлмаганда, минимал даражада икки нарса таъминланган ва кафолатланган бўлиши лозим: инсон ҳуқуқлари ва ахборот эркинлиги.

Демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, ахборот эркинлиги ривожланиши наинки ижтимоий фикрни, шунингдек, шахсни ҳам ҳар жиҳатдан фаоллаштиради. Натижада жамиятнинг сиёсий маданияти юксалади. Булар фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланиши ва ривожланишининг муҳим шarti ва омилidir. Ўз навбатида фуқаролик жамиятининг ривожланиши ижтимоий фикр фаоллашувига, ахборот эркинлиги ўсишига, демократик меъёрлар ва сиёсий маданият юксалишига шарт-шароит, рағбат яратади.

Демак, фуқаролик жамияти аҳолининг юксак сиёсий маданиятини ва фаоллигини, демократик меъёрларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча тўқималарига чуқур сингиб кетишини тақозо этади, ўзи ҳам бунга хизмат қилади.

Юксак сиёсий маданият ва фаолликни фақат фуқароларнинг эркинлиги ва масъуллиги заминида шакллантириш мумкин. Эркинлик ва масъуллик диалектик бирликни ташкил этади. Улар йўқ жойда фуқароларнинг (амалдорларнинг эмас, айнан фуқароларнинг) сиёсий фаолияти ҳам йўқ.

Фуқаровий эркинлик—жуда кенг, серқирра ва мураккаб тушунча. У, табиийки, инсон ҳуқуқларини, конституциявий эркинликларни (шахснинг хавфсизлиги, дахлсизлиги, фикрлаш, сўз, эътиқод, виждон эркинлиги, ахборот излаш ва олиш, уни тарқатиш эркинлиги, шахснинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари) тўла ўз ичига олади. Аммо улар билан чекланиб қолмайди, шунингдек, мамлакат ва жамият ҳаётига бепарво, лоқайд бўлмасликни, ундаги ҳар бир ҳодиса ва ўзгаришларни ўзига дахлдор деб, мамлакат ва жамият ривожланиши учун ўзини масъул деб билишни ҳам англатади. Масъуллик—фуқаровий эркинликнинг, эркинлик—фуқаровий масъулликнинг мав-

жудлик шаклларида биридир. Хуллас, фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг олий қадриятларга айланишини, уларнинг максимал даражада таъминланишини тақозо этади.

Эркин ва масъул шахс, фуқаро сифатида, ҳукуматнинг, давлатнинг ва жамоат ташкилотларининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ўзича баҳо беради, зарур ҳолда ўз муносабатини фаол билдиради. У доимо ҳақиқий аҳвол қандайлигини билгиси келади, тегишли ахборотларни излайди, суриштиради, сўрайди ва ҳ. к. Бу билан у нафақат ўз манфаатларига ва тақдирига, шунингдек, жамият ҳаётига таъсир кўрсатувчи ахборотларнинг ёйилишига эришади.

Эркин ва масъул фуқаролар турли хил ахборотга, шу жумладан, парламент ва ҳукуматнинг ўз фаолияти тўғрисида ошкора ҳисобот беришига, ҳокимият бўғинлари фаолиятининг мутахассислар, турли мустақил экспертлар, сиёсатшунослар, ОАВ томонидан танқидий таҳлил қилиниши ва баҳоланишига нисбатан ҳам объектив талаб ҳосил қилади, ахборот бозорини вужудга келтиради.

Демократия қанчалик ривожланса, ахборот турларининг шаклан ва мазмунан хилма-хил, ҳар томонлама ва теран бўлишига нисбатан шунчалик реал талаб ва таклиф шаклланади. Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан ва белгиларидан бири **тиниқлик ва ошкора-лик**дир. Барча ташкилотлар (давлат, нодавлат, жамоат ва ҳ. к.) фаолияти шаффоф, тиниқ (яъни жамоатчиликка аниқ, ундан яширинмаган) ва ошкора бўлиши лозим.

Тоталитар жамиятда давлат цензураси ахборотни чеклайди ва сиёсий режим манфаатларига мослаштириб, уни нотўлиқ, бир томонлама, саёз, ноҳолис ва ўта мафкура-лашган шаклларда тарқатишга хизмат қилади. Омма шундай мазмундаги яхлит, бўлинмас ахборотни танқидий таҳлил қилиш, тўғрисида ёлғонидан, сохтасидан ажратиш, умуман ахборотни, тарғиб этилаётган мафкурани дифференциялаш имконига эга эмас. Мафкуранинг тоталитарлиги ва ижтимоий онгнинг тоталитарлашгани ҳар қандай ўзаро муқобил фикрлар, қарашларни, уларни ифодаловчи ахборотларни мафкуранинг яхлитлигига ва давлат тузумига қарши қаратилган ҳисоблайди. Халқ онгига сингиб

қолган ижтимоий кўрқув ҳам тоталитар жамиятда холис ва танқидий, айниқса, сиёсий режимга нисбатан муҳолиф ошқора ахборотга талаб ҳосил қилмайди. Боз устига, айрим «хушёр», «сергак», режимга содиқ фуқаролар танқидий фикр юритадиганлар устидан «ваколатли ташкилотларга» чақимчилик қилиб туради.

Натижада, тоталитар тузумда маънавий эҳтиёжлар ривожланиши кемтик, баъзи жиҳатларига кўра, носоғлом бўлади, ҳақиқий эркинлик ва масъуллиқни тақозо этадиган, демократияни ривожлантирадиган маънавий-сиёсий, ахлоқий қадриятларга, холис ахборотга, жамоатчилик фикрига нисбатан реал талаб ва таклиф ўсмайди. Жамоатчилик фикрига давлат беписанд қарайди, кўп ҳолларда у билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Шу сабабдан фуқаролик жамияти, унинг муҳим таркибий тузилмаси—ахборот бозори пайдо бўлиши ва мустақамланиши учун объектив шарт-шароит ва субъектив омиллар пишиб етилмайди.

Демократияни ривожлантиришни ва фуқаролик жамияти қуришни ўзининг асосий мақсадларидан ва вазифаларидан бири сифатида белгилаган ўзбек моделининг маданий меросга, урф-одатларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга, маънавиятга катта эътибор бериши табиийдир. Зеро, улар фуқаровий эркинлик ва масъуллиқни, сиёсий ва ижтимоий фаолликни шакллантиришга таъсир кўрсатади. Бу тушунчалар эса фуқаролик жамиятининг негизида ётади.

Демократияни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда ўзбек модели муайян инерцион қаршилиқка дуч келаётир. Чунки тоталитар тузумдан мерос қолган омма менталитети, давлат бошқарувида демократик анъаналарнинг аввал бўлмаганлиги, асосан бюрократик усуллар қўлланилганлиги, давлат ва халқнинг ўзаро бегоналашганлиги катта инерция кучи ҳосил қилган эди. Ўтмиш иллатларидан халос бўлиш учун янги қонунлар қабул қилиш ва бошқарув аппаратини янгилашнинг ўзи етарли эмас.

Янгича фикрлайдиган, бошқарувнинг демократик усуллари ўзлаштирган, изланувчан амалдорларни: раҳбарларни, менежерларни, мутахассисларни, аппарат хо-

димларини тарбиялаш лозим. Улар наинки профессионал жиҳатдан, шунингдек, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам юксак талабларга жавоб беришлари керак.

Фуқаролик жамиятида кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализм барқарор бўлиши негизида нодавлат, ноҳукумат ва бошқа жамоат ташкилотларининг ранг-баранг турлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади ва бу фаолият йилдан-йилга кучайиб, мазмунан ва шаклан бойийди. Кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализм жамиятни бўлиб юбормаслиги, сиёсий муносабатлар конфронтацион тус олмасдан, ижтимоий ҳамкорлик негизида қурилиши лозим. Бу жамият аъзоларидан умуммиллий манфаатларни теран англаб олишни, уларни маҳаллий, гуруҳий (корпоратив), хусусий манфаатлар билан уйғунлаштира билишни, ҳақиқий ватанпарвар, тараққийпарвар, бағрикенг, эркин ва мустақил фикрловчи шахс бўлишни талаб қилади. *Жамоат ташкилотлари ҳуқуқий мавқеининг ва жамиятни бошқаришдаги иштирокининг, давлат идораларини назорат қилиш функциясининг ўсиб бориши фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонлари ва қонуниятларидан биридир.* Масалан, жамоат ташкилотлари, иқтисодчилар ва ишбилармонларнинг турли уюшмалари ва ш. к. лар ҳар хил халқаро, минтақавий фестиваллар, кўрғазмалар, ярмаркалар ташкил этиб, турли мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини, шу жумладан, баъзи йўналишларда савдо-сотик ва бевосита инвестицион алоқаларни ўрнатишлари мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам ижодий уюшмалар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари турли хил халқаро тадбирлар, учрашувлар ўтказиб, жаҳон жамоатчилигининг муайян масалалар бўйича (масалан, бевосита маданий алоқаларни ривожлантириш, экология, қашшоқлик ва очарчилик, минтақавий ва глобал хавфсизлик ва ҳ. к.) фикрини шакллантириши, халқаро муносабатларга, ҳатто халқаро сиёсий вазиятга ижобий таъсир кўрсатишлари мумкин. Икки томонлама давлатлараро муносабатларда нодавлат, ноҳукумат ташкилотларининг, «халқ дипломатияси»нинг фойдаси каттадир. Жамоат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатишлари улар аъзоларининг билими, дунёқараши, маданий савияси, амалий ишчанлиги ва бошқа кўплаб маънавий-

инсоний хислатларига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларга, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини тарғиб этишга, жамоат ташкилотлари фаолларининг тайёргарлигини ва малакаларини оширишга эътибор берилмоқда. Бунда республика жамоат ташкилотлари ўз кучларидан ва халқаро ташкилотлар ёрдамидан фойдаланмоқдалар. Мамлакатимизда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар тармоғини кенгайтириш қаторида турли халқаро ташкилотларнинг филиалларини очишга, улар билан икки ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга ҳам катта эътибор қаратилган. Бундай ташкилотларга самарали фаолият кўрсатишлари учун баъзи бир иқтисодий ва солиқ имтиёзлари берилмоқда. Бу ўзбек моделининг ўз самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини мустақамлаш йўлидаги уринишларидан биридир.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви тузилмаси (структураси) такомиллаштирилмоқда.

Ҳақиқатан, вазирликлар, идоралар ва маҳкамалар сони, аппарат ходимлари сони оптималлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бошқарув занжиридаги ортиқча ҳалқалар ҳар хил назоратларни, текширишларни, мувофиқлаштиришларни, қоғозбозликни, ҳисоботлар ёзишни ҳаддан ташқари кўпайтириб юборади. Бирор муҳим қарор қабул қилиш учун юқори ташкилотларнинг ва кўплаб бошқа мутасаддиларнинг розилигини олишни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, бошқарув бюрократлашиб кетади. Бундай шароитда коррупция, порахўрлик, маҳаллий протекционизм ва ш. к. лар кучаяди. Эски иллатлардан—монопольизмдан, буйруқбозликдан қутулиш қийинлашади.

Шу сабабдан давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштиришда, умуман, давлат ва жамият қурилишида, бошқарувда вужудга келиши мумкин бўлган турли объектив ва айниқса субъектив салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича энг аввало ўзимизда, сўнг демократия юксак ривожланган давлатларда тўпланган бой тажрибани ўрганиш, ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Замонавий иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан ва технология, ижтимоий ҳаёт, умуман замонавий цивилизациянинг таркибий тизими ва ривожланиш қонуниятлари умуминсоний характерга эга. Демак, жамият қурилиши ва давлат

бошқаруви тизимида ҳам муштараклик маълум даражада мавжуд. Жамият ва давлат қурилишида миллий хусусиятларни, замонавий жамиятга интеграциялаша оладиган миллий анъанавий институтларни мудом замонавийлаштириб, такомиллаштириб бориш керак.

Ўзбекистонда сиёсий бошқарувнинг анъанавий миллий институтлари ҳисобланмиш ҳокимлар ва ҳокимликлар қайта тикланди, фуқаролик институти — маҳалла модернизация қилинди. Ҳозирги босқичда улар ўзларини тўлиқ оқлади ва янада такомиллашиб бормоқда.

Миллий хусусиятлар кўпроқ маънавий маданиятда, миллий психологияда, турмуш тарзининг баъзи бир жиҳатларида устуворлик қилади. Миллий хусусиятларни ҳисобга олиш баҳонасида давлат бошқаруви тузилмасини ортиқча унсурлар, айниқса, қолоқ бюрократик, коррупцияга ва нодемократик усулларни қўллашга мойил унсурлар билан мураккаблаштириб қўйишдан фойда йўқ. Бундан фақат зарар кўрамиз. Шу боис ўзбек модели давлат ва жамият қурилишида бундан кейин ҳам замонавий илғор тажрибани ўзлаштиришни, миллий кадриятларни умумбашарий ютуқлар билан бойитишни кўзламоқда. Давлат ҳокимияти идоралари тузилмаси юксак ривожланган демократик давлатларникига имкон даражасида яқинлаштирилиши лозим. Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга айлантирилгани, ижроия ҳокимият, хусусан, ҳукумат тузилмасини такомиллаштириш юзасидан қилинаётган ҳаракатлар, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам қамраб олди. «Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди»¹.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари оқибатда жиноий ишларни кўрувчи қасамёд қилган маслаҳатчилар судларини жорий этишга қаратилмоғи лозим (бу нафақат «учинчи ҳокимият»нинг демократиялашувига, шунингдек, ушбу соҳада порахўрлик ва бошқа иллатлар камайишига ҳам хизмат қилади).

¹ **Ислон Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 43-б.

Ўзбек моделида фуқаролик жамияти асосларини мустақамлашга хизмат қилиши мумкин бўлган миллий кадритларимиз ва анъанавий институтларимиздан, уларни замон талабларига мослаштириб, фойдаланилмоқда. Бу борада маҳалла институтининг мустақиллик йилларида ислох қилиниши ва ривожлантирилишини эслашнинг ўзи кифоя.

Ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида бугунги кунда маҳалла қуйи ҳокимиятнинг баъзи функцияларини тўлиқ ёки уларнинг бир қисмини (маиший ва коммунал масалаларни, оилалараро муносабатларни, маросимларни тартибга солиш, кам таъминланган оилаларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳимоя қилиш, ўз худудида жамоат тартибини сақлаш ва ш. к. вазифаларини) муваффақият билан бажармоқда. Маҳалла институти Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий унсурига айланди.

Бу институт давр талабларини ҳисобга олиб ташкилий-тузилмавий ҳамда муайян ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асосларга таяниши жиҳатдан такомиллаштирилиши зарур.

Ўтмишда маҳалла инсон ҳаётининг барча соҳаларига, йўналишларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатган. У муайян иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий-тарбиявий вазифаларни бажарган. Маҳалла инсон туғилиши, улғайиши, оила куриб, фарзанд ўстириши, уйланиши, янги авлодни оёққа қўйишидан то инсоннинг ҳаётдан кўз юмишигача ҳамда унинг хотираси билан боғлиқ удумлар, маърака ва маросимларни ташкил қилган, бошқарган (бу вазифаларнинг аксариятини ҳозиргача сақлаб қолган). Маҳалла ижтимоий ишлаб чиқаришда салмоқли роль ўйнаган. Саноат (ҳунармандчилик, косибчилик) ишлаб чиқариши шаҳарларда ва йирик қишлоқларда оилавий даражада ташкил этилган. Ҳунармандчиликнинг бир тури билан шуғулланадиган оилалар эса кўпинча бир маҳаллада яшашган. Яъни маҳаллалар ишлаб чиқариш турларига қараб ихтисослашган.

Ишлаб чиқариш, маиший турмуш эҳтиёжларини таъминлаш, оилалараро алоқаларни, муносабатларни мустақамлаш зарурати маҳалла аҳлидан бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ўз корпоратив иқтисодий, касбий манфаатларини биргаликда ҳимоя қилишни, маҳалладан ўтадиган йўл,

ариқ ёки қудуқ, ҳовуз ва бошқа инфратузилмалардан жамоавий фойдаланишнинг қатъий тартибларини яратишни ва унга риоя этишни талаб қилган. Мачит ва мактабни сақлаш, болаларни ўқитиш, шогирдларга касб сирларини ўргатиш, касб этикаси, маиший урф-одатлар, удумларни такомиллаштириш, авлоддан-авлодга етказиш масалалари ҳам маҳалланинг одамлар ҳаётига, тақдирига таъсирини кучайтирган. Шу боис ҳатто айрим ахлоқий меъёрлар ўтмишда маҳалла аҳли учун мажбурий, авторитар мазмун касб этган. Маҳалла ўтмишда шахснинг хусусий манфаатлари ва инсон эркинликларини жамоавий манфаатлар фойдасига анча чеклаган. Барқарор турмуш кечириш ва ижтимоий турғунлик ўргасидаги фарқ ҳар доим ҳам яхши англанилмаган.

Бугун, албатта, маҳалланинг иқтисодий-ижтимоий, тарбиявий, ташкилотчилик ва бошқарув вазифалари тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш оила ва маҳалла доирасидан алақачон узилиб чиққан. Маҳалла энди ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий бўғинларидан бири эмас. Бунга ҳеч қандай зарурат йўқ. Аммо замонавий шароитда ҳам маҳалла маълум даражада иқтисодий вазифаларни бажариши мумкинлигини Ўзбекистон тажрибаси кўрсатмоқда. Юқорида эътироф этилган коммунал тўловлар, кам таъминланган ва муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишдан ташқари, маҳалла кичик бизнес ва халқ амалий ҳунармандчилигини ривожлантириш каби баъзи бир иқтисодий фаолият турлари билан муваффақиятли шуғулланиши мумкин экан.

Маҳалла маиший муносабатларни қуйидан норасмий тарзда ташкил этишда ва тартибга солишда, турмуш маданиятини юксалтиришда, оилалараро ва фуқаролараро алоқаларни такомиллаштиришда бошқа ижтимоий институтлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. У ўз ҳудудда тинчлик-осойишталикни, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчилик ва тартиббузарликнинг олдини олишда, айниқса, вояга етмаганлар нотўғри йўлга кириб кетишининг олдини олишда ўзининг янги имкониятларини намоён қила бошлади.

Ҳозирги пайтда маҳаллада бир неча штат, ўндан ошиқ жамоатчилик комиссиялари ва бўлимлари мавжуд. Фуқаролик жамияти талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб юрис-

консулт, спорт йўриқчиси, бухгалтер каби янги штатларни жорий этиш, маҳаллани моддий таъминлашнинг қўшимча манбалари тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Балки маҳалла йирик компаниялар ва тижорат банкларининг акциядорларига айланиши мумкин. Ҳарҳолда унга маълум сонли штатларни бюджетга қарам бўлмасдан сақлаш имкониятларини яратиш лозим. Жамоатчилик комиссиялари таркибида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки истеъмолчи баъзан харид қилган яроқсиз буюм ёки хизмат устидан, айниқса коммунал хизматлар бўйича кимга шикоят қилишни билмайди. Соғлом авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, аҳолини ва ёшларни турли ахборотлардан баҳраманд этишда, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан бойитишда маҳалланинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари бор. Барча маҳалла гузарларида спорт майдончалари ва заллари барпо этилса, Интернетга уланган ўқув заллари ва кичик кутубхоналар, замонавий тараққиёт тақозо этадиган бошқа янги тузилмалар ташкил этилса, бу имкониятлар янада тўлароқ юзага чиқади. Меҳнат бозори талабларига мос тарзда малака ошириш, қўшимча ихтисосликларни эгаллашда маҳалла кутубхонасида келгусида масофадан ўқитишни ташкил этиш мумкин.

Маҳалла инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг самарали механизмларидан бирига айланиши лозим. Лекин маҳалла институти фақат ва фақат демократик тамойиллар, гуманистик меъёрлар негизда такомиллаштирилиши, ривожлантирилиши керак.

У муттасил замонавийлашиб, миллий ва умумбашарий илғор тажрибаларни ўзлаштириб бориши, юксак технологиялар ва глобаллашув асрининг замонавий жамиятига интеграция бўла олиши лозим. Интеграциялашув маҳалланинг тузилмавий такомиллашувига, унинг қатъиян қонун доирасида фаолият юритишга боғлиқ. Бу эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунларнинг мазмунан ва шаклан бойиб, кенгайиб боришини тақозо этади. Акс ҳолда баъзан чалкаш, нотўғри ёки ўзбошимчалик билан ҳаракат қилиш, ҳар хил суиистеъмолчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли ошади.

«Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳоқимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди...»¹, дея таъкидлади Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда.

Ўзини ўзи бошқариш институтларининг барчасида ижобий салоҳиятдан ташқари маълум даражада маҳдудликка ва турғунликка мойиллик потенциал тарзда мавжуд. Буни назардан қочирмаслик керак. Юртбошимиз ҳаётда айрим эскидан қолган удумлар халқимизга хос бўлган азаллий қадриятлар қаторига кирмаслигига диққатни жалб қилаётгани бежиз эмас².

Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида қонунларнинг нисбатан мукаммал бўлиши ижтимоий тараққиёт учун жуда улкан аҳамият касб этади. Зеро, маҳалла институти ўтмишдаги каби турғун, қотиб қолган, биқик анъанавий жамият шаклланишига, инсон маросимчилик ва қолоқ удумларнинг, ўзгармас турмуш тарзининг қарамига айланиб қолишига эмас, балки замон руҳига, талабларига монанд ривожланишига хизмат қилиши лозим.

Қонунчилик ва аҳолининг ҳуқуқий онги, тафаккур эркинлиги яхши ривожланмаса, маҳалла институти кўпроқ субъектив талқин қилинадиган обрўли ва авторитар фикрга, консерватив, аммо барқарор қоидаларга таяна бошлайди. Бундай шароитда у ёпиқ, турғун анъанавий жамият унсурига айланади. Ўзбек модели эса маҳалла институтида мавжуд ижобий салоҳиятни янада ривожлантириб, уни демократия ва очиқ фуқаролик жамияти унсурига, ижтимоий тараққиёт омилига айлантиришни кўзлайди. Ўтмишда маҳалла баъзан авторитар ахлоқ меъёрларига, турмуш тарзининг кўпроқ авторитар қоидаларига таянган бўлса, эндиликда у демократик, гуманистик ахлоқ меъёрларига, тафаккур эркинлигига, қарашлар хилма-хиллигига таянмоғи керак. Шахс ва алоҳида оила манфаатлари тўлиқ ҳисобга олиниши, улар юксалиши учун барча шарт-шароит яратилиши

¹ **Ислом Каримов.** Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. 11-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 й., 97-б.

² Ўша манба, ўша ўринда.

лиши лозим. Инсон қадр-қиммати ва камолоти, оила равнақи маҳалла фаолиятининг марказига қўйилмоғи керак. Шунда маҳалла Ўзбекистонда яратилаётган фуқаролик жамиятининг ҳақиқий бошланғич бўғинига, ўзбек моделининг ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги миллий хусусияти асэ этувчи институтларидан бирига айланади.

Миллий-маданий марказлар фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Улар республикамизда жам бўлиб яшайдиган турли миллат, элат ва этник гуруҳларнинг тили, маънавий маданияти, урф-одатлари ва анъаналари сақлаб қолиниши ва ривожланиши тўғрисида қайғуриб, ўз диаспораларининг маънавий эҳтиёжларини қондирмоқда.

Миллий-маданий марказлар миллатлараро тотувлик ва ҳамкорлик, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши, маданий алоқалар ва Ўзбекистонда халқ дипломатиясини ривожлантириш ҳамда камсонли миллий ва этник гуруҳларнинг республика маънавий-маданий ҳаётига интеграция бўлиши масалаларида сезиларли роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда нодавлат, ноҳукумат ва бошқа турдаги жамоат ташкилотлари тез ривожланмоқда. Уларнинг жамият ҳаётига, республиканинг ривожланишига таъсири, табиийки, кучаймоқда. Масалан, «Истеъдод» каби жамғармалар чет элларда ёшларимиз ўқиб, замонавий, юксак малакали касбларни ўрганиб келишларига ҳисса қўшмоқда. Хотин-қизларнинг, қарияларнинг, ёшларнинг ижтимоий муҳофазасида, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фойдали иш юритаётган хотин-қизлар кўмиталари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ҳаракати ва шулар каби янги ташкилотлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари ривожланаётганидан далолатдир.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо ҳали бу борада ҳал қилинишини кутиб турган жиддий муаммолар кўп. Бу, аввало, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданий савияси билан боғлиқ муаммолардир. Чунки халқимиз узоқ йиллар тафаккур эркинлиги етишмаган, авторитар ҳуқуқ ва авторитар ахлоқ шароитида яшаган, унинг онги бундай шароит талабларига бир неча авлод ҳаёти давомида мослашган эди. Иккинчидан, сиёсий партиялар ҳали

талаб даражасида яхши ривожланмаган. Оммавий ахборот воситалари эса ҳар хил сабабларга кўра, биринчи навбатда, иқтисодий жиҳатдан мустақил эмаслиги, аксарият журналистларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси пастлиги, баъзан маҳорати етишмаслиги туфайли фуқаролик жамияти талабларидан анча йироқ. Учинчидан, давлат ҳокимиятининг турли бўғинларидаги бюрократия инерцион қаршилик кўрсатмоқда, у бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан тўлиқ воз кеча олмайди, чунки иқтисодий ва демократик усулларни яхши билмайди. Тўртинчидан, бутун жамиятнинг барча бўғинларида ижобий демократик тажрибанинг ҳозирча етишмаслиги фуқаролик жамиятини ривожлантиришни секинлаштирмоқда.

Айрим нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, баъзи собиқ совет республикалари мисоллари кўрсатмоқдаки, чет эллардаги ниятлари ғаразли ташкилотлардан олган грантлари ҳисобига уларнинг геосиёсий мақсадларини амалга ошириш воситасига айланиб қолмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жамоат, нодавлат, ноижорат ташкилотлари иқтисодий мустақил фаолият кўрсатишлари учун зарур механизм яратишга асос солди. Бу фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Фуқаролик жамиятининг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ўз ижтимоий онги, аҳолиси менталитетига кўра, бу толерантлик, фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллиги жамиятидир.

Иккинчидан, функционал жиҳатдан (фаолият кўрсатиши бўйича) — бу ўзини ўзи тартибга соладиган жамиятдир, унда давлат ва жамоат тузилмалари бир-бирининг фаолияти устидан ўзаро назорат олиб борадилар, аксарият муаммолар эса фуқароларнинг фаол иштирокида давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг ўзаро келишуви ва ҳамкорлигида ҳал қилинади; бу янгиликларга, ҳамкорлик ва шерикчиликка очиқ жамият; бу фуқаролари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган, ночор қатламларни муҳофаза қиладиган, ижтимоий масъул, ижтимоий жа-

миятдир. Унда ижтимоий ҳимоя билан ҳамма — давлат, жамоат тузилмалари, тадбиркорлар ва имконияти бор фуқаролар шуғулланади.

Учинчидан, институционал жиҳатдан — бу шундай жамиятки, унда турли сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, эркин ОАВ, фуқаролик институтлари фаолият юритади ва ўзаро ҳамда давлат тузилмалари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, хулоса қилиш мумкинки, фуқароларнинг онглилик савияси, эркинлиги ва тафаккур мустақиллиги, уларнинг жамиятда содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш учун масъуллиги, қонунга риоя этиши, толерантлиги, юксак идеалларга интилиши, аини пайтда сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, бунёдкорлик руҳидаги жамоат ташкилотларига бирлаша олиши ва шу каби бошқа хислатлари фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур хислатлар эса маънавиятнинг конкрет намоён бўлиш шакллари қаторига киради. Кўпчилик ижтимоий институтлар — таълим, соғлиқни сақлаш, ОАВ асосан маънавий институтлардир. Ахлоқ, ҳуқуқ, илм-фан, санъат, дин ва бошқа соф маънавий институтларнинг фуқаролик жамияти ривожланишидаги аҳамияти эса умуман беқиёсдир.

Бинобарин, фуқаролик жамияти кенг миқёсда тушуниладиган маънавият ривожисиз қарор топиши гумон.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига глобаллашув таъсири ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Глобаллашув ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг тенденцияларидан биридир. Унинг заминини жаҳонда савдо ва ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий алоқаларнинг ғоят кучайиши, интенсивлашуви вужудга келтирди. Бу алоқалар, бир томондан, истеъмол моллари, хизматларни, иккинчи томондан — молиявий тузилмалар, бухгалтерия ҳисоблари, ўзаро ҳисоб-китобларни, аудит, статистика ва ш.к.ларни стандартлаштириб, ягона андозаларга келтирди.

Илғор технологияларни ўзаро харид қилиш, трансмиллий компанияларнинг айниқса XX аср 60-йилларидан бошлаб тез ривожланиши уларнинг тузилмалари бор бўлган мамлакатларда ягона стандартлар ва технология-

ларнинг тез тарқалишига олиб келди. Мамлакатлар ва трансмиллий компанияларнинг ишлаб чиқариш ва технология соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиши илғор технологиялар ва стандартлашувнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди, бу ўз навбатида истеъмол ва турмуш тарзининг ҳам стандартлашувига таъсир кўрсатди.

Дунё миқёсида урбанизациянинг ўсиши ҳам турмуш тарзи стандартлашуви ёйилишига ёрдам берди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турмуш сифати, даражаси ва истеъмол прејскуранти анча кескин фарқ қилса-да, аммо шакллари ўхшашлик касб эта бошлади. Шаҳарлардаги аҳолининг иқтисодий фаол қисми эрталаб ишга бориб, кечқурин андозавий жиҳозлар тўпланмаси — газ (электр) плитаси, музлаткич, телевизор, диван ва ш.к. бўлган квартираларига қайтади, бўш вақтини бир хил ўтказди. Ҳатто ишда ва кўчада киядиган кийимлар хили ва бичими бир хил. Бу ўз навбатида турли халқларнинг психологияси, тафаккур тарзи, ҳордиқ ва маишатга, истеъмолга, жамият тараққиётига муносабатларида муштарак қарашлар пайдо бўлишига таъсир кўрсатди.

Глобаллашувнинг асосий оқибатларидан бири — стандартлашув маънавий эҳтиёжларни қондиришда ҳам намоён бўла бошлади. Дастлаб оддий маиший гигиеник предметлар тўпламидан бошланган бу жараён бугун рок ва поп музыка, видео ва турли жанрли ва саёз мазмунли фильмлар, сериаллар ва ранг-баранг кўнгилочар шоу ва ўйинлар, тадбирларгача қамраб олган. Юқоридаги боблардан бирида қайд қилинганидек, оммавий маданият доирасида аксилмаданият пайдо бўлди ва глобаллашув таъсирида тобора кенгайиб бормоқда.

Ислом Каримов ташвиш билан огоҳлантирганидек, «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»¹.

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. 117-б.

Динни ниқоб қилиб олган экстремизм ва терроризмнинг ҳақиқий динга алоқаси бўлмаганидек, «оммавий маданият»ни ниқоб қилиб олган бузуқлик, зўравонликни ва ш.к. инсон шахсини ич-ичидан емирадиган ҳодисаларнинг ҳам ҳақиқий оммавий маданиятга алоқаси йўқ.

Маданиятни «элитар маданият» (хос маданият) ва «оммавий маданият»га бўлиш урф бўлган. Ўтмишда оммавий маданият халқ бахшилари, сайилларда, тўйларда оммага кўрсатиладиган томошалар — дорбозлар, аскиябозлик ва масхарабозлик, халқ ашулалари ва ҳ.к. шаклида мавжуд бўлган. XX асрга келиб, техника ривожланиши оммавий маданият шакллари бийитди, патефон ва грампластинкалар, магнитофонлар, ихтисослашган эстрада жанрлари ва ансамбллари ва ҳ.к. пайдо бўлди. Лекин, афсуски, аста-секин оммавий маданият доирасида пул топиш илинжида баъзи корчалонлар инсоннинг тубан ҳирсларини қўзғайдиган мавзуларни ва жанрларни кўпайтириб, аксилмаданиятни вужудга келтирди. Унинг нафақат элитар маданиятга, шунингдек, ҳақиқий оммавий маданиятга ҳам алоқаси йўқ.

Илмий-техника тараққиётининг жадаллашуви, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг интенсивлашуви, рақобатнинг кучайиши бирор-бир аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай моддий, илмий-техникавий, технологик, маиший ютуқларни ва турфа хил ахборотнинг тезда излаб топишга, тарқатишга нисбатан объектив эҳтиёж ва замин яратди.

Ушбу эҳтиёж коммуникация воситалари доимий равишда такомиллашиб, оқибатда сифат ўзгаришига — янги рақамли ахборот технологиялари вужудга келишига сабаб бўлди. Янги технологияларни қўллаш соҳаси телекоммуникация билан чекланиб қолмасдан, амалда ўзининг универсаллигини кўрсатди. Ахборот технологиялари барча соҳага — ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва назорат қилишдан тортиб то савдо-харид ва банк операцияларигача, юридик ва жисмоний шахсларнинг расмий ва норасмий хат ёзишуви ва масофавий мулоқотларигача кириб келди. Ахборот технологиялари бутун жаҳон глобал тармоғи — Интернетни яратди, мулоқот ва алоқаларнинг шакллари бийитиб, тезлигини, интенсивлигини беқиёс даражада ошириб юборди, турли ахборотлар олишни, таълим имкониятларини тубдан ўзгар-

тирди. Энг замонавий технологиялар ҳар қандай илмий-техникавий ва иқтисодий информацияни, агар у махфий бўлмаса, бир зумда бутун дунёга тарқатади. Ахборотлар тарқалиши ва турли субъектлар ўртасида мулоқот на давлат, на географик чегараларни биледи, у бутунжаҳон, яъни глобал характер касб этди.

Жамият ҳаётининг, алоқаларнинг мана шу тариқа шиддатли ва умумжаҳон миқёсига чиқиши глобаллашув дейлади. Глобаллашув, шундай қилиб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий алоқаларнинг ҳаддан ташқари интенсивлашуви, халқаро стандартлашув ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ишлаб чиқариш ва истеъмолда энг янги ахборот технологияларининг тарқалишидир.

Глобаллашув ҳақида Ислом Каримов куйидаги фикр-ни ёзади: «Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда умумлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда»¹.

Юқорида айтилганидек, глобаллашув — объектив тенденция. У алоҳида шахслар ёки мамлакатларнинг хоҳиши, ҳиммати ёки инжиқлигига боғлиқ эмас. У ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти, иқтисодий ҳамкорлик ва рақобатнинг табиий-тарихий ривожини оқибатидир. Айни пайтда у кўпқиррали ва зиддиятли ҳодисадир. Унда ижтимоий тараққиётга кўмаклашувчи улкан беқиёс куч билан бир қаторда оммавий маданият ниқобидаги баъзи бир нохуш

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., 2008, 111–112-б.

ҳодисаларнинг, аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқнинг ранг-баранг, бой маънавий-маданий ҳаётининг бирхиллашуви, миллий айниятни ҳис қилиш туйғусининг ўтмаслашуви, салбий мазмундаги космополитизмнинг ўсиш хавфлари ҳам яширин.

Глобаллашув шунингдек ривожланаётган мамлакатлардан Ғарбга «ақллар» ва илмий-техник ғоялар «оқиб кетиши»ни кучайтирмоқда. Айни пайтда у ривожланаётган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларга тобелигини ва эксплуатация қилинишини кучайтирмоқда, яъни неокOLONиализмнинг, сиёсий босим ўтказишнинг нозик ниқобланган шаклларини ҳамда ОАВ орқали жаҳон ва миллий ижтимоий фикрни ўз манфаати томонига ағдаришнинг янги усулларини туғдирмоқда. Бунинг учун воқеаларни шарҳлаш ва баҳолашда, халқаро алоқаларда «икки хил стандартлар» қўлланилмоқда.

Аммо, камчиликларига қарамасдан, глобаллашув умуман олганда ҳозирги замон тараққиётининг мавжудлик шаклларида биридир. Ислом Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек: «Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайти. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас»¹.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари, айниқса «оммавий маданият» ниқобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли ва нообъектив ахборот хуружининг салбий оқибатларини юмшатиш, таъсирини минималлаштириш учун аҳолининг, айниқса ёшларнинг ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш лозим. Ёш авлодни соғлом ватанпарварлик руҳида, мумтоз жаҳон ва миллий маданий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, унда оммавий маданият ҳодисаларига танқидий муносабатни, турли хилдаги бузғунчи ғоялар ва ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим. Халқаро алоқаларда мутараққий мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ўзларининг универсал ҳисоблайдиган ғарбча фикрлаш тарзи ва қадриятлар тизимини тиқиштириш истагидан воз кечишлари керак.

¹ Ўша жойда, 112-б.

Толерантликка, мулоқотга, бир-бирини тушунишга ва тенг-хуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш зарур.

Глобаллашув турли халқлар ва мамлакатларнинг нафақат иқтисодий, илмий-техникавий, маданий интеграциясига, шунингдек халқаро муносабатларнинг такомиллашувиغا, ҳар бир мамлакатнинг ичида эса аҳолининг бунёдкорлик, ижодий ва ижтимоий фаоллиги ўсишига, яъни фуқаролик жамияти мустақамланишига ёрдам бериши мумкин. Глобаллашув ва замонавий ахборот технологиялари фуқаролик институтлари ва мустақил ОАВ ривожланишига таъсир кўрсатади. Улар Интернет орқали умуммиллий ва халқаро ахборот бозорига чиқиш имкониятини қўлга киритади. Айниқса айтилган фикр ҳудудий ОАВга тааллуқли. Бу эса ўз навбатида уларнинг давлат тузилмалари фаолияти устидан назоратининг таъсирчанлигини оширади. Шундай қилиб, глобаллашув ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамияти оёққа туриши ва мустақамланишининг реал омилига айланиши мумкин.

У ҚИСМ. МАЪНАВИЯТ ВА ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ

ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ ЗАРУРАТИ

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишга интилиши биздан ҳар қандай арзигулик илмий-техникавий, технологик, иқтисодий, маданий ва ижтимоий янгиликларга, ютуқларга очиқ бўлган жамият қуришни, ижтимоий онгни шунга яраша шакллантиришни талаб қилади.

Миллий ғояни тўғри қабул қилиш, уни эътиқод унсурига айлантириш онгни, тафаккурни тобеликдан, қўрқувдан, миллий номукамаллик комплексидан қутултиришни тақозо этади. Президент Ислон Каримов тўғри таъкидлаганидек: «Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб... биз қўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»¹.

Ҳақиқатан, ижтимоий тараққиётни таъминлаш, ўз миллий тараққиёт моделимизни яратиш, такомиллаштириш учун олий мақсадимизни англаш билан бир қаторда унга эришишга бутун халқимизнинг иродасини йўналтиришимиз, ўз ақлу заковатимизга, кучимизга ишонишимиз, совет даврида қарор топган ҳадиксираш тафаккурдан, онгимизга сингиб кетган ижтимоий қўрқувдан тезроқ халос бўлишимиз лозим. Жаҳон халқлари билан самарали ва юксак савияда мулоқот қила олиш, ғоя алмашиш халқимиз учун ҳаётий эҳтиёждир. Бунинг учун эса, аввало, дадил ва замонавий, эркин фикр юритишни ўрганишимиз керак. Биз миллий ўзлигимизни тиклаш нимадан иборат эканлигини аниқ ва яққол тасаввур этмоғимиз лозим. Чунки миллий уйғониш, маънавий тикланиш жараёнида ўз ўтмишимизнинг, тафаккур ва дунёқарашдаги анъанавийлигимизнинг (традиционализм) ва провинциал чекланганлигимизнинг тутқуни бўлиб қолишга ҳаққимиз йўқ.

Тафаккур эркинлиги тараққиёт модели тақозо этган

¹ Ислон Каримов. Адолатли жамият сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 17-б.

энг долзарб муаммолардан биридир. Миллий истиқлол мафкуриси яхлит концепциясида ва маънавий-маданий тарбия амалиётида эркин фикр юритиш масалаларига етарлича эътибор қаратилиши зарур. Чунки тафаккур қанчалик эркин ва ижодкор, изланувчан ва масъул бўлса, тараққиёт модели ҳам шунчалик қайишқоқ, ижодий янгиланишларга мойил ва ҳар жиҳатдан самарадор бўлади. Хўш, тафаккур эркинлиги нималарни англатади? Масала тўғрисида мулоҳаза юритишдан аввал икки нарсани таъкидлашни истардик.

Биринчидан, тилимизда «хурфикрлилик» деган тушунча мавжуд. Мазкур тушунча Фарбда Маърифатпарварлик даврида шаклланган. У диний догматизмни ва черков маросимчилигини рационализм нуқтаи назаридан инкор қиладиган, ижод ва илм-фаннинг диндан мустақиллигини ёқлайдиган тафаккур тарзини билдиради. Атаманинг ўзи эса XVIII аср бошида инглиз файласуфи А. Коллинз туфайли фанга кирган. Тўғри, хурфикрлилик унсурлари азалдан мавжуд. Лекин атама Европада ўрта асрлар диний тафаккур тарзидан қутулиш жараёни тезлашиб, табиатшунослик ривожлана бошлаганидан кейин янгича фикрлаш зарурияти ва амалиётини ифодаловчи атама сифатида вужудга келди. Шундай қилиб, хурфикрлилик рационалистик ва дунёвий фикрлаш тарзини ифодалайди.

Тафаккур эркинлиги эса хурфикрлиликни ўз ичига олган ҳолда у билан чегараланиб қолмайди. Гап бу ерда тафаккурнинг диний ва дунёвий мазмуни устида эмас, балки унинг мустақиллиги, сифати, замонавий долзарблиги, қамровининг кенглиги, таъбир жоиз бўлса, «жаҳон стандартлари»га мослиги ҳақида кетяпти.

Иккинчидан, тафаккур эркинлиги дунёқараш масаласининг хусусий кўринишларидан биридир. Албатта, дунёқараш асосида тафаккур ётади. Аммо дунёқараш тафаккурга нисбатан анча кенг ва мураккаб ҳамда унга нисбатан бошқа даражага оид, у билан бир сатҳда ёнма-ён турмайдиган тушунчадир.

Дунёқараш тафаккур асосида вужудга келса-да, оламга энг умумий муносабат сифатида тафаккурнинг ўзига хослигини, биринчи навбатда унинг услубини, ижодкорлик салоҳиятини ва ривожланиш йўналишини, имкони-

ятларини белгилайди. Тафаккур қай даражада метафизик бирёқламаликдан, саёзликдан, догматизм ва мутаассиблик (фанатизм)дан, мистикадан холи ёки уларга мойил эканлиги, унинг қайишқоқлиги (объектив талаб ва эҳтиёжларга, ўзгарувчан шароитга, ривожланиш заруриятига мослашувчанлиги) ва теранлиги дунёқарашга боғлиқ.

Дунёқарашнинг диний ёки дунёвий мазмуни ўз-ўзидан тафаккур имкониятларини бевосита белгилаб қўймайди. Масалан, диний дунёқараш доирасида тафаккур нисбатан узоқ давр мобайнида эркин ривожланиши мумкин. Қадимги юнон политеистик диний дунёқарашни ўз замонасида тафаккур эркинлигини таъминлай олди. Исломий дунёқараш ҳам VII–XI асрларда тафаккур эркинлигини анча кенг таъминлади. «Илм олиш учун Чинга бўлса-да, боринг», «Аллоҳ назарида қирқ йиллик тоат-ибодатдан бир кунлик адолат яхшидир» каби ҳадислар тафаккур эркинлигини таъминловчи меъёрлар эди.

Боз устига, янгидан вужудга келаётган дин ёки дунёвий таълимот тафаккур эркинлиги туфайлигина, янги авлодда аввалги таълимотни танқид қила олиш, қайта кўриб чиқиш имконияти жамиятда мавжудлиги туфайлигина шаклланиши, ўз тарафдорларини топиши мумкин. Шу боис ёш динлар ва таълимотлар ўзлари тафаккур эркинлиги мевасидирлар ва мавқеларини жамиятда мустаҳкамлаб олгунларича тафаккур эркинлигини ёқлайдилар.

Энди тафаккур эркинлиги масаласига қайтамыз. Миллий тафаккуримиз қай даражада жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторига кира олиш, ватаннинг буюк келажагини таъминлаш талабларига мос? Миллий тафаккуримизнинг энг кучли ва энг заиф жиҳатлари нималардан иборат?

Энг кучли жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, фундаментал назарий фанларнинг кўпчилик соҳалари бўйича республикада анча салмоқли салоҳият барпо этилган. Айниқса, математика, биология, микробиология, кимё, физика ва медицинанинг баъзи тармоқларида олиб борилаётган тадқиқотлар жаҳон талабларига мос. Фундаментал ва табиатшуносликка оид тадқиқотларга нисбатан тараққиёт зарурати юзага келтирган ва келтириши мумкин бўлган талабларни тўлиқ қондириш учун республикада илмий салоҳият етарлича. У ҳатто нафақат ички эҳтиёжларимизни

қондиришга, шунингдек, юксак ривожланган бошқа мамлакатлар билан илмий интеграцияни кучайтиришга ҳам қодир. Демак, умуман олганда, миллатнинг табиий-илмий тафаккури анча ривожланган. Лекин ижтимоий-гуманитар фанларнинг қўпчилиги коммунистик догмалар – синфийлик ва партиявийлик қолиплари таъсирида бир томонлама ривожланди, ўта мафкуралашиб, сиёсийлашиб кетган. Ўтмишда диний мафкура ҳукмронлик қилган даврда шаръий илмларда фақат тафсирга, шарҳлашга имкон берилган. Айниқса асосий мазҳаблар шаклланиб бўлгандан кейин, ижтиҳод эшиклари ёпиб қўйилган. Бу, албатта, дунёвий илмлар услубига, методологиясига ҳам таъсир кўрсатган. Совет даврида марксизм-ленинизм догматлаштирилган шароитда, яна ўша шарҳбозликдан нарига ўтилмаган. Шундай қилиб, ижтимоий-гуманитар фанларда ижодий изланишлар, эркин фикр юритиш чекланган эди. Бу ижтимоий-гуманитар фанлар билан шуғулланадиган олимларимиз савиясига ҳам, миллий тафаккуримизга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Хуллас, жамиятнинг ижтимоий-гуманитар соҳада илмий тафаккури савияси бир оз паст ва чекланган. Бу биздан жаҳоннинг илғор халқлари олимлари эришган ютуқларини ўзлаштиришни, уларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишни, янги назариялар ва концепцияларни бўлажак мутахассисларимизга олий ўқув юртларида ўргатишни талаб қилади. Мустақиллик йилларида ижтимоий-гуманитар фанлар истиқлол, тараққиёт модели тақозо этган тадқиқотларни етарлича амалга ошира олмади. Кўпроқ тарғибот ва илмий публицистика даражасидаги ишлар чоп этилди.

Бадиий тафаккурнинг ҳам баъзи шакллари ҳақида, айрим истиснолар билан, шундай дейиш мумкин (бадииятда умуминсонийлик билан бир қаторда миллийлик кучли ривожланган). Миллий бадиий-инъикос хусусиятлари, образлар тизими бадиий тафаккурга қаттиқ таъсир кўрсатади. Шу боис у илмий тафаккурдан фарқли миллийлик ҳам касб этади. Бадиий адабиётнинг проза, драматургия жанрларида, тарихий мавзудаги яқка-ярим асарларни ҳисобга олганда, жаҳонга кўз-кўз қиладиган дурдоналар деярли йўқ. Миллий драматургиянинг савияси ўзига яраша. Тасвирий санъат ва ижрочилик санъатида кейинги йилларда анча

жиддий ва ижобий ўзгаришлар юз берди. Театр санъатида бир қанча йирик сиймолар ўтган, яхши мактаб яратилган. Айрим театрларимиз ва театр-студияларимиз халқаро кўриклар ва фестивалларда муваффақиятлар қозонмоқда. Лекин республика даражасида ўртамиёналик кўпроқ. Мусиқа санъатида, айниқса мумтоз мусиқа ижрочилигида кейинги йилларда арзигулик ютуқларга эришилди.

Умуман, халқимизнинг бадиий диди, профессионал санъати жаҳоннинг кўпчиликлари юксак маданий халқлариники билан таққосланиши мумкин.

Ўзбекистонда умумий мажбурий ўрта таълим тўлиқ жорий этилган. Олий таълим ва ўрта махсус таълим тармоғи кенг тарқалган. Халқ таълими ислоҳ қилиниб, янада такомиллаштирилмоқда. Республика аҳолиси саводхонлик ва дипломли мутахассислари сони, билими, диди, маданий савияси жиҳатидан жаҳоннинг энг ривожланган халқлари билан таққосланиши мумкин. Тўғри, ўрта махсус ва олий таълимнинг ихтисослик номенклатураси совет даврида уйғун эмас эди. Баъзи бир энг замонавий касблар ва бозор иқтисодиёти бўйича мутахассислар ҳозирча етишмаяпти. Аммо бу борадаги камчиликлар интенсив равишда бартараф этиляпти.

Иқтисодий тафаккуримиз эса казарма социализми шароитида мулкдан бегоналаштирилганимиз туфайли кучли деформацияга учради. Жаҳоннинг илғор мамлакатлари иқтисодий тафаккуридан ҳозирча анча орқада. Ушбу ҳолат ўзбек моделининг имкониятлари тўлароқ юзага чиқишига жуда халал бермоқда. Умуман ислоҳотлар йўлидаги энг катта ва энг оғир қийинчилик бу иқтисодий онгимизнинг, тафаккуримизнинг қолақлигидир.

Қонунлардаги, ҳуқуқий меъёрлардаги камчиликларни нисбатан тез бартараф қилиш мумкин. Зарур ҳолларда қонун лойиҳалари ва ҳаракатдаги қонунларни ҳатто халқаро экспертлар ёрдамида таҳлил қилиш, уларнинг тавсияларини ҳисобга олиб, такомиллаштириш мумкин. Техник ижодкорликдаги, технологиядаги камчиликларни чет мамлакатлардан лицензиялар ёки тайёр технологиялар сотиб олиш йўли билан қоплаш мумкин. Бошқарув ва ташкилотчилик ишларидаги камчиликларни ҳам кадрлар тайёрлаш, жой-жойига қўйишни яхшилаш орқали эртами-

кечми бартараф этиш мумкин. Аммо янгича иқтисодий тафаккурни, меҳнатга тамомила бошқача муносабатни жамият миқёсида шакллантириш нисбатан узоқ муддатни талаб қилади. Унинг ўрнини ҳеч нима билан қоплаб бўлмайди. Янгича иқтисодий тафаккур шаклланишини бир оз тезлаштириш мумкин, холос. Бунинг учун, биринчидан, бозор иқтисодиётини тезроқ ва мумкин қадар ижтимоий йўналтирилган кўринишда қарор топтириш, иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш, ҳақиқий рақобат муҳитини юзага келтириш, иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида иқтисодиёт илмига етарлича эътибор қаратилиши лозим.

Техник ижодкорлик тафаккуримиз ва индустриал меҳнатга муносабатимиз ҳам ҳозирча юксак ривожланган мамлакатлар аҳолисиникидан ортда. Бу, албатта, халқимизнинг қобиляти билан боғлиқ ҳодиса эмас. Унинг тарихий объектив сабаблари бор. Биринчидан, совет иқтисодиётида ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятдан то давлатнинг бюджет ва молия сиёсатигача иррационал унсурлар кўп эди. Корхона фаолияти тўлиқ калькуляция (ҳисоб-китоб) қилинмас, кўзда тутилмаган ноишлабчиқариш харажатлари, талон-торожликлар, суиистеъмолчиликлар бор эди. Бу иқтисодий тафаккуримизни деформацияга учратди. Юқорида булар тўғрисида айтиб ўтган эдик.

Иккинчидан, совет даврида юртимиз кўпроқ хом ашё базасига айлантирилгани учун аҳолининг аксарият қисми қишлоқда қолиб кетди. Саноат ишлаб чиқаришига маҳаллий аҳоли етарлича жалб қилинмади. Янги завод ва фабрикаларга кўплаб русийзабон ишчи ва инженер-техниклар кўчириб келинди. Маҳаллий халқ вакиллари индустриал меҳнатга унчалик лаёқат кўрсатмайди, ўз қишлоғига қаттиқ боғланиб қолган, ижтимоий инерт ва ҳ.к. деган баҳоналар рўқач қилинар эди. Аммо мустақиллик шароитида барпо этилган энг замонавий мураккаб технологиялар асосида ишлайдиган «Шўртангазкимё» мажмуаси, Асакадаги, Самарқанддаги автозаводларда ва бошқа энг замонавий янги барпо этилган корхоналарда ишлайдиганларнинг деярли 95—98 фоизи туб халқ вакиллари эканлиги уларнинг индустриал меҳнатга, замонавий технологияларга лаёқати юксаклигини исботлаб турибди.

Учинчидан, совет мамлакатининг ишлаб чиқариш технологияси жаҳон андозаларидан анча орқада қолган эди, яъни биз қолақ технология шароитида ўсдик.

Тўртинчидан, социалистик муносабатларда текисчилик тамойилининг салмоғи юқори бўлгани учун техник ижодкорлик, изланишлар, инженер-техник мутахассислар ва ишчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлиши яхши рағбатлантирилмас эди.

Кейинги омил умуман меҳнатга муносабатнинг муттасил ижобий томонга юксалиб, ишчи ва хизматчиларнинг малакаси жадал ўсиб боришига тўсқинлик қилди ҳамда жамият аъзоларида даромадларни стихияли қайта тақсимлашга интилишни, ишлаб чиқаришда ташмачиликни (ишчилар, хизматчиларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ҳар куни бир қисмини уйига олиб кетиб, сотиши), қўшиб ёзишларни (бухгалтерия ва хўжалик ҳисоботларини, сарф-харажатларни сохталаштириш) ва оқибат-натижада яримяширин иқтисодиётни келтириб чиқарди. Бу ҳақда ҳам юқорида гапирилган эди.

Шахс манфаатларининг жамоа манфаатларига қурбон қилиниши, инсон шахси билан яхши ҳисоблашмаслик, инсонни ижтимоий келиб чиқишига қараб баҳолаш, инсон ҳуқуқларидан, умуман, ҳуқуқдан партия мафкурасининг устун қўйилиши ва ҳар қандай меъёрнинг партиявийликка бўйсундирилиши ҳуқуқий тафаккуримизнинг яхши ривожланмаслигига сабаб бўлди.

Совет жамиятининг ўта мафкуралашганлиги, марксизм-ленинизм ақидаларига мос келмайдиган ҳар қандай фикр, ғоя ва қарашларнинг таъқиб қилиниши, совет тузумининг салкам қирқ йиллик биринчи даврида репрессиялар кўринишида сиёсий зўравонлик бошқарув услубининг таркибий қисми сифатида очиқчасига қўлланилгани (кейинги 34 йилда ҳам у бутунлай бартараф этилмади) аҳоли онгига ижтимоий қўрқувни сингдирди. Тафаккурнинг ижодий имкониятларини, ташаббусини қаттиқ жиловледи. Одамлар эркин мулоҳаза юритишдан, мустақил фикр билдиришдан ҳадиксираб қолдилар. Бошқарув ўта марказлаштирилди. Демократия ва ҳуқуқ меъёрларига фақат сиёсий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ёндашилди. Оддий ишчи ўз меҳнати натижасидан, миллат ўз

миллий бойликларидан бегоналаштирилди. Ҳатто ҳар қандай мансабдор шахс ёки ижодкор арбоб ҳам «Марказ» (КПСС МК тимсолида) олдида ҳуқуқсиз бўлди. Совет даврида инсонга социализмнинг пурвиқор биносини барпо этишда оддий «мурватча», «қурилиш гишти» сифатида қаралди. Инсон ноиндивидуаллаштирилди, ўз шахсиятидан маҳрум қилинди. У, бир томондан, оддий буюмга, ижтимоий қурилиш материалига айланиб қолди. Иккинчи томондан, амалга оширилаётган «буюк қурилиш» инсон учун қилинаётгани, унга жамиятнинг, барча бунёд этилаётган бойликларнинг эгаси унинг ўзи эканлиги тинмай уқтирилди. Аммо инсон ўзининг чорасизлигини, ёлғизлигини, «буюк қурилишнинг» воситаси эканлигини ҳар қадамда, ҳар дақиқада сезар, ўзининг «мамлакатнинг эгаси» эканлигини эса ҳис қила олмас эди. Булар барчаси оқибатда ҳар бир алоҳида шахсда ҳам, бутун миллатда ҳам номукамаллик туйғуларини, ўзига, ўз тафаккури кучига ишончсизликни шакллантирди.

Натижада Эрих Фромм аниқлаган ҳодиса юз берди: кўрқув шахс онгида пайдо бўладиган жамиятнинг ҳукмрон меъёрларига зид келувчи ҳар қандай оппозицион фикрни сўндирди ва иррационал қатламга, онг остига сиқиб чиқариб юборди. Бу аста-секин умуман янги ғоядан, ғоявий ташаббускорликдан кўрқишга айланди. Тафаккур эса тобеликка ўрганиб қолди, инертлик касб этди. Тафаккурнинг баъзи ижодий имкониятлари яхши рўёбга чиқмади. Бу, биринчи навбатда, воқеликка, ўз мавжудлик ҳолатига, ижтимоий муносабатларга танқидий ёндашиб, ўзга халқлар тажрибасини ўрганиб, мақбул жиҳатларини етарлича қабул қила олмасликда, ижтимоий муносабатларни, турмуш тарзини муттасил такомиллаштиришга ожизликда намоён бўлди. Одамлар ўртасида ҳатто «инициатива наказыма» («ташаббусинг жазоланади, яъни ўз гарданингга тушади» мазмунида) деган нақл юрарди.

Тузум шунчалик консервативлашиб, қайишқоқлигини йўқотиб, янгиликлар учун ёпиқ системага айланиб бордики, ҳатто ўз олимлари яратган илмий-техника ютуқларини, янги технологияларни яхши қабул қилолмади. Ушбу маънода ҳам тафаккурнинг ижодий имкониятларига ички рағбат

бўлмади. (Социалистик реализм туфайли бадиий тафаккурнинг ички рағбати тўғрисида ҳам шундай дейиш лозим.)

Совет жамиятининг жаҳон халқларидан «темир парда» билан ажратилганлиги тафаккуримизни маҳдудлаштирди. Унда мафкуравий хурофот унсурлари кўпайишига сабаб бўлди. Пировардида халқимизнинг аксарияти тафаккурида провинциаллик, анъанавийлик, авомийлик белгилари устунлик қилди.

Истиқлол туфайли биз бу қусурлардан аста-секин холи бўлмоқдамиз. Жаҳонга юз тутдик. Таълим-тарбия тизими қайта кўриб чиқилмоқда. Умуман, жамиятимиз тубдан қайта яратилмоқда, янгиланмоқда. Жамият билан биргаликда халқ онги ва тафаккури ўсмоқда, дунёқараши ўзгармоқда. Аммо бу жараён, табиийки, тез ва силлиқ содир бўладиган жараён эмас. Чунки инсон онги учун ўзининг хато андозаларидан, кўникмаларидан озод бўлиш оғир ва секин кечади. Одатда тафаккур инерцияси бошқа ижтимоий ҳодисалар инерциясига нисбатан кучлироқ. Шу сабабдан комил инсон тарбиясининг яхлит назарий концепцияси жамият аъзоларининг, биринчи галда ёш авлоднинг тафаккури эркин, ҳар қандай мутаассиблик, догматизм ва қолоқликдан холи, идрок ва таҳлил этилаётган ҳодисаларга танқидий ёндашиш, воқеликка ижодий, яратувчилик талабларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш масалаларини, тафаккур эркинлигини тарбиялашнинг методологик масалаларини ва асосий илмий-услубий, педагогик-психологик негизларини ўзида акс эттириши лозим.

Ислом Каримов адолатли таъкидлаганидек: «Албатта, ҳаммамизга аёнки, жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён. Қолаверса, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилиш, ҳали-бери учраб турадиган эскича фикрлаш асоратларини енгиб ўтиш осон эмаслигини ҳам яхши тушунамиз»¹.

Тафаккур провинциализми нима, унинг қандай белгилари ва хусусиятлари мавжуд?

Биринчидан, унга кескин контрастлик хос. У кўп ҳол-

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 100–101-б.

ларда маҳаллий ва бачкана муаммоларга ўралашиб қолади, уларнинг аҳамиятини ортиқча баҳолайди. Ёки, аксинча, ҳавойи оламшумулликка интилади. У мулоҳаза юритаётган муаммолар бўйича дунёдаги янгиликларни, муқобил фикрларни, ечимларни яхши билмайди, шу боис, унинг мулоҳазалари масалага бир томонлама, тор ёндашиш асосида саёзлиги билан ажралиб туради. Хулосалари узил-кесил, қатъий бўлиб, муқобил фикрларга кўп ҳолларда ўрин қолдирмайди. Ёки, аксинча, муросагўйликка, келишувчиликка мойиллик кўрсатиб, обрўли шахс фикрини нотанқидий қабул қилади. Бу белгилар унинг мустақил эмаслигини, тобелигини кўрсатади.

Иккинчидан, у маҳаллий муаммоларни минтақавий ва глобал муаммолар билан чуқур боғлай олмайди. Хусусий ҳодисаларда мавжуд бўлган умумий тенденцияларни яхши пайқамайди. Аммо хусусий ҳодисаларга умумий ҳодисаларнинг белгиларини кўчиради ва, аксинча, йирик, ҳатто глобал жараёнлар тўғрисида маҳаллий (локал) ҳодисаларга қараб мулоҳаза юритади. Улардан бошқа қонуниятлар юзага чиқишини, йирик, мураккаб тизимнинг таркибий қисмлари орасидаги муносабатлар кичик, содда тизим унсурлари орасидаги муносабатлардан бошқачароқ кечишини яхши фаҳмламайди. (Илм-фанда бу дилетантизмнинг кўринишларидан биридир.) Шунинг учун ҳам бу тафаккур маҳаллийчиликни ёқлаши, бошқаларга сал беписанд қарashi, ҳаётнинг энг долзарб, янгиланишга алоқадор катта оқимидан ажралиб, четда кузатувчи ёки консерватив оппозицияда бўлиб қолганлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда унга номукамаллик комплекси (бир томонлама идрок қилиш ва шунга яраша чекланган хатти-ҳаракат қилиш, ўзига ишонмаслик, ўз-ўзини камситиш, ўз ҳолатидан уялиш, лекин уни тубдан ўзгартишидан чўчиш) хос, ана шу комплекс уни кўп ҳолларда тортинчоқ, журъатсиз, баъзан хаёлпараст, баъзан шаккок ва нигилист бўлишга ундайди.

Провинциал, авомча тафаккур барча даврларда ҳам учрайди. Лекин у кўпроқ аънавий тафаккурнинг хусусий кўриниши сифатида кенг тарқалган. Чунки унинг негизини ҳудудлар, мамлакатлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалар ва ахборот тизими яхши ривож-

ланмаган, ижтимоий ҳаёт сокин ва секин кечадиган турмуш тарзи ташкил қилади. Ижтимоий-иқтисодий алоқалар кучли ривожланган, сиёсий ҳаёт жўшиб, оммавий ахборот воситалари индивид ва жамият фикрини шакллантиришнинг асосий омилларидан бирига айланган даврда провинциал тафаккурнинг ижтимоий-иқтисодий замини торайди, сабаблари камайди. Аммо у анъанавий тафаккурнинг қолдиги сифатида, анча заифлашган кўринишда бўлса-да, ҳалигача анча-мунча тарқалган.

Провинциал, авомча тафаккур янгиликлардан, янги-ча ёндашувлардан кўрқади ва анъанавийлик доирасидан узилиб чиқа олмайди. Тафаккур анъанавийлиги оламга, ҳаётга догматик муносабатда бўлиш, уни турли бичимлар, қолиплар, одатий ва доимий тус олган баҳолар, мезонлар орқали идрок этиш, ўз онги ва ижтимоий мавқеи барқарорлигидан теран қониқиш ҳосил қилишдир. Анъанавий тафаккур доҳийлар, раҳбарлар ва бошқа обрўли шахслар, айниқса, ўтмиш обрўли зотлари мулоҳазаларини, фикрларини мутлақлаштиради. Русларнинг «Сен бошлиқ бўлсанг — мен аҳмоқман, мен бошлиқ бўлсам — сен аҳмоқсан» деган мақоли анъанавий тафаккурнинг айрим хусусиятларини яхши очиб беради. Анъанавий тафаккурнинг хусусиятлари, асосий белгилари ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

Тафаккур анъанавийлиги устунлик қилган жамиятда нафақат маънавий маданият, халқ таълими, тарбия, шунингдек, иқтисодиёт ва давлат сиёсати ҳам догматик мафкурага бўйсуниб қолади, объектив зарурат кўпинча инкор қилинади, мафкуранинг ўзи эса маросимчиликнинг, анъананинг бир турига айланади, замон талабларига мослашиб, ривожланиш, янгиланиш ўрнига, ижтимоий ҳаётни ўзига мослаштиради. Тафаккур анъанавийлиги устун жамиятда шахсга сифинишга мойиллик кучлироқ бўлади. Совет давридан бизга яхши маълумки, консервативлик, фармонбардорлик, марказга содиқлик, аммо маҳаллий раҳбарият устидан шикоятбозлик унинг яна бир характерли белгисидир. Унинг анъана кучига ва марказга нисбатан ишончи иррационал мазмун касб этади. У кўпинча марказнинг ҳар қандай қарорини қўллаб-қувватлайди. Марказий ҳокимиятга нисбатан норозилик ҳисси, оппо-

зицияда бўлиш унга ёт, қоидадан истисно. Анъанавий провинциал тафаккур соҳиблари ўз ҳаёти, турмуш даражаси ҳақида марказий ҳокимият вакили сўраса, мудом қониқиш ҳиссини билдиради. Бу, аслида, асрлар давомида Оллоҳ ва подшоҳ олдида ҳар нарсага шукур қилиб яшашга, куч олдида ҳурмат кўрсатишга ўрганиб қолган кўникманинг бир кўринишидир, холос.

Мазкур тафаккурнинг қарама-қаршиликлардан иборатлиги ундан нафақат консерватив бўлишни, балки маълум вазиятларда ўта радикал, ҳамма нарсани инкор этувчи бўлишни талаб қилади. Масалага танқидий ёндашишнинг, танқидий таҳлилининг ўрнини, одатда, танқидбозлик ёки метафизик инкор, нигилизм эгаллайди.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар бошланган дастлабки йилларда радикал чақириқлар, баъзи сиёсатбозларнинг халқ ҳокимияти (демократия) тушунчасини оломон ҳокимияти (охлоқратия) тушунчаси билан алмаштиришга уринишларининг ёхуд диний-экстремистик сафсатабозликнинг, демагогиянинг айримлар томонидан нотанқидий қабул қилингани провинциал тафаккур радикализи-мига мисолдир. Маданий меросга муносабат масаласида, совет давридаги ижодкорлардан фақат Сталин қатағонларига учраган адиб ва санъаткорларнинг асарларини тан олиш, бошқаларни инкор қилиш ҳақидаги баъзиларнинг кескин даъватлари провинциал тафаккур нигилизмидан ўзга ҳодиса эмас. Лекин бу хилдаги радикализм унчалик кенг тарқалган эмас, у кўпроқ истисно тарзида намоён бўлади.

Шундай қилиб, мазкур тафаккур моҳиятини аслида масалага ҳар томонлама ёндашмаслик, теран таҳлил қила олмаслик, ижодий мустақиллик етишмаслиги, тобелик, турли тамойилларни чалкаштириб юбориш, умумлаштириш маданияти пастлиги, обрўли фикрни нотанқидий қабул қилиш, зиммасига масъулият олишдан қўрқиш, воқеликни ва ҳодисаларни ўзига хос тарзда муқаддаслаштириш ташкил этади. Бизнинг тобе тафаккуримиз совет даврида марксизм-ленинизмни муқаддаслаштирди. Расман даҳрийликни қабул қилди. Аммо совет даврида жамият аъзоларининг бир қисми яширинча ибодат ва бошқа баъзи маросимларни бажариб келди, яна бир қисмининг онги

тубида исломга нисбатан психологик эътиқод сақланиб қолган эди. Бугун худди шундай марксизм-ленинизмга нисбатан психологик тобелиқдан баъзи бирларимиз тўла қутула олганимиз йўқ.

Совет жамиятида гўёки ҳамма бир хил «илмий-материалистик» фикр юритса-да, дин тарихи ва диний таълимотларнинг ҳақиқий илмий-танқидий таҳлилига бағишланган асарлар бармоқ билан санарли эди. Жамият сиртдан диндан юз ўтиргани, дин пешволарини сўкиб, ҳақоратлаб, диннинг ўзини бемаънигарчилик деб эълон қилгани билан ичидан дин танқидига тақиқланган, муқаддас (сакрал) ҳодиса сифатида ёнлашар эди.

Истиқлолга эришилгандан кейин виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланибгина қолмай, амалда диннинг ривожланишига шарт-шароит яратилди. Оммавий ахборот воситаларида илгари совет давридаги кўпол, жанговар атеистик тарғибот ўрнини динни эъзозлаш эгаллади. Ҳатто кўпчилик собиқ жанговар атеистларнинг бир қисми фаол художўйларга айланди. Бу тобе тафаккурнинг бир кескинликдан иккинчи кескинликка ташланишига маълум даражада мос келади. Истиқлолдан кейин эса марксизм-ленинизмнинг чуқур илмий танқидига бағишланган фундаментал асарлар ижтимоий фанларнинг бирор йўналишида чоп этилмади. Чунки ушбу фанлар вакиллари унга нисбатан ўзларидаги сакрал муносабатни, ички психологик тобелиқни дастлаб тўла енга олмадилар. Фақат юзаки танқид ва инкор билан чегараландилар. Бугун эса мазкур масала ўзининг долзарблигини анча йўқотди.

Бизни қизиқтирадиган нарса дунёқараш ва иймон-эътиқод масаласи эмас, балки тафаккур эркинлигидир. Провинциал тафаккур тўпорилиги, психологик жиҳатдан мустақил бўлмагани учун унга доимо етакчи ёки тақлидга яроқли намуна керак. Етакчи сифатида нисбатан кенг тарқалган ғоя ва унинг тарғиботчиси ёки бирор соҳада катта ютуқларга эришган конкрет шахс бўлиши мумкин. Бу хусусият нафақат провинциал, маҳдуд тафаккурга, умуман, кенг авом тафаккурига, шу жумладан ғарб мамлакатлари авом оммаси тафаккурига ҳам хос.

Авом тафаккури ўзига сиғиниш, тақлид қилиш учун «санам» яратишга уста. Ғарбда кўпинча бу эҳтиёж спорт ва

санъат юлдузларига ихлос қилиш орқали қондирилади. Аммо аҳён-аҳёнда ҳар хил сиёсий авантюристлар, қаллоблар, мансабпарастлар бу эҳтиёждан ўзларининг ғаразли худбин мақсадларида фойдаланадилар. Маиший даражада турли алдоқчилар, фирибгарлар, сохта табиблар, экстрасенслар ва шу кабилар пайдо бўлиб туради. Улар маълум объектив шарт-шароит туғдирган эҳтиёжларнинг мевасидир. Мана шундай эҳтиёжлардан бири тафаккурнинг тобелиги, унга етакчи зарурлиги, унинг мустақил хулоса чиқара билмаслигидир. У жон-жон деб бошқанинг иродасига бўйсунди ва зиммасидан ҳар қандай масъулиятни соқит қилади.

Тобе тафаккур, масъулиятдан кўрқадиган тафаккур Ўзбекистон истиқлоли эҳтиёжларига, тараққиёт модели талабларига зид келади. Чунки бу тафаккур эгалари илмий-техникавий, иқтисодий янгиликларни етарлича қабул қила олмайди, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдан кўра кўпроқ уларни турғунлаштиришга мойиллик кўрсатадилар. Тобе тафаккур эгалари, шунингдек, турли сиёсий кўпоровчилар, диний экстремистлар тарғиботига, найрангларига учишлари, уларнинг ортидан эргашишлари мумкин. Бундан ташқари, улар ўз умрини ўтаб бўлган, тарихий анахронизмга, замонавийлик нуқтаи назаридан сохта қадриятга айланган ғояларни, ҳодисаларни тиклашга мойиллик билдирадилар.

Бунга мисол қилиб Афғонистондаги толиблар ҳукронлиги даврида Буюк Хуросонни, баъзи рус шовинистлари орасида Россия империясини, ўта кескин коммунистик реваншистлар орасида СССРни, «Ҳизб ут-таҳрир ал-исломия» тарафдорларида ислом халифалигини, ваҳҳобийларда Пайғамбар давридаги ислом синкретизми ва теократик жамиятини тиклаш каби ғоялар машҳурлигини кўрсатиш мумкин. Афсуски, бундай сохта ғояларга Ўзбекистонда ҳам баъзи бир кишилар учмоқда.

Миллий қадриятларни тиклаш, маданий меросга муносабат масаласида ниҳоятда нозик дид, фуқаровий етуқлик, танқидий таҳлил ва айни пайтда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Истиқлол туфайли маданий меросимизнинг, шу жумладан, диний меросимизнинг халқдан яширилган ёки нотўғри талқин қилиб келинган бебаҳо намуналари халққа қайтарилди.

Маданий меросимизни бугун қайтадан кашф этмоқдамиз. Уни холис ва илмий шарҳлашга эътибор катта. Олимларимиз хайрли ишлар қиляптилар. Аммо баъзи бир кескинликдан қарама-қарши иккинчи кескинликка интилиш ҳоллари йўқ эмас. Бу ҳам провинциал тафаккуримизнинг усулда ва услубда андозаларга, қолипларга ўрганиб қолганлиги асоратидир.

Тафаккур тобелигидан қутулиш учун, биринчидан, жамият аъзоларининг онги ва онгостидан ижтимоий кўрқув сарқитларини сиқиб чиқариш керак. Бунинг асосий чораси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари устуворлигини қатъий таъминлаш, демократик муносабатларни ривожлантириш, жамият ҳаётини барча йўналишларда эркинлаштиришдир. Инсон ўзининг шахсий ҳуқуқлари дахлсизлигига, кафолатланишига қаттиқ ишониши, амалда, кундалик турмушда бунга амин бўлиши лозим. Жамиятда демократия тамойиллари тўла қарор топиб, маълум инерция кучи ҳосил қилса ва ўзини турли тасодифлардан муҳофаза қила олса, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт йилдан йил либераллашиб бораверса, онгдаги ва онгостидаги кўрқув сарқитлари бартараф бўлади.

Иккинчидан, провинциалларча фикр юритишдан қутулиш зарур. Бунинг учун эса миллий маҳдудликнинг барча кўринишлари барҳам топиши, жамиятимизнинг очиқлик даражаси янада кучайиши, хориж мамлакатлари билан иқтисодий, илмий, маданий, туристик, информацион ва бошқа алоқалар кенгайиши, ривожланиши, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама тенгҳуқуқли ва фаол интеграциялашуви лозим. Фақат замонавий илмий-техникавий ва информацион тараққиётнинг қудратли оқимига тушиб олиб, миллий маданиятимизнинг бошқа халқлар маданияти билан самарали алоқаларини, уларнинг энг илғор ютуқлари ҳисобига бойишини, ўз ютуқларини жаҳонга чиқаришни таъминлаш орқали тафаккур маҳдудлигини, анъанавийлигини ва провинциализминини, миллий номукаммаллик комплексини тўла енга оламиз. Бу, ўз навбатида, ўзбек модели имкониятларини яхшироқ юзага чиқаради ва доимий такомиллашиб бориши учун керакли ақлий-интеллектуал ва ҳиссий-эмоционал муҳит ва воситалар яратади, зарурат туғдиради.

Учинчидан, таълим-тарбия жараёнида ёш авлодда воқеликка, ўзининг ва жамиятнинг мавжудлик ҳолатига танқидий ва ижодий муносабатни тарбиялаш керак. Танқидий ва ижодий руҳ етарлича шаклланмаган шахс ҳам, бутун авлод ҳам тафаккур тобелигидан тўла халос бўлолмайди. Бундай шахс ва авлод кашшофликка, жамиятни янгилашга, ўз мавжудлик ҳолатини яхшилашга анча-мунча лоқайд қарайди, дадил фикр юритишдан, муқобил қарор қабул қилишдан чўчийди, анъанавийликка мойиллик кўрсатади.

Шу боис таълим-тарбиянинг барча босқичларида ёш авлоднинг ҳар бир вакилида мустақил, танқидий фикрлайдиган шахсни вояга етказиш, аввало у билан шахс сифатида ҳисоблашиш, унга катталарни ҳурмат қилиш, урф-одатларга риоя қилиш баҳонасида тазйиқ қилмаслик шарт. Урф-одатларга, маданий меросга ёш авлодда, бир томондан, чуқур иззат-ҳурматни, эъозли муносабатни, иккинчи томондан, танқидий муносабатни тарбиялаш зарур.

Авлодларнинг табиий-тарихий алмашуви жараёнида бугун шаклланаётган ёшлар халқимизнинг асосий иқтисодий-ишлаб чиқариш, ижодий-интеллектуал кучига айланади. Уларнинг дунёқараши, тафаккури қай даражада илғор бўлиши, жаҳоннинг энг юксак талабларини ўзига мўлжал қилиб олиши жамиятимизнинг истиқболларини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайди.

Шу боис тафаккур ривожланиши, жамиятнинг ақлий-интеллектуал салоҳияти янада кучайиши, унда илғор тараққийпарварлик меъёрларининг ортиб бориши, ёшлар дунёқараши қандай идеаллар таъсирида шаклланиши жуда долзарб масала. У миллий истиқлол мафқурасининг марказида туради ва устувор йўналишларидан бирини ташкил этади.

Халқ таълими, илм-фан, санъат, маданият масалаларида қўлга киритилган ютуқларимиздан айрилиб, орқага кетишга ҳаққимиз йўқ.

Ўтиш даврининг муқаррар объектив ва субъектив қийинчиликлари ижтимоий онг инерцияси билан биргаликда тафаккур эркинлигини ривожлантириш йўлида муайян тўсиқлар ҳосил қилди. Улар орасида биринчи навбатда катта ёшдаги аҳоли онгининг ўзига хос маргиналлигини ажратиб кўрсатиш керак. Бу ҳақда кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

Маргиналлик кўп ҳолларда ижтимоий пассивликни, баъзан лоқайдликни ва жамият ҳаётида вужудга келган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишни келтириб чиқаради, шу жумладан тарбия борасида ҳам. Бунда меҳнат ва касб тарбияси, меҳнат бозори талабларига мослашишни шакллантириш, ишбилармонлик билан шуғулланиш кўникмаларига ўргатишдан тортиб, то сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ўстиришгача бўлган тарбиянинг барча йўналишлари ва шакллари назарда тутилмоқда.

Фақат янги шароитда вояга етган авлод онги маргиналликдан халос бўлади. Авлодларнинг табиий-тарихий алмашинуви жараёнида янги шароитда шаклланган авлоднинг нисбий улуши корхона, ташкилот, муассасаларда, умуман халқ ҳўжалигида, айниқса, бошқарувнинг турли бўғинларида маргинал онг соҳибларига нисбатан устунлик қилса, ўзбек модели имкониятлари юзага чиқиши, жамият ҳаётини демократлаштириш тезлашади.

Тарбия орқали шаклланидиган иқтисодий, сиёсий тафаккур, касбий ва ижтимоий фаоллик тараққиёт модели ва салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи субъектив омиллардир.

Тафаккур эркинлигини ривожлантириш, халқимизни бунёдкорлик салоҳиятини тўлароқ юзага чиқариш учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, ижтимоий қўрқувни туғдирувчи ёки озиқлантирувчи ҳар қандай омилларга қарши фаол курашмоқ, демократияни ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамламоқ зарур. Эртанги кунга ва ўзига ишонч аҳоли онгида ислоҳотлар самараси ошган сайин ўсиб бориши муқаррар. Айнан келажакка ва ўзига ишонч турли хил номукамаллик туйғуларидан халос бўлишга ёрдам беради. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз» ғоясини ёшлар онгига сингдириш, соғлом миллий гурурни шакллантириш жуда муҳим.

Тафаккур эркинлигини таъминлаш Ўзбекистон учун, биринчидан, миллий мустақилликни мустаҳкамлашни, иккинчидан, плюралистик қарашларни, ўзаро фарқ қиладиган партиявий мафкураларни вужудга келтириш орқали жамиятни демократлаштиришни, учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва инсон шахси қадрининг янада ўсишини, тўртинчидан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни,

илмий-техника тараққиётини тезлаштиришни, бешинчидан, жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияни кучайтиришни билдиради. Шу боис догматик, тобе тафаккур сарқитларидан, тафаккур анъанавийлиги ва провинциализмдан қутулиш истиқлол ва миллат истиқболига, тараққиёт моделимининг самарадорлигига дахлдор масаладир.

Лекин жамият тафаккурини янгилаш бу жараённи сунъий тезлаштириш орқали эмас, балки маънавият соҳасини тадрижий-эволюцион ислоҳ қилиш йўли билан ҳал қилинади¹.

ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ: МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Тафаккур эркинлиги масаласи ўзининг илмий-фалсафий жиҳатидан ташқари, аниқ амалий йўналишига ҳам эга. Чунки Ўзбекистонда янги жамият барпо этиш ижтимоий онгни, одамларнинг оламга, инсонга ва жамиятга муносабатини ўзгартиришни тақозо этади. Ислом Каримов адолатли таъкидлаганидек: «Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади»².

Иқтисодиёт эркинлашиб, ҳақиқий бозор муносабатлари қарор топиши учун ҳам, ижтимоий ва шахслараро муносабатлар юксак ахлоқийлик, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожланиши учун ҳам, демократик меъёрлар жамият ҳаётининг, фуқаролар онгининг ажралмас ва зарурий қадриятларига айланиши учун ҳам тафаккур эркинлиги зарур.

Турли чекланишлар домидаги тобе, қотиб қолган догматик ёки ижтимоий қўрқувдан сохта фаоллик, тоталитар яқдиллик хусусияти касб этган тафаккур ёхуд диний-экстремизм ғояларига муккасидан кетиб мутаассибликка айланган тафаккур инсон камолотига, жамият тараққиётига салбий ва бир ёқлама таъсир кўрсатади. Жамият ҳаёти, фан, санъат, маданият тарихини ўрганганда шу нарсага

¹ Қаранг: Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 101-б.

² Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 34-б.

амин бўламизки, қачон ва қаерда тафаккур нисбатан эркин ривожланган бўлса, ўша ерда тараққиёт юз берган. Аксинча, қаерда ва қачон догматизм кучайиб, тафаккурда турғунлик бошланган бўлса, ўша ерда ижтимоий тараққиёт секинлашган, тўхтаган, ҳатто ортга кетган. Буни қадимги тамаддунлар тақдири, ўз халқимизнинг неча минг йиллик тарихи кўрсатиб турибди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани, халқимизнинг жаҳондаги ривожланган миллатлар қаторидан жой олишга интилиши, моддий-иқтисодий омиллар, юксак технологиялар билан бир қаторда, маънавий омилларни ривожлантиришни тақозо этади. Лекин ҳар икки гуруҳ омилларни ривожлантиришнинг ўзи инсон тафаккури ўсишига, ижодий яратувчилик салоҳияти кучайишига боғлиқ. Туб ислохотларнинг чуқурлашиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўтмишдан қолган баъзи қолоқ тушунчалар, маъмурий-буйруқбозлик иллатлари, боқимандалик кайфиятларининг секин барҳам топаётгани ёки баъзи ёшларга бузғунчи, ёт ғоялар таъсир кўрсатаётгани, мафкуравий иммунитет етишмаслиги тафаккур эркинлиги масаласининг долзарблигини ошироқда.

Тафаккур эркинлиги умумназарий томондан фалсафанинг энг мураккаб масалаларидан биридир. У оқибатда фалсафий илмнинг барча таркибий қисмлари — онтология, гносеология, методология, логика, аксиология, этика, эстетика ва ҳ. к. ҳамда психология билан, хусусий-илмий жиҳатдан эса барча фанлар билан, образли мушоҳадаси орқали бадиий ижоднинг барча турлари билан у ёки бу даражада боғланади. Бинобарин, уни атрофлича фалсафий таҳлил қилиш амалда мазкур йўналишлар, таркибий қисмлар, илмий тизимлар тамойиллари ва мезонларини ҳам назарда тутиб, масалани тадқиқ этишни ёки ҳеч бўлмаганда, умумий фалсафий таҳлилда турлича ёндашувлар, нуқтаи назарлар, тамойиллар мавжудлигини кўзда тутишни ва сўнг умумлаштиришни тақозо этади. Лекин шунда ҳам барчага маъқул, ички зиддиятсиз ва уйғунлашган хулосаларга келиш қийин. Чунки тафаккур эркинлиги масаласи ҳаётнинг, жамият ва инсоннинг ўзи каби мураккаб, зиддиятли, серқирра ва битмас-туганмасдир. Унинг

мезонлари жамият юксалиши, тараққий этиши жараёнида ўзгариб, янги талаблар ҳисобига бойиб боради.

Тафаккур тарзи, бир томондан, илм-фан, мантиқ, адабиёт ва санъат эришган савия, яъни оламни илмий ва бадий билиш даражаси билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан – ижтимоий амалиётга, яъни қарор топган шахслараро, шахс ва давлат, шахс ва жамият, шахс ва табиат ўртасидаги муносабатлар мазмунига, шакллариغا, ижтимоий ишлаб чиқариш ва технологиялар даражасига боғлиқ. Омоч билан ер ҳайдаб, деҳқончилик қиладиган, урчуқ билан ип йигириб, бўз тўқийдиган, уйини қора чироқ ёрдамида ёритадиган, дунё воқеаларини-ку қўя турайлик, ҳатто қўшни қишлоқда нима бўлаётганидан, агар бориб кўрмаса ёки бирор киши келиб гапириб бермаса, беҳабар қоладиган давр кишисининг онги, дунёқараши, интилишлари ва идеалларидан, фикр-мулоҳаза юритишидан қишлоқ хўжалиги механизациялашган, саноатда автоматик дастгоҳлар ва кибернетик қурилмалар қўлланиладиган, ОАВ бир зумда ҳар қандай ахборотни бутун дунёга тарқатадиган давр кишисининг онги, дунёқараши, қадриятлар тизими ва тафаккури кескин фарқ қилади, албатта. Ижтимоий тараққиёт даражаси тафаккурнинг ривожланиш даражасини ҳам, эркинлик даражасини ҳам белгилайди. Ва, аксинча, тафаккур кучи, имкониятлари, оламни билиш меҳнат қуролларини, ишлаб чиқариш технологияларини, фан ва техникани, адабиёт ва санъатни ривожлантириш орқали жамият тараққиётига, инсон камолотига бевосита таъсир кўрсатади.

Тафаккур эркинлиги нисбий ва тарихий характерга эга. Тафаккур эркинлигини белгиловчи ҳар бир тарихий даврнинг ўз ўлчовлари, мезонлари бор. Улар ўзгариб, ривожланиб туради.

Тафаккур эркинлиги инсон эркинлигининг ажралмас қисми ва негизидир. У, юқорида айтилганидек, жамият инсонга яратиб берган имкониятлар ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир. Айни пайтда эса у инсон эркинлигининг ақлий пойдеворидир. Оқибат-натижда *тафаккур эркинлиги ҳар қандай эркинликнинг* (виждон эркинлигининг, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий эркинликларнинг, умуман дунёқараш эркинлигининг ва ҳ.к.) *маънавий не-*

гизини, интеллектуал шарт-шароитини ташкил этади. Тўғри, эркин тафаккур бевосита виждон эркинлигини ёки сиёсий, иқтисодий эркинликларни юзага чиқармайди. Аммо тафаккури қарам киши, ҳатто виждон эркинлиги тўла таъминланган жамиятда ҳам субъектив тушунчадаги тўлақонли эътиқод эркинлигига эриша олмайди. Жамиятда мафкуравий ва сиёсий эркинлик вужудга келса-да, тафаккури қарам кишилар, гуруҳлар жанговар атеизмга ёки диний радикализмга (ҳар иккаласи ҳам ғоявий мутаассиб-ликдир) оғиб кетиши мумкин. Чунки тафаккури қарам шахсда ғоявий иммунитет ва ирода заиф бўлади. У мустақил хулоса қилиш, ҳодисалар ва жараёнларни холис баҳолаш масъулиятдан чўчийди.

Эркинликнинг бошқа шакллари, хусусан, шахснинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинлиги тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Сиёсий эркинлик нима? Объектив нуқтаи назардан у муайян давлат конституцияси, қонунлар мажмуи томонидан алоҳида фуқаролар ва турли сиёсий, жамоат ва нодавлат ташкилотларига ўзларининг ҳокимиятга (ҳар учала бўғинига) ва умуман сиёсий тузумга нисбатан муносабатларини эркин ифода қила олиш (сайлов, ОАВ, турли оғзаки ёки ёзма мурожаатлар, таклифлар орқали) учун яратилган ҳуқуқий ва амалий имкониятлардир. Субъектив нуқтаи назардан эса фуқаролар, партиялар ва ш.к. ларнинг бу имкониятлардан онгли равишда ва самарали фойдалана олишидир. Тафаккури тобе шахс ёки илмий жиҳатдан хато, догматик ёки эклектик таълимотга таянган партия яратилган объектив сиёсий эркинлик имкониятларидан самарали фойдалана олмайди: ё ўз ҳуқуқларини тўла, охиригача англаб, амалда қўллай олмайди, ё ўз ҳуқуқларини ортиқча баҳолаб, ҳокимиятга ва жамиятга асоссиз талаблар қўя бошлайди, тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилади.

Тафаккури бировга қарам ёки чекланган киши ўз экзистенциал ҳолатини ва эҳтиёжларини ҳам, ижтимоий-тарихий заруратни ҳам тўлиқ англаб ололмайди, бир ёқлама тушунади. Ҳодисалар ва вазиятни таҳлил этиб, мустақил қарор қабул қилишда, эркин танлашда қийналиб қолади. Ўзга фикрларни танқидий баҳолашда қийналиш уни бошқалар ортидан кўр-кўрона эргашишга ёки интуи-

тив ҳаракат қилишга ундайди. Бу эса доим ҳам яхши натижаларга олиб келавермайди, инсон эркинлигини чеклаб, тасодифларга ёки ўзга иродага қарам қилиб қўяди. Турли ижтимоий гуруҳлар, диний-экстремистик секталар ва оқимлар таъсирига кўпроқ ҳаётий билимлари ва тажрибаси кам, иродаси заиф ва тафаккури унчалик эркин бўлмаган кишилар, айниқса, ёшлар тушиб қолади.

Бундай кишилар, одатда, кўпинча оддий ижрочилар бўлиб, улар мустақил қарор қабул қилишга ўрганмаган, аксинча, раҳбарларнинг, бошлиқларнинг кўрсатмаларини бажаришга ўрганиб қолган билим даражаси паст кишилардир. Ўзгалар таъсирига тушувчиларнинг иккинчи гуруҳи ўсмирлар ва ёшлардир. Улар ота-онасининг қаромогидан энди мустақил ҳаётга чиқаётган (бинобарин, шу пайтгача мустақил қарор қабул қилиш, мустақил хулоса чиқаришдан йироқ бўлган), ота-онаси, ўқитувчилари ёки обрўли шахс (кўпинча ўзидан катта ёшдаги болалар) иродасига бўйсунушга одатланган ёшлардир.

Ўсмирликдан ёшликка ўтиш даврида уларда индивидуал мустақилликка интилиш пайдо бўлади. Дастлаб ота-онаси ва қариндошлари, сўнгра ўқитувчилари фикрини танқидий қабул қила бошлайди. Баъзи ҳолларда танқидий қарашлар ўзига хос ички норозилик, ҳатто оилада ёки мактабда «катталар» билан келишмовчиликка айланиши мумкин, Айнан ўсмирликдан ёшликка ўтиш даврида (14–18 ёшлар) улар оила ва мактабдаги меъдага тегиб қолган панд-насихатлар ва аллақачон такрорланавериб таъсирини йўқотиб қўйган чақириқлардан муқобил қарашларни ифодалайдиган ғояларга қизиқадилар. Аслида эса янги таъсирга интиладилар. Ҳаётий тажрибаси, билими етишмайдиган, мустақил фикрлаш маъласига эга бўлмаган, ҳеч қачон масъулиятли қарор қабул қилиб кўрмаган ёш йигит ёки қиз ўзга фикрни осонгина қабул қилади. Унинг ташқи жиҳатдан жозибали, бузғунчи, сохта ғоя таъсирига тушиб қолиши осон, айниқса бу ғоя адолат, Ватан, миллат, халқ манфаати, имон-этиқод, ҳалоллик каби тушунчалар билан ниқобланиб тортиқ қилинса. Шу боис ўсмирлар ва ёшлар қайси муҳитда, қандай кишиларнинг таъсирида эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундан оила ва жамият огоҳ бўлишлари керак.

Юқоридагиларни умумлаштириб дастлабки хулосага

келадиган бўлсак, тафаккур эркинлиги бирламчи шаклда шахснинг мустақил мулоҳаза юритиш ва баҳолаш масъулиятини ўз зиммасига олишидир.

Ўз экзистенциал ҳолатини, эҳтиёжларини ва ижтимоий-тарихий заруратни яхши англаган киши учун вазиятни ва истиқболни тўғри баҳолай олиш, масала ечимининг, ҳаракатнинг мавжуд вариантларидан ўзига энг маъқули ва мақбулини танлаш имкони туғилади. Лекин ўз-ўзидан бу имконият юзага чиқиб қолмайди. Чунки эркин тафаккур объектив шарт-шароитлар, субъектив интилишлардан (маълум мақсадга), хоҳиш-истакдан ташқари фикрлаш маданиятини ҳам тақозо этади. Фикрлаш маданияти, оддий қилиб айтганда, икки жиҳатни ўз ичига олади. Бир томондан, у билимлардан иборат, яъни муҳокама ва таҳлил қилинаётган нарса, ҳодиса ёки фикр тўғрисидаги тушунчаларни, мавжуд қарашларни (шу жумладан илмий, назарий қарашларни) билишдан, иккинчи томондан, мантиқий нуқтаи назардан (формал ва диалектик) тўғри таҳлил қила олиш ва хулоса чиқаришдан иборатдир. Бу тафаккур (фикрлаш) маданиятининг субъектив мавжудлигидир. Унинг объектив мавжудлиги предметлашувда, яъни фикрнинг, ғоянинг ҳаётга, амалиётга айланишида намоён бўлади. Бошқача айтганда, тафаккур эркинлигининг объектив мавжудлиги шахснинг (умуман социумнинг барча кўринишларининг) хулқ-атворида, амалиётда, ижодий яратувчилигида акс этади.

Билими кам киши баҳсда ёки суҳбатда эшитган гапларини тўғри, холис баҳолай олмайди. У иккиланиши, суҳбатдоши далилларининг тўғрилигига шубҳа қилиши мумкин, аммо асослар ёрдамида рад этишга ожиз. Агар ички туйғу уни «огоҳлангирмаса», у суҳбатдош фикрини тўлиқ ёки қисман қабул қилиши ҳеч гап эмас. Лекин тафаккур маданиятига билимнинг ўзи камлик қилади. Билим кўпроқ пассив эрудициядан, ахборотлар мажмуидан иборат бўлиб қолса, унда таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариб янги фикр яратиш орқали янги нарса ижод қилиш, яъни амалиётга айланиш салоҳияти етишмаса, у тафаккур маданиятига айланмайди. *Билим ижодкорлик салоҳияти билан қўшилгандагина тафаккур маданияти юзага келади. Фикрлаш маданиятисиз тафаккур эркинлиги юзага чиқмайди.*

Эркинлик, маълумки, онгли, бутун масъулиятни ҳис этиб танланган ва амалга оширилган қарорда воқе бўлади. Шу боис Гегель эркинлик англаб олинган зарурат, деганида тафаккур эркинлигининг ёки Гегель атамаси бўйича, руҳ эркинлигининг моҳиятини ифодалаган эди. Энгельс эса, унга қўшимча қилиб, эркинлик англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат қилиш, деганида ушбу моҳиятнинг ҳодисага айланишига, қандай юзага чиқишига урғу берган эди.

Инсон ўзига жамият сиёсатда, иқтисодиётда, маданиятда ва ҳ.к. бера олиши мумкин бўлган эркинлик даражасидан ортиқ эркинликни қўлга кирита олмайди. Ҳатто реал ҳаётда кўпинча у (конкрет шахс ва индивид мисолида) ўша имкониятдан ҳам тўлиқ фойдалана олмайди.

Тафаккур соҳасида ҳам бундай боғлиқлик умумий ҳолда мавжуд, лекин сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётга нисбатан анча заиф. Бу тафаккурнинг нисбатан мухторий характеридан келиб чиқади. Иқтисодий жиҳатдан ночор яшайдиган, хизмат поғоналари бўйлаб юқорига кўтарила олмаган, аммо чуқур тафаккурга, кенг дунёқарашга эга бўлган кишилар ҳаётда кам учрамайди (гап ҳавоийи хаёлпарастлар ҳақида кетмаяпти). Баъзи бир ижодкор шахслар эса ўз замонасидан анча илгарилаб кетган ғояларни олға суришлари, буюк кашфиётлар қилишлари тарихдан маълум. Абу Райҳон Беруний, Леонардо да Винчи каби буюк даҳолар ижоди бунга ёрқин мисолдир. Лекин жамиятнинг тайёргарлик даражаси, бу ғояларни, кашфиётларни ҳазм қила олиш, ҳатто қабул қила олиш имкониятлари уларни юзага чиқаришга йўл қўймайди. Боз устига, жамият бундай ғоялар муаллифини сал галатиरोқ инсон, баъзан эса савдойи деб баҳолашгача боради (агар улар ўз ғояларини, кашфиётларини амалга оширишга ҳаддан зиёд киришиб кетсалар).

Шундай қилиб, тафаккур эркинлиги ўта мураккаб ва зиддиятли масаладир. Уни бир томонлама узил-кесил ҳал қилиш, тафаккур эркинлигини тақозо этувчи ягона омилни ёки омиллар гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин эмас.

Тафаккур эркинлиги инсон эркинлигининг негизини ва намоён бўлиш шакларидан бирини ташкил этади, дедик. Айни пайтда **инсон эркинлиги ҳам тафаккур эркинлигининг асосий шартларидан бирини ташкил этади.** Инсон

эркин бўлмаган жамиятда тафаккур эркинлиги аксарият учун чекланади, фақат юқори табақалар, ижодкорларнинг бир қисми эркин фикр юритиш имтиёзига (ҳуқуқига) эга бўлади. Гап бу ерда алоҳида шахс тафаккури устида бормаяпти. Эзоп қул бўлса-да, эркин фикрлаган. Қуллар ва крепостнойлар орасидан атоқли санъаткорлар, ихтирочилар, ижодкорлар етишиб чиққан ва ҳ.к. Алоҳида шахс тафаккури истисно тариқасида ўз даври учун илғор ва нисбатан эркин бўлиши мумкин. Гап жамиятдаги эркинлик даражасининг ижтимоий тафаккур йўналишига, унинг танқидийлиги ва мустақиллигига, ижодий ёки догматик характери-га таъсири ҳақида кетмоқда.

Жамиятнинг инсон учун яратган реал иқтисодий қулайликлари ва имкониятлари, юридик ҳақ-ҳуқуқлари, қарор топган ахлоқий ва маънавий муҳити унинг тафаккури эркин, илғор, юксак идеалларни кўзлаган ёки чекланган, қоқоқ, мутаассибликка мойил бўлишига таъсир кўрсатади.

Тафаккур эркинлигини белгиловчи умумижтимоий (умумтамаддуний), хусусий, ижтимоий (ёки ижтимоий-сиёсий), маданий-маърифий омиллар гуруҳи қаторида маънавий-эътиқодий, илмий-фалсафий омиллар гуруҳи ажралиб туради. Тафаккур эркинлигига, шунингдек, инсоннинг ҳиссий-психологик мойилликлари, хатти-ҳаракатини, қарорларини баҳолашда ички ҳиссиётларини жиловлай олиши, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши ҳам таъсир кўрсатади. Маънавий-эътиқодий, илмий-фалсафий омилларнинг мустақиллиги анча нисбий бўлиб, умумтамаддуний ва ижтимоий-сиёсий омилларга боғлиқ. Кўпинча бу мустақиллик ижтимоий онг даражасида эмас, балки индивидуал онг даражасида намоён бўлади.

Умумижтимоий омиллар — бу жамиятнинг умумтараққий, тамаддуний даражасидан келиб чиқадиган омиллардир. Масалан, бундан ҳатто чорак аср илгари яшаган киши билан ҳозирги ахборотлар технологияси, глобаллашув асрида яшаётган кишининг қарашлари, табиат ва жамият ҳодисаларини, инсон кадр-қимматини баҳолаши ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Тўғри, баъзи бир умуминсоний қадриятларни, талабларни тушунишда муайян фарқ бўлса-да, баҳолаш тамойиллари ва мезонлари асрлар давомида моҳиятан ўзгармаслиги мумкин. Лекин турли давр-

ларда инсоннинг тафаккур тарзи, тафаккур ва эркинликнинг конкрет илмий-гносеологик, аксиологик тамойиллари ва мезонлари сезиларли ўзгаради. Ушбу маънода, бир томондан, тафаккур ўзининг барқарорлигини ва умуминсоний характерини, яъни давр ва ижтимоий тузумдан нисбатан мустақиллигини намоён қилса, иккинчи томондан — у ўзининг *конкрет тарихийлигини, ижтимоий ва шаклий детерминлашганини ошкор қилади*. Ижтимоий-сиёсий омиллар таъсири умумижтимоий омилларни тўлдиради ва тафаккурни бевосита давлат тузуми талаблари, сиёсий эркинлик, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқа ҳаётий масалалар билан боғлайди.

Тафаккурнинг ижтимоий тақозо этилиши (детерминлашгани) шу икки омилга: биринчидан, жамиятнинг умумий ривожланганлик даражасига, санъат, илм-фан, ишлаб чиқариш технологияси хусусиятларига, яъни тарихий-тамаддуний тараққиёт босқичига, иккинчидан, давлат тузумига, унинг эркин, демократик бошқарув тамойилларига, ҳуқуқий меъёрлари илғорлиги ва амалда таъминланишига ёки унда нодемократик, волюнтаристик тамойиллар, ногуманистик мазмундаги қолоқ ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, анъаналар устунлик қилишига боғлиқ. Тоталитар жамиятда кўпчиликнинг, айниқса, авомнинг онги ва тафаккури у ёки бу даражада тоталитар мазмун касб этади. Ва, аксинча, ҳақиқий демократик жамиятда кенг омманинг онги, саёз ва зиддиятли бўлганда ҳам, эркинликка мойиллик кўрсатади, ўзга фикрларга нисбатан ўта бетоқат бўлмайди.

Омманинг назарий тафаккури теран бўлмаса-да, доимо тузум хусусиятларини акс эттиради. Оддий омма ҳар қандай барқарор тузумнинг ҳукмрон мафқурасига нисбатан содиқлик кўрсатади. Шу боис тузумга нисбатан оммавий норозиликлар тарихда жуда кам учрайди. Кўпинча ижтимоий идеология (тафаккур) даражасида эмас, балки ижтимоий психология (кайфият, ҳис-ҳаяжон) даражасида юзага чиқади, амалиётда, вазиятга қараб, стихияли ғалаёнлар, кўзғолонлар, инқилобий ҳаракатни қўллаб-қувватлашга айланиб кетиши мумкин. Ушбу ҳолатлар тафаккур эркинлигини эмас, аксинча, қарамлигини кўрсатади.

Демократия яхши ривожланган мамлакатларда ҳам омма

тафаккури жамиятда мавжуд меъёрларга, ижтимоий қадриятларга содиқлик кўрсатади. Унда ҳам очиқчасига мухолифлик кенг тарқалмайди (мухолифлик кенг омма учун эмас, балки сиёсий партияларга уюшган гуруҳлар ёки баъзи масалаларда, айтайлик, табиатни муҳофаза қилиш каби масалаларда, айрим жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига хос бўлади). Аммо ижтимоий онгнинг, тафаккурнинг мавжуд қадриятларни ҳимоя қилишдаги фаоллиги демократик мамлакатлардагига нисбатан кучли бўлади. Бу борада у ҳатто ҳукуматга, давлат ҳокимиятига қарши чиқиши мумкин (аммо тузумга эмас). Бундай фаоллик демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг тафаккур эркинлигида намоён бўлишидир.

Турли тузумларда, агар улар тарихий бир даврга мансуб бўлсалар, омма тафаккури, воқеликни формал объектив-назарий акс эттиришига кўра, ўзаро бир-биридан фарқ қилмаслиги, ҳатто тоталитар тузумда бир оз устун бўлиши ҳам мумкин. Масалан, собиқ СССР, ГДР, Чехословакия каби давлатларда аҳолининг умумий саводхонлиги, ўртамаҳсус ва олий маълумотга эга нисбий улуши, умумий илмий-маданий савияси юксак ривожланган демократик фарб мамлакатлари аҳолисиникига нисбатан сезиларли даражада устун эди. Аммо тафаккури эркин эмаслиги, тоталитарлиги бу устунликни йўққа чиқариб юборар, жамиятга, ҳатто ўз манфаатига нисбатан нотўғри, иррационал, кўпинча ногуманистик муносабатни шакллантирар эди. Тоталитар мамлакат фуқаролари кўп билимли бўлганда ҳам (баъзи социалистик мамлакатлардаги каби) инсон эркинлиги, иқтисодий, сиёсий ва умуман ижтимоий муносабатларда тор фикрлигича қолаверадилар. Агар тоталитар мамлакатда халқ таълими, илм-фан яхши ривожланмаган, фуқароларининг саводхонлик даражаси паст бўлса, унда ижтимоий тафаккурда догматизм унсурлари кўпайиб, мафкуравий мутаассибликка мойиллик кучайиб кетади. Бундай мамлакатда ўзгача фикрлайдиган фуқароларга нисбатан халқ номидан очиқчасига репрессив сиёсат олиб бориш мумкин бўлади. Собиқ СССРда XX асрнинг 20–50-йиллари бошида шундай сиёсат олиб борилган эди.

Халқаро алоқаларда бундай мамлакатлар, бир томондан, жаҳон ҳамжамиятидан нисбатан мафкуравий ва ма-

даний маҳдудлашишга интилса, иккинчи томондан — имкон топса, тажовузкорликка, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга, мафкурасини жаҳон миқёсида ёйишга интилади. Бунинг учун у ўз жонини фидо қилишга тайёр гоъвий мутаассибларни тарбиялайди ва омма орасидан излаб топади, уларни моддий, маънавий-психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Маънавий-маърифий омилларнинг умумижтимоий ва ижтимоий-сиёсий омилларга боғлиқлиги жамиятда халқ таълими, олий мактаб ва илм-фан қандай ривожлангани мисолида аниқ кўринади. Масалан, феодал жамиятда, индустриал жамиятда (XIX аср — XX аср биринчи ярмида ғарб мамлакатлари), ностиндустриал ва замонавий ахборотлар технологияси жамиятида халқ таълими, олий мактаб ва илм-фанни ташкил этишнинг ўзи, уларнинг жамият томонидан (давлат, хусусий бизнес ва жамоат ташкилотлари) қўллаб-қувватланиши ва назорат қилинишида катта фарқ кўзга ташланади. Буни собиқ СССР мисолида қарайдиган бўлсак (истаган давлат мисолида кўриш мумкин), таълимнинг ўта мафкуралашганини, гуманитар фанлар, адабиёт ва санъат коммунистик мафкурага тўлиқ бўйсундирилганини, табиий фанлар ривожланиши ҳам бир томонлама юз берганини, жанговар атеизм ва тор материалистик қарашларга мос келмайдиган (ўша даврда) тадқиқотлар тўхтатиб қўйилганини кўрамыз (генетика, кибернетика). Ҳаттоки ўзини эркин, демократик деб ҳисоблайдиган ғарб мамлакатларида ҳам ижтимоий-сиёсий омиллар халқ таълимини ёки илмий тадқиқотчиликни тўлиқ ўзига бўйсундирмасан-да, унга кучли таъсир кўрсатади. Лекин бундай мамлакатларда баъзи бир хусусий мактаблар, ўқув муассасалари, йирик корпорацияларга қарашли илмий-тадқиқот муассасалари, эркин матбуот ва илмий нашрлар орқали таълим ва тадқиқот сиёсатининг бевосита ва билвосита назоратини, чекловларини четлаб ўтиш имконини топади.

Тафаккур эркинлигига, айниқса индивидуал тафаккурга ҳиссий-психологик мойилликларнинг таъсири тўғрисида алоҳида тўхталиш зарур. Ўзига ишончи кам, иккиланишга ортиқча мойил, иродаси заиф, психикаси бўшроқ

киши теран билимга, таҳлилий ақлга эга бўлса-да, тафаккур имкониятларини тўла рўёбга чиқара олмайди, чунки узил-кесил хулосага келиб, қарор қабул қилиш масъулиятдан чўчийди. Билими, фикрлаши саёз, иродасиз кишини эса истаган томонга етаклаш, унинг онгини истаган тарзда бошқариш (манипуляция қилиш) имкони туғилади.

Иккиланишни, ҳар нарсага маълум даражада шубҳа билан қарашни фақат салбий баҳолаш ярамайди. Соғлом шубҳа, хулоса қилишда шошмашошарликка йўл қўймасдан, яна бир бор далилларни текшириб, ақл тарозисидан ўтказиш инсон тафаккурига хос, уни хатолардан сақлайдиган омилдир. Ижтимоий онгнинг қуйи даражасида (ижтимоий психологияда) соғлом шубҳа (скепсис) кўпчиликни турли радикал тарғиботчилар, сиёсий авантюристлар ва шу кабиларнинг сафсаталарига учишдан сақлайди. Аммо, бошқа бир ҳолларда, омманинг баъзи бир фойдали ташаббусларга, ҳаракатларга нисбатан ҳам инертлигини (лоқайдлигини) белгилайди.

Ўзига нисбатан ишончи ортиқча, манманликка, кибру ҳавога, худбинликка мойил, ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан танқидий қарашга одатланмаган кишилар, агар уларнинг умумий маданий савияси унчалик юқори бўлмаса, муайян масалада ҳаётий тажрибаси ва билимлари етишмаса, турли радикал тарғибот-ташвиқотларнинг таъсирига осон тушиб қолади. Улар янгитдан қабул қилган ғояларининг фаол ташувчиларига, амалга оширувчиларига айланади. Айнан шундай кишилар орасидан мутаассиблар кўпроқ чиқади. Худбинликка, кибрга мойил билимли, иродали кишилар тафаккури кўпинча догматизмга (кам ҳолларда эклектика ва релятивизмга), амалиётда авторитаризмга ён босади. Худбинлик, манманлик, кибрга мубтало кимсаларга, билими даражасидан қатъи назар, уларнинг психологияси ўз хатосини тан олишга халақит беради. Улар ўзлари ишонган ёки янгитдан қабул қилган ғояларининг «барча фойдали имкониятларини» юзага чиқариш учун охиригача уринадилар. Улар учун ўз хатоларини тан олиш гўёки ўзининг заифлигини, мағлубиятини тан олиш билан баробардир. Бундай кишилар, агар бунёдкор ғояларга ихлос қўйса,

жамиятга анча фойда келтиришлари ва, аксинча, бузгунчи ғояларга хизмат қилса, анча ташвиш туғдиришлари, деструктив радикал ҳаракатлар сафини тўлдириб туришлари мумкин.

Инсон тафаккурига нафақат унинг билимлари, ақлининг таҳлилий ва умумлаштириш салоҳияти, мустақил хулоса қилиш масъулиятидан чўчимаслиги, соғлом скепсис, ҳиссий-психологик хусусиятлари, шунингдек, эътиқоди, муайян диний-фалсафий, эстетик, ахлоқий қадриятлар тизимига муносабати ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, имом Ғаззолий ўз даврининг фалсафий ва табиий-илмий билимларидан яхши хабардор бўлган. Унинг тафаккури инсоният тарихида энг ноёб ва кучли салоҳиятлардан бирига эга бўлган. Аммо унинг эътиқоди диний доғмаларга ҳатто билвосита зид келадиган илмий далилларни, хулосаларни инкор қилишга ундаган. Шундай мисолни келтириш мумкин: Ғаззолий ҳаётда, илм-фанда, фалсафада тан олинган кўплаб назарий ва амалий далиллар билан исботланган сабаб-оқибат қонуниятини инкор қилади. Унинг фикрича, сабаб-оқибат қонуниятини тўлиқ тан олиш, яъни ҳар бир ҳодисанинг сабаби борлигини, бу сабаб бошқа бир ҳодисанинг (сабабнинг) ўз навбатида оқибати сифатида қаралиши жоизлиги тан олинса ва бу занжир чексиз давом эттирилса, ҳаёт жараёнида Оллоҳ иродасига ҳеч қандай ўрин қолмайди. У фақат бирламчи яратувчи даражасида қолиб кетади. Ғаззолий ушбу қонуниятни асослайдиган фанларни, биринчи галда фалсафа илмини инкор қилган. Шундай буюк мутафаккир ушбу масалада бир томонлама хулоса чиқарган.

Ҳатто баъзи бир атоқли диний мутафаккирлар ўзларининг салафлари олға сурган айрим ғояларни ҳеч қандай илмий ёки мантиқий далилларсиз ҳақиқат деб қабул қилганлар, салафлари тафаккурининг ғайришуурий (илоҳий) ҳақиқатни кашф эта олишларига, яъни ақл кучи билан эмас, балки қалб кўзи билан ҳақиқатни кўра олишларига ишонганлар. Биз бундай мисолларни нафақат тасаввуф шайхлари ижодида, сал бошқачароқ шаклда ҳатто калом илми мутафаккирлари қарашларида ҳам учратамиз. Масалан, Мотуридийнинг ақл билан бир қаторда нақлга таяниш зарурлиги тўғрисидаги тамойилини эсланг.

Тафаккур табиати ва моҳияти шунчалик мураккабки, унда рационализм иррационализм билан, рационал эвристик хулосалар, умумлаштиришлар трансцендент ва интуитив кашфийёт ва топқирлик билан, ҳодисаларни метафизик, статитик ўрганиш динамикада ўрганиб, диалектик таҳлил қилишлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Тафаккурнинг табиати ва моҳиятини очиш учун масалага аввало диалектик ёндашиш зарур. Диалектик ёндашув ўрганилаётган ҳодисани бир нуқтаи назардан эмас, балки турлича нуқтаи назарлардан, шу жумладан ўзаро зид келадиган, бир-бирини инкор қиладиган алоқалардан туриб ҳар томонлама текширади, таҳлил қилади, унга яхлит тизим сифатида қарайди (яъни турли таркибий қисмлардан иборат бус-бутун ҳодиса сифатида ундаги ички алоқаларни, қарама-қаршиликларни, зиддиятларни аниқлайди). Лекин диалектик ёндашув баъзи бир ҳолларда қарама-қаршиликлар ўртасидаги конфликтни ҳал қилиш жараёни билан эмас, балки инкор ва инкорни инкор этиш жараёнида янги сифат туғилиши билан, яъни оқибат-натижа билан кўпроқ қизиқади. Бу эса билишда бир сифатдан иккинчисига ўтиш механизмини, дискрет ҳолатлар оралиғидаги боғлиқликни яхши ўрганмасликка олиб келиши мумкин. Амалиётда бу ҳар доим ҳам маъқул эмас. Чунки янги сифат туғилишида стихияли ибтидо кучлилик қилса, жамият ва инсон учун катта ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Ёки большевикларга ўхшаб, янги сифат (янги жамият) тезроқ қарор топишига «ёрдамлашиш» учун унга қаршилик қиладиган ҳамма нарсани «супуриб ташлашга», миллионлаб одамларни қурбон қилишга, тараққиётдаги ворисийликни бузишга туртки бўлиши мумкин. Бу аслида диалектикани изчил ўзлаштира олмаслик, ўтмишни метафизик инкор қилишдан устун бўла билмасликдир.

Тафаккур ва онгда ҳам бундай ҳоллар кузатилади. Эътиқод қўйилган аввалги собит ғоялар, қарашлар, қадриятлар тизими емирилиши (динамик стереотипнинг синиши) айрим кишиларни депрессияга мубтало қилиши, айримларни аввалги хулқ-атворига нисбатан тескари хулқ-атворни танлашга ундаши мумкин. Собиқ коммунистлар ва атеистлар ўртасида бугун фаол диндорларнинг кўпайиб кетган-

лиги динамик стереотипнинг синиши туфайли тескари позицияга ўтиб кетишига мисолдир.

Шу сабабдан тафаккур масаласига, ақлий тарбияга нафақат диалектик, шунингдек, синергетик ёндашувлар ҳам зарур. Бундай ҳолда конфликтнинг объектив оқибатидан ташқари, уни ҳал қилиш, енгиб ўтиш жараёнига эътибор кучаяди. Синергетик ёндашув диалектик ёндашувни тўлдиради ва тафаккурнинг бунёдкорлик салоҳиятини оширади (Аслида, синергетик ёндашув диалектик ёндашувнинг замонавий табиатшунослик тадқиқот усуллари таъсирида бойишидир).

Шундай қилиб, тафаккур эркинлиги масаласи ҳар томонлама: қиёсий ва тизимли, мантиқий ва тарихий, социологик ва культурологик, политологик ва аксиологик, рационалистик ва трансцендентлик, диалектик ва синергетик ёндашувларни тақозо этади.

Масалага бевосита ўтишдан аввал айрим қўшимча фикрларни қайд этмоқчимиз. Онг каби тафаккурнинг ҳам икки даражасини ажратиш мақсадга мувофиқ: амалий ва назарий тафаккурни.

Амалий тафаккур инсоннинг меҳнат, ишлаб чиқариш фаолияти, оилавий ва ижтимоий алоқалари билан ёки кенг маънода турмуш тарзи билан боғлиқ. У мудом ва асосан ақлирасоликка, ҳаётий эҳтиёжларни, объектив талабларни оқилона ва тежамли қондиришда вужудга келадиган турмуш муаммоларини имкон қадар тўғри ечишга қаратилган. Унга ҳам, назарий онг каби, экспликация (энг умумий ғояларни, тамойилларни хусусийлари ва иккинчи даражалиларидан ажратиб олиш), умумлаштириш, системалаштириш хос. Лекин унда назарий тафаккурдан фарқли ўлароқ абстрактлаштириш ва таҳлил объекти ҳақидаги хулосаларни қатъий назарий тушунчалар тизимига айлантириш кучли намоён бўлмайди. У кўпроқ конкрет-мантиқий, амалий-рационал характерга эга. Масалан, ахлоқ-одобнинг амалий меъёрлари, турмуш қоидалари, урф-одатлар, истеъмол, савдо-сотиқ, маиший ва бошқа амалий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар инсоннинг минг йиллар давомида тўплаган тажрибасининг амалий тафаккур томонидан экспликация қилиш, рационаллаштириш (мантиқий — тушунчавий шаклда

ифодалаш) ва тизимлаштириш жараёнида шакллланган ва қабул қилинган.

Турли меъёрларнинг нафақат шаклланиши, шунингдек, омма томонидан қабул қилиниши ва уларга аксариятнинг ихтиёрий итоат этиши ҳам амалий тафаккур маҳсулидир. Амалий тафаккур ҳар доим ҳам турмушнинг барча муаммоларининг энг мақбул ечимини топавермаган. Баъзан адашган, хато қилган. Аммо инсон ҳаётда қоқиниб, манглайини ғурра қилиб, боши берк кўчага кириб қолсада, ақлини ишлатиб, янги чоралар, янги йўллар қидирган.

Яшаш учун кураш, меҳнат қуролларини такомиллаштириб, тўқроқ яшашга, оила ва уруғ-жамоада ўзаро муносабатларни яхшилашга, янги авлодга ўз тажрибасини ўргатишга интилиш – кенг маънодаги ижтимоий амалиёт инсон ақлини чархлаган, тушунчаларини бойитган, тафаккурини ривожлантирган. У нарса ва ҳодисаларнинг, мураккаб жараёнларнинг ички моҳиятини англашга ҳаракат қила бошлаган. Амалий онгдан назарий онг ўсиб чиққан. Назарий онг коинот, табиат, жамият, инсоннинг ўзи, унинг ички олами, онги тўғрисидаги, яъни зоҳирий ва ботиний олам тўғрисидаги билимларни, тасаввурларни, қарашларни таҳлил этиб, умумлаштиради ва уларни ўзаро мувофиқлаштиради. Унга яққол намоён бўладиган танқидийлик, соғлом скепсис (шубҳа), экспликация, рационаллаштириш ва системалаштириш хос.

Албатта, назарий тафаккур бирданига ривожланган, етук ҳолда шаклланиб қолмайди. У инсоннинг аниқ мақсадларга йўналтирилган ижодий фаолияти билан боғлиқ. Тадқиқот, ижод эса ҳамма вақт жамият тараққиёт даражаси тақозо этган конкрет-тарихий вазифаларга, имкониятларга, тўпланган тажрибага бевосита ёки билвосита бориб тақалади. Шу сабабдан назарий тафаккур ҳам, қанчалик абстрактлашган бўлмасин, конкрет-тарихий ҳодисадир.

Яна бир фикрни таъкидлаб ўтишни зарур деб биламиз. Тафаккур, актуал намоён бўлишига кўра, фақат ижтимоий ҳодиса эмас, у шунингдек, алоҳида шахс тафаккури сифатида, яъни индивидуал ҳодиса сифатида ҳам мавжуд.

Алоҳида шахс тафаккури ижтимоий тафаккурнинг умумий ва тарихий хусусиятларини, функционал ва ривожланиш қонуниятларини, асосий тамойилларини, тушунча-

ларини акс эттирса-да, мухторий ҳодисадир. Айнан теран, ижодий фикрловчи атоқли шахслар тафаккури турли янгиликларни кашф этади, илғор тажрибани умумлаштиради, янги меҳнат қуроллари, ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва ш.к. янги қадриятлар пайдо бўлишига ва аста-секин жамият миқёсида тарқалишига хизмат қилади.

ТАФАККУРНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ

Тафаккурнинг илк тарихий шакли асотирий тафаккурдир. Ибтидоий жамият кишиси оламни билишда, турли ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги ҳақиқий ёки хаёлий боғлиқликни, уларнинг бир-бирига ва ердаги ҳаётга, одамлар тақдирига таъсирларини аниқлашда ва ифодалашда асотирлардан (мифологиядан) фойдаланган.

Асотир оламни кенг қамровли, умумлашган, системали ва айни пайтда конкрет-образли идрок қилишнинг ибтидоий универсал, синкретик шаклидир. Асотирлар тизимини оламнинг ибтидоий ажодларимиз томонидан яратилган илк модели дейиш мумкин.

Асотирлар оламни билишнинг ва тўпланган билимларни акс эттиришнинг мустақил илмий ва бадиий шакллари пайдо бўлмаган, инсоннинг ахлоқий, эстетик, диний, илмий ва бошқа билимлари жуда кам, жўн бўлгани учун уларнинг ҳар қайси йўналиши алоҳида тизимларга бирлашмаган даврда вужудга келган. Асотирлар ибтидоий инсон онгининг, тафаккурининг негизини, услубини ва ривожланиш воситасини ташкил этган. Оламни асотирлар орқали идрок этиб, акс эттириш фанда ибтидоий синкретизм, тафаккур услуби эса синкретик тафаккур, асотирий тафаккур дейилади.

Асотирий тафаккур хусусиятлари:

1. У оламни яхлит тарзда, бир бутунликда идрок этади. Жамият ва инсонни табиатдан, коинотдан ажратмайди, балки уларнинг узвий бир унсури, бўлаги деб билади. Шу сабабдан унинг ўзига олам инъикоси сифатида ҳам, инсон хулқ-атвори, фаолиятининг пойдевори ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ҳам ички бус-бутунлик, муштараклик, яъни синкретизм хос.

2. Барча предметларни, ҳодисаларни ўз руҳига эга мав-

жудот деб ҳисоблайди. Яъни табиатни «жонлантиради». Бу ҳодиса анимизм дейилади. Воқеликни бундай идрок этиш асотирий тафаккурнинг ҳаётга магиявий (магия – тилсим, сеҳр-жоду) муносабатини тақозо этади ва шаклантиради. Нарса ва ҳодисалар, предметлар ўртасидаги, шу жумладан инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва инсон ўртасидаги алоқалар негизида турли тилсимлар, ғайритабиий кучлар, таъсирлар, қонуниятлар ётади, деб ҳисобланади. Ҳаётга тилсимий (магиявий) муносабат маълум предметларни фетишга айлантириб, уларга сифинишга, у ёки бу жониворни (ёки ўсимликни) тоғем ҳайвон (уруғнинг асосчиси, манбаи) деб эълон қилишга ва унга сифинишга олиб келади. Тилсимий муносабат табу (тақиқ)га таянади. Магияда табу сакрал (муқаддас) аҳамият касб этади ва турмуш меъёрига, қоидасига айланади. Ибтидоий одамнинг табиат ва ҳаёт тилсимларидан, сирларидан қўрқуви табуда намоён бўлади.

3. Табиий ва ғайритабиий, реал ва фантастик (ўйлаб топилган) ҳодисаларни муштарақликда, ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда кўради. Асотирий ибтидоий одам учун – ҳақиқат. У авторитар мазмунга эга.

4. У оламни образли, конкрет акс эттиради. Анимизм асотирий тафаккурнинг «онтологик» тамойили бўлса, конкрет-образлилик эса унинг асосий инъикос (акс эттириш ва ифодалаш) воситасидир.

Шундай қилиб, асотирий тафаккурда олам реал ва фантастик, нореал унсурларнинг мураккаб тилсимий алоқалар билан боғланган муштарақ тизими сифатида ўзига хос тарзда конкрет-образли акс этади. Асотирий тафаккур ўзгармас, қотиб қолган ҳодиса эмас. У ибтидоий инсон билан бирга ўсган, ривожланган. Янги тош асрига келиб шаклан ва мазмунан анча мураккаблашган. Фетишизмдан анимизмга, ундан политеизмга ўтиш асотирий тафаккурнинг ўзига хос тарихий босқичларини ифодалайди. Агар мазкур фаразга таянилса, унда асотирий тафаккур ўзининг энг ривожланган босқичини ибтидоий жамият емирилиши, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши, эътиқодда политеистик қарашлар қарор топиши даврида бошдан кечирган. Айнан худди шу даврда аста-секин асотирий тафаккурдан янгича тафаккурга ўтиш бошланган.

Эътироф этиш лозимки, фетишизм, анимизм, поли-

теизм ўртасида аниқ чегара йўқ, ҳеч қачон бўлмаган. Политеизм даврида анимизм ўз аҳамиятини деярли йўқотмаган, фетишизм эса анча сақланиб қолган, айниқса машиный даражада (ҳатто ҳозир ҳам учрайди: масалан, кўз-мунчоқ ва ҳ.к. иримлар сифатида).

Асотирий тафаккур жамоавий барқарор тафаккур ифодасидир, у жамият аъзолари томонидан аксиома каби қабул қилинади. Унга танқидийлик, ички зиддиятлар, иккиланишлар, инкор этишлар яққол хос эмас. Асотир бир неча вариантли бўлиши мумкин. Аммо унда ички зиддият, скептицизм, танқидийлик яққол кўзга ташланмайди, чунки унда жамоавий синкретик тафаккурнинг тартибга солиш (бошқариш), билиш ва баҳолашда ҳукмрон меъёрлар обрўйи мужассамланган. Ижодкорлик унсурлари эса асотирларнинг баъзи бир қабилавий хусусиятлар ва заруратларни акс эттирувчи маҳаллий вариантларида намоён бўлади. Кўпвариантлик асотирий тафаккурни давр талабларига, ўзгарувчан, ривожланаётган ҳаёт заруратларига мослаштириб борган.

Уруғ-қабилалар бирлашиб, йириклашиб бориши жараёнида асотирларнинг маҳаллий вариантлари камайиб, умумий вариант кучайиб, бирлашган қабилалар учун ягона мафкуравий асосга айланган. Аксинча, йирик қабилаларнинг бўлиниб, бир-биридан миграция жараёнида узоқлашиб, узилиб кетиши умумий асотирларнинг янги вариантларини вужудга келтирган. Янги вариантларда баъзан айрим образларни баҳолаш ва талқин қилиш тубдан ўзгарган. Қабилалар мутлақо ўзаро узилиб, алоҳида тарихий-этник, ижтимоий-маданий бирлик сифатида ривожлана бошласа, асотирларнинг мазмуни ҳам анча ўзгарган. Масалан, Авестода девлар — салбий образлар, ёвузлик тимсолларидир. Ахуралар эса — худолар, маъбудлардир. Ҳиндларда эса дев(а)лар — худолар, асуралар эса — демонлардир (иблислар). Фараз қилиш мумкинки, ҳинд-орий қабилалари бўлиниб кетмасдан аввал бу образлар қарама-қарши талқин қилинмаган, қабилавий маъбудлар ҳисобланган. Бир-биридан ажралиб кетган ҳинд ва орий қабилалари (балки уларнинг ажралиб кетиши узоқ давом этган ички низолар ва тўқнашувларсиз кечмагандир) собиқ биродарларининг худоларини ёвуз кучларга тенглаштириб,

баҳоларини қарама-қарши томонга ўзгартиргандир. «Авесто» ва «Веда»лардаги асотирлар тизими мазмунан ва шаклан бири-биридан жуда фарқ қилади. Айтиш мумкинки, уларни аслида келиб чиқиш илдизлари бир, аммо кейинчалик алоҳида этносларга айланган мустақил халқлар яратган. Ҳинд ва орий халқлари маънавияти ва асотирларининг келиб чиқиш илдизи бир бўлганлиги илоҳий кучларнинг (ижобий ёки салбий баҳолашларини ҳисобга олмаганда) умумий атамалари ўхшашлигида сақланиб қолган.

Аслида асотир оламини билиш жараёнида инсон тафаккури ва воқелик ўртасида вужудга келган зиддиятларнинг ўзига хос тарзда ечилиши маҳсулидир. У инсоннинг олам манзараси, табиат ва ҳаёт, улардаги сабабий боғланишлар, алоқалар тўғрисидаги ўз тасаввурида етишмаган унсурларни, ҳалқаларни, инсон билмаган объектив қонунларни фантастик тарзда ўйлаб топилган образлар ёрдамида тўлдириш ва тушунтириш оқибатида вужудга келади. Худди шундай ибтидоий инсон ўзини, ўз уруғ-қабиласи ва бошқа этносларнинг келиб чиқиши, ҳаёт кечириши, ўзаро алоқалари, тарихий ўтмиши ва келажак тақдирини, табиатда рўй берган йирик ўзгаришлар, катаклизмлар ёки уруғ-қабилалар турмушида содир бўлган ўта муҳим, улар тақдирини белгилаган воқеаларни асотир ёрдамида англашга, тушунтиришга ёки олдиндан башорат қилишга интиланган.

Асотирий тафаккур инсон индивидуализмини, алоҳида инсон манфаатларини мустақил ижтимоий қадрият сифатида тан олмайди. У шунингдек, табиат ва жамиятдаги тасодифларни инкор этади. Фатализм (қисмат, инсон тақдири, воқеа ва ҳодисалар азалдан белгилаб қўйилгани) асотирий тафаккурнинг муҳим белгиларидан биридир.

Алоҳида ибтидоий одам яшаш учун курашда муваффақиятсизликка маҳкум эди. У фақат жамоа бўлиб хавфхатарларни бартараф этиши, ҳаёти учун керакли нарсаларни қўлга киритиши, сақлаб қолиши мумкин эди. Унинг тафаккури ўша давр заруратини ўзида акс эттирган. Лекин асотирий тафаккур доирасида шахс ўзлигини, ўз манфаатларини мутлақо англамаган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўзликни англаш ақлли ва бунёдкор мавжудот сифатида инсон учун доимо у ёки бу даражада хос бўлган. Аммо индивидуализм тўлиқ ёки қисман чеклан-

ган, чунки уруғ-жамоанинг яшаб қолишини таъминлайдиган зарурат билан бевосита боғланмаган. Баъзи бир индивидуал фазилатлар: жасурлик, топқирлик, овда ва жангдаги моҳирлик юқори баҳоланган. Айнан шундай кишилардан оқсоқоллар, бошлиқлар сайланган. Лекин шахсий манфаатга интилиш шаклидаги индивидуализм тан олинмаган. Боз устига индивидуал «айб» учун жамоа жавоб берган, ўзига хос «жамоавий жавобгарлик» тамойили қарор топган ва ўрта асрларгача баъзи бир масалаларда сақланиб қолган.

Аслида жамоавий жавобгарлик илдизлари жуда қадим замонларга, тотемистик қарашларга бориб тақалади. Маълумки, ҳар бир уруғнинг асотирий асосчиси – уруғбошиси ҳисобланган муқаддас ҳайвони – тотеми бўлган. Тотем ҳайвонга сифинилган. Унга зарар етказиш, ов қилиш, ҳатто унинг номини тилга олиш гуноҳ саналган. Лекин ибтидоий уруғ бир йилда бир марта тотем ҳайвонни қурбонликка келтирган, унинг гўштини уруғнинг барча аъзолари биргаликда истеъмол қилишган. Бу уларга муқаддас тотем томонидан руҳий ва жисмоний куч-қудрат, овда, ҳаётда омад ва бошқа уруғлар билан курашда зафар ато этади деб ишонишган. Тотем ҳайвонни қурбонликка келтиргани учун уруғ аъзолари ҳаммаси бирдай жамоавий жавобгарликни бўйнига олган. Қурбонликнинг муқаддас куч-қудратидан ҳам бирдай баҳраманд бўлган.

«Жамоавий жавобгарлик» меъёри негизда ўтмишда билиб ёки билмасдан бирор уруғ вакили бошқа уруғ вакилини ўлдириб қўйса ёки оғир жароҳат етказса, ўша уруғдан қасос олиш одати вужудга келган: бундай пайтда бевосита айбдорни жазолаш муҳим ҳисобланмаган, «айбдор» оиланинг, уруғнинг ҳар қандай вакилини жазолаш мумкин ҳисобланган. Оғирроқ айб учун ҳатто бутун уруғ жазога тортилган. Асотирий тафаккур маҳсули бўлган бу меъёр анча трансформациялашган шаклда анъанавий тафаккурда ҳам сақланиб қолган. Ўрта асрларда уруш пайтлари баъзи бир шаҳарлар аҳолисининг тўлиқ қириб ташланиши (қатли ом) ўша меъёрнинг бошқа шароитда намён бўлишидир.

Анъанавий тафаккурда бу меъёрнинг иллатлари тўлиқ

баргараф этилмайди. У қайсидир кўринишда аҳён-аҳёнда бўй кўрсатиб қолади. Масалан, совет даврида қатор халқларнинг ўз юртидан бадарға (депортация) қилингани ёки бирор ташкилотда кимдир сиёсий ёки ахлоқий ноҳўя иш қилиб қўйса, ташкилотнинг раҳбарлари ҳам жамоанинг персонификациялашган тимсоли сифатида партиявий жазо олиши (ҳайфсан), ҳатто лавозимидан айрилиб қолиши ўша қадимги меъёрнинг янгича шароитда намоён бўлишидан бошқа нарса эмас.

Тараққиёт даражаси ва у туғдирган объектив зарурат ибтидоий тузум шароитида ижтимоий эркинликни ҳам, ижтимоий қарамликни ҳам бирдай инкор этган. Оламни ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида турли руҳлар, худолар иродаси, тақдири азал тан олинган. Инсон тақдирини белгиловчи ва ундан устун турувчи кучлар реал мавжуд, инсон ўз тақдирини ўзгартиришга, ундан қочиб қутулишга ожиз деб ҳисобланган. Олам ҳаракати, ҳар қандай воқеа ва ҳодиса олдиндан белгилаб қўйилган. Мисол тариқасида ўзбек томошабинларига яхши таниш бўлган қадимги ҳинд эпоси бўйича экранлаштирилган «Рамаяна», «Маҳабҳарат» фильмларини, Софоклнинг Ўзбек Миллий академик театри сахналаштирган «Шоҳ Эдип», «Антигона» фожиаларини келтириш мумкин. Тўғри, улар ибтидоий синкретизм парчалангандан кейинги давр таъсирида анча ўзгарган, аммо тақдири азал ва бошқа баъзи масалаларда асотирий тафаккур белгиларини анча сақлаб қолган.

Асотирий тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг сиёсий мазмундаги дунёвий ва диний мафкурадан холи эканлигидир. Асотирий тафаккур тор ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатларини акс эттирмайди, зеро бу даврда одамлар ўртасида ижтимоий-синфий табақаланиш юз бермаган эди. Давлат ҳокимияти ҳам йўқ эди. Шу боис ҳокимият учун кураш, ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш ёки муҳолифлик ғояларини олға суриш зарурати пайдо бўлмаган эди. Асотирий тафаккур сиёсат, сиёсий онг, давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишидан анча аввал шаклланган. Диний онг элементлари ибтидоий инсонга хос бўлса-да, лекин диний таълимот, диний ташкилот ва у билан боғлиқ қатъий ибодат маросимчилиги шаклланма-

ган. Диний эҳтиёжлар қушноч, шомон, жодугар ва ш.к.ларнинг магиявий маросимлари орқали қондирилган. Шу боис асотирий тафаккурда яққол диний мазмун кўзга ташланмайди.

Ижтимоий амалиёт ривожланиб, илм-фан, адабиёт ва санъат ижоднинг алоҳида турларига айланиши, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ҳуқуқнинг ахлоқдан ажралиб чиқиши, диний эътиқод ва амалиёт ҳам алоҳида тизимга айланиши ибтидоий синкретизмни парчалаб юборди. Натижада асотирий тафаккур оламни идрок этишнинг асосий шакли сифатидаги мавқеидан ажралди. Аммо тўлиқ, беиз йўқолмади. Унинг қолдиқлари, аввало асотирларнинг ўзлари адабиёт ва санъатда, диний тафаккурда бутун антик ва ўрта асрлар давомида анча-мунча сезиларли бўлди, кўп ҳолларда «қурилиш материали» вазифасини ўтади.

Энди асотирлар оламни билишнинг асосий воситаси, олам тўғрисида бирдан-бир ҳақиқат деб қабул қилинмас, кўпроқ мажозий мазмунда талқин қилинар, ундан ибратли ахлоқий хулосалар чиқарилар эди, ҳатто бугунги кунда ҳам диний тасаввурларда асотирлар катта ўрин тутди. Муқаддас китоблар — Таврот, Инжил, Қуръон ва бошқаларнинг негизини, пойдеворини диний асотирлар ташкил этади. Уларсиз яҳудий, христиан ва ислом дини таълимотлари, мураккаб фалсафаси вужудга келмас эди. Биз юқорида «Рамаяна», «Маҳабҳарат», «Шоҳ Эдип», «Антигона» асарлари кейинги давр таъсирида анча ўзгарган деган эдик. Ушбу фикрни давом эттириб, таъкидламоқчимизки, энг аввало уларда қўшимча сиёсий мазмун, ҳокимиятга муносабат ва тахтга нисбатан ҳуқуқ масалалари акс этган. Шу жиҳатдан бу асарлар фақатгина асотирий тафаккур маҳсули эмас. Уларда ахлоқий мазмун билан бир қаторда, яққол сиёсий, ҳуқуқий ва диний мазмун кўзга ташланади. Ўша даврда сиёсий ва диний манфаатлар кўпинча ўзаро мос келган. Илк пайдо бўлган давлатлар ҳукмдорлари (дастлаб шаҳар-давлат, кейинчалик нисбатан кенгроқ ҳудуд, воҳа, водий миқёсида ва ҳ.к.) ҳокимиятнинг илоҳий эканлиги, худолар томонидан берилишини, шу боис ҳокимиятга қарши чиқиш худолар иродасига қарши чиқиш билан тенг эканлигини халқ онгига сингдиришга уринган. Шу сабабли ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳокимият

диндан фойдаланган. Ўз навбатида диний ташкилот ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланишга, ибодатхоналар, маъбудлар қуришга, шаккоклик қиладиганларни давлат ёрдамида жазолашга муҳтож бўлган.

Давлат бошқа ҳудудларни босиб олишдан, диний ташкилот эса ўз таълимотини янги ҳудуд аҳолиси ўртасида тарқатишдан бирдай манфаатдор бўлганлар. Энди асотирилар дин ёрдамида сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган. Қулдорлик жамиятида асотирилар сақланиб қолган бўлса-да, асотирий тафаккур аста-секин дастлаб юқори табақалар ва илм-фан аҳли орасида, кейинроқ бошқа табақалар орасида ҳам барҳам топди. Илмий, фалсафий, диний, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий қарашлар ижтимоий онгинг алоҳида шакллари сифатида юзага чиқиши тегишли назарий қарашларни ва умуман назарий тафаккурни вужудга келтирди.

Назарий, илмий тафаккур, моҳиятига кўра, асотирий тафаккурни инкор қилади. Маълумки, илм-фан аниқ далилларга ёки мантиқий исботларга таянади. У, далил кам бўганда, тадқиқот ибтидосида ривоятга эмас, балки илмий фараз (гипотеза)га таянади. Ривоятдан илмий фараз мантиқий асослангани, табиат ва жамият қонун-қоидаларига зид келмаслиги, ҳақиқатга айланиши эҳтимоли юқорилиги, конкрет илмий муаммога боғлиқлиги билан кескин фарқ қилади.

Илмий тафаккур ривоятдан фойдаланганида ҳам уни қўшимча, иккинчи даражали сабаб ёки қиёсий образли далил сифатида келтиради. Ушбу маънода тарих фанининг отаси Ҳеродот томонидан форслар ва эллилар ўртасидаги урушнинг сабабларини гўёки асослайдиган ривоятларнинг келтирилиши характерлидир. Ҳеродот ривоятларни келтирар экан, аниқ исботланган факт, сабаб деб талқин қилмайди, балки аждодлардан авлодларга оғзаки ўтиб келаётган, ҳар икки томондан, фақат айбларни бир-бирига тўнкаб, сабаб сифатида қабул қилинганини эътироф этади ва аслида урушларга сабаб бўлган воқеалар шундай кечганми ёки йўқми — номаълумлигини бир неча бор таъкидлайди. Эътироф этиш лозимки, Ҳеродот ижоди тарих фанининг туғилиши давридир. Ҳали тарихга оид илмий тафаккур яхши ривожланмаган, энди тетапоя бўла бош-

лаган давр эди. Фукидид ва Ксенофонт ижодида биз сабабиятга муносабат янада жиддийлашганининг, анча илмийлашганининг гувоҳи бўламиз.

Илк цивилизациялар даврида кенг омма онги, тафаккури асотирий эди. Буни давлатнинг ҳукмрон мафкурасига айланган диний таълимотлар ҳисобга олган. Биринчидан, уларнинг ўзи эски асотирий ақидаларнинг қайта ишланган, бойитилган, ўзгартирилган негизида вужудга келган; иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, уларга сиёсий ва эътиқодий мажбурийлик вазифасини юклаган. Диний таълимотларда асотирий тафаккур унсурлари мантиқий-назарий тафаккур унсурлари билан эклектик тарзда қоришиб кетган.

Ибтидоий жамиятда халқ оғзаки ижодининг аксарият жанрлари — ривоят, афсона, эртак, масал, қабилалар иттифоқлари вужудга келганда эса қахрамонлик эпослари шаклланган. Қулдорлик жамиятига, илк цивилизацияларга ўтиш даврида ғоявий-сиёсий ва диний-эътиқодий мазмун касб этган асотирлар давлат ҳокимияти ва диний ташкилотлар томонидан ҳимоя қилинган. Ҳукмрон мафкурага зид қарашлар, мафкуравий анъанага айланган асотирларни ихтиёрий, ўзбошимчалик билан талқин қилиш ман этилган. Бунга жазм қилганлар эса қувғинга учраган ёки қаттиқ жазоланган. Ушбу муносабат билан яна Суқрот қисматини эслаш жоиз.

Антик даврдаёқ йирик империяларнинг вужудга келиши улар диний мафкурасининг (давлат мафкурасининг) империя таркибига кирувчи турли этнослар орасида ёйилишига олиб келган. Шундай қилиб, дунё миқёсида тарқалувчи диний мафкуралар пайдо бўлиши учун шарт-шароит туғилган. Тўғри, тан олиш лозимки, реал ҳаёт, жамият тараққиёти жуда мураккаб кечган, у ҳеч қачон бир чизикли бўлмаган. Турли истиснолар кўп учраган. Жамият тараққиётини жўн, қотиб қолган ва бир хил андозада талқин қилиш мумкин эмас. Биз бу ерда фақат умумий тенденцияни эътироф этмоқдамиз, холос. Аҳмонийлар диний эътиқод масаласида мажбурлаш сиёсатини олиб бормаган бўлса-да, зардуштийлик бутун империя ҳудудида аста-секин тарқала бошлаган. Искандар Мақдуний империясида, ундан кейин пайдо бўлган Салавкийлар, Птолемей-

лар давлатида, Рим империясида юнон политеистик қарашлари тарқалган.

Асотирий тафаккур ҳозирги замон инсони, ижтимоий-сиёсий, илмий ҳаёти учун хос бўлмаса-да, асотирларнинг ўзи юксак қадрият, маънавий мерос дурдоналари ҳисобланади. Асотирлар инсоният яратган маданий мероснинг илк ва эскирмас қатлами, умуминсоний ва миллий бадий меросда тематика, сюжет ва ифода воситалари борасида улкан манба вазифасини ўтаган ва бундан кейин ҳам ўташи мумкин бўлган омил сифатида юксак қадрланади. Замонавий адабиётда ва санъатда асотирга мурожаат этиш ҳоллари кўплаб учрайди. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат», «Абадий келинчак» асарларида асотирий унсурлардан фойдаланилган. Замонавий ижодда асотир оламни идрок этиш усули сифатида эмас, балки бадий восита — сюжет унсури ёки ифода воситаси сифатида қўлланилади. Габриэл Гарсиа Маркес ва бошқа лотин америкалик айрим ёзувчилар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Айниқса ўз ёзувига нисбатан кеч эга бўлган, қабила-уруғчилик муносабатларидан замонавий ҳаётга баъзи тарихий босқичларни четлаб ўтган халқлар адабиётида, санъатида асотирлардан, асотирий моделлардан фойдаланиш кенг тарқалган. Бунга мисол Чет Шимол ва Узоқ Шарқ ёзувчилари ижодини келтириш мумкин. Чукчаларнинг атоқли ёзувчиси Юрий Ритхэу, манси Юван Шесталов, ҳаётдан жуда эрта кўз юмган юкагир Семён Курилов, нивх Владимир Санги ва бошқалар асарларида ўз халқларининг оғзаки ижоди, ривоятлари, афсоналари, асотирларидан унумли фойдаланилганининг гувоҳи бўламыз.

Асотирий тафаккур ибтидоий синкретизм парчаланиши жараёнида ўз ўрнини аста-секин жамият миқёсида анъанавий тафаккур тарзига бўшатиб берди. Лекин анъанавий тафаккур қарор топиб, мустаҳкамланиб олгунга қадар, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди: мулкий нотенглик, ижтимоий табақалар, синфлар, ранг-баранг ижтимоий институтлар юзага келди. Ижтимоий онг шакллари нисбатан алоҳида-лашди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, фалсафа, илоҳиёт каби ақлий меҳнатнинг юксак шакллари — ижод турлари вужуд-

га келди. Булар ҳаммаси тафаккур тарзини, ҳарҳолда, жамият аъзолари юқори табақалари тафаккур тарзини тубдан ўзгартирди. Тафаккурга ижодкорлик ва эркин изланишлар бахш этди. Жаҳоннинг турли минтақаларида қадимги цивилизация ўчоқлари ва мамлакатлари ривожланди.

Қадимги цивилизациялар шаклланиши узоқ давом этди. Зеро, иқтисодий ривожланиш, олам ҳақида ижобий янги билимларнинг тўпланиши анча қийин ва секин кечди. Аммо қадимги цивилизациялар шаклланиб бўлиб, ўз ривожланиш чўққисига чиққач, турғунликка юз тутиб, аста-секин емирила бошлади. Чунки қадимги цивилизациялар асосида ётган ҳукмрон мафкура тафаккур изланишларини, эркинлигини чеклай бошлади. Мавжуд меъёрлар, анъаналар догмалаштирилди.

Бундай ҳолатни биз деярли барча минтақаларда кузатамиз. Антик юнон тафаккурида турғунлик, анъанавийлик вужудга келаётганининг илк кўринишларидан бири – Афинада Сукротнинг қатл қилинишидир. Сукротга қўйилган айб сиёсий айб эмас, балки маънавий-эътиқодий айб эди: ёшларни Афинанинг анъанавий маъбудлари ва қадриятларини эъзозлашга эмас, балки янгиларига сиғинишга давват этиш айби эди. Афинада ўша вақтлар суд ҳукми эркин фуқароларнинг тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериши орқали чиқарилишини ҳисобга олсак, ҳатто юқори табақалар тафаккури маълум даражада турғунлик ва анъанавийлик касб этганига ишонч ҳосил қиламиз.

Илк ўрта асрлар ва кейинги даврларда тафаккурда эркинлик ва ижодий юксалиш жамиятда кескин ўзгаришлар, энг аввало, янги динлар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шарқда янги пайдо бўлган ва тезда турли минтақаларга тарқалган ислом дини тафаккурга қудратли ижодий рағбат бахш этди ва буюк цивилизация яратди. Фарбда ўрта асрлар сўнгида протестантизм худди шундай роль ўйнади. Лекин ислом мамлакатларида аста-секин мафкуравий догматизм тафаккур эркинлигини чеклаб, анъанавий тафаккурни яна тиклади.

Феодализм ривожланган сайин гоъвий мутаассиблик кучаяди. Давлат ва диний ташкилот (черков, масжид ва ш.к.) биргаликда ҳукмрон мафкурани қатъий ҳимоя қилади ва тафаккур эркинлигига динга зид келмайдиган дои-

радагина рухсат этади. Ушбу муносабат билан Ғаззолийнинг илм-фанга муносабатини эслаш ўринлидир. Ғаззолий фанларни динга бевосита ва билвосита таъсиридан келиб чиқиб, уч тоифага бўлган. Динга хизмат қилувчи илмлар (яъни шаръий илмлар), динга зид илмлар (улар қаторига фалсафани ҳам киритган ва мутаассибларча қарши курашган) ва динга «фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган» илмлар. Сўнги тоифага у фақат математик фанларни киритган. Ҳар қандай дунёвий фанларга қарши бўлиб, фақат шаръий илмларга рухсат бериш лозим деган ўша пайтдаги бошқа диний мутаассибларни математик илмларга (арифметика, геометрия, астрономия) қарши чиқмасликка чақирган. XVI асрдан бошлаб ислом мамлакатлари тараққиётда ортда қолиб, ҳатто аввалги ютуқларини ҳам сақлаб қололмади. Ғарбда эса вужудга келган капитализм диний мафкуранинг ҳукмронлигини бекор қилди. Бу тафаккур эркинлигига янги уфқлар очди.

Европада капитализм ривожланишининг илк давридан бошлаб давлат мафкураси черков таъсиридан чиқа бошлади. Охир-оқибатда давлат мафкураси дунёвий мафкурага айланди. У давлат ҳокимияти ва буржуазия манфаатини миллий манфаат сифатида талқин қилди, зодагонларнинг, аристократиянинг манфаатларини ҳимоя қилувчи эски мафкурага қарши курашди. Бундай вазиятда оқибатда католик черков ҳам ўзини ислоҳ қилишдан ва қарор топаётган янги воқеликка мослашишдан бошқа чора топа олмади. У протестантизм билан узоқ ва муваффақиятсиз курашиб, ўзининг баъзи бир даъволаридан воз кечишга, аввал инквизиция судлари (диний догмаларга зид қарашларга, эркин тафаккур услубига, илм-фан, санъатнинг черковдан мустақил ривожланишига қарши қўлланилган католик черкови суди) фаолиятини тўхтатиб қўйишга, кейинроқ уларни тамомила тарқатиб юборишга, дунёқараш ва эътиқод масалаларида анча-мунча либераллашишга мажбур бўлган эди.

Айни пайтда капитализм оёққа туриб, кучая борган сайин ёш давлатлар мафкурасида миллатчилик ва шовинизм кучая борди. У мустамлакачилик сиёсатини ёқлаб, тажовузкор мафкурага айланди. Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни бир бирига қарама-қарши қўядиган, ирқий

ва синфий нотенгликни «асослайдиган» назариялар пайдо бўлди. Лекин капиталистик рақобат, илм-фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга, ҳарбий соҳага (муштамлакаларни итоатда сақлаш ва янгиларини кўпайтириш, ўзга рақобатчи давлатларга уларни бериб қўймаслик учун) жорий қилиш зарурати, бир томондан, тафаккурни мутасил рационаллаштирди, иккинчи томондан — турғунлик ва догматизм қарор топишига қарши тўсиқлардан бири бўлиб хизмат қилди.

Тафаккурнинг цивилизация тараққиёти билан узвий боғлиқлиги ҳақида бир оз кенгроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ. Цивилизация юксалиши давомида тафаккур тез бойиб, изланишлар олиб боради. Илм-фанда, адабиёт ва санъатда, фалсафа ва диний илмларда кашфиётлар юз беради, услублар такомиллашади. Мухолиф фикрлар баҳси, услублар рақобати кўзга ташланади. Цивилизация ўз юксалишининг юқори нуқтасидан ўтгандан кейин, ижоднинг айрим соҳаларида хусусий ютуқлар қўлга киритилса-да, аста-секин ўзини ўзи такрорлаш, тақлидчилик ва турғунлик аломатлари пайдо бўла бошлайди. Тафаккурда догматизм ва авторитар фикрга мослашиш кучаяди. Маънавий ҳаётда илм-фан ва санъатда янги изланишлар сўниб, мазмунан ва шаклан ранг-баранглик ўрнига бир хиллик, эпигонлик тарқалади. Маънавий ҳаётда, тафаккурда дастлаб турғунлик, сўнгра инқироз юз беради. Бу оқибатда жамиятнинг барча соҳаларини — сиёсий ҳокимият фаолиятини, иқтисодни, ижтимоий алоқаларни, маданиятни қамраб олади. Мавжуд цивилизация ички ва ташқи зарбаларга дош беролмасдан, ўз ўрнини бошқа цивилизацияга бўшатиб беради. Тафаккур янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий негизга кўчади.

Янги негизга кўчган тафаккур маънавий ҳаётда амалий ва назарий жиҳатдан дастлаб аввалги негиздаги тафаккурга нисбатан самарасиз бўлиши мумкин. Лекин бир нарсада устун бўлади: у янги мулкий ва иқтисодий муносабатларга йўл очадик, бу жамият аъзолари аксариятининг манфаатларига тўлиқ ёки қисман мос келади. Масалан, исломга асосланган тафаккур Эрон ва Марказий Осиёга кириб келганда, зардуштийликка асосланган тафаккур тарзидан илм-фан, адабиёт ва санъатни ривож-

лантириш бобида актуал жиҳатдан анча заиф эди. Аммо салоҳият жиҳатидан жамиятни ривожлантириш бобида устун эди. Илм-фанни ривожлантириш бобида эса салоҳияти (потенциал имкониятлари) кам эмас эди. Илк исломга хос демократизм, эгалитаризм, илмга нисбатан бағрикенглик ва чанқоқлик тезда ўз самарасини берди. Ислом дастлаб эски тузумни нафақат ҳарбий куч ёрдамида, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий турмушда яратган нисбатан эркинлиги билан енгди. Кейин эса илм-фанда уни ортда қолдирди. Фақат санъатнинг баъзи бир турлари инқирозга учради.

Илк христианлик мафкурасига асосланган тафаккур тарзи антик даврнинг политеизм негизидаги тафаккур тарзига нисбатан илм-фанни, адабиёт ва санъатни, маънавий маданиятни ривожлантириш имкониятлари бўйича дастлаб жуда ночор эди. Европаликларнинг ўзлари Уйғониш давригача христиан оламини зулмат ва қора кучлар васвасаси даври деб баҳолаши бежиз эмас. Европада бу даврда на Платон, Аристотель, Пифагор, Эвклид, Птоломей, Архимед, Цельс, Гален (Жолинус) сингари илм-фан даҳоларини, на Ҳомер, Эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан, Вергилий, Овидий, Гораций сингари буюк шоир ва драматургларни, на номлари келтирилмаган буюк рассомлар, ҳайкалтарошлар, меъморларни кўрамиз.

Лекин илк христианликка асосланган тафаккур Худо олдида барча бандалар тенглигини, қуллар ҳам қулдорлар сингари Худонинг бандаси эканлигини, иқтисодиётда эгалитаризм ва бошқа янги тамойилларни олға сурди. Оқибатда қулдорлик тузумига нисбатан бир оз устун бўлган европача феодализмга йўл очди. Жамият тараққиётини зимдан тайёрлай бошлади. Христианлик исломга нисбатан 6 аср илгари вужудга келган бўлса-да, исломдан 9 аср кейин ижтимоий тараққиётга йўл оча олди. Ва у очган янги имкониятлар, тан олиш жоизки, 7–8-асрларда ислом очган имкониятлардан кучлироқ эди. Бу даврга келиб эса (XVI аср) ислом мафкурасига асосланган тафаккур анъанавий тафаккурга айланиб бўлган эди.

Ренессанс (Европа Уйғониш даври) христиан динининг инсонга, жамиятга муносабатини, христиан ахлоқини, эстетик қарашларини қаттиқ танқид остига олди,

гуманизм (инсонпарварлик) гоёсини олға сурди, шах манфаатларини, индивидуализмни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлади. Антик даврнинг гедонизм ва эвдемонизм тамойилларини янгича шароитга мослаб тиклади. Тафаккур эркинлигига, илм-фан, санъат ва адабиёт ривожланишига, жамият дунёқараши, ахлоқий ва эстетик меъёрлари ўзгаришига йўл очди. Оқибатда Реформацияга, черков ислоҳига, протестантизм пайдо бўлишига маънавий замин яратди. Протестантизм ўз навбатида туғилиб келатган капитализмнинг маънавий-ахлоқий таянчига айланди, унинг қарор топишини тезлаштирди. Ривожланиши мобайнида анъанавий тафаккур бир неча тарихий босқичлардан ўтган. Улар орасида шартли равишда қулдорлик даври (антик) босқичи, феодализм даври босқичи, фашистик ва расистик ҳамда социалистик давр босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Анъанавий тафаккурнинг биринчи босқичида жамият аъзолари онгида асотирий тафаккур қолдиқлари анча кўп сақланиб қолган, айниқса қуйи, авом табақалар онгида. Бу даврда анъанавий тафаккур анча сиёсийлашган ва динийлашган бўлса-да, тўлиқ клерикаллашмаган, яъни диний мафкурага, руҳонийларга тўлиқ бўйсундирилмаган. Чунки оламшумул динлар ҳали ёш бўлган, уларнинг илоҳиёт таълимотлари, маросимчилик удумлари шаклланиши давом этаётган эди. Шу сабабли улар жамият маънавий ҳаётини тўлиқ қамраб ололмаган, динларнинг ичида ҳам турли мазҳаблар, оқимлар, фирқалар, ўзаро фарқ қиладиган мактаблар шаклланиши давом этаётган эди. Ҳали оламшумул динлар жамият маънавий ҳаётида якка ҳукмрон бўлишга улгурмаган, одамлар тарихий хотирасида миллий ва маҳаллий динлар, эски эътиқодлар тўлиқ унутилмаган, уларнинг жамият ҳаётига таъсири анча-мунча сақланиб қолган эди.

Феодализм даври босқичида анъанавий тафаккурнинг классик шакли вужудга келади. Ушбу босқичда жамият аъзолари онгида асотирий тафаккур таъсири жуда заифлашиб, кўп ҳолларда умуман барҳам топиб кетган (асотирларнинг ўзлари эмас. Улар энди диний асотирлар кўринишида тафаккурнинг универсал модели эмас, балки кўпчилик воситаларидан бирига айланган). Анъанавий та-

факкурнинг классик шакли мазмунида диний ақидалар, догматлар, умуман теология (илоҳиёт илми) ва клерикализмнинг таъсири кучли намоён бўлади. Айниқса ўрта табақалар онгида клерикализм дунёвийликдан устунлик қилади. Ижтимоий ҳаёт ҳам, маиший турмуш ҳам диний қоидалар, ақидалар ва меъёрлар негизда кечган.

Анъанавий тафаккурнинг тарихан қисқа умр кўрган XX аср диктатуралари билан боғлиқ тоталитар босқичи. Бу босқичда турли шаклдаги фашистик (Муссолини, Гитлер, Франко, Салазар ҳокимияти пайтидаги Италия, Германия, Испания, Португалия), расистик (апартеид пайтидаги Жанубий Африка Республикаси, собиқ Жанубий Родезия ва ш.к.), социалистик тафаккур шакллари вужудга келган. Улар бир-биридан кескин фарқ қилсалар-да, аммо тоталитар ва репрессив моҳиятига кўра ўзаро яқин бўлган. Улар диний эмас, балки дунёвийлиги, ҳатто атеистик характери (социалистик тафаккур) билан ажралиб турган. Фашистик тафаккур ўта миллатчиликка, шовинизмга, амалиётда баъзи бир ғайриинсоний тамойилларга таянса, социалистик тафаккур, аксинча, кўп ҳолларда инсонпарварлик, байналмилалчилик, халқлар дўстлиги, тенглик каби энг жозибador ғояларни шиор қилиб олган ва амалда ҳаётга жорий қилишга уринган (социализмнинг уларни ҳаётга жорий қилолмагани — бу бошқа масала). Ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлса-да, ҳар иккала тузум ҳам инсонни ўзлари режалаштирган жамиятни қуришда оддий бир мурват, «қурилиш материали» деб билган. Давлат манфаати нафақат алоҳида инсон манфаатига, зарур бўлса, бутун жамият манфаатига қарши қўйилган. Ҳар иккала тузум жамиятда казармача тартиб, интизом ўрнатишга, фуқароларни бир хил фикрлайдиган қилиб тарбиялашга интилган. Қаршилиқ кўрсатганларни аёвсиз қатағон қилган. Шу боис жамият тафаккурига чуқур ижтимоий кўрқув сингиб қолган, тафаккур деформацияга учраган, ташаббус ва мустақилликдан, масъулиятдан чўчий бошлаган.

Авторитар бошқарув (диктатура) ва авторитар фикрга тобелик иккала тузумда ҳам доҳийпарастликни, шахсга сифинишни келтириб чиқарган. Доҳий фикри, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, олий ҳақиқат деб қабул қи-

линган, чунки доҳийга табиат гениал ақл ва ички сезги ато этганлиги боис, у ҳар қандай олимга, фанга нисбатан ҳақиқатни эртароқ, теранроқ пайқайди, деб ҳисобланган. Фан, олимлар адашишлари мумкин, зеро улар ўз даври имкониятлари билан чегараланади, доҳий эса, албатта, даврдан анча илгарилаб кетади деб ишонилган. Бундай тарзда фикрлаш, доҳий ақлини ғайриинсоний, ғайритабиий қудратга эга деб баҳолаш мистицизмнинг нақ ўзгинаси.

Ҳар иккала тузум гуманитар илмларни ўта сиёсийлаштирган ва мафкуралаштирган, ижтимоий фикрни қудратли ташвиқот ва ОАВ орқали ўзларига керакли йўналишда шакллантирган ва бошқарган. Табиатшунослик фанлари ривожланиши учун, айниқса техника ва технологиялар билан боғлиқ тадқиқотлар учун шароит яратган. Аммо уларни ҳам, иложи топилса, ўз мафкураларига хизмат қилдиришга уринган. Масалан, фашистлар Германиясида евгеникадан орий ирқининг бошқалардан устунлигини, баъзи бир халқларнинг табиатан туғма ноқобиллигини исботлашда фойдаланмоқчи бўлишган. Собиқ СССРда эса бунинг тескариси рўй берган: евгеника умуман фан эмас деб эълон қилинган ва тақиқланган.

Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлардаги тафаккур шакли ниҳоятда мураккаб, зиддиятли ҳодисадир. Гарчи кенг омма онгида эски тафаккур қолдиқлари сезиларли даражада сақланиб қолган бўлса-да, уни анъанавий тафаккур дейиш мумкин эмас. Айни пайтда у либерал, демократик эркин тафаккур ҳам эмас. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси тафаккури эклектик деб баҳоланса, тўғрироқ бўлади. Унда феодализмдан қолган анъанавий унсурлар, анъанавий қадриятлар ва баҳолар тизими, постколониализм зиддиятлари ва неоколониализм хавфи туғдирган тушунчалар, баҳолар, қарашлар, ижтимоий мўлжаллар, минтақавий ва ички этник можаролар туфайли вужудга келган маҳаллийчилик, миллатчилик, социалистик, тоталитар, диний-экстремистик ҳамда либерал-демократик тафаккур унсурлари эклектик тарзда қоришиб кетган. Турли мамлакатлар аҳолиси, айниқса ўрта табақалари онгида бу унсурлар нисбати турлича. Шунингдек уларнинг ижтимоий-сиёсий вазияти, турмуш фаро-

вонлиги ва ривожланиш даражаси ўзаро фарқ қилади. Тўғри, кейинги ҳолатга бу мамлакатларнинг табиий захиралари, қазилма бойликлари ҳам кучли таъсир кўрсатади. Лекин ижтимоий-сиёсий барқарорлик йўқ жойда катта бойликлар ҳам тўқ, фаровон турмушга асос бўла олмайди.

Иқтисодий тафаккурда ва муносабатларда эркинликка, бозор тамойилларига, ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётини жорий қилишга мўлжал олган мамлакатлар нисбатан тез юксалди. Уларнинг айримлари (Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Тайвань, Таиланд ва ш.к.) кўп кўрсаткичлари, аҳолисининг турмуш даражаси бўйича ривожланган Фарб мамлакатларига яқинлашиб қолди. Лекин иқтисодий муносабатларни диний қадриятларга мослаштиришга уринаётган, нафақат иқтисодий қарашларни, концепцияларни, умуман тафаккурни диний ёки бошқа догматик қарашлар, назариялар билан чеклаб қўйган мамлакатларнинг айримлари эса ўз аҳолисини очликдан сақлашда ҳам қийналиб қолмоқдалар (Шимолий Корея, баъзи бир Осиё ва Африка мамлакатлари).

Анъанавий тафаккур – анча мураккаб, ранг-баранг конкрет йўналишлардан иборат ҳодиса. Унда нисбатан алоҳидалашган фалсафий, илмий, диний, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик қарашлар, назариялар, таълимотлар ажралиб туради. Унда ички зиддиятлар яққол кўзга ташланади. Анъанавий тафаккур оламни идрок этишнинг, олам инъикосининг ички яхлит, универсал модели эмас. Лекин унга тизим сифатида муштараклик, ўзига хос умумийлик, «универсаллик» бахш этувчи тамойиллар мавжуд. Бу энг аввало ҳукмрон мафкура-нинг догмалари ва фундаментал тушунчаларидир. Ўрта асрларда улар диний мазмундаги, социалистик мамлакатларда дунёвий мазмундаги тушунчалар бўлган. Анъанавий тафаккурнинг «универсаллиги» шартлидир.

Бу тамойиллар, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан ташкил топган:

1. Анъанавий тафаккур ҳам, асотирий тафаккур сингари, мазмунан авторитардир. Унда обрўли шахс ва жамоа фикри, давлат ва диний институтларнинг мафкуравий талаблари, қарашлари, қоидалари ҳукмронлик қилади. Бу нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётда, ҳатто илм-фанда, шу жумладан, баъзан та-

биатшуносликда ҳам намоён бўлади (илм-фанда, албатта, сал бошқачароқ кўринишда. Совет даврида XX асрнинг 60-йилларига қадар мафкуравий талаблардан келиб чиқиб генетика ва кибернетика фанларининг чекланганини эшлаш кифоядир. Худди шундай чеклашлардан квант физикаси фанини атом ва термоядро қуролларини яратиш, икки система ўртасида авж олган қуролланиш пойгаси сақлаб қолган). Лекин анъанавий тафаккурдаги авторитаризм асотирий тафаккур авторитаризмидан фарқ қилади. Анъанавий тафаккурда турли фалсафий, диний оқимлар, мазҳаблар, бадиий услублар вужудга келиб, тафаккур ранг-баранглик сари ривожланади. Аммо ҳар бир янги таълимотнинг ўзи мазмунан авторитарликка, догматизмга, мантиқий далиллашда схоластика ва софистикага асосланади ёки муайян даврдан кейин шунга интилади. Айниқса бу ҳолат янги таълимотларнинг асосчилари қарашлари ва ғояларидан ҳам кўпроқ уларнинг давомчилари тафаккурига хос. Таълимот асосчисининг қарашлари, тафаккури камчиликлардан, тарихий чекланганликдан холи бўлмаса-да, ўз даври учун анча илғор, танқидий, ижодий янгиликларга бойлиги, догматизмдан йироқлиги билан ажралиб туриши мумкин. Аммо унинг давомчилари, эпигонларига танқидийлик ва ижодий муносабат етишмайди. Натижада янги таълимот бирдан-бир ҳақиқат сифатида талқин қилинади, унинг кучли томонлари ҳам, мавжуд камчиликлари ва тарихий чегараланганлиги ҳам ўзаро фарқланмасдан догматлаштирилади. Таълимот ижодий ривожлантирилиш ўрнига ҳаётнинг турли масалаларига боғлаб тафсир қилинади ва шарҳланади.

Платон ва Аристотель қарашлари, таълимотлари бутун ўрта асрлар давомида (Платон, айниқса, Аристотель таълимоти ислом фани ва маданияти юксалиши даврида буюк ажодларимиз томонидан анча ривожлантирилди. Бу энг аввало Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушдга тааллуқли. Лекин ўша даврда ҳам ислом олимлари орасида ҳам догматиклар кўп эди), марксизм-ленинизм совет даврида догматлаштирилгани, энг обрўли таълимотлар деб қабул қилингани бежиз эмас. Анъанавий тафаккур даражасида бир таълимот иккинчи муҳолиф таълимотни танқид қилиши мумкин ва амалда шундай бўлади. Лекин танқиднинг

ўзи, баҳслар кўпинча холислик, илмийлик нуқтаи назаридан эмас, мафкуравий мақсадга мувофиқлик ва авторитаризм нуқтаи назаридан олиб борилади. Баъзан эса ғоявий мутаассибликка айланади.

Асотирий тафаккур учун ғоявий мутаассиблик хос эмас. Бир-бирига мос келмаган асотирий дунёқарашлар тўқнашган жойда кўпинча эклектик қоришув натижасида янги қарашлар вужудга келгани маданият тарихидан маълум. Анъанавий тафаккурда ғоявий мутаассиблик потенциал тарзда яширин. Ўзига қулай шароитда у юзага чиқиши ва жамиятга катта зарар келтириши мумкин. Ўрта асрларда ҳатто бир дин доирасида турли мазҳаблар, оқимлар ўртасида юз берган қонли тўқнашувлар, ғоявий муросасизлик бунга мисол бўла олади.

Марксизм дастлаб анъанавий тафаккур тарзи сифатида эмас, аксинча, танқидий таълимот сифатида юзага келди. Маркс ҳатто файласуфлар шу пайтгача оламни турлича тushунтириб келдилар, аслида вазифа оламни ўзгартиришдир, деганида ўз таълимотининг пировард мақсади ва тарихий даъвосини ифодалаган эди. Аммо Октябрь тўнтаришидан аввалги Россия шароитида, кейин совет даврида марксизмнинг ўзи анъанавий тафаккурнинг янгича шаклига айланди. Марксизмга хос синфий ёндашув, муроса билмаслик, авторитаризмга мойиллик оқибат-натижада унинг дастлабки шаклланиш даври учун хос бўлган танқидий, ижодий руҳни сўндирди. Унинг деформациялашган, ўта сиёсийлаштирилган ленинизм, троцкизм, сталинизм, маоизм ва бошқа ш.к. шакллари нафақат авторитар мазмун касб этди, шунингдек, ўзга қараш вакиллари сиёсий репрессия қилишни ёқлади ва амалда қўлади. Бундай шароитда тафаккур эркинлиги ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Хуллас, марксизм ва унинг турли миллий мактаблари анъанавий тафаккурнинг тажовузкор шаклига айланди. Бугунги кунда ваҳҳобийлик, ҳизбут таҳрир ва уларга ўхшаш диний-экстремистик оқимлар асосида ётган фикрлаш услуби ҳам анъанавий тафаккурнинг бошқача кўринишдаги тажовузкор шаклларидир.

2. Догматизм анъанавий тафаккурнинг асосий белгиларидан биридир. Анъанавий тафаккурда биринчи навбатда анъаналар догматизми ҳукмронлик қилади — бу ижтимо-

ий турмуш анъаналарими (урф-одатлар, удумлар ва ш.к.), сиёсий бошқарув анъаналарими, илмий ёки бадиий-эстетик анъаналарми – бундан қатъи назар. Анъана эса бирданига тайёр ҳолда вужудга келиб қолмайди. У барқарор шакл ва мазмунга эга бўлгунга қадар, жамиятда нисбатан кенг тарқалиб, энг обрўли гуруҳлар, оқсоқоллар, раҳбарлар, олимлар (илмий анъаналар) томонидан юқори баҳоланиб, эътироф этилгунга қадар анча узоқ вақт давомида «такомиллашади», «сайқал топади», эволюцион ўзгаради. Мана шу даврда у жамият ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, янгиликлар яратади.

Ўрта асрлар Шарқ адабиётида, ижтимоий фикрлар эволюцияси жараёнида анъаналар шаклланиб, қатъий авторитар андозаларга айланишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Совет адабиётида (социалистик реализм услуби, ижобий қаҳрамон масаласи ва ҳ.к.) ва ижтимоий фанларида ҳам XX аср 30-йилларидан эътиборан биз анъаналар авторитаризмига дуч келамиз.

Шу боис анъанавий тафаккурни бир чизиқли, жўн тафаккур шакли сифатида тасаввур қилиш ярамайди. У анча зиддиятли. У ҳар бир янги соҳада, айниқса жамиятда кескин бурилишлар юз бераётган пайтда ҳатто баъзан новаторлик унсурларини қўлаб, эски догматик қарашларни анча-мунча янгиллаши мумкин. Аммо оқибатда янги ютуқлар ва кашфиётлар ортиқча баҳоланиб, тақлид учун намунага, андозага айлантирилади, догматлаштирилади.

3. Асотирий тафаккур ҳукмронлик қилган даврда шахс индивидуализми куртаклари пайдо бўлган, лекин ривожланмаган, иккинчи ўринда турган. Шу боис асотирий тафаккур очикчасига шахс манфаатларига қарши курашмаган, зеро бунга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Анъанавий тафаккур даврида алоҳида шахс манфаатлари яққол намоён бўлди. Баъзан ҳатто бутун жамиятга буюк шахс иродасини ўтказиш даражасига бориб етди. Миср фиръавнлари, қадимги деспотик давлатлар ҳукмдорлари, Искандар Мақдуний кабилар фаолиятини эслаш жоиз. Лекин қадимги деспотлар тезда илоҳийлаштирилди, улар шахсига сиғиниш ўрнатилди (яна ўша догматизмнинг, анъана андозасининг эътиқоддаги бир кўриниши). Илм-фанда ҳам буюк асарлар, таълимотлар догматлаштирилди (юқорида Аристотель

ва Платонни эслаган эдик). Масалан, Конфуций таълимоти ҳатто аста-секин динга айлантирилди.

Атоқли буюк шахслар билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда шахс манфаати нафақат инкор қилинди, ҳатто унга қарши ғоявий кураш олиб борилди. Асотирий тафаккурда биз бундай курашни кузатмаймиз. Умуман олганда, алоҳида шахс манфаатлари анъанавий тафаккур томонидан инкор қилинади, жамоавий ва корпоратив манфаатларга тўлиқ бўйсундирилади (аслида эса улар ўзаро мувофиқлаштирилиши, уйғунлаштирилиши керак. Бу эса демократик жамиятда, эркин тафаккур шароитида амалга ошди). Анъанавий тафаккур томонидан алоҳида шахс манфаатларининг инкор қилинишини жамият тараққиётининг паст даражаси тақозо этади. Биринчидан, одамлар фақат ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда табиат қийинчиликларини енгиши, ўзларининг ишлаб чиқариш ва турмуш эҳтиёжларини қондиришлари мумкин эди. Деҳқонлар ариқ ёки канал қазиб келишлари учун бирлашишга мажбур эдилар. Келтирилган сувни адолатли, экин майдонига қараб тенг улушда тақсимлаш зарурати алоҳида кишилар манфаати-га устуворлик бермасликни «мафкуравий жиҳатдан» асослар эди (мулкий нотенглик туфайли унга қай даражада қатъий риоя қилингани — бу бошқа масала).

Шаҳарларда ҳам ҳунармандлар маҳсулотларини келишилган нархда сотишдан, бозорда нархни барқарор сақлаб туришдан манфаатдор. Ҳунармандлар оилалари имкониятлари, одатда, бир хил бўлмайди. Масалан, қайсидир ҳунарманднинг 4 ўғли, 3 қизи бор. Ўғиллари отаси билан бирга анча буюм ишлаб чиқаришлари мумкин. Иккинчи бир ҳунарманднинг эса 2 ўғли ва 6 та қизи бор. Рўзғор харажатлари иккинчисиникида кўпроқ, лекин ишлаб чиқарадиган маҳсулоти камроқ. Агар биринчи ҳунарманд маҳсулотларини бир оз арзонлаштира, иккинчиси синиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, ҳеч бир оила касаллик ёки бошқа шунга ўхшаш фавқулодда ташвишлардан кафолатланмаган. Агар оиланинг асосий боқувчиси — оила бошлиғи, бош уста маълум муддатга ишга яроқсиз бўлиб қолса, оила иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолган. Шу сабабли ҳунармандлар, косиблар корпоратив манфаатларидан келиб чиқиб, маҳсулот нархини ва кўп ҳол-

ларда сифатини ҳам бир хил сақлашга уринганлар. Кимнингдир бошқалардан ўзиб кетишига, ўз манфаатларини устун қўйишига йўл берилмаган. Энг яхши усталар алоҳида буюртмалар бўйича ўз дурдона буюмларини ясаганлар, бошқа ҳолларда касбдошларидан фарқ қилмаган.

Иқтисодий ночорлик аҳолининг аксарият қисмида ҳамжиҳат бўлишни, жамоавийликни, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашни рағбатлантириб, ўзбошимчаликни, индивидуализм ва шахсий мустақилликни қоралайдиган қарашларни вужудга келтирган, жамоа манфаатларига хизмат қилувчи меъёрлар ва ғояларнинг устунлигини таъминлаган.

Балки бу аслида одамлар онгида сақланиб қолган йиртқиқ ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилишда, озиқ-овқат топишда уруғ аъзоларининг жамоавий жавобгарлигини акс эттирувчи архетипнинг қолдиғидир. Лекин ушбу ҳодисани онгдаги архетип қолдиғи деб баҳолаганда ҳам, унинг юзага чиқишининг асосий сабабларидан бири қашшоқлик, иқтисодий ночорликдир. Айни пайтда иқтисодий қолақлик, ночорлик индивидуал номукамаллик туйғусини шакллантирган, жамоа олдида шахсни ожиз, ҳуқуқсиз қилиб қўйган. Ҳар икки ҳолат ҳам инсон онгига, қарашлари ва тафаккурига чекловчи таъсир кўрсатган. У муросағўй, жамоа қоидалари ва анъаналарига содиқ бўлиб тарбия топган ва турмуш кечирган. Тафаккурда тургунлик узоқ даврлар давомида ҳукм сурган. Тафаккурнинг янги унсурлар билан бойиши жуда секин кечган.

Маълумки, жамиятда қарор топган таълим-тарбия, ахлоқ-одоб тизими, дин мавжуд воқеликка инсонни мослаштиришга, умумқабул қилинган меъёр ва қоидаларни ўзлаштиришда кўмаклашишга хизмат қилади. Бундай ҳолат барча тузумлар учун хос. Инсонни ҳаётга мослаштириш, унга бу борада зарур билимлар ва маънавий мўлжаллар бериш таълим-тарбия, дин ва бошқа ижтимоий институтларнинг бош вазифасидир. Ижтимоий институтлар фаолияти мавжуд тузумни ўзгартиришга эмас, балки мустаҳкамлаш орқали такомиллаштиришга қаратилган. Фақат муҳолифат сифатида пайдо бўладиган янги эътиқодлар, динлар, сиёсий ташкилотлар ва улар туфайли вужудга келадиган янги тузилмалар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, умуман кадриятлар тизимини ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Анъанавий жамиятда таълим-тарбия ва дин инсондаги реал етишмовчиликларни, шахсий номуқаммаллик туфайли вужудга келган кемтиклар ўрнини тўлдиришга ҳам хизмат қилади. Айниқса динда компенсаторлик вазифаси яққол кўзга ташланади. Агар ўтмиш анъанавий жамиятларида аҳолининг аксар қисми саводсиз, маориф ва маърифат даражаси паст бўлганини, мактабнинг устидан диний ташкилот тўлиқ ҳукмронлик қилганини ҳисобга олсак, шахс манфаатларини тан олиш фақат юқори табақаларгагина (қисман) таалуқли бўлиши аёнлашади.

Анъанавий тафаккурнинг баъзи бир буюк шахслар қарашларини, ғояларини догматлаштириши индивидуализмни ўзига хос кўринишда тан олишни билдирмайди. Аксинча, догматлаштириш орқали уни ижодкорлик моҳиятидан жудо қилади ва аслида жамоавийликнинг қоидаларидан бирига айлантиради.

4. Анъанавий тафаккур, қоида тариқасида, бир томондан, ижтимоий ва мулкый нотенглик вужудга келган ва ҳукмронлик қилган давр учун, иккинчи томондан эса — ердан жамоа бўлиб фойдаланиш, саноат ишлаб чиқариши оилавий қосибчилик даражасидан ўсиб чиқмаган, давлат ва черков бир-биридан ажралмаган (ёки диний мафкура ҳукмронлик қилган) даврлар учун хос. Бошқача айтганда, у қулдорлик ва феодал жамиятлардаги ижтимоий тафаккур тарзидир. (Собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларда анъанавий тафаккур тарзининг қайта тикланиши аслида Шимолий Америкада XVIII ва XIX аср биринчи ярмидаги қулдорлик тузуми каби тарихий анахронизм эди.) Социалистик мамлакатлардаги анъанавий тафаккур қулдорлик ва феодализм давридаги ўтмишдошларидан мазмунининг замонавийлиги ва шаклан бойлиги билан, илм-фанда, айниқса фундаментал фанларда тадқиқот ва умумлаштириш усулларининг юксак профессионализи, баъзи масалаларда анча илғорлиги билан ажралиб туради.

Анъанавий тафаккурнинг социалистик шакли кўп жиҳатдан парадоксал характерга эга. Унда бир-бирини инкор этувчи илғор илмий услублар (табиатшунослик илмида), теран таҳлиллар (гуманитар илмда), жамиятни бошқаришда догматик андозавий услублар, юзаки, саёз

умумлаштиришлар сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган хулосалар билан чатишиб, қоришиб кетган.

Кулдорлик ва феодал жамиятларини кўп жиҳатдан анъанавий жамият, уларнинг тафаккурини анъанавий тафаккур дейиш жоиз. Лекин кулдорлик тузумида ҳам, феодал тузумда ҳам бирданига анъанавий жамият вужудга келиб қолмайди. Қадимги Юнонистонда анъанавий жамият унсурлари Александр Мақдунийдан кейин, қадимги Римда император Августдан кейин кучая бошлади.

Ислом Шарқда анъанавий жамият XVI асрда узил-кесил қарор топди.

Ижтимоий нотенглик ёки у ўрнатилмаган жойларда (Октябрь инқилобигача Россиянинг баъзи ҳудудларида сақланиб қолган деҳқонлар жамоаси, рус казак қўшинлари яшаган ҳудудлар) жамоавийлик тамойлининг етакчилиги боис анъанавий тафаккур шахс эркинлигини, индивидуал манфаатларни максимал даражада инкор қилади ёки улар билан етарлича ҳисоблашмайди. Ишлаб чиқаришда ва турмуш тарзида патриархал муносабатлар қолдиқларининг авторитар таъсири маънавий ҳаётда черков ва диннинг авторитаризми билан қўшилиб тафаккур анъанавийлигини белгилайди. Айрим қолоқ урф-одатларнинг яшовчанлиги, кексалар ва оқсоқолларнинг, маҳалланинг баъзи бир анахроник (тарихан эскирган) даъволари, уринишлари негизида ҳам патриархал муносабатлар қолдигидан озикланувчи авторитаризм туради.

Анъанавий тафаккур зиддияти шундан иборатки, у ижтимоий нотенгликни асослаш билан бир қаторда («беш бармоқ бир хил эмас» қабилида нақлларни эсланг), эгалитаризмни (исломда — тавдилия) — барча бандалар Худо олдида тенгдир деган табиий ҳуқуқни ҳамда иқтисодий тақсимотдаги текисчилик тамойилини ёқлайди. Эгалитаризм диний жиҳатдан эмас, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қаралса, турли динларга эътиқод қилувчи шарқ мамлакатларида, суғориладиган деҳқончилик минтақаларида ердан жамоа бўлиб фойдаланиш маҳсулидир. Европа мамлакатларида эса эгалитаризм христиан жамоасининг ижтимоий тенглик идеали сифатида вужудга келган.

Демак, ижтимоий-иқтисодий ва диний эгалитаризм анъанавий тафаккурнинг хос белгиларидан биридир. Эга-

литаризмни иқтисодиётда қўллашга ҳаракат қилиш ижобий натижа бермайди. Аксинча, жамиятни тургунликка, инқирозга маҳкум этади. Иқтисодиётда уни тўла рўёбга чиқариш — хом хаёл. Эгалитаризм фақат адлия соҳасида амалга оширилиши мумкин ва жоиз: қонун ҳаммага нисбатан бирдай қўлланилмоғи, ҳар бир шахсинг келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи, жинси ва эътиқодидан қатъи назар, ҳуқуқларини кафолатламоғи лозим.

5. Диний қарашлар таъсирида амалий тафаккур ва назарий тафаккур ўртасидаги чегара аниқ белгиланмаган (асотирий тафаккурда бу чегара умуман йўқ. Амалий ва ўзига хос умумлашган «назарий» тафаккур — мифологик модель сифатида фақат қутбий ҳодисалар кўринишида мавжуд). Анъанавий тафаккур амалий масалаларда пухта иш тутади, рационал мазмунга эга, аммо назарий масалаларда у иррационал ва рационал қарашларни қориштириб юборади, схоластика ва мистикага мойиллик кўрсатади.

Эркинликнинг анъанавий тафаккур даражасида намоён бўлиши анча баҳсли ва мураккаб масаладир. Умуман олганда, анъанавий тафаккур догматизмга, андозага, эклектика ва иррационализмга мойиллиги туфайли тафаккур эркинлигини инкор этади. Лекин, иккинчидан, юқорида айтилганидек, янги бир ахлоқий, диний меъёр, илмий хулоса, бадий образ анъанага, догматик андозага айлангунча анча вақт ўтади. Бу тафаккурнинг маълум конкрет мавзу ёки йўналишда у ёки бу даражада эркин изланиш олиб боришига имкон яратади. Учинчидан, атоқли мутафаккирлар, ижодкорлар жамиятдаги мавқеидан фойдаланиб (анъана бўйича) айрим илғор ёки ноанъанавий ғояларни нафақат олға суришлари, ҳатто анча кенг тарқатишлари ҳам мумкин.

Ижтимоий нотенглик, мулкий низолар, тахтталашлар, диний мазҳаблар ўртасидаги курашлар, урушлар, турли ғалаёнлар анъанавий жамият ва унинг тафаккур тарзини ларзага солиб турган. Натижада баъзи янги нисбатан илғор ғоялар тарқалган. Барқарорлик ўрнатилганда, доим ҳам рекацион кучлар ҳокимият тепасига келмаган. Бундай ҳолларда илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотик рағбатлантирилган. Айрим ҳолларда эса янги

хукмдорлар аввалги хукмдор пайтидаги муҳолиф қарашлар вакилларига суйанган, уларни қўллаб-қувватлаган.

Тўртинчидан, индивидуал онгнинг, тафаккурнинг мухторийлиги ва ижтимоий онгга таъсирини ҳам унутмаслик керак.

Лекин умуман олганда, анъанавий жамиятда тафаккур эркинлиги нисбий характер касб этиб, узлуксиз ва жуда узоқ муддат давом этмаган. У янги динлар, эътиқодлар ёки ҳокимият тепасига илғор фикрли хукмдорлар келганда ривожланган. Аммо доимо шундай бўлавермаган. Масалан, ислом дини вужудга келганда, у тафаккур эркин ривожланиши учун жуда кўп шарт-шароит яратди ва қўллаб-қувватлади. Аммо тасвирий санъатда, мусиқа ва театр санъатида катта чекланишлар юз берди. Христиан дини эса энг бошданок Галилей замониғача табиий-илмий тафаккурни, санъатнинг бевосита черковга хизмат қилмайдиган турларини чеклади.

Темурийлар, айниқса Улуғбек илм-фанни ривожлантирди, жаҳолатга қарши курашди. Ҳатто айрим саидзодаларни мутаассиблиги, реакцион фаолияти учун қаттиқ жазолади. Унинг отаси Шоҳрух эса табиий-илмий тадқиқотларни унчалик рағбатлантормади. Тафаккур эркинлигини фақат гуманитар билимлар, адабиёт ва санъат доирасида ривожланишига шароит яратди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Хусайн Хоразмий билан боғлиқ шундай воқеани келтиради: «Ва Мавлоно Шоҳрух Мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдан Ҳиротга келтурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетти. Ва ул ғазалнинг матлаи будурким:

Эй, дар ҳамин олам пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту»¹.

Таржимаси:

Эй, бу оламда яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан,
Ошиқ юрагининг дарди ҳам, давоси ҳам ўзингсан.

¹Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XIII т., Т.: –1997, 13–14-бетлар.

Хусайн Хоразмий нафақат шоир, шунингдек, зоҳир ва ботин илмида ўз замонасининг машҳур кишиларида бўлган, жуда нозик фикрлаган. Шу боис ҳиротлик мулла-лар унга мушриклик айбини қўя олмаганлар.

Таъкидлаш жоизки, Шоҳрух ва Ҳусайн Бойқаро замонида Хуросонда ҳали анъанавий жамият узил-кесил ғалаба қозонмаган, Темур даврида бошланган уйғониш, юксалиш давом этаётган эди. Лекин анъанавийлик кайфияти ва меъёрлари ҳам зимдан кучайиб бораётган эди. Анъанавий тафаккур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил тадрижий ўсишни эмас, балки турғунликни келтириб чиқаради. Шоҳрух ва Ҳусайн Бойқаро даври нисбатан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик даври бўлди, аммо ўша даврда турғунликни келтириб чиқарувчи омиллар етила бошлади. Ҳусайн Хоразмий билан юз берган воқеа анъанавийлик мустаҳкамлана бошлаганини, ғоявий назорат кучайганини, ҳукрон мафкурага зид ғоялар учун таъқиб қилиш шаклланаётганини кўрсатади.

Кўплаб мисоллар далолат берадики, анъанавий жамиятда тафаккур эркинлиги умумқабул қилинган мафкуравий меъёрлар даражасидагина намоён бўлади. Шу боис анъанавий жамиятда ижодда эпигонлик кенг тарқалган. Ҳатто буюк даҳо ижодкорлар ҳам, агар янги оқимнинг бошланиш даврида яшамаган бўлсалар, янги образларни, янги ғояларни анъанавий мавзулар, анъанавий сюжетлар доирасида анъанавий шаклларда яратишга, ифодалашга мажбур эдилар. Мисол сифатида хамсачилик анъаналарини эслаш кифоя қилади, деб ўйлаймиз.

Анъанавий тафаккур хусусиятлари ҳақидаги фикрларни яқунлаб, қуйидаги дастлабки хулосаларга келиш мумкин:

1. Анъанавий тафаккур масъулиятдан, мустақил қарор қабул қилишдан чўчийди, ташаббус кўрсатишдан қочади, туб янгиликларни инкор қилади.

2. Унга етакчи, йўлбошчи керак. У обрўли фикр кетидан кўр-кўрона эргашиши келади, шу боис унга андозабозлик, дохийпарастлик, оқсоқолпарастлик хос.

3. Анъанавий тафаккурда воқеликка рационал ва иррационал ёндашувлар, реал ва хаёлпарастлик муносабатлари механик тарзда қоришиб кетади.

4. Анъанавий тафаккур мутаассибликка, жамиятни тоталитар идрок этишга мойиллик кўрсатади, маълум шароитларда (назорат воситалари ва имкониятлари кенгайиши жараёнида) тоталитар мафкура вужудга келишига замин яратади.

Тафаккурнинг энг сермаҳсул, бунёдкор, ижодкорликка мойил шакли демократик эркин тафаккурдир. Бу ҳақда суҳбатлашишдан аввал рационал ва иррационал тафаккур тарзи тўғрисида баъзи мулоҳазаларни билдириш лозим.

РАЦИОНАЛ ВА ИРРАЦИОНАЛ ТАФАККУР

I

Тафаккурнинг тарихий шаклларида тафаккур тарзини фарқлаш керак. Тафаккур тарзи, одатда воқеликни идрок этиш ва унга муносабатга кўра, рационал (ақлга, мантиққа асосланган) ва иррационал (ақл ва мантиқ доирасидан чиқадиган, уларга зид ёки ботиний ишончга, ғайришуурий, мистик омилларга таянадиган) бўлади. Бундан ташқари, тафаккур тарзи, аниқроғи, услуби, воқеликни таҳлил қилишига ва умумлаштиришига кўра, метафизик ва диалектик бўлиши мумкин. Воқеликни акс эттириш воситасига кўра эса конкрет-образли (шу жумладан бадиий) ёки мавҳум-тушунчавий (шу жумладан илмий) тафаккур хилларини ажратиш мумкин.

Назарий тафаккур ҳақида гап кетганда, рационал тафаккур кўпроқ Фарбга, иррационал тафаккур кўпроқ Шарққа хос деган қарашлар анча кенг тарқалган. Бундай қарашларга эътибор бермаслик ҳам мумкин эди. Лекин ўқувчиларда иррационализм Шарқ тафаккурининг хос белгиси экан, шундай бўлиб қолади, ахир маънавияти талай масалаларда инқирозни бошдан кечираётган Фарб ҳам Шарқ қадриятларига, хусусан мистик таълимотларига қизиқмоқда-ку, деган фикр вужудга келиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳақиқатан, Фарбда Шарқ маънавий қадриятларига ёки ўз маънавий қадриятлари доирасида турли мистик таълимотларга қизиқиш ортмоқда. Рационализм инқирози тўғрисида Фарбнинг кўп олимлари, масалан, атоқли мутафаккир А. Швейцер ҳам ёзган. Фарб рационалиزمи инқирози

сабаблари анча-мунча таҳлил этилган. Аммо инқирозга учраган рационализмга ҳозирги замон шароитида иррационализм муқобил бўла олмайди. А. Швейцер тўғри таъкидлаганидек, эски рационализм ўрнини унга нисбатан теранроқ, янги рационализм эгаллаши керак, иррационализм эмас. Мана шуни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти энг олий мақсадларни кўзлайди, биз илм-фан ва техникани, юксак технологияларни, маънавий маданиятни ривожлантириб, ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтирмақдамиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлмоқдамиз. Инсон камолоти ва эркинлиги учун барча зарур шарт-шароитларни, шу жумладан, интеллектуал имкониятларни яратмоқчимиз. Олдимизга қўйган мақсадларга эса фақат теран ақл ва чуқур мантиққа таянган тафаккур ёрдамидагина эришиш мумкин.

Аслини олганда рационал ва иррационал тафаккур тарзи шарқий ва ғарбий тамаддунлар, маданиятлар моҳиятидан, географик омиллар ёки динлар хусусиятидан келиб чиқмайди. Эътироф этилган омилларнинг барчаси тафаккурга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин, холос. Европа мамлакатларида, VI–VIII асрларни қўя турайлик, IX–XIV асрларда ҳам Уйғониш даври (Ренессанс)гача иррационализм ҳукмрон эди.

Аксинча, IX–XII асрларда ислом дунёсида назарий тафаккурда рационализм устун эди. Ҳатто ислом илоҳиёти — калом ҳам рационализмга таянар эди. Ислом оламида Чингизхон истилосидан кейин маънавиятда, рационал тафаккурда чуқур инқироз бошланди. Лекин шунда ҳам XV аср ўрталаригача рационал тафаккур таъсири иррационал мистик тафаккурдан кам эмас эди.

Ғарб рационализмга ислом, айниқса Ибн Рушд таълимоти жуда кучли таъсир кўрсатган. Ислом илм-фани, адабиёти, маданиятининг Европага кириб келувчи асосий дарвозаси Испания бўлган. Чунки испанлар 650 йил араблар ҳукмронлигида яшаган, нафақат ўқимишли испан руҳонийлари, киборлари ва аслзодалари, савдогарлари, шунингдек, анча кенг қатлам испанлар ҳам араб тилини билишган. Испаниялик маҳаллий муаллифлардан бири X аср охирида шундай сўзларни ёзиб қолдирган: «Энг

машхур ёш христианлар араб адабиёти ва тилидан бошқа адабиёт ва тилни билишмайди: улар тиришқоқлик билан арабча китобларни ўқиб ўрганадилар; катта пул ҳисобига улардан бутун кутубхоналар тузишга шошадилар ва ҳар жойда араб фанини мақтайдилар. Бошқа тарафдан, христиан китоблари эслатилган заҳотиёқ, беписандлик билан бундай асарлар диққат қилишга арзийдиган қимматга эга эмас, дейдилар»¹.

Бошқа бир испан руҳонийсининг юқорида келтирилганга ўхшаш фикрини И. Крачковский ҳам таржима қилган. Унда ошиқ-маъшуқлар бир-бирларига она тилида эмас, араб тилида хатлар ёзиши, зодагон испанлар орасида маҳбубларига араб тилида ғазаллар ёзиш одатга киргани, улар ҳатто она тилларини яхши билмасликлари айтилади. (Ушбу муносабат билан XVIII–XIX асрларда рус киборларининг француз тилида сўзлашиб, ёзишмалар олиб борганини, ўз она тилларида жуда ғализ гапирганини эсланг.)

Шундай қилиб, Испания мусулмон ва христиан маданиятлари ўрта асрларда бевосита яқиндан алоқа қилган мамлакат бўлган. Араб тилидан илмий асарларни лотин тилига асосан испан руҳонийлари ва испан яҳудийлари таржима қилган. Арабчадан қилинган таржималар Европада Уйғониш даври (Ренессанс) бошланишига табиий-илмий турткилардан бири вазифасини бажарган. Аммо Европа Ренессанси Испанияда эмас, балки Италияда бошланди. Нега ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий сабаблар йиғиндиси Италияда Испанияга нисбатан Ренессанс учун баракали келди?

Ҳамма омилларни таҳлил қилиш имконига эга эмас-миз. Мавзуимиздан келиб чиқиб фақат биттаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Европа олимларига XII асрдан бошлаб Ибн Рушд (Аверроэс) асарлари таъсири жуда кучли эди. Ибн Рушд фалсафаси теварагида черков ва илм-фан ўртасида қаттиқ баҳслар олиб борилди. Ҳатто Рим католик черкови Фома Аквинат талқинидаги анча-мунча сохталаштирилган Аристотель ва Ибн Рушд таълимотини

¹ Иқтибос С. Н. Григорян. «Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока» М., 1966, 252-б. китоби бўйича келтирилмоқда.

Ўзига хос тарзда «қонунлаштирган» эди. (Томизм – Фома Аквинат таълимоти, католицизмдаги биринчи рационалистик оқим. Бугунги кунда томизмнинг замонавий шакли – неотомизм Рим католик черковининг расмий фалсафий таълимотидир.)

Ибн Рушд вафотидан кейин ҳатто ғарб фалсафасида аверроизм деб аталувчи изчил рационализмга асосланган оқим вужудга келади. Аммо Реконкистадан кейин (испанларнинг араб ҳукмдорлигига чек қўйиб, уларни Испаниядан ҳайдаб юбориши) испанларда исломий қадриятларга нисбатан салбий муносабат, кескин миллатчилик қарор топади. Оқибатда испан аверроистлари, христиан бўлишларига қарамасдан, мамлакатдан қувгин қилинади. Улар Испанияга чегарадош жанубий Францияга жойлашиб оладилар ва ўша ерда ўз ижодларини, ғарб маънавий ҳаётига таъсирини давом эттирадилар.

Бу даврга келиб Испания Европанинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлатига айланган, айниқса испан флоти дунёда тенги йўқ ҳисобланар эди. Испан қироли французлардан аверроистларни Франциядан ҳайдашни талаб қилади. Испания қудратидан чўчиган француз қироли аверроистларни мамлакатдан чиқариб юборади. Улар Франциядан Италияга кўчиб, ижодий фаолиятларини давом эттиради. Бундан Италия ижтимоий фикри, илм-фани ва санъати жуда катта фойда кўрди, мистика ва иррационализмдан рационализм томон ривожлана бошлади, черков догматизми ҳар соҳада, аввало, ахлоқий, эстетик ва табиий-илмий масалаларда шубҳа остига олина бошлади. Аверроизм оқими XVI асргача яшадди. У Италияда ва сўнгра бутун Европада Ренессанс бошланишига самарали таъсир кўрсатди, рационал тафаккурнинг диний мистика ва иррационализмдан устун келиши учун илмий-интеллектуал асослардан бири бўлди. Атоқли файласуф Роже Бэкон, машҳур Брабантлик Сигер, Дунс Скот Ибн Рушд издошлари эди. Айниқса Италияда XIV – XVI асрларда, яъни Ренессанс арафаси ва даврида Помпонаци, Ванини, Икиллини, Цабарелла, Кремонини каби аверроистлар етишиб чиққани бежиз эмас.

Католик черковининг инквизиция суди қийноқлари ва хавфи, Жордано Бруно каби олимларнинг тириклайин

гулханда ёқиб юборилиши ҳам рационал тафаккурнинг ғолиб одимларини тўхтатиб қололмади. Европада янги тафаккур элчилари, дастлаб Рене Декарт ва Бенедикт Спиноза, кейин маърифатпарварлик вакиллари – инглиз ва француз рационалист-файласуфлари (материалист ёки идеалист бўлишидан қатъи назар) етишиб чиқди. Айнан худди шу даврда (XVI–XVII аср) Хоразмий, Фарғоний, Ар-Розий, Форобий, Ал-Киндий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Туфайл, Ибн Бажжа, Ибн Рушд, Улугбек, Али Қушчи ва рационал тафаккурнинг бошқа даҳоларини етиштириб берган ислом мамлакатларида рационализм инқироzi чуқурлашган, мистика устунлиги бошланган эди.

Ғарб Ренессансининг сабаби фақат аверроизм ёки умуман рационализм эмас. Биз бундай қатъий фикрни олга суришдан йироқмиз. Ренессанс кенг миқёсда – Ғарб ижтимоий тараққиётининг маҳсули. Уни вужудга келтирган омиллар орасида нафақат илмий, маданий, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий омиллар бор. Энг аввало товар муносабатларининг қарор топа бошлаганини, шаҳарлар, мануфактуралар ва цехларнинг тез ривожланганини кўрсатиш керак. Аммо аверроизмнинг Ғарбда рационал тафаккур шаклланишига ва Ренессанс бошланишига ҳиссаси салмоқли ва муносиб бўлганига шубҳа йўқ. Афсуски, ушбу масала на европалик, на ислом мамлакатлари олимлари томонидан алоҳида ўрганилган.

Шарқ тараққиётида илмий-интеллектуал юксалишдан, турли сабабларга кўра, иқтисодий юксалиш ортда қола бошлади. Оқибатда табиатшунослик ва илмий-техникавий кашфиётларга, тадқиқотларга талаб сусайиб кетди. Бу ўз навбатида рационал тафаккурнинг илмий-интеллектуал асослари заифлашувига олиб келди. Боз устига ислом бағрида иррационализм ва рационализм ўртасида давом этаётган курашда иррационализм мавқеи йилдан йил мустаҳкамланиб борди. Тасаввуфнинг янги тариқатлари вужудга кела бошлади ва улар таъсири кучая борди.

Иррационализмга мурожаат этиш баъзи ҳолларда ўзига хос равишда тафаккур эркинлигига интилиш билан тунштирилади. Бу қисман тўғри. Илк иррационалистик қарашлар соҳиблари ўз даврининг ортодоксал таълимот-

лари доирасида қатъий қоида, ўзгармас андозаларга айланиб қолган баъзи бир догматик фикрларни четлаб ўтиш, очиқча ёки пинҳона уларга мос келмайдиган мулоҳазаларни билдириш учун мажозий усуллардан, мистик қарашлардан фойдаланганлар.

Лекин иррационализм ва тафаккур эркинлиги масаласи аслида анча мураккаб масаладир.

Каломда янги мактаб яратган диний рационализмнинг буюк намояндаси Абу Мансур Мотуридий эътиқод масаласида ақл ва нақлга таяниб иш тутиш лозимлигини уқтирганда, диний таълимот ва амалиётдаги анъаналарнинг (нақлнинг) инсон тафаккури тўғри, ўзи эса ҳақиқий мўмин, эркин бўлишига таъсирини эътироф этган.

Мотуридий хулосасини нафақат эътиқод ва тақвога нисбатан, балки кенгроқ, бутун ижтимоий ҳаётга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Агар шундай қилинса, Мотуридий хулосасидан эркинлик ақлга таяниб иш тутиш билан бир қаторда ўзини анъаналарга, яъни жамиятда шаклланган, қабул қилинган қадриятлар тизимига мос тутиш ҳам эканлиги келиб чиқади.

Калом диний рационализмга асосланган эди. Қуръонни тафсир қилиш илмига — илм ат-тафсирга ҳам илк бор муътазилийлар (калом таълимоти асосчилари ва ундаги тарихий биринчи йирик оқим) асос солганлар (гап бу ерда аниқ тизимга келтирилган диний илм ҳақида кетяпти). Оламини тушунишда унга оқилона муносабатда бўлиш, ақл тарозисидан, таҳлилдан ўтказиш лозимлиги каломнинг асосий тамойилларидан биридир.

Калом ислом тарихида анча самарали роль ўйнади. У ўзининг юксалиш даврида тафаккур эркинлигига таянди (албатта, ислом доирасида) ва уни қўллаб-қувватлади. Ислом цивилизацияси айнан калом устунлик ва етакчилик қилган даврда ижтимоий тараққиётда, маданиятда, фалсафа ва илм-фанда, хусусан, математика, астрономия, тиббиёт ва табиатшуносликнинг бошқа соҳаларида энг буюк ютуқларни қўлга киритди (IX–XII асрлар). Лекин калом таълимотининг мавҳум-тушунчавий мулоҳазалари кенг жамоа англаб олиши учун оғирлик қилди. Ўқимишли муллаларнинг ўзлари орасида ҳам ягона фикр йўқ эди. Бир томондан, калом бағрида ҳар хил қарашлар, ўзаро мухо-

лиф мафкуралар, фирқалар пайдо бўла бошлади. Иккинчи томондан, догматизм кучайди. Оқибатда каломнинг концептуал-методологик ички муштараклиги заифлашди. У аста-секин ўз ўрнини иррационал қарашларга бўшатиб берди. Табиатшунослик ва дунёвий илм-фан қўлга киритган ютуқлар расмий диний таълимотларга зид кела бошлади. Ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар ҳам йилдан-йил кўпайиб борди.

Ислом олға сурган тавдилия (адолат ва тенг тақсимот) ва бошқа баъзи бир тамойилларни амалиётга жорий қилиш қийин кечди. Ислом жамоаси ичида ижтимоий табақаланиш кучайган сайин, эркинлик, тенглик, адолат тўғрисидаги илк исломий тасаввурлар амалий ҳаётга унча мос эмаслиги аёнлаша борди. Калом доирасидаги талқинлар жамиятни қониқтирмай қўйди. Энди бу тасаввурларни янгилаш, яъни асосий тамойилларни бошқача талқин қилиш лозим эди. Шундай қилиб, иррационализмга эҳтиёж ортди. Иррационал талқин вазиятга қараб турлича товланиб кетаверади, унга эклектика хос. Каломга ички ривожланиш, такомиллашиш салоҳияти, даврнинг, ҳаётнинг янги талабларига жавоб бера олиш учун қайишқоқлик етишмади. Иррационализм ўзининг ички ижодий салоҳияти, мулоҳазаларининг қайишқоқлиги туфайли эмас, балки эклектик табиатига кўра ҳаётга мослашувчанроқ эканлигини намойиш қилди.

Рационализм мавжуд ҳолатни таҳлил этиб, камчиликларни танқид қилади, ўз баҳосини далиллар ёрдамида асослайди. Иррационализм эса камчиликларни метафизик инкор қилади – куфр, бемаънилик, адолатсизлик ёки анъаналарга, миллий менталитетга ёт деб эълон қилади. Иррационализм баҳо беришдан кўра, кўпроқ «ёрлик» ёпиштиради. Ўз хулосаларини, зарур бўлса, «спекулятив» далиллар ёрдамида «асослайди». Жамият турғунлиги ва инқирози даврида айнан шундай далилларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Каломдан кейин маънавий ҳаётда тасаввуф етакчилик қила бошлади. Тасаввуф инсон эркинлиги масаласини уни фоний дунё билан боғлаб турувчи, боқий дунёдаги қисматига таъсир кўрсатувчи нафсдан қутулиш, ўзликдан тўла воз кечиб, фанолик орқали Ҳақ васлига етишиш деб тал-

қин қилди. Тасаввуф Оллоҳни ақлан билиш мумкин эмаслигини, рационал тафаккур имкониятлари чекланганлигини тўғри таъкидлади. Аммо у рационализм ва умуман тафаккур имкониятларини анча-мунча паст баҳолаб, кўпроқ иррационал туйғу, ишқ завқи, иррационал ишончга устунлик беради. Қуръон тафсири ва дин, шариат асосларини тушунтиришда мажозий талқинга ортиқча мойиллик кўрсатди.

Калом илми нега тасаввуфга етакчиликни бериб қўйди? Нега нисбатан рационалистик диний таълимот очиқчасига диний-мистик таълимотга нисбатан заифлик қилди, деган савол туғилиши табиий. Бу иррационализмнинг потенциал тарзда рационализмга нисбатан устунлигининг намоён бўлиши эдими ёки бошқа омиллар таъсирида бундай ҳолат юз бердими? Аслида тафаккурда, айниқса, илм-фанда рационализм мантикий асос вазифасини бажаради. Иррационалистик унсурлар, аксинча, кўп ҳолларда илмий назарияга, хулосаларга турли хатоликлар, ноаниқликлар кириб қолишига сабаб бўлади.

Диний таълимотларда эса рационалистик ва иррационалистик қарашлар ёнма-ён ёки қоришиқ ҳолда келади. Дин ўз табиатига кўра иррационализмга яқин. Шу боис диний таълимотнинг рационализм доирасида ривожланиш имкониятлари чегараланган. Эртами-кечми ислом таълимот тизими рационал тафаккур билан зиддиятга келиши табиий эди. Ҳадис илми, фикҳ ва адаб (ахлоқ), Қуръон тафсири, ислом илоҳиёти ва шариат асослари шаклланиши ва илк ривожланиш даврида барчага тушунарли бўлиши, ғайридинлар ва жоҳилларни исломга жалб қилиши лозим эди. Ҳар қандай илм, айниқса янги илм — дунёвий ёки диний бўладими, қатъи назар — аниқ ва оқилона асосларга, мантиққа, барча томонидан тўғри ва мумкин қадар бир хил тушуниладиган атамаларга, қоидалар ва талқинларга эга бўлиши шарт. Шу боис ўша давр исломи ақли-расоликка, мантиққа, рационал тафаккурга таяниши зарурат эди. Аммо фикҳ мактаблари — маҳзаблар, шариат асослари шаклланиб бўлгач, исломда ҳатто чегараланган рационализмга эҳтиёж сусая бошлади.

Каломнинг иккинчи тарихий босқичи — ашъария ва мотуридияда — бу қисман сезилади. Масалан, мотуридия-

да нафақат ақлга, шунингдек, нақлга таяниб иш тутиш лозимлиги билвосита иррационализмга ён босишдир. Чунки нақл (ривоят шаклидаги анъана) замон талабига жавоб бермаслиги, ҳаётдан ортда қолиши, ривоятда эса баъзи бир нореал унсурлар аралашиб қолган бўлиши мумкин. Ҳар қандай нақл ҳам ақлга мос келавермайди.

Калом учун Оллоҳ – борлиқнинг ягона ва мутлақ манбаи, яратувчиси ва белгилувчиси. У ягона ва бўлинмас, моддий хусусиятларга эга эмас. Шу сабабдан инсон тасаввурларига мос келмайди. Оллоҳ, сифатларига кўра, нафақат – Раҳмон ва Раҳим, У, шунингдек, Жаббор ва Қаҳҳор. Инсон Оллоҳ йўлидан бориши лозим ва мажбур. Унинг тақдири азалдан белгиланган. Аммо инсон бу дунёда фақат чегараланган танлаш имкониятига эга (увол ва савоб, ҳаром ва ҳалол, куфр ва мўминлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасида). Оллоҳни инсондан тубсизлик ажратиб туради.

Калом тадқиқот ва қизиқиш доирасида инсон руҳининг эркинлиги ва абадийлиги масаласига эътиборни су-сайтирди.

Тасаввуф, каломдан фарқли, Оллоҳ васлига етишиш (восил бўлиш) масаласини кўйди ва ўзича уни ижобий ҳал қилди. Энди Оллоҳ нафақат универсал асос ва манба, шунингдек, инсоннинг яшашдан мақсадининг бирдан-бир мазмунига ҳам айланди. Тасаввуф инсон ва Оллоҳ ўртасидаги трансцендент тубсизликни енгиб ўтишга имкон туғдирди.

«Мистикларни мудом имманентизмда, яъни Худонинг ва қалбдаги илоҳийликнинг имманентлигини (ички ажралмас, туғма хислатлигини – А. Э.) тан олишда айблаб келишди. Ҳақиқатан, мистика Худо ва инсон ўртасидаги трансцендент тубсизликни енгиб ўтади. Расмий теология (илоҳиёт илми – А. Э.) ўзини холис [илм] ҳисоблар ва мистиканинг субъективлигига қарама-қарши қўяр эди. Мистик тажрибада трансцендентлик имманентликка айланади»¹. Бу фикр айнан тасаввуфга ҳам тааллуқли. Тасаввуф Оллоҳни инсон миясидаги мавҳум, аниқ тасаввур этиш мумкин бўлмаган тушунчадан инсон қалбининг ишқига, завқига айлантирди. Оллоҳ инсон билан, инсон Оллоҳ билан бирлашиш имкониятига эга бўлди.

¹ П. В. Алексеев, Н. В. Панин. Философия. М., 1997, 68-б.

Оллоҳни на ақлан билиш, на физиологик ҳис этиш мумкин. Уни фақат қалбан ҳис этиш, мистик туйғуда у билан бирлашиб кетиш мумкин. Масалага бундай ёндашув бандаларнинг ибодатига ҳам, кундалик диний мажбуриятларни, мўминликни адо этишига ҳам теранроқ мазмун ва аниқ мақсад, рағбат бағишлади: Оллоҳ васлига восил бўлиш мумкин, бу банданинг ўзига боғлиқ. Калом Оллоҳ васлини мўмин бандасига фақат нариги, боқий дунёда ваъда қилса, тасаввуф фоний дунёда ҳам маълум шарт-шароитда унга етишиш мумкинлигини ваъда қилди ва каломдан ташаббусни олиб қўйди.

Тасаввуф руҳ эркинлигига эришиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритди. У ақлни ожиз, ҳиссиётни (ишқни) Оллоҳга етказувчи восита, деб эълон қилди. Албатта, каломнинг тасаввуфга етакчиликни бўшатиб беришининг бошқа ички метафизик (фалсафий) сабаблари ҳам бор. Улар орасида калом доирасида бир-бирига зид турли заиф мактаблар ва фирқаларнинг кўпайиб кетганлиги, баъзилари анча мутаассибликка мойил бўлганини назарда тутиш керак.

Ижтимоий тараққиёт, илм-фан, мамлакат ривож, фаровонлиги эркин ва рационал тафаккур юритишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Иррационал тафаккур, мавҳум хилқатга интилиш, хаёлпарастлик алоҳида шахсни ўз наздида, субъектив тасавурида эркин ва бахтиёр қилиши мумкиндир, аммо жамиятни эмас. Инсоннинг қалб кечинмалари, эътиқодий туйғуси, руҳиятида ақл доирасига сиғмайдиган иррационал жиҳатлар, ботиний шуур, қисқача айтганда, трансцендентлик тафаккурдан кам аҳамиятга эга эмаслигини кашф этиш ва кўрсатиш тасаввуфнинг улкан ютуғидир. Аммо фаноликка интилишда тафаккурни иррационал кечинмаларнинг тобесига айлантириб қўйиш ҳам бундай мураккаб масалага бир томонлама ёндашувдир.

Шундай қилиб, тасаввуф инсон эркинлигини ижтимоий амалиётдан, тафаккур эркинлигини жамият ва табиатни конкрет илмий тадқиқ этиш ва билишдан ажратиб, кўпроқ руҳият, эътиқод, ишқ ва фано масалалари томон йўналтирди. Инсон қалбидаги Оллоҳни кашф этиб, у билан бирлашиб кетгандагина, ҳақиқий ўзлигини қайта топади, онги, тафаккури эркинликка кўтарилади. Тасаввуф руҳият эркинлигини инсоннинг ўз имкониятларини

юзага чиқариши ва унинг шахсияти юксалиши билан боғлаб эмас, балки Оллоҳни трансцендент кашф этиши ва фақат руҳоний камолоти билан боғлаб тушунтиради.

Инсон эркинлиги унинг ҳаёт муаммоларидан ўз фикри-зикрини, амалий фаолиятини имкон қадар халос этиб, ўзини эркин ҳис этишда намоён бўлмайди. Инсон эркинлиги унинг фақат субъектив кайфиятидан, ҳатто эътиқодидангина иборат эмас. Наридан борса, субъектив кайфият ва эътиқод инсон эркинлигининг бир кўринишидир, баъзан реал мазмундан кўра, ҳаёлий мазмунга эга. Ҳаётнинг реал муаммоларидан, ўзини ўраб турган муҳит ва вазиятдан юз ўтирган, узоқлашган киши ўз экзистенциал ҳолатини ва эҳтиёжларини, уларни юзага чиқаришнинг объектив имкониятларини яхши англаб олмайди. Бинобарин, у холис ва ҳар томонлама фикр-мулоҳаза юрита олмайди, яъни эркин тафаккурга эга эмас.

Тасаввуфнинг етакчи позицияга чиқишида ижтимоий-сиёсий омиллар таъсири ҳам катта бўлганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, мўғул истилоси, мўғулларга қарши курашдаги бир неча авлод ҳаёти давомидаги муваффақиятсизликлар, зиддиятлар, кейинги тож-тахт талашишлар, бу даврда халқ оммасининг ўта қашшоқлашиб кетиши, одамларнинг чорасизликдан ҳар хил мўъжизаларга, ҳаёлий, мистик йўл билан ўзини овутишга интилиши ва ҳ.к.лар тасаввуф кенг тарқалишига ижтимоий негиз яратди. Юқорида таъкидланганидек, илк ислом олға сурган идеалларнинг ҳаётда юзага чиқмаганлиги, улар талқинининг одамларни қаноатлантирмай қўйганлиги, уларни иррационал, мажозий талқин қилиб, умматлар кўнглида янги умидлар уйғотиш эҳтиёжи ҳам тасаввуфга йўл очди.

Ҳар бир тарихий даврда иррационализмни озиклантирувчи ижтимоий сабаблар етарли бўлади. Масалан, ҳозирги замон ғарб рационалиزمни инқирози сабаблари орасида геополитик, сиёсий, ижтимоий-сиёсий сабаблар, XX асрда юз берган жаҳон урушлари ва янги термоядро уруши хавфи, ўша пайтлардаги икки тузум ўртасидаги зиддият ва бошқа шу каби сабаблар, демографик ва экологик муаммолар, илмий-техника тараққиёти вужудга келтирган жамият ва табиат, инсон ва жамият (ўзаро

бегоналашувнинг ва айти пайтда боғлиқликнинг кучайиши) ўртасида зиддиятлар ҳам бор.

Юқорида қайд этилган сабабларни ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин. Уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш кўп вақтни олган бўлур эди. Биз бу ерда кейинги йилларда пайдо бўлиб, кучайиб бораётган икки ҳолат тўғрисида батафсилроқ тўхталишни лозим топдик.

Биринчидан, замонавий ғарб мамлакатлари қанчалик юксак ривожланиб, аҳоли турмуш даражасини оширсин, тузумини «халқ капитализми»га айлантирмасин, барибир ички зиддиятларни, жамиятдаги бегоналашушни тўла бартараф эта олмади. Бу зиддиятлар бошқа бир кўринишда мудом юзага чиқмоқда. Демографик вазиятнинг кескинлашуви, аввало туб аҳоли ўртасида туғилишнинг кескин камайиб кетиши оқибатида ғарб мамлакатлари таркибида кексалар ва нафақахўрлар улушининг муттасил ошиб бораётгани ижтимоий тўловларни таъминлашда жиддий потенциал муаммолар туғдирмоқда. Шу ва бошқа сабаблардан ғарб мамлакатлари ўз иқтисодиётларига кўплаб муҳожирларни жалб қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу меҳнат ва капитал ўртасида зиддиятларни, бегоналашушни янгича шаклда юзага чиқармоқда. Бир тарафдан, муҳожирлар маҳаллий аҳолига нисбатан меҳнат ва ижтимоий муҳофазада камроқ ҳуқуққа эга (нолегал муҳожирлар кўпинча умуман ҳеч қандай муҳофаза ҳуқуқига эга эмас). Бу уларнинг турли даражадаги норозилигини келтириб чиқармоқда, келажакда йирик ижтимоий ларзаларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. 2005 йил охирида Париж шаҳри чеккалари ва остонасида африкалик муҳожирларнинг тартибсизликлари бундан далолат бермоқда. Бошқа тарафдан, муҳожирлар ва маҳаллий ишчилар ўртасидаги рақобат, маҳаллий ишчилар норозилиги, улар орасида миллатчилик ва шовинизм кайфиятининг кучайиши потенциал тарзда ижтимоий барқарорликка хавф туғдиради. Ўз иш ўрнини йўқотишдан, бинобарин, муносиб кун кечириш манбаидан маҳрум бўлишдан қўрқиш Ғарбнинг айрим оддий фуқароларида умидсизлик, келгиндиларга нисбатан нафрат кайфиятини озиклантириб, уларни турли радикал, шу жумладан, ўта шо-

винистик ва неофашистик ташкилотларга киришига туртки бўлаётир. Бундай кайфият тафаккур тарзига иррационал унсурлар, миллатчилик васвасалари кириб келишига ва ўрнашиб қолишига психологик шарт-шароит яратади.

Ғарб мамлакатларида ижтимоий бегоналашишнинг янги шакллари вужудга келди ва тез суръатларда кескинлашмоқда. Масалан, муҳожирлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида, муҳожирлар ва маҳаллий капитал, муҳожирлар ва уларни қабул қилган мамлакатнинг давлат институтлари, давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтлари, муҳожирлар ва туб аҳоли менталитети, маиший ва умуман миллий маданияти ўртасида ва ҳ.к. зиддиятлар ва бегоналашиш кучаймоқда. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Бегоналашувнинг ҳар қандай шакли мавжуд тузум тартибларига, институтларига, қадриятлари ва меъёрларига, уларнинг зарурлигига ва ҳаётга тўғри, оқилна жорий қилинганига нисбатан озми-кўпми ишончсизликни келтириб чиқаради. Бу эса мазкур тартиблар, қоидалар, қадриятлар, меъёрлар, институтлар самарадорлигини пасайтириб юборади. Бегоналашув, худди қўрқув каби, иложсизликдан, чорасизликдан турли мўъжизаларга, сохта ғояларга, иррационал нажот усуллари ва йўлларига интилишни рағбатлантиради. Жамиятда ўғирликлар, жиноятлар, шаҳватпарастлик ва фаҳшга, алкоголизм ва наркоманияга ружу ошади. Фундаментал ахлоқий, эстетик меъёрлар, миллий анъаналар ва қадриятлар, жамиятнинг бирламчи асоси — оила инкирозга томон юз тутта бошлайди.

Мазкур омиллар, бир томондан, ғарб рационализи инкирозининг оқибати бўлса, иккинчи томондан — бу инкирозни озиклантирувчи ва кучайтирувчи, унинг янги шаклларини келтириб чиқарувчи сабабдир, ижтимоий ва маънавий омилдир.

Бундай шароитда Ғарбнинг баъзи бир фундаментал ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий қадриятлари, айтилик, демократия ва инсон ҳуқуқлари, эътиқод ва сўз эркинлиги ҳам деформацияга учрамоқда. Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида салмоқли ўринни эгаллайдиган муҳожирлар, агар фуқароликни қабул қилмаган бўлса, давлат бошқарувида қатнашмайди (сайлаш ва сайланиш

хуқуқига эга эмас), юқорида эътироф этилганидек, ижтимоий муҳофазанинг кўпчилик турларидан маҳрумлар. Бошқача айтганда, ғарб мамлакатларида демократия ва инсон ҳуқуқлари фақат туб аҳоли учун мавжуд бўлиб қолмоқда. Эътиқод ва сўз эркинлиги эса баъзи ҳолларда жамиятнинг бирлашувига, консолидациясига эмас, балки диний ва этно-маданий жиҳатдан бўлинишига ҳам хизмат қилмоқда. Рационал, оқилона тузилган ғарб давлати тартиблари ҳозирги шароит талабларига ушбу масалада жавоб бера олмаётир.

Иккинчидан, дунёнинг икки қутбли бўлиниши тугаб, жаҳон ҳамжамияти таркибида чуқур ўзгаришлар юз бериши натижасида ғарб мамлакатларининг интеграциялашуви ва АҚШнинг дунё миқёсидаги гегемонлиги кучайди. Европа Иттифоқига, НАТОга янги аъзолар қабул қилинди, АҚШ томонидан дунёнинг турли минтақаларида анчамунча агрессив сиёсат олиб борилмоқда. Янги ҳудудлар АҚШ учун ҳаётий муҳим минтақалар деб эълон қилиниб, уларнинг ички ишларига турли баҳоналарда аралашушга, уларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат бўлмоқда. Бундан ташқари, АҚШ, Европа мамлакатлари дунёнинг бошқа мамлакатларига ўз тушунчаларидаги демократия ва бошқарув моделини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари меъёрларини, Ғарб турмуш тарзи ва анъаналарига мос фуқаролик жамияти институтларини турли йўллар билан тиқиштиришга уринмоқда. Ғарб демократияси, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларида, шубҳасиз, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ўрганса арзийдиган жиҳатлар борлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг барча халқлар, мамлакатларнинг тарихий хусусиятларига, маданияти ва замонавий ҳаётига, халқининг менталитетига тўлиқ мос келадиган универсал модели йўқлигини, бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаш зарур. Ғарбнинг очиқчасига ёки ниқобланган зўравонлик сиёсати халқларни бир-биридан узоқлаштирмоқда, ривожланаётган мамлакатларда аксилғарбий кайфиятларни, маҳаллий миллатчиларни, реакция кучларни фаоллаштирмоқда, экстремизм ва терроризмнинг ижтимоий заминини кенгайтирмоқда. Мўътадил, оқилона сиёсат юритиш, маданиятни, маърифатни

юксалтириш тарафдорларининг аҳоли ўртасида таъсири пасайишига, жамият тафаккурида муросасизликка мойиллик ортишига сабаб бўлмоқда.

Инсоният ҳаёти, ижтимоий тараққиёт маданиятлар ранг-баранглиги, ижтимоий тажрибалар, фикрлар, қарашлар, қадриятлар бойлиги билан истиқболли, казармача бир хиллик билан эмас. Бу казармача бир хиллик коммунистик ақидапарастликка асосланадими ёки ғарбнинг баъзи сиёсатчилари томонидан сохталаштирилган, нотўғри талқин қилинган либерализмга асосланадими – бунинг аҳамияти йўқ. Халқаро алоқаларда мувозанатнинг бузилиши, АҚШ гегемонлиги ва ҳатто ўзининг энг яқин иттифоқчилари билан тобора кам ҳисоблашаётгани, Европа Иттифоқининг, НАТОнинг кенгайиши, 2008 йилда вужудга келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдирган хавф, Ғарб мамлакатлари ўзларининг ўртасидаги зиддиятларни кўпайтирмоқда. Бошқа томондан эса, Ғарб мамлакатлари ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларни кучайтирмоқда. Ғарб сиёсий ва иқтисодий экспансиясининг, тазйиқининг авж олаётгани ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган минтақавий муаммоларнинг ечилмасдан келаётгани (Ҳиндистон–Покистон, араб мамлакатлари – Исроил, Шимолий ва Жанубий Кореялар, XX аср охири ва XXI аср бошида пайдо бўлган Афғонистон ва Ироқдаги ички қарама-қаршиликлар, Африка қитъасидаги этник-миллий ва минтақавий можаролар) қатор давлатларнинг ядро қуролини яратишига сабаб бўлди, баъзи бирларини бунга ундамоқда. Минтақавий ва ички этник тўқнашувлар, можаролар қурол-яроғ билан ноқонуний савдо-сотиқни авж олдирди. Бу ҳам иқтисодий ночор мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси ўсишига жиддий зарар етказмоқда.

Ҳокимиятга интилаётган турли ўзаро душман кучлар, доиралар қурол-яроғ харид қилиш учун яширинча наркотиклар сотишни, ички ва халқаро терроризмни зимдан қўллаб-қувватламоқда.

Бугунги кунда минтақавий можаролар, халқаро терроризм, диний экстремизм халқлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланишига халақит бериб қолмасдан, баъзи ҳолларда иқтисодий, маданий алоқалар-

ни, ҳамкорликни издан чиқармоқда, оддий кишилар кўнглига гулгула, кўрқув солмоқда.

Ишончсизлик, шубҳа, кўрқув, хавфсизликка таҳдид, халқаро меҳнат тақсимотида ва савдо-сотикдаги адолатсизлик, неоколониалистик хавф, турли мамлакатларга муносабатларини белгилашда АҚШ ва айрим Ғарб давлатлари томонидан қўлланилаётган икки хил стандартларга асосланган ёндашувлар баъзи ривожланаётган давлатларда ички демократия чекланишига, бошқарувда авторитаризм кучайишига хизмат қилмоқда. Буни у ёки бу даражада халқаро иқтисодий санкцияларга мубтало бўлган давлатларнинг барчасида кузатиш мумкин. Бинобарин, собиқ социалистик мамлакатлар мустақил демократик тараққиёт йўлига ўтиб олгач, уларнинг баъзиларда гўёки ўзгаришлар сурьатларидан, инсон ҳуқуқлари таъминланишидан, аслида эса уларнинг нисбатан мустақил ички ва ташқи сиёсатидан қониқмаган Ғарб доиралари турли билвосита усуллар билан (жамоат ташкилотлари орқали) «рангли инқилобларни» уюштирдилар ва қўллаб-қувватладилар. Шу каби хатти-ҳаракатлар, шубҳасиз, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро ишончга салбий таъсир қилмоқда. Айни пайтда қайд этилган муаммолар, нохуш омиллар ғарб қадриятларидан, ғарб рационализмидан нафақат ноғарбий мамлакатлар аҳолисининг, шунингдек, Ғарб аҳолисининг салмоқли қисмининг юз ўгиришига, иррационал ва турли хил радикал ғояларнинг, шу жумладан экстремистик, террористик ғояларнинг, мафкуравий мутаассибликнинг тарқалишига маълум даражада сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги сабаблар қаторига, шунингдек, қашшоқ мамлакатларда очарчилик, эпидемиялар, барча мамлакатларда тез ўсиб бораётган ОИТС, гиёҳвандлик, ичкилик-бозлик, иқлимнинг глобал исиб кетиш хавфи ва йилдан-йил кўпайиб бораётган табиий офатлар, иссиқ минтақаларда қурғоқчилик, мўътадил минтақаларда сув тошқинларини кўшсак, ҳозирги замон кишисининг тафаккури қай даражада салбий омиллар босимида дуч келаётганини англаймиз. Булар, албатта, тафаккурнинг иррационал йўналиш томон бурилишига туртки бўлади.

Иррационализмнинг оламни билиш билан боғлиқ са-

баблари эса ҳеч қачон тугамайди. Улар орасида бош сабаб — инсон ақли ва билимларининг тарихан чегараланганидир. Коинот, табиат, жамият, инсон ички дунёсидаги ва руҳий кечинмаларидаги турли ҳолатлар, ҳодисалар борки, уларни инсон тафаккури, мавжуд билимлари охиригача тўлиқ тушунтириб беролмайди. Лекин инсон тафаккури шундай тузилганки, оламни яхлит, тугал манзарасини яратишга ҳаракат қилади. Натижада у етишмаган билим ва тасаввурлар ҳалқасини турли фаразлар, эҳтимоллар, ўзи ўйлаб топган фантастик тасаввурлар ёрдамида тўлдиради. Бу фаразлар баъзан иррационал, мистик мазмун касб этади. Айниқса, инсонга сирли, мўъжизали бўлиб туюлган нарсалар моҳияти, сабаблари ҳақида мулоҳаза юритилганда, иррационализмга, мистикага мойиллик кўпроқ юзага чиқади.

Инсон онгига, тафаккурига хос яна бир муҳим мойилликни таъкидлаш жоиз. Инсон ўлим билан, ўз умрининг ўткинчилиги, вақтинчалиги билан келиша олмайди. Жисмоний ўлим билан инсон ҳаётининг тўлиқ барҳам топиши, унинг назарида, ҳаётини оқибат мақсаддан, маънидан жудо қилади. Дин бу зиддиятни енгиб ўтишда инсонга ёрдам беради. Руҳнинг абадийлиги, нариги дунёда уни ердаги ҳаётидаги ишлари, хулқ-атвори туфайли мукофот ёки жазо кутиб туриши (ҳиндуизмда инкарнация — бошқа шаклдаги ҳаёти қандай давом этиши) инсоннинг ердаги ҳаётига мақсад ва маъни бағишлайди. Лекин инсон ҳаётининг мақсади ва маънисини ҳақида фикр юритувчи шундай кишилар борки, уларни диний таълимотлар тўлиқ қаноатлантирмайди. Улар масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб боришга интиладилар. Натижада гўёки диндан ҳам устун турган, илм-фан ва диндан ҳам ҳақиқатга яқинроқ теософик қарашлар, мўъжизавий Шамбалага ишониниш каби туйғулар вужудга келади.

Иррационализмга ва мистикага мойиллик инсон табиатига хос мўъжизага интилишдан, бир хилликдан, турмуш тарзидаги андоза ва қолиплардан, жилла курса, ҳаёлан қутулиш, ўз фантазияларига, орзу ва ҳавасларига эркинлик бериш истагидан ҳам келиб чиқади. Бу айниқса бадий ижод билан шуғулланувчи шахсларда ёрқинроқ намоён бўлади.

Жамиятда кескин бурилишлар юз бераётганда теософик, парапсихологик, спиритуалистик «мўъжизаларга», уйдирмаларга қизиқиш ҳатто айрим ўқимишли, зиёли кишиларда ҳам жонланади. Улар сидқидилдан, самимий равишда бундай «мўъжизаларга», уйдирмаларга ишона бошлайдилар. Ўзларини оқлаш (аниқроғи, юпатиш) учун эса «далил» тайёр: «Ахир биз билмайдиган нарсалар бор-ку! Биз дунёнинг барча сирларини кашф этиб тугатганимиз йўқ-ку. Бизга афсона, мўъжиза бўлиб туялган нарса авлодларимиз учун оддий ҳодисага айланар...» ва ҳ.к.

Тарихий бурилиш даврида аслида рационализмга объектив зарурат кучаяди, чунки аввалги тузум қадриятлари қайта баҳоланиши, камчиликлари танқид қилиниши лозим. Аммо амалда кўп ҳолларда индивидуал онг даражасида бу зарурат яхши англаб олинмайди. Маданий мероснинг унчалик кенг ўрганилмаган ёки маълум сабабларга кўра (масалан, ғоявий жиҳатдан аввалги тузумга, сулолага, маънавий-маданий ҳаётдаги, мафкурадаги ҳукмрон оқимга, тариқатга тўғри келмаган) етарлича тарғиб этилмаган қисмига, тақиқланган асарларига, таълимотларига қизиқиш ошади. Улар кенг тарғиб этила бошлайди, уларнинг аҳамияти баъзан ортиқча баҳоланиб юборилади, ҳарҳолда, уларга нисбатан изчил ва холис танқидий муносабат доимо ҳам кузатилавермайди. Бутун маданий меросга ўтиш давридаги муносабат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг айрим асарлари, ғоя ва тамойиллари аҳамияти оширилиб юборилиши, айримлариники (одатда, ўзгартирилган тузум даврида пайдо бўлганлари) пасайтириб юборилиши, ҳатто инкор қилиниши мумкин.

Тарихий бурилиш даврида келажакка доир режаларда баъзан «романтик» кайфиятлар намоён бўлиб қолади. Тузумнинг ўзгариши гўёки барча муаммоларнинг осон ҳал қилинишига олиб келади. Аввалги тузум исканжасидан қутулган халқ гўёки ўз-ўзидан улкан бунёдкорлик салоҳиятини, куч-ғайратини — ақл заковатини, омилкорлигини, меҳнатсеварлигию ташаббускорлигини намоён этади. Теварак-атрофдаги аксарият қўшнилари ва бошқа давлатлардан хайрихоҳлик ва амалий ёрдам келиши кутилади. Ички қийинчиликлар, эски кучларнинг зимдан ёки ошқора қаршилиги, аксарият омманинг ижтимоий инертлиги, бефарқ-

лиги эсдан чиқарилади ёки яхши ҳисобга олинмайди. Эйфория (ғалабадан мастлик) улкан, оламшумул, жозибадор лойиҳаларни олға суришга тurtки беради. Лекин янги ҳокимият кўпинча бу лойиҳаларни моддий ва молиявий ресурслар, амалга оширадиган мутахассислар ва кадрлар билан таъминлашни, жамиятнинг иқтисодий организми ҳамда омманинг онги бу янгиликни қабул қилишга тайёр эканлигини тўлиқ ҳисоб-китоб қилмайди. Ахир романтик кайфиятнинг кўтаринкилиги, руҳий парвози олдида ердаги ҳаётнинг «зерикарли прозаси», муаммоларга тўла кўрimsиз реализми кимга ҳам керак?! Эйфория маълум даражада иррационал унсурларни туғдиради.

Тафаккурнинг иррационал мазмун касб этишига жуда кўп бошқа сиёсий ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоий зўравонлик, зулм, ижтимоий кўрқув, улар натижасида ҳосил бўлган номукамаллик туйғуси (шу жумладан колониализм, миллий қарамлик шароитида миллий номукамаллик туйғуси), ижтимоий турғунлик, ҳукмрон мафқуранинг мавжудлиги ва догматизмга, мутаассибликка асосланиши, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни бошқаришда волонтаризмга, адолатсизликка йўл қўйиш ва шу каби омиллар иррационализмни озиклантиради.

II

Иррационализм ёки рационализмнинг тафаккурда етакчилик қилишига таъсир кўрсатувчи сабабларнинг айримлари тўғрисида батафсилроқ гапириш мақсадга мувофиқ.

Рационализм ривожланишида иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли амалий тафаккурнинг мазмунан ва шаклан бойиши катта роль ўйнаган. Амалий тафаккур энг қадим замонларданоқ инсоннинг яшаш учун кураши заруратидан келиб чиқиб ривожланган. Аввало меҳнат қуроллари яшаш ва такомиллаштириш, ов қилиш, озик-овқат учун яроқли ўсимликларни топиш, ўзини ҳимоя қилиш қадимги аجدодларимиздан ақл билан иш тутишни талаб қилган. Инсон тараққиётининг турли босқичларида амалий тафаккурда рационал унсурлар кўпайиб бораверган.

Рационал тафаккур ривожланишини тақозо этган ижтимоий-тарихий омилларнинг энг қудратлиларидан бири —

бу шаҳарларнинг вужудга келиши эди. Нисбатан тор жойда турли маҳаллаларнинг жойлашуви одамлар ўртасидаги муносабатларни қатъий қоида ва меъёрлар ёрдамида тартибга солишни, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашни, юқумли касалликлар тарқалишининг, ичимлик суви ифлосланиши ва очликнинг олдини олишни талаб қилар эди.

Булар шаҳарни мудофаа девори билан ўраб олинишига, шаҳарни бошқарувчи ҳоким ва унинг маъмуриятини сайлашга (тайинлашга), қатъий қоида ва меъёрлар кодекси (қонунлар) яратиб, улар асосида маҳаллалар, касбхунарлар, фуқаролар ўртасидаги алоқаларни, маиший турмушни оқилона ташкил этишга ҳамда шаҳарнинг ташқи савдо ва бошқа алоқаларини тартибга солишга олиб келди. Аҳоли ихтиёрий равишда белгиланган қоидаларга, қабул қилинган қонунларга риоя этган. Кимки истамаса, шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлган ёки қувғин қилинган, жазоланган. Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро, оила шаҳар олдида маълум мажбуриятларни адо этган: шаҳар деворларини таъмирлашда ҳашарда қатнашган ёки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, ёв ҳужум қилганда мудофаада қатнашган, шаҳар маъмуриятини, доимий кўриқчиларни, ибодатхонани ва руҳонийларини сақлаш учун солиқ тўлаган ва ҳ.к. Шаҳарда сувдан (қудуқдан, ҳовуздан, ариқдан) фойдаланишнинг қатъий қоидалари ўрнатилган. Улар орасида санитария қоидалари муҳим ўрин эгаллаган. Илк давлатлар катта ҳудудларда эмас, айнан шаҳарларда «шаҳар-давлат» шаклида пайдо бўлди. Чунки бирданига катта ҳудудда яшовчи турли уруғ ва қабилаларни ягона қонун-қоидалар асосида бирлаштириш, давлат идораси ва қонунига бўйсундириш қийин эди.

Шаҳар аҳолиси эса турли тажовузлардан сақланиш, ишлаб чиқарилган хунармандчилик, қисман деҳқончилик ва бошқа маҳсулотларни келишилган қатъий нархларда сотиш, умуман оиласи ҳаётини таъминлаш учун ўзининг умумий манфаатини тезроқ англаб олиш имконига эга эди.

Давлатнинг вужудга келиши қонунчиликни, ҳарбий илмни, давлат мафкурасини, амалдорлар, зиёлилар, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар қатламини вужудга келтирди. Аҳолини шаҳарнинг қонун-қоидаларига, талабларига, умумий диний эътиқодига ўргатиш зарурати про-

фессионал руҳонийлар, тарғиботчилар, судьялар бўлишини тақозо этди. Амалдорларни, судьяларни, қонунчиларни ўқитиш, тарбиялаш керак эди. Бу ҳамда ҳунармандларни хом ашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш масаласи ҳам тегишли мутахассисларга эҳтиёж туғдирди. Давлатга бошқарувчилар, амалдорлар, ҳарбийлар, қурувчилар, меъморлар, олимлар, ўқитувчилар, санъаткорлар керак эди. Давлат бўлажак мутахассисларни етиштириш ва ўз шаҳрига, халқига содиқлик руҳида тарбиялаш учун махсус ўқитиш тизимини яратди.

Натижада таълим-тарбия соҳаси, илм-фан, медицина, санъат, адабиёт, фалсафа ва илоҳиёт ижтимоий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида вужудга келди ва ривожланди. Назарий тафаккур амалий тафаккурдан ажралиб чиқди.

Тафаккур тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам аҳолининг зичлиги, ўзаро ички муносабатлари интенсивлиги, турмуш тарзининг шаҳар турмуш тарзига яқинлиги унда рационал ва иррационал унсурлар нисбатига, ривожланишига таъсир кўрсатиб турди. Масалан, Европада XVI—XVII асрлардан шаҳарлар тез ривожланиши, аҳоли зичлиги ўзаро муносабатларни тартибга солишда қонун меъёрлари ролини кучайтирди, аҳоли тафаккурида рационал унсурлар кўпайишига хизмат қилди. Табиий иқлим шароити деҳқончиликка ёки яйлов чорвачилигига унчалик қулай бўлмаган Европа ҳудудларида меҳнат қуроллари такомиллаштиришга, ҳунармандчиликни ривожлантиришга эҳтиёжни кучайтирди. Бу борада амалий ва назарий изланишлар олиб борилдики, рационал тафаккур ўсишининг омиллари мустаҳкамланди. Лекин бу омилни жўн тушунмаслик керак. Иқлим деҳқончиликка, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга умуман ноқулай бўлса (масалан, Чекка Шимол ва унга яқин ҳудудлар), у ерда аҳоли сони ҳам ўсмайди, шаҳарлар ва йирик қишлоқлар ҳам вужудга келмайди. Сийрак аҳоли овчилик ва чорвачилик билан машғул бўлиб қолаверади. Иқлим шароити деҳқончиликка анча қулай ҳудудларда эса, маълум бир даражага эришилгач, изланишлар сусайиб кетди. Шарқ ва Ғарб тараққиёти ва тафаккуридаги тафовутларнинг жузъий сабабларидан бири географик омилдир.

Жамият юксалиши жараёнида тафаккур тарзига иқтисодий омиллар — ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва ҳ.к. таъсири ортиб борди. Меҳнат қуролларини, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш зарурати табиатшуносликни, техникани ривожлантиришни, улардан унумли ва оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу ўз навбатида рационал тафаккур ривожланиши учун объектив заруратни туғдиради. Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулотлар адолатли ва объектив мезонлар асосида тақсимланмаса, савдо-сотиқ (алмашув) адолатсиз бўлса, тафаккурда иррационал унсурлар сақланиб қолади, ҳатто кўпаяди. Одамларда адолат ва ҳақиқат қарор топиши мумкинлигига ишонмаслик, адолатли қаттиққўл доҳийга интилиш (доҳийпарастлик), шахсга сифинишга мойиллик ортади. Тақсимотда, савдо-сотиқда қатъий тартиблар ўрнатилмаса, айтайлик, жамият бир иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтаётган бўлса, эски тартибларга одамлар риоя қилмай қўйса, янгилари ҳали кучсиз бўлса, жамият аъзоларининг баъзи бир қисми психологиясида ҳар қандай йўл билан бойлик орттириш — «олтинга мальвун эҳтирос» авж олади ва мустаҳкамланади.

Европада крепостной тузум ҳукм сурганда, тақсимотда тенгсизлик омма онгида иррационализмни, жаҳолатни озиклантириб турди. Дастлабки капитални жамғариш ва «ёввойи капитализм» даврида мижозларини ва шерикларини алдаш ҳисобига ортиқча фойда олишга ҳаракат қилганлар анча-мунча бўлган. Умуман бойликка ҳирс ва қаллоблик барча жамиятларда ҳам маълум кишилар учун хос бўлса-да, жамиятда иқтисодий тузум ўзгараётганда, эски тартиблар, қоидалар, муносабатлар бузилиб, янгилари ўрнатилаётганда осонлик билан бойлик орттириш йўллари пайдо бўлади. Бундан кимдир қонуний фойдаланса, кимдир ноқонуний фойдаланади, яъни қаллоблар сони анча кўпаяди. Янги тузумда, янги шароитда бой бўлиб қолишни истаганлар ва шунга интилганлар сони эса сезиларли ортади. Ўтиш даври фуқароларнинг бир қисмида иқтисодий фаолликни рағбатлантиради.

Феодализмдан капитализмга ўтиш даврида бундай ҳолат деярли барча мамлакатларда кузатилган, бугун эса хусусий мулкчиликни ривожлантираётган, бозор иқтисо-

диётини жорий қилаётган собиқ социалистик мамлакатларда ҳам учрамоқда. Аммо аҳолининг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам аксарияти учун ҳеч қачон бойликка ноқонуний интилиш, фойда олиш ҳирсига муккасидан кетиш хос бўлмаган.

Европада тафаккур рационаллашувига рақобат ҳам кучли таъсир кўрсатди. Энг аввало бу борада ишлаб чиқариш харажат ва даромадларини калькуляция қилиш заруратини эслаш керак. Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажат: хом ашё, бутловчи қисмлар, ёнилғи, транспорт хизмати, иш ҳақи (агар четдан ишчи ёлланса) ва ҳ.к. ҳамда солиқ ва тўловларга кетадиган харажат маҳсулот баҳосида тўла қопланиб, ҳунарманд оиласи эҳтиёжларини қоплаши зарур. Натурал ва яримнатурал хўжалик юридадиган деҳқон ёки бошқа касб эгалари учун ишлаб чиқаришни аниқ калькуляция қилиш, уни муттасил рационаллаштириш шарт эмас. Аммо фақат биргина касби орқали рўзғорни боқадиган, бошқа қўшимча даромад манбаи бўлмаган шаҳарлик ҳунарманд учун бу жуда муҳим. Ёлланма ишчи учун эса рўзғор харажатларини аниқ ҳисобкитоб қилиш, тежамкорликка интилиш — ҳаётий зарурат.

Рақобат шароитида мануфактуралар, кейинчалик цехлар ва фабрикалар пайдо бўлиши ишлаб чиқаришда калькуляция аҳамиятини, сарф-харажатларни камайтириб, технологияни, ишлаб чиқаришни узлуксиз такомиллаштириш эҳтиёжини оширади. Айнан худди шу омил оқибатда илмфан ва инженер-техник зиёлилар капиталистик халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмига айланишига олиб келди. Мазкур омил назарий тафаккурда ҳам рационализм мавқеи мустаҳкамланишида қўшимча ижтимоий-иқтисодий замин вазифасини ўтади, умумтаълим ва мутахассислар тайёрлаш тизимини муттасил такомиллаштириб борди.

Шундай қилиб, XVII–XVIII асрларда товар ишлаб чиқариш ва шаклланаётган эркин бозор талаблари, рақобат, шу жумладан, ишчи ва мутахассислар ўртасидаги рақобат Фарб аҳолисининг амалий тафаккурини аста-секин рационаллаштириб юборди. Ўз навбатида рационал тафаккур товар ишлаб чиқариш ва фарб иқтисодиёти ривожланиши учун интеллектуал замин вазифасини ўтади. Фарб маърифатпарварлари ва ишбилармонлари, арбобла-

ри буни тез англаб олдилар ва ҳаётга, меҳнатга рационал ёндашувни тарғиб этдилар.

Далил сифатида АҚШнинг дастлабки маърифатпарварларидан, миллат асосчиларидан бири Бенжамин Франклин асарларидан бир неча парча келтирмоқчимиз:

«Унутма, вақт пулдир»... «Агар сен ақлли ва ҳалол киши сифатида танилсангина, йиллик 6 фунт фоиз ҳисобига фойдаланиш учун 100 фунт қарз олишинг мумкин. Кимдир кунига 4 пенс чақани бекор сарфласа, у бир йилда бесамар 6 фунтни йўқотади, бу эса 100 фунтдан фойдаланиш ҳуқуқининг баҳосидир. Кимдир кунига 4 пенс қийматидаги вақтини йўқотса, майли у бор-йўғи бир неча минутни ташкил этсин, у жами кунлар йиғиндисидан бир йилда 100 фунтдан фойдаланиш имкониятини бой беради».

«Унутма, кредит пулдир»... «Мақолни эсда тут: кимки вақтида тўласа, унга бошқаларнинг ҳамёни очиқдир. Белгиланган муддатда аниқ ҳисоб-китоб қиладиган киши дўстларидан истаган пайтда уларга зарурлиги сезилмай турган пулларини қарзга олиши мумкин». «Шу боис олган қарзингини белгиланган муддатдан бир соат ҳам ортиқча кечиктирма». «Қўлингдаги барча нарсани ўзингники деб билишдан ва шунга мувофиқ яшашдан эҳтиёт бўл. Кредит манбаи бор кўпчилик кишилар ўз-ўзини алдаш тузоғига тушади. Буни четлаб ўтиш учун ўз харажатларинг ва даромадларингни аниқ ҳисоблаб бор...»

Ҳалол ва меҳнатсевар бўлишни дин ҳам одамлардан талаб қилган. Ҳалоллик ва меҳнатсеварлик – савоб, Худога маъқул. Ноҳалоллик ва текинхўрлик – увол, гуноҳ. Диний тарбия негизида потенциал тарзда қўрқитиш яширин (гуноҳкорларнинг ўрни – дўзах). Аммо инсоният бутун умри давомида қўрқувда яшаши ва меҳнат қилиши мумкин эмас. Қўрқув оқибатда ҳаётга, меҳнатга иррационал муносабатни шакллантиради. Бенжамин Франклин ҳалоллик – фойдали, яхши яшашинг, кредит олишинг, бойишинг учун меҳнатсеварлик қаторида энг зарур фазилат деб ҳисоблайди. Ноҳалоллик – зарар. Ҳеч ким сенга ишонмайди, кредит бермайди. Бундай ёндашувда қўрқувга на бевосита, на билвосита ўрин бор. Тарбия асосига ҳаётга ва меҳнатга рационал муносабат қўйилган.

Шарқ мамлакатларининг XVI–XIX асрларда тараққи-

ётда ортда қолиб кетишининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тақозо этадиган дунёқараш билан, хусусан рационал тафаккур юритишнинг ортда қолиши билан боғлиқ томонларини жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бўйича таҳлил қилиш ва ишонарли далиллар келтириш мумкин. Лекин М. Вебердан биттагина иқтибос келтириш билан чекланамиз: «Турфа хил олий ўқув муассасалари, жумладан, бизнинг университетларимиз ва академияларимизни шаклан эслатувчилари ҳам турли халқларда мавжуд бўлган (Хитой, ислом мамлакатлари). Лекин замонавий ўзига хос мазмундаги рационал ва систематик, яъни профессионал илмий фаолият ва мутахассис олимлар фақат ғарбдагина маълумки, уларнинг мутахассис-хизматчи сифатида мазкур маданиятда ҳукмрон мавқеи, энг аввало, замонавий ғарб давлати ва замонавий ғарб иқтисодиётининг таянчи бўлиши кўзда тутилади»¹.

Вебер ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам шунга ўхшаш ҳолат хос бўлганини таъкидлайди.

Ғарбда ижтимоий муносабатлар шу даражада рационаллашган ва объективлашганки, улар алоҳида шахс, жамоа хоҳиш-иродасидан, кайфияти ва мойилликларидан, дидидан, урф-одатлардан, маиший мазмундаги одамгарчиликдан устун туради. Масалан, хизмат бурчини бажарётган давлат амалдори фақат ўзининг хизмат Низомига, қонунга, юқори мансабдор берган буйруққа (бу ҳам низомда белгиланган) бўйсунди. Унинг хизмат бурчини бажаришида ҳар қандай таниш-билишчиликка, кўнгилчанликка йўл қўйиши тақиқланади. Унинг хизмат обрўси кўпроқ шахсий фазилатлари билан эмас, балки йўриқнома ва низомга биноан аниқ ва тез ҳаракат қила олиши, шахсий ҳис-эҳтиросдан устун бўла олиши билан белгиланади, яъни унинг функционал (хизматчилик) хислатлари инсонийлик фазилатларидан устун ҳисобланади.

Жамиятнинг давлат хизматчиларига бундай талаб қўйиши турли ўзбошимчаликларнинг, нуфузли амалдор ва шахслар илтимоси, талаби ёки турли найранглари жамиятдаги қонунлар ва тартиблардан устун бўлиб кетишининг,

¹ М. Вебер. Избранные произведения. М., «Прогресс», 1990 й., 46-б.

субъективизм ва волюнтаризмнинг олдини олишда фойдалидир. Лекин айти пайтда мансабни суиистеъмом қилишнинг, бюрократизмнинг, бегоналашишнинг кучайишига хизмат қилади. (Шарқда бунга тескари манзарани баъзан ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Хизмат вазифасини ўтаётган кишига «ҳа, энди ўзингиздан қолар гап йўқ, мумкин бўлмаса ҳам, бир иложини топинг» қабилда мурожаат этаётганлар учраб туради. Бунинг сабабларидан бири Шарқда узоқ вақт амалдор ва лавозим, амалдорнинг хизмат вазифалари (бурчи) ва уни бажариш борасидаги хатти-ҳаракати бир-биридан ажратилмаган, яъни объективлашмаган. Лавозим ва давлат хизмати персонификациялаштирилган. Омма онгида «бу нарса мумкин, чунки қонуний, буниси ноқонуний, демак мумкин эмас» деган тушунча эмас, «амалдор истаган нарса қонуний, мумкин, истамаган нарса ноқонуний» деган тушунча ўрнашиб қолган). Бюрократлашиш ва бегоналашишга қарамасдан, рационаллашиш ва объективлашиш ривожланган ғарб мамлакатларида оқибат-натижада ҳуқуқ ва давлат бошқарувини барча синфлар, табақалар ва қатламлардан ҳам, алоҳида шахсдан ҳам устун қилиб қўйди ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантирди.

Бизда эса мустамлакачилик давригача ўрта асрларда қарор топган эски қоидалар ўзгармай турди, чунки санот ишлаб чиқариши оилавий ҳунармандчилик даражасида қолиб кетди, шу сабаб мануфактуралар, йирик цехлар, фабрика, заводлар вужудга келмади. Инженер-техник ходимлар, бошқарувчи ва ҳисоб-китоб юритувчи бухгалтерлар, шу каби мутахассислар иқтисодиёт, ишлаб чиқариш тақозо этадиган алоҳида ижтимоий қатлам сифатида шаклланмади.

XI асрда Хоразм Маъмун академиясидаги, XV асрда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси (университети) ва расадхонасидаги олимлар профессионал илм-фан билан шуғулланувчи кишилар эди. Лекин улар ижтимоий қатлам сифатида мамлакат халқ ҳўжалигининг зарурий таркибий тузилмасига айланмаган, уларнинг ўрни ва ижтимоий функцияси иқтисодий тузумнинг хусусиятидан келиб чиқмас эди. Маърифатпарвар подшоҳ тахтга чиқса, бундай тузилма пайдо бўлиб қолар, подшоҳ тахтдан тушса, издошлари

унинг бу борадаги ишини давом эттирмаса, профессионал илмий тадқиқот аста-секин нутиларди.

Бугунги кунда жамиятимизнинг таркибий тузилмаси, давлат бошқаруви тизими, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаётни, илм-фанни, халқ таълимини, оммавий ахборот воситаларини ва ҳ.к.ларни ташкил этиш шакллари замонавий, яъни рационал ва объектив. Албатта, ўзининг ички хусусиятларига, миллий ўзига хос жиҳатларига, бошқалардан бир оз фарқ қиладиган баҳоларига, меъёрларига, идеалларига ва бошқа қадриятларига эга. Аммо бу фарқлар, ўзига хослик ҳам рационал мазмун касб этган. Халқимизнинг саводхонлиги, билим даражаси ва маданий савияси, ижодкорлик, бунёдкорлик салоҳияти ғарб мамлакатлари халқлариники билан кўп жиҳатдан таққосланиши мумкин.

Лекин биз қўлга киритилган ютуқларни, салоҳиятни пасайтириб юбормаслигимиз, аксинча, янада ривожлантиришимиз шарт. Табиийки, мустақиллик туфайли аввалги қадриятлар қайта баҳоланмоқда. Мана шу жараёнда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозим. Чунки дунёқараш, эътиқод масаласи — ўта нозик масала. Биз авлодларнинг табиий алмашуви жараёнида ёшлар онгига миллий маҳдудлик, мафкуравий мутаассиблик унсурлари, иррационалистик қарашлар, хурофот иллатлари, консерватив, қолоқ анъанавийлик меъёрлари, тамойиллари илашиб, кириб қолиши хавфининг олдини олишимиз зарур. Баъзан кўринишдан безарар, ҳатто одамгарчиликнинг бир белгиси бўлиб туюладиган айрим ҳоллардаги бозордаги оддий хизматчининг кўнгилчанлиги, кимнингдир илтимосига ён босиб, ўзини тартиб-қоидаларнинг бузилишини кўриб кўрмаганга солиши жамиятга, бошқа кишиларга қанча зарар етазиши мумкин. Биз одамгарчиликни эъзозлаган ҳолда, қонунга, тартибга қатъий амал қилиб яшашни, сохта одамгарчиликдан, кўнгилчанлик қилиб, кимнингдир ҳожатини чиқариб, бошқаларга зарар етказишдан ҳақиқий одамгарчиликни фарқлашимиз керак.

Рационал тафаккурни ўстириш катта авлоднинг аксариятига хос миллий номукамаллик туйғусидан халос бўлишни, ёш авлодда у ҳеч қандай кўринишда ва шаклда қайта вужудга келмаслигига эришишни тақозо этади. Бунинг учун биринчи навбатда биз ривожланган мамлакат-

лар қаторига кўтарилишимиз, қолоқлик ва қашшоқликни бартараф этиб, ҳеч кимдан амалда кам бўлмасликни таъминлашимиз керак. Ҳар бир соҳада эришган ютуқларимиз замон талабларига мос бўлиб, одамларимизда ҳаққоний миллий гурур ўсишига хизмат қилмоғи лозим. Худди шундай катта авлодга хос ижтимоий кўрқув бартараф этилиши ва у ёш авлодда тикланмаслигининг барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик ва маданий-маърифий чоралари кўрилмоғи шарт.

Ҳалолликка ва адолатга асосланган ҳақиқий бозор иқтисодиётини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни оқилона ташкил этиб, ёлловчи ва ёлланувчи ўртасидаги муносабатларни ўзаро масъулият ва қонуний меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш зарур. Тадбиркор ва ишчи-хизматчининг ҳуқуқлари амалда кафолатланиши керак. Шу боис Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ҳар учала бўғини тадбиркорликка ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб, бойитиб, улар ижросини таъминлаш ва назорат этиш механизмини кучайтириб бормоқда. Хўжалик масалалари бўйича ихтисослашган махсус суд тармоғи вужудга келди. Мамлакатимизда шундай шарт-шароит ва ижтимоий-маънавий муҳит қарор топиши ва мустаҳкамланиши зарурки, ҳар бир киши биринчи навбатда ҳалол меҳнат қилиб, изланиши, ўз ақли ва фаросатини ишга солиши эвазига жамиятда кўзлаган ижобий мақсадига эришиши мумкинлигига қаттиқ ишонмоғи, ўзи ва бошқалар мисолида бунга амин бўлмоғи лозим.

Бу нафақат иқтисодий шарт-шароитларни, шунингдек, сиёсий бошқарувнинг янада либераллашувини, демократия ривожланишини, фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланишини ҳамда ҳар бир фуқарода сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўсишини, дунёқараши кенг ва тегин, тафаккури эркин бўлишини тақозо этади.

ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ МЕЗОНЛАРИ

Демократик ва эркин жамият қуришнинг муҳим фундаментал шартларидан бири тафаккур эркинлигига кенг йўл очишдир.

Эркин тафаккурнинг асосий белгиларидан бири ижобий маънодаги фаоллик ва мустақилликдир (Э. Фромм). Лекин бунга эришиш ҳеч бир даврда осон кечмаган. Чунки ҳар бир давр тафаккурга ўзи бериши мумкин бўлган даражадан ортиқ эркинлик беролмайди. Ҳар бир даврда муайян мафкуравий клишелар, қолиплар, меъёрлар асосида фикрлашнинг барқарор стереотиплари вужудга келади.

Ижтимоий тараққиёт даражаси ва сиёсий тузум хусусиятлари тафаккур эркинлигининг имкониятларини, намоеън бўлиш шаклларини белгилайди. Баъзи тарихий даврларда тафаккур эркинлиги ҳатто мистик шаклларда юзага чиқиши мумкин.

Европада илк капитализм шаклланиши жараёнида тафаккур эркинлиги ҳурфикрлилик сифатида вужудга келган ва ривожланган. Ушанда ҳурфикрлилик тафаккурнинг черков догматикасидан, илм-фаннинг диндан мустақил ривожланишини, бошқача айтганда, тафаккурнинг дунёвийлашишини англатган. Ҳурфикрлиликнинг ижтимоий негизини жамиятнинг асосий институтлари — давлат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маориф ва илм-фан, соғлиқни сақлаш ва ш.к.ларнинг секуляризация бўлиши, яъни черков таъсиридан мустақил бўлиши ташкил этади.

Ғарбда секуляризация жамиятнинг, айниқса илм-фан ва тафаккурнинг табиий-тарихий ривожланиши маҳсулидир. У пишиб етилган объектив ҳодиса сифатида вужудга келди. Европада ҳурфикрлилик сунъий равишда зўравонлик билан халқ онгига сингдирилмади. Черков ва дин ҳам таъқиб этилмади. Лекин черковга нисбатан танқид кучая борди. Замон талабларига жавоб бермай қолган католицизм бағрида дастлаб протестантизм оқими пайдо бўлди. Сўнгра маърифатпарварлар ва илк капитализм назариётчилари томонидан черков ва дин қаттиқ танқид қилинди. Айниқса бу борада француз маърифатпарварлари — энциклопедист олимлар ва Вольтер сингари файласуф-адиблар ижодий фаолияти тараққиётга катта таъсир кўрсатди. Охиरोқибатда католик черков ўзининг баъзи даъволарини қайта кўриб чиқишга, давлат ишларига аралашишдан воз кечишга мажбур бўлди (янгитдан пайдо бўлган оқимга мансуб черковлар ҳам).

Тўғри, протестантизм ва католицизм ўртасида узоқ да-

вом этган қонли тўқнашувлар юз берди, буржуазия сиёсий ҳокимият тепасига айрим ҳолларда инқилобий урушлар натижасида келди (Нидерландия, Буюк Британия, Франциядаги инқилобларни эсланг). Лекин мазкур ҳодисалар объектив ижтимоий тараққиёт натижалари, капитализмнинг ва янгича тафаккурнинг кураш воситасида ўзига йўл очиши эди. Капитализм илм-фан, маданият, технология ва ишлаб чиқариш ривожланишига кудратли имконият яратди. Илмий-техника тараққиёти ва табиатшунослик билан боғлиқ фанлар аста-секин халқ хўжалигининг, иқтисодиётнинг узвий, таркибий тузилмавий бўлагига, қисмига айланди. Бу тафаккурнинг рационал йўналишда ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, айниқса шафқатсиз рақобат жамият тафаккурини кескин рационаллаштирди, кўнгилчанликка, сентиментализмга, ҳавойи орзу ҳавасга деярли ўрин қолдирмади. Мақсадга мувофиқлик биринчи ўринга чиқди. Анъанавий қадриятларга, маданий меросга муносабат аста-секин беписандлик томон ўзгарди.

Мақсадга мувофиқлик тамойили билан бир қаторда капиталистик иқтисодиёт вужудга келтирган рақобат, бозор талаблари, ишлаб чиқариш ва технологиядаги сифат ўзгаришлар кўп жиҳатдан тафаккур эркин ривожланишига хизмат қилган бўлса-да, аммо пировардида унинг инқирозга учрашига ҳам ҳисса қўшиб турди. Масалан, технократик қарашлар аста-секин ҳукмрон бўла бошлади. Жамиятда дегуманизация жараёни кучайди. Ғарб рационализмнинг XX аср иккинчи ярмидаги инқирози, турли-туман мўътадил ва тажовузкор диний секталар, мистик, теософик, спиритуалистик, парапсихологик таълимотларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги, телеэкранларда шу мавзудаги ҳамда зўравонлик ва фаҳшни очик кўрсатувчи фильмлар салмоқли ўрин эгаллагани бунга далилдир. Оила ва никоҳ институтлари ҳам қаттиқ деформацияга учради. Бир жинслилар ўртасида никоҳга рухсат берувчи мамлакатлар сони йилдан-йил кўпайиб бормоқда.

Лекин ғарбликлар менталитетида инсон ҳуқуқлари, тенглик, либерализм, мустақил фикрлаш ва фаол изланиш, ўзга қарашларга ҳурмат чуқур ўрнашганки, бу улар тафаккурига муайян даражада эркинлик бағишлайди. Бу-

гунги ғарб тафаккури капитализм ва секуляризация маҳсулидир, лекин зинҳор атеистик сиёсат маҳсули эмас. Ғарбда фикрлар кураши, баҳси Ренессанс ва Маърифатпарварлик давридан бошлаб анча авж олган, ҳатто айрим олимлар ва адиблар томонидан атеистик руҳдаги асарлар ёзилган, тарғибот олиб борилган. Аммо давлат томонидан атеистик сиёсат юритилмаган.

Чор Россиясида ижтимоий тараққиёт тақозо этган секуляризация анча ортда қолган эди. Чунки капитализм тўлиқ шаклланишга улгурмаган, аҳолининг аксарияти саводсиз эди. Совет даврида эса секуляризация зўравонлик билан олиб борилган давлат атеистик сиёсати натижаси бўлди. Бироқ у нотабиий секуляризация эди, кўпроқ шаклан қарор топган, моҳиятан тўлиқ юз бермаганди. Диний ақидалар коммунистик ақидалар билан алмаштирилганди, холос. Шу боис ҳақиқий тафаккур эркинлиги шаклланмаган, унинг муҳим таркибий унсурлари чала бўлиб қолган ёки деформацияга учраган эди.

Колониализмни бошдан кечирган, сўнгра капитализмни четлаб ўтган халқларда эса бу жараён янада мураккаброқ, зиддиятлироқ кечди. Чунки етарли даражада рационализм унсурлари, ташаббускорлик, танқидий руҳ ривожланмади, обрўли фикрни нотанқидий қабул қилишга мойиллик жуда секин камайиб борди. Чоризмга қарамлик даврида идора усуллари ва айрим ижтимоий институтлар секуляризациялашган бўлса-да, аҳолига ислом динининг таъсири пасаймади. Аксинча, аҳоли ҳаққоний равишда ўша шароитда исломга миллатни, миллий маданиятни ассимиляциядан сақлаб қолувчи омил сифатида қарай бошлади.

Халқимизнинг чоризм асоратига тушиб қолган қисми учун ислом миллий ўзликнинг айният тимсолларидан бирига айланди. Шу сабабдан халқимизнинг Бухоро амирлиги ҳудудида яшаган, расман мустақиллигини сақлаб қолган қисмига нисбатан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида яшаган қисми бугун ҳам динга кўпроқ мойиллик кўрсатади. Ваҳоланки, Бухоро ислом динининг марказларидан бири бўлган, анъанавий ислом ақидалари, унинг консерватив меъёрлари қаттиқ ҳимоя қилинган. Ижтимоий институтлар ва идора усуллариининг секуляри-

зацияси ҳақида эса гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Шунга қарамасдан, бу ҳудудда аҳоли онгига дин таъсири собиқ Қўқон хонлиги ҳудудига нисбатан камроқ. Бугунги кунда баъзи ёшларда диний экстремизмга мойиллик масаласида ҳам икки ҳудуд ўртасида сезиларли фарқ бор.

Ўзбек театри тарихини чуқур ўрганган М. Раҳмонов Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ҳудудида фаолият юритган халқ театрлари, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар XIX асрда кўрсатган айрим томошалар, интермедиялар ҳақида сўз юритади. Сюжет мазмунини баён қилади, матнларидан парчалар келтиради. Тадқиқотчи гувоҳлик беришича, Қўқон хонлиги санъаткорлари ҳатто хон ҳузурида кўрсатадиган томошаларида баъзан кескин ижтимоий-сатирик лавҳаларни, амалдорлар ва руҳонийларни танқид қиладиган саҳналарни кўрсатганлар. Бухоро амирлиги санъаткорлари эса ижтимоий сатирадан, танқиддан мутлақо йироқ, кўпроқ кўнгилочар томошалар кўрсатганлар, латифалар, сўз ўйинлари асосида энгил ҳажвий лавҳаларни саҳналаштирганлар. Динга, қолоқ анъаналар ва руҳонийларга, амалдорларга нисбатан танқидий фикр билдириш у ёқда турсин, ҳатто аския ва қочирик қилишга ҳам журъат этолмаганлар. Муллалар, қозилар, диний идоралар томонидан одамлар онги, фикри-зикри қаттиқ назорат қилинган. Сатира унсурлари узоқ, чекка жойлардаги томошаларда кўрсатилган¹.

Қўқон хонлигида Бухоро амирлигига нисбатан тафаккур эркинлиги кўпроқ, диннинг маънавий ва сиёсий назорати бўшроқ бўлган. Аҳоли дин таъсирига муккасидан тушиб қолмаган. Ўша даврдаги бундай ҳолат маиший маданиятга, маънавий ҳаётнинг баъзи томонларига ҳам таъсир кўрсатган. Амирлик аҳолиси орасида аскиябозлик Қўқон хонлиги аҳолиси орасидагига нисбатан камроқ тарқалган. Бу ҳатто ҳозир ҳам сезилади. Амалдорлар орасида эса Бухорода аскиябозлик умуман удум бўлмаган. Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг эслашича, 1897 йили Бухоро амири Туркистон генерал-губернаторига хат ёзиб, фарғоналик санъаткорларни чақиртиради. Амир томошаларда

¹ **Мамаджон Раҳманов.** Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. Т., 1981 й., 191–201-б.

қози ва уламоларни танқид қиладиган асарларни кўрсатишга розилик бермайди. Шунда улар фарғонача аскиялар қила бошлашади, лекин ҳеч ким кулмайди. Амир теварагидаги амалдорлар аскияни тушунмайди¹.

Лекин мустамлакачилик даврида Қўқон хонлиги ҳудудида ислом динига муносабат ва диннинг омма онгига сиёсий таъсири кучая бошлади. Гап шундаки, чоризм даврида хонлик ҳудудида дин, биринчидан, миллий ўзликни сақловчи, миллий урф-одатларни, турмуш тарзини, миллий онгни ҳимоя қилувчи маънавий-эътиқодий, маданий омилга айланди. Иккинчидан, халқни миллий озодлик учун колониал ҳокимиятга қарши курашиш йўлида бирлаштирувчи сиёсий мафкура вазифасини бажарди. Фарғона водийсида яшовчи аҳолининг тарихий хотирасида, онгости даражасида динга сиёсий омил, ҳокимият учун кураш воситаси сифатида қараш сақланиб қолган. Бугун у ташқи таъсирлар туфайли, деформациялашиб ва сохталаштирилиб, бир гуруҳ тажрибасиз ёшларни, афсуски, чалғитмоқда, уларнинг айримлари диний экстремизмга қўл урмоқда. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида диний экстремизм таъсири Фарғона водийсига нисбатан сезиларли даражада паст. Аммо бу огоҳликни бошқа вилоятларда сусайтиришга сабаб бўлолмайди, албатта. Диний-экстремизмга қарши курашни ташкил қилишда, маънавий-маърифий тарғиботда Фарғона водийсида ҳам, Хоразм ва республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам диндан сиёсий омил сифатида фойдаланишга интилаётган гуруҳларнинг асл мақсадини оқиллик ва қатъият билан фош этиш зарур.

Совет давлатида қарор топган авторитар, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув, доҳийпарастлик, догматик коммунистик мафкуранинг якка ҳукмронлиги тафаккурдаги иррационалистик унсурларни озиқлантириб турди ва аста-секин тоталитар тафаккур унсурларини шакллантирди. Совет даврида қарор топган тафаккур хусусиятлари таҳлилидан келиб чиқиб, тоталитар тафаккур ҳақида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

¹ **Мамаджон Раҳманов.** Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. Т., 1981 й., 200-бет.

Тоталитар тафаккур давлат бошқарув машинаси, назорат ва ташвиқот-тарғибот усуллари, оммавий ахборот воситалари анча ривожланган мамлакатларда репрессив авторитар бошқарув шароитида вужудга келади (Сталин, Гитлер, Франко ва бошқа диктатуралар). Чунки бундай диктатура режимларида мутаассиб мафкура ҳукмронлик қилади.

Мутаассиб мафкура умуммиллий, ҳатто умумбашарий манфаатлар, порлоқ келажакни яратиш учун бугун қийинчиликларга чидаш, ҳатто, керак бўлса, ўзни фидо қилиш лозим, деган тушунчалар билан чайқовчилик қилади. У маъмурий усуллар, оммавий ахборот воситалари, турли митинглар ёрдамида жамиятда оммавий психозни, қўрқувни вужудга келтиради. Қатъий интизом ўрнатиб, ишлаб чиқаришда ҳам вақтинчалик суръатларни оширишга эришади. Давлат машинасини, айниқса унинг репрессив механизмини мустаҳкамлашни «асослайди», турли ички ва ташқи душманларни, таҳдидларни ўйлаб топади ёки ҳақиқий таҳдидларни жуда кўпиртиради.

Тоталитар мафкура реал ёки ўйлаб топилган таҳдидлар ҳавойи утопик олий миллий мақсад теварагида қисқа давр мобайнида оммада ташаббус уйғотиши, халқни маълум даражада бирлаштириши мумкин. Бунини яна Сталин ва Гитлер давридаги собиқ СССР ва Германия мисоли тасдиқлайди.

Карл Поппернинг қуйидаги фикрида жон бор: «Қадимги ва янги тоталитар ҳаракатларнинг кучи — биз уларга қанчалик ёмон муносабатда бўлмайлик — шунга асосланганки, улар анчайин реал ижтимоий эҳтиёжларга жавоб беришга уринадилар». Тоталитар тафаккур воқеликни ноадекват, яъни бузиб, ноҳаққоний акс эттиради. У, биринчидан, воқеликка тор синфийлик ва партиявийлик ойнаги орқали қарайди. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, жамият аъзолари хатти-ҳаракатларига, шахслар фаолиятига сиёсий ва мафкуравий тус беради, уларни ҳукмрон мафкура ва расмий сиёсат нуқтаи назаридан баҳолайди. Лекин унга мудом сиёсий холислик ва илмийлик етишмайди. У жамият ҳаёти казармача бир хил, одамларнинг фикрлаши эса бир чизикли бўлишига интилади. Қарашлар, фикрлар плюрализмини-ку қўя турайлик, ҳатто ўз маф-

кураси доирасида ҳам бир вариантликка, бир чизиқликка интилади. Шу боис большевиклар фракционликка қарши тиш-тирноғи билан курашган. Айрим тоталитар давлатларда расман бир неча партия фаолият юритиши мумкин. Аслида эса улар ўртасида ҳақиқий тенгҳуқуқлилиқка, очик сиёсий ва мафкуравий курашга йўл қўйилмайди. Ҳар хил кўзбўямачилиқлар, жамоатчилик фикрини чалғитиш орқали гўёки партиялар кураши ҳақида тасаввур ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тоталитар тафаккур муроса нималигини билмайди, тажовузкорликка мойил. Масалан, жанговар атеизмда ва сиёсий, мафкуравий муҳолифларини таъқиб қилишда юқорида қайд этилган хусусиятлар яққол намоён бўлади. У ўз қарашларини жамиятга, кишилар онгига зўравонлик билан мажбурлаб сингдиришга интилади. (Тоталитар тафаккур коммунистик, атеистик мафкурага эмас, диний мафкурага асосланиши мумкин. Унда баъзи бир ҳолатлар шаклан тескари намоён бўлса-да, моҳияти ўзгармайди. Масалан, улар ҳам ўз мафкураларини, қарашларини зўравонлик, тазйиқ билан сингдиришдан, вазиятга қараб, оммавий зўравонликларни, репрессияларни (ёки террорчиликни) амалга оширишдан қайтмайди (Эронда 1978–80-йиллар, Афғонистонда толибонлар, ғарб мамлакатларида тоталитар диний секталар). Тоталитар тафаккур ЖАР ва собиқ Жанубий Родезияда аввалги тузум давридагидек ашаддий ирқчиликка, апартеидга ёки баъзи бир мамлакатларда бўлганидек фашистик мафкурага асосланиши мумкин. Унда ҳам моҳият ўша-ўшалигича қолади.)

Учинчидан, тоталитар тафаккур раҳбар фикрларига кўр-кўрона итоат этади. Уларни танқидий қабул қилишга мутлақо ожиз. Бу борада унга нафақат мустақиллик, шунингдек, ирода ҳам етишмайди.

Бошқа томондан, тоталитар тафаккур ташувчиси ўзига нисбатан хизмат поғонасида паст турган киши фикрини тўлиқ инкор этиши, ҳеч иккиланмасдан бу фикр устидан, унинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, кулиши, масҳара қилиши мумкин.

Тоталитар тафаккур учун давлат ёки черков цензураси ва назоратидан ташқари шахсинг «ички цензори», ички тақиқ ва ўзини ўзи назорат қилишнинг ўта кучлилиги хос.

Ўзини ўзи назорат этиш шунчалик кучлики, шахснинг ҳар қандай ташаббусини бўғиб, иродасини фалаж қилиб қўяди. Чунки тоталитар тафаккур туғилиши замирида ижтимоий қўрқув ва репрессия хавфи ётибди. Инсонга хос ўз жонини сақлаш инстинкти репрессив тоталитар тузум шароитида, Э. Фромм тўғри таъкидлаганидек, расмий қарашларга зид келадиган ҳар қандай муқобил ғояни онгости қатламга сиқиб чиқариб юборади.

Тоталитар тафаккур соҳиблари давлатга, мавжуд тузумга, раҳбарларга содиқлигини кўрсатишга зўр бериб уринадилар. Улар шарафига, имкон топилиб қолса, юксак минбарлардан туриб ёки ОАВ орқали мадҳиябозлик қиладилар. Тоталитар тафаккур соҳибларининг айримлари ғоявий мурасасизликлари, ўзга қарашларга тоқат қилолмасликлари туфайли ҳамда тузумга, давлатга содиқликларини намоён қилиш мақсадида бошқача ўйлайдиган, гўёки расмий мафкура ва сиёсатдан норози кишилар тўғрисида тегишли идораларга «сигнал» бериб туради, ихтиёрини айғоқчилик қилади. Буни фашистик Германия ва большевистик Россиянинг (собиқ СССРнинг) сон-саноқсиз фожиали мисоллари кўрсатиб турибди. Аслида «юмалоқ хат» ёзиш, сиёсий чақимчилик ҳам жонини сақлаб қолиш инстинктининг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир.

Тўртинчидан, тоталитар тафаккур мазмунан ўзига хос «синкретик» тафаккурдир. Сиёсий ва мафкуравий яқдиллик, синфийлик, партиявийлик ва жанговар атеизм унинг ички «муштараклигини» ва бўлинмаслигини таъминлайди, танқиддан, «ревизионистик» ва «оппортунистик» унсурлар аралашиб қолишидан ҳимоя қилади (агар у диний тоталитар бўлса, гўёки ширк ва куфрдан ва ҳ.к.).

Лекин, шунга қарамасдан, у эклектик тафаккур тарзидир. Чунки унда рационализм ва иррационализм, илмийлик ва волюнтаризм, коллегиял фикрлаш ва авторитаризм унсурлари механик тарзда қоришиб кетган. Ўта кескин жанговар атеизм эса, диалектик қонуниятларга кўра, ўзининг тескарисига – бошқача дин шаклига айланган. Ҳақиқатан, доҳийлар шахсига сифиниш илоҳийлаштиришининг, пайғамбарлаштиришининг шаклан нодиний, аммо мазмунан ундан кам фарқ қиладиган кўринишидир. Коммунистик келажакни бутун инсониятнинг

тақдири, эртами-кечми барча халқлар коммунизмга келади деб ҳисоблаш «тақдири азал» гоёсининг нодиний шаклда ифодаланишидан бошқа нарса эмас.

Мурасасизлик, ўзгача фикрловчилар билан келиша олмаслик тоталитар тафаккурни тажовузкорликка (агрессивликка), муҳолифларини таъқиб қилишга ундайди. Шу сабабдан жамиятда ёппасига сиёсий ва мафкуравий назорат ўрнатилади. Айнан шу кейинги икки ҳолат тоталитар тузумнинг моҳиятини ифодалайди. Тоталитар тафаккур негизида қўрқув ётади. Зиёлиларнинг аксарияти ва оддий кишилар тузум уни ёт фикрловчи кишилар қаторига қўшмасин деб, садоқатини ошқора намоёиш қилишга интилишининг, ҳукмрон мафкурага нисбатан маддоҳлик (мадҳиябозлик) қилиб, турли мажлисларда сохта фаоллик кўрсатишининг ҳам сабаби аслида ижтимоий қўрқувдир. Агар тоталитар жамиятда диний мафкура ҳукмронлик қилса, фуқаролар белгиланган тартибда ибодатга қатнашади, диний урф-одатларни оғишмай ижро этади. Тоталитар жамиятда иерархлашган қатъий маъмурий-буйруқбозлик тизими ўрнатилади. Турли поғонадаги мустабид авторитар бошлиқлар фаолият юритади. Улар ҳам доимий қўрқувда яшайди ва лавозимидан ажралишдан қўрқади. Чунки лавозимидан бирор салбий иши учун кетса, давлат томонидан жазоланишдан қўрқади. Бошқа ҳолат учун лавозимдан кетса, мендан аламзадалар, ҳасадгўйлар ўч оладилар, устимдан куладилар, деб ўйлайди. Мансаб тоталитар тузумда амалдорни муҳофаза этувчи кафолатдир. Шу боис у юқори бошлиқнинг ҳар қандай инжиқликлари ва ҳақоратларига чидайди. Қисқаси, тоталитар тузумда эркин фикрловчи мустақил шахснинг ўзи бўлмайди. Инсон қадр-қиммати чуқур деформацияга учрайди.

Тафаккур эркинлигига интилаётган бизнинг жамиятимиз оммавий онгдаги, тафаккурдаги анъанавийликнинг айрим қолоқ унсурларидан ҳам, тоталитаризмнинг қолдиқ иллатларидан ҳам халос бўлмоғи лозим. Бунга янги жамият қуриш, ўтиш даврнинг қийинчиликларини бартараф этиб, янги авлодни тарбиялаш жараёнида эришилади. Лекин бу ўз-ўзидан содир бўлмайди. Тафаккур эркинлигини таъминлаш учун янги дунёқараш ва фикрлаш тарзи шакллантирилиши зарур. Чунки тафаккур ижтимоий

борлиқнинг механик инъикоси эмас ва ўз-ўзидан борлиқ томонидан белгиланиб, шакллантирилиб қолмайди. Бир томондан, унга ижодий фантазия ва трансцендентлик хос. Иккинчи томондан, у инерция кучига эга. Шу боис анъанавий, авторитар ва қолоқ консерватив тафаккур унсурлари демократик тамойиллар ўрнатилган эркин жамиятларда ҳам авом онгида сезиларли ўрин эгаллаши мумкин. Бошқача айтганда, ижтимоий борлиқ ўзгариши билан унга муносиб равишда ижтимоий онг, тафаккур бирданига ўзгариб қолмайди.

Янгича дунёқарашнинг мазмуни дунёвий ва тараққийпарвар бўлмоғи керак. Дунёвийлик ҳар қандай кўринишдаги ақидапарастликни (фашистик, коммунистик, шовинистик (миллатчилик), расистик (ирқчилик), диний, диний-мазҳабий ва ш.к.) инкор этиб, тафаккурнинг холисликка, рационализмга, илмийликка таяниши орқали таъминланади. Тараққийпарварлик эса фикрий турғунликни, догматизмни, миллий маҳдудликни ва нигилизмни инкор этишдан келиб чиқади. Тараққийпарварликнинг муҳим шартларидан бири – шахснинг ўз мулоҳазалари ва хулосаларига нисбатан масъулиятли бўлиши, муайян ғояни, шу жумладан, гўёки энг «замонавий» ва «фойдали» ғояларни ҳам инсон манфаатлари ва камолотига қай даражада хизмат қила олиши нуқтаи назаридан баҳолашдир. Масъулият етишмаган тафаккур ҳеч қачон фаол ва мустақил бўлолмайди.

Ўтиш даврининг муқаррар объектив ва субъектив қийинчиликлари ижтимоий онг инерцияси билан биргалликда тафаккур эркинлигини ривожлантириш йўлида муайян тўсиқлар ҳосил қилмоқда. Улар орасида биринчи навбатда катта ёшдаги аҳоли онгининг ўзига хос маргиналлигини ажратиб кўрсатиш керак. Маргиналлик ўзбек модели имкониятлари тўлароқ юзага чиқишига қўшимча ғов бўлмоқда.

Психологияси ва тафаккури совет даврида шаклланган кишилар онгида, бир томондан, катта ўзгаришлар юз берди. Улар коммунистик тушунча ва меъёрларнинг аксариятидан воз кечди, аҳолининг сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ш.к. қарашлари, қадриятлар мезони сезиларли даражада ўзгарди. Аммо айни чоғда, иккинчи то-

мондан, янги қарашларни, янги қадриятларни тўлиқ ўзлаштириш, яъни уларни ўз эътиқодига, фаолият ва яшаш меъёрига айлантириш оқсамоқда. Совет даврида шаклланган катта ёшдаги кишилар онги, тафаккури эндиликда эскича ҳам эмас, тўлиқ янгиланган ҳам эмас — оралик, маргинал ҳолатда. Аҳолининг ушбу қатлами онгида маргиналлик аста-секин камайиб боради. Бироқ тўла барта-раф этилмайди.

Фақат янги шароитда вояга етган авлод онги маргиналликдан халос бўлади. Авлодларнинг табиий-тарихий алмашинуви жараёнида янги шароитда шаклланган авлоднинг нисбий улуши корхона, ташкилот, муассасаларда, умуман халқ ҳўжалигида, айниқса бошқарувнинг турли бўғинларида маргинал онг соҳибларига нисбатан устунлик қилса, ўзбек модели имкониятлари юзага чиқиши, ҳақиқий бозор муносабатларининг қарор топиши, жамият ҳаётини демократлаштириш тезлашади, шахс ва ҳокимият, амалдор шахси ва давлат вазифасини бажариш бир деб ҳисоблаш, чалкаштириш, персонификациялаш камаяди.

Катта авлод онгининг маргиналлиги маълум даражада ёшлар онгига ҳам таъсир кўрсатади. Бу таъсир баъзи бир ҳолларда ниҳоятда мураккаб, зиддиятли тус олиши мумкин. Дунёқараш ва ижтимоий баҳолашнинг аввалги тизимини йўқотган, янги собит тизимга эга бўлолмаган катта авлоднинг айрим вакиллари фарзандлари ва тарбияланувчиларида, қўл остидаги ёш мутахассислар ва ишчи ёшларда аниқ ижтимоий мўлжалларни шакллантиришда, уларни маънавий-эътиқодий йўналтиришда қийналиб қоладилар. Натижада оилада, ўқишда ва ишда аниқ ҳаётий йўл-йўриқ, маслаҳат ололмаган бола, ёш йигит ва қиз дунёқараш ва эътиқод масалаларида чалғиб, сохта қадриятларга мойиллик кўрсатиши ҳеч гап эмас. Бунинг кейинги йилларда юз берган ноҳуш воқеалар, айрим ёшларнинг диний экстремизм таъсирига тушаётгани кўрсатиб турибди. Аслини олганда, бу жуда мураккаб масала. Бола маълум ёшда ота-онасидан мустақилликка интилади. Лекин ижтимоий ва аксиологик мўлжаллар, идеаллар аслида асосан ёшликда оилада ва мактабда шаклланади. Оилада ва мактабда бола тарбиясида камчиликларга йўл қўйилса, бу камчиликлар-

ни кўча «тўлдиради». Кўчанинг таъсири эса доим ҳам ижобий бўлавермайди.

Маргиналлик кўп ҳолларда ижтимоий пассивликни, баъзан лоқайдликни ва жамият ҳаётида вужудга келган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишни келтириб чиқаради, шу жумладан, тарбия борасида ҳам. Биз меҳнат ва касб тарбиясини, меҳнат бозори талабларига мослашишни, ишбилармонлик билан шуғулланиш кўникмаларига ўргатишдан тортиб, то сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ўстиришгача бўлган тарбиянинг барча йўналишларини назарда тутмоқдамиз.

Тарбия орқали шаклланадиган иқтисодий, сиёсий тафаккур, касбий ва ижтимоий фаоллик тараққиёт модели салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи субъектив омиллардир. Айнан тарбия борасида катта авлод (тарбиячи)нинг маргиналиги – пассивлиги, лоқайдлиги ёш авлод тарбияси эҳтиёжларини қондира олмаслиги, ҳатто баъзи масалаларда чалғитиши мумкин.

Маргинал тафаккурнинг яна бир камчилиги – унда эклектик тарзда ўзаро бир-бирини инкор қилувчи тамойилларнинг, меъёрларнинг қоришиб кетиши эҳтимолидир. Бундай ҳолларда эклектик тафаккур эгаси қарама-қарши томонларга оғиб туради, турли ғаразли чақириқлар, сохта ғоялар ортидан эргашиши мумкин. Айниқса сайлов кампанияларида ёки ҳокимият идораларига ноқонуний талаблар билан тазйиқ ўтказишга уринишда ушбу ҳолатдан ҳамда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатларидан баъзи ғаразгўй кимсалар ва ташқи кучлар маккорона фойдаланишга интилаётганини пайқаш қийин эмас.

Тафаккур маргиналиги жамиятни демократлаштиришга халақит берувчи субъектив омиллардан биридир. Чунки демократия фақат илғор қонунлар тизимидан ва жамиятнинг тегишли институтларидангина иборат эмас. У кенг маънода жамиятнинг сиёсий эътиқоди ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи ҳамдир. Демократиянинг қонунчилик базасини тез яратиш катта қийинчилик туғдирмайди. Давлатнинг эски идоралари ва жамият институтларини ислоҳ қилиб, янгитдан ташкил қилиш жуда узоқ вақт талаб этмаслиги мумкин. Жамият аъзоларининг психоло-

гияси ва тафаккурини уларга мутаносиб равишда ўзгартириш эса ниҳоятда қийин. Омма психологияси ва тафаккурида ўзгариш тезда содир бўлмайди. У нисбатан узоқ давом этадиган маънавий-маърифий, сиёсий, ҳуқуқий тарбияни ҳамда ижтимоий муҳит ва турмуш тарзи ўзгариб, жамият аъзоларининг уларга одатланиб қолишини тақозо этади.

Ўзбекистонда замонавий демократик тараққиёт талаб этадиган ҳуқуқий база яратилди ва мустақамланиб, чуқурлашиб бораётир. Институционал ўзгаришлар ҳам жадал давом этаётир. Аммо жамиятнинг демократлашуви суръатлари айрим доираларни, айниқса чет элларда қониқтирмаяпти. Гўёки ҳокимият идоралари бу жараённи сунъий секинлаштиришга уринмоқда. Жойлардаги баъзи бир бюрократик тўсиқларни, хато ва камчиликларни инкор этмаган ҳолда, эътиборни бошқа бир муҳим жиҳатга, жамият онги, тафаккури ўзгаришлари хусусиятига қаратиш лозим.

Қонунларга риоя қиладиган, ўз ҳақ-ҳуқуқини юзага чиқарадиган, янги институтлар фаолиятига нисбатан ижтимоий талабни ҳосил қиладиганлар фуқаролардир. Уларнинг онгли фаолияти оқибат-натияжада амалга ошириладиган ҳар қандай ислохотларнинг, жумладан, жамиятни демократлаштиришнинг самарадорлигини белгилайди. Шу боис баъзи ғарб сиёсатчилари ва доираларининг Ўзбекистонда ва бошқа янги мустақил давлатларда демократлаштириш оқсаётганининг сабабларини фақат раҳбарият ва ҳокимият фаолиятдан излаши ўта бирёқламаликдир.

Матбуот ва сўз эркинлиги масаласидаги аксарият камчиликлар илдизи ҳам маргиналликка бориб тақалади. Цензура бекор қилинганига қарамадан, аксарият журналистлар, муҳаррирлар «ички тақиқни», ички ҳадиксирашни жуда секин енгиб ўтаётирлар.

Эски қадриятлар тизимининг емирилиши жамиятнинг айрим аъзоларининг ўз қарашларини кескин ва қарама-қарши томонга ўзгартиришига олиб келади. Масалан, атеист диндорга, коммунистик ғоя тарғиботчиси унинг ашаддий танқидчисига айланиб қолади. Маргиналлиكنинг шаклан тескариси — эътиқодда радикал позицияга кўр-кўрона

ўтишдир. Буни шартли равишда «неофитлик радикализи-ми» деб аташ мумкин (неофит — янги динни қабул қилган киши).

Неофитлик учун биринчи хос белги — бу мутаассиблик, муросани тан олмасликдир. Неофит ҳеч қачон хато қилдим, демайди. У янги динга ўтгунча иккиланиши мумкин. Аммо кейин ўзининг ҳақ эканлигини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади. Неофитликнинг иккинчи белгиси — унинг соҳибида янги эътиқод бўйича билимларнинг етишмаслиги, мулоҳазаларнинг саёзлиги, амалий тажрибанинг эса мутлақо йўқлигидир. Шу сабабдан неофитлар янги раҳнамоларининг иродасига тўлиқ тобе бўлади, уларга ёқиш ва кўрсатаётган ҳимматларини оқлаш илинжида «жонбозлик» кўрсатади, ўта «ташаббускор» бўлади, аввалги қавмларини ҳеч иккиланмасдан жазолашга тайёр туради. Кўриниб турибдики, аслида биз «неофитлик радикализи» деб атаган ҳодиса тоталитар тафаккурнинг эски қадриятлар емирилиши давридаги деформациялашган кўринишларидан биридир.

Неофитлик радикализини шартли равишда иккига бўлиш мумкин: демократия ниқоби остидаги радикализм ва дин ниқоби остидаги радикализм. Иккаласи ҳам сиёсий ҳокимиятга интилади.

Ўзини демократия ва сўз эркинлиги курашчилари деб ҳисоблайдиган айрим радикал кимсалар тафаккури аслида неофитлик тафаккури намунасидир. Амалда улар демократия ниқоби остида ижтимоий-сиёсий барқарорликка хавф туғдириб, ҳақиқий демократик жараёнлар тадрижий ривожланишига халақит бераётирлар. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида эса «қора пиар» деб аталмиш ҳодисаларда фаол қатнашишга тайёрдирлар. Ушбу ҳолатни у ёки бу даражада собиқ СССР парчалангандан сўнг пайдо бўлган барча мустақил давлатларда кузатиш мумкин. Ташқи кучлар ёрдамида айрим мустақил ёш давлатларда «рангли инқилоб»лар деб аталмиш сиёсий тўнтаришлар содир бўлди. Лекин ҳозирча «рангли инқилоб»лар туфайли ҳокимият тепасига келган янги сиёсий кучлар ўз мамлакатларида на демократия ва инсон ҳуқуқлари масалаларини, на иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қила олдилар. Кўпроқ мулкни ва лавозимларни қайта тақсимлаш билан чеклан-

дилар ва хорижлик ҳомийлари, раҳнамоларининг сиёсий-мафкуравий кўрсатмаларини оғишмай бажариб туришдан бошқа илож топа олмаяптилар.

Диний радикализм тафаккурида мутаассиблик, тарихий тажриба ва анъаналарни билмаслик ва инкор этиш, фикрий саёзлик, жаҳолат, ўз муҳолифларига нисбатан душманлик кайфияти нафақат яққол сезилади, шунингдек, минг афсуски, амалиётга ҳам кўчиб, фожиали воқеаларга сабаб бўлмоқда.

Ўзларини инсон ҳуқуқлари ва демократия тарафдорлари деб ҳисоблайдиган, турли радикалларга ҳомийлик қиладиган Фарбдаги доиралар, кучлар аслида ғаразли геосиёсий мақсадларни кўзлашмоқда. Улар демократия ва инсон ҳуқуқларининг универсал модели йўқлигини, етук демократия меъёрларини 10–15 йилда жорий этиб бўлмаслигини билмайди, дейиш қийин. Ҳарҳолда Фарбнинг Генри Киссинджер ва Збигнев Бжезинский каби номдор сиёсатчилари ва бошқа олимлари бу ҳақда ўз фикрларини билдирмоқдалар.

Ёш мустақил давлатлардаги сиёсий ва диний радикал ташкилотларни очикча ёки пинҳона қўллаётган хориж доиралари жаҳон жамоатчилигини махсус бирёқлама танланган ёки сохталаштирилган ахборотлар ёрдамида чалғитмоқдалар. АҚШнинг собиқ президенти Ж. Буш томонидан эълон қилинган демократияни олға суриш гоёси аслида ҳарбий-саноат мажмуаси ва ёнилғи-энергетика билан боғлиқ доираларнинг геосиёсий манфаатларини кўзлайди. Амалда у неоколониализмнинг янги кўринишидир. Буни АҚШнинг Болқон ярим ороли, Кавказ ва Яқин Шарқ, Каспий денгизи минтақаси ва Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган «икки хил стандартлар»га асосланган сиёсати кўрсатиб турибди. Албатта, бу геосиёсий ўйинда, неоколониалистик сиёсатда АҚШнинг стратегик рақиблари — Россия ва Хитойга қарши пинҳона кураш ҳам эсдан чиқарилган эмас.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниқоби остида гегемончилик ва неоколониалистик тарғибот ва ташвиқот олиб борилаётганини ҳамюртларимиз яхши тушуниб олишлари, тарқатилаётган ҳар бир ахборотни танқидий тафаккур элагидан ўтказиб қабул қилишлари ке-

рак. Бундай ахборот чет эллик «хайрихоҳларимиз» ёки ички «ватанпарварлар» томонидан тарқатилаётганидан қатъи назар. Эски қадриятлар тизими янгиланаётган шароитда турли шаклан жозибали шиорларга эҳтиётлик билан **танқидий ёндашишни** ўргатиш тафаккур эркинлигига, ўзбек модели самарадор бўлишига кўмаклашишдир.

Мустақиллик туфайли қадриятлар тизими, уларнинг мезонлари тубдан қайта кўриб чиқилиши табиийдир. Гап фақат ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий баҳолар, мезонлар ва меъёрлар, қарашлар ва назариялар ҳақида кетмаяпти. Гап ахлоқий, эстетик, умуман барча маънавий қадриятлар тизими ҳақида ҳам кетмоқда. Чунки уларнинг барчаси коммунистик ақидаларга мослаштирилган ёки улар орқали талқин қилинган эди. Шу боис биз миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг энг илғор миллатлар даражасига кўтарилишига кўмаклашиш мақсадларидан келиб чиқиб, бутун қадриятлар тизимини қайта баҳоламоқдамиз, асл маданий меросимизни тўла тиклаб, қайта англаб олмоқдамиз. Бу жараённинг ўзи анча қийин ва қарама-қаршилиқларга бой. Аввалги қадриятларни қайта баҳолаш ва талқин қилишда баъзи ўтмиш қадриятларини идеаллаштириш, баъзиларини, аксинча, асоссиз инкор қилиш ҳоллари учраб туради. Фақат вақт — олий ҳакам — аста-секин барчасини ўз жойига қўяди. Аммо энг хатарлиси — қадриятлар тизими қайта баҳоланиб, аввалги мафкурадан воз кечилганда, маълум даражада мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишидир. Мафкуравий бўшлиқ узоқ давом этиши мумкин эмас. Бу бўшлиққа турли ғоялар кириб келади. Жамият аъзоларининг ҳаммасида ҳам уларни танқидий таҳлил қилиб тўғри баҳолай олиш учун етарлича билим ва тажриба бўлмайти. Натижада баъзиларнинг сохта қадриятлар, бузгунчи ғоялар томон чалғиб кетишлари кузатилади. Неофитлик радикализи вужудга келишининг сабабларидан бири ҳам шудир.

Тафаккур эркинлигининг (эркин тафаккурнинг) асосий моҳиятли белгиси — **инсонпарварлик, жамият ва алоҳида шахс манфаатларини бирдай акс эттиришдир.**

Анъанавий тафаккур асосида инсоннинг фақат жамоа бўлиб, кучларни бирлаштириб ҳаётий муаммоларни ҳал қила олиши, оқибатда яшаб қолиши мумкинлигини сти-

хияли англаш ётади. Яшаб қолиш ва минимал турмуш қулайликларини таъминлаб, уларни муттасил кўпайтириб, ўстириб бориш эҳтиёжларига тафаккур тарзи, урф-одатлар, ахлоқий ва бошқа меъёрлар бўйсундирилади. Анъанавий тафаккур шу негизда шаклланади ва жуда секин такомиллашади. Жамиятнинг яхши ривожланмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг, ижтимоий инфратузилмаларнинг, соғлиқни сақлаш ва таъминот тизимининг ночорлиги ва ш.к.лар умумий манфаатларни алоҳида шахс манфаатларидан устун қўйишни тақозо этади.

Анъанавий тафаккурдан фарқли эркин тафаккур нафақат жамиятнинг, балки алоҳида инсоннинг ҳам шахс сифатида эҳтиёжларини ҳисобга олади. Демак, тафаккур эркинлиги замирида жамият ва шахс манфаатларининг уйғунлашуви, мутаносиблиги ва мувозанати ётади.

Жамият ва шахс уйғунлиги тамойили, *инсон ҳуқуқларининг* давлат ҳуқуқидан устунлиги, *инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ва мухторийлигини* ҳимоя қилиш, *эркин танлаш* имкониятларини яратиш, *ўзгача фикрга ҳурмат, қарашларда плюрализм, бошқарувда демократизм* тафаккур эркинлигини вужудга келтирувчи ва таъминловчи омиллардир. Айнан зикр этилган тамойиллар ва меъёрлар ўз навбатида инсон онгида акс этиб, эркин тафаккурнинг ички белгиларига айланади. Инсон шахси, унинг манфаатлари ва эркинлигининг ижтимоий ҳаёт марказига қўйилиши ва тараққиётнинг асосий мезонига айлантирилиши жамиятда гуманизм тантанасини таъминлабгина қолмасдан, тафаккурнинг ўзига ҳам гуманистик мазмун ва эркинлик бағишлайди.

Эркин тафаккурнинг яна бир муҳим хусусияти — унинг *танқидий ва ижодий руҳидир*. Эркин тафаккур ҳар қандай фикрни кўр-кўрона қабул қилмайди. Уни таҳлил элагидан ўтказди, маъқул келмаса, инкор этади. Заиф, бўш, ўз назарида хато ёки бирёқлама жиҳатларини танқид қилади. У шунчаки ўзга фикрни маъқуллаш ёки танқид қилиш билан чекланиб қолмайди, балки уни ривожлантиришга, ўзини қизиқтирадиган ҳодисалар билан боғлашга ҳаракат қилади. Айнан шу хусусиятда унинг фаоллиги ва мустақиллиги намоён бўлади.

Албатта, тафаккур эркинлигига хизмат қилувчи омиллар орасида *холислик, илмийлик* (назарий тафаккур учун

кўпроқ хос), масалага ҳар томонлама ёндашув, системавийлик каби негизий талабларни ёддан чиқармаслик керак. Масалага бирёқлама ёки ноҳолис ёндашиш тафаккурни хато хулосаларга олиб келади, уни ўзга фикрга ёки догматик андозага тобе қилиб қўяди. Илмий далилларни инкор этиш, ҳисобга олмаслик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Формализм нуқтаи назаридан ёндашув кўп ҳолларда мураккаб, зиддиятли ҳодисаларни юзаки тушунишга, пировардида хато қилишга сабаб бўлади.

Ҳолислик ва илмийликка интилиш, масалага ҳар томонлама ва системавий ёндашиш, танқидий ва ижодий руҳ тафаккурда тарихийлик ва замонавийлик ўртасидаги уйғунликни ва мувозанатни таъминлайди. Агар тарихийлик ва замонавийлик ҳисобга олинмаса, тафаккур яна бирёқлама хулосаларга келиши ҳеч гап эмас. Масалан, айрим ўтмишда қолиб кетган, анахроник турмуш қоидалари ва меъёрларининг ортиқча баҳоланиши, уларни тиклашга ва мустақкамлашга беҳуда уринишлар хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушган айрим кишилар тафаккури ва хатти-ҳаракатларида биз бундай уринишларни кузатмоқдамиз. Ёки, аксинча, замонавий тараққиёт талабларини бирёқлама тушуниш мумтоз қадриятларни у ёки бу даражада паст баҳолашга, маданий меросга нисбатан нигилизмга йўл очади, миллатнинг теран тарихий илдиэлари билан алоқани заифлаштиради. Биринчи ҳолатда бузғунчи, реакцион диний-экстремистик ёки миллий маҳдудлик ғояларига нисбатан мафкуравий иммунитет етарли даражада пайдо бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса миллий нигилистик, сохта демократия ғояларини тарғиб этувчи, аслида ғаразли геосиёсий мақсадларни кўзловчи мафкурага нисбатан зарур иммунитет вужудга келмайди.

Шу боис тафаккурда тарихийлик ва замонавийлик тамойилларини мутаносиб ривожлантириш зарур. Бунинг учун, бир томондан, мумтоз миллий қадриятларга, маданий меросга, иккинчи томондан, ҳозирги замон қадриятлари — инсон ҳуқуқлари, ҳақиқий демократия ва ҳ.к. — илмий техника ютуқларига ва тараққиёт тенденцияларига (глобаллашув ва интеграцияга) холис ва илмий муносабатни шакллантиришга жиддий эътибор қаратмоқ зарур.

Эркин тафаккур кенг маънода оламни, тор маънода конкрет вазиятни *адекват*, яъни имкон даражасида, тўлалигича, бузмасдан, холис ва объектга мос равишда *акс эттиради*. Адекватлик эркин тафаккурнинг муҳим белгиларидан ва мезонларидан биридир. Тафаккур таҳлил этаётган объектига нисбатан, у статик ёки динамик ҳодиса бўладими, моддий (материал) ёки маънавий (идеал) ҳодиса, онг, руҳ бўладими, бундан қатъи назар, холис ва мос ёндашиши, илмий усулларга таяниши лозим. Масалан, иқтисодиётни биологик, психологик ёки тор сиёсий, мафкуравий тушунчалар асосида тўғри талқин қилиб бўлмайди. Бошқа илмларга оид тушунчалар ва усуллардан маълум даражада фойдаланиш мумкин, аммо иқтисодиёт энг аввало ва асосан иқтисод илми тушунчалари ва қонуниятлари орқали таҳлил этилиши керак. Худди шундай руҳиятни иқтисодиёт ёки математика илми ёрдамида тушунтириш мумкин эмас.

Адекватлик фақат юқоридагилар билан чегараланмайди. *Тафаккур* нарса ва ҳодисаларни адекват акс эттириши учун у *теран рационализмга ва диалектикага асосланиши*, барча чигалликлар ва қарама-қаршиликларни, ўзгарувчанликни ҳисобга олиши учун *қайишқоқ бўлиши*, аммо *электик бўлмаслиги лозим*. Тафаккур адекватликка интилиши жараёнида метафизик усуллардан тўла воз кечмайди, зарур ҳолларда улардан ҳамда релятивистик ва синергетик тамойиллардан фойдаланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, эркин тафаккур рационализмга асосланса-да, иррационализмни, *трансцендентликни кўр-кўрона рад қилмайди*, улардан ҳам вазиятга қараб фойдаланиши мумкин.

Ҳаётда, айниқса инсоннинг ижодий фаолиятида ақлан тушунтириб бериш мумкин бўлмаган ҳодисалар талайгина. Масалан, ошиқнинг мажнунлиги ёки ижодкор истеъдоднинг кашфиёт қудрати, баъзи бир кишиларнинг ғайриоддий қобилиятлари ва ш.к.ларни биз кўриб, кузатиб, улардан ҳайратланиб юрамиз. Аммо уларнинг моҳияти, сабаблари бизга сирлигича қолади, тўлиқ очилмайди. Инсон ақли уларни охиригача қамраб олишга, таҳлил этиб, тушунтириб беришга ожиз. Бундай ҳодисалар трансцендент ҳодисалар дейилади. Энг қизиғи, тафаккур ва ақлнинг ўзи ҳам

трансцендент ҳодисалардир. Ақл ўзини-ўзи тўлиқ қамраб ололмайди, бинобарин, тўлиқ тушунтириб беролмайди.

Ақл — ақлдан ташқаридаги ҳодисадир!

Ақлдан ташқаридаги, унинг доирасига сиғмайдиган ҳодисаларга дуч келганда, тафаккур боши берк кўчага кириб қолади. Ундан чиқиш учун у турлича йўл тутиши мумкин. Айрим кишилар тушунтиришга ожиз ҳодисанинг ўзини рад этади, гўёки у мавжуд эмасдек. Айримлар фантастик ёки мистик уйдирмалар тўқий бошлайди. Фақат теран тафаккур соҳиблари ноанъанавий мантиқ ёки мистик рационализм, интуиция ва ички ишонч ёрдамида зиддиятни бар-тараф этади. Булар трансцендентликнинг тафаккурда намоён бўлишидир. «Трансцендентлаштириш, илмий рационализм сингари, муайян ва аниқ билимлар бермаса-да, бари бир ўрганилаётган борлиқнинг айрим теран хоссаларини илғашга қодир»¹, — деган фикрга қўшилиш лозим.

Трансцендентлаштириш айниқса буюк валий зотлар ижодида кўп учрайди. Баъзи бир мураккаб ҳодисаларни улар нафақат ақл кўзи, шунингдек, қалб кўзи билан ҳам кўра олганлар.

Эркин тафаккур фақат «яланғоч рационализмга» асосланиши мумкин эмас. У оқилона тарзда трансцендентликни ҳам ҳисобга олиши, ақл ва кўнгилни мувозанатга келтириши лозим. Бунинг учун ақлий тарбия, фан асосларини ўрганиш ҳиссий тарбия билан қўшиб олиб борилиши керак. Инсонда инсоний туйғулар (ўзгаларга ҳамдардлик, хайрихоҳлик, диёнат, бурч, ватанпарварлик, адолат туйғулари, гўзалликка ошуфталик, нозик дид, завқ-шавқ ва бошқа юксак туйғулар) етарлича шаклланмаса, у нечоғлик билимли бўлмасин, унинг ҳаётга, одамларга муносабати маълум даражада бир томонлама бўлиб қолаверади.

Азалдан баъзи мулоҳазаларда ақл ва кўнгилни бир-биридан ажратиш, ҳатто қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Кўнгилга қараб яшаш керакми ё ақлга, деган баҳслар ҳам бўлиб туради. Кўнгил ва ақл қутбий ҳодисалар эканлигини инкор қилмасдан, шуни таъкидлаш зарурки, аслида қутблар ўртасида ҳеч қачон аниқ чегара ўтмаган, қутблар бир-биридан ажралиб, мавжудлигини сақ-

¹ П. В. Алексеев, А. В. Панин. *Философия*. М., 1997 й., 66–67-бетлар.

лаб қололмайди. Ҳақиқатан, инсон онгининг икки даражаси — ҳиссиёт ва ақл — диалектик бирликни ташкил этади. Кўнгил олий ва теран туйғулар, завқ-шавқ ва орзумидни туғдирувчи, унга интилувчи нозик ҳиссиёт сифатида ақлга таянади, ўз навбатида унга инсоний фазилатлар бағишлайди. Кўнгилдан ажралган ақл воқеа ва ҳодисаларни бир томонлама баҳолайди, маълум вазиятларда ҳатто ёвузлик ва золимликка, қотилликка қодир. Кўнгилга, виждон ва диёнатга қулоқ тутмаган ақл учун асосий мезон мақсадга мувофиқлик бўлиб қолади. Кўзланган мақсадга эришиш учун у ҳар қандай воситани оқлаши, шу жумладан, ёвузликдан ҳам қайтмаслиги мумкин. Кўнгил ақлни салбий хатти-ҳаракатдан сақлайди. Ақлдан ажралган кўнгил эса нафсга, ҳирсга айланиши ҳеч гап эмас. Чунки жиловланмаган ҳиссиёт дағаллашади, чегара билмас хоҳиш-истакка айланиб, инсонда носоғлом эҳтиёжларни, худбинликни вужудга келтиради. Ҳиссиётни жиловлайдиган, эҳтиёжлар соғломлигини текшириб, тўғри-лаб турадиган ички куч ақлдир. Шу боис *тафаккур эркин ва самарали бўлиши учун ақл ва кўнгил мувозанати зарур.*

Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ижтимоий онгда, миллий тафаккурда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энг аввало халқимиз инсоннинг тафаккури ва иродасини чеклаб қўядиган ижтимоий қўрқувдан халос бўлди, унинг иллатларини бартараф этмоқда. Лекин тафаккур эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини тўлароқ юзага чиқариш учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, ижтимоий қўрқувни туғдирувчи ёки озиқлантирувчи ҳар қандай омилларга қарши фаол курашмоқ, демократияни ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамламоқ зарур. Эртанги кунга ва ўзига ишонч аҳоли онгида ислохотлар самараси ошган сайин ўсиб бориши муқаррар. Айнан келажакка ва ўзига ишонч турли хил номукамаллик туйғуларидан халос бўлишга ёрдам беради. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз» ғоясини ёшлар онгига сингдириш, соғлом миллий ғурурни шакллантириш жуда муҳим.

Бозор муносабатлари ва рақобат ривожланиши жараёнида тафаккур тарзи рационаллашиб боради. Чунки тад-

биркор ишлаб чиқаришни тўла ва батафсил калькуляция қилишга, харажатлар ва даромадларни аниқ ҳисоб қилишга мажбур бўлади. Ҳар бир оила, рўзғор ҳам харажатлар ва даромадларни аниқ ҳисоблашга ўрганadi. Булар тафаккур рационаллашувининг моддий-иқтисодий омилларидир.

Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, унга мутасил замонавий технологик янгиликларни жорий қилиш, бозор талаблари ва конъюнктурасини таҳлил қилиб энг қулай қарорлар қабул қилиш оддий ишчи ва корхона раҳбарларидан тортиб то жамият институтларигача рационал фаолият юритиш заруратини юзага келтиради. Ўз навбатида рационал фикрлаш ва оқилона фаолият юритишга интилиш бозор рақобатига, турмуш талабларига яхшироқ мослашиш имкониятини беради.

Аммо бозор шароитида рақобат одамларнинг ўзаро беғоналашувига, юлғичлик ва бойиш ҳирси авж олишига сабаб бўлмаслиги учун, *тарбия тизими янги воқеликка мослаштирилиши зарур*. Юлғичлик аслида кенг омма учун, шу жумладан, аксарият тадбиркорлар учун ҳам хос эмас. Аммо ўтиш даврининг зиддиятлари хусусий тадбиркорлик шаклланиши ва оёққа туриб олиши жараёнида илк, ёввойи капитализмнинг айрим иллатлари пайдо бўлишига маълум даражада замин яратди. Хусусий бизнес оёққа туришининг зиддиятли жараёни ва ўтиш даври қийинчиликлари аҳолининг онгини, тафаккурини бузиб юбормаслик чораларини кўриш зарур. Одамларни фақат ҳалол меҳнат ҳамда ўз шериклари, давлат ва қонунлар билан ҳалол муносабатда бўлиш бозор иқтисодиёти шароитида унинг иши ривожланиши учун муҳим шарт ва омил эканлигига ишонтириш керак.

Тафаккурнинг рационаллашуви унинг фаол ва мустақил (эркинликнинг асосий шартларидан бири) бўлишига йўл очади. Ижтимоий ҳаётнинг либераллашуви, демократия ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш ҳам, бир томондан, жамият институтлари ва аъзоларининг эркинлик даражасини оширса, иккинчи томондан, ўз ишлари, хатти-ҳаракатлари, қарорлари учун масъулиятни кучайтиради. Бу яна тафаккур фаол ва мустақил бўлиши, ҳаётий муаммоларни тўғри таҳлил қилиб, тўғри хулосаларга келишининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий заминини кенгайтиради. Демократия ва фуқаролик жамияти яна

шунингдек тафаккур эркинлигига тўсқинлик қилувчи ижтимоий қўрқув, миллий номукамаллик туйғуси қолдиқларини тўлиқ бартараф этишга шароит яратади ва ўзлари ҳам бунга хизмат қилади.

Демак, *демократияни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш тафаккур эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий шартларидан бири.* Демократия ривожланмаган жойда тафаккур масъулиятдан, мустақилликдан қўрқиб, обрўли фикрга тобе бўлиб қолаверади.

Демократия ва фуқаролик жамияти ривожланиши даражаси охир-оқибатда тафаккур эркинлиги даражасини белгилайди. Тафаккур эркинлигини шакллантирувчи, юзага чиқарувчи омиллар орасида *маънавий-маданий омиллар* гуруҳини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Таълим-тарбия тизими, ёш авлодни ўқитиш, унга зарур замонавий илмий ва касбий билимларни бериш, юксак ахлоқий ва эстетик фазилатларни, соғлом миллий ғурур ва ватанпарварликни шакллантириш, фикрлаш маданиятини ўстириш жамият тараққиётининг ҳам, тафаккур ривожланишининг ҳам асосий шarti ва воситасидир. Таълим-тарбия тизими Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлиш, шахсни баркамол этиб тарбиялашнинг барча масалаларини тўла ҳисобга олиши лозим. У эклектика ва догматизмдан ҳам, миллий нигилизм ва маҳдудликдан ҳам бирдай холи бўлмоғи шарт.

Юқоридагилардан аён бўладики, тафаккур эркинлиги ўзининг ижтимоий мазмунига кўра, гуманизм, демократизм ва тараққийпарварлик тамойилларига таянади. Воқеликка муносабатига кўра, у адекватликка, асосан рационализмга, холисликка интилади, масалага ҳар томонлама ёндашиб, таҳлил ва умумлаштиришнинг илмий усулларида фойдаланади. Унга масъулият, ижодий ва танқидий руҳ, фаоллик ва мустақиллик хос.

* * *

Маънавият инсон ва жамиятнинг хос, моҳиятли белгиси сифатида улар ҳаётининг маънисини, мезони ва мақсадини ташкил этади. Инсон ва жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичи, ўлчови пировард натижада маънавиятдир.

Чунки моддий бойликлар кўпайиши, ишлаб чиқариш ва технологиялар ривожланиши охир-оқибатда инсоннинг эркинлик даражаси ўсишига, унинг шахси камол топишига, жамиятдаги муносабатлар янада инсонийлик касб этишига, яъни маънавият юксалишига хизмат қилмоғи лозим. Акс ҳолда улардан инсон учун ҳеч қандай наф йўқ. Иқтисодиёт ўсса-ю, инсон қарам бўлиб қолаверса, технологиялар янги-ланса-ю, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар такомиллашмаса, биз ижтимоий тараққиёт юз берди, деб айтолмаймиз. Бежиз баъзи файласуф ва социологлар ижтимоий тараққиёт деган тушунчанинг ўзини тан олмайдилар. Улар фикрича, жамият қайси бир соҳада илгарилаб кетса-да, бошқа соҳаларда (айтайлик, ахлоқ, санъат ва ш.к.) ва масалаларда депсиниб тураверади, баъзан ҳатто ортга чекинади. Масаланинг мураккаблиги ижтимоий тараққиётнинг ягона универсал мезони йўқлигида, қўлланилаётган мезонларнинг анча нисбийлигидадир. Инсон эркинлиги даражаси ва умуман маънавият юксалиши мезони сифатида олинса, назаримизда, нисбийлик бир оз камаяди, универсаллик бир оз ошади. Маънавият инсон ва жамият тараққиётининг мезони ва айни пайтда унинг мақсадидир, десак, хато бўлмайди.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон фаол яратувчи, ҳақиқий шахс бўлиши, яъни индивидуал, бошқаларда такрорланмас ўзига хосликларни миллий ва умуминсоний хусусиятлар билан чамбарчас ҳолда ўзида мужассам этиши учун у энг аввало эркин ва ижодий фикрлайдиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, ташаббускор ва мустақил қарор қила оладиган, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб, тўғри қондира оладиган, меҳнатсевар киши бўлиши керак. Мазкур инсоний хислатларнинг барчаси маънавият таъсирида шаклланади.

Агар ушбу китоб ўқувчига маънавиятни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, бир оз бўлса-да, англаб олишга, ўз тасаввурларини маълум даражада кенгайтиришга ёрдам бериб, қандайдир мулоҳазалар уйғотган бўлса, муаллиф ўзини мақсадига эришган, деб ҳисоблайди.

Китобда ўқувчини қаноатлантирмаган, эътироз уйғотадиган қарашлар, хулосалар учраши табиийдир. Улар юзасидан билдириладиган ҳар қандай танқидий фикр ва маслаҳат учун муаллиф олдиндан миннатдорчилик билдиради.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
---------------	---

I қисм. Маънавият ижтимоий ҳодиса сифатида

«Маънавият» тушунчаси, моҳияти, тузилмаси ва ижтимоий вазифалари	7
Маънавият тушунчаси шаклланиши ҳақида фараз	7
Маънавият тушунчасининг моҳияти	17
Эътиқод ва маънавият	22
Маънавият ва инсон табиати	33
Маънавият ва маданият	43
Маънавият ва ирода	46
Маънавият таърифи ва тузилмаси	50
Маънавиятнинг меъёрийлиги ва ижтимоий вазифалари	54
Маънавиятнинг вужудга келиши	58

II қисм. Ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари

Ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ва хусусиятлари	75
Ислоҳ тамаддунининг вужудга келиши ва равнақида аждодларимиз ҳиссаси	115
Амир Темур ва темурийлар даврида маънавий-маданий уйғониш	131
Анъанавий жамиятнинг узил-кесил қарор топиши ва маънавий турғунлик	149
Совет даврида маънавиятимизга таъсир кўрсатган баъзи омиллар	167

III қисм. Маданий мерос ва маънавият

Мустақилликнинг маънавий асослари	176
Маданий меросга муносабат	197
Маданий меросга муносабатнинг мезонлари	198
Истиқлол ва ислоҳ масаласи	211

IV қисм. Маънавият ва тараққиёт модели

Тараққиётнинг ўзбек модели тушунчаси: мазмуни, тузилмаси, асосий тамойиллари	241
Маънавият ва иқтисодиёт	270
Демократия ва тараққиёт модели	306
Демократия ва иқтисодиёт	325
Маънавият ва фуқаролик жамияти	336

V қисм. Маънавият ва тафаккур эркинлиги

Тафаккур эркинлиги зарурати	365
Тафаккур эркинлиги: масаланинг қўйилиши	382
Тафаккурнинг тарихий шакллари	398
Рационал ва иррационал тафаккур	426
Тафаккур эркинлиги мезонлари	453

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Тошкент «Маънавият» 2009

Муҳаррир *М. Ражабова*

Мусаввир *Н. Попов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *О. Бозорова*

Компьютерда саҳифаловчи *Г. Отаскевич*

Босишга 29.05.2009 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108₃₂. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 25,2. Нашр т. 26,5. 3000 нусха. Буюртма № 463. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 15–09 .

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 700083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2009.